

АББОС САИД

ҚАРИЯ

Қиссалар, ҳикоялар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

Саид Аббос

Қария: Қиссалар, ҳикоялар.— Т.: «Шарқ», 2006.— 352 б.

Ёзувчи Аббос Саидни нашриётимизда чоп этилган «Кўчада қолган одам» ва «Беш кунлик дунё» романлари орқали яхши танийсиз. Унинг мазкур китобига жамланган қиссалари, ҳикоялари қайта ишланиб, тўлдирилиб нашрга тайёрланди. Асарлардаги кўплаб қаҳрамонлар ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, ўтмиш қатағон йиллари жабр-ситамларини тортиб, яқинларидан, соғлиқларидан айрилган, аммо имон-эътиқодига содиқ қолган заҳматкаш халқимиз вакиллари. Уларнинг чигал, айни дамда ибратли тақдирлари китобхоналаримизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

ББК.84(5У)6

ҚАРИЯ

*Мен синук, кўнглум синук, сабрим
уйи худ ерга паст,
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган
мунча шикаст.*

Алишер Навоий

Йигирма тўрт йил кейин

У қабристон дарвозасидан ичкарига кириши билан тўғрига — икки тарафига қатор тераклар ўтқазилган асфальт йўл адоғидаги янги шийпонга кўзи тушди. «Хўп яхши иш бўпти-да! Янгисини қуриб кў-ўп савобли иш қилишипти. Бурунгиси босиб тушай деб қолувди. Одам чиқиб ўтиришгаям чўчиб турарди», деб муҳокама юритди, сўнг эса йўлнинг икки тарафидаги қабрларга кўз югуртирди. Қабрларнинг тили йўқ эди, қабрлар сукут сақлаб ётарди. У шийпонга ёхуд ана шу безабон, беадад қабрларга томон олиб борадиган йўл билан юрмай, беш-ўн қадамдан сўнг сўлга бурилди — Далавой гўрковнинг ҳовлиси шу ёқда эди.

То ҳовлига довур чўзилган, шигил-шигил узумини кўтаролмай эгилиб тушган омонат сўри тагидаги чорси ништ ётқизилган торгина йўлка билан пастак шамшод эшик қаршисига келди-да, зулфинини қоқди. Хаёлдан шу дам: «Бу кичиккина эшиқдан Далавой қандай қилиб сизаркин?» деган ўй ўтди, ана шундай ўй ўтиши ҳамоно эшик нима бўпти, марҳумлар учун қазиган гўрчининг ичига бемалол кириб-чиқиб юради-ку, деб мулоҳазаланди, гўрковнинг исмини айтиб чақирди.

Ҳовлида ит вовулади, занжирини судраб остонага довур ириллаб келди. Кўп ҳам ўтмай айвоннинг эшиги тарақлаб очилиб, кимдир ҳовлиқиб оёғига бир нима илди-да, уни судраб шу ёққа ошиқди. Шамшод эшик

очилиб бўсағада ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамали ориқдан келган, заҳил юзи янаям сарғайиб, унинг сил ёхуд бўлак бир оғир дардни бошидан кечираётганидан дарак берувчи, отаси Далавойга ўхшаш бўйчан бола кўринди.

У қарияга салом берди. Орқасида туриб нотаниш одамга қараб ҳуришини қўймаётган сариқ лайчани қўйиб ҳайдади.

Аппон чол боланинг саломига алик олди. Алик олиш барабарида: «Гўрковнинг қайси бир қизи, янглишмасам тўнғичи эди шекилли, шунинг боши жуда катталигини билардим, бу ўғлиям нотавон кўринади», деб фикр қилди, ортидан Далавойнинг ўзи бунақамас-ку: *хўкизни урса қулатадиган сиёқи бор. Нега энди болалари бундай касалвон бўлиб туғилди экан, деб сўзланди, кейин ана шу мазмундаги ўй кўнглидан кечганини тезда фаромуш қилиб, ундан сўради:*

— Даданг борми? Далавой уйдами?..

— Бостирмага ўтвоқинг, амаки. Ўша ёқда сигирга қарашаяпти, — бола ёшига номувофик ингичка, паст овозда ҳовли орқасига ишора қилди, кейин яна оёғи тагига келиб ириллай бошлаган итининг қорнига қараб тепди. Ит ангиллаганча занжирини судраб, думини оёқлари орасига суқиб нари кетди.

Аппон чол итга «зўрдан-зўр чиқса, зўр жимиб қолади экан» қабилида қараб қўйиб, бола кўрсатган томонга ўтди.

Ҳовлининг орқасида таппи қуришиб қўйилган майдон. Майдоннинг этагига қатор қилиб япасқи шотутлар экилган. Уларнинг орқасида дўмпайган-дўмпайган уч-тўртта қабр — Далавойнинг яқинлариники бўлса керак, одатдаги гўрлардан узунроқ ва каттароқ, силлиқ қилиб сувалган. Қабрлар устига ва ён-атрофига тўкилган тутларни чуғурчуқлар чуғурлашиб, бир-биридан қизганиб чўқилаб ейиш билан овора. Ундан нарида томига сандал курси, машина балони, хашак-хушак уйиб ташланган бостирма. Ўша ёқдан шамол тезак аралаш мол шиптирининг қўланса, товуххонанинг ёқимсиз бадбўй ҳидини димоққа олиб келиб урди. Гўрков билан хотини жайдари зотидан бўлган катта қора сигирнинг атрофида куймаланиб, унинг елинига нимадир юборишаётган эди. Бостирма адофидаги олд

тарафига сим тўр тутилган товукхона бўм-бўш. Ҳар тарафга тарқаб ризқ-рўзини териб юрган оқ, сарик, қора товуклардан икки-учтаси сигир охури тагидаги юзароқ қутига уйиб ташланган тарвуз палласи, қовун пўчоқлари, шунга ўхшаш сабзавот чиқитларини титишини қўймайди.

Аппон чол йўлка охирига бориб, бир текисда экилган бел баравар атиргуллар орасидан ўтди. Гул танасидаги тиканлар шимидан кириб оёғининг, қўлининг бир-икки ерини тирнади. У эътибор бермади, эътибор бермади эмас, хаёли жойида эмаслиги сабаб сезмади. Кўпдан бери сув оқмайдиган, қақраб ётган ариқдан ҳатлаб, бостирмага рўпара — қари тол тагига еганда тўхтади.

Гўрков ҳам, хотини ҳам бегона киши тўғриларига келиб туриб олганини сезишмади. Улар бетоқатланиб, яғринига ёпишишини қўймаётган итпашшани думи билан уриб, дам бир оёғини, дам иккинчисини кўтаравериб ишга халал беришини қўймаётган говмишни тинчлантиришга уринишарди.

Аппон чол ўзининг хуфиёна келганига ўнғайсизланди. Эр-хотин тагин бўлак хаёлларга бориб ўтиришмасин, деб томоқ қириб йўталиб қўйди.

— Ҳорманглар-ов, Далавой! Ҳа, ука, тинчликми?— деб сўраган киши бўлди.

Далавой гўрков тол танасига қўлини қўйиб турган Аппон чолни кўрди-ю, унинг бу ерга қай маҳалда келиб қолганидан ажабсинди. Қовоғи очилиб, тўтаракка мойил қонталаш юзи хиёл ёришди.

— Ассалому алайкум, Аппон ака. Келинг, келинг, — деди, қўлидаги узун дори юборгични хотинига тутқизиб, ўрнидан қўзғалди.

Гўрковнинг хотини ҳам Аппон чолга салом берди. У қирқ беш билан эликлар миёнасидаги юзга чўзиқ, рангпар, кўзга қисик бўлган чувалчангдай чуваккина аёлнинг саломига алик олар экан, хаёлан мана бу мазмунда сўзланди: «Унинг учун болалари касалвон кўринишаркан-да! Далавойнинг аёли «пүф» деса учиб кетадиган, рамақижон экан!» Шундан сўнг гўрковга юзланиб:

— Ишингни қилвол, Далавой, мен шошаётганим йўқ, — деди.

Гўрков тақир бошидаги, ажин босган ботиқ пешонасидаги майда тер томчиларини йўғон бармоқлари билан сидириб, ерга силкиди, қўлини қўлтиғи ва елкаси терлайверганидан шўралаб оқариб кетган энгли кўйлагига артди, бостирма устунисидаги михга илиб қўйган марғилони дўпписини олиб бошига кийди. Ҳали ҳам бетоқатланишда давом этаётган говмишга ичи ачиётганини бош тебратиш орқали маълум қилар экан:

— Иккинчи марта бир ерга ўйлашиб борадиган бўпсан, Қумри, — деди. Хотинига бу мазмундаги гапи ёқмаганини, у қисқа, сийрак қошларини чимириб ер остидан унга ғилайланиб қараб қўйганини кўргач эса, тагин ҳам баландроқ, зардали овозда: — Барибир бугун сут ололмайсан — қон соғаверасан. Шунинг учун, бор, яхшиси ҳув орқадаги ялангликка обориб боғла! — деб буйруқ берди, кейин Алпон чолнинг ёнига келиб у билан кўришди.

Қумрига эрининг бегона одам олдида уни силтаб ташлаши айил ботса-да, чурқ этмади, унинг амрига итоат этиб, сигирнинг олд оёғи тагида қолган арқонни тортиб чиқарди-да, учини қозикдан ечишга киришди.

Алпон чол сигир билан бир кор-ҳол юз берганини туйди.

— Ҳа, нима бўлди, Далавой? — деб сўради.

Гўрков сигирнинг узун арқонидан ушлаб толнинг нариги тарафидан олиб ўтаётган хотинига димоқ қилгандай энсаси қотиб боқди. Буни Қумри ҳам сизди, эрининг авзойи бузилганини кўриб, товукникига ўхшаш ингичка бўйинини қисик елкаси орасига олди. Юрайми-юрмайми қабилида оёқларини зўрға кўтариб ташлаётган говмишнинг арқонидан икки-уч бор силтаб тортди, у ҳадеганда бўйсунавермагач, қўлидаги тол хивич билан боши аралаш гарданига туширди. Говмиш ундан норозиланганини билдириб, қабристонни бошига кўтаргудай бўлиб «мў-мў»лади, лекин қадамини тезлатмади, лапанглаган кўйи оғзидан сўлагини оқизиб судралиб кетаверди.

— Сигирни еди булар, — гўрков белидаги қизил лас қийикни ечди, юз-қўлини яна бир сидра артди. Алпон чол тушунмадим йўсинида ажабсиниб қараб

турганини кўргач эса: — Кўз — тошни ёрар деганла-рича бор экан, ака. Сигирни икки кун Бўривойнинг хотини соғувди, керосинчи Бўривой-чи, Ибройим отанинг орқасида, жиннихона тўғрисида керосин дўкони очган Бўривойни айтаман-да! Мана буёқдаги қўшним,— деб қабристоннинг ён томонидаги, дарвозаси рўпара-сида шотиси баайни замбаракка ўхшаб осмонга қара-тиб қўйилган арава турган ҳовлига ишора қилди: — Келинингиз беш-олти кун бурун опасиникига тўйга кетувди, жиянини узатиб, шунинг хотинига ишонибди денг, қизиталоқнинг кўзи бор экан-да! Битта эмчаги-нинг ич томонида без пайдо бўлиб фасод бойлабди. Лаънатини кўрсангиз худди томир дейсиз: икки та-рафга тарвақайлаган. Шу йирингни тортиб олиб, мой юбораётгандим. Жонивор ёмон азоб чекапти ўзиям. «Бунақа челақлаб сут берадиган говмишни энди кўри-шим», деган гапни қилган экан Қумрига, — гижин-гандай кўйи қўшиб қўйди у. — Берса нима — дунё берармиди — икки челақка яқин сут беради-да бор-йўғи! Болаларнинг ризқини... Шунини отибди-да, моча-фар...

Аппон чол гўрковнинг хотинини йигирма-ўттиз чоғ-ли қабр ортидаги сайҳон ерда уйилиб ётган пичан фарамига қараб судрай бошлаган говмишдан нигоҳини узмай туриб:

— Тумор-пумор осиб қўймаган экансизлар-да, Да-лавой, — деди.

— Бўйнида калишминан пошна бўлгучи эди, этик-нинг пошнаси. Хотин содда-да, ҳалиги келиннинг кўнглига бўлак нарсалар келиб ўтирмасин тагин деб ечиб қўйган экан. Мени биласиз, Аппон ака, молга қарашни хуш кўрмайман, хуш кўрмайман десам ёлғон бўлар, қўлимдан келмайди, ундан кейин бу жониво-рам фақат Қумрининг сўзига киради — тили бир ик-ковининг...

— Ҳа, қийин бўлти жониворга, — қиров оралаган чўққи соқолининг учини силади Аппон чол, унинг кўркам, нурли юзида, катта-катта ботиқ қўйқўзларида куйинганликка монанд ифода қалқидиким, бундан ҳозирги гапни шунчаки эмас, юракдан чиқариб айта-ётганини сезиш қийин эмасди.

— Дарвоқе, нега бу ерда турибмиз? Қани юринг ичкарига!.. — деб ҳовлиси томон бошлади Далавой гўрков.

Аппон чол уни йўлдан тўхтатди. Йўғон, бақувват билагидан тутиб қатъий эътироз билдирди:

— Йўқ, йўқ, бошқа пайт!..

— Бўлмаса шийпонга ўтайлик. Янги шийпонни кўрдийизми? — сўради гўрков, қабристон миёнасидаги садага ишора қилди.

— Дарвозадан кириб келаётганимда кўзим тушди, Далавой. Аммо-лекин кўп савобли иш қипсан-да! Барака топ, ука, юртнинг дуосини оладиган бўпсан.

— Чой дамлаб элтиб қўйинглар девдим болаларга. Ҳойнаҳой обориб қўйишгандир, аччиқ фамил чой...

Аппон чол индамади. Атрофидаги кўҳна-янги, паст-баланд, сағанали-сағанасиз, панжарали-панжарасиз, мақбарали-мақбарасиз қабрларга ўйчан, айни пайтда маънос, ўзини ҳам ўлим кутаётган, ҳаётининг поёни кўриниб қолганини қалбан чуқур англаб етган одамларга хос тарзда кўз югуртириб чиқди-да:

— Бир маслаҳатли иш бор эди, Далавой, — деди. Унинг овози илгаригидай залварли эмасди, овозининг футури кетган, овози шикаста, дардли эди.

Гўрков Аппон чолни анчадан буён билгани боис, уни бундай тушкун кайфиятда илк бор кўриши эди, шунинг учун ҳам таажжубланди.

— Хўш, хўш, — деди у, унинг олдига ҳам маслаҳат сўраб келадиганлар бор эканидан бир ҳисобда ичдан мамнунлик ҳис этди. — Қандай маслаҳатли иш экан?..

Аппон чол пича тек қолди. Қулт этиб югинди-да:

— Бизнинг хилхона қаерда эканини биласан-а, ука?— деб сўради.

Далавой гўрков Аппон чол хилхонасини суриштириб қолганига бошида ҳайрон бўлди, аммо кейин: «Ё мени синаш учун бу гапни айтяптими?» деб фикр ҳам қилди. Унинг жавобини кутаётган Аппон чолнинг кўнглига бўлак нарсалар келмасин учун кулиб қўйди. Қулгиси тагида истеҳзо йўқ эканини билдириш мазмунида изоҳ берди:

— Билмасам нега гўрков бўп юриппан, ака!..

— Яхши, яхши... — Аппон чолнинг хаёлидан шу он: «Нима, Далавой чиранаяптими?» деган ўй ўтди,

биноқ гўрковнинг ташқи қиёфасида мазкур мулоҳаза-
засига асос берадиган бирон белгини кўрмади, шу-
нинг учун ҳам ҳалиги ўринсиз саволидан ўпкалади.
«Аммо-лекин ўзининг саволингга ярашиқ жавоб ол-
динг, Аппон», деди ичида, сўнгра гўрковга юзланиб: —
Бўлмаса юр, ўша ёқда айтаман, — деди.

Далавой гўрковни хаёл курғур ҳар ёққа олиб ке-
таверди. Яқинларининг қабрига яшириб қўйган нар-
саси бормикин, мени ўша ёққа опкетяпти, деган ўйга-
ча борди. Аппон чол гўрков билан олдинма-кейин одим-
ларкан, унинг кўнглидан қандай ўйлар кечаётганини
тахминан чамалади. Улар ҳар турли қабрлар ораси-
даги ўт босган, ёлғизоёқ йўл билан қари сада тагига
етиб келдилар. Саданинг қуюқ шоҳлари ўнг ёнидаги
шийпонни ҳам соя қилиб турарди. Гўрков сада билан
шийпон оралиғидан шалдираб оқаётган чуқур ариқ
лабига чўнқайиб юз-қўлини ювишга киришди. Аппон
чол аввалгисининг ўрнида қад ростлаган янги ший-
понга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Тўрдаги бир учи
ёнган бўйра устига тўшалган эски йўл-йўл кўрпачага,
шапарак ёстиққа кўз қирини югуртириб: «Ҳа, бара-
калла!» деди, шийпонни қурган устанинг иши маъқул
тушганини, Далавойдан мамнун бўлганини бош сил-
киш ҳамда самимий табассум билан сездирди. Йўғон,
сертомир гарданини қийиққа артаётган гўрков айб-
дорларча кўзларини жавдиратиб: «Болалар чойни уну-
тишибди-ку, Аппон ака», деди. Ҳамсоясидан: «Шунга-
ям ташвиш чекяпсанми?» деган гапни эшитгач эса, «Ни-
маям қилардик, кетдик бўлмаса», деб, ариқдан ҳатла-
ди-да, шийпоннинг орқасига ўтди. Аппон чол унга
эргашди. Кўп ҳам юрмай ўнгга бурилдилар. Олдила-
рини кесиб ўтиб, чилонжийданинг тагидаги ковакка
кириб кетган юмронқозиқ диққатларини ўзига жалб
этди: бир-бирларига кулимсираб қараб олдилар-да,
икки тарафи бошдан-оёқ гўрлар билан тўлган торгина
қиялама йўлдан пастликка, қабристоннинг кунботари-
га томон йўналдилар.

Ярим йўлга етганда Аппон чол тўхтади. Шу дамда
унинг ранги ўзгарди — дам қизарди, дам гезарди.
Чўзинчоқ билан тўтарак миёнасидаги қоратўри юзида
ғазаб ўти алангаланди. Йўқ, мазкур ифода қандай тез
пайдо бўлган бўлса худди шундай тез йўқолди. Буни

ҳатто гўрков ҳам илғаб улгурмади. Ўрнини ўкинч аломати эгаллади. Унинг тўхтаганига ва ёввойи дўлана тагидаги сағанаси қора мәрмардан ишланган ва сатҳига мәрхумнинг сурати туширилган, қаровсизликдан анча чўкиб, атрофини ўт-ўлан босиб кетган қабрга термилиб қолганига эътиборини қаратган гўрковга юзланиб:

— Содир аканики. Дадам раҳматлининг ошнаси эди, — деди, «ошнаси эди» сўзини аччиқ киноя билан айтди, аммо гўрков буни тўғри тушунди. Унинг тўғри тушунганидан Аппон чол бир ҳисобда севинди ҳам, негаки у гапни кўпам чуватишни хоҳламаётганди. Шунинг учун энди киноя билан эмас, анча жиддий, жиддийдан ҳам кўра, ҳеч бир мазмунни бермайдиган қуруқ оҳангда сўзида давом этди: — Дадам раҳматлидан анча кейин ўлди бу киши... — у сағанадаги ёзувга тикилган кўйи хийла тек қолди. Ҳеч қутилмаганда, инон-ихтиёрига қарши ўлароқ мана бу жумлани қўшимча қилди: — Абдаз ҳам мендан кейин узилади...

Далавой гўрковни унинг сўнги гапи ўйлатиб қўйди, ўйлатиб қўйибгина қолмай ажаблантирди. Аппон чол унинг ҳайрат бармоғини тишлагудай бўлиб анграйиб қараб турганини кўргач эса: «Қани, кетдик!» деди-да, жойидан жилди. Гўрков «ҳеч нимани тушунмадим» йўсинида елка қисди, сағанадаги суратга яна бир бор назар солди-да, сўл оёғини бир тарафга ташлаб унга эргашди.

Улар қабристоннинг кунботар қисмига етиб келдилар. Қор-ёмғирда нурайверганидан туянинг ўркачига ўхшаб паст-баланд бўлиб қолган узун гувалак девор анча олисда эса-да, унинг ортидан оқиб ўтадиган сойнинг салқини шу ерга ҳам етиб келганини ҳар икковлари ҳис қилдилар. Адил тераклар, қайрағочлар, акасларда туриб сайраётган майна, ҳакка, чуғурчук, чумчуқлар қабристоннинг оромини бузар ва бу билан гўё унинг валати, ёқимсиз сукунатига халал бераётгандай бўлардилар. Ҳар қалай, Аппон чол учун ҳам, Далавой гўрков учун ҳам шундай туюлганини уларнинг тепага — дарахтларга алланечук қизиқсиниб қараб олганликларидан сезиш мумкин эди.

Аппон чол бедана юриш қилиб гўрковнинг олдига ўтиб олиб, йўл бошлади. Таниш ва нотаниш одамларнинг гўрлари ёнидан ўтиб, қабристоннинг этак томонига тобора яқинлашдилар. Аппон чол фақирона сағанасига «Норхол Суюнбой қизи» деб ёзиб қўйилган ва шу йилнинг кўкламида дунёдан кўз юмгани қайд этилган қабр тепасида тўхтади. «Наҳотки Шокирнинг биринчи хотини бўлса?! Наҳотки ўша?! Унинг исми Норхол эмасди шекилли? Йўқ, Норхол эди! Ҳа, ҳа, Норхол!... Отасининг исмиям Суюнбой эди, Суюнбой мироб! Булар асли чувалачилик эди...»

Унинг қабр тепасида ўй суриб қолганини кўрган Далавой гўрков сўради:

— Танишингиз эдими, Аппон ака?..

— Ҳа, ҳа, танишга ўхшаяпти, — серажин кенг манг-лайнини, томирлари бўртиб чиққан чаккасини қашиди Аппон чол. — Шокир деган ошнам бор, хончорбоғлик, шунинг биринчи хотинининг исмиям Норхол эди, отасини Суюнбой мироб дейишарди! Чувалачилик эди булар асли...

— Қаерданлигини билмайман-у, Аппон ака, аммо бу бечорани мошина уриб кетган деб эшитиб эдим, — деди Далавой гўрков. — Мошинанинг тагида қолиб ўлган экан раҳматли.

— Ҳа, ёмон бўпти. Жуда ёмон бўпти.

Улар бирин-сирин йўлга тушдилар. Аппон чол шу лаҳзада ўзининг бутун ташвишларини фаромуш қилган, фикри-зикрини ҳалиги гўр банд этганди. Ҳақиқатда у ўша Норхолники бўлса, ўша Норхолники эканига эса шубҳа қилмаётганди, албатта унинг ўлимидан Шокир баззоз хабар топган бўлишини ва бу машъум воқеа ошнасига таъсир кўрсатмай қолмасини тасаввур қилди-ю, шунча пайтдан бери унинг ҳолидан хабар олмаганига афсусланди.

У хилхонасига қандай қилиб етиб келганини сезмади.

Бу ердан нафақат сувнинг салқини келар, балки унинг шовқини ҳам яққол эшитилиб турарди.

— Бизникилар жуда баҳаво жойда ётишибди-да, Далавой, — деди Аппон чол анча жимликдан сўнг, ота-боболарига ҳавас қилгандай оҳангда.

Далавой гўрков мийиғида кулди.

— Ўлгандан кейин баҳаво жойда ётдинг нимаю бошқа ерда ётдинг нима!..

Аппон чолга гўрковнинг мана шу гапи ёқмади, аммо ёқмаганини айтмади, фақатгина нигоҳи орқали сездириб қўя қолди.

У офтобда қовжираб, сарғайиб кетган ёвшан, бурган, янтоқ, қоқиўт, қичитқига ўхшаш ўт-ўланларни босгани сайин уларнинг орасидан оқ чивинлар, майда сариқ, қора чигирткалар учиб чиқар, сакраб бошқа ерга қўнарди.

Улар тўрт тарафи катта панжара билан ўралган ва атрофига атиргул, гулсапсар, наъматаклар ўтқазилган тўртта катта ва яна битта кичиккина қабр тепасига келишди.

— Бизнинг ота-боболар сағанани ёқтиришмаган. Ётганимизда елкамизга юк бўлмасин дейишган. Йўқса, сағана ўрнатишга қурбим етадику-я Далавой! — тушунтирди Аппон чол, хаёлидан эса: «Бу билан нима демоқчисан? Ўзингни оқламоқчи бўляпсанми ёки мақтанаяпсанми?!» деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию Йўқ, йўқ, бундай демоқчимасдим... бундай ўй миямга Содир аканинг гўри устидаги фалон пуллик сағанага кўзим тушганида келди шекилли, шунга қора мрамар қўйишибди-ю, аммо Аппон ака ўз отасига оддий тошниям раво кўрмабди-га, бошқа яқинлари майли энди, деган ўй Далавойнинг кўнглидан ўтган бўлиши мумкин, деб тахмин қилганим учунам унга шундай деб юбордим, деди, яна ортидан, Авваламбор тахминингни ўзи ноўрин, тахминингни дастмоя қип олиб ҳалиги гапни гапиришинг унданам ноўрин-га, мусулмоннинг иши эмас, деб хулосаланди, хулосаланиши ҳамон юқоридаги номатлуб сўзларидан изза тортди.

— Тўғри айтасиз, — унинг ноқулай вазиятга тушганини англади гўрков. — Лойминан сомон бериб яхшилаб суваб турилса бўлди-да, Аппон ака. Манави панжара бўлмаса майли эди.

Аппон чол бетигаги бир парча мрамар лавҳага бу ерда ётган марҳум ва марҳумаларнинг исми-шарифи, туғилган ва вафот этган йиллари қайд этилган панжаранинг эшикчасини очди. Аввал у, ортидан гўрков ичкарига кирди.

— Анови ерда отамлар ётибдилар, Далавой, — у хижолатпазликни тезда унутиб, тўрдаги қабрни қўли билан кўрсатди. — Отамларни билмасанг керак. У кишини даданг раҳматли яхши билардилар, аммо-лекин бошқача одам эдилар. Уларнинг аёллари, яъни бибимиз, Комолон дарвозадаги Хўжа Аламбардорга кўмилганлар. Ёлғиз қолмасинлар деб онамиз раҳматлиниям бибимизнинг ёнларига қўйганмиз. Отамнинг ёнларидаги гўр амакимизники, мановида опоқимиз ётибдилар. Уларнинг ёнларида ожизалари дафн этилган. Бунисини биласан — падари бузрукворимизники... — у юқори-қуйи дўмпайган тўрт қабрдан берироқда — беш-ўн йил бурун ўтқазилган бодом тагида бўлган қабрга ишора қилди. — Дадамни сен ўзинг ерга қўювдинг, эслайсанми? — деб сўради, гўрков «ҳа» деган маънода бош тебратиб қўйгач эса: — Ўшанда чиллақдай йигит эдинг, Далавой, эндигина дадангнинг фотиҳаларини олиб иш бошловдинг, — деди, ёш гўрковнинг отасини ерга қўяётгандаги чаққон ҳаракати кўз олдида тажассумланди. «Бу йигит намунча шошмаса? Ё дадамни лаҳадга жойлаб чиқиш унинг учун шарафми? Худди ҳавасга кўмаётгандек тупроқ тортади-я!» мазмунида хаёл қилгани худди кечагидай ёдида, кейин, ўша пайтда бундай ўй нафақат унинг, бошқа бировнинг ҳам дилидан ўтиши табиийдек кўрингани важи ўзини койиб ўтирмади, «чиллақдай йигит эдинг» деган сўзлари ўйлатиб қўйган Далавой гўрковга: — Мана шу ер ука, яна бир қабр учун жуда боп эканда, а? — дея отасининг оёқ тарафидаги бўш жойни назарда тутди. Гўрковнинг «ана шунинг учун бошлаб келганингизни сезувдим» йўсинида кулимсираб, дўрдоқ лабини тишлаб бош силкиганини кўргач эса, анча ўнғайсизланди, уни чалғитишга ошиқиб: — Қани, манов ерга ўтирайлик-чи, тиловат қилволайлик аввал, — деб, ён тарафдаги, панжарага тақаб ишланган, уч-тўрт кишига мўлжалланган ўриндиққа бориб омонатгина ўтирди.

Далавой гўрков оёғини баҳона қилиб унинг рўпасига — ҳалиги бўш ерга кетини қўйди. Аппон чол Қуръон тиловат қилди. Гўрков унинг тиловатига some эканини билдириб, бўйин эгиб, юзига фотиҳа тортиш тадорикини кўриб ўтирди. Аппон чол ўқиган Қуръо-

нини ота-боболари, яқинлари, таниш-нотанишнинг руҳига бағишлади. Гўрков ҳам унинг тилагига қўшилишди.

Орага жимлик чўкди. Жимликни Аппон чол бузди.

— Тунов куни де, Далавой, дадам раҳматлини туш кўрсам-да! Ғалати туш, — кулимсиди у, кулгиси зўрма-зўраки чиқди, ана шу зўракиликни унинг ўзиям ҳис этди. — Ҳовлимизга киргансан-а, Далавой? Кирган бўлсанг, сўри тагида супа бор, эслайсанми, ҳовли тўрида. Шу супада ўтирганмишлар. Дадам раҳматли ёшликларисида жуда чиройли киши эдилар: тик қомат, қоматларисига муганосиб кенг елка, тўгарак юз, қирра бурун, қуюқ чора соч, қора қош... хуллас, янаям чиройли бўл кетганмишлар. Сочлари қиртишланиб олинган, бурнилари остидаги мош-гуруч мўйловларию кичиккина чўққи соқоллари эътибор билан қайчиланган... Эгниларисида тоза қаламидан ёзлик кўйлак-иштон, елкаларисига, тер артарга шекилли, оқ лас қийиқ ташлаб қўйганлар. Лекин бошларисида қора бахмал дўппи дегин. Қора бахмал дўппи дадам кийганларини ҳечам эслолмайман, фақат, меникига ўхшаган кўк, — бошини ушлаб қўйди у, — ё бўлмаса яшилини киярдилар. Оёқларисида кавуш ўрнида пучуқ калишмиш. Ўзлари ниманидир ўйлармидилар ё хомуш кўринармидилар, шу ҳечам фарқлаёлмаяпман-да! Ғалати манзара, Далавой. Тўғриларисига — пойгакка кўрпача солдириб, мени ўтиргиздилар. Маслаҳатли иш бор, дедилар. Нима иш экан десам, менинг ёнимга ўтгин, дейдилар. Сезяпсанми, Далавой, дадам мени шу ерга чақиряптилар...

Гўрков Аппон чолнинг сўзларини диққат билан эшитди. Юз-кўзларисида деярли ўзгариш содир бўлмади. Аппон чол «гўрков нима деркин» қабилида оғзига тикилди. Далавой унинг юзисидаги маънони уққани боис:

— Қўйинг-е, ака, ҳали кўп йил яшайсиз! Ўлик кўрса тирик кўради деган гаплар бор-ку, ахир! — деб таъбирлади.

— Йўқ, Далавой, дадам мени чақирдилар, қўлимга сув қуйиб турасан, дедилар. Қизиқ, у киши бизникига от миниб келдилар-а, бедав от. Уям супа атрофида ўйноқлаб юрувди... Лекин, Далавой, беш-ўн кун бурун ғалати ҳодисанинг гувоҳи бўлувдим. Дадам раҳматлидан анча китоблар қолган. Шу китоблар сақданадиган

уйга арвоҳ капалак кеп ёпишиб олганди, уй деворидаги осийлиқ турган Қуръон тагига. Жуда чиройли арвоҳ капалак... Супа атрофида айланиб юрган бедава ўшанинг қаноти бормиш-да!..

— Тушда одамзодга нималар кўринмайди дейсиз?!— гўрков унга далда беришга берди-ю, бироқ ҳикоясидан ўзи ҳам ғайриихтиёрий равишда сесканиб кетиб, баданида чумоли ўрмалагандай бўлди. Аппон чолнинг сўзларида жон бордай эди. Шу баробарида қария ҳали тетикдай, ҳали уни ажал ўз домига тортишига эртадай туюлаверди. Унга, Аппон чол нохуш тушидан кейин ваҳима гирдобига ўралашиб қолгандай кўринса-да, унинг бу нарсаларни ўта хотиржамлик билан сўзлаётганидан ажабсинди. Шу боис: «Аппон аканинг бу кўйга тушишида бўлак бир сир бўлиши керак», деган хулосага келди.

— Шундайликка шундайку-я, Далавой, лекин... лекин... — Аппон чол жим қолди, дилидагини тилига кўчирмади, аммо дадасидан эшитган юқоридагига ўхшаш воқеани қисқача баён қилди: — Дадам раҳматлиям қазо қилмасларидан бурун тушларида отамни кўрганаканлар, — деди у, сўнгра тўрдаги қабрга шама қилди, — Атҳамбой отам кириб чиққанаканлар тушларига...

— Ундай дейдиган бўлсак, Аппон ака, менам неча марталаб отамни, онамни, таниш-нотанишларни кўриб чиқаман. Мана шу қўлларим билан кўмилган нечта одамлар кириб чиқади тушларимга!— дея йўғон-йўғон бармоқларининг икки-учтасида тирноғи кўчган, қадоқ босган рапидадек кенг кафтини у ён-бу ён айлантирди.

— Сеники бўлак гап, Далавой. Сен касбинг тақазосидан кўриб чиқсанг ажаб эмас, илло меники бошқача... — Аппон чол ўлимини нега бунчалар ишонч билан башорат қилаётганининг асосий сабабини айтмоққа тараддудланди-ю, лекин ўзини базўр тўхтатиб улгурди. Гўрковга бу гапим ҳам эриш туюлади, деб фикр қилди.

Далавой гўрков ортиқ уни юпатиб ўтирмади. Истеҳзоли кулиб қўя қолди.

Аппон чол ҳам ҳадеганда бир хил сўз билан гўрковнинг жиғига тегаверишини бас қилиб, уни хилхонасига бошлаб келишдан мақсадини ошкор этди:

— Мана шу ерга бир гўр қазиб қўйсанг, Далавой!..

Далавой гўрков ажабланмади. Зеро, чолнинг гапни айлантиравериши охир-оқибат шу юмушни гарданига юклаш билан якунланишини яхши сезганди. Шунинг учун ҳам бўртиқ ёноқли қонталаш юзини бош ҳамда шаҳодат бармоқлари билан пайпаслаган қўйи пича тек қотди. Охири мана бу баҳонани дастак қилиб боқди:

— Тирик одамга гўр қазिश мумкинмас-да, Алпон ака. У илгарилари эди.

— Нега мумкин эмас?

— Қонун йўл қўймайди.

Гўрковнинг қонунни пешлаши унинг касб-корига ярашмади. Гўрковнинг қонунни пешлаши Алпон чолга айил ботди.

— Менга қонунни пешлама, ука!..

Далавой гўрков унинг жаҳди чиқа бошлаганини сезди, шунинг учун ҳам сал пастдан келиб тушунтирди:

— Ўлганлик ҳақида дўхтирдан, ЗАГСдан қоғоз керак бўлади.

— Мачиткўчадаги Соҳиб Содиқзода қайси дўхтирдан қоғоз опкепти, а Далавой? Уям бундан ўн йиллар бурун қазиттириб қўйганди. Мана ўзи ҳалиям ҳаёт.

— Унинг йўриғи бўлак. У ҳукуматнинг одами, Алпон ака.

— Ҳа, рост, тўғри айтасан, — анчайин тушкун кайфиятда унинг сўзларини маъқуллади Алпон чол. — Биз ҳукуматга ўтаймиз, — у, гўрков отасининг қамалиб чиққанини назарда тутмаётганига, буни шунчаки бир айтиб қўйганига имони комил эса-да, ичдан зил кетаверди, кўнглининг бир чети ғашланиб, Далавой шунгаям шама қияпти, деб муҳокама юритишгача бориб етди. Шундан сўнг, Ғалаба байрами арафасида урушда яраланганлардан бир қанчасини район ҳарбий комиссариатига чақиртиришганини, Чуқурсойдан у билан Абдулазиз ҳам шулар орасида бўлганини, ҳаммалари иккинчи қаватдаги энсиз йўлақда турнақатор тизилишиб турганларида каттасининг хонасидан узун рўйхат билан қайтиб чиққан малла лейтенант бошқаларни бирин-сирин ичкарига таклиф этганинию навбат Алпон чолга етганида қўлидаги қоғозга қараб ўйга толганини ва ниҳоят: «Сизни эса, Атҳамбоев Алпон, майор Қаҳрамонов бошқа куни чақиртирадилар», деб мужмал жавоб қилганини, ортидан кўнгил кўтарарга

бўлса керак, «Ҳа, ҳа, яна битта группамиз бор, мукофотланадиган, шулар билан чақирамиз», деб қўшиб қўйганини: у, яъни Алпон чол ерга кириб кетгудай аҳволга тушиб хижолатланганини, шу баробарида қайтиб ичкарига йўналган лейтенантга томон норозиланиб қараб қўйиб: «Авваллари ҳеч йўқламасдилар-ку! Нега шу сафар чақиртириш зарур бўл қолдийкин буларга?!» деб ажабланганини, сўнг эса, уруш йилларида ҳам у қўп маротаба мукофотга тақдим этилганини-ю, бироқ хўжжатлари юқоридан қайтиб келаверганини ўйлаганини, мазкур ўйи таъсирида: «Бир пайтлар «халқ душмани» қилинган одамнинг ўғлига ҳукумат орден берармиди?!» мазмунида ҳукм чиқариб уйига қайтганини хотирлади. Кейин, анчагача, ўша куни ўзини кўрмаган, аммо бир марта турқи-тароватини кўриб қўйишни орзу қилган майор Қаҳрамоновнинг қилиғини эслаб сиқилиб юрди, охир-пировардида: «Урушда ҳалол курашиб келганимни булар билмаса, худо билади-ку!» деб ўзига-ўзи тасалли берди, тасалли беришга берди-ю, лекин Абдулазизнинг, сенинг ошнангман деб юрган Абдулазизнинг, у билан кўп жангларда бирга бўлган, неча ўлимга рўпара келган, уруш тутагач, юртга бирга қайтган Абдулазизнинг Ғалаба куни телевизорга чиқиб айтган гапини сира унутмади, унутолмайди ҳам...

— Сиз айтаётган Соҳиб Содиқзода, Алпон ака, Чиратойдаги мозорга қазиттирган-ку?!

— Нима, бизнинг Ибройим ота мозори — мозор эмасми, Далавой? — жавоб қилди Алпон чол, гўрковнинг баҳонасига у қадар аҳамият бермагандай овозда. Хаёлини боз Абдулазиз банд этаверди. «Алпон телевизор кўрмайди деб ўйлаган шекилли», деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию *Бутун юртга қараб туриб ёлғон сўзлади-я!.. Ахир, ўшанда, Минск яқинида, Молдахматни, Сакенни у эмас, Шоқир икковимиз суграб опчиқувдик-ку! Қолаверса, у хушсиз эди. Унинг ўзиниям медсанчастьга Шоқир элтиб кўювди шекилли. Яна ҳеч андиша қилмай: «Ошнам Алпон Атҳамбоевни оличиб медсанчастьга элтиб кўйдим», деди, ҳеч бир мулоҳазасиз, ҳеч бир хижолатланмай шундай деди-я! Тағин нима деди? Тағин бир ўзим ушунга «тил» ушлаб частга опкелдим, дейдими? Ахир бир вақт ушунга қайтиш ларканми? Нима, душманни аҳмоқ деб ўйлаётганими?*

Учтаси унга ўзини ушлатиб қўярканми?! Оғир яраланиб ётганлариниям «тил» ўрнида қабул қиялптими?! Уларнинг нимаси «тил» бўлсин?! Ойнаи жаҳондан туриб одамларни ўз гапига ишонтирмоқчи бўлди-я!.. деб ичида сўзланди, вужуди ўртангандан-ўртанди. Қирқ учинчи йилда Матвеевка яқинида қуршовда қолишганини хотирлади. Уларнинг полклари ўттиз тўққизинчи армияга бориб қўшилганди. Мақсад қуршовни ёриб чиқиш эди, лекин бу осон иш эмасди, устига-устак ёз охирлаб, кузнинг рутубатли кунлари бошланганди, ёмғир кетидан ёмғир уриб беришини қўймасди. Беш-ўн чоғли одам азоб-уқубатларга бардош беролмай ўзини отиб қўйишгача бориб етганди. Яна бир неча йигит терлама билан оғриган, бутун бошли полқдан бор-йўғи қирққа яқин жангчи қолганди, холос. «Қуршовдан қандай бўлмасин чиқиб кетиш илинжида ўн кунлар ўрмонда санқигандик, оч-яланғоч», деди у, кейин очликка ҳам чидолмай ўзларини нобуд қилганларни эслашга тутинди. «Ахир, ўшанда, Абдаз ҳам қўлига отганди-ку, ўзини-ўзи яримта қилиб, шу йўл орқали урушдан омон-эсон қутулиб кетмоқчи бўлмаганмиди? Яхшиям ўшанда Молдахмат кўпларнинг жонига ора кирди. Қаердандир ориқ бир отни топиб келиб сўйди, йўқса, дуч келган дарахт пўстини шилиб еявериб, дуч келган ўт-ўланни чайнайвериб йигитларнинг оғзини чақа босиб кетувди, қанчасининг ошқозони ишдан чиқувди...»

Далавой гўрков Аппон чол қаерда эканини фаро-муш қилиб хаёллар дарёсига шўнғиб кетганини кўрди-ю, томоқ қириб йўталиб қўйди.

Аппон чол ёнида одам бор эканини, қабристонда ўтирганини унутаёзганидан қаттиқ ноқулайлик ҳис этди. Узоқ хўрсинди.

— Менинг гапим ерда қолмасди, Далавой. Кўплар кулоқ соларди менга. — Унинг сўзлаш тарзидан гўрковдан ранжиётгани яққол сезилиб турарди.

— ...

— Кампирнинг бир ўзига қийин бўлади. Куёвлар, барибир, ўғил ўрнига ўтмас экан, ука.

Аппон чолнинг зорлангандай оҳангда сўзлаши гўрковга ғалати таъсир этди. Кўнгли юмшаб, катта пучуқ бурнининг учи ачишди.

У пича ўйламсираб турди-да:

— Нимаям дердим, майли. Карнайчидан, «пуф» дегандай гапку-я!.. — деди.

— Шундай қилгин, Далавой, — гўрковни кўнди-ролганидан кўнгли ўрнига тушди Аппон чолнинг. — Мана шу ердан қазигин, хўпми? Кенгроқ қип қазидан — ёнбошлаб ҳам ётиш имкони бўлсин!..

Гўрков кулиб юборди. Бир томондан шу дамда Аппон чолнинг кўнглига ҳазил қилиш сиққанидан кулса, иккинчи томондан унга, яъни гўрковга қаттиқ гап айтиб юборгани важи шу мазмундаги ҳазилни атайдан кўшиб қўйганини фаҳмлагани учун кулди.

— Куласан-а, Далавой? Бир кулгили гап айтиб берайми? — деди Аппон чол, ўзи эса кулмади, ташқи авзойи ҳозиргига нисбатан янаям аянчли тусга кирди. — Хабаринг бор, ука, унча-бунча бедана боқиб юраман, — у аслида «бедана уриштириб юраман» демоқчи бўлганди, шундай демай юқоридаги жумла билан кифояланди, — беданани шунчаки эрмакка боқаман, Далавой, — у бу сўзларни ҳам бўлакча ифодалади, зотан «бедана уриштирган бўлсам шунчаки эрмакка уриштирганман» дейишни кўнглига тукқанди, — ундан бойишни сира ўйламаганман, — у «уни уриштириб бойишни сира ўйламаганман» дейишни мўлжаллаганди, лекин нима учун ўзи ўйлагандай эмас, сал бошқача сўзлаганига ҳайрон қолди, дарвоқе, гўрков, ўзининг бедана уриштиришини мансаб деб билипти Аппон чол, деб ўйламаслиги учун ҳам шу йўсинда таъбирлай бошлаганди: — Худо ҳаққи, қизиққаним учун боқаман, қизиққаним учун уриштириб тураман, — рост сўзлаганидан сўнгина хийла енгил тортди. — Бир куни Абдаз ҳовлимизга кеп қолди, ошнам Абдаз, — у шундай дегани учун ўзидан ижирғанди, негаки Абдулазиз қирғин-барот уруш воқеаларини ёлгон сўзлаб ошначиликларини оёғости қилганди. — У нима дейди дегин? Сенинг сарифинг билан уриштирадиган бир тулагим бор, дейди. Менда бир ғалати бедана бор, сариқ бедана. Кўкбел атрофидаги қозоқнинг даласидан тутиб келганман, ўтган кўкламда. Беданаман бедана ўзиям, кураги ерга тегмаган, — ўзининг ўхшатишидан кулимсиди Аппон чол. — Шунимни енгди унинг туллаги, — бу сафар юзида истеҳзоланишга

монанд белги қалқиди, — уни қара, Далавой, у юртга Аппоннинг сариғини макиён билан енгдим деб ёлгон тарқатибди. Топган гапини қара! Юртам содда экан, тутал сўзларига инонганлар бўлди. Лекин, Далавой, ўзинг танангга ўйла, ҳеч замонда макиён уришарканми? Аслида Анормат бор-ку, — деб қабристондан ярим, бир чақиримча нарида қад ростлаган тепаликка томон қараб олди, — эски тегирмоннинг ўрнини сим тортиб ўраб олган Анормат, шу Абдазга куёв бўлади. Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлма, эрдан қайтиб келган синглизини Салтанатга уйланган. Хабаринг бор, неча йилдан бери Анормат сўққабош эди. Абдаз ўртада туриб синглизини оберди, тўрт-беш йил бурун... Ана шу Анорматнинг туллаги билан енгган экан... Қаердан билдингиз дейсанми? Бағиш айтди. Болаларни алдаб лойхуштак сотиб юрадиган Бағиш лўли. Хотинини Салтанат чақирган экан, билмадим фол очиргани шекилли, шунда Абдаз билан Анорматнинг суҳбати қулоғига чалиниб қопти. Уни оқизмай-томизмай эрига кеп айтибди. Бағиш ғойибдан худонинг ўзи етказди-ку, деган бўлса керак-да, эшакаравасига ўтириб, ҳовлиқиб Абдазникига кепти. «Бу шумликларингни Аппон акага айтиб бераман!», деган гап билан уни тоза қўрқитибди. Абдазнинг ўтакаси ёрилаёзибди. Пора бериш эвазига шу воқеани сир сақлашга Бағишни кўндирибди. Лўлининг мақсади шу экан-да аслида! Боя айтдим-ку ахир, Худо ғойибдан етказди, деб суюнганини... Буёғини эшит энди, Абдаз ваъдасида турмай, эрта кел, индин кел, деб Бағиш шўринг қурғурни тоза сарсон қипти. Ваъдасидан эса дарак йўқмиш. Охири нима қипти дегин? Охири уйдан ўттизта ёғ шиша кўтариб чиқибди, шарабарачи шу билан алданар деб ўйлаб. Бағишники тутиб кетибдию... «Менданам ўтиб тушган қурумсоқ экансиз, суф сизга-е!», деб, ёғ шишаларни унинг ўзига отиб урибди. Буни менга унинг ўзи келиб айтиб берди, — «Бағиш келиб менга гуллади» дейишни ўзига муносиб билмади, яна ижиргангандай қиёфага кирди.— Обба шайтон-ей! — деди, бу сўзни жуда аччиқ киноя билан айтди, аммо бу киноясини ҳам гўрков англолмади, уни юқоридаги сўзлар ўйлатиб қўйганди. Аппон чол унинг англолмай қолганидан бу гал ҳам севиңди, зеро, ошнасини мазах қиляпти Аппон ака,

деб ўйлаши мумкин эди-да Далавой гўрков. — Макиён билан энгдим деб уйдирма гап тарқатибди-я, калтафаҳм, — у бу жумлани энгил койигандай тарзда талаффуз этди. Ичида эса: «Аппонни медсанчаства елкамда опичиб обордим», деб обрў орттирмоқчи бўлдимми? Ҳа, ҳа!.. «Беданасини макиён билан энгдим!» деб юрт ўртасида обрўсизлантиргандай бир гап-да! Хўжали — Алихўжа... Лекин нима учун қариганда бу ишни қиляпти? Ё умр бўйи шундай иш қип келгану мен сезмаганмикинман? Наҳотки шундай бўлса?.. Ўзининг дардим ўзимга етарди-ку!..», деб мулоҳазаланди, кейин гўрковга қаради. Далавой айни дамда Аппон чолдан бир нарсани сўрагани-ю, аммо Аппон чол ҳам ўз навбатида нимани сўраганини пайқолмаганди. Шу важдан «саволингни қайтар» мазмунида гўрковга нигоҳ қадади.

— Нега бу ишни қилдйкин, Абдаз ака? — сўради Далавой гўрков, Аппон чолнинг ҳалиги Содир ота деганнинг қабри тепасида туриб айтган ушбу сўзларини эслади: «Абдаз ҳам мендан кейин узилади!» Мазкур жумла билан юқоридаги гаплари орасида қандайдир боғлиқлик кўрди, аммо бу боғлиқлик у қадар эътибор берарли туюлмади, шунинг учун унга диққатини қаратганини тезда фаромуш қилди.

— Ҳайронман, — Аппон чол ўзининг ҳайрон эмаслигини айтишни лозим топмади. Сўнгра қўшиб қўйди:— Ҳазиллашгиси келгандир-да!..

Далавой гўрков «бу баҳонамас-да энди» дегандай унга боқди.

— Обба Абдаз ака-е! Хўп ғалати иш қипти-ку, а? — деди.

— Ғалати иш, ғалати! — унинг гапини маъқуллади Аппон чол. — Ғалати бўлмаса сўзлаб ўтирармидим, — у анчагача жим қолди, кейин тиззасига шаппатилаб урди. Бу ҳаракати орқали «қани, турамизми?» ишорасини қилган бўлди.

— Менам тиловат қиворай, — деди Далавой гўрков.

— Яхши бўларди, — севиниб кетди Аппон чол, юзига фотиҳа тортиш тадорикини кўриб қўлларини жуфтлади.

Гўрков Қуръон ўқиди. Уни марҳумлар руҳига бағишлади. Бу сафар Аппон чол унга соме эди.

Ҳадемай улар шийпон рўпарасидаги асфальт йўлга чиқиб бордилар.

Аппон чол бир нарса эсига тушгандай кўйи:

— Айтмоқчи, Далавой, — дея ёзлик кулранг халатининг киссасига кўл суқди. Чарм ҳамёнини чиқариб ичидан иккита йигирма бешталик суғуриб олди. Уни гўрковга тутди: — Мановуни опқўй, ука...

Далавой гўрков аввал пулга, ундан эса Аппон чолга ола қараш қилди. Қўлини итариб ташлади.

Аппон чол «Далавой элик сўмни назарига илмади» деб ўйлаб:

— Нима, камми? — деб юборди.

Гўрков бароқ қошларини чимирди. Қонталаш бети янаям қизарди.

Аппон чол ноқулай аҳволда қолди. Ўзининг паст кетганидан азият чекди.

— Ҳай, майли, эртага хабар оламан-ку! — деди, хаёлан эса: «Ана ўшанда берсам хафа бўлмайди, ҳозир пул чиқариб чакки иш қилдим», деб фикр юритди. Пулни қайтариб ҳамёнига солди. Бошқа киссасидан носқовоғини олди. Бир чимдим носни бурнига искаб, бурушиқ кафтига тўқди-да, уни тилининг тагига отди. Гўрковга «чекасанми» дегандай илтифот билан носқовоғини тутди, у: «Йўқ, нос чекмайман», дегач эса, «илгарилари чекардинг-ку» қабилида таажжубини ифодалаб кўз, қош, лабини қимирлатди, носқовоғини киссасига қайтарди.

Улар қабристон дарвозасидан ташқарига чиқдилар.

Аппон чол юпқа билан қалин оралиғидаги қурушиқ лабини чўччайтирди.

— Мен бу ёқдан кетаман, — деб пастликдаги овлоқ йўлга ишора қилди.

— Текис йўл қолиб-а? — ҳайрон бўлди гўрков.

— Анорматдан нос олволмоқчийдим, — деб жавоб қилди Аппон чол, оғзидан нос аралаш сўлак отилди.

— Ҳа, ундай бўлса шу ёқ яқин.

Аппон чол гўрков билан хайрлашди-да, сўлга бурилди. Йигирма-ўттиз қадам наридаги тош зина билан пастликка тушиб кетди.

Гўрков ҳам узоқ турмади. Аппон чол зинага етар-етмас ортига қайтди.

Пастликдаги камқатнов, тор, ўнқир-чўнқир кўча қабристоннинг орқасига — сойнинг йўлига олиб чиқарди. Сой билан қабристон оралигида бир от-арава сиғарли йўл бор. Бу йўлнинг бир боши сой биқинидаги ташландиқ қамишзорга, иккинчи боши эса тепаликнинг ортидаги руҳий касалликлар шифохонасига олиб борарди. Аппон чол ана шу йўлга чиқиб олди. Чуқурсойнинг бу этаги одамлар эътиборидан четда бўлгани боис қабристоннинг гувалак девори нураб ётар, ҳатто толзорга яқин бир жойи шу қадар ўйилиб тушгандики, у ердан бемалол ичкарига сакраб тушиш мумкин эди. Аппон чол толзорга етганда бундан ўн кунлар бурунги бир воқеа ёдига тушди. Ўшанда у самовардан кеч чиққан, йўл-йўлакай Анорматникидан нос олиб, шу овлоқ кўча билан уйига қайтаётганди. Қатор толлар савлат тўкиб турган ерга келганда, қабристон ичида, деворга яқин ерда эркак одамнинг дўрилдоқ овози-ю, унга жавобан аёл кишининг ҳиринг-ҳиринг кулгиси қулоғига чалинди. Кейин, бирдан овоз ҳам, кулги ҳам таққа тўхтади. Улар биров толзор яқинидан ўтиб кетаётганини сезгандилар. Бу биров — Аппон чолнинг юраги товонига тушиб кетгандай бўлди. Негаки, у эркакнинг овозини таниганди. Овоз Бўривойники эди. Аёлнинг кулгисини эса, нима учундир, Салтанатникига ўхшатди. Аммо, кейин, кўз билан кўриб, қўл билан ушлолмагани сабаб, бировга тўхмат қилаётгандай бўлиб туюлаверди. Шу ваздан ўз мулоҳазасидан изза тортиб, нохуш воқеани фаромуш қилишга уринди. Мана ҳозир ярмига довр нураб тушган девор ёнидан ўтар экан, боз ўша кунги воқеа хаёлини банд этди. Аёлнинг кулгисини яна Салтанатникига ўхшатаверди. «Кўй-э! Бу бемаъни хаёлни каллангдан чиқариб ташла! Анормат ҳаммани кўйиб хотинини кечқурун кўчага чиқарарканми? Келиб-келиб Бўривой билан дон олиштириб қўярканми?!» деб муҳокама юритди, кейин қабристондан оқиб чиқиб, толзор орқали унинг орқасидаги кичиккина сайҳон ерга ўтадиган ариқдан ҳатлаб, сой ёқалаб ярим чақиримча юрди. Сўлга бурилиб, ёлғизоёқ йўл билан Анорматникига тушиб бормоқни кўзлаб турганди, ўнг томондан йигирма-ўттиз метр наридаги, бир ёни сойга туташган яғриндор ясси тепаликка кўзи тушди. Давангидай

бир яланғоч болани елкасига миндириб олган Тилла ана шу тепаликка қараб кўтарилаётганди. Аппон чол уни қишин-ёзин эгнидан тушмайдыган солдатча кўйлагидан, бошидаги тус дўпписидан таниб қолди. Пастда ўглаб юрган қора тўриқ от эса узун арқонини суриб сойга томон эниб кетди.

Аппон чол ўша ёққа юрди.

Тилла тепаликнинг ярмига ҳам етмади, бола елкасидан ағдарилиб, иккови олдинма-кетин пастга қараб думалади. Тилла тўриқнинг арқони боғланган харсанга келиб урилишига оз қолди — яхшики оёғини тошга тираб улгурди. Унинг устидан қулаган бола эса, Аппон чол тўхтаган ерга довур умбалоқ ошиб келди-да, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ўтакаси ёрилиб, ғазаб билан Тиллага қаради-ю, бироқ қаердандир пайдо бўлган бегона мўсафид олдида ўзини тутиб қолди. Офтобда тобланаверганидан янада қорайиб, пўст ташлаган елкасининг лат еган-емаганига қараб, қўли билан пайпаслади.

Аппон чол тўриқни таниганидан бола Бўривойнинг ўғли эканини дарров англади.

У ўн уч-ўн тўрт ёшлар атрофидаги бу қорамағиз боладан аччиқланди ва аччиқланганини очиқ-ойдин ифшо этди:

— Бу нима қилиқ, болам? Ахир, акангни майиб кип қўясан-ку!.. Иннайкейин, ўзингнинг ҳам у ер-бу еринг шикаст еса, нима бўларди?!

Рўпарасидаги қария бир девонани «аканг» дейиши болага ёқмагани шундоққина ташқи авзойидан кўришиб турарди. Унинг отасиникига ўхшаш самимийликдан йироқ бўлган қоп-қора, чўзиқ, гўштсиз юзида, одамга такаббуруна боқувчи қаттиқ кўзларида истеҳзоланишга монанд кулги ўйнади.

— Бу нега энди менга ака бўлар экан? Бу — «айши» Тилла-ку! — деб, Тилланинг «мана шу» деган сўзини «айши» йўсинида бузиб талаффуз этишига ва такрор-такрор ишлатишига ишора қилди. Сўнгра оқсоқланиб келаётган Тиллага юзланиб: — Ҳа, от мишиш қалай бўларкан? — деб кесатиб, яна уни мазах қилди.

Аппон чолнинг Тиллага ичи ачиди. Унинг айбдорларча тавозеланиб берган саломига алик олди. Рапи-

дадек кенг, бақувват, қорайиб кетган қўларини қисиб қўйиб:

— Болам, бунақада майиб бўп қоласан-ку! — деди, унинг болаларча соддалигини йўқотмаган оқ-сарикқа мойил эса-да, айна лаҳзада олма янглиғ қизарган нурли юзига, катта билан кичик оралиғидаги зоғча кўзларига анча тикилиб турди, сўнг қўшимча қилди: — Шу давангидай болани ўша тепаликка опчиқмоқчи бўлдингми, а?..

Болага Аппон чолнинг сўнгги гапи айил ботди. У кўзларини бақрайтириб, зардали овозда деди:

— Мен Тиллангизни тепаликка опчиқасан деб зўрлабманми?! Ўзи отингга минай деб ҳол-жонимга қўймади, эвазига сени тепаликка опичиб чиқаман, деди, а, шундайми? Шу гапни гапирдингми, Тилла?..

— Айши тўриқ опчиқади-ку, Ота! Айши Арслонни опчиқади-ку!.. — дея боланинг ёнини олгандай тарзда куйиниб сўзлади Тилла, сойдан бош кўтармай сув ичаётган отга ҳавас билан термилди. Унинг кулча юзига муқоясалаганда бир оз катта бўлган ялпоқ бурнининг учи ва қизларникига ўхшаш чиройли кўзлари қизарган, бунинг натижасида кулгиси бошқача кўринаётганди: — А, Арслон? — деб болага мурожаат қилди у.— Айши тўриқ сени неча марта ҳув ўша тепаликка опчиқади-ку, а?..

— Тўриқ билан сен баравармисан? Отга ўзингни тенглаштиряпсанми?!

Исми Арслон бўлган бу бола яна Тиллани ихонат қилди. У Аппон чолга юзланиб:

— Агар Тилла арақ ичиб олмаганида, албатта, тўриққа ўхшаб мени айши тепаликка опчиққан бўларди. Тўғрими гапим, Тилла? Ўтган сафар икки марта опчиққандинг-ку, а? — у Тилланинг жавобини кутиб тиржайди.

Аппон чолга муштдай боланинг ўзидан ўн ёшлар чамаси катта бўлган йигитни ҳалидан буён сенсирраши, сенсирраши ҳам майли, устидан кулиб, отга миндириш бадалига ўзи устига миниб олиб, тепаликка чиқишга мажбур этиши қаттиқ таъсир кўрсатди: қоратўридан келган серажин, серсоқол юзи тундлашиб, ўйчанликка мойил қўйкўзларига ғам чўқди. Илло бу нуроний юзда боладан нафратланишга ёинки уни лаъ-

натлашга монанд аломат кўринмади, фақат унга ҳам ўз навбатида ачингандай бўлиб: «Ё тавба, отаси Бўрига ўхшаб буям бўри бўпти-ку!» деб қўйди холос.

Тилла жуда катта гуноҳ иш қилиб қўйганига иқрор бўлгандай бош эгди. Шунинг баробарида ичганини сотгани учун Арслонга ер остидан ўқрайиб, муштини кўрсатди.

— Ахир, бир марта тавбангга таянудинг-ку, ўғлим? Тагин ичишни бошлабсан-да! — ундан ўпкalandи Аппон чол.

Тилланинг нурли юзи қайғуга ботди, кенг манг-лайида икки қатор ажин пайдо бўлди, анча ўйга чўмди. Йўқ, бир пайт, бу номақбул ишга ўз ихтиёри билан эмас, ўзга одамнинг қистови орқасида қўл урганини асослайдиган омилни топди шекилли, ҳовлиққан қўйи ўзини оқлашга тушди:

— Айши нарсани олмасдим, Ота, — у арақни назарда тутиб томоғига чертди, — айши нарсани Йқболхоннинг дадаси қўйиб бергани учун олдим!..

— Уларникида нима қилиб юрибсан?

Тилла Аппон чолдан ҳам, ёнидаги Арслондан ҳам бир нарсани яширган бўлиб, эркаланиб кулимсиди:

— Анормат тоғамдан сўради. Кейин опкетди.

— Ким опкетди? Нимани сўради?

— Абдаз амаки кеп опкетди. Бир тўнка бор, шуни қазиб берасан, — деди.

Аппон чол Тилланинг оғзидан Абдулазизнинг исмини эшитиши заҳоти тепа сочи тикка бўлиб кетаёзди. Ўзини қўярга жой тополмади — тутагандан-тутади:

— Нима, индамай қазийвердингми?..

— Ҳа, Ота, бирпасда қазиб ташладим, — оғиз кўпиртириб мақтанди Тилла, кейин бир нарса эсига тушиб қолган, бир нарсасини йўқотган одамдай атрофга олазarak боқди. Йўқ, бир маҳал, наридаги қовжирок ўтлар устида ётган жигарранг халтасини кўриб, кўнгли ўрнига тушди.

— Ўзининг ўғиллари қазийёлмасаканми? Давангидай-давангидай ўғиллари бор-ку, шулар қайда экан?!

Анчадан буён уларнинг ўртасига қўшилолмай турган бола Аппон чол «давангидай» сифатини бошқаларга ҳам тақаганидан ижирғаниб, айни пайтда

гап қистириш мавриди етганини ҳис этиб, орага суқилиб:

— Уларга Тиллага ўхшаган қип-қизили керак-да! Ярим пиёла арақ қуйиб берса, битта эмас, ўнта тўнқани индамай қазийверади, — деди, хахолаб кулди у. Бу гапдан сўнг Тилланинг авзойи ўзгариб, ўзини қўярга жой тополмай қолганини ва белидаги солдатча қайишини ечишга тутинганини кўриб, ҳозир у мени уриб юборади, деган мулоҳазага борди-да, пастга — оти эниб кетган сойга томон қочиш қилди.

Тилла ҳақиқатан ҳам унинг «қип-қизил» деб масхаралашидан газабланганди. У, Арслоннинг, сувга калла ташлашга қулай бўлсин учун шу ерлик болалар томонидан қирғоққа олиб тушиб қўйилган эски чўян печ турган ерга қараб югураётганини кўрди-ю, қўлидаги қайишни ҳавода ўйнатиб, унинг ортидан қувди.

Аппон чолга ҳам Арслоннинг гапи таъсир этмай қолмади. У Абдулазизнинг бетига қарамасликни кўнглига тукканди, йўқ, унинг бир бечорага арақ қуйиб бергани, боз устига бор-йўқ ёғини олиб ишлатгани ёмон алам қилиб, Тилла қувиб кетган беандиша боланинг ортидан қараб қоларкан, вужудида ўжар бир истак жўш урди. «Ҳозир бораман-да: «Нега Тиллага ўхшаган бир бечорага офир иш қилдирдиларинг? Нега унга арақ қуйиб бердиларинг?!» дейман. Абдазниям, ўғли Азизниям додини бериб келаман!» деб хулосаланди, сўнг Анорматдан нос харид қилишни ҳам унутиб, Абдулазизникига қараб жўнади.

У гузарга етганда ўнгдаги кўчага бурилди. Кўп ҳам юрмай яна ўнгга бурилди. Бу кўча аввалгисига қарганда анча кенг бўлиб, юрт бошида турган нуфузли одамлар истиқомат қилиши билан, болалар боғчаси ва ўрта мактабнинг жойлашиши билан Чуқурсойда бошқа кўчаларга нисбатан кўзга ташланарлиси ва гавжуми эди. У йўлнинг сўл бетидан оқиб ўтадиган катта ариқда ҳали-ҳануз ўзининг камтар хизматини ўтаётган ва кўчага ўзгача бир ҳусн бериб турган чархпалакнинг фириллаб айланишини, кўвачаларидан новга тўкилиб, орқадаги боғча гулзорига оқиб кираётган сувни кузатиб келаётганди, мактабдан анча берида, эшиги тагида Абдулазизнинг ўзи шу ёққа аланг-жалаңг

бўлиб қараб турганини кўрди. Нима учундир унинг олдига боришни, у билан сўрашишни истамай қолди. Абдулазизнинг муғамбирона кулгиси, ҳеч бир андишага бормай гапирган ёлгон сўзлари, ёқимсиз, сур башараси шу дамда кўз ўнгида тажассумланган ва кўнглига туккан истакни бажаришига йўл бермайдигандай бўлиб кўрингани сабаб ана шу ҳолатга тушганди. У йўлкага ўтиб тўхтади. Орқамга қайтиб кетсамикин, деган мулоҳазагача борди. Яна Тилланинг болаларча содда юзи, оғир меҳнат орқасида қорайиб кетган қўллари кўз олдидан ўтди, ундан кейин ҳалиги Арслоннинг: «Бу аҳмоққа ярим пиёла арақ қуйиб берса, битта эмас, ўнта тўнкани индамай ковлайверади», деган қочиримини эслади, вужудини тарк этган ўжар истак боз хуруж қилишда бошлади. Абдулазизнинг ёнига боришни, унинг шаънига аччиқ-тиззиқ гаплар айтиб бир аламдан тарқаб олишни кўзда тутиб, яна йўлга тушди.

Беҳи танасига қўлини тираб, ҳадеб гузарнинг йўлига бетоқатланиб қараб қўяётган Абдулазиз тор йўлқадан шу ёққа келаётган Аппон чолни кўрди-ю, унинг истиқболга пешвоз чиққан бўлиб, бир-икки қадам олдинга жилди.

— Э, э, бормисан, ошна? Сениям кўрадиган кун бор экан-ку! — дея Аппон чолдан қаттиқ гиналанган бўлди.

Аппон чол унинг сохта, зўраки такалуфидан ғазабланди. Ўзи истамаган бир тарзда Абдулазизнинг қўлини қисиб қўйди. У ҳали ҳам, бу ерга келиб яхши иш қилмадим, деб мулоҳазаланишда давом этарди.

Абдулазиз Аппон чолнинг нега қовоғи осилиб кетганини ўзича фаҳмлади, аммо сир бой бермади.

— Қани, ҳовлига кирамиз, — деб уни ичкарига таклиф қилди, боз гузарнинг йўлига алан-жалаң боқди, кейин у бировни кутаётганини пайқаган Аппон чолга юзланиб: — Бир меҳмон келиши керак эди, Азизнинг ошнаси. Дарвоқе, уни сенам танисанг керак, — деди, анча мулоҳазадан сўнг ҳозирги сўзларини тузатган бўлиб: — Сенгаям керак бўладиган одам деганим, — деб қўйди.

Аппон чол Абдулазизнинг сўнги гапидан тағин ҳам тутди. Унинг бу ҳолатини бужур юзи бужмайиб, қиров

оралаган қуюқ қошлари учганидан ҳам билиш мумкин эди.

— Йўқ, сенинг уйингга кирмайман, — терс овозда жавоб қайтарди Аппон чол. Унинг сўзлаш оҳангида «қўқон манзиратнинг ҳожати йўқ» деган мазмун ҳам бор эдиким, буни Абдулазиз балодай пайқади. Аппон чол бу ердан анча наридаги, кўкат девор тагидаги ариқнинг кўздан йироқроқ ерига ташлаб қўйилган, янги ковлаб олинган тўнкага ишора қилиб: — Хув анувни кимга қазиттирдинг? — деб сўради, унинг суриштириш тарзидан бу ерга ана шу тўнкани ким ковлаганини билиш учун келгани аён эди.

Абдулазизга ошнасининг «сенинг уйингга кирмайман» деган гапи айил ботганди. Ўз навбатида унинг ҳам нурсиз юзи, нурсиз юзига ярашиқ чоғир кўзлари олайди. У Аппон чолга «кирмасанг қириқсиз ўт» қабилида боқди, аммо тезда бу қиёфасини ўзгартирди, кериғлиқ катакларидан сон-саноксиз оқ-қора туклар чиқиб ётган қийғир бурнини тортди-да, Аппон чолнинг асабига тегиш учун атайин орденли кўкрагини ғоз керди ва қўли билан унинг ёнини қиртиллатиб қашлади. Бу қилиғи билан гўё «биялман, сенга менинг орден олганим ёқмаяпти» деган мазмунни ифодалаган бўлди.

— Сенга нима учун керак бўп қолди тўнкани кимга ковлатганим? — кулимсиди Абдулазиз, бу кулгиси орқали саволни ҳазил тариқасида берганини намойиш этди.

— Керак бўлгани учун келдим!..

— Бўлмаса келмасдинг-а? — Абдулазиз гина-кудурат қилишга тушган эди, рўпарада «Жигули» тормоз берди-ю, гапи чала қолди.

Машинадан биринчи бўлиб Абдулазизнинг тўнғич ўғли Азиз, ундан кейин рулда ўтирган ҳарбий кийимдаги киши тушди.

Аппон чол уни қаердадир илгари ҳам кўргандай эди: ҳа, ҳа, бу япалоқ юзни, бу уккиникига ўхшаб олазарак боқувчи кўзларни илгари ҳам қаердадир учратган, аммо қаерда экан?!

Қирқ беш билан эликлар миёнасидаги тўладан келган, балаңд бўй, тикандай қуюқ қора сочларини орқага тараган майор машинасининг эшикларини

қулфлади. Ҳар эҳтимолга қарши қабзаларини тортиб кўрди.

Абдулазиз чаққонлик билан Аппон чолнинг олдига ўтиб, унинг истиқболига пешвоз турди.

Аппон чол Абдулазиз ўғли қатори йигитнинг олдида ўзини тута билмай типирчилаб қолганидан ижирғанди. Фалокат босиб бу ерга келганидан ўзини-ўзи койиди.

Азиз Аппон чолга салом бериб, ёнидаги ҳамроҳига уни таништирган бўлди:

— Бу киши Аппон ака бўладилар. Дадамизнинг эски қадрдонларидан.

Аппон чол шу дамда Тилланинг «арақни Иқболхоннинг дадаси қуйиб бергани учун олдим» деган сўзларини эслади, эсладию Азизга энсаси қотиб боқди.

— Ассалом алайкум, — деб у билан шошилиб сўрашди майор, сўнг тезда нигоҳини бўлак тарафга олиб қочди. Азиз унинг ўзини Аппон чолга таништиришига йўл қўймади, диққатини беҳи дарахти тортганини намойиш этиб, гапни ўша ёққа бурди: — Аммо лекин беҳи экиб яхши қипсизлар-да! Жуда хосиятли дарахт дейишади!..

Аппон чол майор ундан ўзини олиб қочишга тиришаётганини сезиб, у билан янаям қизиқиб қолди.

— Қобилжон, бизга орден топширган кунингиз ёдингиздами? — кутилмаганда майордан сўраб қолди Абдулазиз.

Майор ичдан зил кетди, аммо бу ҳолатини сиртига чиқармай:

— Хўш, хўш, — дея тор пешонасини тириштирди.

— Ўшанда Аппонни «сизни бошқа куни чақиртирамиз» деб қайтариб юборганди ўринбосарингиз. Кейин чақиртирмадинглар шекилли, а Аппон?..

Абдулазизнинг мақсади аён эди: у майорга бу гапни эслатиб қуйиб, Аппон чолнинг олдида ўзини яхши қилиб кўрсатмоқчи бўлаётганди.

Аппон чол ана шуни фаҳмлагани учун унга жавоб қайтармади, аксинча, «биров сендан шуни сўрадимиз?» қабилида Абдулазизга ола қаради.

Майор ўйга толгандай пешонасини қашиди. Ердан бошини кўтармай:

— Бўлди, бўлди, — деди, гавдасига мутаносиб катта, япалоқ юзига киши дафъатан англаб олиши мушкул бўлган ғалати ўзгариш қалқиди. У ана шу ўзгаришни бу ердагиларга сездирмасликка ошиқиб: — Бу отанинг хужжатлари юқоридан қайтганди. Хужжатларида чатоқ ери борийди шекилли, — деб жавоб қилди, шу бараварида Аппон чолга ер остидан ўғринча қараб олди.

— Ҳа, бир пайтлар дадамиз қораланганлар. Чатоқ ери шу бўлса керак, — деди Аппон чол, шу аснода юраги орзиқиб кетди. Бу одам машинасидан тушганда уни қаердадир илгари ҳам кўргандай туюлаверганди, Абдулазизнинг «Қобилжон»идан сўнг эса бу исм унга яқин бир танишини эсга солаверганди-ю, аммо ўша таниши ким эканини ўйлаб тополмай гаранг бўлаётганди, йўқ, майорнинг оғзидан «бу отанинг хужжатларида чатоқ ери бор эди» мазмунидаги гапни эшитдию: «Наҳотки бу ҳали қабрини кўрганним Содир аканинг невараси бўлса?!» деган ўй хаёлидан бир онда ўтди. Қаҳрамоновнинг юқоридаги сўзларни ўз инонихтиёрига қарши ўлароқ айтиб юборганини ва айтиб юборганидан афсусланаётганини ҳис этиб, унинг безовта кўзларига, бесаранжом хатти-ҳаракатларига боқаркан: «Ҳа, ҳа, бу ўша, дадамнинг қирқлари кунни уйимизга келиб мени «Москвич»ида олиб кетган Қобилнинг ўзгинаси! У мени таниган экан, нукул юзини олиб қочишга уринаверди!», деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию *Бундан чиқди, мукофот топириш кунни мени атайдан қайтарган бўлади-га! У Содир аканинг невараси эканини билиб қолишимдан кўрқкани учун қайтарган бўлади-га!*, деб хулоса чиқарди, яна кетидан *Ё тавба, ўша кунни уйга қайтаётиб бу зотнинг турқини бир марта кўришни орзу қилувдинг, орзунгни ушалганини-чи!*, деб сўзланиб, ҳайрат бармоғини тишлагудай бўлиб турганди ҳам, Азиз унга нимадир деди-ю, фикри бўлинди-қолди.

Азиз меҳмоннинг қўлтиғидан олиб ичкарига бошлаб кириб кетди.

Абдулазиз майор Қаҳрамоновнинг сўнгги сўзлари таъсирида Аппон чолнинг ранги ўзгариб, юзидаги ажинлари янаям қуюқлашганини, бунинг устига,

хаёллар дарёсига гарқ кетганини қаттиқ хафаланиш аломатига йўйди-да, унинг кўнглини овлашга тутиниб:

— Қани юр, Алпон, бизам қирайлик, — деди, ўғли Азизга тақлидан ошнасининг қўлтиғидан олди.

Алпон чол Абдулазизнинг қилиғидан ижирғанди. Унинг қўлини силтаб ташлади-да, хай-хайига ҳам қулоқ солмай, йўлка билан тўғрига юриб кетди...

Йигирма тўрт йил аввал

Алпон тушга яқин ҳовлига кириб келди. Ҳовли жимжит, фақат ер сатҳида насибасини териб юрган мусичаларнинг қуқусию чумчуқларнинг чуғур-чуғуригина жимжитликни бузарди.

Алпон сўри тагидаги супада ёнбошлаб олиб хаёл сураётган отасини кўрди. Негадир отаси кўзига илгаригига қараганда анча ўзини олдириб қўйгандек кўринди. Ёнида — янги бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, эскирмаган беқасам кўрпачада икки-учта китоб очиқ ҳолда ётарди. (Отаси китоб мутолаасини азалдан яхши кўрар, айниқса, Навоий, Фузулий, Бедил, Қодирийларни эски ўзбек ёзувида жуда равон, ўзгача бир оҳангда ўқирди. Алпонга ҳам болалигида «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Зевархон»лардан ёд айтиб бериб уни лол қолдирса, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолар муҳаббатини таъсирли тасвирловчи китобларни ўқиб бергач, ўзи ҳам сел бўлиб ўтирарди). Кичикойиси эса кўринмади. (Кичикой Аямбой аканинг кейинги оиласи. Алпоннинг онаси вафотидан сўнг у ана шу аёлга уйланган — бунга беш-олти йил бўлганди холос!)

Алпон супага яқин келиб, отасига салом берди. Чарм халтадаги майда-чуйдани супанинг бир четига қўйди.

Аямбой ака ўғли томон ўтирилди. Тўтаракка мойил юзида, ўйчан боқувчи катта-катта қора кўзларида сезилар-сезилмас хурсандчилик аломати қалқигандек эди. У ўғлининг саломига алик олди-да, ўрнидан туриб ўтирди. Алпон у билан қўл бериб ҳам сўрашди.

— Кел, ўғлим, кел, Алпон. Ҳозир сени ўйлаётувдим. Ўтган ҳафта келмади, мана бу ҳафтаям тугаяпти, дараги йўқ, бир нима бўлганга ўхшайди буларга, деб хавотир об турувдим, — деди Аямбой ака.

Аппон аввалги ҳафтада келолмаганининг сабабини айтди:

— Ўтган ҳафтада, дада, келинингизни Чортоққа ташлаб келдим. Санаторийга.

— Ҳа, тинчликми? — бир қалқиб тушди Аямбой ака.

— Ўша эски дарди-да! Тағин оёқ оғриғиси хуруж қип қолса денг. Ишхонадан йўлланма бериб қолишувди, ташлаб кела қолдим.

Аямбой ака пича ўйга ботди. Атрофи батартиб қиртишланган мошгуруч чўққисоқолини сийпалаб қўйди.

— Ҳимм, чакки бўпти-ку!.. Қизларинг-чи? Дилорам, Дилбарларни опкемабсан-да! — деди.

— Уларни биласиз-ку, сизга ўхшаб китобдан бош кўтаришмайди.

Аямбой акани ўғлининг гапи ўйлатиб қўйди, ўйлатиб қўйгандан ҳам бурун хомушлантирди. У паст, юмшоқ овозда:

— Майли, болам, майли. Илмда хосият кўп. Илм ўрганса кам бўлмайди, — деди.

Аппон аввалги сафар келганида отасини бундай паришонҳол ва ғамга ботган кўйи учратмаганди. Кичикойиси кўринмагани учун уларнинг ўртасида бирор гап ўтдимикин, деган хаёлгача борди.

Ўз навбатида у ҳам отасига:

— Ҳа, тинчликми, дада? Бирор кор-ҳол юз бермадимми? — дея, хавотир аралаш ён-атрофига аланг-жанланг боқди.

Аямбой ака чуқур хўрсинди. Хўрсиниғи ниҳоятда дардчил эди. Хўрсиниғидан нимадандир қаттиқ ранжиётганини сезиш қийин эмасди.

— Тинчлик. — У ҳовли этагидаги пастак ҳужрага қаради. — Кичикой, ҳой Кичикой! — деб хотинини чақирди, ўша ёқдан «ҳозир!» деган ингичка овоз эшитилгач, кўнгли хиёл ўрнига тушди чоғи, Аппонга юзланиб: — Сузмага кириб кетганди, ўзи сузма бўп қолдими депман, — дея кулимсиб қўйди.

Отаси хотинини чақирганидан сўнггина Аппоннинг кўнгли ўрнига тушди.

Бир маҳал ҳужрадан Кичикойиси чиқиб келди. Унинг исми жисмига монанд — жуссага кичик, қотмагина, ҳаракатлари ўзининг олтишига яқинлашган

ёшига нисбатан чаққон, боз устига очикъ табиат, хуш-фешъллигидан шаҳодат берувчи истарали юзидаги қуюқ ажинларни, қора гулли крепдишин рўмоли четидан чиқиб турган кумуш сочларини ҳисобга олмаганда ҳали унга бу ёшни беришга анча барвақтдай кўринарди.

У Аппонни кўриши замон ўзининг юриш аҳволидан иймангандай йўсинда бошидаги рўмолини қайта ўраб, эгнидаги япасқи ва жиккак гавдасига муқоясалаганда номутаносиб — кенг, узун батист кўйлагининг у ер-бу еридаги чанг-чунгни қоққан бўлди-да, қадамини илдамлатди.

— Намунча қолиб кетмасанг ҳужрада? Ўзинг сузма бўп кетдингми депман! — кесатиқ аралаш ҳазиллашди Аямбой ака.

— Сичқон болалаб, қопларни тешиб ташлабди. Шуни тозаладим. Унни хумга, мош билан гуручни пақирларга ағдардим. Учта қопқон бор эди, ҳужранинг бурчак-бурчагига қўйиб чиқяпман, — чолига қилган ишининг ҳисобини берди Кичикой кампир.

— Ҳа, тузук, — дея мамнун бўлди Аямбой ака.

Кичикой кампир заранг косадаги сузмани эрининг олдига қўйди-да, ўрнидан кўзғалиб унга салом берган Аппоннинг елкасига қоқаркан: — Келинг, Аппонбой, келинг. Эсонмисиз? Сорахон, Дилором қиз, Дилбар қизлар опоқми? Нега уларни опкелмадингиз? — деб сўроқ-истак қилди.

— Соранинг тоби бўлмади, опа. Йўқса, ҳаммамиз ўтган ҳафтада келардик.

— Худо сақласин, Худо сақласин! Нега ундай бўлди?— хавотирланди Кичикой кампир, кейин эрига кўз қирини ташлаб деди: — Сизга айтмабмидим, буларга бир нарса бўлган-ов, деб. Мана ўша гапим тўғри чиқди!..

— Яна оёқ оғригиси тутиб қолди. Ўтган жумада Чортоққа ташлаб келдим. Ўша ерда бу касални балчикминан даволайдиган санаторий бор экан. Шунга обориб қўйдим.

— Олдини олганинглар яхши бўпти, — Кичикой кампирнинг юз-кўзида келинига ачиниш ифодаси қалқиди. — Ҳа, дарвоқе, қизларни опкевермабсиз-да! Бир-

икки кун ҳарна дам опкетишарди! Бу кишиям соғин-гандилар!

— Улар уй пойлаб қолишди, — кулимсиди Аппон, сўнг кичикойисидан ҳол-аҳвол сўради: — Ўзингиз саломатмисиз, чарчамай юрибсизми? У ёқдагилар яхшими?..

Кичикой кампир унинг ҳар бир сўровига «худога шукр» деб жавоб қилиб турди.

Орага Аямбой ака қўшилиб:

— Чарчаб нима — кетмон чоптиряпманми? — деди, унинг бу сўзини ҳазил ўрнида ҳам, чин деб ҳам тушуниш мумкин эди.

Кичикой кампир буни чин мазмунида қабул этди. Шундан ҳам чолига норозиланиб, қош чимириб қаради. Яна тезда ўзини қўлга олди-да:

— Қани, дадаси фотиҳа ўқиб юборинг, — дея қўллари жуфтлади.

Аямбой ака кампирининг хўмрайишида ёмон ният кўрмагани боис ўғлига қараб қисқа кулиб қўйди-да, унга итоат этиб фотиҳа ўқиди.

Кичикой кампир дастурхон тузаш учун ўрнидан қўзғалди.

Аппон уни тўхтатишга тутиниб:

— Нима, мен меҳмонмидим, опа? — деди.

Аямбой ака ҳам ўғлининг гапини маъқуллади:

— Аппон тўғри айтяпти. Мева-чевангни қўй-да, у олиб келган манови қизилуруғни сўя қол. Кейин бирорта овқатга унналарсан.

— Мен ўзим сўя қолай, опа, — деди Аппон, кекса одамни уринтиришни истамай.

— Сиз чарчаб келгансиз, Аппонбой. Ҳозир бирпасда сўйиб келаман. — Кичикой кампир шундай деди-да, халта билан қовунни кўтариб ўчоқбошига кетди.

— Бўкадан олдим. Дори емаган деб мақтади деҳқон.

— Сенга дори солдим дейдими деҳқон, — ўғлининг гапига кулди Аямбой ака, кейин унинг кўнгли чўкмасин учун: — Ҳай, майли, еб кўрайлик, биламиз дори еган-емаганини, — деб қўшиб қўйди.

Аппон кийим алмаштириб чиқиш учун отасидан ижозат сўради.

— Майли, бор, ечиниб чиқ. Менам унгача пеши-
нимни ўқиб олай. Кейин бафуржа гаплашармиз.

Аямбой ака ҳам ўрнидан кўзгалди. Супадан туша-
туриб гандираклаб кетди. Бахтига Аппон ёнида эди,
йўғон, бақувват қўллари билан унинг тирсагидан уш-
лаб қолди. Аямбой ака гандираклаб кетганидан ўнғай-
сизланди, ҳовлини кесиб ўтган ариқ лабидаги обдас-
тани бориб олиб, таҳоратхонага йўналди.

Аппон отасининг боз гандираклаб кетишидан чўчиб,
уни кузатиб турди. Аввалги сафар келганида отаси
анча тетик, қариликни бўйнига олишни истамагандек
тутарди ўзини, сўзлари ҳам шунга яраша дадил эди,
икки гапнинг бирида ҳазил қилиб набираларини кул-
диришини кўймасди. Йўқ, бугун у бошқача эди. Кўп
эмас, бирор ўн кун ичида у ўзини жудаям олдириб
кўйганига Аппон таажжубланди. У отаси ҳожатхона
эшигини беркитгандан кейингина ташқаридан киришда
ҳовлининг ўнг ва сўл ёнига бурунги шаҳар уйлари
намунасида бир даҳлиз, икки хонадан иборат қилиб
қурилган иморатнинг чап қўлдагисига йўналди, зеро
бу уй ҳали отаси қамалмасидан бурун унга атаб со-
линган бўлиб, оиласи билан шаҳарга тушганларида шу
уйга қўнишар, рўпарадаги уй эса отаси ва кичикойи-
сига тегишли бўлиб, кейинча унинг қаторига яна ало-
ҳида бир хонали мўъжазгина уй ҳам қурилган эдики,
бунда отасининг китоблари, унинг қамоқда эканида
йўллаган ва унга хотини, ўғли томонидан йўлланган
мактублар, оилавий ва турли одамлар билан тушган
суратлари сақланар; отаси кўпинча ана шу китоблар
мутолааси ёхуд Қуръоннинг ўзи севган сураларини
қайта кўриб чиқиш учун бу ерга кирар, яна ёлғизлик-
ни кўмсаб қолганида ёинки куз ва қишнинг узун ке-
чаларида руҳиятида маъюсиятга, ғамга мойиллик сез-
ганида ҳам уни шу уйда дераза қаршисида ҳовлига
қараб хаёл суриб ўтирган ҳолда кўриш мумкин эди.

Аппон ярим соатлар ўтар-ўтмас уйдан қайтиб чиқ-
ди. Унинг бирмунча қолиб кетганининг сабаби пича
ётиб дам олгани бўлди. У ҳовлига қайтиб чиққанида
отаси яна жойига келиб ўтирган, Кичикой кампир ўз
айтганидан қолмай, дастурхон тузаб, устини турли ноз-
неъматларга тўлдириб ташлаган, яна ўртага хитойи ла-

ганда қизилуруғ қовунни ҳам сўйиб келтириб қўйган-ди.

Аппон супадан сал наридаги ариқ лабига чўнқайди-да, яхшилаб ювинди. Уйдан кўтариб чиққан сочиқлардан бирига юз-қўлларини, иккинчисига эса оёқларини артди. Сочиқларни уйи рўпарасидаги сўри поясига қоқиб қўйилган михга илди, кейин супага келиб, отасига салом бериб, ундан пастроққа — ён томонига чиқиб чордана қуриб ўтирди.

— Осмонга тагин одам учирганини эшитдингизми, дада? — деб сўради отасидан, бир тилим қовундан олди. — Олдинги сафар Гагарин дегани чиққанди, бу гал Титов дегани чиққанмиш.

— Шундай бўптимиш, — Аямбой ака бу хабарни жуда ҳиссиз, совуққонлик билан қабул этди. — Ҳаммаёқда шов-шув. Тунов куни учибди экан. Қумлоқдаги сартарошхонада соч-соқол оддираётсам тўғридаги аптечи сен айтган гапни топиб чиқди. Бизникилар Американи доғда қолдирди, дейди, иккинчи одамни осмонга опчиқиб улардан ўзиб кетди, дейди.

Аппон отасини тагин хаёллар ўз оғушига ола бошлаганига ҳайрон бўлди. Бу ҳолни бир томондан унинг қарилигига йўйса, иккинчи томондан бундай кўйга тушишига бўлак бир сабаб бордай туюлаверди.

Йўқ, отасининг ўзи гап бошлаб қолди-ю, у сал бўлса-да, тинчланди.

— Энди ўғлим, — деб салмоқланди Аямбой ака, — менам қариб қолдим. Бутун раҳматли дадам тушимга кириб чиқибдилар...

Аппон отасини охиригача эшитмади — гап қўшди:

— Ундай деманг, дада. Кўз тегмасин ҳали бақувватсиз. Нега ундай дейсиз?

Аямбой ака ўғли сўзини бўлганидан ранжиди.

— Ота бир нарса деяётганида тек ўтириб эшитдилар одатда, — деди, Аппон ёш боладай лаб тишлаб, қизаринқираганини кўргач эса, ўзи ўнғайсизланди, сал юмшаб сўзида давом этди: — Раҳматли дадам кириб келганмишлар. Боя сен қандай кириб келган бўлсанг, уларам шундай кириб келганмишлар... Эгниларида қайтарма ёқали антиқа олмон камзули, камзул устидан банорас тўн кийиб олганлар, бошларида симоби салла, оёқда фарчли кавушмиш... қўлларида у киши раҳмат-

лидан қолган ирғай ҳасса дегин, худди мен сенинг ойингга уйланганимда қанчалар суюниб, пўримнамо ясаниб тўйга айтган бўлсалар, тушимдаям шундай яса-ниб олганмишлар... Сени тўйга опкетгани келдим, дей-дилару ўзлари қуюқ қора соқолларини силаб кулаве-радилар... Жуда ёқимли эди кулгилари. Эсингда бўлса, сенинг суннат тўйингда эди шекилли, Кўктерақдан қўй опкелувдилар-ку, аравакаш бизникини тополмай сар-сон бўла-бўла охири уйига опкетиб қолувди; эртасига ҳалиги қўйни униқидан боласи билан етаклаб келув-дилар. Ўшанда ўзларининг қип келган ишларини мен-га гапириб бераётиб ана шундай беғубор кулиб эди-лар — битта қўйга бориб, иккитасини етаклаб келган-ларидан-да! Тушимдаям ўшанга ўхшаб хахолаб кула-дилар!..

Шу маҳал Кичикой кампир Аппон олиб келган ҳусайнидан ювиб, ликопга солиб дастурхонга келти-риб қўйди. Уям ота-боланинг мусоҳабасига аралашди:

— Мен айтдим бу кишига: ўлик кўрсангиз — ти-рик кўрасиз, дедим! Мана гапим тўғри чиқдими? Ап-понбой кириб келдилар!

Аппон ҳам кичикойисининг гапини тасдиқлади:

— Ҳа, опам тўғри айтибдилар! Мана мен кириб келдим-ку! Шунинг учун Атҳамбой отам тушингизга киргандирлар!..

Аямбой ака уларнинг кўнгил кўтарар гапларидан истехзоланиб кулиб:

— Жуда калта ўйлайсизлар-да икковинг, — деди.

Аппон отасининг ўлимдан сўз очишига бобосини туш кўргани эмас, бошқа сабаб борлигини пайқаб, унга синовчан тикилди: тўгаракка мойил қоратўри юзи-даги тарам-тарам ажинлари янада бўртиб, чуқур, одамга жиддий боқувчи ва хиёл ўйчан кўзларида кимдандир, нимадандир норозиланишга ёхуд у билан бўлак бир нохуш ҳодиса юз берганини акс эттирувчи ифода яққол кўзга ташланиб турардиким, буни Аппон бошидаёқ фаҳмлади.

Аямбой ака ўғлининг бу қадар синовчан разм со-лаётганидан ноқулайлик ҳис этди.

— Қани, узумдан ол. Бу жаннатнинг мевасини «ноне ангур» деб нонга тенглаштирган эканлар ҳазрат На-войи, — дея уни чалғитган бўлди-да, кичикроқ боши-

ни қўлига олди, сўнг эса бир карж қовунни ҳалидан буёқ эрмак қилаётган кампирга юзланиб: — Сен, Кичикой, бирор суюқ овқатнинг кетига тушсанг бўлармиди, — деди.

Кичикой кампир чолига қараб кулиб қўйди-да:

— Ўчоққа олов ёқиб юборганим ҳув боёвди-ку! Аппонбой маставани яхши кўрганлари учун шунга уннай қолдим, — деди.

Аппон кичикойиси унинг маставани яхши кўришини билганиданми ёки отасидан бемаслаҳат ўзича ана шу овқатнинг тадорикига тушганиданми, ишқилиб, кампирнинг ўзича ҳал қилиб юборганидан қисқагина кулди.

Кичикой кампир ёғи ёниб кетишини баҳона қилиб ўрнидан кўзгалди.

У кетганидан сўнг Аямбой ака яна ўлимдан сўз очди:

— Энди Аппон, энди менинг беш кунлигим борми-йўқми...

— Нега ундай дейсиз, дада?

— Энди айтаман-да! — чуқур хўрсиниб олди Аямбой ака, у ниманидир яшираётганини, ниманидир ўғлига айтолмаётганини хатти-ҳаракатлари ҳам ифшо этарди. — Аппон, сенам уйга қайтсанг айни муддао бўлармиди?

— Уч-тўрт йил чидашга тўғри келади, дада. Уч-тўрт йилдан кейин қарилик нафақасига чиқаман. Элик бешдан чиқаради бизларни.

— Ҳа-а, шундайми? — ажаблангандай тарзда бош чайқади Аямбой ака, ўғлининг Тошкентдай шаҳри азим қолиб, бундай чекка бир ерга ишга кетишида ўзини айбдор санагани учун деди: — Ҳалиги ишлар бўлмаганида, болам, сенам Бекободга бориб овораи сарсон бўп юрмасдинг. Иссиқ ўрнингни совутмай, бола-чақанг билан яшаб, ишлаб юардинг!..

— Насиба ўша ерларда экан, — Аппон отасига «бунда сизнинг ҳеч ҳам айбингиз йўқ» дегандай боқди. Йўғон, бақувват бармоқлари билан мартен печлари ёнида тураверганидан қорайиб кетган гўштдор юзини силаб қўйди. — Ўзимнинг ҳам етти ухлаб тушимга кирмагани, пўлат эритувчи бўп кетишлик.

— Қийин бўлди сенга, ўғлим. Манови ишлар бўлмаганида, сенам ўқиб, бирор илмининг эгаси бўлардинг.

— Ўша, сизни олиб кетишгандан сўнг мениям ўқишдан четлаштиришди. Четлаштиришди эмас, рабфақдан кстишимга мажбур этишди. Ҳар чеккадан қўл ниқтаб кўрсатадиган, ўзларини мендан нари оладиган бўлиб қолишди. Ҳатто менга ўзини яқин тутиб юрган ошналарим ҳам шу ишни қилишди, дада...

Аямбой ака бошини эгди, янаям хомуш тортди. Чуқур хўрсинди.

— Ҳа, шундай экан. Бошингга мусибат тушганда кўплар думини қуруққа олиб қочаркан.

— Икки-уч йил ёмон қийналдик, дада, — юқоридаги сўзида давом этди Аппон, шу бараварида овози титраб кетди, зеро, илгарилари отаси билан бу мавзуда суҳбат қурмаган, отаси ҳам ўтган кунларини эслаб бировга бир оғиз сўз демаган, бутун дарди ичида, машъум кунлар хотираси ўзи билан эди. Аппон у билан юрак ютиб гаплашаётганига ҳайрон қолди, сўнг эса, деворнинг ҳам қулоғи бор қабилида ён-атрофга кўз югуртирди, овозини бир баҳя пасайтириб деди: — Ойим раҳматли ана шу хўрликларга чидолмадилар, эрта кетдилар.

— Ойингдан айрилганимни билганман, Аппон. Ўша кун ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Тайгада дарахт кесиб юриб чошгоҳ пайтида кўзим кетиб ухлаб қопман. Тушимга ойинг кирди... тўйимиз, тўйдан аввалги кунлар кирди. Тепамда қайнатам ва қайнанам раҳматлилар туришибди. Мен ҳа-ҳу дегунча уч-тўрт саржин ўтинни ёриб ташлабман. Улар «ҳа, баракала, баракала куёв», дейишармиш. Кейин, Ойдинни оппоқ чимилдиққа опкириб кетдим. Ҳа, ўғлим, сенга ғалати кўринаётгандир, уни кўтариб опкириб кетдим... Шунда... қайтиб кўтариб чикдим, ғалати ҳидлар, йўқ, ғалати эмас, муаттар ҳам эмас, ишқилиб, жуда хушбўйда, тўхта-тўхта-чи, райҳонни ҳидлаганинда ё бўлмаса чакканга таққанингда димофингни қитиқлаб ажиб бир ҳис уйғотиб юборади-ку танангда, сезганмисан, худди ана шундай ҳидлар тутиб кетган ва бу ҳидлар бутун вужудимизга сингиб бораётгандай туюлган; болариларнинг ёқимли фингилаб, олма, ўрик, шафтоли, яна кўплаб бошқа мевали дарахтлар гулбаргларига қўниб

юришлари кишига фараҳ бағишлайдиган жаннат боғига кириб қопмиз. Ойдин оқ ҳарир кўйлақда, бошига чамбаракка ўхшатиб толбаргак тақиб олган, менам оқ кўйлақдаман, атроф ҳам оқликка ўралган, ёлғиз осмонгина нилий рангда... — Аямбой ака буларни сўзларкан, рухланиб кетди, рухланиб кетди дейиш нотабийдир эҳтимол, илҳом билан сўзлади дейиш лозимдир, шундай дейиш жоиз бўлар, лекин бу оний кайфияти ўрнини яна тезда маъюслик, рам-ғуссага мойил бир ҳолат эгаллади. — Нимаям бўлиб, шайтон йўлдан оздирибми, боғ адоғидаги жарликка тушмоқ истабмиз. Шунда ойинг кўлимдан тушиб кетди-да! «Оҳ» дедим, жаннат боғи ўрнини жаҳаннам эгаллади, теварак-атроф қоп-қоронғу, ўзим ҳам қора кийимдаман, фақат жарликка қулаётган Ойдингина ўша-ўша — келинлик либосида, юзида ҳеч қандай қўрқув аломати йўқ, кўллари мен томон талпинади холос... — Аямбой ака хийла тек қолди, томоғи қақраб кетди чоғи, пиёласининг тағидаги бир қултум чойни ичиб юборди, кейин сўзини ниҳоясига етказди:

— Ўша алпозда чўчиб уйғондим — дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди, юрагим кўкрак қафасимдан чиқиб кетгудай бўлаёзди. Нима қилишимни, бошимни қайси тошга уришни билмай тўрт томонга зир югураман, югураману хўнг-хўнг йиғлайман!.. Ойингдан айрилганимни, Ойдиндан айрилганимни, ўшанда сезгандим, ўғлим! Ўшанда бошимга яна бир оғир мусибат тушганини, бу мусибат айрилиқ мусибати эканини чуқур ҳис этгандим... юрак-юракдан ҳис этгандим...

Шундан сўнг орага ноқулай жимлик чўқди. На Аямбой ака ва на Аппон бу жимликни буза олди. Ҳар иккиси ҳам биринчи бўлиб сўз бошлашга ботинолмай ўтирдилар.

Анчадан сўнг Аппон сўзлашга журъат этди:

— Уруш бошланмаганида билмадим ҳолим нима кечарди, дада. Уруш бошландию ҳамма ўзиминан ўзи овора бўп қолди. Менам фронтга жўнавордим. Урушдан кейин эса Бекободга кетдим... Яхшиям Содир ака бор экан, босмаҳонада сиз билан бирга ишлаган Содир ака, шу одам ҳолимиздан хабар олиб турди, укасига қўшиб мени металлургия заводига ишга жўнатди.

Аямбой ака ўглидан «яхшиям Содир ака бор экан, шу ҳолимиздан хабар олиб турди» деган сўзларни эшитдию авзойи ўзгарди, вужуди қалтираб кетгандай бўлди, буни Аппонга сездирмасликка қанча уринмасин уҳдалаёлмади, қўлидаги чинни пиёлани тушириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Аппон сўнги гапидан кейин отасининг бундай ғалати, ночор аҳволга тушганига таажжубланди. «Дадам билан Содир аканинг ораларидан бирор гап ўтдимикин?» деган ўй кўнглидан кечди, кўнглидан кечдию *Йўғ-э, бундай бўлиши мумкин эмас! Неча йиллик ошна-ку иккови!.. Устига устак, ойимнинг ўлигини кўмишда Содир аканинг ҳаммадан кўп ёрдами теккан, бизнинг энг оғир кунларимизда шу одам жонимизга ора кирган, қолаверса, менинг ҳам йўлимни топиб кетишимда унинг ҳиссаси бўлса, қандай гап ўтиши мумкин ораларидан?* — деб ўйланди.

У отасидан бунчалар ночор аҳволга тушиши боисини сўрашга тараддуланганди, кичикойиси иккита косада суюқ оши олиб келди-ю, гапирмоқчи бўлган сўзи орзида қолди.

Аямбой ака «мен ҳозир» деди-да, супадан пастга тушиб, уй томон йўналди. Анчадан кейин кампири билан бирга қайтди. Ундан «валерьянка» ҳиди анқиётганини ўғли сезди. Аямбой ака Аппон бўлак хаёлларга бормасин учун: «Бари ўша ернинг асорати», деди, ортиқ бу мавзуга қайтмади.

Аппон шошилмасдан маставасини ичар, аҳён-аҳён ер остидан отасига кўз қирини ташлаб қўяр, аммо бир оғиз сўз айтишга на у ва на кичикойиси ботинолмасди...

У шу куни юрак ютиб отасидан бундай афтодаҳол аҳволга тушиши сабабини сўролмади. Эртаси куни аср ва шом асносида отаси ёлғиз ўтирган уйга кирди. Аямбой ака чиройли безаклардаги араб алифбосида босилган қизил муқовали, қалин китобни қўлига олиб мутолаа қилиб ўтирган эди.

У ўғли Аппон кириб келганини кўриб, ёнидан жой кўрсатди.

— Болам, ойинг икковинг бу китобларни асраб қолиб кў-ўп савобли иш қилгансизлар-да, — деб жавондаги олтмиш-етмиш чоғли катта-катта, қалин-қалин

китобларга ишора қилди, сўнг эса қўлидаги китобни аяб-авайлаб унга тутқазди: — Амир Хусрав Дехлавийнинг «Хамса»си. Хўп ажойиб асар-да, ўғлим. Навоий бувамизлар бу кишини ўз устозларидек кўриб, «Соҳири ҳинд», яъниким «Ҳинд сеҳргари» деган эканлар...

Аппон китобни варақларкан, отасидан:

— Нима, бу одам ҳинд шоирими? — деб сўради.

— Йўқ, бу буюк зотнинг ота-бувалари ўзимизнинг шаҳрисабзлик туркийлардан эканлар. Фалакнинг гардиши билан тирикчилик вожими ё бўлак бир сабабдан оталари Ҳиндистонга кўчиб борарканлар-да, ўша ерда бир ҳинд қизига уйланарканлар. Буни Абдулла ака раҳматли айтиб бергандилар.

— Қайси Абдулла ака?

— Отабек ва Кумушбибининг китобини ёзган ўзимизнинг дарвозалик ёзувчи-да! — деб изоҳ берди Аямбой ака, кейин у қадар қалин бўлмаган учта китобни қўлига олди. Китоблар муқовасидаги рангли расмлардан бирида ойнанинг устида Кумуш ўтирар, Отабек булутлар орасидан от чоптириб келмоқда эди; иккинчисида Тошкент қўрғони. Сипоҳлар тасвири ва ниҳоят учинчи китобда Кумуш қабри тепасида Отабек бўйин эгиб турганини кўриш мумкин эди. Араб имлосида чоп этилган бу китоблар саҳифалари сарғайиб кетган эса-да, ҳеч бир ерига шикаст етмаган, унга ўқувчиси ўзгача меҳрда муомалада бўлгани яққол кўзга ташла-ниб турарди.

Аямбой ака бир оздан сўнг улардан бирини ўғлига узатди.

Аппон Дехлавийнинг «Хамса»сини отасига қайтариб берди-да, у узатган китобни қўлига олди. Биринчи саҳифасини очди. Эски ўзбек ёзувидаги дастхатга кўзи тушиб, уни овоз чиқариб ўқиди:

— «Ушбу Отабек ва Кумушбиби қиссасининг китоб ҳолида дунё юзини кўриб, эл-юрт қўлига етиб боришида ўзининг камтарин, айни чоқда улкан меҳнатини аямаган кўп ва хўб солиҳу салоҳиятли матбаачи биродарим Аямбой Атҳамбой ўғлига узоқ умр, эсон-омонлиғ истаб ҳамда умрим поёнига қадар миннатдорлик билдириб қоламан. Абдулла Қодирий (Жулқунбой)дан деб билинг. 1928 йил, имзо».

- Ўзбекнинг катта ёзувчиси эди-да, раҳматлик...
- У киши қанақа эдилар?
- Ҳусн мазмунидами, ақлдами?
- Ташқи кўринишдан?

— Ташқи кўринишдан мен билан сенга ўхшаган қоратўридан келган эдилар. Ўрта бўйли, елкадор эдилар. Кичиккина мўйловли, думалоққа мойил юзларининг чапидами ё ўнгида ўн тийинлик тангадек чандиқ бор эди, ияклари ўртасида эса чуқурча... Ҳамма гап кўзларида эди, ўғлим. Кўзлари ўткир эди, кўзлари узоқни кўрарди, зулукдай қора кўзларида хосият кўп эди. Буни ўшанда Порсиям сезганди...

— Қайси Порсини айтяпмиз? Порси ўғриними?..

— Ҳа. Йигирма олтами, йигирма еттинчи йиллар миёнаси эди шекилли. «Гап» ердик. Менинг навбатим етганида у кишиниям таклиф этдик. Шундай катта ёзувчи келмасалар керак деб ўйловдим, йўқ, келдилар. Ўшанда Порси икковлари мана бу мазмунда мубоҳаса қип қолгандилар. «Порси, ўғрилиқни ташласанг сен ҳақингда китоб ёзаман», дегандилар анча гурунглашиб ўтиришгач у киши. Порсиям жуда гапга чечан одам эди. У нима деди дегин? У: «Абдулла, сен ёзувчиликни ташласанг, менам ўғрилиқни йиғиштираман!» деса бўладими! Абдулла ака кулиб қўйдилар-да: «Менинг ёзувчилигим ўзбекка керак-да! Халқ китобларимни ўқиб маънавий озиқа олади, ҳаёт ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради!», деган бир гапни қилдилар. Порси бу сўзларигаям жавоб топиб берди: «Менинг ўғрилигим ҳам халққа керак-да, Жулқун Муштум! Мен бу ишни қилмасам халқнинг қорнини ким тўйгазади, у оч қолади-ку!» Абдулла ака жилмайдилар, кейин «Оқ пошшонинг даври ўтди, ҳокимиятга Шўро келди, бундан буёқ ҳеч ким оч қолмайди», дедилар, у эса: «Шўронинг ўзи бир аҳволда-ку, у бутун халқни боқоларканми?! Қўй, ошна, менинг касбимга аралашма!», деганди ўшанда. Сенга айтсам, Аппон, Порсининг антиқа одати бор эди. У битта-яримта бойниқини ўмардими, албатта, бир ҳафта-ўн кун ўтгач, шаҳарнинг оч-яланғочларига ош тортарди, лекин зинҳор-базинҳор авомга озор етказмасди, ўзи бойликка ҳирс қўймагани учун бор-йўғини ундан аямасди... Порси билан Абдулла ака ўртасида ана шу мазмундаги мунозара

бўлиб ўтган. «Барибир сен ҳақингда китоб ёзаман», деб қатъий бир тўхтамга келгандилар у киши — ниятлари рўёбга ошмади — ниятлари ўзлари билан кетди раҳматлининг... Менинг китобга ўчроқдигимни билганлари важи «гап»га келганларида мана шу «Хамса»-ни тортиқ қилдилар...

Аямбой ака шуларни ўрлига ҳикоя қилиб бераркан, деразаси олдидаги баргидан кўра ҳосили кўп зарғалдоқ шафтолига тикилиб қолди. Узоқ тикилди. Шу пайт қизғиш-сарғимтир бўлиб пишган шафтолилардан ик-китаси кетма-кет «тап» этиб ерга тушди-да, пачақ ҳам бўлмай саккиз рақами ҳосил қилиб, ёнма-ён туриб қолди. Аямбой ака ерда ётган ана шу бир жуфт шафтолига ҳавас ва ҳайрат билан нигоҳ қадаб турганди ҳамки, ланг очиқ ҳолдаги деразадан хонага эндигина учирма бўлган қалдирғоч боласи учиб кирди-да, «қирс-қирс» деган товуш чиқариб анчагача шифтга яқин ерда айланиб юрди. Қалдирғоч чиқиб кетмаган ҳам эдики, енгил шабада эсиб, дераза рўпарасига экилган оқ-қора, сада, ҳожи, ош райҳонларнинг хушбўй, одамни маст қилувчи исини димоққа олиб келиб урди.

Аппон бугун ҳам отасидан сўрамоққа ниятланган нарсасини сўролмади. Отаси ҳаётидаги ширин воқеаларни хотирлаётганини кўриб, унинг кайфиятини бузишни истамади, боз устига, мана бу бетакрор гўзал манзара ўзига ҳам таъсир этиб, руҳиятида ёқимли ҳисларни кўзгаганди. У отаси билан пича бирга бўлди-да, «мен ҳозир келаман», деб ташқарига чиқиб кетди.

Эртасига, якшанба куни, Бекободга қайтаётганида юрак ютиб ушбунни сўради:

— Дада, келган куним сўролмадим, кеча мавриди эмасди, нимадандир қаттиқ ранжиган кўринасизми?..

Аямбой ака бир нуқтага тикилган кўйи хийла индамай турди, охири мужмал жавоб қайтарди:

— Ўзим, шундай...

Аппон отасининг жавобидан қониқмади, боз қис-тоққа олишини қўймади:

— Йўқ, дада, сиз ниманидир мендан яширяпсиз?!

— Кейинги беш-олти кун ичида шунақа бўп қолдилар! — Аппоннинг мулоҳазасига қўшилди Кичикой кампир. — Ўтган якшанбада тўйда эдим, кичик тоғам

Ўғил уйлантирдилар, сизлар келмадинглар Аппонбой, сизларниям тайинлаб кетишувди. Тўйдан сешанба куни қайтдим. Шундан бери ғалати бўп қолдилар. А, тўғри-ми? Тўғри айтяпманми?!

— Кўп алжима, Кичикой, — дея уни жеркиб берди Аямбой ака. — Сен қаердан била қолдинг беш-олти кун ичида шунақа бўп қолганимни?

— Тўйга борганингизда бунақа эмасдингиз-да! Сизни уйга кузатиб қўяётганимдаям туппа-тузук эдингиз!..

Аямбой ака кампирига ола қаради — иложи бори-ча сир бой бермасликка тиришди.

Аппон отаси кичикойисига дакки берганига хижолат чекди. Зероки, отасини биринчи бўлиб у сўроққа тутган, калтак эса Кичикой кампирнинг бошида синганди.

Кўча эшикка етар-етмас у кичикойисига юзланиб:

— Айтмоқчи, опа, халтани обертангиз бўларди. Йўлдан қизларга майда-чуйда олволмоқчийдим, — деди.

Кичикой кампир «эсим қурсин» қабилида бошини ушлади-да, қўлидаги шафтоли тўлғазилган қоғоз халтани Аппонга тутқизиб:

— Буни қаранг, Аппонбой, қаричиликни қаранг, — дея ҳовлиқиб қазноқ томон югурди.

Аямбой ака кампирининг ортидан узоқ қараб қолди. Ўғлига ўтирилиб:

— Болам, сендан иккита илтимосим бор. Биттаси, бошқа нарсаларни эҳтиёт қилмасанг ҳам ҳув анув уйдаги китобларимни кўз қорачиғидай асра! Ўтмишимиздан узилиб қолганмиз, қачондир албатта қайтиш бўлади, ўшанда ўзбекнинг бирор корига яраб қолар! Иккинчиси, менга бир нарса бўлгудай бўлса Кичикойни хафа қилманглар. Майли, буям бировнинг фарзанди, буям мени деб беш-олти йил умрини шу даргоҳда ўтказди. Ўз онангдай кўринглар, кам бўлмай-сизлар, — деб насиҳат қилди.

Аппон отаси ҳалитдан рози-ризолик бошлаб юборганини кўриб ранжиса-да, буни ташқи белгиларда ифшо этмади.

— Қўйинг, дада, шундан бошқа мавзуда гаплашайлик. Ҳали кўп йиллар яшайсиз, бунақа гапни унутинг, — дейиш билан кифояланди холос.

Аямбой ака ўғлига ўтингандай бир оҳангда мурожаат этиб:

— Аппон, ўғлим, кетмасанг бўлармиди, Тошкентга қайтсанглар бўлармиди. Бу ердаям сенга мос ишлар топиларди. Чирогим ўчмаса дегандим, — деди.

Аппон отаси билан сўнги бор суҳбатлашаётганини билмаганди. У отасининг башоратини шунчаки қариллик васвасаси ўрнида қабул этганди. Отаси бу сўзларни бекорга айтмаётганини, у ўзининг паймонаси тўлиб, дорилфанодан дорилбақога ўтиш муддати етганини дилдан чуқур англаб етгани важи ҳам ўлиб-тирилиб Аппонни олиб қолмоққа уринаётганини билганда-ку, уни ташлаб кетмасди-я!..

Ҳафтанинг пайшанба куни, ярим кечада, эшигини биров тақиллатди.

Аппон ҳали ҳовлига тушиб улгурмасидан отаси ёдига тушди. Ёдига тушибгина қолмай, у билан бир қор-қол юз берганини пайқади. Юраги ғашлангандан-ғашланди. Ана шундай руҳий ҳолатда эшик тамбасини юқорига кўтарди.

Остонада кичикойиси томондан тоғанинг ўғли турарди.

— Дадамга бир нарса бўлдимиз?! — ҳовлиқиб сўради Аппон, тоғанинг ўғли сўз бошлаб улгурмасидан. У фақат ерга қараб «қандай гап бошлайман» қабилида мўйловини силаб-сийпаб қўяётганди.

Тоғанинг ўғли миқ этмади, фақат «ҳа» ишорасини қилиб бош тебратди холос.

Аппон қандай қилиб уйга кириб кетганини, қандай қилиб қизларини уйғотганинию қандай қилиб улар билан машинага чиққанини билмади. Фақат ярим йўлга етганда, чап оёғининг тўпигини нимадир чақиб, ўша ерини қўли билан қашиб туриб, шу оёғига пайпоқ кийишни фаромуш қилганинигина сезди, холос...

Аямбой аканинг қирқи куни бемаврид қор тушди. Унинг «қор ёғди»си ҳам «қирқ ушатди»сига қўшиб юборилди.

Маросим ўтказиб бўлингач, кечга томон, Аппон китоблар турадиган мўъжаз хонадаги танчага белига довури кириб олиб, отаси унга кўрсатган Деҳлавийнинг «Хамса»сини варақлаб ўтириб, у тагига чизиб қўйган мана бу сатрларга кўзи тушди:

*Жонига тиғ урса жафокаш замон,
Шоҳ худони қадр қилмоғи лозим,
Буни аввалги бурч билмоғи лозим.
Ҳар шодлик, ҳар ғамга, ҳар бир аламга,
Худо магадкор деб билсин оламга.
Забардаст зўрликдан қолмагай нишон.
Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан,
У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан...*

«Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан, У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан!» деб сўнгги икки мисрани ўйчанлик билан такрорлади. Шу дамда, нима учундир, отаси унга айтишни истамаган сир баайни шу сатрларга яширингандай бўлиб туюлаверди. «Ўша куни дадам ана шу мисраларни ўқиётгандилар шекилли, — деди ўзига-ўзи. — Лекин нега улар буни менга ўқиб бермадилар? Нега?!» Мазкур жумбоқ уни қийнагандан-қийнади. Аппон отасининг мана шу ерда, дераза олдида ўтиргандаги, уни кўчага довуз кузатиб чиққандаги кайфиятини хотирлади. Кўнгли боз бузилиб, ўзи сезмаган ҳолда кўзларига ёш қуйилиб келди. Кўз ёшларини кўйлагининг ёқасига артди-да, китобни ёпиб ўрнидан қўзғалди, уни эҳтиётлик билан жавондаги бошқа китоблар орасига терди. Оилавий суратлар сақланадиган альбомдан отасининг аристонлик йилларида тушган бир-иккита суратини топиб, уни яна ёдга олиб турганди, хотини Сора эшиқдан мўралаб, уни бир йигит истаб келганини дараклади.

Аппон бошига отаси бир пайтлар Оренбургдан харид қилиб олиб келган сувсар телпакни, елкасига унинг сариқ почапўстинини илиб, ташқарига йўналди.

Эшик тагида ориқдан келган новча бир йигит дам бир оёғини, дам иккинчисини кўтариб дийдираб турарди. Куя еган қоракўл ёқали эски драп пальтоси гавдасига муқоясалаганда анча калта кўринар, япалоқ юзида ва укки кўзларида бесаранжомланишгами ёинки бир нимадан ташвишланишгами мувофиқ ифода акс этарди.

Аппон у билан сўрашди. Йигит кўзига иссиқ кўринди. «Бу йигитни қаерда кўрган эканман?» деб эшлашга уринаётганди, йигит унинг кўнглидан кечаётган ўйни сезгандек йўсинда:

— Мен Содир аканинг неваралариман, қорақамишлик Содир наборшиқнинг, — дея ўзини таништирди.

Аппон нима сабабдан бу йигит кўзига иссиқ кўринганини филҳол пайқади. Ҳақиқатда унинг қаерларидир Содир акага ўхшаб кетарди.

— Э-э, ҳали шундайми? Собиржоннинг ўғлими-сиз? Бекободда ишлаб қайтган Собиржоннинг-да, а?!

— Йўқ, Собир ака тоғам бўладилар. Мен катта қизларининг ўғлиман, Ҳабиба опанинг. — Йигитнинг овози дўриддоқ, овозида одамлар билан муомалада йўқ эканини ифшо этувчи бир қўполлик ҳукмрон эди.

Аппон иссиқ уйдан чиқиб келгани учун икки бети қизариб, олов янглиғ ёнаётганди, йўқ, шу дамда совуқ юзини чимчилаб ўтдию қалтираб кетди, буни Содир аканинг невараси пайқаганидан эса ноқулайлик ҳис этди. У йигитнинг қўлтиғидан олиб:

— Қани, қани, нега остонада туриппмиз? Уйга кирайлик! — деб ичкарига таклиф этди.

— Йўқ, йўқ, бошқа сафар! — унамади йигит, унинг одамни ўзидан нари итарувчи гўштсиз юзидаги бояги ташвишли ифода йўқолмаган, билъакс у янада чуқурлашганди.

— Совуқда туриб нима қиламиз. Ичкарига кириб гаплашайлик, — деди Аппон. — Овқат ҳам, чой ҳам тайёр эди.

Йигит ялоқ юзини бужмайтириб қисқагина илжайди-да, вақти зиқ эканини баҳона қилди. Сўнгра бу ерга келишдан мақсадини айтди:

— Сизни бувам йўқловдилар. Шунинг учун келувдим. Қандай қилиб бўлмасин топиб кел, зарур ишим бор, дедилар.

Аппоннинг юраги ғалати уриб кетди. Боз устига, бошига биров гурзи билан туширгандай, кўз олди қоронғилашиб, майда живир-живир ҳалқачалар пайдо бўлди. Эшик кесақисига қўлини тираб улгурди. Нега бундай кўйга тушганининг сабабини англаб ета олмади. Сал ўзига келгач, шоша-пиша йигитни сўроқлади:

— Ҳа, айтганча, Содир акам соғ-саломатмилар? Яхши юрибдиларми?..

Йигит дарров жавоб қайтармади. Юзидаги безовта-ланишга монанд аломат тагин ҳам қуюқлашиб, икки кўзларига қўрқув ёйилгандек бўлди. Мана шу туриши-

нинг ўзиёқ бобосининг аҳволи яхши эмаслигидан шаҳодат берарди.

— Бувам бир ойдан ошди, ётиб қолганлар, — деди у, бу хабарни дараклаётганида овози титраб чиқди.

Аппон отасининг на жанозасига ва на фотиҳасига Содир аканинг келмаганига таажжубланганди. «Наҳотки эшитмаган бўлса?! Наҳотки бир келиб фотиҳа ўқиб кетишга эринган бўлса Содир ака?!» деб мулоҳаза юритганди. Йўқ, набирасидан мана бу хабарни эшитдию ўзининг ўша ўйидан изза тортди, устига-устак, унга бир пайтлар яхшилик қилган одамнинг ҳолидан хабар ололмагани, унинг бетоб ётганидан бе-хабар қолгани учун ёнидаги йигит олдида ўзини айбдор ҳис этди. «Мен ҳозир», деди-да, ичкарига кириб кетди. Уйдагиларга Содир аканикига кетаётганини айтиб чиқиб, ўзини Қобил деб таништирган йигитнинг зулукранг «Москвич»ига ўтирди...

Аппон Содир ака ётган уйга кириб борганида бемор тўрда — ерга солинган тўшақда ҳолсиз ётарди. У озиб-тўзиган, шунга яраша сўлоқ юзининг ажинлари чуқурлашиб, икки ёғидаги суяклар олдинга бўртиган, қисик кўзлари тагин ҳам қисилиб, ич-ичига тушиб кетган, бу кўзлар нуроний ёхуд беозор мўйсафидларникига ўхшамас, аксинча, улар одамга ўқрайиб қараётганга ўхшар, ўсиқ мош-гуруч қошлари эса юқорига қайрилиб уни жуда серзарда кўрсатар, яна танжони соғ одамларга ҳасад ўтида боқаётгандек, уларга «сенлар юрибсанлар, мен эса мана бундай дарди бедавога чалиниб ётибман» деяётгандек бир мазмунни берарди. Унинг сал олдинга туртиб чиқиб, миёнасида тиртиғи бор бўлган торгина ияги билинар-билимас титрашда давом этар, ётиш аҳволининг ўзидан умри тутаганини ҳис этган ва ана шу ҳисдан қаттиқ изтироб чекаётган, изтироб деса тўғри келмас, изтиробдан ҳам кўра, қаттиқ қўрқувдан талвасага тушган одамнинг афт-ангорини эслатувчи ифода зуҳур этганди...

Аппон Содир аканинг бундай афтода ва айни пайтда кишини у ҳақда нохуш хаёллар суришга мажбур этувчи бир авзода ётганини кўрди-ю, унга ичи ачиди. Беморнинг қошига келиб салом берди, ҳол-аҳволини сўраган киши бўлди.

Содир ака Аппонни кўриб бирдан сесканиб кетди.

Юзидаги бояги кўрқув янаям жиддийлашди. У дам Аппонга, дам унинг энгил-бошига олазарак боқди. У шу аснода Аппонни эмас, Аямбойни кўриб тургандай эди. Яна Аппонга тикилди, энди тепасида ошнаси эмас, унинг ўғли турганига амин бўлди чоғи, кўнгли сал ўрнига тушиб, жуда паст ва гуноҳқорона овозда:

— Манови ерга ўтир, Аппон, — деб рўпарасидаги кўрпачага ишора қилди, сўнг уни бошлаб келган набирасига мурожаат этиб: — Бизни холи қолдир, Қобил. Аппонга айтадирган гапларим бор, — деди.

Набира итоаткорлик билан бош силкиди-да, уларни ёлғиз ташлаб чиқиб кетди.

Аппон чирови хира ёниб турган бу кунга тескари уйга бир сидра кўз югуртди: тўрдаги токчанинг бир тарафида юқоридан сўл бурчаги синган ва ўша ерига бир тутам исириқ қистириб қўйилган тошойна, иккинчи тарафида эса алмисоқи рух самовар, ўн-йигирмага яқин чинни, сопол косалар териб қўйилган; токчанинг ўнг ёнидаги тахмонда устига уч-тўртта увада кўрпа, кўрпача, икки-учта шапарак ёстиқ йиғилган сандиқ, чап ёнидаги деворда қозик лунги, битта катта умумий рамкага солинган ҳар турли майда-чуйда суратлар; ҳовлига қараган якка тавақа дераза тагида чўян печь, унинг устидаги қурум босган кўк човгун ҳали-замон қайнаб қолишини дарақлаб шифиллайди, дераза тирқишидаги мўридан ҳовлига тутун ўрлайди. Беморнинг олдида — икки буклаб ёзилган эски бўз дастурхонда сут, қатик, муолажа учун беш-олти хил дори, яримта ёпган нон, тунука чойнак, чети чатнаган пиёла; оёқ тарафида дастшў, обдаста, ундан берида — эшикка яқин ерда заруратга мўлжаллаб қурилган махсус курси — хонани файзли ва файзсиз қилаётган бор жиҳозлар мана шулар. Содир аканинг бош томонида, сочиқ устида турган қизил духоба жидди Қуръонгина бу хонадаги жиҳозлар орасида ажралиб туради, қолган барчаси тўшакка қадалган уй соҳибининг ётиш аҳволига ярашиқдек эса-да, ёлғиз ана шу Қуръонгина бундан мустасно.

— Аямбой оламдан ўтибди-да, Аппон, — деди Содир ака ўта заиф, ингроқи бир овозда. Ошнасининг исмини тилга олганда ранги янада оқариб, бутун борлигида чумоли ўрмалагандай бўлди.

— Шундай бўлди, Содир ака. Дадамни ҳам бериб қўйдик. Дадам ҳам раҳматли бўп кетдилар, — деди Аппон маъюс бир қиёфада, хаёлидан шу он: «Ҳеч бандаи мўминни мана бундай ётқизгулик қилмасинда! Омонатини еддек келиб, селдек олгани маъқул!» деган ўй ўтди, ўтдию *Дадам раҳматлик шундай гердиглар — ниятлари холис экан, бир кунам кўрпа-тўшак қилганлари йўғ-а! Намоз ўқиб туриб бандаликни бажо келтирибдилар!* Лекин... лекин, — дедию «лекин»дан сўнг калласига ҳеч бир сўз келавермади, Содир акага айтаётган гапини ниҳоясига етказиб: — Мана бутун роппа-роса қирқ кун бўлди, бугун «қирқ ушатди»ларини ўтказдик, — деди.

Содир ака шифтнинг бир нуқтасига тикилган кўйи анчагача жим қолди. Юз-кўзларида жуда аянчли бир вазиятга тушган одамнинг ҳолатини эслатувчи ўзгариш зоҳир бўлди. Бу ўзгариш гуноҳкор одамнинг ўз гуноҳини бўйнига олишга қийналаётганини ҳам ёдга соларди.

Содир ака ортиқ чидолмди чоғи, ётган ерида ажриққа ағанагандек бўлиб у ён-бу ён чайқалди-да, тутила-тутила сўз бошлади:

— Аям... Аямбой ўлмасидан беш-олти кун бурун уни кўргани боргандим...

Аппоннинг юраги орзиқиб кетди. Худди ана шундай ҳол боя — Қобил уни бобоси йўқлаётганини дарақлаганда ҳам юз берганди, аммо унда нега бундай бўлганига тушуниб етмаганди — ҳозир эса тушуниб етди. Отасининг ўлимидан беш-олти кун бурун ғалати аҳволга тушиб қолганига Содир аканинг алоқаси бордай кўринаверди. (Ҳали ҳам кўнглидан худди шундай ўй ўтганди, аммо Аппон уни шу қадар тез калласидан чиқариб юборгандики, бундай хаёлга борганини эслаб қолишга улгурмаганди, шунинг учун ҳам боши айла-ниб кетди.) Бунга агар ўша куни Аппон Содир аканинг исмини тилга олиб: «Яхшиям бахтимизга Содир ака бор экан, шу ҳолимиздан хабар олиб турди, укасига қўшиб мени Бекободга ишга жўнатди», деган жумласидан кейинги отасида юз берган ўзгаришни қўшса, мазкур шубҳаси янада асосли экани яққол кўриниб қоларди. У янада даҳшатга тушди. Манглайини майда тер босди, айна пайтда бадани қизиш ўрнига музлаб

кетаётгандек бўлаверди. У пўстинининг барига пешонасини артди.

— Аямбойдан афв этишини сўраб борувдим... — Содир ака анчадан сўнг яна тилга кирди, тилга кириши ҳамоно томоғига балғам тикилиб, хириллаб қолди, орқасидан қаттиқ йўталди, йўталга қўшиб ўқчида. Ёстининг тагини тимирскилаб рўмолчасини олди-да, оғзибурнини артди, сарғайган юзи чироқнинг нурсиз шуъласида кўкариб кетгандай кўринди. — Ортиқ чидолмаганим учун боргандим, — деди у яна гап бошлаб. — Ёшлигимда билинмасди, билинмасди эмас, жудаям билинардику-я, унда бақувват эканман, чидаб келгандим, қариганимда чидолмадим... унга қилган хиёнатим учун охириги пайтларда туну кун азобланиб чиқадагиган бўп қолдим... ҳа, ҳа, туну кун ич-этимни бир нарса кемиришини қўймасди, бир нарса тинчимни ўғирлаганди... ухлолмайдиган бўп қолгандим, ухлашга муваффақ бўлганимда эса, алакимлар мени дўппослашар, тоза пўстагимни қоқишар, охири азобдан додлаб уйғониб кетардим...

Аппоннинг ранги қув ўчди: қандай хиёнатни назарда тутяпти? Тезроқ гапирса-чи! Нега пайсалга солади? Наҳотки? Наҳотки?..

Содир ака титроқи қўллари билан кўкраги аралаш томирлари ўқловидек бўртиган халта томоғини мижиғлади, аммо фойдаси бўлмади. У ён-бу ёнга тебранди — минг афсус унинг азобига бу тўлғаниши ҳам малҳам бўлмади. Охири Аппонга юзланиб:

— Озроқ сув бер! Ичимга ўт тушиб кетяпти, ичим ёниб кетяпти, озроқ сув бер! — деб ёлворди, у узатган чойни ютоқиб сипқарди, «яна, яна» деб Аппонга илтижо қилгандай қаради, у чойнақдаги бор чойни сирқитиб қуйиб бергач, унисини ҳам симириб, пиёлани дастурхон четига қўйди. Не азобда боз ҳикоясини давом эттириб: — Уни... Аямбойни қамалиб кетишига мен сабабчиман, — деди, Аппон ёқасидан олишидан қўрқиб ўзини орқага ташлади. — Аямбой ишхонада «Ҳукумат илми одамларни «халқ душмани» деб қамаб тўғри иш қилмаяпти. Худогаям бу иши хуш келмайди», деб қолувди. Бу гапни гапирганида меңдан бошқа яна уч-тўрт киши ҳам бор эди. Буни ана шулардан битта-яримтаси етказишидан қўрқиб ўзим бориб етказдим.

Уни опкетишади, унинг ошнаси бўлганим учун мениям қўшиб опкетишади, деб қўрқиб кетганим учун ҳам НКВДга бориб етказдим. «Туркий, арабий китоблар ўқиб юради. Жулқунбойга ўхшаган миллатчи шоирлар, Порсига ўхшаган Шўрога қарши бўлган ўғрилар билан ошначилиги бор, улар билан «гап» еган», деб айтдим, — деди, Аппон унинг сўзларини бўлиб қўядигандай ҳовлиқди, сўнг эса юзини кафтлари билан тўсиб олиб инграшга тушди, йиғи қила бошлади.

Аппон Содир акага анграйиб қараб қолди, девордай қотиб қараб қолди. Отангнинг ошнасиман, деб юрган мана шу одам унинг умрига, нафақат унинг, онасининг ҳам умрига зомин бўлганини дилдан чуқур англаб етган эса-да, шу дамда нима қилишини, унга нима дейишини билмай гарангланиб турарди.

— Ўзимниям опкетиб қолишларидан қўрқдим. Нима қилай, бола-чақали одамман, Аямбойга қўшиб олиб кетишса уларнинг ҳоли нима кечади, деган хаёлга бордим, — ҳадеганда бир жумлани қайтараверди Содир ака, қайтарган сайин аъзойи баданидаги титроғи кучаяверди.

— Ахир... ахир... — Аппоннинг тили айланмади, бу ҳодиса баайни тушида содир бўлаётгандек туюлаверди, ҳа, ҳа, тушида содир бўлаётгандек. Мана бу ўлим тўшагида ётган одамни ҳам, агар уни одам дейиш мумкин бўлса, тушида кўраётгандек эди. У пастки лабини аямасдан тишлаганди, ўша ери қаттиқ оғриди, демак туш эмас экан, демак бу воқеа ўнгида рўй бераётган экан. Вужудининг тубсиз еридан дардли бир ницо отилиб чикди: — Худонинг қаҳридан қўрқмадингизми, Содир ака?!

— Худо эса келмаганди, Аппон!

— Худониям унутиб бўларканми?!

— Ўша пайтлар, ўша пайтлар одам ҳамма нарсасини унутиб юборганди! У пайтлар шундай эди!..

— Дадамда нима гуноҳ? Айби тўғри гапни айтганими?!

— ...

— Дадам нима ёмонлик қилганди сизга, Содир ака?

— Аямдан ёмонлик кўрмаганман. Фақат... фақат... муқовалаш цехида айтган гапидан қўрқиб кетиб... ҳаммасига қўрқоқлигим сабаб... ҳаммасига бадбинлигим сабаб...

— Унинг тагига етган сиз экансиз-да!

— Нима қилай, яширолмадим. Ўшанда кўзим очиқлигида айтаман, оёқларини ялаб бўлсаям айтаман: ошначилигимизга хиёнат қилганимни ўзига айтаман, айбимга иқрор бўламан, тавба-тазаррулар қиламан, деб кўнглимга тутиб қўйиб эдим...

— Ойим бечораям сиз туфайли ўлиб кетдилар! Ойимниям ўлимида сиз айбдорсиз!..

Содир ака энди ҳеч бир мулоҳаза, андиша қилмай сўзлар, энди бояги кўрқувидан асар қолмаган, ичини бўшатиб олаётганига, юрагида фасод боғлаб ётган дардидан фориф бўлаётганига ич-ичидан қувонар ва бу қувонч ташқи авзойида ҳам зуҳур этиб турарди.

— Сениям Бекободга атайдан жўнатганман, Аппон... Аямбойни қаматганимни билиб қолишларингдан чўчиб шундай қилганман. Тошкандан олисроқда юрсанг тинчроқ яшарман деб ўйловдим... Ойинг икковинг ҳар қадамимда таъқиб этаётгандек бўлиб кўриनावерардинглар...

— Нега айтяпсиз бу гапларни, нега?! — дея қулоқларини беркитишга тутинди Аппон. Кўрпасини кўкрагига довур ёпиб олган Содир акага жирканиб боқди. Кўзлари ғазаб ўтида ёнаётганидан косасидан чиқиб кетгудай бўлди.

— Айтмасам бўлмайди! Айтмасам ёрилиб ўламан!.. Ортиқ яширолмайман!.. — у ётган ерида башарасини бужмайтириб йиғи қила бошлади, аммо ич-ичига кириб кетган қисик кўзларидан ёш оқмади, тўғрироғи дийдаси қуриб кетганди, кўзларига ёш келмади, факатгина йиғлаганга солди ўзини.

Аппон унинг бу қилиғидан янада туттади. «Ёлгон йиғи қияпти, ёлгондан йиғлаяпти!» деб муҳокама юритди, сўнг эса нега шу дамда Содир аканинг йиғиси сохта-сохтамаслигини аниқлаш кўнглига сиққанидан ажабланди. Барибир, ўзи сезмаган ҳолда боз унга ўтит берди: ҳечқурса кўзингга тупук суртиб йиғласанг-чи, аблаҳ! Кўзингга тупук суртиб ол!..

Шу маҳал хира ёниб турган чироқ лип-лип қилдию, ўчди-қолди. Хона ичини ғира-шира қоронғилик чулғади. Аппон чўчиб кетди. Кейин эса, пайтдан фойдаланиб, Содир акани бўғиб қўймоққа ҳам чоғландию, бироқ шайтоннинг васвасасига учмади, ақл-идроки

устун келиб, бу номаъкулчиликка йўл бермади. Бано-гоҳ икки-учта вассаси йўқ бўлган шифтдан бирин-сирин кўршапалаклар учиб тушиб, уй ичида гир айлана бошлади. Бир-иккитаси Аппонга келиб урилай-урилай деб яна кўтарилиб кетаверди.

— Аблаҳ, аблаҳ экансиз, Содир ака! — хитоб қилди у, ўрнидан туриб олди, боши узра кўршапалаклар айланаверди. «Тезроқ чиқиб кетиш керак! Бу иблиснинг маконидан тезроқ чиқиб кетиш керак!» деган ўй миясига ўрнашиб олиб унга тинчлик бермади.

— Аблаҳман! Аблаҳнинг ишини қилганман!.. — деб шармандаларча айбини эътироф этди Содир ака. — Дадангам... Аямбой ҳам шу гапни айтувди! Сенам, Аппон, нима десанг деявер! Ҳаммасини бўйнимга оламан! Ҳаммасига иқроор бўламан!..

Аппоннинг нафрати жунбишга кирди. Буёғига нима қилишини, рўпарасида ётган чала ўлик одамга нима дейишини билмади. Ўзининг ҳам оёқ-қўллари боятдан бери дармонсизланиб, ғайришуурий тарзда титраётганини шу асно пайқаб қолди.

— Нариги дунёда нима дейсиз? Охиратда нима деб жавоб берасиз?! — овози ҳам титраб сўради Аппон. Содир аканинг жавобини кутиб ўтирмади, унинг бош томонига — сочиқ устидаги Қуръонга нигоҳини қаратди. Кўршапалаклар Қуръонга урилай-урилай деб пастлаб учардилар-у, тагин юқорилаб кетаверардилар. Бир маҳал устида айланишга тушдилар. Аппон бора солиб Қуръонни кўлига олди. «Сен бу муқаддас китобни бошингда олиб ётишга нолойиқсан» дегандек Содир акага газаб билан боқди-ю, қилган иши тўғрилигига ўзи ҳам унча ишонмай ташқарига йўналди. Эшиқдан чиқиб кетаркан ортига ўтирилди: ярим қоронғи хонада кўршапалаклар энди Содир акани талагудай бўлиб теласида гир айланишар, у кўрққанидан устидаги қалин қора чий духоба кўрпани бетига тортиб олганди...

Аппон ҳовлига тушди. Этак томондаги пастаккина уйда лампа хира ёниб турганини ва уч-тўрт чоғли одам ана шу лампа ёруғида хонтахта атрофида кечлик овқатини тановул қилаётганини кўрди. Уй ёнидаги ўчоқбошида ҳам аллаким куймаланиб юрарди. Ўша ерда яна битта лампа ёнди-ю, куймаланаётган Қобил экани аён бўлди. У лампани кўтариб уй четидаги йўлка би-

лан шу ёққа юрди. Ҳовли миёнасидаги гулзорга кўниб, ҳадеганда қағиллаб тагин қор тиланаётган қарғалар унинг шарпасидан чўчиб осмонга кўтарилдилар. Аппон Қобил тўхтатиб қолишини истамади — ҳовлини иложи борица тезроқ тарк этишга ошиқиб қадамни илдамлатди. У кўча эшикка етганида ичкаридан Содир ака набирасининг исмини айтиб жудаям ваҳимали овозда қичқирди...

Аппон алақачон қоронғилик чўкиб улгурган паскам кўчага чиқиб олганида бировникига ўхшаб қолган оғир боши зирқ-зирқ оғрир ва бу оғриқ анча илгари бошланган эса-да, уни ҳозир пайқаган эди. У бошининг оғриғига ҳам қарамай, аждаҳонинг домидан омон-эсон қутулган одамдай қорғин хўрсиниб кўйди. Шу маҳал тепасидан бир гала қарға қанот қоқиб учиб ўтди, салдан кейин тагин бир тўдаси аввалгиларга эргашди. Аппон қарғаларнинг қайга кетаётганини кузатди, кузатиш баробарида хаёлидан: «Содир аканинг қилган аблаҳлигини худо кечирармикин?» деган ўй ўтди, ўтдию Йўқ, йўқ, бу гунёга ҳаммасининг ҳисоб-китоби бор. Ҳа, уни отамнинг арвоҳи уради, қайдам, балки ургани шу бўлсаям керак, деб ҳукм чиқарди. Туйқусдан оёқ босиши енгиллашгандай, этигининг тагидан сув ўтаётгандай туюлди. Шундагина ичкарида пучуқ калишини қолдириб чиққанини билди. Қолса-қолар қабилида қўл силтади-да, қўлтиғидаги Қуръонни кўйнига солиб, пўстинининг ёқасини кўтариб, ўнқир-чўнқир кўчалар билан қоронғилик қаърига кириб фойиб бўлди...

Йигирма тўрт йил кейин

«Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан, У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан!» У «Хамса»даги отаси тагига чизиб кўйган сатрларни хотирлади. «Шундай катта жароҳатни кичик бир ўқ ўрнида кўрган эканлар-да, дадам», деб фикр қилди, фикр қилдию «У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан», дея қайта сўзланди, отаси нега ўшанда ошнаси Содир аканинг бу бадкирдорлигини ифшо этмаганини билишга тутинди. Аммо уринишидан арзирли наф чиқмагач, «Ҳар қалай, дадам Содир аканинг бу хиёнатини кўтаролмаганлари аниқ», деб

хулосаланди, шундан сўнг хаёли ошнаси Абдулазиз томон кўчди... «Содир ака-ку ўзининг бадхоҳлигини кўрқоқлигига йўйганди. Қамалиб кетишдан кўрққани учун бундай разилликка қўл урганини дастмоя қилиб кўрсатганди. Лекин бу ярамасни нима жин урди? Қариган чоғида шу ишни қиладими? Наҳотки, кечаги кўкрагидаги орденга, ўткинчи мақтовларга учган бўлса?! Ана шу майда ҳою ҳавасларга ўша қон кечиб келган йилларимизнинг азоб-уқубатларини алмашиб юборадими?.. Йўқ, Абдаздаги шайтоний иллат илгари ҳам бўлган-у, аммо сен оиланг бошига тушган ташвишлар билан бўлиб, Бекободда юриб келганинг учун сезмагансан ё сезган бўлсанг-да, унчалар аҳамият бермагансан!.. Нима қилганда ҳам шу йўлни тутиши керакмиди? Халққа қараб туриб ёлғон сўзлаши, бу фирибига мени, Шокирни, Молдахматни аралаштириши, ҳар ҳолда, одам боласининг иши эмасди-да...» У Шокир баззозни эслаши ҳамоно отасининг қазо олди ўтити ёдига тушди. «Болам, бошқа нарсаларни эҳтиёт қилмасанг ҳам манови эски китобларни кўз қорачиғидай асра! Ўтмишимиздан узилиб қолганмиз, қачондир албатта қайтиш бўлади, шунда ўзбекнинг бирор корига яраб қолар!» деганди уни Бекободга кузатаётиб отаси. Ўшандаги гаплар ёдига тушдию: «Мен ўлиб қолсам, Сора бу китобларни битта-яримтага бериб юборса, ё чанг босиб ётиб йўқ бўлиб кетса, унда дадамнинг панднасихатлари нима бўлади? Ҳар қалай, Шокирга бориб айтиш керак. У бирда: «Неварам китобга муккасидан кетган. Ўзиям бир-иккита китоб чиқарган — ёзувчиликдан хабари бор», деган гапни қилганди. Шу ўқиса, ўрганса, ҳар ҳолда жамоат билан муомалада экан, ўзбекка бирор нафи тегиб қолар! Иннайкейин, Шокирни кўрмаганимга ҳам икки-уч йил бўпти, баҳонада унинг ўзиниям кўриб келаман», деб хулосаланди, бу юмушни шу бугуноқ ўринлатиш даркорлигини тушуниб, жавондаги батартиб терилган, отасидан кейин ҳеч ким ўқимаган, ўқиш у ёқда турсин, қўлини уриб кўрмаган китобларга қайта бир кўз югуртди-да, хонадан чиқди.

Ҳовли миёнасидаги супага бориб оёқ узатиб ўтирди. Бошидаги бахмал дўпписини хонтахта устига қўйди-

да, тепасидаги сўрида бири олиб бири қўйиб сайраётган беданаларга бефарқ тикилган кўйи тақир бошини қашиди. Эсноқ босгани сабаб оғзини кериб очиб ҳомуза тортди. Этак томонга қаради. Ўчоқбоши билан қазноқ оралигидаги камгак ерда — тандир тагида толқон туюётган кампирини чақирди:

— Сора, ҳов Сора! Бу ёққа қара, гап бор!..

Сора кампир олтмиш билан олтмиш бешлар миёнасидаги бўйчан, бўйига мувофиқ чўзиқ юз, пайваста қош, бодомқовоқ — кўркамгина аёл эди. У ўғир дасгани бир-икки кўтариб урди-да, чолининг ёнига бормаса унинг жаҳди чиқиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, ишини чала қолдириб супа ёнига келди.

— Манови ерга ўғир, — деб оёқ томонига ишора қилди Аппон чол.

Сора кампир у кўрсатган ерга ўтирди. Елкасига тушиб кетган кўк штапель пешонабоғини бошига тортгани, у билан баробар сочи учидаги чўлпилари ҳам шиқирлаб юқорига кўтарилди.

— Ҳа, нима дейсиз? — деди у чолига, пешонабоғини бошидан олди, чўлтоқ супургига ўхшаб қолган бир тутам сочидаги чўлпиларни тўғрилаган бўлди, яна пешонабоғини қулоқлари орқасидан ўтказиб бошига ўради.

— Энди Сора, гап мундай, — деб салмоқланиб сўз бошлади Аппон чол. — Хабаринг бор, икки-уч кундан бери алоқ-чалок тушлар кўраман. Тушимда нуқул дадам ёнларига қақираверадилар...

— Э, қўйинг-э, тагин шу гапми?! — қўл силтаб жеркиди Сора кампир. У чолининг гапидан энсаси қотиб, жаҳли чиққанидан эмас, балки унинг ҳақиқатан ҳам бир ой-ярим ойдан буёқ ўзини олдириб қўйгани, тушига отаси киргандан ҳам бурун, бошқа бир нимадан қаттиқ сиқилаётганини кўргани учун атайлаб уни уришиб берганди.

— Шундай дема, кампир. Мен бир нарсани билмасам гапирмайман. Дадам раҳматлиям ўзининг умри поёнига етганини ўлимидан бурун сезганди. Менам бир нарсани сезмасам бу гапларни айтмасдим.

— Аввал мен кетай, кейин сиз борарсиз, — гапни ҳазилга буришга уринди Сора кампир, хаёлидан эса: «Сиз кетсангиз менинг ҳолим нима кечади», деган ўй ўтди.

— Ундай дема, Сора. Сен кетиб мен қолсам аҳволим не кечишини биласанми?..

— ...

— Худога шукр, қизларни уйли-жойли қилдик. Куёвларинг ёмон йигитлармас.

— Биттаси келиб бизминан турганда-ку!.. — Сора кампирнинг юз бичимига муганосиб бодомқовоғи уйилиб, қуруқшаган юпқа лаблари сезилар-сезилмас титради.

— Нима дейсан хотин? Ўзлари хоҳлашмагандан кейин сиртмоқ солиб опкеласанми? Иннайкейин, ичкуёв бўлиб яшашни ҳаммаям истайди деб ўйлайсанми?!

— Шундоқ қизларимизни бериб қўйибмиз-ку! — кўзига ёш одди Сора кампир, кейин эса йиғисини кўриб чоли тутаб кетиши мумкинлигини ўйлаб, дарров гапни бурди: — Улар қартайганимизни назарларига илармидилар!..

— Майли, Сора, майли. Ўзидан тинч бўлса, иккала қизинг, шунинг ўзи сен билан менинг бахтим, — дея уни юпатди Аппон чол. «Мен кетсам шунга қийин бўлади, қизларга эмас!» деган ўй кўнглидан кечди, кечдию *Қайдам, эҳтимол иккисидан бири уйига опкетар, ё бўлмаса, шу ерга кўчиб келар. Ҳар қалай, инсоф қилишар, уни ёлғизлатиб қўйишмас*, деб ўйлади, шундан сўнг юқоридаги сўзида давом этиб: — Кеча бир иш қип келдим, Сора, — деди, пича тек турди, кампири уни эшитмаётганини, кампирининг хаёли бўлак ёқларда эканини туйгач эса, овозини бир баҳя баландлатди: — Эшитяпсанми, Сора? Кеча бир иш қип келдим деяпман!..

— Қанақа иш экан? — қатламага ўхшаб қат-қат ажин босган иягига довур оқиб тушган кўзёшларини пешонабоғининг бир учига арта туриб сўради Сора кампир.

— Гўрковга дадамнинг оёқ тарафларидан жой кўрсатиб келдим. «Шу ердан қазиб қўй», дедим. Тўғри қипманми?..

Сора кампир нечоғлик аянчли ҳолатда ўтирган бўлмасин, чолининг бу гапи уни ҳайратлантирмай қолмади. У кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, ҳадеб бир жумлани қайтараверди:

— Илойим қилган ишингиз қурсин! Одамам ўлмай туриб ўзига гўр қаздирарканми?!

— Шундай қилдим, Сора.

— Афанди бўлмай кетинг!..

— Бу ишни олдиндан қип қўймасам кўнглим жойига тушмайди, Сора. Сенинг бир ўзингга қийин бўладими дейман.

— Ҳали рози-ризалик ҳам тилашармиз, — чолидан қаттиқ ранжиди Сора кампир.

— Гап бундай, хотин, — чордана қуриб ўтириб олди Аппон чол, жиддий тусга кирди. — Гўрковга, ювғичига бериладиган сарполарни ажрат. Гўрковникини шу бугуноқ тахт қилганинг маъқул. Кечки пайт хабар олгани борганимда биратўла ташлаб келаман.

Сора кампир бошида чолининг бу гапларини шунчаки қарилик васвасаси ўрнида қабул қилганди, йўқ, иш мана бундай жиддий тус олганини кўргач эса, вужудини кўрқув, хавотир чулғаб олди.

— Э, қўйинг-э, Аппон ака! — деди у ёшига ярашмаган бир оҳангда, бир пайтлар қуюқ, қалин бўлгани сезилиб турган пайваста қошларини ўзи сезмаган ҳолда карашмали чимириб қўйди. — Қўйинг бунақа гапларни! Яхши нарсалардан гаплашайлик!..

Аппон чолнинг вужудини илиқ бир нарса қитиқлаб ўтгандай эди. Кампири неча йиллардан бери унинг исмини айтиб чақирмасди, унинг исмини баайни унутиб юборгандай бўлиб туюларди, ҳозир «Аппон ака» дедию юраги ғалати уриб кетди. Унга жуда яқин ва айни пайтда жуда олисда қолиб кетган хотиралари кўз ўнгида тажассумланди. Қачон унинг вужудини худди ана шундай илиқ, ёқимли туйғу илк бор қитиқлаб ўтганини эсга олишга тутинди. «Бўлди, бўлди, — деди у ўзига, — гўшангада эди! Ҳа, ҳа, гўшангада эди! Соранинг оғзидан биринчи марта ўз исминини эшитганимда ҳозиргига ўхшаб ғалати бўп кетгандим...» Аппон чол мийиғида кулди. Унинг кулгисини кўрган кампирининг юзи хиёл равшан тортди. Аппон чол унга юзланиб:

— Сора, ўзиям «Аппон ака» демаганингга минг йил бўп кетдиёв, а? — деди, отасиникига ўхшаган чўққи соқолини силади, нуруний юзига кулги ёйилди. — Тағин, бир қайтар, тағин бир «Аппон ака» дегин?..

Сора кампирга чолининг ўтинч билан сўраши эриш туюлди, эришдан ҳам кўра бачкана кўринди. Шу боисдан:

— Қўйинг-э! Қариганда ярашмай қоларкан, чол, — деди.

Аппон чол ўзининг чоллигини эслаб қолди. Аппон чол ўзининг ўлимини, гўрковга гўр буюртиб келганини эслаб қолди — ширин хотиралари қандай тез суръатда ёдига тушган бўлса, худди шундай тез фурсатда ёдидан ўчди. «Афсус! — деди у чуқур хўрсиниш билан. — Қани эди у кунлар қайтса! Ҳаммаси бошқача бўлармиди?!» Ҳаммаси бошқача бўлмасди! Ҳаммаси бошқача бўлиши учун бошқа Аппон бўлиши керак эди. Бу Аппон эса ўзгача яшолмасди. Шунинг учун ҳозирги ўйлари ҳам ёдидан жуда қисқа муддатда кўтарилиди. У яна ўзига — етмишларни қоралаган Аппонга, ошнаси Абдулазизнинг қилган номаъқул ишларидан ҳали-ҳануз изтиробга тушаётган, ҳали-ҳануз у билан келишолмаётган Аппон чолга айланди-қолди.

— Ҳозир шаҳарга тушаман. Омонат кассасидан жамғармани опкеламан. Ўлимлигимга ишлатарсан, қолганини рўзғорга яратарсан. Ҳа, дарвоқе, қайтишда Шокирникига кириб келаман. Уни кўрмаганимга икки-уч йил бўп қопти. Иннайкейин, неварасини китобга ўч, ўзининг юрти ҳақида китоб ёзган деб эшитиб эдим. Шу йигитга дадамнинг китобларини бериб юбораман. Барибир қизларинг илмнинг кетидан бормади, куёвларинг ҳам... Дадам раҳматлининг васиятлари бор эди. «Китобларим бутун бўлмаса эртага ўзбекнинг бирор корига яраб қолар, буларни эҳтиёт қил», дегандилар. Шу васиятларини бажармасам бўлмайди... Хўп, ундан кейин почапўстин ва сувсар телпакниям куядан опқўй — Тиллага бераман — савоб бўлади!..

— Ота, ота деб келиб юрадиган Тиллагами? Анорматнинг жиянигами?

— Нима, ундан бошқаям Тилла борми?

— Йўқ, энди айтаман-да!

— Ўша Тиллага! Анорматда инсоф йўқ экан, шу етимчага кийим қип беришни ўйламайди. Қишин-ёзин солдатча кўйлак тушмайди эгнидан.

— Анормат Тиллани кийинтирмаса хотинини кийинтиряпти. Салтанатни қаерда кўрмай сатанг бўп яса-

ниб олган бўлади. Икки чаккасидаги гажакка бало бор-ми дейман!..

Кампирининг сўнгги гапи таъсирида Аппон чолнинг ёдига боз қабристон воқеаси тушди. Бўривой билан чақчақлашаётган бўлган аёлнинг кулгисини тагин Салтанатникига ўхшатди. «Ҳа, ҳа, Салтанат эди. Салтанатнинг кулгиси эди!» деб ҳукм чиқарди. Мазкур ўйни калласидан чиқариб ташлашга қанчалар уринмасин — ухдалаёлмади — у миясининг бир бурчагига ўрнашиб олди. Устига-устак, ўзиники етмагандек, биров ҳам унинг гапини такрорлаб ўша ерига «Кулган Салтанат эди, ҳа, Салтанат эди!» деб гурзи билан тушираётгандек бўлаверди.

— Салтанатинг билан ишим йўқ, — деди у ғайришуурий бир тарзда, гурзи билан бошига тушираётганга жавоб берган бўлиб. Сўнг бу сўзлари кампирининг юқоридаги гапига ҳам мувофиқ тушганини идрок этиб қолиб: — Мен Тилла ҳақида гапиряпман, — деб қўшиб қўя қолди.

— Ҳа, гапингизга айтаман-да, — ўзини оқлашга тутинди Сора кампир. — Тагин почапўстинни сотиб ичиб юбормасин Тилла. Эсингиздами, бирда икковимиз қаердандир қайтаётганимизда, нариги кўчадаги ёнғоқзорда анови шайтоннинг ичимлигини отиб олиб тупроққа беланиб ётувди...

— Сотиб юбормайди, — деди Аппон чол, хаёлидан эса: «Почапўстинни Тиллага бермоқчи бўлаётганим Сорага ёқмади чоғи», деган ўй ўтди, ўтдию Ҳойнаҳой буну у *куёвларидан бирига беришликни мўлжаллаб қўйган бўлса кераг-ов!* «Куёв» геса анқонинг тухумини ҳам толиб келишга шай туради-ку! — деб сўйланди, сўнг қарори қатъий эканига ишора қилди: — Мен унга тушунтираман: Аямбой отангдан эсдалик бу пўстин, уни эҳтиёт қил, дейман!..

Сора кампир «ўша девона сизнинг гапингизни тушунарканми?» қабилада қошларини паст-баланд чимирди.

Аппон чол кампирининг энсаси қотиб, қош чимиришига эътибор бермади.

— Ҳай, майли. Қолган гапларни кейин гаплашармиз, — деди-да, бошига дўпписини кийиб ихраб-сиҳраб ўрнидан қўзғалди. Кавушини оёғига илиб, арик

лабидаги обдастани бориб олди-да, таҳоратхонага йўналди.

Сора кампир унинг ортидан маъюсгина қараб қолди. Салдан кейин уям ишини давом эттириш учун ўрнидан турди...

Аппон чол кийиниб ҳовлига тушди. Ўғирдаги толқонни элақдан ўтказаётган кампирининг тепасига келди.

— Мен кетяпман, — деди у, зотан, бу ерга кетаётганини дараклаш учун эмас, бўлак бир нима истаб келганини юз-кўзлари ифшо этарди. Кампири ҳадеганда рўйхуш беравермагач, у сал нари юрди, тўхтади, ерга қараган кўйи ниманингдир ташвишида манглайини қашиб ўйланиб турди, сўнг кампири томон кўз югуртди-да, яна унинг қошига қайтиб, алоҳал ёрилди: — Оқ сурпдан қанча олсам экан, Сора?..

Сора кампирнинг ранги тағин гезарди. Элак ушлаб турган қўллари қалтираб кетди. Чурқ этмади.

Аппон чол унинг аҳволи-руҳиясини туйгани учун кўпам тиқилинч қилмади. Билганимча оларман қабилада қўл силтади-да, ташқарига йўналди. Остонага етиб улгурмаганди, кампирнинг ўзи уни тўхтатиб қолди:

— Сизгаям, ўзимгаям етадиганини обқўйганман!

Аппон чол қисқа, ясама табассум қилди, аммо унинг ўзи ҳам ичдан зил кетди.

— Режалисан, Сора, — деди, бўлак бир оғиз сўз айтмади, бўйинини қисиб кўчага чиқиб кетди.

У бозорнинг ичидаги омонат кассасидан икки ярим минг сўмга яқин жамғармасини олиб оқ лас қийиғига тугди, белига яхшилаб боғлади, халатини устидан туширди. Қандолатчилардан пашмак торттирди, бозор айланиб ёпган нон, анжир харид қилди — бари бир қоғоз халта бўлди. Уни қўлтиқлаб Жангоб ёнидаги троллейбус бекатига йўл солди.

Троллейбусдан Тахтапулда тушиб қолди. Шокир баззозникига боғ билан кирмоқчи эди. «Қариялар» савоваридан ўтиб, кўприкка етганида, урушдан қайтган йилларини ёдга олди. Худди ана шу осма кўприқдан ўтиб, шаршара ёнидаги тор, айланма боғкўча билан Шокирларникига кириб боришганди. Ҳа, субҳи ко-

зибда эмас, субҳи содиқда, хўрозлар қичқирар-қичқирмас, булбулу майналар хонишини бошлар-бошламас, тезотар беданалар на тун демай, на тонг демай «вавағ, вавағ, питпилик, питпилик»лаб сайраб турган бир паллада елкасига халтасини осиб олган тўрт аскар — Молдахмат, Шокир, Абдулазиз ва у ошналарининг қўрғонига етиб келишганди. Ярим соатлар ўтар-ўтмас эса уларни бутун Хончорбоғ аҳли кўргани чиққанди. Ўшанда уларнинг қайтиши тўйга айланиб кетган, неча қўйнинг боши кесилиб битганди. «Абдаз ўша кунларимиз хотирасигаям хиёнат қилди-я! Вой бадбахт-э! Бармоғимни немиснинг ўқи учуриб ўтди дейди-я, уялмай-нетмай! Ахир қўлига қора нонни қўйиб туриб устидан ўзи ўқ узганини Шокир айтганди-ку! «Ўзбекнинг юзини ерга қаратма, оғайни», дедим деб айтганди-ку Шокир! Тагин бизлар унинг бу қилиғини тўғри тушунишга ҳаракат қилувдик. Бундай ҳодисалар одамларимиз орасида кўплаб учраб тургани учун урушга, азоб-уқубатларга исёнидек қабул қилувдик... У эса «Шокир ва Алпонни медресачастга судраб кетаётганимда ўқ учуриб ўтди», деди-я!.. Ё қулоқларим алдадимми? Ё қулоқларимга нотўғри эшитилдимми? Йў-ўқ, даврани олиб бораётганга шундай деди-ку! У берган саволга шу жавобни қилди-ку!..» Алпон чолнинг ҳалиги кайфиятидан асар қолмади. Юраги сиқилгандан-сиқилди. Мабодо Абдулазизга: «Нега бундай қилдинг? Ахир, Шокир ё бўлмаса Молдахмат сени ойнаи жаҳонда кўрган бўлса нима дейди?!» деб айтгудай бўлса, у дарров баҳона топиб беришини ёхуд «Алпон менинг орден олганимни, телевизорда чиққанимни кўролмаяпти» дейишдан ҳам тоймасини кўз олдига келтирдию бу ниятидан қайтди. Хаёли кечаги воқеага кўчди. «Негаям ўша бетавфиқниқига бордим?!» деб ўзини тергади. Қобил Қаҳрамоновнинг «Бу отанинг ҳужжатлари юқоридан қайтганди» деган сўзлари ёдига тушди, ёдига тушдию ўзининг унга жавоб тариқасида айтган: «Ҳа, бир пайтлар дадам қораланганлар», деган жумласидан ижирғаниб кетди. «Нега ундай дейсан? Дадамнинг қамалишига сенинг буванг сабабчи, Содир ака сабабчи, ука!» демайсанми деб ўзини койиди, вужудида ўжар бир истак хуруж қилишга бошлади: «Шокирниқидан қайтишда Ильич орқали кетаман-да, унинг

олдига кириб шу гапни айтиб чиқаман! Ҳа, ҳа! «Дамни қаматган сизнинг бувангиз бўладилар ўртоқ майор!.. Буни ўшанда, сиз мени уйдан келиб опкетганингизда, у киши ўз оғизлари билан айтганлар! Аблахликларини бўйниларига олиб тавба-тазаррулар қилганлар!» дейман. У мени ўша куни қайтариб юбориб қанчалар уялтирган бўлса, менам уни яхшилаб уялтираман!», дея қатъий бир тўхтамга келди. Шу мазмундаги ўйлар билан Шокир баззозникига етганини ҳам сезмади.

Ярим табақаси очиқ турган эшиқдан бостирма билан ичкарига юрди. Ҳовлида ер сатҳига тўкиб қўйилган дон-дунни териб юрган қаптарлару ўртадаги қафаси ёнида камалақдай товланма думини елпигичга ўхшатиб ёйиб худди варрак дардарагидай дириллатиб турган товусдан бўлак ҳеч зоғ кўринмасди.

Аппон чол кираверишда чапдан ҳовлига қараб солинган уй рўпарасида — баланд ишком тагида тўхтади.

— Шокир, ҳўв мулла Шокир! — деб ошнасини чақирди.

Шу маҳал тўғридаги уйнинг эшиги очилиб, олтиетти ёшлар чамасидаги бола айвонга чиқди. Ўша ердан туриб:

— Ким у? — деб овоз берди, ишком тагидаги Аппон чолни танимади шекилли, ичкарига қайтиб кириб кетди.

Бир маҳал уйдан қирқ билан қирқ беш ёшлар орасидаги аёл, унинг ортидан ҳалиги бола чиқди-да, ҳовлига тушиб келишди. Аппон чол бу аёл баззознинг келини эканини билиб, уч-тўрт қадам олдинга юрди.

Келин бегона қариядан уялинқирагандай бир кўйи оҳори кетган крепжоржет кўйлагининг ёқасига кафтини қўйди-да, унга яқинлашиб салом берди.

Аппон чол унинг саломига алик олди. Онасига эрғашиб келган болани ўзи томон чорлаб қўл бериб сўрашаркан:

— Бу мулла Рашиднинг ўғлими, унга ўхшаб турибди, — деди, кейин боладан исмини сўради.

— Боҳо, — деди бола, бобоси қатори мўйсафидга қинғир-қийшиқ ўсган тишларини кўрсатиб кулиб қараб қўйди.

— Боҳомас — Баҳодир дегин отангларга. Исмингни тўлиқ айтишга ўрган, ўғлим, — деб болага дакки берди онаси.

Аппон чол боланинг ширинлигидан кулди.

— Тўғри айтяптилар, ойинг, ўғлим. Одам исмини тўғри айтиши керак, — деди Аппон чол, сўнг аёлнинг ўзига юзланиб: — Мени танияпсизми, келин? — деб сўради.

Рашиднинг хотини ўйланиб қолди. Унинг ким эканини, бу хонадонга қандай алоқаси борлигини эслолмади чоғи, бош чайқаб:

— Йўғ-а, таниёлмадим, — деди, шу билан бирга уни танимаганидан хижолат ҳам чекканини юз ифодаси ошкор этди.

— Мен мулла Шокирнинг Аппон деган ошнасиман. Чуқурсойлик ошнасиман. Бурунлари кўп келардим. Болалигим шу ерларда ўтган. Кейинги пайтларда одам ўзидан ортмай қолди. Охирги марта келганим икки-уч йил бурун эди шекилли. Унда манови девор ҳам йўқ эди. Расул бола-чақаси билан у ёққа ўтибди шекилли, — деб ўнгдаги ҳовлига ишора қилди. — Аввал мана бу ёқда турарди...

— Ҳа, муллакамгилар у ёққа кўчиб ўтишди, — унинг тахминини тасдиқлади келин, сўнг уларнинг суҳбатига анграйиб қараб турган ўғлига юзланиб: — Боққа туш-да, бувангни чақириб чиқ. Аппон отам кептилар сизни йўқлаб, дегин. Бор ўғлим, — деб буюрди, ўғли «хўп» ишорасида бош чайқаб югуриб кетгач эса, Аппон чолга қараб: — Амаки, мана бу уйга кириб ўтиринг, — дея кираверишда чапдан ҳовлига қараб тушган, олдида энсиз айвони бўлган уйга ишора қилди.

— Мен ўзим боққа тушсам нима қилади? — сўради Аппон чол, эгаси йўқ бўлган уйга киришга ийманди, шу алпозда қўлида қоғоз халта ушлаб тургани ёдига тушиб қолди-ю, эсим қурсин қабилида чаккасини ушлаб уни базознинг келинига тутқизди.

— Сиз овора бўп юрасизми? Ҳозир Баҳодир зингиллаб бориб чақириб келади, — деди келин, халтани айвон четига қўйиб, Аппон чолни ичкарига бошлади.

Аппон чол айвон четида турган обдастада қўл ювишга тараддусланаётганди, келин чаққонлик билан ундан обдастани олди-да, «мен ўзим қўйиб юбора-

ман», деди, унга сув қуйиб турди, сўнг айвонга чиқиб устунда илиғлиқ турган сочиқни олиб тушди.

Аппон чол сочиққа қўлини артди, «баракалла» деб уни келинга қайтариб берди, сўнг ҳали-ҳануз думини ёйиб турган товусни назарда тутиб:

— Бу жаннат эшиги қўриқчисини қаердан топдинглар? — деб сўради.

Базознинг келинига унинг ушбу саволи ғалати таъсир этди, буғдоймағиз юзида, ақлли, тийрак кўзларида ҳазин бир ифода намоён бўлди.

— Булар опкелувдилар, бурноғи йили, — деди, «булар» деб эри Рашидни назарда тутганида нима учундир овози ҳам титраб чиқди.

Аппон чол ундаги ўзгаришни сезди, аммо нима сабабдан бундай кўйга тушганини сўрашга журъат қилолмади — унга эргашиб уйга кирди.

Келин чаққон ҳаракат билан тўрдаги — бетига қўнғирранг жун чойшаб тутиб қўйилган тахмондан тўртта бахмал кўрпача олиб хонтахта атрофига тўшади. Икки-учта пар болишни девор тарафга суяб қўйди. Хонтахта устидаги эски дастурхонни йиғиштирди-да, ўрнига янгисини олиб келиб ёзди. Патнис тузаб чиқди. Аппон чолнинг пашмак ва анжиридан иккита ликопчага солиб олиб кирди. Халтасини ҳам шу уйдаги тоқчага қўйди.

— Амаки, дастурхонга қаранг, — деб нон синдирди, кўк атлас гулли пиёлалардан бирига чой қуйиб худди ёш келинчаклардай азалий удумга риоя этиб унга узатди, сўнг «ўз уйингиздек бемалол еб-ичиб ўтираверинг», деди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Кўп ҳам ўтмай кўчадаги йўлкада ҳассанинг дўқиллагани, бировнинг йўталгани эшитилди. «Ҳойнаҳой Шокир бўлса керак», деб фикр қилди Аппон чол. Ҳақиқатан ҳам ҳовлида аввал Баҳодир кўринди. У ҳовлиқиб уйга кирди-да, нафас ростлаб ҳам улгурмай Аппон чолга ҳисобот берди:

— Аналар бувамлар! Шокир бувамини бошлаб келдим!..

Аппон чол ликопчадан бир дона анжир олиб унга берди, кейин мақтади:

— Зўр болам экансан-да! Бувангни чоптириб олиб келдингми-а?..

Баҳодирга унинг мақтови мойдек ёқиб, болаларча талтайиб анжирни тишлаган эди, таъми кўнглига ўтиришмади чоғи, юзи бурушиб кетди.

— Мен бунингизни паттиссонми депман. Бунингиз ширин экан-ку! — дея нолиди.

Аппон чол соқолини силаркан, кулиб қўйди.

— Нима, анжир емаганмисан? Анжир ширин бўлади-да! — деб тушунтирди.

— Э-э, анжирингиз бўлмади, ота, — деди Баҳодир кекса кайвонилик қилиб, тўгарак юзини боз тириштирди-да, анжирни Аппон чолнинг ўзига қайтарди. — Паттиссон шўртанг бўлади, уни есангиз маза қиласиз...

— Батисонинг нимаси ўғлим?

— Батисонмас — паттиссон! — астойдил куйиниб Аппон чолга дакки берди бола.

— Хўп ана сен айтганча бўлсин — патиссон?..

— Шуниям билмайсизми? — таажжубланиб боқди Баҳодир. — Паттиссон шиша банкада бўлади. Мана бундай шиша банкада, — деб қўлида ўлчаб кўрсатди. — Дадам бизга опкелардилар ўшандақа паттиссондан!..

— Сенам анжирни билмас экансан-ку! Анжирни билмаган ўзбек борми?! — ҳазиллашган бўлди Аппон чол.

— Билама-а-ан! — бола Аппон чол уни анжирни билмасликда айблашидан ранжиди. — Мана шунақа анжирдан менинг ўртоғимникидаям бор. Улуғларникидаям бор. Ишонмасангиз опчиқаман. Ишонмайсизми? Опчиқайми?..

Аппон чол унинг қизиша бошлаганини сизди. Шунинг учун ҳам:

— Ишондим, ишондим! — деб икки қўлини юқорига кўтарди.

Боланинг кўнгли ўрнига тушмади. Буни унинг катта қуралай кўзларидаги безовталиқка яқин белгидан ҳам билиш мумкин эди. У шоша-пиша шимининг устига чиқиб қолган майкаси этагини ичига киргазди-да, «мен ҳозир» дея уйни тарк этди.

Уни ҳовлида Шоқир баззоз тўхтатди:

— Ҳа, Баҳодир, тинчликми? Аппон отангнинг бир ўзини ташлаб чиқдингми?!

— Мен ҳозир келаман, бува, — баайни зарур иш юзасидан кетаётгандек ҳовлиқди Баҳодир. — Улуғлар-никига бориб келай!..

— Ҳа, бора қол, — Шокир баззоз набирасининг орқасидан маъюсгина кулиб қўйди, кейин Аппон чол ўтирган уйга кўтарилди.

— Бормисан, Аппон?! — Шокир баззознинг сер-ажин юзига қувонч таралиб, қийиқ кўзларида ёш йил-тиллади. — Омон-эсонмисан?! Нечук? Нечук?..

Аппон чол бурунгидан анча ўзини олдириб, қар-тайиб кетган ошнасини бағрига босаркан, уям ҳаде-ганда бир сўзни такрорлайверди:

— Ўзинг саломатмисан? Ўзинг бақувватмисан, Шо-кир?!

Улар бирор муддат бир-бирларининг кучоқларида турдилар. Шундан сўнг Шокир баззоз «қани, ўтирай-лик-чи», деди.

Аппон чол тўрга — ичкари уй эшигига қараб, Шо-кир баззоз ундан пастроққа — ҳовлига қараган дера-зага орқа ўтириб ўтирди.

Шокир баззоз фотиҳа ўқиди. Аппон чол унга қўшилди.

— Қани, дастурхонга қара, Аппон, — деди у, ёпган нонлардан тагин бирини синдиришга тутинганди, Ап-пон чол йўл қўймади.

— Мана бор-ку, қара, увол бўлади, — деб ўзининг олдига уйилиб кетган бурда нонлардан икки-учтасини баззознинг ёнига сурди.

Баззозга бу гап маъқул тушди. Нонни қайтиб жо-йига қўйди.

— Яхши юрибсанми, Шокир? — деди Аппон чол, ошнаси у ўйлагандан ҳам ўзини олдириб қўйганига таажжубланди. «Аввалги келганимда Шокир бунчалик эмасди-ку! Икки-уч йилда жудаям ўзини олдириб қўйибди-да! деди ичида. Баззознинг етмиш йил яшаб оқармаган сочини, қошларию иягига довуру етиб бор-ган қўнғирранг мўйлабини қиров босиб кетган, бир пайтлар гўштли бўлгани сезилиб турган, ҳозирда эса солқиб, халтадек бурушиб кетган, серажин, аммо ис-тарали юзида, катта-катта қўйкўзларида мунгли бир аломат зоҳир эди.

— Яшаб турибман ишқилиб, тупроқдан ташқарида,— жавоб қилди Шокир баззоз.

Аппон чол унинг шахти илгаригидай эмаслигидан ҳар турли мулоҳазага борди.

— Кампиринг омонми? — деди у бир оз тортиниб, кейин ана шу саволни бергани учун хижолат чекди.

Шокир баззоз бир дона анжирдан қўлига олиб:

— Юрибди. Кеча сингиси кеп опкетувди, беш-ўн кун меникида турсинлар, кейин ўзим опкеб қўяман деб. Паркатга кетди, — деди.

Аппон чолнинг кўнгли хиёл ўрнига тушди.

— Ўғилларинг: Расул, Раҳим, Рашидлар ишлаб туришибдими? — деб сўради.

Шокир баззоз ерга қаради. Жуда қисқа қилиб «ҳа», деб қўя қолди. Аппон чол боз сўроққа тутмасин учун унинг ўзидан ҳол-аҳвол сўради:

— Ўзинг-чи? Кампиринг, қизларинг тинчми?

Аппон чол ҳам кўп чўзилмади.

— Ҳаммаси яхши юрибди, — дейиш билан кифояланди холос.

Шокир баззоз токчадаги қоғоз халтага, дастурхондаги пашмак, анжирга ишора қилиб:

— Нега мана бунақа нарсаларни кўтариб юрибсан? — деди, оғайнисидан норозиланди.

— Сен анжирни, пашмакни яхши кўришингни билганим учун бошқа нарса олиб ўтирмадим. Эсингдами, урушдан кейин эди шекилли, анжирхўрликка чақиргандинг?.. Даданг боғинглардаги марвартак тут тагида каравотда ётганлари ҳали-ҳали кўз олдимда турибди. Мени кўриб севиниб кетгандилар. Ҳосил ака раҳматли...

— У боғлар қани энди... — баззоз «эсиз» дегандай бош чайқаб қўйди. — Ўшанда тўртта анжир емасингдан кўнглимга тегди деб туриб олгандинг, — ошнасини мазах қилгандай кулимсиди Шокир баззоз, лекин кулгисида шикаста бир оҳанг бор эканини Аппон чол дарров пайқади.

Шу маҳал Баҳодир уларнинг олдига ҳовлиқиб югуриб кирди. Унинг кетидан ўзи тенги яна бир бола айвонга кўтарилди.

— Мана, ота, мана сизникидака анжир! Мана бу Улуғларникидан опкелдим! Биларканманми анжир-

ни?! — деди у куйиб-пишиб, нафас ростлаш ҳам эсига келмади. Аппон чолдан жавоб кутиб тураверди.

Аппон чол унинг бир сўзли, бир феъллилигига қойил қолганини бош тебратиш ва кулиб қўйиш билан намоиш этди. Баҳодирнинг қўлидаги ҳали пишиб улгурмаган анжирга қараб туриб:

— Обба сен-эй! Эринмасдан бориб опкелдингми-а? Бўлди, бўлди, ишондим! — деди.

— Ҳа, тинчликми? — неварасини сўроқлади Шокир баззоз.

— Мана бу отамлар, анжирни билмайсанми, дегандилар. Мен биламан, Улуғбекларникидаям шунақа анжир бор, дедим, бориб уларникидан опкелдим. Ишонмасалар ана Улуғниям бошлаб келдим.

Аппон чол кулимсиди.

— Неварангга бир дона анжир берувдим ёқмади. Ҳали отини нима девдинг, болам, батисонми? Шунанжирдан яхши дейди-да!..

— Батисонма-ас, патиссон! — яна Аппон чолга дакки берди бола, кейин бобосига юзланиб: — Дадам опкелардилар-ку, банкада, маза қип ердик-ку, шуни айтдим, — деди.

— Ҳа, шу нарсани анжирдан аъло кўрди-да неваранг!

— Буям сенга ўхшабди-да, Аппон! Сенам боя айтганимдай, тўртта анжир емасингдан кўнглимга тегди деб олардинг-ку!.. — деди Шокир баззоз, сўнг неварасига қараб: — Э, болам, боғимизда ўн тупча анжиримиз бўларди. Дадам раҳматли бутун Хончорбоғ аҳлига улашганлари-улашган эди. Ойимиз раҳматли эса анжир қоқи, анжир қиёмларини эшикма-эшик кириб қўшниларга тарқатиб чиқардилар. Қани энди у анжирзорлар!..

— Ҳа-а-а, қани энди ўша боғлар! — деб унга қўшилди Аппон чол.

— Сеникига троллейбусда келяпману ичим ачишади. Себзордаги, Тахтапулдаги қанча-қанча мевали дарахтлар кесилиб кетибди, қанчадан-қанча ҳовли-жой йўқ бўп кетибди. Анави гугурт қутисига ўхшаган уйларни кўриб яна ичим бирам ачидики... Ўзбек ҳовли билан, ер билан тирик-да! Ҳаммаёққа осмонўпар уйларни қуриб ташлаган билан иш чиқарканми? Бу

халқнинг табиати билан ҳам ҳисоблашиш керак-да! Қара, ана ўша Себзордаги қанақа кўчалар йўқ бўлиб кетибди...

— Нимасини айтасан, Аппон! — оғир хўрсинди Шокир баззоз, юзидаги ажинлари тагин ҳам қуюқлашди.

— Тўртинчими, бешинчи қаватда сен ва менга ўхшаган бир қария тепасига тўрқовоқда бедана осиб қўйиб томоша қилиб ўтирганига кўзим тушиб қолди дегин. Тўғриси айтсам, ўша одамгаям, айвончасида осилиб турган беданагаям ичим ачишиб кетди. Иннайкейин, Шокир, тўрқовоқдаги бедана ҳовлига ярашаркан, ана унақа осмонўпар уйларда валати кўринаркан-э!..

Баҳодир чолларнинг суҳбатидан зерикди. Бобосининг қўлига ҳозир олиб келгани икки дона хом анжирни тутқазди-да, ўзи уйга киришга ботинолмаганидан айвонда кутиб қолган ўртоғи билан пастга тушиб кетди.

Аппон чол Шокир баззознинг қўлидаги икки дона анжирга нигоҳ қадаб туриб:

— Буни дадам раҳматли жуда яхши кўрардилар-да, — деди, отасини тилга олиши ҳамона қоратўри юзига ғам чўқди.

— Тўғри, — унинг сўзларини тасдиқлади Шокир баззоз, — Аямбой ака раҳматли анжирни жуда яхши кўрардилар. Айниқса, хоки анжир у кишининг жони эди. Босмахонага улар ишга опкириб қўйгандилар-да!.. Бир куни дадам раҳматли «мана буни Аямбойга олиб боргин», деб бир тоғорачасини кўлимга тугиб бердилар. Шунини у кишига обориб бердим. Бирам суюнадилар дегин, бирам суюнадилар, худди мана бу болаларга ўхшаб суюнадилар-да! Шундан уч-тўрт кун кейин «Аямбойни опкетишибди», «Аямбой халқ душмани эмиш» деган миш-миш гаплар тарқади... Дадам раҳматли бирам куядилар-э!.. «Аямни душман деганларнинг ўзи душман!», дейдилар...

— Дадам раҳматлини қаматган ким эканини эшитганмисан?

— Ўзинг бирда айтиб бериб эдинг. Содир ака деб эдинг.

— Дадам раҳматли Содир ака шундай иш қилганини ҳеч кимга айтмадилар-а! Унинг ўзи бир кун

мени чақириб: «Аямбойга хиёнат қилдим. Ўзимдан қўрққаним учун уни душман деб обориб сотдим», деганди. Ўзиям бир йил ётиб, не азоблар кўриб ўлди шекилли...

Шокир баззозга Аппон чолнинг юқоридаги сўзлари қаттиқ тегди. У ошнасида яшираётган, яшираётган эмас, унга айтолмаётган, айтишга юзи чидамаётган гапини маълум қилиб:

— Хабаринг борми-йўқми, Аппон, Рашидам қамалиб қолди, — деди, бу мудҳиш хабарни дараклаш асносида овози титраб кетди.

Аппон чол бир қалқиб тушди. Оғзида чайнаётган нони томоғига тикилаёзди. У ўқчиб юборгудай бўлиб йўталди, сўнгра тезда пиёласини қўлига олиб чойдан ҳўплади. Нон ичини оғритиб ошқозонига ўтганини ҳис этди. Ҳовлиқиб сўради:

— Нега? Нима учун?!

— Эрта кўкламда машинасида одам босиб олди...

Аппон чолнинг юраги алланечук уриб кетди. Негадир шу дамда ёдига Норхол келди: унинг қабри тепасида туриб қолгани, туриб қолиб, Шокирнинг биринчи хотинимасми, деб ўйга толгани, Далавой гўрковнинг «раҳматлини машина уриб юборибди», деган гапини хотирлади, хотирладию: «Наҳотки Норхолни Рашид босиб кетган бўлса?!» деган номатлуб ўйга бориб даҳшатга тушиб кетди. Ана шу мулоҳазасини Шокир баззозга айтмоққа тараддулданди-ю, аммо ботинолмади, айтишига нимадир ҳалал берди.

— Наҳот... Наҳотки? — дейиш билан чегараланди, холос.

— Ҳа, эрта кўкламда машинаси билан Норхолни босиб кетди, — деди Шокир баззоз, пича тек қолди. Томоғига ёнғоқдек нарса тақалгандек бўлди. У аранг тупук ютди-да: — Норхолни танийсан-а? — деб сўради, Аппон чол ўйчанлик билан «ҳа» ишорасини қилиб бош тебратгач, боз сўзида давом этди: — Жала қуйиб турган экан. Сигнал берсаям эшитмабди Норхол... Ундаям нима айб, қаричилик, қулоғи оғирлашганди. Рашид машинасини тўхтатиб қолишга улгуролмабди. Чувалачининг йўлида бўпти бу воқеа.

Аппон чол узун, тирноғи кўчган бошмадоғи билан серсоқол иягини қашиди, анча ўйланиб қолди. Ўти-

риш аҳволдан Шокир баззознинг бошига тушган му-
сибат унинг юрагини ачиштираётганини сезиш қийин
эмасди.

— Ҳа, жуда ёмон воқеа бўлди, — деди у алоҳал,
пича тек тургач кўшимча қилди: — Кеча менам мо-
зорга кирувдим, — у қабристонга кириши сабабини
айтиб ўтиришни лозим топмади, — шуңда кўзим Нор-
холнинг қабрига тушди. Ўша Норхолми, йўқми, деб
хайрон бўлувдим...

— Ўша, ўша-а-а, — деди Шокир баззоз, бу сўзини
ўзининг биринчи хотинига алвидо айтгандай бир
йўсинда талаффуз қилди. — Уни ўзим ерга қўйдим.
Ибройим отага ўзим қўйдим.

Аппон чол унга таскин берган бўлди:

— Нима қиласан энди? Пешона экан Шокир!
Қўлингдан бошқа нимаям келарди?!

— Рашид юзимни ёмон шувут қилди.

— Уям шундай бўлсин демагандир, ахир!..

— Эл-улуснинг ўртасида бош кўтаролмай қолдим.

— Бахтсиз бир тасодиф-да! Фалокат оёқ остида
деганлари шудир-да! — деди Аппон чол, хаёлидан эса:
«Мулла Шокир жуда содда-да! «Эл-улуснинг ўртасида
бош кўтаролмай қолдим» дейди! Ахир, унинг ўғли бу
ишни атайдан қилмаган бўлса, шунгаям ўзини айбдор
ҳис этипти-я!», деган ўй ўтди, ўтдию боз Абдулазиз-
нинг қилмиши ёдига тушаверди: *У ярамас эса, кўриб-
билиб туриб ҳаммамизнинг юзимизни ерга қаратди!
На мендан, на Шокирдан андиша қилмади! Ахир, ҳали
кўзим очиқ-ку! Уялмай-нетмай «Аппон билан Шокирни
елкамга опичиб обордим», деди-я! Улар кўрса нима
деган одам бўламан, гемади-я! Вой одамнинг шайто-
ни-ей! Вой одамнинг устомони-ей!..*

Шокир баззозга унинг далдаси таъсир этиб, сал
ҳовуридан тушди. У яна сўз бошлашга оғиз жуфтлаб
турганди ҳамки, келини икки косада мошхўрда кўта-
риб кириб қолди.

У «хуш келсиз», деб косалардан бирини Аппон чол-
нинг, иккинчисини эса қайноғасининг олдига қўйди,
чойнакнинг тиқинини очиб кўрди, чойи ярим турган
эса-да, совиброқ қолганди, шунинг учун «алмашти-
риб келаман» деб уни олиб чиқиб кетди.

Тезда қайтиб, заранг пиёлада қатик, ликопчада қий-маланган ошрайҳон олиб кирди. Кетатуриб: «Чой хиёл чиқсин опкебераман», деди.

Шокир баззоз Аппон чолга қатик билан райҳонни узатди. У косасига керагини солиб бўлгач, ўзиникига ҳам қошиқда ағдарди-да:

— Қани, Аппон, овқатга қара, — деди, косадаги суюқ ошини уч-тўрт бор шопириб қўйди.

Улар овқатни индамай ичиб олишди. Оғзиларини сочиққа артиб, тўйганларининг белгиси сифатида бирин-сирин кекириб, «худога шукр» деб қўйишди.

Шокир баззоз терга ботган кенг манглайини рўмол-часида артди. Аппон чол ҳам терлаганидан баданига ёпишиб қолаёзган оқ кўйлаги ёқасини кўтариб туриб кўкраги атрофини сочиқда елпиётганини кўриб:

— Ёзнинг куни суюқ овқат ичганга не етсин, Аппон, — деб кулиб қўйди.

— Нимасини айтасан, Шокир, — ҳорғин, ҳорғиндан ҳам кўра мамнун бир қиёфада унинг сўзларини тасдиқлади Аппон чол. — Келинингнинг қўли дард кўрмасин.

Шокир баззоз келини ташлаб кетган фамил чойни обдан қайтарди. Аппон чолнинг ва ўзининг пиёласига ним ярим қилиб қўйди. Унга узатди, ўзининг пиёласидаги чойни қайноқ деб ҳам ўтирмай бир-икки марта хўплаб олди-да:

— Яхшиям Тоҳира келин бор экан. Тўртта болани, чол-кампир икковимизни эплаб турибди, ишқилиб, — деди.

— Бола-чақанинг кўпи яхши экан, — деди Аппон чол, отасига ҳам, унинг ўзига ҳам серфарзандлик на-сиб этмаганидан куйинди. — Менинг икки қизим ўзидан ортмайди. Бири Бекободга тушган, хабаринг бор-ку, ўша ерда йигирма беш йилдан кўпроқ ишлаб келдим, ўша ерлик бир ошнамнинг ўғлига узатганман. Иккинчиси Янгийўлга — сенга ўхшаган матбаачига тушган. Кичик куёв босмахонада ишлайди... Дадам раҳ-матлининг касбини қиларкан, деб бергандим, шу сал ичадиган чиқиб қолди-да, йўқса-ку ёмон йигитмас-а!..

— Менам ўртанча қизим Ноибани ўша ёққа узатганман. Хабаринг бориёди шекилли. Куёв сен айтаётган Янгийўлдаги қайси бир колхозда тракторчи бўл

ишлайди. Уям бамаъни, одамшаванда йигит-у, аммо ана шу шайтоннинг ичимлигидан олиб тураркан-да!..

— Бундан чикди, ёшларнинг бари шу экан-да!..

— Шуни айтмоқчиман!

— Дарвоқе, ёзувчи неварам бор дегандинг?

— Расулнинг тўнғич ўғлини айтувдим-да, Анварни.

Шу боламнинг ёзувчи бўладиган сиёқи бор-ов. Бизнинг Хончорбоғ ҳақида китоб ёзди. Қўлга олса арзирли — қалин китоб ёзди. Сувонқул, Мирхон, Убайларни, иннайкейин, Наби Тароқни мақтаб ёзди. Туновкуни у минан дардлашиб ўтириб Аямбой ака раҳматли ҳақида, у кишининг илми ҳақида сўзлаб берувдим. «Ана шу одам ҳақида китоб ёзсанг бўлади», дедим. Содир аканинг номаъқул ишларини сенинг ҳикоянг бўйича айтиб бердим. Жуда таъсирланди аммо-лекин...

— Энди Шокир, ошна, менингам бир оёғим ерда бўлса, иккинчиси гўрда, — деб узоқдан сўз бошлади Аппон чол, у Абдулазизнинг нопок ишидан қаттиқ изтиробга тушганини айтишни ножоиз деб билди, зеро, Шокир баззознинг аҳволи ўзиникидан яхши эмаслигини кўриб-билиб турганди — фронтдош ошналари-нинг уларга нисбатан қилган беадабгарчилиги уни баттар хафалантириши мумкин эди: — Дадам раҳматли кўзлари очиклигида менга бир нарсани қаттиқ тайинлаб кетгандилар. Биласан, Шокир, у киши жуда маърифатпарвар, китобга жонини берувчи одам эдилар. Алғов-далғов йилларда кўп эски китобларини ўзлари яшириб қўйгандилар. Қамалганларида ойим икковимиз орқасидаги жарликка кўмишга улгургандик. Кейин жуда хурсанд бўлгандилар бизнинг бу ишимиздан. Ўлимларидан бурун дадам бир гапни айтдилар. «Болам, биз ўтмишимиздан узилиб қолдик. Аммо қачондир албатта қайтиш бўлади. Шуңда бу лоямут китоблар ўзбекнинг бирор кунига яраб қолар. Буларни эҳтиёт қил», деб қаттиқ тайинлагандилар. Энди, менам ўлиб кетсам, Шокир, дадамнинг бор китоблари чанг босиб ётаверса, ё худо кўрсатмасин йўқолиб кетса, унда жуда ёмон иш бўлади-я! Шунинг учун уларни сенинг Анваринг ола қолсин! У ёзувчи бўлса, ўзигаём ё у орқали бошқа бировгами бирор нафи тегиб қолар бу китобларнинг. Шуни бугун-эртадан қолмай опке-

либ олсин. Дадам раҳматли шу юмушни гарданимга юклагандилар. Менам хотиржам бўлай, — деди Аппон чол, зотан у «менама хотиржам ўлай» дейишликни мўлжаллаганди-ю, аммо бу гапи Шокир баззозга ҳам айил ботиши мумкинлигини ўйлаб юқоридаги жумла билан қаноатланиб қўя қолди.

— Буни тўғри ўйлабсан!

— Тўғри ўйлабманми?

— Ҳа, тўғри ўйлабсан, — деди Шокир баззоз ўйчанлик билан. — Китобни кейинги томирларимизга ташлаб кетсак ёмон иш бўлмайди. Уни ўқиб-ўрганиб, мағзини чақсалар жаҳолатдан узоқроқ яшашга уринадилар. Жоҳилнинг биттаси эса, ўзинг гувоҳи бўлдинг, Аямбой акадек покдил одамнинг бошига не мусибатлар солмади.

— Неваранг ҳозир уйда йўқдир? — сўради Аппон чол, Шокир баззознинг мана бу сўзлари уни ҳам чуқур ўйга толдирганди.

— Ҳозир уйда йўқ, ишда бўлса керак, — жавоб қилди Шокир баззоз. — Уйда бўлганда менга қарашгани тушарди. Бутун кўринмади.

Аппон чол яна ич-ичидан тутади. Шокир баззоз жоҳиллик ҳақида гапирганида боз кўз ўнгида Абдулазизнинг доғули, сур башараси, ёлғон сўзлари ўтаверди. У ҳамма нарсани кечирарди, аммо ёлғонни, яна унинг учун муқаддас саналган уруш йиллари хотирасига хиёнатни, йўқ, сира ҳам кечиролмайди. У ақалли шу дамда буларни ўйламасликка, тўғрироғи Абдулазизнинг қилмишини ёддан чиқаришга уринганди, уҳдалаёлмади, у ҳадеганда айланиб келиб хаёлини банд этаверди.

— Қирқ учинчи йил эсингдами? Кузьминка қишлоғи яқинида қуршовда қолиб кетганимиз? — У ўзи сезмаган ҳолда гапни уруш мавзуга бурди.

Шокир баззоз Аппон чол нима учун шу дамда уруш йилларини қўмсаб қолганига ажабсинса-да, лекин ош-насининг хотираси ўзиникига нисбатан анча бутун эканига тан берди. Унинг хотираси эса кўпинча панда берарди. Сўнги пайтларда у ҳатто бир кун аввал еган овқатини ҳам унутиб қўядиган бўлиб қолган ва буни қариликка йўйиш орқалигина ўзини тинчлантирарди. У уруш йилларидаги жуда кўп воқеаларни аллақачон

ёдидан чиқариб юборган, лекин қуршовда қолган кунлари ҳали-ҳануз эсида сақланмоқда эди. Қачон, қайси қишлоқда қуршовда қолганларини унутган эса-да, аммо ўшанда икки ойга яқин қуршов азобини чекканларини фаромуш қилмаганди.

— Ҳа, ёдимда, — деди у, бироқ нима учун Аппон чол қуршовда қолганларини ҳозир эслаб қолганига таажжубланишда давом этди.

— Икки-икки ярим ойга яқин қолиб кетгандик-а?

— Ҳа.

— Нималарни кўрмадик, нималар бошимизга тушмади-я, Шокир!

— Ўрмонма-ўрмон санқиганларимизни назарда тутяпсанми?..

— Униям, умуман урушда кўрган кунларимизни айтаман-да!..

— Э-э, баъзан тушга ўхшаб кетади. Ертўла, хандақлар қазиганларимизни эсласам, ҳаммаси худди тушда содир бўлгандек кўринаверади-я!

— Нимасини айтасан? У кунларни унутиб бўлармиди?! Арча, қарағайларнинг пўстлоғини шилиб еган кунларимизни эсан чиқариб бўлармиди?!

— Молдахмат икковингми ё Сакен биланмиди, ту-нука бочкадан печка ясаганларинг?

— Молдахмат билан эди. Ҳа, тўғри, Молдахмат икковимиз печка ясовдик. — Шокир баззоз бу номни тилга олганида нима сабабдандир ғалати бўлиб кетди. Кенг пешонасидаги тарам-тарам ажинлари чуқурлашиб, юз-кўзларида хафаланишга монанд ифода қалқиди.

Аппон чол ундаги ана шу ўзгаришни дарров илғгани боис:

— Нима, Молдахмат ҳақида ёмон хабар борми? Молдахмат оламдан ўтибдими, ғалати бўп кетдинг? — деб Шокир баззозни сўроққа тутди.

— Худо сақласин, ундай дема! Молдахмат ҳаёт-е! — деди Шокир баззоз, сўнг эса ниманидир дараклашга шайланди-ю, бироқ истиҳолага бордимиз ёхуд журъат қилолмадимиз, ниятидан қайтди.

Аппон чол ошнаси ундан бир нимани яширишга уринаётганини сезди. Шунинг учун ҳам уни қистокқа олишини қўймади:

— Сен, Шокир, мендан бир нарса ни яширяпсан? Ҳа, кўзларинг айтиб турибди ниманидир яшираётганингни?!

Шокир баззоз ўнғайсизланди. Алпон чолга «сендан ниманиям яширардим» кабилида боқди-да:

— Ўтган ҳафта, Алпон, Рашидни кўргани Ангренга бориб келдик, — деб гап бошлади. — Келиним, бояги Баҳодир неварам учовимиз. Ўша ердаги бетон чиқарадиган заводда ишлатаётган экан уларни. Ўша ерда кимни кўрдинг дегин, — Шокир баззоз оғзи қуриб қолгани учун чойидан ҳўплаб олди. — У ерда Молдахматни учратиб қолдим. У бечораниям қамашибди экан...

— Йўғ-э!!! — азбаройи ишонмаганидан сапчиб тушди Алпон чол. — Қўй-э, ундай гапни!..

Шокир баззоз «ана шунинг учун сенга айтишни истамовдим-да» дегандай нигоҳ қадади, сўнг деди:

— Молдахматни таниганим йўқ эди, унинг ўзи мени таниб қолиб олдимга келди. Жуда антиқа учрашув бўлди. Фронтдош ошналар қирқ йилдан кейин қамоқда учрашсалар-а, Алпон!..

— Нима гуноҳ қилган экан? — бетоқатланиб сўради Алпон чол.

— Колхознинг чорвасини боқаркан — чўпон экан. Уч-тўрт йил бурун сел келиб қўйларнинг кўпини оқизиб кетибди. Ўша ернинг катталари бу бечорага айб тақашибди. «Нега шунча қўйни оқиздириб юбординг, сақлаб қололмадинг?!» деб унинг бошида ёнғоқ чақишибди. Ана ўшалар қаматиб юборишибди Молдахматни.

Алпон чол тутаб кетди. Жаҳли чиққанидан қўлидаги рўмолчасини нарига итқитиб юборди.

— Обба падарқусурлар-э! Табиий офатга бас келиб бўларканми?! Селни тўхтатоларканми одам боласи?! Обба ярамаслар-э!..

— Уни қара, Алпон, уни қара, — жиғибийрон бўлиб сўзлади Шокир баззоз. — Ўшаларни деб тўрт-беш еридан ўқ еб келган етмиш ёшли бир мўйсафидния аяшмабди-я!.. Одам боласига нима бўп кетяпти, Алпон?!

— Қонун деб булар Худониям унутиб юборишган. Охир замоннинг одамлари шундай бўлади деб ёзади-

ку! — деди Аппон чол, кейин ажабсингандай бир қиёфада сўради: — Молдахмат қозоқ-ку! Нима, кетмаган эканми юртига?..

— Ундан менам худди шуни сўрадим. Ўшанда у юртига кета туриб қашқадарёлик бир қиз билан танишиб, унга ишқи тушиб қолган экан. Юртимда барибир ҳеч кимим йўқ-ку, деб, қизни кига кетаверган экан... Ўзбеклар қадримга етишмади, дейди ҳар гапининг бирида... Ўзбек бечораям сенинг сувда оқиб кетган қўйингга ўхшаган ювош бир халқ бўлса, уям селда оқиб кетишдан қўрқади, дедим...

— Тўғри айтибсан. Қонунни ўзбек тузмайди. Қонун юқоридан келади.

— Сенларни кўп ўйлардим. Сенларни ўлиб кетгандир деб юрувдим, дейди Молдахмат. Айниқса, сени, Аппон, қайта-қайта сўради. Ғалаба кун телевизорда Абдазни кўриб қолдим. Шундан сизларнинг ҳаёт эканликларингни билдим. Бошим осмонга етди, дейди. Яна... — Шокир баззоз ўйланиб қолди, у ёғини айтмади, у ёғини айтишни истамаганини юз-кўзларидан ҳам билиш қийин эмасди.

Аппон чол Молдахматнинг Абдулазиз ҳақида айтган гапини Шокир баззоз яшираётганини сезди. Шунинг учун ҳам «яна нима деди?» деб тихирлик қилиб ўтирмади. «Шокир мени аягани учун ҳам Молдахматнинг гапларини айтмади», деб мулоҳаза юритди ва унинг ўзи ҳам Шокир баззозни ортиқ қийнагиси келмади.

— Ҳали анча бор эканми қутулишига? — деб суриштирди.

— Ҳукуматнинг амунисига тушган экан. Беш-ўн кунларда қутулиб қоламан, — деди, қайдам, ҳозир озод бўлиб чиқиб кетгандир ҳам.

— Тўғри. Одамлар айтишаётганди: ҳукумат Ғалабанинг қирқ йиллигига афв эълон қилади, деб. Молдахмат урушда қатнашган. Уни чиқариб юборишлари керак.

— Менам шу гапни Рашиддан эшитувдим. Урушда қатнашганлар, ҳукуматнинг орденини олганлар, инвалидлар амунисга тушади, деб эди. Молдахмат ана шу амунисга тушдим деганидан кейин ишондим, — деди Шокир баззоз, у бу гапни жуда шикаста, ўғли эмас,

унинг ўзи Норхолни машинада уриб юборгандай бир кўйи баён қилди.

Аппон чол баззознинг аҳволи руҳиясини туйгани учун унинг кўнглини овлашга тутинди:

— Рашид ҳам бағрингга қайтиб қолар. Ҳали бу кунларинг унут бўлади, Шокир. Ҳали кўрмагандай бўп кетасан.

Шокир баззоз Аппон чолга «кўнглимни кўтарганинг учун раҳмат» қабилида боқса-да:

— Ўртада Норхол ўлиб кетди Аппон. Биласан, Норхол менга бегона эмасди, — деди, дастурхоннинг попугини бураган кўйи анча тек қолди, серсоқол ияги қалтиради. — Қайси қилган гуноҳим учун Оллоҳ таоло мени бунчалар жазолайдикин, ҳайронман.

Аппон чол баззознинг аҳволи ўзиникидан ҳам аянчли эканига дилдан иқрор бўлди. Шу боисдан боз унга далда берди:

— Қўлимиздан нимаям келарди. Шокир, ҳаммамиз ожизлик қиламиз бу масалада, — деди, хаёлидан эса: «Шокирга далда беряпсану ўзинг ўтитларингга амал қилмайсан», деган ўй ўтди, ўтдию ичидаги Аппон жавоб берди: *Шокирнинг йўриғи бўлакча. Норхолнинг ўлимига ўғлининг айби йўқ. У атайдан қилмаган бўлса, бахтсиз ҳодиса туфайли шундай бўлган. Аммо Абгазнинг хатти-ҳаракати... Эҳ, Абгаз, Абгаз... Шокирдай, Молдахматдай одамларнинг юзини ерга қаратдинг-а! Мен-ку майли, лекин буларни ўртага қўшганинг нима-си эди? Биттаси аъзойи баданудаги жароҳати етмагандай, емаган сомсасига пул тўлаб, яна не азобларга гучор бўпти, иккинчиси мана қаршимда — ҳам яқин кишисидан айрилиб, ҳам ўғлининг қамалишидан куйиб ўтирибди. Сен эса, сен мана шундай ошналарингни номини арзон-гаровга сотиб юрибсан...*

— Хабаринг борми-йўқми, Аппон, Норхол билан бир-биримизга кўнгил қўйиб турмуш қургандик, — анча жимликдан сўнг сўз бошлади Шокир баззоз. — Турмушимиз ширин эди, бироқ фарзандсизлик орамизга ров бўлиб, бизларни бир-биримиздан узоқлаштирди. Раҳматлининг ўзи қиз қидиришга тушиб, Рашидларнинг онасини — Риҳсихонни ўртада туриб менга олиб берганди. Тантиликни қара. Ўзи эса қанча қистамай меникида қолмади — қизлик уйига кетворди...

Ундан ҳали-ҳалигача хабар олиб турардим. Тақдирнинг мана бунақа ўйинига қара...

Аппон чолни унинг ҳикояси ўйлатиб қўйди. Аппон чол анчагача ўй суриб қолди. Шокир баззозга далда бериш учун бирор арзирли сўз тополмади. Бирор кўнгил кўтарар гап кела бермади калласига. Бу ишда унга кўмак беришга ожиз эди...

Шу маҳал сўрига осиб қўйилган тўрқовоклардаги беданалар бирин-кетин сайраб қолдию миясига ялт этиб бир фикр келди: Абдаз шайтоннинг бедана уриштирганини айтиб бераман!..

— Беданаларингдан бири тезотар кўринади, — деди у Шокир баззозни чалғитишга тутиниб, дераза орқали ҳовлига қаради: — Ҳув анави қизил тўрқовокдагиси шекилли уриб-уриб сайраётгани?..

— Ҳа, ўша. — Шокир баззознинг кайфияти ўзгармади.

— Абдаз шайтон дегин, — дея сўз бошлади Аппон чол, «шайтон» сифатини тақаркан зўрма-зўраки жилмайди, — носфуруш куёви бор, Анормат деган, унга синглисини узатган, шунинг тулагини опкеб уриштирибди-да, Аппоннинг сариқ беданасини макиёнминан енгдим, деб гап тарқатиб юрибди. У нодонни қара, — деди, бу гапни ҳазил тариқасида айтаётгандай эса-да, мазкур уриниши кўнгилдагидек чиқмаганини ўзи ҳам сезди, сездию сўзини якунлаб қўя қолди: — Қариб қуюлмаган шайтонни қара, шундай иш қипти-я!..

Шокир баззоз унинг гапига кулмади, аксинча Абдулазизнинг номини эшитиб юзи янада туңдлашди, пешонаси тиришди. Аммо-лекин ундаги бу ўзгаришни Аппон чол илғаб қолмасин учун яна тезда асли ҳолига қайтди-да, ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай деди:

— Тунов кунни у бу ерга кеп кетувди.

Аппон чол учун бу янгилик эди.

— Сени кўрганими? — ажабсинди у.

— Ҳа, — Шокир баззознинг бу сўзи Абдулазиз уни кўргани келганини тасдиқламасди. У бир оздан кейин деди: — Қайси бир мухбир ҳаммамизни газетага мақтаб чиқмоқчи экан. Шунинг опкелай, суратга тушайлик, урушдан сўзлаб берайлик унга, дейди...

— Шунга кептими?! — хуноби ошиб кетди Аппон чолнинг. Бу ҳолатини Шокир баззозга ифшо этиб қўйганидан ўнғайсизланди.

— Мен «йўқ» дедим. Аҳволимни тушунтирдим. Суратим газетага чиқса, юрт нима дейди, дедим. «Ўғли қамалиб ётса-да, Шокир баззоз пўримларга ўхшаб суратга тушганини-чи», демайдимиз одамлар, дедим. Билмадим, ранжиб кетди чоғи.

Аппон чол тутагандан тутади. «Одамам шунчалик бетига чарм қолаб оладими, шунчалик сур бўладими?!» деб мулоҳазаланди, мулоҳазаландию *Уялмай-нетмай Шокирни келганини-чи?! Қандай қилиб эшик тақиллатиб келди экан?! Қандай қилиб юзи чигачи экан?!* — деб сўзланди, янаям ижирғанди. Шокир баззоз унга синовчан тикилаётгандай бўлиб кўрингани боис:

— Ҳа, Абдазинг ошиғи олчи бўп қолди қариган чоғида, — деди, бу сўзларни у кино тарзи эмас, кино тарзи айтишга Шокир баззоздан истиҳола қилди, зеро у Аппон жуда ҳасадгўй бўлиб қолибди дейиши мумкин эди, шу сабаб ҳазил тарзида баён қилди: — Ғалаба байрами шарофатига ҳарбий комиссарликдан орден олди, кўкрагини нишонларга тўлдириб телевизорга чиқди.

Шокир баззоз унга қўшилиб кулиб қўйди. Унинг кулгисидан Абдулазизга тааллуқли ниманидир яшираётганини, ниманидир Аппонга айтишни истамаётганини сезиш мумкин эди.

— Ҳай, майли, омон бўлсин, — деди Шокир баззоз, яна ўз ғам-ташвиши ёдига тушди чоғи: — Ҳар банда ўзидан тинсин экан, — деб қўшиб қўйди.

— Шундай, — деб бош чайқади Аппон чол, барибир у ичида Абдулазизнинг қилган иши билан келишолмаётганди ва бу ҳол унинг кўзларида ҳам яққол акс этиб турарди.

У чуқур хўрсинди. Кейин соат неча бўлганини билишга тутиниб тепасига қаради.

Шу маҳал айвон олдига ёши ўттиз беш билан қирқлар атрофидаги, гавдасига муқоясалаганда қорни ҳаддан ташқари чиқиб кетган хомсемиз бир йигит келиб уларга салом берди-да, Шокир баззозни йўқлади.

Шокир баззоз дераза томонга ўгирилиб:

— Кир бу ёққа Башир, — деб ичкарига таклиф этди.

Башир уйга кирмади — ўша ердан туриб:

— Амаки, у ёқдан келишувди. Сизни сўрашаяпти,— деди.

Шокир баззоз Аппон чолни назарда тутиб:

— Меҳмоним бор, ошнама кеп қолди, — деб унга узрини айтган бўлди.

Башир ундан ранжиганданми ё ўзи шундайми, бармоқлари орасида қисилган турган сигаретасини лабига олиб бориб анча ичига тортди-да, оғзи-бурнидан тутун чиқарди, сўнг миқ этмай ҳовлини тарк этди.

— Нима иш эди? — деб сўради Аппон чол.

— Башир ён қўшним, — деди Шокир баззоз, — уч-тўрт йил бурун ўзи бош бўлиб укасини уйлантирувди. Ота-онаси қазо қип кетишган-да, ота ўрнида оталик қилиб шу укасини уйлантирувди. Унинг юраги чатоқ экан дегин, ўтган йили нобуд бўлиб қолди. Аммо лекигин жуда ўқимишли, эс-ҳушли бола эди... Қуда томондан келишган шекилли, қизларини опкетгани...

Аппон чолнинг юзини яна изтироб эгалади.

— Вой-бўй, жуда чатоқ бўлган экан-ку! — деб бошини сарак-сарак қилди. — Ёшгина жони кетибди-да, боёқишнинг!..

— Нима дейсан энди Аппон? Жуда увол бўлди-да бола шўрлик. Бу ёқда ёшгина келин...

— Мен турай, Шокир. Анча ўтиришиб қолдик.

— Озиб-ёзиб бир кепсан — ош қилсин Тоҳира, — деди Шокир баззоз, келинини ахтарган бўлиб ҳовлига мўралади.

— Ош емаган уйимми? — эътироз билдирди Аппон чол. — Сенам, Шокир, ҳалиги қўшнингникига чиқ. Хафа бўп кетди чоғи бояғи йигит.

— Сен борлигингни кўрди-ку! Нега хафа бўлади?

— Йўқ, ошна, бир ернинг одамисизлар — чиқмасанг уят бўлади, — сўзида қатъий турди Аппон чол.

Шокир баззоз уйга чўмди. Чуқур тин олди.

— Рашид қамалганидан буён юртнинг ичида бош кўтаролмай қолдим, Аппон, — дея зорланди у, пича тек турди, сўнг сўзида давом этди: — Оббаҳолам, Башир ҳалиги айтганим қуда томонга фотиҳани ўзингиз беринг деб чиққан кўринади. Мен, ахир, Аппон... мени

Рашид уялтирган, мени юзим шувут бўлган бўлса. Қандай қилиб уларга фотиҳа берамап.

— Ҳалиям шунга ўхшаш гап қилувдинг, — ундан астойдил ранжиди Аппон чол. — Нега юзинг шувут бўларкан? Ҳечам ундай деб ўйлама! Сен қандай одам эканингни эл-юрт билади-ку! Қолаверса, бояги исми-ни Башир деганинг йигит ҳурматинг борлиги учун ёнинга чиққан. Бундай бўлмағур гаплар билан ўзингни сиқиб нима қиласан? Рашид ҳам шундай бўлсин дептими? Кўргилик-да ахир!..

— Шундай дейсан-ку Аппон, ўртада Норхол ўлиб кетди.

— Бу энди Худодан. Бандасининг қўлидан нимаям келади. Дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Ҳаммамиз кетамиз бирин-сирин...

— ...

— Қани фотиҳа ўқи. Улар ҳам кутиб қолишгандир сени, — деб уни ошиқтирди Аппон чол.

Шокир баззоз чор-ночор фотиҳа ўқиди. Улар ўринларидан қўзғалдилар.

Кўчага чиққанда Аппон чол баайни ошнасини бўлак кўрмайдигандай кучоқлашиб хўшлашди.

— Яхши кунларда кўришайлик, — деб юзига фотиҳа тортди Шокир баззоз.

— Айтганинг келсин, — унга қўшилишди Аппон чол, сўнг эса энг муҳим нарсани унутаёзгандай: — Ҳа, дарвоқе, неваранг қандай бўлмасин эрта-индин борсин меникига, — деб қайта тайинлади.

— Анварга айтаман, албатта боради, — ваъда берди Шокир баззоз.

— Уйим эсингдан чиқмагандир, — ҳазил мазмунида сўради Аппон чол.

Шокир баззоз кулимсиди.

— Ҳали эсимдан чиққанча йўқ. Аммо-лекин шунанга йўқ бўлиб кетсанг унутиб юборишим ҳеч гапмас.

Ўз навбатида Аппон чол ҳам ошнасининг гиналанишидан кулимсиради.

— Чуқурсойга етмасдан ўйинчоқ фабрикасининг олдига тушиб қолиб, сой ёқалаб мактабнинг орқаси билан кириб борсаям бўлади. Ё гузарда тушсин-да, чапдаги кўча билан мактабнинг олдига тушиб боради. Сабзавот дўкони келади. Ундан ўтиб ўнгга, иккита кўча

юргач, тагин ўннга бурилади. Аппон отаники қаерда деса ҳамма айтиб беради.

— Ёдимдан чиқарганим йўқ уйингни. Ўзимам тушунтириб қўёламан.

— Майли-да, бир эслатиб қўяяпман.

— Айтаман, албатта боради.

— Шундай қил, — деди Аппон чол, йўлка билан катта йўл орасидаги ариқдан ҳатлади-да, келган томони — Жаркўчага юрганди ҳамки, Шокир баззоз уни тўхтатди.

— Манов йўлминан ўннга, салдан кейин чапга юриб Олмазорга чиққанинг тузукмасми? — дея тўғридаги кўчага ишора қилди. — Ильичга етиб олсанг, у ёғига дуч келган автобус Чуқурсойга боради.

Аппон чол бу ерга келаётганда кўнглига туккан истакни эслади. Эслаши заҳоти майор Қаҳрамоновнинг ялпоқ юзи, бесаранжом боқувчи укки кўзлари: «Бу отанинг ҳужжатларида чатоқ ери борийди, бу отанинг ҳужжатлари юқоридан қайтганди», мазмунидаги доғулилик билан айтган сўзлари боз кўз олдида тажассумланиб, вужудида сўниб улгурган истак тагин хуружини бошлади.

— Бу гапни яхши айтдинг, — деди у, — Ильичда ўзимнинг ҳам ишим бор эди, бир ерга кириб ўтишим керак эди.

— Шундай қилганинг дуруст, — деди Шокир баззоз, бу нарсалардан беҳабар кўйи. — Тахтапулнинг йўли анча айланиш. Қийналиб қоласан.

— Хўп, яхши қол.

— Омон бўл, Аппон. Яхши кунларда кўришайлик.

Аппон чол тўғри билан юрди.

Шокир баззоз у ўнгдаги кўчага бурилгунга қадар ортидан кузатиб турди. Аппон чол кўздан ғойиб бўлгач, янги мошранг бахмал дўпписини қўлига олиб бош қашиди, сўнг иккилана-иккилана қўшниси Баширни-кига йўналди.

Аппон чол йўлда Қаҳрамоновнинг қабулига қай йўсин киришни, кирганда нималар дейишни ўзича чамалаб борди. Ильичга етганда эса, иттифоқо, вужудида жунбишга кирган ўжар истак уни яна тарк этди-қўйди. Унга ўйлаганларининг бари бемаъни, ҳозир

қилмоқчи бўлган иши аҳмоқона кўринаверди. «Қобил, ахир, буваси Содир ака дадамга нисбатан адолатсизлик қилганини билгани учун мендан ўзини олиб қочди-ку! Йўқ, нотўғрими? Ана шунинг учунам мени ўшанда ўзига яқинлаштирмади. Ўзининг ўша Содир аканинг невараси эканини билишимни истамади, — деди у ўзига-ўзи. — Тағин мен унинг олдига: «Дадамни қаматган сенинг буванг бўлади. Содир ака бўлади», деб кираманми? «Бундан роппа-роса йигирма тўрт йил бурун сен мени «Москвич»ингда кеп опкетганинга Содир ака шуларни бўйнига олган, йиғламоқдан бери бўлиб тавба-тазаррулар қилган, дадамга хиёнати учун пушаймонлар еган», дейманми? Буларнинг ҳаммасидан у хабардор-ку! Ҳаммасидан хабардор бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, буваси мени шунинг учун йўқлатганини билар ахир?! «Бувам қаматган бўлса менда нима гуноҳ? Мендан не истайсиз? Ана, қўлингиздан келса Ибройим отага бориб ўзини сўроқланг! Ўзи жавобини берсин! Қачондан буюқ оталарнинг айбига фарзандлар жавоб берадиган бўп қолди?!», демайди-ми? Айтади! Худди ана шундай дейди! Албатта шундай дейди! Шубҳам йўқ, шу гапни гапиришга! Унда нима қиласан? Нима деб жавоб қайтарасан? «Шуни сенга айтиб кўяй деб қошинга келдим», дейсанми? Шундай дейдирган бўлсанг, у: «Йўқ, сизнинг муддаоингиз бу эмас, сиз бўлак мақсадни кўзлаб келгансиз, бу ерга», деб кечаги Абдазнинг бемаврид гапига шама қилиб қолса-чи? Унда нима деган одам бўласан? Яна мулзам бўп қайтиб чиқаверасанми?!», дея турфа ўймушоҳадаларга борди, боргани сайин ҳозирги хатти-ҳаракати чиндан-да бемаънилиқдан бошқа нарса эмаслигини тағин ҳам чуқурроқ идрок этди. Шахтидан қайтди. Ортиқ мулоҳазаланиб ўтирмай, ёнидаги бекатга келиб тўхтаган автобусга қараб югурди.

Автобусда ҳам, автобусдан ўйинчоқ фабрикасининг рўпарасида тушиб қолганида ҳам ҳарбий комиссариятга кирмай тўғри иш қилганини, мабодо киргудай бўлса, майор Қаҳрамонов, кечаги тасодифий учрашувдан сўнг «бу чол ўша, унга тегмай қолган орденнинг илинжида юрибди» деб ўйлаши ва албатта «барибир бош эгиб келаркансан-ку олдимга» мазмунида

хукм чиқариши мумкинлигини тасаввур қилиб, шундай йўл тугмаганидан дилида мамнунлик ҳис этди.

У катта кўприқдан юрмай, ёнидаги йўловчилар учун мўлжалланган омонатгина ёғоч кўприқдан нариги қирғоққа ўтиб олди-да, сой ёқалаб кетди. Энди у Қаҳрамоновни ҳам, унинг қабулига кирмай тўғри иш қилганини ҳам унутган, энди хаёли Молдахматга кўчган, энди хаёлини Шокир баззознинг бошига тушган мусибат банд этганди. Тақдир бу одамларни қариган чоғларида мушкул кўйга солиб қўйганини, айниқса, Шокир баззозга жабр бўлганини, унинг аҳволи ўзиникидан ҳам чигаллашиб кетганини қалбан чуқур ҳис этди. Ҳаётнинг бу одам устидан кулгиси билан сира ҳам чиқишолмади. «Ё тавба, — деди у, — яратганнинг раҳми келмас экан-да! Бандасини шунчалар аянчли аҳволга соладими?!» Шокир баззозга куйинаркан, унинг оилавий шароитини кўриб-билиб туриб мухбир билан суҳбатлашайлик, газетага бирга суратга тушайлик деб борган Абдулазиздан янада нафратланади. «Ифлос бузоқ подани булғатади» деганлари тўғри экан. У бадкирдор ҳам ярамас хатти-ҳаракатлари билан Молдахматдай, Шокирдай одамларнинг номини булғатиб юрибди!», деб уни ич-ичдан қойиб келаётганди, ён тарафдаги гузарнинг йўлидан хиёл букик бўлган қотма гавдасига номувофиқ равишда катта-катта одим отиб чиқиб қолган Тиллага кўзи тушиб хаёли бўлинди.

Тилла, йигирма билан йигирма бешлар миёнасидаги думбул табиат йигит, устарада қирдиргани сезилиб турган юмалоқ бошига қаржлари кўринмай кетган эски дўпписини сал қийшайтириб кийиб олган, эғнидаги солдатча кўйлаги ҳам оҳордан тўкилган, боз устига, икки тирсагига қора сурпдан ямоқ тушган, йўл-йўл тринка шимининг карнайдай почаси ёзнинг кунига номуносиб бесўнақай ботинкасидан ярим қаричча юқорида; белидаги қайиш шимини маҳкам тутса-да, у худди тушиб кетаётгандек ҳадеб кўтариб қўйишда тўхтамас, иш шу йўсинда давом этаверса, бугун бўлмаса эртага шимининг оғига ҳам ямоқ тушиши эҳтимолдан узоқ эмас; оқ-сариққа мойил чиройли кулча юзини истисно қилганда мана шу туриш аҳволининг ўзиёқ унинг девонасифатлилигини ифшо этарди.

У ўнг қўлидаги халтани сўл қўлига олди-да, Аппон чолга чўчинқираб салом берди. Кўришиш учун қўл чўзганида ҳам узун билан қисқа оралиғидаги бармоқлари ғайришуурий тарзда титраб кетди.

Аппон чол унинг ҳайиқиши сабабини туйиб, кечаги воқеани фаромуш қилган одамдай саломига алик олди, қўлини сиқиб қўйди.

— Ҳа, Тилла болам, қаердан келяпсан? — деб уни сўроқлади.

Тилла, одатда, Аппон чолнинг «Тилла болам»идан сўнг ийиб кетарди, ҳозир ҳам чол кечаги воқеадан оғиз очмаганини кўриб чеҳраси пича ёришди, баайни гўдаклардек суюлиб:

— Сочимни олдириб келяпман, Ота, — деди, у Чуқурсойда ёлғиз Аппон чолни «ота» дер, ёлғиз шу мўйсафид билан ўз яқинидай гаплашар, онда-сонда ундан хабар олгани уйига ҳам ташриф буюриб турарди. У дўпписини қўлига олиб бошини Аппон чол томон энгаштирди: — Устара ҳақи олинг, Ота, устара ҳақи...

Аппон чолнинг Тиллага ичи ачишди. Унинг қўлидаги дўпписини олиб бошига кийдириб қўйди.

— Бундай қилма Тилла болам!

Тилла ундан норозиланди:

— Ҳамма олганда сиз олмайсизми?!

— Ҳамма деганинг ким? — деб қизишиб сўради Аппон чол.

— Чойхонадагилар-да, Ота!

— Самоварга кирибам устара ҳақи олдиртириб юрибсанми?

— Ҳа-да, Ота!..

Шу пайт сал нарида ёнғоқ ўйнаётган болалардан бири Тиллани мазах қила бошлади:

— Тилла — бир қути пилла!..

Унга иккинчи шериги ҳам қўшилди:

— Тилла, Тилла — ўн қути пилла!..

Аппон чол уларни инсофга чақирди.

Тилла болаларга қараб беозор кулди. Сўнг эса улар томон юриб:

— Қани, бу ёққа келинлар! — деб бошидан дўпписини олди. — Устара ҳақи олмайсизларми?

Болалар журъат қилишолмади — бир-бирларига қараб «пиқ-пиқ» кулиб қўйишди.

— Ҳа, қўрқоқлар! — ўз навбатида уларнинг ҳам устидан кулган бўлди Тилла. — Устара ҳақи ололмаган қўрқоқлар!

— Юр, Тилла болам, — деди Аппон чол. — Қўй энди уларни. Сенга почапўстин ва телпак бермоқчийдим. Шуни оберворай.

Тилла болалардан кўзини узмай «ҳа, қўрқоқлар!» деб хитоб қилишини қўймасди.

Шунда болалардан бири — бўйга паст, озғин, тўғарак юз, шалпангқулоғи жажжи кафтига туфлаб олиб, юрак ютиб унинг ёнига келди, «ма, ур»лаб чўкка тушиб ўтирган Тилланинг бошига икки-уч марта туширди.

Тилла ҳам тек турмади — боланинг иштонини ечиб юборди. Бошқа болалар ўртоқларининг устидан кулишди.

Аппон чол ҳам Тилланинг қилиғидан кулиб юборди. Фақат ҳалиги шалпангқулоқ бола йиғламоқдан бери бўлиб уни мазах қилишга тушди:

— Тилла, Тилла — юз қути пилла! Тилла, Тилла — минг қути пилла!

Аппон чол «юр энди» деб Тиллани ўзи билан олиб кетди.

Улар сабзавот дўконига етганларида қаршидаги кўчадан бир-бирини қўлтиқлаб олган бўйи етган қизлар чиқиб қолишди. Аппон чол улардан бирини таниди. Абдулазизнинг набираси — Иқболхон эди.

Иқболхон Аппон чолни учратиб қолганидан нечоғлик севинса, Тиллага йўлиққанидан шунчалик энсаси қотиб кетди; буни унинг ўсмаси қоп-қора бўлиб қолган қалам қошини паст-баланд чимириб, қовоқларини дарров уйиб олганидан ҳам тўйиш мумкин эди. Унинг дугонаси ҳам Тилладан чўчиб турарди.

— Амаки яхши ўзингизни кўриб қолдим, энди уйингизга бормоқчи бўп турувдик, — деди у баайни ортидан ёв қуваётгандек тез-тез сўзлаб, шунинг баробарида Тиллага хавотир аралаш кўз қирини югуртириб олди. — Бувамни кўрмадингизми? Абдаз бувамни редакциядан йўқлаб келишибди. Бир мухбир сўраб кепти, — деди.

Аппон чол Абдулазизнинг исмини эшитиб фиғони фалакка кўтарилди. Иқболхонга бу ҳолатини сездир-

масликка қанчалик тиришмасин, уҳдалаёлмади, бужур юзидаги белгилар унинг кайфиятини ошкор этиб кўйди.

— Бувангни кўрганим йўқ. Буванг меникига келмай кетган, — деди у қисқа, қуруққина қилиб.

Тилла баайни ҳушидан айрилганга ўхшаб Иқболхондан кўз узмай турарди.

Иқболхон унинг қарашини сезса-да, сезмаганликка йўйди.

— Энди нима қилдик? — деб дугонасига ташвишли нигоҳда боқди. Ваҳоланки у Тилланинг ўзи томон анграйиб қараб турганидан ноқулайлик ҳис этгани, ноқулайлик ҳис этишдан ҳам бурун кулиб юборишликдан ўзини тийиб қолгани учун ҳам мазкур гапни қилганди.

— Мен топиб берайми? Бувангни мен топиб берайми Иқбол?! — ҳаяжонланиб, айна пайтда чуқур меҳр билан, ошиқларнинг маъшуқасига «сенга ойни олиб берайми?» дегандай йўсиндаги мурожаатидан қилиб сўради Тилла.

Иқболхон унинг орага суқилишидан фижинди. Буни кўҳдиккина юзи тундлашиб, қийғоч кўзлари каттариб кетганидан ҳам, қўйган ўсмаси ярашмайроқ тушган қалам қошларини чимириб, юпқа иринларини бурганидан ҳам пайқаш мушкул эмасди.

У нигоҳини Тилладан олиб қочиб, дугонасига қаратди.

Дугонаси Тиллага бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Тилланинг юз-кўзларидаги ғалати беқарорлик, хурсандлик ва ҳаяжон ифодаси уни саросимага кўйди. Ортиқ Тилланинг ёнида туришдан чўчиб:

— Юр, гузарга чиқамиз. Чойхонани қараймиз, — деди-да, Иқболхонни қўлтиқлаб олиб нарига судради.

Орага тагин Тилла аралашди:

— У ерда йўқ буванг! Мен ўша ёқдан келяпман, Иқболхон!..

Қизлар Тилланинг ўзига ҳам, сўзига ҳам қулоқ солмай — индамай кета беришди.

Аппон чол уларнинг ортидан ҳайкал мисоли серрайиб қараб қолган Тиллага юзланиб:

— Юр энди, болам, — деди.

Тилла унга қулоқ солмади — унинг кўзи ҳали ҳам ўзидан олислашиб бораётган Иқболхонда эди.

— Ота, айши қизни оберинг! Умрбод юмушингизни қилай Ота, айши қизни оберинг!..

Мутолишга етган қизлар бир-бирларига нимадир деб сўзландилар-да, сўнг кетларига қараб Тиллани мазах қилиб хахолаб кулдилар.

Уларнинг ана шу кулгиси Тиллага қаттиқ таъсир этди. Унинг юз-кўзларидаги ҳайрат, эҳтирос ўрнини ғам-аламга монанд ифода эгалаб улгурди, яна бу нурли, мунгли чехра қизларга қарата «нега ахир?» ёинки «гуноҳим нима?» деяётгандек бўларди. Баногоҳ у айюҳаннос солиб йиғлаб қолса бўладими? Ерга ўтириб олиб ҳўнграй бошлади.

Аппон чол Тиллага қизларнинг кулгиси айил ботганини сизди. Унга ачиниб, хўрлиги келди, аммо ўзини қўлга олди.

— Тилла, тур энди болам! Шу ақлсизлардан хафа бўласанми?! — дея уни кўтаришга чоғланди. — Турсанг-чи энди, ҳамма сенга қараяпти!..

Тилла сўл оёғининг болдирини чангалаб йиғлашини қўймади:

— Айши ерим қийшайиб қолди, Ота! Айши ерим қийшайиб қолди!..

Аппон чол унинг шимини почасини тиззасига до-вур кўтарди. Товуқникидай ингичка болдирига кўз югуртди:

— Ҳечам қийшайган жойи йўқ! Жудаям тўғри-да, оёғинг! Ваҳима қилаверасанми?!

Тилла қани энди унинг гапига кўнса. Ҳадеб бир сўзни қайтараверди:

— Иқболхон бекорга кулмади, Ота! Иқболхон оёғимнинг қийшайиб қолганидан кулди!

Аппон чолни Тилланинг оҳ-ноласи бир томондан ранжитса, иккинчи томондан кулгисини кўзғади.

— Э, болам-а! Улар сенинг оёғингдан эмас, содда-лигингдан кулишди, соддалигингдан!..

— Йўқ, Ота, Иқболхон айши ерим қийшайганидан кулди!

Аппон чол энди Тилладан астойдил ранжиди.

— Қани тура қол энди! Ҳали мазорга боришим керак, ҳали Далавой гўрковдан хабар олишим керак!..

Унинг жаҳли чиқа бошлаганини фаҳмлаган Тилла энди эркалик қилишга ўтди:

— Айши ёғочларни оёғимга боғламасангиз бормайман, Ота. — У шундай деб халтасини титкилаб иккита силлиқ тахтача ва чизимча чиқарди.

Аппон чол Тилланинг қўлидан халта тушмасини биларди-ю, аммо ичида нима борлиги билан қизиқиб кўрмаганди. Фақат ҳозир буни тушуниб етди. Иш бунчалар осон кўчганидан бир ҳисобда севинди ҳам. У Тилладан чизимча ва тахталарни олди-да, болдирига тахтакач боғлагандай қилиб сиқиб боғлади. Шимининг почасини туширди.

Ўтган-кетган уларга ҳайрон бўлиб боқарди.

Тилла ўрнидан кўзғалди. Оёғига қараб-қараб олди.

— Ана энди тўғри бўлди, Ота.

Аппон чол унга маъюсгина тикиларкан, қисқагина жилмайди.

Улар яна йўлга тушдилар.

Ҳовлига киришлари билан Аппон чол кампирини чақирди:

— Сора-ей, ҳой Сора! Қара, Тилла ўғлингни бошлаб келдим!

Аппон чол овозини баралла қўйиб, кампирини чақиршидан Тилланинг завқи ошди. У шимини юқорига кўтариб олди-да, катта ялпоқ бурнининг учини қашиб қўйиб:

— Айши қизни сиз оберинг Ота, айши қизни сиз оберинг — менам эшиқдан кирганда бақириб кирман! Сизга ўхшаб: «Ҳой Иқболхон, Тилла ўғлингни бошлаб келдим!» дейман...

Сора кампир чоли айтганини қилиб Тиллани бошлаб келганидан бош тебратиб кулиб қўйди.

— Ассаломалайкум, Ойи. — Тилла қўлини кўксига қўйганча Сора кампир елкасига қоқсин учун энгашиброқ турди.

Сора кампир унинг майлини туйиб, елкасига қоқиб қўйди.

— Эсонмисан, Тиллавоё? Ўйнаб-кулиб юрибсанми, болам? — деб ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

Тиллага Сора кампирнинг ширин муомаласи мойдек ёқди, у кулча юзига муқоясалаганда бир оз катта-

роқ, аммо ялпоқ бурнига мутаносиб оғзини хунук қий-шайтириб кулди.

— Айши Отам бошлаб келдилар, Ойи. Пўстин бераман, телпак бераман, дедилар. — Тилла Аппон чолнинг яқинига келди. — А, Ота? Пўстинингизни берасиз-а? Телпакниям берасиз-а?..

— Қани, юр-чи, — деб уни супага бошлади Аппон чол. — Юр, аввал чой-пой ичайлик. Ўша пўстин сенники...

Тилла унамади.

— Олдин айши оёғимни ювиб олай. — деб учки томонининг тагчарми кўчиб, оғзи очилиб қолган ботинкасига ишора қилди. — Иннакейин бориб ўтираман.

Тилла ҳалидан буёқ «айши» сўзини ишлатаётган эса-да, бу сўз унинг феълига, юриш-туришига мувофиқ тушган, шу боисдан ҳам унинг талаффузида ўзгачалик касб этганди. Бунга Аппон чол айни чоқда яна бир бор иқрор бўлди. У Тилланинг раъйига қаради. «Дуруст, дуруст, — деб қўйди ичида, — соддароқ бўлсанг-да озодасан, ўғлим...»

— Бор, ҳув анув ариқда ювиб кел, — деди Аппон чол, ўзи эса кийимини алмаштиргани уйга кириб кетди.

Сора кампир ўчоқбоши ёнидаги самовардан чойнакка чой дамлади, у чиқсин учун устига қўйди. Ўзи супадаги дастурхонни йиғиштириб, гулзорга олиб бориб қоқди, кейин қайтиб олиб келиб ёзди. Патнис тузаб чиқди. Бир лycopчага буваки узум, иккинчисига зарғалдоқ шафтоли тўлдириб, униям дастурхонга қўйди. Тилла ювинаётган ариқ яқинидаги гилос шохига эски сочиқ илиб қайтди.

Чоли ҳаяллаганига хавотирланиб, ундан хабар олгани уйга йўналди.

Яктагини алмаштираётган Аппон чол кампирга юзланиб:

— Ана, токчадаги тошойнанинг орқасига қўйдим пулни. Қутича ичига, — деди.

Сора кампирнинг нуруний чеҳраси боз тундлашди. У чоли бу ишга астойдил киришганини кўриб шу ҳолга тушганди.

— Жуда қизиқсиз-да, дадаси...

— Ҳали айтганларимни қилдингми? — деб сўради Аппон чол.

— Жуда қизиқсиз-да, — паришонхотирлик билан ҳозирги сўзини такрорлади Сора кампир.

Аппон чол унинг шу лаҳзадаги аҳволини тушунгани учун индамади.

— Сандифингни очиб почапўстин билан телпакни олсанг, — деди, бирпас тек тургач, қўшимча қилди: — Иннайкейин, Далавойнинг сарпосини ҳозирласанг!..

Сора кампир «хўп» ишорасида бош лиқилматди.

Аппон чол ҳовлига тушди.

Супа ёнида унинг чиқишини кутаётган Тиллага сўзланиб:

— Ҳўв, анув самоварнинг устидан чойнакни опкел-да, чой қуйиб ичиб тур. Мени кутиб ўтирма. Мен намозимни ўқиб оламан, — деди.

Тилла унинг айтганини қилди. Самовардан чойнакни олиб келди-да, ботинкасини бир четга ечиб, супага чиқиб пастроққа ўрнашди.

Аппон чол обдастага сув тўлғазиб, таҳорат олгани йўналди.

У намоз ўқиб қайтганида Тилла шафтоли арчиётганди. Аппон чолни кўриши ҳамоно сапчиб ўрнидан турди-да, унга салом берди. Аппон чол «ўтир-ўтир» ишорасини қилди. Тилла яна бесўнақай тарзда жойига чўқди.

— Ойим мени сийладилар, Ота, — деб қўлидаги шафтолига ишора қилди, сўнг уни шошилмасдан, берилиб арчишда давом этди.

— Ойинг сени яхши кўради-да, шунинг учун шафтоли билан меҳмон қилган, — дея унинг кўнглини кўтарди Аппон чол.

— Айшини еб маза қиялпман, Ота, — мамнун қиёфада юпқа ва қалин оралиғидаги лабларини тили билан ялаб, тамшаниб қўйди Тилла. — Шоптоли маза бўларкан!

— Еявер, ош бўлсин, — кулимсиди Аппон чол, чойнақдан ўзига бир пиёла чой қуйиб олди.

Улар хийла жим ўтирдилар. Тилла шафтоли ейиш билан овора бўлди. Аппон чол эса чойига оқ қанда ботириб шимиш билан банд эди.

— Сенга бир оталик насиҳатим бор, Тиллавоӣ, — деди бир пайт Аппон чол. Тилла шафтолисини еб бўлиб энди сочиққа қўлини артишга чоғланаётганди, унинг мана бу гапини эшитдию таққа тўхтади. Катта-катта зоғча кўзларини пирпиратиб Аппон чолнинг оғзига анграиб қараб қолди: — Кечагидақа воқеа бошқа қайтарилмасин, — дея томоғига чертиб кўрсатди Аппон чол. — Бу ишни қилма, болам. Бу нарса сенга ярашмайди, сени одоқ қип қўяди.

Тилланинг кўзлари жавдиради. Худди кечагига ўхшаб ҳовлиққан кўйи ўзини оқлашга тушди:

— Айши нарсани пақат уч марта ичдим, Ота! Пақат уч мартагина!..

— Умуман ичмагин. Бу шайтоннинг ичимлиги яхши оқибатларга олиб келмайди. Буни ичиб ҳеч ким барака топмаган.

Тилла боз ўзиникини маъқуллади:

— Айшини бир марта Мовлонникида ичдим. Бир машина кўмирини ташиб берганимда пул бермади, айшиндан қуйиб берди. Айшининг қуввати пулдан ўтади, деди. Босиб-босиб уч марта қуйиб берди. Айшиндан кейин аммо-лекин маза қилдим... Иккинчи марта Абдаз амакининг тўнкасини ковлаб берганимда ичдим. Иқболхоннинг дадаси қуйиб берди. Учинчи марта эшиги тагидаги «Жигули»га болалар мих тикаётганини кириб айтганимда қуйиб берди. Полковник меҳмон қуйиб берди. Айшинда яна бир тўйдим, — оғзининг таноби қочиб ҳисобот берди Тилла.

Аппон чол у «полковник меҳмон» деганда майор Қаҳрамоновни назарда тутаётганини сезди, сездию туттаққанча сўради:

— Нима, кеча тагин Абдазникига қайтиб бордингми?!

— Ҳа, Ота, қайтиб бордим, — деди Тилла унинг қизишганини пайқамай. — Уларга ашула айтиб бердим. «Чўлғани-иб»ни айтиб бердим. Машрабни айтиб бердим. Мана бундай айтиб бердим. Ота, — деди Тилла, оёқларини чалиштириб ўтириб олди-да, қўлларида бамисоли рубоб ушлагандай бўлиб қўшиқ айтишга киришди: —

*Кўрдим юзунгни девона бўлдум,
Ақлу ҳушимдан бегона бўлдум.*

*Тортиб жафони ўлсам кўйингга-ааа,
Қайтмасман ҳаргиз — маргона бўлдум-ээ...
Бўлуб жаҳонга расвои олам,
Яхши-ямонга афсона бўлдум...
Яхши-ямонга афсона бўлдум-ээ...*

Айшини айтиб бердим, Ота. Манови еримга орден тақиб қўйишди, — ғоз қараш қилиб кўкрагига ниқтади у. — Аввал полковник меҳмон тақди, кейин унга Абдаз амаки қўшилди. Уларга «Девона бўлдум»ни яна бир марта айтиб бердим, — деб қиқирлаб кулди Тилла, сўнг эса «биров билмасин» қабилида у ёқ-бу ёққа кўз қирини югуртиб олди-да, Аппон чол томон энгашиб, болаларча соддадиллик билан деди: — Аслида бу ашулани улар учун айтганим йўқ, Ота. Аслида бу ашулани қўшни уйда ўтирган Иқболхон учун айтдим. Айши қиз учун айтдим, — у энди муғамбирона кулган бўлди. — Ҳалиги лақмалар эса бизга айтяпти де-еб чаккамга иккита бешталик қистиришди-ии. — У яна «уларни бопладим» йўсинида пиқир-пиқир кулди. — Айши бешталикларни яшириб қўйиппан, пайпоғимнинг ичига яшириб қўйишпан, Ота. Мана ҳозир сизга кўрсатаман... — Тилла шундай деб шимининг почасини кўтаришга чоғланди, Аппон чол уни тўхтатиб улгурди.

— Бўлди, бўлди, олма. Сенга ишонаман, — деди у, Тилланинг: «Манови еримга орден тақиб қўйишди. Аввал полковник меҳмон тақди, кейин унга Абдаз амаки қўшилди», деганидан, айниқса, бир хил бўлиб кетди. Абдулазиз ва Қаҳрамоновнинг бир нотавон йигитни мазах қилганликлари унга ҳеч ҳам тинчлик бермади. Тиллага: «Сен Абдазникига борма, иккинчи марта унинг юмушини қилма», демоқчи бўлди-ю, бироқ унинг соддалигини, боз устига, бошига ишқ савдоси тушганини ўйлаб қолди, айтгани билан у қулоқ солмасини, солган тақдирда ҳам уни бу йўлдан қайтариб бўлмасини, қайтаришнинг ҳожати ҳам йўқ эканини тушуниб етди. «Майли, билганини қилсин, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида», деб фикр юритди, шундай эса-да Тилланинг юқоридаги ҳикояси таассуротидан келиб чиқиб ичидан сиқилаверди.

Шу маҳал Сора кампир почапўстин билан сувсар телпакни кўтариб олиб келди-да, Тилланинг ёнига кўйди. Почапўстиндан нафталин ҳиди анқиб ётарди.

— Қани, болам, пўстинни кий-чи, — деди Аппон чол. — Қани, ўрнингдан тур!..

Тилла суюниб кетди. Ўрнидан кўзгалар-кўзгалмас почапўстинни эгнига кийишга ошиқди, бошидан дўппи-сини олиб ўрнига сувсар телпакни кийди.

— Войбўй, Отабек бўп кетдию Тиллаvoy! — ўзини тутиб қололмай чапак чалиб юборди Сора кампир.

Тилла Сора кампирнинг мақтовидан суюлди.

— Энди битта тўриқ бўсайди, Ота, — деди Аппон чолга юзланиб, сўнг ўйчан бир нигоҳда ҳовли оша узоқ-узоқларга термиди.

Аппон чол отни Тилла нима қилишига қизиққани боис сўради:

— Тўриқ нега керак?

Тилла ўйлаб ўтирмай жавоб қилди:

— Иқболхонни ўтирғизиб опқочиб кетардим, Ота! Чуқурсойдан опқочиб кетардим!

Сора кампир «вой ўлсу-ун» деб кулиб юборди. Унга Аппон чол ҳам кўшилди. Кейин дарров жиддий тусга кириб:

— Сен, ўғлим, Иқболни унут. У қиз сенинг тенгинг эмас, — деди. — Агар мен бир ёққа кетмаганимда сенга ўзингга ўхшаган беғубор, соддасидан обера-рдим.

Тилла шаҳодат бармоғини бурнининг учига кўйиб ўйга толди. У ҳеч маҳал бу қадар узоқ ўй сурмаганди.

Ниҳоят Аппон чолдан сўради:

— Қаёққа кетяпсиз, Ота?

— Олис сафарга, — жавоб берди Аппон чол. — Отам йўқлабдилар. Бормасам бўлмас.

Тилла Сора кампирга қаради. Сора кампир ортиқ чидолмади — юзини кафти билан яширганча улардан нари кетди.

— Қачон қайтасиз, Ота?

Аппон чол ичидан чиққан хўрсиниқни аранг босди.

— Қайтишим даргумон, Тиллаvoy.

— Менинг сиздан бошқа Отам йўқ-ку, — зорланди Тилла. — Мениям опкетмайсизми?

— Йўқ, Тилла, сенинг ойинг бор. Ойингнинг ҳолидан хабар олиб туришинг керак. Хўпми, болам?..

Тилла тихирлик қилмай дарров кўна қолди:

— Хўп, Ота. Ойимнинг ўтинини ёриб бераман, кўмирини ташиб бераман. Ойим буюрган юмуш борки, барини бажараман.

— Шунақа қил, ўғлим.

— Хўп, Ота.

Тилла почапўстинни билар-билмас ўраб қўлтиғига суқди, теллакни кўлида авайлаб ушлаган бўлиб:

— Айшиларни уйга обориб бекитиб кўяй, биров обқўймасин, Ота, — деди.

Аппон чол ҳазил мазмунида уни қўрқитди:

— Сен қолиб Анормат кийиб олмасин тагин!

Тилла унинг ҳазилини балодай тушуниб:

— Йўқ, Ота, Анормат тоғамга пўстин керакмас. Анормат тоғамга айши нарса бўлса бўлгани, — деди бош ҳамда кўрсаткич бармоқларини бир-бирига ишқаб пулга шама қилди.

— Сенга-чи? Сенга бу нарса керакмасми? — деб уни синади Аппон чол.

— Менга, Ота, бу нарса керакмас! Менга Иқболхон керак! Айши қиз керак!

Аппон чол мийиғида кулди. Кейин қабристонга бориши керак бўлгани учун Тиллага жавоб берди.

— Ота, сиз Ойимдан хавотир олманг. Дадангизнинг олдиларига бемалол бораверинг, — деди Тилла кўча эшикка етганларида. — Ойимдан ўзим хабар олиб тураман.

Аппон чол «хўп» ишорасида бошини чайқади. Тилла қишнинг аёзли кунларида дилдираб, бошини икки елкаси орасига суқиб эмас, почапўстиннинг ичида роҳатланиб юришини тасаввур қилдию хурсанд бўлиб кетди. Бу ҳис унинг дилидагина эмас, ташқи кўринишида ҳам ўз мазмунини топди.

У намозини анча барвақт ўқиди.

Сора кампир қизил шоҳи қийиққа тутиб берган гўрковга тегишли сарпони кўтариб ҳовлидан чиқаркан, киссасидан носқовоғини олди. Чарм тиқинини очиб, оғзини кафтига тўнқарганди, бир чекишли нос тушди холос. Шунда у Тиллага, нос ташлаб кет, деб пул бериб юбормаганига афсусланди. Қабристондан

қайтишда тағин Анорматникига боришга тўғри келишини ўйлаб кафтидаги носни оғзига отди-да, йўлга равона бўлди.

У дарвозадан кириб борганида ҳали қош қораймаган, чўғдай куюёш қабристоннинг орқасидаги толзорга ёнбош ташлаганди.

Аппон чол кираверишда ўнгдан асфальт йўлга каткак чизиклар тортиб сопалак ўйнаётган қизларнинг саломига алик олди. Сал наридаги панжарали қабрга тақалган беҳи остида кечаги бола букчайган кўйи қизларнинг ўйинини томоша қилиб ўтирар, орқасида сариқ лайча ўт-ўланлар орасини искаб юарди.

Аппон чол боланинг онасиникига ўхшаш қисик кўзлари ич-ичига кириб, қовоқлари кўкимтир тус олганини, рангпар юзини ҳадеганда тириштираётганини кўриб у ҳақдаги кечаги ўйи тўғри эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилгандай бўлди. Сўнг боланинг ўтириш аҳволига, тиззасига ямоқ тушган йўл-йўл чолвори почасидан кўриниб турган ингичка, қизларникига ўхшаш оппоқ оёғига диққатини жалб этди. «Боёқиш-э, дарди бўлмаса юзи бунчалик тиришиб кетмасди, иннайкейин, мана бундай букчайиб олмасди ҳам», деб хулоса чиқарди.

Бола Аппон чолни таниди. Қаддини сал ростлади, тиришиқ юзи силлиқлашди.

— Ассаломалайкум, амаки, — деб ўрнидан кўзғалишга чоғланди, Аппон чол уни уринтиргиси келмади:

— Қимирлама, ўғлим, қимирлама! — деди, бола жойига ўрнашиб олгач сўради: — Даданг уйдаими?..

Бола Аппон чолнинг кўлидаги тутунга қараб қўйди-да:

— Хув ўша ёққа замбилғалтак тортиб кетувдилар, — дея қабристоннинг кунботарига ишора қилди.

Аппон чол Далавой унинг учун гўр қазигани кетганини фаҳмласа-да, замбилғалтак нима учун керак бўлганига таажжубланди.

Шу боисдан ўсмоқчилади:

— Анча бўлдим кетганига?

— Ҳа, анча бўлди, — деб жавоб қилди бола, тағин бир марта бўхчага кўз югуртириб олди.

— Майли, — деди Аппон чол, бола кўрсатган томонга юрди.

— Тополасизми, амаки?

Аппон чол болага миннатдорчилик билдираркан:

— Тополаман, ўғлим, — деди.

Бола Аппон чолга эргашиб кетаётган лайчасини ўзи томон чорлади. Лайча унга қулоқ солди — ерни искаб-искаб орқасига қайтди.

Аппон чол хилхонасига етиб келганида гўрков аллақачон унинг гўрини қазиб қўйган, тупроғини замбилгалтакка солиб, ёввойи дўлана билан девор оралигидаги пасқам ерга ағдариб қайтаётган эди.

— Ҳорма, Далавой, — деди у, қўлидаги бўхчани беридаги қабрга ўрнатилган мрамртош устига қўйди. — Нега ундай қиялсан?..

Гўрков Аппон чолга салом берди. У қўйган бўхчага бепарволик билан қаради.

— Айтганингиздай қилдим, ака-а, — деди, манглай терини кир, вижим рўмолчасида артди. — Ёнбошлаб ётиш у ёқда турсин, чордана қуриб ўтириб аччиқ фамил чой ичсангиз ҳам бўлади — бошингизни шифтига уриб олмайсиз, — дея жилмайди.

Аппон чол бу сафар гўрковнинг ҳазилини ўзига қаттиқ олди. Фиқ этмади.

Далавой гўрков ҳам буни сезди. Аппон ака ўлишни истамай қолди шекилли, ҳазилимни ўзига қаттиқ олди, деб ўйлади, филҳол гапни бўлак тарафга буриб, унинг юқоридаги саволига жавоб қайтарди:

— Биласиз, ака, ҳар хил одамлар бор. Битта-яримта гап қилиб қолиши мумкин. — У нарида ётган бўйрани олиб гўрнинг устига ёпди. — Ана шунда кўзга ташланмайди.

Аппон чол кеча шийпонда кўргани бир учи ёнган бўйрани таниди.

— Бу томонларга кимам ўтарди, Далавой.

— Сиз шундай дейсиз, Аппон ака. Мана, икки-уч кундан кейин намоз турилади — кичик ҳайит бўлса. Одамлар келиб яқинларининг гўрини суваб кетишяпти, ўтини юлишяпти, — у шундай деб бўйрани ўзи томон тортди. — Иннайкейин, иннайкейин, зора ҳалиги гапингиз нотўғри чиқиб умрингиз узоқ бўлса! Бўйранинг устига иккита тунука ташлаб қўяман — тураве-

ради қишин-ёзин — бировнинг эътиборини ўзига торгмайди.

— Йўқ, Далавой, — деди Аппон чол ҳазин бир овозда. — Умрим поёни кўриниб қолганини сезиб турибман. Узоқ яшамасим аниқ, иним.

Далавой гўрков бу сафар чурқ этмади. Тупроқнинг охирини замбилғалтакка уйди, ўзи билан олиб келган чўлтоқ супургида курси, панжаралар орасига кириб қолган қолдигини тушириб, бир ерга тўплади-да, уни ҳам белкурак билан замбилғалтакка солди. Қабр атрофи чиннидай бўлди. У супураётганида сурилиб кетган бўйрани боз тўғрилади, сўнг замбилғалтакни девор томондаги паскам ерга тортиб кетди.

Аппон чол гўрков олислаганида ўзи учун қазилган гўр тепасига келди-да, бўйранинг бир учини кўтариб пастга қаради, қарадию юраги увишиб кетди. Далавой айтган ҳайҳотдай гўр одамни ўзига тортаман дерди. Аппон чол бўйранинг учини кўйиб юборди. Ўриндиққа ўтирди, анча ўтирди. Ўйга толди: «Нега одамлар гуноҳдан кўрқмайдилар? Нега ўша Содир ака дадам раҳматлига тухмат тошини ёғдираётганида мана бунақа гўрга тушишини ўйламади? Нега ўша катталар табиий офат туфайли қирилиб кетган кўйларни деб Молдахматдай бир бечорани қаматаётганларида мана бу ерга келишларини эслашмади? Нега Абдаз, қартайиб қолган, бир оёғи мана шунга ўхшаган гўрда турган Абдаз юртни алдашгача бориб етди? Ҳеч ким мунинг ичига тушишдан қочиб қутулолмайди-ку?! Шундай экан, қачондир, эртами-кечми паймонаси тўлиб, бу ерга келишини ўйламайдими?!» Ана шу мазмундаги ўй-мулоҳазалар миясидан ўтиши замони Улар бу ерга келишларини ўйлаганларида шунчалар паст кетармидилар? Сен айтаётган Содир ака ўзининг жонини сақлаб қолиш учун дадангни жарга улоқтириб юборди. Ўшанда бу ерга келишини ўйлаган деб ўйлайсанми?! Қандай қилиб бўлмасин бу ердан, манови лаҳад оқзидан омон қутулиш мақсадига бировни туртиб юборган! Ўзининг кўйруғини сақлаб қолган! Нима, ҳалиги катталар, ё бўлмаса Абдаз ёки бундан ўн-ўн беш кунлар бурун мана шу мазористонга (!) шармсиз бир аёлни олиб кириб ўйнашиб ўтирган Бўривой ўйлайди дейсанми бу ерга келишни?! Ўйласа бу нопокликларни, фо-

сиқ ишларни қилармиги? Йўқ, қилмасми, албатта!.. — деб сўзланди, кейин яна ўйга чўмди. Одамзод ғалати яратилган-да! Мана битта афанди ҳали бандаликни бажо келтирмай туриб ўзига гўр қаздириб қўйди, деб ўйлади, яна ўзига қазилган гўрнинг тепасида бировларнинг номаъқул ишларидан хуноб бўлиб ўтирибди, деб ўйлади, яна бошқа кўп нарсалар ҳақида фикр қилиб турганда, Далавой гўрков қайтиб келиб қолиб хаёли бўлинди.

— Ҳа, ака, — деди у, Аппон чолнинг хомуш, ўйчан юзига синовчан тикилди. — Ҳа, ака, тинчликми?..

Аппон чол гўрковнинг ташвишли нигоҳида «сизга нима бўлди?» мазмунидаги савол ётганини фаҳмласа-да, кўнглининг ғариб, нотавон кўчаларида кечган ҳасратли ўйларини унга ифшо этишни номувофиқ деб билди. Шу боисдан ҳам:

— Ўзим, шундай, — дейиш билан кифояланиб, дарҳол мавзуни бўлак тарафга бурди: — Бир ўғлинг бор экан, Далавой, ҳозир келаётсам мозорга кираверишда ўтирган экан. Шу ўғлингнинг бирор дарди бор кўри-нади — олдини олгин, ука.

— Э-э, Ҳайитвойни айтяпсиз шекилли, — деди гўрков бепарволик билан. — Тўғри, ўша ўғлим ипак ойим бўлиб ўсди. Чақалоқлигида онаси қаттиқ шамоллатиб қўйганди. Шунинг асоратими, билмадим, оёқ огриғиси тез-тез хуруж қип туради. Эрта-индин куз келаяпти, тагин бошланяпти чоғи.

Аппон чолнинг болага ичи ачишди. Далавойнинг лоқайдлигидан қаттиқ хафаланди.

— Эрта-индин ўсиб-улғаяди, унда бундан ҳам қийин бўлади. Болага жабр бўлади. Ёр-биродарларига қўшилмай қолади, бунинг устига уйланиши ҳам керак, — деб куйиниб сўзлади Аппон чол. — Шу Сора холангиям бод касали тез-тез ушлаб қолиб, ранги чиқмай юрарди. У маҳалларда Бекободда — Металлда пўлат эритувчилик қилардим. Э-э, ўша давларам ўтиб кетди-я, Далавой... — чуқур хўрсиниб қўйди у. — Ўша кезлари сурункасига уч-тўрт йил Наманганга олиб бордим. «Чортоқ» деган ерида яхши санаторий бор. Балчик билан муолажа қиларкан. Минерал сув билан даволаркан... Ҳайитвой ўғлингниям, Далавой, ўша ерга олиб бор. Ҳа, ука, вақтида олиб бормасанг бўлмайди.

Гўрков «маслаҳатингиз учун раҳмат» йўсинида вазмин бош силкиди. Сўнгра супурги, кетмон, белкуракларни замбилгалтакка жойлади. Аппон чолга юзланиб:

— Ака, Қуръон тиловат қилиб юборасизми, — деди.

Аппон чол ота-боболари руҳига атаб Қуръон тиловат қилди. Ўрнидан қўзғалиб, ҳалиги сағана устидаги тутунни бориб олди-да, уни Далавой гўрковнинг қўлига тутқазди. Яна ёнига эллик сўм ҳам қўшди.

Гўрков одамгарчилик юзасидан:

— Тутунингизни олсам ҳам пулни олмайман, — деди.

Аппон чол олмаганига қўймади:

— Расм-русуми шу — олмасанг бўлмайди. Мендан кейин бу ишларни кўнгилдагидай қиладиларми-йўқми, Далавой, — деди.

Гўрков ахири пулни ҳам олишга мажбур бўлди.

— Қани, бўлмаса бир дуо қилинг, ака, — деди.

Аппон чол унинг ҳақиға дуо қилди.

Улар қабристон дарвозасига етиб келганларида қош қорайиб қолган, бояги сопалак ўйнаётган қизлар уй-уйларига тарқаб кетишган, гўрковнинг касалманд ўғли ҳам ғойиб бўлганди.

Аппон чол, Далавой берган пулимга офринмадими, деган хаёлга боргани учун:

— Камига қарздорман, Далавой, — деди.

— Ярашадиган гапни қилинг, Аппон ака, — ундан ранжиди гўрков.

— Баракалла, Далавой, — кўнгли ёришди Аппон чолнинг, кейин муҳим нарса ёдига тушгандай кўйи: — Ҳа, дарвоқе, сигир тузалиб қолдими ишқилиб? — деб сўради.

— Кечагидан дуруст. Кўз ёмон нарса-да, Аппон ака. Ҳалиги дардга чалиниб, ишгаҳадан қолувди, йўқ, бугундан ул-бул ея бошлади, — жавоб қайтарди Далавой гўрков.

— Худо хоҳласа тузалиб кетади, — деди Аппон чол, у билан хайрлашди-да, яна сўлга бурилди.

Гўрков Аппон чол бутун ҳам пастликдаги овлоқ йўлни танлаганига ажабланса-да, миқ этмади, бирор иши бордир-да ўша ёқда, деб мулоҳазаланиб орқасига қайтди.

Аппон чол узун, тор йўлакнинг адоғидаги очиқ турган эшикка яқинлашиб, энди Анорматни чақиритишни мўлжаллаётгани ҳам, кираверишдан чапдаги айвонда Салтанатнинг шанғиллаб гапираётгани қулоғига кирди.

— Бу Тиллангиз бугун яна қаёқдандир почапўстин билан телпак топиб келди. Сизга айтаман-ку, бу йигит ўлгурнинг қўли эгри деб...

— Қўй-э, ундаймасдир! Тилланинг ўғрилиқ қилишига ақли етмайди, — дея жиянининг ёнини олди Анормат, унинг овози хотининикига нисбатан бирмунча юмшоқ ва вазмин эди.

— Иқболхон, Иқболхон деб акамгиларнинг остонасида оҳ-воҳ қип юришга ақли етадию ўғрилиқ қилишга ақли етмас экан-да, а?.. Ана, ўзингиз ҳам айтяпсиз, пайпоғининг ичига пул яшираётганига кўзим тушди, деб. Кўрпачанинг тагига қўйган пулингизниям Тилла олганига шубҳам йўқ.

— ...

— Майли, мен шу тўрттагина патирни ташлаб келай. Акамниям оғзилари тегсин.

Аппон чол безовталанди. У сўз Тилла ҳақида бо-раётган бўлгани учун қулоқ солган, бу хонадондагиларнинг унга муносабатини билмоқни истагани важиносфурушни чақиритишга шошилмагани, йўқ, Салтанатнинг Тиллани хуш кўрмасини туйғач, яна у акаси Абдулазизникига отланганини ҳам пайқагач, унинг чиқиб қолишидан, чиқиб қолганда Аппон амаки гап пойлаётган экан-да, деб ўйлаши мумкинлигидан чўчиб, тезда остона ҳатлаб ўтди-да, кираверишда деворда ёруф шуъла таратиб турган чироқ тагига келиб носфурушни чақирди:

— Анормат! Анормат-э!..

Носфуруш айвонда туриб овоз берди. Ўрнига Салтанат чиқиб келди.

У эгнига сариқ шифон, сариқ атласдан лозим кийган, бошига эса зар рўмол ўраб олганди. Қўлтиғидаги тугун эмас, қоғоз халта эса-да, ноз-карашма билан юриши баайни тўйга отланган аёлларнинг тусини берарди.

— Ассалому алайкум, амаки, — деди у, Аппон чолга салом берганида упа-элик суртиб олган юзида яса-

ма табассум жилваланиб, оғзидаги тилла тишлари яр-қираб кетди. У хина қўйгани билиниб турган қўли билан кўксини яширган бўлиб манзират қилди: — Келинг, келинг!..

Аппон чол унинг юриш-туришидан ижирганса-да, ана шу кайфиятини ташқи белгиларда ошкор этмади, сир бой бермай унинг саломига алиқ олди.

— Анормат борми? — сўради, сўраш баробарида юз ифодасида Салтанатнинг бемаҳалда кўчага кетаётганидан таажжубда эканини ҳам зуҳур қилган бўлди.

Салтанат Аппон чолни акаси Абдулазизнинг ошнаси деб билгани боис, аввал ҳол-аҳвол сўради:

— Яхши юрибсизми, амаки? Опоқим опоқмилар? — Унинг бош силкиб сўзлаш тарзида эркалинишга монанд бир оҳанг бор эдиким, бу оҳанг бировга яхши кўриниш ёхуд ўша бировнинг диққатини ўзига жалб этиш учун хизмат қилишини йирик, кўкчил кўзларидаги ноз-ишва ҳам фош этиб турарди. Буни Аппон чол ҳам ҳис этди.

У Салтанатга қараб-қарамай «ҳа, раҳмат», деб кўяркан хаёлан: «Ё тавба! Такаббурлигу доғулиликда акасидан қолишмайди-я!», деб фикр қилди.

— Келаверинг, келавермайсизми, Аппон ака! — айвондан туриб овоз берди Анормат.

— Ана, ўзлариям чақиряптилар. Бораверинг, чой ичиб ўтирувдилар, — деди Салтанат. Аппон чол бу бемаҳалда қаерга йўрғалаяпти, демасин, дедими, изоҳ берди: — Акамларникига кетаётувдим, бирров кўриб келгани.

Аппон чолнинг кўз ўнгида боз қабристон воқеаси тажассумланди. Тажассумландию нима учундир Салтанат акасиникига кетмаётгандек, ўзига оро бериб ясан-тусан қилиб олганидан бошқа ерга отлангандек бўлиб кўринаверди. «Ҳа, ҳа, Абдазникига кетмаяпти! Абдазникига кетаётган бўлганида бунчалар турланиб олмасди!» деб мулоҳазаланди, сўнг эса мазкур мулоҳазасидан ўзи ноқулайлик ҳис этди. «Қаерга кетиши билан сенинг неча пуллик ишинг бор? Нега Салтанатга ёпишиб олдинг? Ана, уни кутадиган Анормат бор!» дея ўзига дакки-дашном берди, шу кайфиятда олди очиқ айвон рўпарасига келди.

— Кириб юрмаган уйингиз бўлса майли эди, Аппон ака, — деб аранг ўрнидан қўзғалди Анормат, унинг чаққон ҳаракат қилишига қапшайиб чиққан қорни халал берди. — Ассаломалайкум. — У Аппон чол билан қўл бериб сўрашди-да, ўрнини унга бўшатиб бериб, ўзи пастроққа — ҳовлига орқа ўтириб ўтирди.

Аппон чол фотиҳа ўқиди. Ташрифининг мазмунини олдиндан баён этди:

— Мен дарров тураман. Носга келувдим, Анормат.

— Хўп, ака. Менам сизга ош дамлайман деяётганим йўқ. Ош дамлайдиган, ўзингиз кўрдингиз, акасиникига кетди, — деди носфуруш, бу гапни шунчаки кулги учун айтаётганини сездириш мақсадида катта, пучуқ бурнини қашиди.

Анормат элик беш билан олтмишлар миёнасидаги ўрта бўй, юзга чўзиқ, гўштор, икки ёноғи олма янглиғ қизил бўлган кўсанамо, аммо истарали одам эди.

У Аппон чолга чой узатди, дастурхондаги ушатиғлик патир бўлақларини унга томон сураркан:

— Манов патирдан олинг, Аппон ака. Келинингиз жизза қўшиб ёпиб эди, — деди.

— Хўп, хўп... — Аппон чол патирдан бир-икки тишлам ушатди-да, қолган бўлагини яна жойига суриб, чойдан хўплади.

— Соғлиқлар яхшими, Аппон ака?

— Раҳмат. Тупроқдан ташқаридаман ишқилиб. Судрали-иб юрибман.

— Шуниси катта бахт экан, ака. Тунов куни денг, бир ошнамни кўриб келдим, болаликдаги ошнамни. Бир йилдан буёқ оёқ-қўли ишламайди. Унинг ётиш аҳволига ичим бирам ачишади денг. Ёшини суриштириб келсангиз, мен қатори, энди элик беш-элик олтиларга кирди, ундан ортиқ эмас...

— Ана шуниси ёмон-да! Ҳеч бандаи мўминни ётқизгулик қилмасин!..

— Тўғри айтасиз. Уям шу гапни айтди. «Омонатини оладиган бўлса, елдек келиб, селдек опкетганиям тузук экан. Тириқтовон бўп ётишдан ёмони йўқ», деб ҳасрат қилди бечора.

Аппон чолнинг ўзи ҳам «сафар» тадоригини кўриб юргани учун ортиқ бу мавзуда эзмаланишни истамади. Пиёласидаги чойни ичиб тугатди-да, катта, кўрим-

сиз ҳовлига кўз югуртирди, аниқроғи, этак тарафдаги, орқасида кичикроқ майдони бўлган пастак, омонат иморатларга разм солди. Буларнинг бири ҳожатхона, иккинчиси қўйхона, учинчиси кўмирхона эканини Аппон чол биларди, яна кўмирхонадан тепадаги қоронғи, зах қазноқни Анормат Тилла учун уй қилиб берганидан ҳам хабардор эди, ўша ёқда чироқ ёнмаганидан таажжубланиб сўради:

— Дарвоқе, жиянинг кўринмайдими?..

Аппон чолнинг сўровидан Анорматнинг тор пешонаси тиришди. Тишида бодом чақаётгандек, бир қоши балаңд, бири эса паст бўлиб чимирилди.

— Юргандир кўчама-кўча санқиб, — энсаси қотди унинг.

— Нега ундай дейсан? — ранжиди Аппон чол, носфурушга Салтанат бояги гапи билан таъсир ўтказиб улгурганини пайқади.

— Хабарингиз бор, ака, ўн-ўн беш йил бўп қолди уни ўз қарамоғимга олганимга. Раҳматли синглимнинг арвоҳи шод бўлар деб пияниста отасининг қўлида қолдирмадим. Унга ялиниб, бунга ялиниб, саккиз синфни ўқиттирдим. Кино қўядиганларнинг бир йиллик ўқишига опкирдим. Амал-тақал қилиб у ерниям битказдирдим. Манов ўйинчоқ фабрикасининг каттаси билан гаплашиб, клубига ишга киритиб ҳам қўйдим: ҳафта, ойда бир кино қўйиб юрар, деган мақсадда. Кимдир бунинг устидан кулиб, лентани тескарисига айлантирсанг зўр кино бўлади, дебди-да! Бу калвак ҳам ўйламай-нетмай бир марта эмас, бир марта бўлса майли эди, уч-тўрт марта шу ишни қипти. Буни менга клубнинг каттаси айтиб берди. Бунақаларни ушлаб туришармиди — паттасини қўлига тутқизиб, бўшатиб юборишди. Энди бу... энди бу боланинг эси сал кирди-чиқдилиги майлику-я, қўли эгри чиққани чатоқ бўлди. Ана шунга диққатим ошиб кетяпти.

— Оббаҳолам, сен Тилла бугун кўтариб келган пўстинга ишора қилаётган бўлсанг керак? — сўради Аппон чол.

— Ҳа, унга ҳам, — жавоб қилди Анормат, Аппон чол буни қаёқдан билганига ажабланди.

— Уни мен Тиллага бердим. Қишда кунига яратар дедим. — Аппон чол бу гапни айтмоқчи эмасди-ю,

аммо мавриди келгани учун айтди, негаки Анормат: «Аппон чол Салтанат икковимизнинг суҳбатимизга кулоқ солиб турган экан-да», деган хаёлга бориши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди.

— Ростдан сиз бердингизми? — Анормат бу саволни Аппон чолнинг сўзларига ишонмаганидан эмас, балки хотинининг Тилла ҳақидаги иддаоси нотўғри чиққани учун берганди ва бундан маълум даражада севиhib кетганди ҳам, зеро унинг ўзи ҳам жиянининг кўлидан ўғрилик келмасига, ўғрилик у ёқда турсин, бировнинг нарсасига кўз олайтириш келмасига эъти-мод қилганди. Буни Аппон чол жуда яхши туйди.

— Ҳа, нима, сени алдайманми?

— Ундай демоқчимасман... — ўзини оқлашга ту-тинди Анормат.

Аппон чол гапни кўпам чуватишни истамасди.

— Ўтган қишда уни бир-икки бор юпун кўрган-дим. Шунинг учун бердим, — деди, кейин эса: «Ҳали қишга анча бор-ку! Анормат «ўшанга яқин берардин-гиз-да» деб қолса нима бўлади?!» дея хаёл қилиб, чўчиб турганди, ҳайрият ўйлагани бўлмади. Анормат бу гапни айтмади.

— Пальтоси бор. Узоқ йили ўзим Черняевкадан опкеб берганман. Ёймачилардан сотиб олиб эдим, — деди у.

— Ёймачилардан дегин? — лабининг бурчи билан кулди Аппон чол.

— Сиз мени тўғри тушунмадийиз, Аппон ака. Ёйма-чилардан олган бўлсам ҳам яп-янги пальто эди.

— ...

— Ўзи кийинишни ёқтирмайди. Солдатча кўйла-гию ёғи чиққан тусдўпписидан бошқасини тан олмай-ди. Ҳа, яна битта ботинкаси бор, дадасини кўргани борганида бериб юбориб эди, шуни айтмабман.

— Ҳамма кийинишни Салтанатга чиқарган, — деди Аппон чол, кинояси таъсирида Анорматнинг бети та-фин ҳам қизариб кетганини туйди, ортиқ уни уялти-ришни истамасди, шу гапнинг ўзи етади — яхши отга бир қамчи, дейдилар-ку, деб муҳокама юритди, сўнгра сўзни яна пўстинга бурди: — Дадам раҳматлиники эди. Аямбой отасига ўхшаб юрсин!..

— Ҳа, майли, табаррук экан, ўша кишига ўхшасин,— тили зўр-базўр айланди Анорматнинг, кейин ўлганининг кунидан қўшиб қўйди: — Менам ҳайит куни берарман деб бош-оёқ кийим қил қўювдим.

— Майли, Анормат. Сен Тиллани сийласанг, сени Худо сийлайди, ука, — насихат қилди Алпон чол, ба-шоратининг нишонаси сифатида чўнтагидан чарм ҳам-ёнини олди-да, ичидан иккита сўлкавой чиқариб Анор-матга тутди.

Анормат сўлкавойларни кўрганда хотинига нисбат бериб айтилган илмоқли гапни ҳам унутди: юзи ёри-шиб, қовоқлари очилди, катта-катта кўзлари ҳам чақ-наб кетди. Мана шу авзойининг ўзи унинг пулни бошқа кўп нарсалардан устун қўйишини ифшо этар-ди.

У пулни киссасига солди, ўрнидан қўзғалди, айвон орқали ўтиладиган якка тавақа эшиқдан уйга кириб кетди. Анчагача унинг ичкарида куймаланаётгани қулоққа чалиниб турди. Бир маҳал дафтар муқоваси-га носвойни воронкага ўхшатиб ўраб чиқди, қоғоз-нинг оғзини ёпишга тутинаётгани ҳам, Алпон чол уни тўхтатди. Чўнтагидан носқовогини олиб Анормат-га узатаркан:

— Ўшандан мановигаям солиб бер, сенинг кўзинг ўткирроқ, — деди.

Анормат носқовоққа нос тўлдириб берди.

Алпон чол носқовоқни бир киссасига, қоғоздаги носни бошқасига жойлади. Дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан қўзғалди.

Анормат унга «ўтирардик-да, Алпон ака», деб ман-зират қилган бўлди, шунинг баробарида эсноқ босга-нини дарақлаб, оғзини катта очиб ҳомуза тортди.

Алпон чол унинг қўқон манзиратига эътибор бер-мади.

— Йўқ, анча кеч бўп қолди, кампирнинг бир ўзи қолувди, — деди.

— Кампирингизни ишонмайсиз-а, Алпон ака, — ҳазиллашиб кулди Анормат.

Алпон чол ҳам: «Ҳаммаям сенга ўхшаганми, Анор-мат, хотинни ясантириб кечқурун акасиникига жўна-тадиган», дея ҳазил қилмоққа чоғланди-ю, аммо бу гапи ҳам худди боягига ўхшаб носфурушга айил бо-

тишини, айил ботишдан ҳам бурун кўнглида номақбул шубҳа-шиквалар туғдириши мумкинлигини тасаввур қилиб, тилини тийди. Ташқарига чиққанида ҳам ана шу гапни гапирмаганига севинди.

У гузарнинг йўли билан юрмоққа тараддудландию, аммо ўйланиб қолди. Кўнгли бир нарсани сезгандек, уни қабристоннинг овлоқ йўлидан юришликка ундади.

У кўнглининг измига бўйсунди.

Толзорга етар-етмас иккита шарпага кўзи тушди. Филҳол ўзини пана олди.

Шарпалардан бири гувалак деворнинг нураб ётган еридан қабристонга сакраб ўтди.

Аппон чолнинг юраги гуп-гуп ура бошлади. «Наҳотки яна ўшалар бўлса?!» деган ўй калласига айланиб келиб, тагин унинг тинчини ўғирлади. Ортига қайтмоқчи ёки ўзини билмаганликка олиб нарироқдан ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ шарпаларнинг иккинчиси аёл киши эканини, у ичкарига ўтишда қийналганидан «вой» деб юборганини эшитиб қолгани учун яна жойида тўхтади. У яна шу «вой»лаб юборган аёлни Салтанат деб чамалагани ва унинг сўзини эшитиб бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгани учун ҳам кетиш ниятидан воз кечди.

У ой ёруғида битта-битта одимлаб ариқдан ҳатлади-да, деворга яқинлашди. Яқинлашдию туйқусдан юрагига ғулу тушди: «Қайтиб чиқиб қолишса-чи?!» Ана шу ўйи таъсирида орқасига — толзорга қайтди. Баҳайбат толлар панасига яшириниб ўша ёқни кузатди. Йўқ, ҳеч ким қайтиб тушмагач, бунинг устига, қабристонда эркак ва аёлнинг ғўнғир-ғўнғири қулоққа чалингач, бояги истак тагин хуружини бошлади. Шунда у: «Бу, ахир, гуноҳ-ку! Бировнинг орқасидан кузатиш сендек мўйсафидга уят эмасми? Учрашса-учрашавермайдимми?! Сенга нима?! Нима жин уриб бу ёқдан юрақолдинг?!», дея ўзининг ҳозирги хатти-ҳаракатларини қоралади, лекин ичидаги бошқа Аппон унинг ҳаловатини ўғирлаб улгурганди. «Уларнинг манови ишлари гуноҳмасми? Бири хотинидан, иккинчиси эридан бекитиқча мана бундай хуфия учрашувлар тайинлашлари; яна қаерда — мазор ичида (!) бу номаъқулчи-

ликни қилишлари гуноҳи азиммасми?! Кимлар ўтмаган, кимлар кўмилмаган муқаддас жойда-я!..» У яна шу мазмундаги ўй-мушоҳадалар билан яна деворга яқинлашди. Юраги кўкрак қафасига сиғмай гурс-гурс тепа бошлади. Аёлнинг овозини таниди. Овоз ҳақиқатан ҳам Салтанатники эди. «Алоҳал ниятингга етдинг! Бўривой билан дон олишиб юрган ўша сатанг эканини ўз қулоғинг билан эшитдинг! Ана энди бу ердан қорангни йўқот, Аппон! Бу шарму ҳаё нималигини билмайдиган бетавфиқларнинг ёнида қолма! Тезроқ бу ердан жўна!..» деди ўзига, аммо оёқлари унинг измига юрмади. Устига-устига, ичкаридагиларнинг мусоҳабаси беихтиёр унинг диққатини ўзига жалб этди:

— Кўрпачани бу ерга қачон опкеб улгурдингиз, Бўри ака?

— Хашаклар орасига яшириб қўювдим.

— Хашаклар орасига?

— Ҳа. Айтмоқчи, қўлингдаги нима Салтанат?

— Патир. Сизга опкеддим. Сизниям оғзингиз тегсин, дедим.

— Раҳмат, жоним...

— Мана шу учрашувимизни деб каллаи саҳарлаб хамир қоришга тушибман-а!..

— Намунча ўзингни уринтирмасанг?

— Унақа қилманг Бўри ака, қитигим келяпти.

— Қанақа қилай?

— Э-э, ўлинг-е! Бўйнимда қитигим борлигини айт-япман! Дарров эгри томонга бурасиз-а!..

— Шундай демайсанми.

— Кутиб қолгандирсиз?

Аппон чол девор ёнидан энгашиб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ қабристондагиларга сездириб қўйишдан чўчиди. Орқага қайтмоққа яна илож бўлмади. Ичкарида Бўривой ўрнидан кўзғалиб бир нимани тортганини сизди. Аппон чол кўрқиб кетганидан деворга суяниб олди.

— Мана бу тахтани оёғинг тагига ташлаб ол, — деб Салтанатга меҳрибонлик қилди Бўривой.

— Раҳмат.

— Яқинда кеп турувдим, — Салтанатнинг юқоридаги саволига жавоб берди Бўривой.

— Яхшиям акам йўқ экан уйда. Бўлмаса ушланиб қолармидим Худо билади. Пакетни ташладиму «буларнинг меҳмони бор эди» деб оёғимни қўлимга олиб орқамга қайтдим.

— Ростданам меҳмони бормиди?

— Қаёқда?! Ҳалиги чол бор-ку, Абдаз акамнинг ошнаси, анави ёнғоқзордан бериги кўчада яшайдиган Аппон ака, шу келувди, мен уйдан чиқиб кетаётганимда. Носвой сўраб келувди шекилли.

Аппон чол Салтанатнинг оғзидан ўз исмини эшитиб янаям капалаги учиб кетди. Оёқлари йўқ бўлиб қолгандай туюлди. Бу ердан қандай кетаман деб ташвишга тушди. Деворга янаям қапишиб олди.

Бу маҳалда қабристондагиларнинг мусохабаси авжида эди:

— Бошқа бир баҳона қилмабсан-да, Салтанат!

— Сезиб қолади деб қўрқдим.

— Акангникига қидириб борса-чи?

— Ўлибди-да энди. Бормайди. Анув чолнинг келганиям тузук бўлди. Ҳали икки соат эзмаланади иккови. Кўса бир гапга кирса борми, жағини ёпиш амримаҳол бўлади.

Бўривой хахолаб кулди.

Аппон чолнинг эсхонаси чиқиб кетди. Девор тагига ўтириб қолди. Кейин амал-тақал қилиб яна ўрнидан турди. «Бу имонини шайтонга олдирганларнинг гапига қулоқ солишга қулоқ солдим, гуноҳи азимга ботишга ботдим, қани бу ёғини эштайин-чи, нима бўларкан?!» деб фикр қилиб, тагин ичкаридагиларнинг суҳбатига қулоқ тутди.

Бўривойнинг кулгисидан у ерда Салтанатнинг ҳам ўтакаси ёрилаёзганди.

— Биров эшитиб қоладиям демайсиз-а, Бўри ака!— дея жазманидан норозиланди у.

— Бу ёқдан кимам юрарди. Ҳаммага тескари бу йўл.

— Шундай дейсиз-да! Қачондир бу учрашувимиз кўсага ё бўлмаса бошқа битта-яримтага ошкор бўп қолишидан қўрқаман!..

— Эрингга яхши лақаб топибсан.

— Ҳе, ўлсин илойим. Ўша қурумсоқдан гапирманг.

— Анави-чи, девона?

— Хе, оти ўчсин унинг. Эримдан ҳам кўра ўшандан қўрқаман...

— Нега энди?

— Ҳозир ҳам кетимдан келаётгандек бўлиб туюлаверди. Орқамга қарайвериб бўйним қийшайиб қолаёзди.

— Сени қаёқдан кўрди?

— Мактабнинг кўчасида икки-учта бола уни калака қилаётганига кўзим тушувди.

— Нима қип юрибди у ёқда?

— Девона-девона деймиз-у, сизминан мендан боло... У ёқнинг ишқлари Азизнинг қизига тушиптимиш. Иқболнинг ишқида ёниб юрибди анчадан буёқ.

— Йўғ-э! — ажабланди Бўривой. — Девоналардаям ишқ бўларканми? Девоналарам севгини тушунарканми?!

— Сиз билан мен девона деймиз. Носфуруш унга соғ одамга қарагандай муомалада бўлади.

— Нима қилсаям жияни-да!

— Жияни бўлмай кетсин! Яшшамагур сизминан менга халал беряпти-да!

— Қайси маънода?

— Шу бўлмаганда, памилдори экилган томорқамиз бор-ку, сой томонда, орқамиза-чи?..

— Хўш, хўш!?

— Ана ўша ёққа ўтадиган эшик бор кўмирхонада. Ўша ерда учрашиб турсак ҳам бўларди. Кўса ҳар куни ўн бўлмасидан ухлаб қолади. Билмасди... Тилладан одам кўрқади. Девона, девона деймиз-ку, балонинг ўқи йигит ўлгур!..

— Нима, бу ер бўлмайдами? Бу ерам хилват — ҳеч зоғ ўтмайдиган жой-ку?

— Шундай дейсиз-ку, Бўри ака, нима қилсаям мозор — мозор-да!

— Ўликлардан кўрқасанми?

— Кўрқасанми дейишларини-чи? Нима, сиз кўрқмайсизми?!

— Кўрқсам сени бу ерга бошлаб келармидим?! Шу мозорда ўйнаб юриб катта бўлган бўлсам. Дарсдан қочганларимда бу ёққа келиб ухлаб кетардим.

— Энди мана бунақа ишлар... бу ерларда... гуноҳи азимга ботмайлик дейман-да!..

— Бу ерда ётганларни фаришталар деб ўйлайсанми? Ҳаммаси осий бандалар-ку! Қани, ичида марди бўлса, ўрнидан туриб айтсин: мана мен бегуноҳман! Нега сен бетимга лой чаплаяпсан, десин-чи?!

— Қўйинг, одамни қўрқитманг, Бўри ака!

Аппон чол ортиқ бу ерда туролмади. Ортиқ бу ерда қолса юраги тарс ёрилиб кетишини фаҳмлади. Амал-тақал қилиб девор ёнидан ўтиб олди-да, оёқ учида юриб кетди. Шу тарзи анча йўл босди. Ўзининг бу қилмишидан қаттиқ куйинса-да, ичкаридагиларнинг фосиқликларидан ундан беш баттар сиқилаверди. Айниқса, Салтанатники ҳаммасидан ўтиб тушди. «Одам деганам шунчаликка бориб етадимми? Эри бўлмаса майли эди-я! Эри бор-ку бу мочағарнинг! Наҳотки бу шармсизлигим изсиз кетади деб ўйласа?! Наҳотки буларни Анормат билмайди деб ўйласа?! Бугун билмаса эртага билади-ку, ахир! Бу хиёрати бугун бўлмаса эртага очилади-ку?!» деган ўй кўнглидан кечди, кечдию *Сенам қизиқсан, Аппон! Бу маълуғда ор-номус бўлса экан, тушуниб етса!* — деб сўзланди, сўнг эса орқага қайтиб бориб Анорматни чақириб келмаганига афсусланди, аммо кейин, бундай йўл тутмаганига ҳам севинди, зеро, бу каби чақимчилик унинг шаънига муносиб келмас, боз устига, бундан катта жанжал чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Аппон чолни хаёл ҳар қаёққа олиб кетаверди. У ўзидан ҳам ижирғанишда давом этди. «Фалокат босиб бу кўча билан юрганингни-чи? Юрганинг майли, шу нарсани сезганинг учун юрдинг-ку-я, илло бу бетавфиқларнинг суҳбатига қулоқ солганинг нимаси эди?!» деб ўзини тергашини қўймади, сўнгра аёлнинг Салтанат эканига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлиб деворга яқинлашганини ўйлади, ўйладию *Хўп, ана, Салтанатлигини билиб олдинг, лекин бу билан бир нарса ўзгардимми? Бир нарсани ўзгартиролдингми? Қайтага тахмининг тўғри чиққанига ундан баттар эзилиб ётибсан! Ундан кўра, шубҳанг шубҳалигича қолгани тузукмасмиги?* — деб сўзланди, ортидан эса: «Шунинг учун экан-да, Салтанат Тиллани Анорматга ёмон кўрсатишга уринаётгани! Хуфия учрашувларини ҳовлисининг орқасига кўчиरोлмагани важи нуқул Тилланинг юзига лой чапламоқчи бўлаётган экан-да!» деб муҳокама юритди, кейин нега бун-

дай фикрлар қилаётганини, етти ёт бегоналарнинг турмушига бурун суқаётганини эслаб қолиб, тагин кўнгли бир хил бўлиб кетди. Бу кайфиятдан ҳозир кўрган, эшитганларини фаромуш қилиш орқалигина форир бўлиш мумкинлигини англаб етгани боис, шунга эришмоқликка тиришди.

У тош зинага етганида чуқур хўрсинди. Ўзи сезмаган ҳолда уф тортиб юборди. Иттифоқо носнинг хумори тутаётганини ҳис этди. Киссасидан носқовоғини олди. Йўл четидаги чироғи липиллаб ёниб турган устун тагига келиб кафтига нос тўкаётганда, қўллари, нафақат қўллари, балки бутун аъзойи бадани ҳалиям титрашда давом этаётганини идрок этиб қолди. Ана шу кўйи носни тилининг тагига ташлади. Зинадан аранг кўтарилиб, текис йўл билан тўғрига юрди...

Аппон чол ярим кечада чўчиб уйғонди. Яна тушига отаси кириб чиққанди. Уни Содир ака эмас, балки Абдулазиз қаматганмиш. Жавондаги эски китобларни ҳам ҳар тарафга сочиб, энди гугурт чақаётганда у шартта қўлидан ушлаб олиб: «Аблаҳ одам экансан, жоҳил одам экансан! Бу китобларни, ахир, дадам раҳматли болаларимизга ташлаб кетган-ку! Бу китобларни Шокирнинг невараси, сен телевизор орқали ёмонлаганинг Шокирнинг, ўша мен билан, сен билан, Молдахмат билан қон кечиб келган, бир бурда нонни тўртга бўлиб еганимиз Шокирнинг невараси Анвар опкетиши керак эди. Сен жоҳил дадамни қаматганинг етмагандай, авлодларимизга деб авайлаб-асрагани китобларниям ёқмоқчимисан?!» деб койирмиш. Шу маҳал қайдандир Тилла пайдо бўлиб Абдулазизни ура кетибди. Урармишу ҳадеб бир жумлани қайтараверармиш: «Мениям бошимга муштлаган айши одам! Мениям устимдан кулган айши одам! Мениям қаматган айши одам!..» Шунда китоблар тепасида айланиб учиб юрган отасининг арвоҳи чирқиллай-чирқиллай тилга кириб: «Бу инсон эмас! Инсон дегани бундай бўлмайти! Бу илон!.. Илон қиёфасидаги шайтон! Худди шунга ўхшаган шайтон жаннатда Одам Ато ва Момо Ҳоввани йўлдан оздирган! Худди шу тоифа шайтон уларни Худодан бездирган!..» дермиш. Бир маҳал уй шифтидаги вассажуфтлар ораси ғирчиллаб очилиб, тагидан бир гала

кўршапалак учиб чиқибди-да, арвоҳни ҳар тарафдан талай кетибди. Арвоҳ ҳовлига қочибди, ундан эса кўчага, кейин у қабристоннинг овлоқ йўлида пайдо бўлибди. Нураб ётган гувалак девор оша ичкарига кирган экан, Бўривой билан Салтанатнинг яланғоч ҳолда ётганини кўриб қолибди. Улар ҳам тура солиб арвоҳга дўқ уришибди: «Ҳой осий банда, мард бўлсанг бегуноҳман дегин-чи?! Мард бўлсанг, фариштаман дегин-чи?!» Сон-саноқсиз кўршапалаклар тагин арвоҳга ёпиша кетишибди. Бу сафар улар ён атрофдаги қабрлардан чиқиб талай бошлабдилар. Қабристонни кўршапалак босиб кетибди. Бўривой билан Салтанат ҳам катта кўршапалакка айланиб, арвоҳга ҳамла қила бошлабдилар... Шунда Аппон чол бақириб юборди. Ўз овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Ўрни устида ўтириб олди. Анчагача оёқ-қўли йўқ бўлиб ўтирди. Кичик уйда ухлаб ётган кампирини уйғотишга тараддудланди-ю, аммо яна ўйланиб қолди: у нима ҳам ёрдам берарди?..

Юраги галати уриб, кўнглини нохуш туйғу чулғади. Ўрнидан туришга тутинганди — бўлмади — тиззалаб ўтириб қолди. Хийла ана шундай ўтирди, сўнг ўрнидан аранг кўзғалди. Оёқларини наматга ишқалади. Сўл оёғи аслига қайтди, аммо ўнги ҳали ҳам сон-саноқсиз игна санчилаётгандай оғир, баайни кесак мисоли жонсиз бўлиб қолганди. У оқсоқланиб девор ёнига борди. Қозикдан чопонини олиб елкасига ташлади. Деразадан тушиб турган ой нурида кичик уйга чиқиб борди. Тўлиной бу хонани ҳам бирдай ёритар, Сора кампирнинг деворга ўтирилиб, букчайиб ухлаётгани бемалол кўриниб турарди. Кампирининг ётиш тарзиданми ёинки алоқ-чалоқ тушдан кейинги руҳий ҳолати туфайлими, ишқилиб, Аппон чол чуқур хўрсинди. Дунё шу дамда кўзига тор кўриниб кетди. «Қийин бўлганда шунга қийин бўлади — қизлар ўз йўлига! Уларнинг эри бор, бола-чақаси бор. Менинг ўлганимни, дунёда бўлганимни ўн кун эслашади, бир ой эслашади, бор ана нари борса ярим-бир йил эслашар, кейин унутишади. Аммо Сора унутмайди, ўла-ўлгунча унутмайди, негаки унинг суянчиги мен эдим, менинг суянчигим у эди... Унга қийин бўлади, ох, унга жабр бўлади», деган ўй-мулоҳазага борди. Ана шу кўйи ҳовлига тушди. Бу пайтда ўнг оёғи ҳам асли ҳолига қайтган, аммо руҳия-

тидаги тушқулик уни тарк этмаган, билъакс у ўзини бу ёруғ оламда янаям ёлғиз ҳис эта бошлаганди. Бу туйғу уни биргина ҳозир эмас, бурун ҳам жуда кўп маротаба ўз исқанжасига олгани важи унга эътибор бермасликка тутинди...

Август ойининг охирлари. Ёз тугаб, куз бошланиш арафасида. Сутдек ойдин кеча. Атроф жимжит. Тунги салқин одамнинг этини жунжиктирадиган бўлиб қолган.

Аппон чол келаси ҳафтадаги кичик ҳайитни эслаб: «Ана шундай улуғ кунларда дадамнинг ёнларига ўтсам ёмон бўлмасди», деб фикр қилди. Ҳожатхонага бориб таҳорат ушатиб қайтди. Юз-қўлини ювиб, артиниб, бомдодга ҳали эрталиги учун отасининг уйига йўналди...

Отаси, одатда, ҳовлига қараган дераза тўғрисидаги райҳонзорга, ундан сал наридаги бир туп шафтолига тикилган кўйи хаёллар дарёсига фарқ бўлиб ўтиришни хуш кўрар, ҳовлида куймаланиб юрган Аппон дераза ёнига келиб: «Ҳа, дада, тинчликми, ўй суриб қолдингиз?» дейдиган бўлса, у жилмайиб кўярди-да: «Ўй суришимнинг боиси, ўтмишим билан суҳбат қурыпман, ўғлим», деган гапни қиларди. Ҳозир эса ана шу жойда Аппон ўтирарди. У отасига ўхшаб ўтмиши ҳақида эмас, кўрган туши таъсирида хаёл суриб ўтирарди. «Во дариғо! — деди у, кўнглининг вориб, нотавон кўчалари янаям яралади. — Оз бўлмаса у нобакор китобларни ёқиб юбораёзди-я! Неча йиллаб авайлаб-асраганим китобларни-я!.. Дадам раҳматлининг васияти амалга ошмай қолса нима бўларди?!» Ушбу мазмунда муҳокама юритиши ҳамоно: «Буларнинг бари тушда содир бўлди-ю! Нега ваҳима қилаверасан?», дея ўзини тергади, шунда ҳам кўнгли ўрнига тушмади. *Китобларни опкетса бўларди, Шокирнинг невараси тезроқ келиб опкетса бўларди. Бу бехосият туш бир балони бошлаб келмаса гўрга эди, деб хулосалади. Ўрнидан қўзғалди-да, уйнинг тўридаги китоб жавони ёнига борди. Эски эса-да, батартиб терилган китобларни кўздан кечириб чиқди. Отаси бир пайтлар унга кўрсатгани китобни қўлига олди. Фойибдан отасининг овози эшитилгандай бўлди: «Амир Хусрав Дехлавийнинг «Хамса»си кў-ўп ажойиб асар-да ўғлим. Навоий бобомиз*

бу кишини ўз устозларидай кўриб «Соҳири ҳинд», яъники «Ҳинд сеҳргари» деган эканлар... Бу буюк зотнинг ота-боболари ўзимизнинг шахрисабзлик туркий қабилаларидан эканлар... ота-боболари ўзимизнинг шахрисабзлик туркий қабилалардан эканлар... туркий қабилалардан эканлар...» Отасининг овози узоқлашиб, узоқлашавериб, охири тинди. Аппон чол, алаҳдаяпманми, деб бошини тебратди. Йўқ, алаҳламаётганди, отасининг овозини жуда яқиндан эшитганди... У китобнинг дуч келган саҳифасини очди. Бу саҳифада ҳам отаси тагига чизиб қўйган сатрлар бор эди:

*Чарх сувидан юрар гар тегирмони.
Осонликча унинг қайнамас қони,
Душман забун бўлса эҳсон қилади,
Мардликка жон тикиб меҳмон қилади.
Гуноҳкор бўлса гар сўрайди узр,
Ўзгалар гуноҳин дилидан кечур.
Қудратли наздингда бўларкан ночор,
Зарб урма душманинг бўлса ҳам бекор.
Карам кўрсат қўлинг келганда баланд.
Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанд...*

Аппон чол китобни юзига яқинлаштирди. Ундан отасининг ҳиди келаётгандай бўлди гўё. Ундан отасининг бармоқлари изини ахтарди. Сўнгги икки қаторни яна бир бор мутолаа қилди: «Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас карамдир гўзаллик ҳарчанд!» Мазкур мисраларни ўқиши замон боз ўйга толди: «Наҳотки дадам ошнасининг аблаҳлигини кечирган, унга карам кўрсатган бўлса?! Йўғ-э, бундай разолатни кечириб бўлармиди!..» У отаси тагига чизиб қўйган аввалги сатрлар билан мана бу сатрлар орасида боғлиқлик кўрди. Китобни қайта варақлаб ўша сатрларни топиб ўқиди: «Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан, У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан!» *Демак, яратгандан*, деб сўзланди, сўнг эса ҳозирги саҳифани очиб, юқоридаги икки мисрани яна бир марта ўқиб чиқди: «Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанд!» *Ҳа, ҳа, дадам уни кечирган! Менинг қамалишим тақдири азалдан пешонамга битилган, у ўртада фақат сабабчи деб, унга карам кўрсатган, дея хулосаланди* Аппон чол, ортидан Со-

дир аканинг бир йилга яқин азоб чекиб ётганини эслаб: «Аммо, аммо яратган бу осий банданинг қилмишидан кечмади-ку!» деди. Шундай мулоҳазага бориши заҳоти унинг чироғи янаям ёришиб кетди. У чироққа қарайман деган эди, кўзи тўрда деворга илиб қўйилган қизил бахмал жилдли Қуръонга тушди. Унинг тагида катта, боши ва қанотида майда катак-катак чизиқчалари бўлган қўнғирранг арвоҳ капалак ўтирарди. Бу ҳув бирда тушига кириб, бедав тулпорга айланган капалакнинг ўзгинаси эди. «Дадамники! Бу чиройли капалак дадамники!» деган ўй хаёлидан ўтди, ўтдию *Дадам кептилар! Дадам меҳмон бўл кептилар!* — деб сўзланди, бу сўзларида ҳаяжон ҳам, қўрқув ҳам зоҳир эди. Шунда томоғи қақраб кетганини ҳис этди. Тупугини ютишга тутинди-ю, аммо унинг ўзи йўқлиги учун танглайи қичишгандан-қичишди. Отасининг руҳига Қуръон тиловат қилиб улгурмаган ҳам эдики, ҳалиги капалак каттаргандай бўлди. Каттараверди, каттараверди, охир-оқибат пастга юриб туша бошлади. Алпон чол кўзларига ишонмади. Капалак пастга тушганида отасига айланган ва унинг қаршисида Аямбой ака кулиб турарди. У айнан Алпон чол тушида кўрган кийим-бошда эди: эгнида тоза ипақдан оқ кўйлак-иштон, бошида қора бахмал дўппи, оёқларида янги пучук калишмиш. Сочлари қиртишланган, кичиккина чўққи соқолли юзидаги ажинлари йўқолиб, янада чиройли тортган, боз устига ундан ҳадеганда нур ёғилармиш...

Алпон чол ўрнидан туриб кўрпача соламан деган эди, оёқлари унинг измига бўйсунмади — ўтириб қолди.

Отаси ҳам уни тўхтатди:

— Ҳеч ниманинг кераги йўқ, ўғлим. Фақат сенми-нан бир оз суҳбатлашсам шунинг ўзи кифоя!..

Алпон чол отасига салом бермаганини эслаб, бошига урди:

— Ассалому алайкум, дада...

— Ваалайкум ассалом, — кулиб туриб алик олди отаси. Унинг кулгисидан уй янаям ёришиб кетгандай бўлди. У келиб ўғлининг қаршисига ўтирди. Ота-боланинг кўзлари бир-бирига тўқинди. Алпон чол дарров ерга қараб олди. Унинг боши ерга қараганини

кўрган отаси: — Бошингни кўтариб ўтир, ўғлим! — деб буйруқ берди.

Аппон чол бошини кўтарди:

— Боя Дехлавий ҳақидаги бирда айтган гапингизни қайтардингиз шекилли?

— Ҳа, ўғлим.

— Ўзимам шундай деб ўйловдим, дада, — деди Аппон чол, сўнг эса отасининг бармоқларига зимдан кўз югуртирди. Улар худди ёш йигитларникига ўхшаб таранг тортилиб турар, илгариги сертомир, титроқи кўлдан асар қолмаганди.

— Тўғри ўйлабсан, Аппон, — деди отаси, ўғлининг кўнглидан кечаётган ўйларни пайқагани боис қўшимча қилди: — Ҳа, Аппон, шунақа ёшариб кетдим. Юзимдаги ажинлару қўлларимдаги қариллик нишонлари йўқ бўлиб кетди.

Аппон чол отаси кўнглидан кечган ўйларни уқаётганини кўриб ғалати бўлиб кетди. Йўқ, отасининг ана шундай хислат соҳиби эканидан эмас, ўзининг юқоридagi хаёлларга борганидан ноқулайлик ҳис этди.

— Ҳозир алоқ-чалоқ туш кўрдим. Жуда бехосият туш, — зорлангандай оҳангда дараклади у.

— Хабарим бор, Аппон. Анавининг қўлидан гургуртни тортиб олганинг яхши бўлди.

— Йўқса ёқиб юборишдан ҳам тоймасди бу жоҳил! — энди зардали оҳангда сўзлади Аппон чол.

— Вақтида ушлаб қолдинг, — деди отаси ўта хотиржамлик билан. Шу дамда унинг юзи янада кўркамлашиб кетганди.

— Бу ҳам, дада, Содир акага ўхшайди.

— Бу тоифадагиларнинг тупроғи бир ердан олинган, ўғлим. — Отасининг одамга синовчан боқувчи чуқур, қора кўзларига энди ғам чўкканди.

— Абдаз ҳам бизларни аямади, дада. Мени, Молдахматни, Шокирни... Уруш йилларимиз хотирасини оёқости қилди. Эл-юрт ўртасида юзимиз шувут бўлди.

— ...

— Сиздан кейин Содир ака қилган разиллигини менга айтди. Аблахлигини бўйнига олди.

Отаси яна миқ этмади. Кафти кўмагида юзини яширганча ўйга толди.

— Сизнинг қирқингиз куни шу ерда ўтирсам невараси йўқлаб келди...

— Сенга орден бермаган неварасими?

— Дада мен орденга қараб қолмаганман, — деди Аппон чол, бу сўзларни у юмшоқ, отасига айил ботмайдиган тарзда айтди.

— Балли ўғлим, — деди отаси, ғурурланиб қўйди, сўнг яна асли ҳолига қайтди: — Менинг арвоҳим Содирга тинчлик бермаганди. Шунинг учун ҳам неварасига сени топиб келишликни буюрган...

— Йўғ-э!

— Ҳа, ўғлим, рост айтяпман, — деди отаси хомуш бир тарзда. Унинг хомушлиги ҳам бошқаларнинг хурсандлигидан аъло кўринарди. Ва буни ўғли ҳайрат билан кузатаётганини у сезди.

— Дада, мен ҳув ўша Қуръонни уникидан опчиқиб кетдим. Кўршапалаклар талаётганди, опқочиб кетдим.

— Шайтон малайлари...

— Нима дедингиз, дада?

— Йўқ, ўзим, шундай, — тағин ҳам маъюс қиёфага кирди отаси.

— Дада, сиз уни кечирдингизми?! — ҳам савол, ҳам таажжуб аралаш термилди Аппон чол. Отаси ҳадеганда жавоб беравермагач, «Қани, нима деркинлар?» қабилида унга интизорланиб қараб тураверди.

Отасининг юзидаги хомушлик ўрнини хотиржамлик ифодаси эгаллади.

— Бояги ўйинг тўғри ўғлим, бояги.

— Қайси ўйим дада?

— «Хамса»ни қўлингга олганингдаги фикринг.

— Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчаңд...

Отасининг юзи ёришиб кетди:

— Барақалла, Аппон!..

— Ундай қилолмайман, дада.

Отасининг юзи энди тундлашди. Тундлашди дейиш у қадар тўғри бўлмас эҳтимол, отасининг юзини ўғлидан ранжиганини зуҳур этувчи белгилар чулғаб олди дейиш жоиздир. Шундай дейиш ҳам керақдир.

— Унда сен билан Абдазнинг орасида фарқ қолмайди, болам.

Аппон чолнинг авзойи ўзгарди.

— Хиёнатнинг катта-кичиги бўлмас экан, дада, — деди у, бошига оғир мусибат тушган одамнинг тусига кирди.

— Хиёнатнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам одамга бир-дай азоб беради.

— Шуни айтмоқчи эдим.

— Йўқ, Аппон, инсофга чақир, инсофга!

— Ундай қилолмасам керак.

— Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан... — дея боз «Хамса»даги мисраларни эслатди отаси.

— Аммо У кечмайди-ку, дада?!

— Яратганнинг ишига аралашма, ўғлим.

— Тушимга кириб чиқяпсиз, дада. Супамизда ўтирганмишсиз. Нукул қўлимга сув қуйиб тур, Аппон, дейсиз.

Отасининг юзини қўрқув аломати эгаллади. У ҳовлиққан кўйи деди:

— Йўқ, демадингни?! Ҳали сув қуйиб туришга эрта, дада, демайсанми?!

— Эсингиздами, Атҳамбой бобонгни кўрдим тушимда, девдингиз. Мени уйлантираётганларида қандай ясанган бўлсалар, тушимдаям худди шундай ясаиб олганлар, девдингиз... Сизни, дада, мана шу кийим-бошда кўрдим. Иннайкейин, бедав отда кириб келдингиз ҳовлимизга. Ҳа, дарвоқе, дада, нега қора бахмал дўппи кийиб олдингиз бошингизга? Сиз, ахир, сира ҳам бундай дўппи киймасдингиз-ку? Нега оёғингизга пучуқ калиш илиб олдингиз? Сиз, ахир, бурун пучуқ калиш киймагандингиз-ку?!

Отаси жим қолди. Анчагача жим қолди. Юзида энди одам боласи уқиб олиши амримаҳол бўлган афтода бир ўзгариш қалқиди. У ўғлининг саволига жавоб бермади. Юқоридаги сўзига қайтиб:

— Барибир, сизнинг ёнингизга ўтишга эрта, демайсанми, — деди.

— Йўқ, дада, маврида етган кўринади.

Баногоҳ чироқ хиралашди, кейин лип-лип қилди-ю, ўчди-қолди.

Аппон чол қўрқиб кетди. Отаси билан мусохабада эканида ана шу ҳис уни тарк этганди. Йўқ, чироқ ўчиши ҳамано бутун борлигини яна шу туйғу қамраб

олди. «Дада, шу ердამисиз?» демокликка чоғланди-ю, бироқ тили айланмади, ҳалқумига ёнғоқдек бир нарса тикилгандай бўлиб гулдиради. Қандай қилиб қўрқмай отаси билан гаплашганига ўзининг ҳам ақли етмади. Йўқ, салдан кейин чироқ ёнди. Чироқ ёнишга-ёндию рўпарасида ўтирган отаси қаёққадир ғойиб бўлганди. Чироқ энди аввалгидай шуъла таратмас — хирагина ёниб тураверарди. Аппон чолнинг хаёлини бундан йигирма тўрт йил бурунги воқеа банд этди. «Ё тавба! Ўшандаям чироқ худди ҳозиргига ўхшаб ўчиб қолганди. Аммо қайтиб келмаганди. Ҳозир эса чироқ қайтиб келди-ю, лекин дадам ғойиб бўлди!» деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию *Бундан чиқди, уйни ёритиб турган гадам экан-га!* *Аслига чироқ мана шунга ўхшаб хира шуъла таратган-у, гадам кириб келиши билан ёришиб кетган экан-га!* — деб ҳукм чиқарди, кейин отасининг «Шайтон малайлари» деган жумласини хотирлади. Нега отаси шундай деди? Кимга ишора қилди? Нимага ишора қилди? «Кўршапалакларга-да, албатта! Мен, ахир, унга, Қуръонни кўршапалаклар талаганини эслатдим-ку! У анча ўйга ботиб шу гапни гапирди! Ундан олдинги сўзи-чи? У анча ўйга ботиб шу гапни гапирди! Ундан олдинги сўзи-чи? Ундан олдин нима деди дадам? Дадам, арвоҳи Содир акага тинчлик бермаганини айтди! Ҳа, ҳа! «Менинг арвоҳим унга тинчлик бермади. Шунинг учун ҳам неварасига сени топиб келишликни буюрганди», деди. Демак, ўша ерда унинг ўзиям бўлган экан-да! Қуръонни опчиқиб кетишликка у ундаган экан-да! Ҳа, ҳа, у кўнглимга шу ишни солган!» Аппон чол ана шу мазмулдаги ўй-хаёллар оғушида деворга қараган эди, у ердаги арвоҳ капалак ҳам ғойиб бўлганининг гувоҳи бўлди. У ҳайратдан ёқа ушлади. Ҳайратдан ёқа ушладию: «Шунинг учун ҳам чироқ ўчган!» дея хулосаланди.

Шу маҳал ҳовлида оёқ товуши эшитилди. Кейин обдастанинг қопқоғи шарақлаб ерга тушди. Тўғридаги торгина йўлка билан кампири таҳоратхонага ўтиб кетганини кўрди. То этакка етгунга қадар Аппон чол уни кузатиб турди. Салдан кейин ҳовлидаги супада чироқ ёнди. Ёруғлик сўрига илиб қўйилган беданаларни бевозта қилди чоғи, уларнинг типирчилаб, тўрқовоқлар-

ни тебратганлари кўринди. Кейин эса сайроқни бош-лаб юбордилар. Сора кампир ариқ сувида юз-қўлини ювди-да, уйга кириб кетди. Кўп ўтмай бошига кўк шол рўмолини ўраб қайтиб чиқди, шу ёққа юрди.

У Аппон чол ўтирган уйга яқинлашганида ҳар эҳтимолга қарши йўталиб ҳам қўйди. Эшикни қия очиб, ичкарига мўралади.

— Ҳа, нима қилиб ўтирибсиз бу ерда? — дея чолини саволга тутди.

Аппон чол «қани, бу ёққа кир-чи», деди, кампири ичкарига киргач эса, «ўтир» деб рўпарасидан жой кўрсатди. Сора кампир, муҳимроқ гапи бордир-да чолимнинг, деб ўйлаб у кўрсатган ерга ўтирди.

— Мана шу сен ўтирган жойда ҳозир дадам ўтиргандилар десам инонасанми, Сора? — деди дабудрустан Аппон чол, гапи кампирига қандай таъсир этишини кузатди.

Сора кампир унинг сўзларидан сапчиб тушса-да, ўзини йўқотмади. «Нима деркин?» дегандай тарзи оғзига анграйиб қараб турган чолига юзланиб:

— Қўйинг-е! Шу гапга ишониб бўларканми?! — деди, ўз навбатида у ҳам Аппон чолга синовчан назар солди. — Ўлган одам, бу дунёни йигирма тўрт-йигирма беш йил бурун тарк этган одам қандай қилиб сизнинг ёнингизда ўтирган бўлади?!

• — Менинг ўзимам ишонмасдим-у, Сора, лекин гапим чин-да! Ҳозиргина мана шу ерда дадам билан гаплашиб ўтирдим, анча вақт, — деди Аппон чол.

Сора кампир ҳали ҳам унинг сўзларига ишонмасди:

— Ваҳимангиз ҳам бор бўлсин!..

Аппон чол девордаги Қуръонга ишора қилди:

— Анови Қуръон тагида арвоҳ капалак ўтирганди. Кейин у дадамга айланди. Анча гаплашдик деяшман-ку, нега ишонмайсан?!

Сора кампир ҳам у кўрсатган томонга қаради. Қарадио арвоҳ капалакка кўзи тушмагач, кўнгли ўрнига тушди. Юзидаги ташвишланишгами ёинки қўрқувгами монанд ифода ҳам тарқади.

— Қани, йўқ-ку?! Сизга шундай кўрингандир!

Кампирининг сўнги гапи Аппон чолни ўйлатиб қўйди.

— Ундай бўлиши мумкинмас, — таажжубланиб чак-касини қашиди у. — Дадамнинг уст-бошлари, нима деганларигача ёдимда ўрнашиб қолди-ку?! Нега энди кўринган бўларканлар?!

— Бोलалигимда ойим раҳматли айтиб берган гаплари ҳали-ҳали ёдимда, — деб сўз бошлади Сора кампир. — Ёз ойлари эди шекилли, айвонда жияк тепчибми ё бўлмаса дўппига пилга урибми ўтирувдим-да, ишқилиб. Тепамда катта капалак айланаверди! Шунда нима қилдинг денг? Шунда бошимдаги башорат дўппимни унга отиб ҳовлига чиқариб юбордим. Бозордан қайтган ойимга бу воқеани айтиб бергандим, у киши мендан қаттиқ ранжидилар. «Нега ундай қилсан? У, ахир, арвоҳ капалақдир! Балки бибинг бизникига меҳмон бўлиб келгандирлар!», дедилар. Ўша куннинг эртасига оналари тушларига кирганини, тушларида у кишининг юзи кўкарган бўлганини менга дараклаб: «Кўрдингми, қизим, сен дўппинг билан уриб бибингнинг юзларини кўкартирибсан!» дедилар. Ўшанга ўхшаб, сизнинг ҳам тушингизга дадам кирган бўлсалар, худди ёнингизда ўтиргандай кўрингандирлар-да!..

— Йўқ, Сора, ҳозир сенминан қандай гаплашаётган бўлсам, дадам биланам ана шундай гаплашиб ўтирдим, — деб юқоридаги сўзини маъқуллашини қўймади Аппон чол. — Арвоҳ капалак ҳам Қуръон тагида турганди. У дадамга айланганини ўз кўзим билан кўрдим-ку!..

Сора кампир «чолимга бир нарса бўлдимми ўзи» дегандай уни кузатди. Аммо унга бир нима бўлганини асослайдиган ҳеч қандай аломат кўрмагач:

— Қайдам, эҳтимол Қуръоннинг ичига кириб кетгандир, — дея чолининг юқоридаги гапига мувофиқ жавоб билан қутулмоқни афзал билди.

— Бўлиши ҳам мумкин... — Аппон чолни кампирининг ушбу жавоби қаноатлантирди. Буни унинг отасиникига ўхшаш нурли юзи ёришиб, манглайи ва чаккасидаги ажинлари хийла силлиқлашганидан ҳам фаҳмлаш мумкин эди: — Лекин, Сора, дадам мендан хурсанд бўлдилар-ов!..

Сора кампир ажабсинди.

— Нима учун?

— Китобларни Шокирнинг неварасига бермоқчи бўлганимдан-да! Анвари бугун-эрта келиб опкетиши керак...

Сора кампир учун чолининг ўлмай туриб ўзига гўр қаздириши, почапўстин ва телпакни бир девонага бериб юбориши, китобларни ошнасининг неварасига тортиқ қилмоқчилиги нечоғлик ғалати, эриш туюлса, ҳозирги: «Уйимизга дадам меҳмон бўлиб келдилар. У киши билан суҳбатлашдим», дея ишонтирмоққа тути-ниши, боз устига «арвоҳ капалак дадамга айланди», дея иддао қилиши ундан ҳам номуносиб кўриниб, энсасини қотирди. Аммо бу кайфиятини ошкор этмади, бунга ҳам тоқат қилишликка ўзида мажбурият сезди.

— Майли, опкетаверсин, — деди Сора кампир, сўнг эса чоли тушмагур яна шунга ўхшаш номақбул гап топишидан чўчиб, мавзунни бўлак томонга бурди: — Дарвоқе, бомдодингизни ўқимайсизми?..

— Ҳали вақтли шекилли, — Аппон чол қоронғи ҳовлига қараб қўйди.

— Мен турганимда беш ярим эди. Намоз маҳалиям бўп қолгандир, — Сора кампир шундай дедию ўзи сезмаган равишда Қуръонга нигоҳ тикди.

— Ҳали вақт бор, — деди Аппон чол, унинг диққатини тўрдаги жавон ўзига жалб этди: — Тушимда оз бўлмаса китобларни Абдаз ёқиб юборай деди-я! Яхшиям Тилла бор экан, тоза дўппослади-ку уни! Хўп адабини берди-да!..

— Ҳе тушийизам бор бўлсин! Қўйдек ювош бир одамни девонага дўппослатиб ўтирибсизми?!

Аппон чол кампирининг соддалигидан ижирғанди.

— Қўйдек ювош эмиш? Абдаз қўйдек ювош эмиша?!

— Ҳа, нима, ювошмасми? Ўзингизнинг неча йиллик ошнангиз-ку Абдаз ака! Йўқ, ёлғонми?..

Аппон чол чурқ этмади, тўғрироғи чурқ этолмади. Қандай қилиб чурқ этсин? Қандай қилиб кампирига: «Абдаз ошначилигимизни бузди. Қариган чоғида энг тоза туйғуларимизни, қон кечиб келган кунларимиз хотирасини оёқости қилди. У калтафаҳм мени, Шокирни, Молдахматни юзини ерга қаратди», десин? Қандай қилиб айтсин бу гапларни?! Афсус, айтолмайди!

Сора кампир унга қанчалик яқин бўлмасин, бундай деёлмайди! Бундай дейиш учун бошқа Аппон бўлиши керак, аммо бу Аппон айтолмайди! Шокирга ҳам ёрилолмади-ю, ахир қандай қилиб аёл кишига дийдиё ўқисин! Лекин Шокир баззознинг бошига тушган мусибатнинг учини чиқариб:

— Шокирга оғир бўпти, Сора, — деди, андак мулоҳазадан сўнг кўшиб қўйди: — Ўғли Рашид одам босиб олиб қамалиб қопти. Унга жудаям оғир бўпти!..

Сора кампирнинг ҳам Шокир баззозга ичи ачишди.

— Вой, жуда ёмон бўпти-ку?! Нима, босиб олган одами ўлибдими? — деб сўради.

Аппон чол чуқур хўрсиниш ила «ҳа» ишорасида бош чайқади, лекин кимни босганини, қандай босганини айтмади, гапни қисқа қилиб ўрнидан кўзгалди.

Бомдод намозидан сўнг чол-кампир икковлари нонушта қилиб олишди. Сора кампир ҳайитлик пишириклар учун бир қадоқ атрофида кўй думбаси, йигирма-ўттиз дона тухум керак бўлишини айтди. Аппон чол шу нарсаларни олиб келиш учун отланди. Сора кампир унинг қўлига халта тутқизди. Аппон чол, мен кетдим, деб кўчага йўналди.

У автобус йўлига чиқиб борганида кун ҳали ёришиб улгурмаган, тўлиной ҳам теварак-атрофга нурсиз шуъла таратарди. Бекат орқасидаги пастаккина пахса девор билан ўралган боғ ҳовлидан тўрқовоқдаги тезотар беданаларнинг бири олиб бири қўйиб сайраётгани қулоққа эшитилиб турар, уларга майна қўшилиб хониш қилишдан чарчамасди. Қўшни хонадонларда, бизлар ҳам қатордан қолмайлик, дегандай мусичалар кукулаб, чумчуқлар чирқиллаб, хўроз нечанчи бор қичқириб тонг отаётганини, янги кун бошланаётганини оламга, одамларга дарақларди.

Бир маҳал беданалар сайраётган ҳовли эшигини бир бола ланг очиб, тагига гишт қўйди. Ичкаридан жайдари қўнғир сигир арқонини судраб чикди, унга беш-олти чоғли қўй маъраб, қумалоқ тезакларини йўлга сочиб эргашди.

Бола гиштни ичкарига тепиб юборди. Ўзи эшик тарақлаб ёпилмасидан лип этиб остона ҳатлаб ўтиб

улгурди. У яримта нонни қўйнига солди. Қўлтигида китоб қистириғли бўлган қўлидаги тол хивични бунисига олди-да, йўл четидаги яккам-дуккам ўсган бурган, ёвшан, шувоқ, қоқи ўтларни эрмак қилаётган сигирининг сағрисиغا у билан туширди. Сигир калтакка парво қилмади, думини икки тарафга силкитиб қўйиб, яна бурган томон бўйин чўзди. Бола боз хивични ишга солди, «чуҳ» деди. Сигир оғзидаги емишини кавшаганча Аппон чолдан нажот кутгандай унга қараб «мў-мў»лаб қўйди, сўнг истаб-истамай жойидан жилди. У Аппон чолнинг ёнидан машина йўлини кесиб ўтди-да, пастликка қараб эниб кетди. Оғзиларидаги ўтларини кирсиллатиб чайнаётган қўйлар ҳам бири олдин, бири кетин машина йўлига тезакларини сочиб, сигирга эргашиб пастликка тушиб кетдилар.

Бола қўйнидаги нондан бир бурда ушатиб олди-да, уни тишлаб лунжини шиширди, шу кўйи Аппон чолга салом берди.

Аппон чол ўн икки-ўн уч ёшлар атрофидаги, ориқ эса-да чайирлиги кўриниб турган боланинг нон ейшидан кулди. Унинг саломига алик олди.

— Амаки, — деди бола, нони томоғига тикилаёзди. У товуқникидай ингичка бўйинини чўзиб, зўрғаталаб ютиб юборди. — Амаки, бутун шанба, автобуслар кам юради.

— Сен қаердан биласан? — кулимсиди Аппон чол.

— Бутун шанба деяпман-ку, амаки! — куйинчаклик билан юқоридаги сўзини такрорлади бола, «нега гапимга ишонмайсиз» қабилида кўзларини лўқ қилиб боқди.

— Бошқа иложим йўқ, ўғлим. Кутишга мажбурман.

— Анча кутиб қоласиз-да, амаки, — деди бола, энди кетишга чоғланаётганди, Аппон чол уни гапга тутиб, сўради:

— Китоб ўқишни яхши кўрасанми?

— Ҳа, — қўлтиғига кўз югуртиб олди бола. — Саргузашт китобларни яхши кўраман.

— Қўлингидеги нима китоб?

— «Қасоскорнинг олтин боши».

— Қасоскорнинг олтин боши?

— Ҳа, Намоз ўғри ҳақида!..

— Менам бир ўғрини билардим. Порси ўғри дейи-

шарди уни. Халқпарвар ўғри эди. Дадам раҳматлининг айтишича, ўша ўғри ҳақида Қодирий китоб ёзмоқчи бўлган эканлар. Бир ўтиришда ниятларини Порсига айтибдилар ҳам...

— Ўша китоб ҳозир борми?

— Йўқ. У китоб ёзилмай қолган. Аммо бошқа китоблари бор. «Ўткан кунлар» деган. Отабек ва Кумушбиби ҳақидаги китоблари.

— Ўқимаганман, амаки.

— Шуни топиб ўқи, ўғлим. Жуда антиқа китоб...

— Топиб ўқийман, амаки, — ёши улуғ кишиларга хос тарзда жавоб қилди бола, кейин анча олислаб кетган молларининг ортидан югурди.

Алпон чол болани анчагача кузатиб қолди. У кўздан фойиб бўлгунга довура кузатди. Порсини тилга олгани учун у билан боғлиқ бир воқеа ёдига тушди. Воқеа олис, жуда олис болалигида рўй берганди...

... Ўшанда айни ёз чилласи эди. Ҳали унинг суннат тўйи ҳам бўлмаганди. Улар, уч-тўртта шумтака болалар, Толкўчанинг адоғидаги майдончада хоммапиш ўйнаб ўтиришарди. Бир маҳал Ҳасанбойнинг йўлидан шу томонга от йўрттириб беш-олтита отлиқ келиб қолди. Оқ от мингани — гавдага кенг, адил қомат, юзга тўтарак, дўнг пешона, димоғидан эшак қурти ёғилгудай бўлиб турган шопмўйловлиси пастга тушди-да, бошқа болаларнинг эмас, яланғоч ўтирган эса-да бошига дўппи кийиб олган Алпоннинг тепасига келиб: «Сен кимнинг улсан?» деди, кейин ундан «носвой» сўради. Алпон унинг қўлига «носвой» тутқизаркан: «Аям аканинг ўғлиман», деб бийрон жавоб қилди. У эса: «Э, ҳали шундайми? Аямнинг улимисан? Аямбой яхши одам. Аямбойнинг улини носвойи ҳам зўр экан!» деди. Шундан сўнг унинг шериклари ҳам отларидан тушиб Алпондан «носвой» сўрашди, улар ҳам катталарининг гапини такрорлаб, «Носвой»и зўр экан-э!» дейишди. Ҳалиги одам отига миниб туриб: «Даданга айтгин: Порси амаким мени «зўр» дедилар, сизга салом йўлладилар, дегин», деди. У бўлган воқеани оқизмай-томизмай отасига сўзлаб берди. Отаси кулиб қўйиб: «Порси сендан «носвой» сўраб «зўр» деган бўлса, бугундан бошлаб Алпон Зўрсан, болам», деди. Шу-шу уни ҳамма «Алпон Зўр» дейдиган бўлди, шу-

шу ҳаммага Аппон Зўр бўлиб танилди. Аммо... Аммо отаси қамалдию одамлар унинг Аппон Зўрлигини унутишди. Зўрлиги у ёқда турсин, ҳатто исмини айтиб чақиршдан ҳайиққан кунлари бўлди...

У ана шуларни хотирлаётганди ҳамки, ёнига «ғиқ» этиб автобус келиб тўхтади. Аппон чол бўм-бўш автобусга чиқди-да, олди ўриндиғига ўтирди. Автобус жойидан жилди.

У автобусдан Қумлоқда тушди.

Бозорга кириб бир қадоқдан ошиқ қўй ёғи харид қилди. Ўттиз дона тухумни эҳтиётлаб халтага жойлади, олгита ёпган нон олиб қийиққа тугди. Кейин эса, сабзавот дўкони билан пойабзал устахонаси миёнасидаги камгак ерга баайни чорбозор ёймачиларига ўхшаб жойлашиб олиб, чинни идиш-товоқларни чегалаб ўтирган Толиб ака исмлиқ эски танишининг ёнига борди.

Бўйга паст, елкага кенг бўлган бу миқтигина малла мўйсафид Аппон чолдан ўн-ўн беш ёшлар чамасида катта эса-да, ҳали тетик кўринишда, хатти-ҳаракатлари ҳам шунга ярашиқли эди.

У Аппон чолни кўриши ҳамона қаншаридан пастга сирғалган тўгарак гардишли алмисоқи ойнагини жойига сурди, қисик кўзлари чақнаб, бурни учида ва ўнг ёноғида нўхатдай-нўхатдай холлари бўлган бужур юзига хурсандчилик аломати ёйилди. Аппон чолнинг саломига алик олиб қўшқўлаб сўрашди-да, устига баайни куя еганга ўхшаб териси кўриниб қолган эчки пўстаги тўшалган пастаккина қўлбола курсини ёнига суриб, уни ўтиришликка таклиф этди.

Аппон чол курсига ўтираркан, чегачининг ён-атрофидаги синган, дарзи кетган лаган, коса, чойнак-пиёлаларга кўз югуртиб чиқди.

Толиб ака фотиҳа ўқиб бўлиб:

— Саломатмисан, Аппон, бола-чақалар омонми? — деб ҳол-аҳвол сўради. — Жуда камнамосан, ука?..

— Одам ўзидан ортмас экан, Толиб ака, — серсоқол иягини қашиб туриб жавоб қилди Аппон чол. — Ўзингиз соғ-саломатмисиз? Уйдагилар омонми?..

— Худога шукр, иним. Яхшиям отамиздан ўрганганимиз мана шу чегачилик бор экан дегин, қаригандаям эрмак бўп туришти ишқилиб, — деди Толиб ака,

сўнг устига кичиккина эски кўрпача ташлаб қўйилган човгунни олди-да, қорни чегаланган катта сидирга пиёлани чайқаб, ним ярим қилиб фамил чой қуйиб, Алпон чолга узатди: — Қани, чойдан ич, ука.

Алпон чол унинг қўлидан пиёлани оларкан:

— Раҳмат, — деб миннатдорчилик билдирди.

— Бозорга кепсан-да, Алпон?

— Ҳа, кампирнинг беминнат дастёримиз, ака, — кулимсиди Алпон чол, пиёла четидаги қилни жимжилоғида сидириб олди. — Ҳайит пишириқлари учун думбаминан тухум керак бўларкан, шуларни олиб, қайтиб кетмоқчи бўлиб турувдим.

Толиб ака сўл ёнидаги жун хуржун оғзида турган кичиккина тўқмоқни олиб бу томонга — қутида ярмидан иккига ажраб ётган хитойи лаган устига қўйди-да, хуржунга қўл суқиб пластмасс тиқин билан ёпиб қўйилган ярим литрли шиша идишни олди.

— Бу нишолдани янганг уч-тўрт кун аввал қилувди. Хончорбоғда Исмоил деган бир қариндоши бор. Ўғил уйлантирди. Шуниқига қилувди. Эрталаб бу ёққа келаётганимда кўярда-қўймай хуржунга солиб бериб эди. — У Алпон чолнинг тиришиб-тортишиб қаршилик билдиришига эътибор бермай ўзи чой ичаётган пиёлага нишолдадан ағдарди, ёнидаги эски газетани Алпон чолнинг яқинига суриб, устига пиёлани қўйди. Кейин нон олмақчи бўлиб яна хуржунга қўл суққанди, Алпон чол уни тўхтатди. «Мен ҳозиргина юмшоқ ёпган нон харид қилувдим», дея қийиқни ечди-да, бўрсилдоқ нонлардан бирини олиб дарров синдирди. Толиб ака «бисмилло» деб бир бурда нонни қўлига олди-да, уни тагин ушатиб нишолдага ботирди, сўнг Алпон чолни ҳам ўзидан ибрат олишликка чақирди. Алпон чол ҳам «насиба экан» деб нишолдага нон ботирди...

— Бир ўзим олиб ейишликни истамай турувдим. Қайнанаси суйган одам экансан, Алпон, — дея ҳазил қилди Толиб ака, Алпон чолнинг пиёласига чой қуйиб узатди. У эътироз билдириб «сиздан бўлсин, мен ҳозир ичдим», дегач, чойни ўзи хўплашга киришди.

Улар бирпасда нишолдага нон ботириб еб тугатишди.

Толиб ака шиша идишга ишора қилиб:

— Яна ағдарайми? — деб сўради.

Оғзини рўмолчасида артаётган Аппон чол:

— Йўқ, йўқ, — дея қаршилиқ билдирди. — Раҳмат Толиб ака. Аммо-лекин таъми оғиздан бир йилгача кетмайдирган нишолда бўпти-да! Ҳув бирда уйингизга кеп опкетувдим-ку, ўшанданам ширин бўпти. Янганинг қўллари дард кўрмасин.

Толиб ака пиёлага чой қуйиб Аппон чолга тутди. Ўзи эса нишолда юқи пиёлада ичди.

— Ҳа, айтмоқчи, Толиб ака. Сиздан кўпдан буёқ бир нарсани сўрайман дейману очиги ийманаман, — дея сўзини олисдан бошлади Аппон чол. — Ёшлигингизда Порси аканинг йигитларидан бўлгансиз деб эшитганим бор. Шу одамнинг ўттизинчи йиллар миёнасида дом-дараксиз йўқолгани ростми?..

Толиб ака Аппон чолни Порси ўғри қизиқтириб қолганига бошида таажжубланди. Шу боисдан ҳам сўради:

— Сенга нега керак бўп қолди бу нарса?..

— Дадам раҳматлининг ҳам Порси ака билан яқинлиги бор эди. Уни камбағалпарвар ўғрилардан дердилар.

— Бамаъни гап айтибди даданг, — деди Толиб ака, мийиғида кулди. — Порси аканинг даданг билан ошна бўлганидан хабарим бор. Сен унда жуда ёш эдинг, ўзинг қатори уч-тўртта бола билан лой ўйнаб ўтиргандинг. Бизлар шу Ҳасанбойдан қайтаётгандик-ов, янглишмасам. Сендан «носвой» сўради Порси ака. Унинг қўлига «носвой» тутдинг. У киши «кимнинг ўғлисан?» деб сўради, шунда сен «Аямбой аканинг» дединг, у эса «Аямбойнинг ўғлини «носвой»и зўр экан», деганидан сўнг элда «Аппон Зўр» бўлиб кетиб эдинг... Яқинда бир одам, ўзини Абдулазиз деб таништиради чоғи, иккита чойнагини чегалатиб кетди. Шундан Аппон Зўрни танийсизми, уям Чуқурсойда яшайди, эски танишларимдан, десам: «Аппонни танийман, менинг ошнам бўлади, аммо Зўрлигини билмайман», деган гапни қилди. Бирда телевизордаям чиқувди-ку, кўкрагига қатор орденлар тақиб, шу одам эди шекилли...

— Ҳа, ака, одамлар менинг Аппон Зўрлигимни аллақачонлар унутиб юборишган. Дадам қамалиб кетганларида ҳатто исмимни тилга олишга қўрқадиганлар

бўлди. Тагинам у пайтлар ўтиб кетдию, — деди Аппон чол, катта-катта қўйқўзларида ўйчан, хомуш бир ифода қалқиди.

Толиб ака ундаги хафаланишга монанд ўзгаришни пайқагани боис филҳол гапни илиб кетди:

— Сен ўзинг ўша болалак кезларингни эслайсанми? Порси ака «носвой» сўраганини эслайсанми? — дея кулди у.

— Эслайман, — деди Аппон чол.

— Хотиринг яхши экан шулар ёдингда турган бўлса.

— Мана сиз ҳам эслаяпсиз-ку, Толиб ака.

— Мен унда ўн етти-ўн саккизлар атрофидаги йигит эдим. Отамиз раҳматлининг чегачилик орқасидан топган пули жўжабирдай оиланинг қора қозонини қайнатолмагани сабаб Порси аканинг тўдасига қўшилиб қолиб эдим. Охирги марта у билан занжирлилик Юсуф заргар отлиқ бир одамникига ўғрилиқка тушгандик, — деди Толиб ака, бош чайқаб кулиб қўйди. — Порси ака ўшанда заргарнинг қайнатаси Валихўжабой Тошканнынг йирик савдогарларидан бўлганини айтганди. Николай подшонинг замонида Маскоп, Оренбургларга бориб келиб турадиган бойлардан ўтган экан. «Шўро ҳукумати уни қулоқ қилиб юборган», девди Порси ака. Шу заргарнинг омборини Шайхонтаҳур арифи томондан ўйиб бордик. Тўрт-беш чоғли йигит ичкарига кирдик, улар орасида Порси аканинг ўзи ҳам бор эди, қолган йигитларимиз ташқарида пойлоқчилик қилишди. Омборда олтита хум бор экан: бирида ёғ, иккинчисида гуруч, учинчисида ун, тўртинчисида мош... қўйчи, олтинчи хумнинг қопқоғини Порси аканинг ўзи очди. «Бунда шакар экан», деди-да, ўзининг тахмининга янаям ишонч ҳосил қилмоқ истагида унга қўлини ботириб олиб, ялаб кўрди. Шунда нима бўлди дегин? Шунда у кишининг тахмини нотўғри келиб, ҳалиги ялагани туз бўлиб чикди... — Толиб ака бу воқеани алақандай ғурур ва айни пайтда кулги билан сўзларди. — Аввалги хумлардаги молларни қопларга жойлаётгандик, тўхтатди. «Ҳеч нарсага қўл теккизманглар! — деб буйруқ берди кутилмаганда. — Мен бу хонадоннинг тузини яладим, демакки меҳмони бўлдим! Мезбонга хиёнат қилсам онамнинг фарзанди эмасман!» деди, ҳаммамиз унга серрайиб қараб қолдик. У

биринчи бўлиб омборни тарк этди, бизлар ҳам унинг амрига итоат қилиб, ҳеч нарсага қўл урмай қайтиб чиқдик. Тағин ўйиб кирган еримизни ўзидай қилиб суваб ҳам қўйдик. — Толиб ака ёшлик кезларини эслаб завқланди чоғи, қисиқ кўзлари чақнаб, чувак, бужур юзига қизиллик югурди, яна ўсиқ, кўзларининг устига тушган кумуш қошларию сийрак киприклари болаларча пир-пир учди. У бурни учидаги холини силаб туриб қўшимча қилди: — Жуда антиқа феъли бор эди-да Порси аканинг...

Аппон чол ҳам унинг ҳикояси таъсирида анчагача нузли жилмайиб турди.

— Ҳа, дадам раҳматли ҳам у кишини яхши кўрардилар, — деди Аппон чол, шундай дейиши ҳамоно бутун тонгга яқин отасининг арвоғи билан бўлиб ўтган мусоҳаба ёдига тушди. Чуқур тин олди. Юраги алла-нечук увушди.

— Ана шу воқеадан кўп ўтмай у киши ҳаммамизни бир ерга йиғди-да, бундан буёқ ўғрилик касбини йиғиштирганини айтди. Бизларни ҳам тарқатиб юборди. У кишининг хотини Қашқар маҳаллалик эди. Ўттизинчи йиллар ўртасида ана шу хотинини, бола-чақасини олиб Хитойга ўтиб кетди-да Порси ака.

— Шу гап аниқмикин Толиб ака? Баъзилар у кишини қамалиб кетган дейишади-ку?!

— Бўлмаган гап, — деди Толиб ака, одамлар тўқиган уйдирмасидан истехзоланди. — Сенга боя айтганим Исмоил бор-ку, Исмоил охун?.. Шу одам кўкламда Фулжага бориб келди. Тоғасидан унга анча мол-мулк мерос қолган экан, шуларни опкегани борди. Тоғасининг қабрини зиёрат қилаётиб, Порси аканинг гўрига ҳам кўзи тушиб қопти дегин. Ўша ернинг гўркови уни яхши танирган, Исмоилга «бу одам ҳам сизга ўхшаб тошканлик эди», дебди. У киши ҳақида анча сўзлаб берибди. Порси ака олтмишинчи йиллар ўртасида оламдан ўтган экан. «У кишининг руҳига атаб ҳам Қуръон ўқиб қайтдим», деди Исмоил. Жуда хурсанд бўл кетдим...

— Кў-ўп савоб иш қипти-да Исмоил деганингиз, — унинг сўзларини қувватлади Аппон чол, анча тек қолди. У шу дамда Порси ўғрининг Юсуф заргарниқига тушганини ва ҳеч нарсага қўл урмай қайтиб чи-

қиб кетганини ўзича кўз ўнгида тажассумлантирган-ди.

— Аммо-лекин юртини жуда қўмсабди-да, Исмоилнинг гапига қараганда. Буни унга гўрков айтган экан. Тошканини жудаям қўмсабди. Қайтиб келай деса, болачақасини кўзи қиймабди.

— Ҳа-аа, мусофирчилик осон эмас. Айниқса, Порси акага ўхшаган одам учун, — деди Аппон чол, яна жим қолди. Бир пайт тиззасига шаппатилаб урди-да, ўрнидан кўзгалди: — Энди менга ижозат берасиз, ака.

— Ўтириппиз-да, гурунглаши-иб!..

— Борай, ака. Сизни ишдан қўйганим учун узр.

— Иш одоқ бўлармиди Аппон. Қайтага яхши бўлди— Порси акани эслаб анча ёзилиб олдик.

— Унақа одамлар камдан-кам бўлади, — деди Аппон чол, халта ва қийиқни қўлига олди, жўнашга тараддулланиб турганда, Толиб ака тўхтади.

— Манови нишолдани кампирингга ола кетгин Аппон, — деди у, шиша идишнинг тиқинини ёпиб унга тутди.

Аппон чол нишолдани олишни истамади.

— Қўйинг, Толиб ака, бундай иш қилманг, — деб қаршилиқ билдирди.

Толиб ака ҳам сўзида қатъий турди:

— Олмасанг хафа бўламан, вассалом!

Аппон чол чор-ночор рози бўлди. Толиб акага миннатдорчилик билдирди-да, нишолдали идишни халтасига жойлади. Чегачи билан хайр-хўшлашиб кўчанинг у бетига ўтди. Сал нарида — анҳор устидаги чойхонада беш-ўн чоғли одам давра қуриб ўтириб олиб бедана уриштираётганди. Кўнгли ўша ёққа боришни тусади-ю, аммо Толиб аканинг олдида анча суҳбат қурганини, яна самоварда ҳам ушланиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, ундан кейин, кампири қўлидаги нарсаларни кутаётганини эслаб, шахтидан қайтди. Чорраҳадан ўтиб, Қумлоқ билан Хаста Имомнинг кесишган ерида — сартарошхона рўпарасида тўхтади. Шу ердаги бекатда Чуқурсойнинг автобусини кутди.

У пешинга яқин уйига келди.

Қўлидаги нарсаларни кампирига тутқизди-да, ўзи кийимини алмаштириб чиқди. Таҳорат олиб, пешин

намозини ўқиш учун кириб кетаётганди, кўча эшик тарафдан «дада!» деган овоз келгандай бўлди. Ўша ёққа қаради: бўсағада Янгийўлга узатилган қизи — Дилбар кулиб турарди.

— Ҳой, Сора, бу ёққа қара! — Аппон чол ўчоқбошида куймаланиб юрган кампирини чақирди. — Нима бало, қулоғинг том битганми, Сора?!

Сора кампир ўша ердан туриб «ҳозир-ҳозир» деди-ю, бироқ ҳадеганда кўриниш беравермади.

— Қизинг келди, Дилбар келди! — дараклади Аппон чол, сўнг орқасида тўхтаган қизи билан қучоқлашиб кўришди.

Дилбар отаси билан сўрашаркан, унинг ич-ичига кириб кетган нурсиз кўзларига, ажин босган юзига узоқ термилди. Олдинги сафар келганида отаси бунчалик ўзини олдириб қўймаганди, йўқ, бу гал унинг ранги бир ҳол-бир сар бўлиб қолган, шахти ҳам бурунгидай эмасди.

— Яхши юрибсанми, қизим? Бола-чақалар омонми? Гайбулла куёв тинчми?..

— Худого шуқр, дада. Ўзингиз соғ-саломатмисиз? Чарчамасдан юрибсизми?!

— Менинг чарчаганим қаёққа борарди, — лабининг бурчи билан кулди Аппон чол, кейин шу ёққа ошиқаётган кампирига ишора қилиб, — ана унга қийин, у чарчаб қолаяпти, — деди, шунинг баробарида қизининг ташрифидан кўнгли хийла хотиржам тортди. «Менга бир нима бўп қолса Соранинг ўзи қийналарди. Йўқ, Дилбарнинг келгани тузук бўлди, жуда яхши бўлди», дея муҳокама юритди.

— Чарчаб нима — кетмон чопяпманми?! — деди Сора кампир чолига норозиланиб боқди. Унинг қарашида «қизингиз келмасидан гина-қудурат бошлашингиз нимаси эди?» деган мазмун бор экани яққол сезилиб турарди.

— Мен ҳозир, пешинимни ўқиб чиқай, бафуржа гаплашармиз, — деди Аппон чол, она-боланинг узоқ йиллар кўришмаганлардай бир-бирларига қапишиб ўпишишини кўриб бош силкиди. — Супага жой тайёрлай қолинглар. Ўша ер баҳавороқ.

— Хўп, — деди Сора кампир.

Алпон чол намозини ўқиб қайтганида кампири ва қизи супада нима ҳақдадир берилиб суҳбатлашаётган эди. Уни кўриб ҳар иккови жим бўлди.

— Ҳа, нега индамай қолдинглар? — киноя аралаш кулди Алпон чол, кампири унинг устидан қизига ҳасрат қилаётганини, ҳасрат қилишдан ҳам бурун ғалати қилиқларини чақиб бераётганини туйди. — Менинг ифвомни қиляпсан шекилли, Сора?..

Дилбар отасига яна бир салом берди-да, унга жойини бўшатиб, ўзи пастроққа — онасининг ёнига ўтирди.

Сора кампир яшириб ўтирмади, тўғриси айтиб кўя қолди:

— Ҳа, ўлим ҳақида ғалати-ғалати гаплар қилиб мени кўрқитаётганингизни унга чақиб беряпман.

— Ғалати гап эмас, омади гапни айтяпман.

Дилбар отасига ичи ачишиб боқса-да:

— Нега унақа дейсиз, дада. Ҳали кўп йиллар яшайсиз, — деди, лекин отасининг кўп йил яшашига унинг ўзи ҳам ишонмаётганини юз-кўзлари ошкор этарди.

— Мени кўйиб тур, ўзинг яхшимисан? Қизларинг? Нега уларни опкемадинг? Сожидангни жуда соғиндим-да!..

— Ҳали хабарингиз йўқми, Сожидаям опаси билан кетди-ку! Дадаси Наргиза икковига Бурчмуладаги лагерга йўлланма обердилар. Ўн-ўн беш кун бўп қолди кетишганига.

— Ҳа-аа... Файбулла-чи? Файбулла ишлаб турибдими? Йўғ-е, ичиб турибдими деганим? — ҳазил йўсинида сўради Алпон чол.

Қизи Дилбарга отасининг ҳазили салбий таъсир этмай қолмади: онасиникига ўхшаш чўзиқ, кўҳлик юзи лола янглиғ қизарди.

— Куёвингиз бу нарсани аллақачон йиғиштириб қўйганлар. Жигарлари оғрийдиган бўлгандан бери арақ ичишни ташлаганлар, — деб жавоб қайтарди у.

— Бари ана шу шайтоннинг ичимлиги туфайли, — орага қўшилди Сора кампир. — Ҳозир жигарни ишдан чиқарган экан, эртага юракниям одоқ қилади бу касофат ўлгур.

— Ичишни ташлаган бўлса яхши. Дарвоқе, нега келмади ўзи?..

— Бугун уларнинг иш кунлари. Эртага эрталаб ўртоқларининг машинасида келадилар. Бирга Бурчмуллага чиқмоқчимиз — болаларнинг олдига. Мени уйдан опкета қолинг, ойимларнинг у-бу юмушларини қилиб берай, мана ҳайитгаям санокли кун қолди, дедим. Ўзим келавердим.

— Яхши қипсан, — деб севинди Аппон чол. — Ойинг мени каллаи саҳарлаб бозорга тушириб юборди: қўй ёғи, тухум топиб келинг, ҳайитга пишириқлар қиламан, деб. Бирга киришадиган бўпсизлар-да, шу ишга.

— Дилбарни Худонинг ўзи менга етказди, — чолининг гапини тасдиқлади Сора кампир. — Бир ўзим қачон бошлардимۇ қачон тутатардим.

— Қани, қизим, мана бу нишолдага қара-чи, — Аппон чол шундай дея бир бурда нонни пиёлага ботириб олди. — Қумлоқда Толиб ака деган одам бор, чегачи, шу бериб юборди. Аямбой бувангниям жуда яхши танийди. Илгарилари ҳам бир-икки марта ўша одамдан нишолда олиб эдим.

Дилбар онасига қараб кулди:

— Ҳозир ойимларга айтиб турувдим: дадам нишолдани Қумлоқдаги ошналариникидан опкелган бўлсалар керак, деб. Тўғри топганимни қаранг.

— Сенинг келишингни билиб опкелдим-да, болам, — деди Аппон чол, нишолдали пиёлани қизининг яқинига сурди.

— Нишолда еб иштаҳани бўғиб қўйма, Дилбар, — дея огоҳлангирди Сора кампир, ўрнидан туришга чоғланаркан, Аппон чолга юзланди: — Шўрвани сузиб келаверайми?..

— Пишган бўлса сузавермайсанми? Нега ўтирибсан? — жеркигандай оҳангда буюрди Аппон чол, кампирига «шуниям мендан сўрагин энди?» қабилида норозиланиб боқди.

— Энди айтаман-да, — ўзини оқлашга тутинди Сора кампир.

Дилбар дастурхон бурчидаги сочиқни олиб қўллари артди.

— Сиз ўтиринг, ойи, менинг ўзим сузиб келаман, — дея дик этиб ўрнидан турди-да, оёғига онасининг кавушини илиб ўчоқбоши томон йўналди.

— Барака топ, қизим, — унинг орқасидан дуо қилиб қолди Сора кампир, сўнг эса чолига қараб ўтирилиб: — Сиз, дадаси, болаларнинг олдида одамни унақа силтаманг-да! — деб ундан ўпка-гина қила кетди.

— Ўзингам, Сора, ғалати саволлар берасан-да! Биласанки, менам, қизинг Дилбарам чарчаб келганмиз, индамай бориб сузиб келавермайсанми! Шуниям менадан сўрашинг шартми энди?..

Сора кампир чолининг юқоридаги таънасини ўзига қаттиқ олган экан, аразлашини қўймади.

— Мен сизни оила боши деб сўрай қолувдим, — деди у юмшоқ, ҳазин овозда. — Сиз эса... сиз одамни...

Аппон чол ўзининг бемаврид гап қилганини сезди. Зотан кампири қизи келгани, учовлари кичик бир оила бўлиб ўтиришгани учун ундан овқат сузишга ижозат сўраганди. Бурун ахир шундай эди-да! Унинг рухсати билан овқат сузиларди, унинг рухсати билан болалар ўрниларидан туриб кетишарди. Кампири қадим-қадимдан ўзбек хонадонларида таомилга кирган ана шу удумни юз хотирлаб унга мурожаат этганди. Афсус, буни у тушунмади. «Эҳ, калаварам, шунгаям ақлинг етмади-ми?!— деб ўзини койиди Аппон чол. — Эҳ, мияси айниган чол!..»

— Билмабман, Сора! Билмай қолибман-да энди! — деб айбини бўйнига олди у. — Мен калвакни кечир...

Сора кампир индамади. Сора кампир чолини кечирганди. Унинг кек сақлаш одати йўқ эканини юз-кўзлари шундоқ айтиб турарди.

Шўрвадан сўнг она-бола хамирга унашни баҳона қилиб туриб кетдилар. Аппон чол ҳам ҳовли этагидаги уч-тўрт ариқ помидор, болгар гармдориси, нўш пиёзларга сув боғлаш мақсадида ўридан қўзғалди.

У бостирмадан кетмон топиб чиқиб, зўғатасига пона қоқиб маҳкамлади, сўнг ҳовлини кўндалангига кесиб ўтиб, қўшнисиникига оқиб кирадиган сувни этак томондаги ариққа бурди. Сув кичиккина ўқарикқа ўтиб аввал помидорларга, кейин эса гармдори, нўш пиёз экилган жўякларга етиб борди. Бирор чорак соатлар ичида барча ариқ сувга тўлди. Сув экин-тикинга жон кирғазди: куннинг тафтидан сўлиб, қовжирай бошла-

ганлари ҳам тезда ўзини тутиб олди — қадди ростланди.

Аппон чол, шу баҳонада мевали дарахтлар ҳам сув ичсин деб, олма, нок, ундан эса ўчоқбоши қаршисидаги чиллаки узум тагига ингичка ариқ тортди. Унинг қўлидаги кўкимтир томирларга ўхшаб икки-уч тарафга тарвақайлаган тор ариқчалардан дарахтлар остига обиҳаёт етиб келди...

У ариққа қўйган тўсиқ тунукани олди. Ўқ ариқнинг устига тупроқ тортиб бекитди. Отасининг уйи ариқдан анча берида бўлгани учун дераза олдидаги райҳон, гултожихўроз, шафтолиларга челақлаб сув ташиб суғорди. Охирги икки челақ сувни райҳонлар устига шакароб қилиб сепди — ён-атрофни димоқни қитиқловчи хушбўй ис тутиб кетди. У уй деразасини ланг очиб юборди. Шу маҳал ҳовлида вижир-вижир сайраб учиб юрган атласпўш қалдирғочлардан бири деразадан ичкарига кирди. Аппон чол бундан йигирма тўрт йил бурунги август оқшомини хотирлади. «Ўшандаям ҳаммаёқни райҳон иси тутиб кетиб эди, дадам раҳматли бу ўсимликни яхши кўрардилар», деб ичкарига кирди. Уйнинг ичини ҳам хушбўй ҳид тутганди. У шифтга яқин ерда учиб юрган қалдирғочга халал бермаслик мақсадида кўрпачага ўтирди. Анчагача ўйга чўмиб ўтириб қолди. Қалдирғочнинг қай маҳал учиб чиқиб кетганини ҳам пайқамади. У жавондаги китобларга нигоҳ қадади. Назарида Шокир базознинг невараси уларни шу бутун келиб олиб кетадигандай бўлиб кўринаверди. Унга китоблардан айрилиши ҳам жуда офир эди. Лекин нима қилсин? Эрта-индин ўлиб-не-тиб қолса нима бўлади? Булар кимга қолиб кетади? «Дадамнинг ўзлари хурсанд бўлдилар, — деб сўзланди у, сўнг Қуръонга қараб қўйди: — «Анавининг қўлидан гугуртни тортиб олганинг яхши бўлди», дедилар! Бундан чиқди, унинг гугурт чақиб юборишидан чўчиган эканлар-да! Унда ёмон бўларди! Унинг гугурт чақишга уриниши ёмонлик аломати бўлса ажаб эмас! Ҳа, ҳа, худди шундай!.. Нега дадам билан кўпроқ гаплашолмадим-а? Нега?!» У ана шундай мулоҳазага бориши ҳамона ахир чироқ ўчиб қолди-ку! Йўқса, анча суҳбатлашган бўлардим-а!.. — деб хулосаланди, шундан сўнг чироқнинг бекорга ўчмаганини, ўзининг ноўрин гапи

оқибатида ўчганини хотирлади. Ҳа, чакки бўлди, чакки, деди, чакки бўлганини ўйлаб ўрнидан кўзгалди, чакки бўлганини ўйлаб ҳовлига тушди, чакки бўлганини ўйлаб челакни ўчоқбошига элтди, кетмонни бос-тирмага ташлади, у ердан айрили ёғочни олиб чиқиб сўридаги тўрқовоқларни пастга туширди. «Анвар китобларни шу бугун келиб опкетса яхши бўларди, шу бугундан қолдирмай», дея фикр қилди. Беданаларнинг сувдонидagi сувини алмаштирди, айвондаги тоқчадан шиша идишни олиб тушиб, ичидаги тариқдан тўрқовоқларга солди. Кейин эса, «Нега энди шу бугун?» — деб ўзини сўроққа тутди. «Ҳар қалай, шу бугун опкетганда ёмон бўлмасди-да», деб саволига жавоб олди, хаёли яна Абдулазизга кўчди, хаёли Абдулазизга кўчдию уруш йиллари кўз олдида тажассумланди. Уларнинг батальони «Туя» тепалигига жойлашиб олган немисларни йўқ қилиб, тепаликни қўлга киритиши керак эди. Ўрис комбат у ерга олиб борадиган йўл миналаштирилган-миналаштирилмаганини билиш, сўнг душман тепаликнинг қайси қисмига, қай тартибда жойлашганини аниқлаш учун осиелик йигитларни текширувга юборишга қарор қилганди. Сакен, Шокир, Абдулазиз бориши керак эди. Охирги дақиқаларда Абдулазиз ўзининг аҳволи чатоқлигини, тумов бўлиб қолганини рўкач қилиб олди. Уни ҳеч ким айбламади. Ўрнига Молдахмат жўнади. Лекин ўша текширув Молдахматга қимматга тушди — икки еридан ўқ еди. «Ўшанда Молдахмат нима деганди? Қошида айбдорлардек елкасини қисиб турган Абдулазизга нима деганди? — деб эшлагга тутинди Алпон чол. — «Сен хижолат чекма, Абдаз, ҳечам ўзингга олма!» деганди, бу ярамаснинг кўрқоқлигини, бунинг ўрнига бориб ўқ еб келганини юзига солмаганди. Бу эса... уялмай-нетмай ўзини қаҳрамон қип кўрсатяпти...» У шуларни ёдга олиб турганди ҳамки ташқарида кимдир уни йўқлаб қолди.

Алпон чол кўча эшикка юрди.

Остонада йигирма беш билан ўттизлар оралиғидаги, оқ-сарикдан келган, ўрта бўй, мутаносиб елкали, кулча юз, қўнғирранг, тўлқинсимон ва аңдак сийрак сочли, чуқур қора кўзларидан ўйчан ва мулоҳазали экани кўринаётган йигит турарди. Юз бичимининг ўзиёқ унинг Шокир баззознинг невараси эканидан

далолат берарди. Унинг қўлида устига майда холл қийиқ ёпилган челак ҳам бор эди. Қийиқнинг дўмпайи туришидан челакка узум тўлғазилганини сезиш қийи эмасди.

— Ассалому алайкум, ота, — деди у, Аппон чо билан қўл бериб сўрашаркан, ўзини таништирди: — Мени Шокир ака юбордилар. Мен у кишининг неваралариман. Анвар бўламан.

Аппон чолнинг юзи ёришди.

— Кел, болам, кел. Ҳозир сен ҳақингда ўйлаб турувдим, — деди, Анвар уни «ота» деганидан янаяийиб кетди. Уни Тилладан бўлак ҳеч ким «ота» дегангади ва у бу йигитнинг юзида ҳам Тиллага ўхшашликни кўрди. Бу ўхшашлик ҳар икковида болаларга хос бўлган белгиларнинг, аниқроғи, болалигини йўқотмаган одамларда учрайдиган белгиларнинг яққол кўзга ташланиб туришида ўз аксини топганди.

Улар ҳовлига кирганларида Анвар қўлидаги челакка ишора қилиб:

— Мана буни нима қилай, Аппон ота? — деб сўради.

Аппон чол унинг бу нарсани кўтариб келганида ранжиди.

— Нима қип овора бўп юрибсан? Ҳечам кераги йўқ эди-да бу нарсанинг! — деди.

Анвар «овораси бор эканми?» дегандай йўсинда боқиб:

— Шокир бувам бериб юбордилар. Ўзимизнинг боғдаги ҳусайнидан, — деб жавоб қилди.

Аппон чол кампирини чақирди:

— Сора! Ҳов Сора! Бу ёққа қара!..

Сора кампир, унинг орқасидан қизи Дилбар ким келганини билиш илинжида ёяётган хамирларини ташлаб чиқдилар.

Сора кампир кавушини оёғига кийиб айвонда пастга тушди. Дилбар ҳам унга эргашди.

Анвар аввал Сора кампирга, сўнг эса қизига салом берди.

Улар Анварнинг саломига олдинма-кейин али олишди. Аммо унинг ўзини таниёлмай гаранг бўлиб тураверишди. Бу боис, қўлидаги челакни ҳам олишга истиҳола қилишди.

— Бу йигит ошнам Шокирнинг ёзувчи невараси. Сенга айтувдим-ку, ошнам Шокирнинг Анвар деган невараси уларнинг Хончорбоғи ҳақида китоб ёзибди, деб. Ана ўша Анвар шу қаршингдаги йигит бўлади, таниб қўйгин Сора, — деди Аппон чол.

Анвар ўзини бу йўсин таништиришларидан уялди. Аппон чолга «ҳали ёзувчи бўлиб нима иш қилибман?» дегандай боқди, қизариб ер чизди.

Сора кампирга Анварнинг ўзини тутиши маъқул тушди.

— Вой бўйингдан айланай! Яхши келдингми, болам? Буванг, бувинг, ўзингнинг ойинг — ҳамма-ҳаммалари яхши юришиптими? — деб унинг кифтига қоқиб сўрашди, сўнг қизига юзланиб:

— Дилбар, боламнинг қўлидаги челакни олақол! — деди.

Ёшгина йигитнинг китоб ёзганига қизиқсиниб ва айни пайтда ишонқирамай қараб турган Дилбар онасининг буйруғидан сўнггина унинг қўлидаги юкни олишга журъат қилди.

Анварнинг тиришиб-тортишиб эътироз билдиришига қарамай уни супадаги дастурхонга бошладилар.

— Бир пиёла чойга ҳам йўқ дейсанми, болам. Ўзбекнинг хонадонига меҳмон келганида бир пиёла чойини ичмай кетса, шу хонадон шаънигаям, меҳмон шаънигаям дуруст бўлмайди, — деб уқтирган бўлди Аппон чол, Анварга қараб синовчан кулди: — Буни, сен, болам, мендан яхши билишинг керак, ҳарҳолда ёзувчисан-ку!...

Чолининг ўтитини Сора кампир ҳам бош силкиш орқали тасдиқлади.

Анвар Аппон чол боз унинг ёзувчилигини эслатганидан ноқулайлик ҳис этди.

— Ҳали «ёзувчи» дейишингизга арзирли бирор иш қилганим йўқ, Аппон ота. Ҳали ёзувчи бўлишликка эҳ-хе!.. Мана Қодирий, Ойбек домлаларимизни «ёзувчи» десангиз арзийди. Мен эса... мен шунчаки бир ҳаваскорман. Ёзишни яхши кўраман холос...

Аппон чолга Анварнинг тортиниб туриши, камсуқумлиги маъқул тушди. Боз устига у Қодирийни эслатганидан севиниб кетди ҳам. Зеро, отаси худди ана шу ёзувчини кўп маротаба тилга олганини, унинг ўқув-

чиси, ўқувчисидан ҳам кўра мухлиси — ихлосманди эканини, у одам ҳам отасини ўзига яқин олиб элда машҳур китобини тортиқ қилганини юқорида таъкидлагандики, Анварнинг мана бу гапи нур устига аъло нур бўлиб тушди ва отасининг китобларини бу йигитга бериб юборишга аҳд қилганидан яна бир карра дилида мамнунлик ҳис этди.

— Бари ҳавасдан бошланади, ўғлим. Ҳавас қилиш яхши. Ҳаммаям қодир эмас бунга!.. — Аппон чол ушбу жумлани Анварнинг кўнглини кўтариш учун айтган эса-да, ҳақиқатда шу дамда Содир ака, Абдулазизнинг совуқ, сур башаралари кўз олдида тажассумланганди. «Улар ҳам умриларида бировга ҳавас қилганмиканлар? Бировга меҳр, ихлос билан қараганмиканлар?» деб саволланди, саволландию *Улар ҳавас қилишни билмасалар керак, ҳавас қилишдан йироқ бўлсалар керак! Ихлосга келсак, ихлос... дедию ўйга толди, сўнг ўйга толганини фаромуш қилиб, фикрини бир ерга жамлашга тутиниб, юқоридаги сўзида давом этди: — Му сулмончилик астачиликдан-да, болам. Барининг отаси меҳнат. Меҳнат қилсанг бир ердан чиқасан. Меҳнат билан ҳар киши етгай муродга, дейишади-ку машо-йихларимиз... Хайрли ишга қўл урган экансан, шунинг ўзи таҳсинга лойиқ, ўғлим...*

Шу маҳал қизи Дилбар чойнақда чой кўтариб келди. Сўнг онаси шу ёққа олиб келаётган ликопдаги узум, шафтолини унинг қўлидан олди-да, яна бедана юриш қилиб дастурхонга қўйиб кетди.

— Қани, ол, болам, — деб ҳўл меваларга ишора қилди Аппон чол, бир шингил узум узиб олди-да, ликопчани Анварга яқин ерга сурди. — Обба Шокир-э!.. Кўнгли бўлмабди-да! Аппоннинг ҳам оғзи тегсин дебди-да!..

— Ҳа, шуни обор, Аппониям оғзи тегсин, дедилар, — дея унинг сўзини тасдиқлади Анвар, ликопчани қайта жойига сурди. — Ўзимизнинг боғдаги узумдан, ота.

— Ошнамга қийин бўпти, — деб бош чайқади Аппон чол. Буни Анварга қаттиқ ботмасин деган истихोлада ич-ичидан қийналиб, айтмаса яна бўлмаслигини дилдан чуқур англаб етгани важи айтаётганини юз кўринишидан сезиш қийин эмасди. — Амакинг Ра-

шиднинг қамалиб қолгани яхши иш бўлмапти, жуда ёмон бўпти...

— Ёмон бўлди, — Анвар бошини ҳам қилган кўйи дастурхон попугини бармоқлари билан ўйнаб, чирмади. — Яхшиям боғимиз бор экан, ўша ерда овуниб юрибдилар, ишқилиб.

— Анҳор устига каравот қурыпман, дейдими?

— Ҳа, Қичқириқнинг устига... Катта анҳоримиз бор — кўргандирсиз?

— Ҳа, албатта! — Аппон чол «нега энди кўрмай?» қабилида ажабсинди. Ортиқ ошнаси Шокир баззознинг бошига тушган мусибатни эслатиб Анварни қийнагиси келмади. — Ҳа, майли, шу иш билан овуниб юргани яхши, — дейиш билан кифояланди холос.

Дилбар косада шўрва олиб келиб Анварнинг ёнига қўйди.

— Мен ичмайман. Яқинда овқатлангандим, — эътироз билдирди Анвар.

Дилбар норозиланди. Отасига кўз қирини югуртириб олди-да:

— Суяқ оши-ку, ярим коса, — дея такаллуф қилди, кейин орқасига қайтди.

Аппон чол ҳам қизининг гапини маъқулаб, Анварни қистоққа олди:

— Ярим коса шўрва йигит кишига нима бўлади? Ичиб ол, болам.

Анвар чор-ночор қошиққа қўл узатди.

Аппон чол бу маҳалда ҳусайнидан яна бир шингилни узиб, ейишга киришди.

— Дадам раҳматли узумни яхши кўрардилар. — У отасини эслади, эсладию бужур юзига сезилар-сезилмас табассум югурди. — «Бу жаннат мевасини «none ангур» деб нонга тенглаштирган эканлар Навоий бобомиз», дердилар, — дея отасининг узумга таърифини Анварга айтиб берди.

— Дадангиз анжирниям яхши кўрарканлар-а?..

Аппон чол чўққи соқолини силади.

— Сенга Шокир айтгандир?

— Ҳа, бувам айтдилар. Дадангиз ҳақида кўп гапирардилар.

Аппон чолнинг нурли юзидаги ажинлари қуюқлашиб, ич-ичига кирган ўйчан кўзларига мунг чўқди.

Чуқур хўрсинди. У отасининг арвоҳи билан бугун кечқурунги суҳбатни хотирлагани сабаб ана шундай хўрсинганди.

— Сенинг катта буванг Ҳосил ота ва менинг дадам яқин оғайни бўлишган, худди Шокир икковимизга ўхшаб. Инқилобдан бурун оқ подшо мардикорга олган-ку, билсанг керак, ана ўшанда танишиб қолишган экан... Шокирни дадамнинг қўлига олиб келиб берган эканлар Ҳосил ака: шунга иш ўргат, бекор юрмасин, деб. Дадам матбаачи эдилар, миҳ босмада ҳарф терардилар. Эски Жўвадаги биринчи босмахонада... Йўқ, кейин, ҳалигиндақа ишлар бўп кетди... — Аппон чол анча тек қолди. Бир нуқтага тикилган кўйи ўйга толди. Сўнгра сўзида давом этди: — Илмни, маърифатни яхши кўрардилар. Боя сен тилга олганинг ёзувчи борку, Абдулла Қодирий, шу кишини яқиндан танирдилар. У кишининг «Ўткан кунлар»ини миҳ босмада дадам босган эканлар — ўзимизнинг эски алифбомизда. Дадамга дастхат ҳам ёзиб берганлар. Отабек ва Кумушбибининг китобига. Яна бир ғалати китоб тортиқ қилганлар — ҳали кўрсатаман сенга...

Аппон чолнинг гаплари Анварни қизиқтиргани учун у шўрва ичишни ҳам йиғиштириб қўйди. Бутун вужуди қулоққа айланиб, у тагин нима деркин қабилида оғзига анграйиб қараб қолди.

Анварнинг болаларга хос тарзда мўлтайиб қараб туришини кўрган Аппон чолнинг хаёлидан яна Тилла ўтди. «У ҳозир қаердайкин? Нима қилаётганикин?» деб муҳокама юритди. Тилла ҳақидаги ўй унинг хотирида Бўриной-Салтанат воқеасини жонлантирди. «Тиллани бир балога гирифтор қилмаса гўрга эди бу худосизлар», дея ичида сўзланди, сўнг ёнида ҳамсуҳбати — Анвар бор экани ёдига тушиб қолдию Тиллани ҳам, Тиллани балога гирифтор қилиши мумкин бўлган худосизларни ҳам унутди. Анварга юзланиб:

— Нега қараб ўтирибсан, ўғлим? Шўрванг совуб қолди-ку! — дея уни тергади.

Анвар шўрвадан истаб-истамай яна уч-тўрт қошиқ ичди, сўнг ёнидаги сочиққа қўлини артди.

Аппон чол ортиқ тиқилинч қилмади, юқорида чала қолган сўзида давом этди:

— Менам, болам, бувангга ўхшаб қартайиб қолдим. Бугун бор бўлсам, эртага йўқман...

— Ундай деманг, ота, — дея Аппон чолнинг кўнглини кўтарди Анвар, — ҳали кўп йил яшайсиз.

— Йўқ, ўғлим, — унинг фикрига қўшилмади Аппон чол, — мана сизлар кўп йил яшайсизлар. Бизлар кўрмаган кунларни Худо хоҳдаса сизлар кўрасизлар... — у шундай дегач, асосий мақсадга кўчди: — Шокир сенга айтдим, йўқми, дадам раҳматли илми, маърифатни яхши кўрардилар. Ўзлари ҳам арабийфаҳм бир одам эдилар. У кишидан анчагина китоблар қолган. Дадамни опкетишганида ойим икковимиз ана шу китобларни ҳовлимизнинг орқасидаги, — у қўли билан ён томонига ишора қилди, — мана бу ёқдаги жарликка кўмиб қўйгандик. Дадам кейин жуда хурсанд бўдилар бу ишимиздан. У киши кўп маротаба қайтарардилар: «Биз ўтмишимиздан узилиб қолдик. Жоҳиллар узиб қўйишди ўтмишимиздан. Қачондир албатта қайтиш бўлади. Ўша кунларда бу китоблар болаларимизга, болаларимизга бўлмаса, уларнинг болаларига асқатар — ўзбекнинг бирор кунига ярар!», дердилар. Мен, болам, уларни ўқиёлмадим. Эшитгандирсан, дадам қамалганларидан кейин менга қандай муносабатда бўлишганини. Бир ёқда уруш бошланиб қолди. Урушдан қайтгач, Бекободга ишга жўнаб кетдим... — у «Бекободга ишга жўнаб кетдим» деган жумлани ғалати талаффуз этди; у ерга ўз истаги билан эмас, ўзга одамнинг хоҳиши орқасида кетганини айтмоқчи бўлгану шундай деёлмай «ўзимнинг истагим билан кетдим», деб қўя қолай» дегандай тарзи сўзлади. Зеро, Анвар буни билишини, Шокир баззоз унга айтган бўлишини у яхши анлагани учун ҳам ортиқ такрорлагиси келмай юқоридаги жумла билан чегараланганди: — Ўғлим бўлганида албатта ўқитардим, эски илмимизни ўрганишига шароит туғдириб берардим, лекин қизлар бировнинг хасми экан. Эрга текканидан сўнг илм қилолмай ўз ёғига ўзи қовурилиб юравераркан...

Аппон чол ана шуларни гапириб турганида қизи Дилбар ёнларига келдию фикри бўлинди-қўйди.

Дилбар меҳмоннинг косасини қўлига олди. Ичидаги овқатга ишора қилиб:

— Дада, бу укамлар шўрвани ичмабдилар-ку, — деди.

Анвар аёлнинг бемаврид келиб қизиқарли суҳбатнинг белига тепганидан ранжиса-да, бу кайфиятини иложи борича унга сездирмасликка тиришди.

— Йўқ, йўқ, яхши ичдим, — деди, яхши ичмаганини ўзи ҳам билгани важи зўр-базўр жилмайди.

— Ҳа, майли, зўрлама, — деб Анварнинг ёни бўлди Аппон чол. — Ҳар ким кўнгли тусаганча тановул қилди овқатдан.

— Чойингларни янгилаб берайми? — сўради қизи.

Аппон чол Анварга қаради. У эса «мен ичмайман» йўсинида пиёласининг устини кафти билан тўсди. Аппон чол чойнакни ҳам қизининг қўлига тутқизаркан:

— Йўқ, қўя қол, — деди, биратўла овқатга ҳам, дастурхонга ҳам фотиҳа ўқиди. Қўлларини стол четига тираб, ўрнидан қўзғалди.

Анвар ҳам юзига фотиҳа торти-да, чаққонлик билан пастга тушиб, Аппон чолнинг калишини тўғрилади.

Аппон чол уни дуо қилди.

— Майли, қолган эзмачиликларни ўша ерда қилармиз. Юр, болам, — деб отасининг уйига йўл бошлади.

Анвар унга эргашди.

Анвар сабзавот дўкони ёнидан тўхтатиб келган «Такси»га китоблар солинган қопларни яхшилаб жойлади. Бўсағада хомушланиб унга нигоҳ қадаган Аппон чолнинг ёнига қайтди. «Аппон ота китобларини олиб кетаётганимдан хафаланаяпти шекилли», деб мулоҳаза юритгани учун жуда ноқулайлик ҳис этди. Шу боис ҳам бошида унга ҳеч нарса деёлмай турди, йўқ, охири:

— Ота, сиздан қарздорман, китоблар учун! — дейишга журъат қилди.

Аппон чолнинг маъюс юзида, анча киртайиб қолган кўзларида Анвардан ранжиганини кўрсатувчи белгилар зухур этди.

— Нималар деяпсан?! — деди у Анварнинг гапи мазмунидан келиб чиқиб. — Ҳозир нималар ҳақида ўйлаб қолганимни биласанми? Сен бўлсанг уялмай-нетмай қарздорман дейсан!.. — У ўзи томон қизарин-

қираб қараб турган Анвардан кўзини узмади. — Мен, ҳозир, ўша пайтларда шунга ўхшаган сон-саноқсиз китобларни сақлолмаганимизни ўйлаяпман. Сенга ўхшаган илми фарзандларимиз олдида қанчалар гуноҳга ботганимизни, қанчалар айбдор эканимизни ўйлаяпман. Дадам раҳматли ва ойим раҳматлилар асраб қолишди, лекин жуда яхши эслайман: ўнлаб, юзлаб одамлар уларни ёқиб юборганди, сувга оқизганди, ўпқонларга кўмиб ташлаганди; нега ўшаларни тўхта-тиб қололмаганимга, «Ҳой, яхшилар, ахир бир кунмас-бир кун бу китоблар кейинги томирларимизга асқатади-ку! Улар сизларнинг бу ишингизни кечиришмайди!» деёлмаганимдан ўпкаланаяпман. Нима қилай, у пайтларда бунинг фарқига яхши бормагандим, мана энди эса... ўша гуноҳларга ўзим ҳам шерик эканимни англаб етаяпман...

— Нега ундай дейсиз? Ундай деманг! Шунча китобларни эҳтиёт қилганингизнинг ўзиям катта гап-ку? — дея унга тасалли берди Анвар.

Аппон чол истеҳзоли кулди-да:

— Кошки бунда менинг зиғирдай ҳиссам бўлса экан, — деди.

Шу пайт машинаси моторини ўт олдириб турган шофёр сигнал чалиб Анварни шоширди.

— Ҳозир, ҳозир! — дея уни тинчлантирди Анвар.

— Бора қол, бор. Шўпир кутиб қолди, — унинг кифтига қоқди Аппон чол, сўнг муҳим нарсани эслагандай йўсинда Анварни тўхтатди: — Бир гапни айтиш ёдимдан кўтарилай дебди, болам. Бувангни эҳтиёт қилинглар. Сен тушунган йигитсан, унинг ҳолидан хабар олиб тур, унга қийин бўпти.

Анвар машинага ўтираркан:

— Мен келаман. Бошқа бир келаман, ота. Бувам икковимиз келамиз. Ҳа, айтгандай, қопларниям ўшанда опкеламан, — деди.

— Майли, майли...— Аппон чол кўз, қош, қўл ишорасида «машина эшигини ёпа қол» деган бўлди.

Анвар эшикни ёпиб улгурмасидан, шофёр машинани физиллатиб ҳайдаб кетди.

Аппон чол машина катта йўлга бурилгунга қадар жойидан жилмади. Кўнгли ўксинди. Бир томондан китобларни бериб юбориб, яқин бир овунчоғи, яқин бир

сирдошидан аирилгандай сезса ўзини, иккинчи томондан уларнинг олисга, келажакка ўтганини чуқур англагани боис дилида мамнуният туйди. «Қолиб кетса, ё йўқолиб кетса нима бўларди?» деб мулоҳазаланди ва ана шу мулоҳазаси таъсирида ҳовлига қайтди.

У ошхона ёнидан ўтиб кетаётиб, ўчоқдаги ўтиннинг буруқсиб ёнаётганини, кампири билан қизи нимадандир хуноб бўлиб туришганини кўрди.

Уларнинг ёнига кирди. Ўчоқбошининг қурум босган шифтига яқин ерда муаллақ қотгандай кўринаётган тутунга қараб олди-да:

— Нима, қайрағоч ёқувдинларми? Ё ўтинларнинг хўлмиди? — деб сўради.

— Халонинг орқасига саржинлаб қўйганингиз ўтиндан опкелувди Дилбар, — деди Сора кампир.

— Хом иш қипсанлар-да! Бостирма ичида саксовул ётувди — неча йилдан бери ишлатилмай. Ана ўшандан ёққанларингда бунчалик тутун бўп кетмасди ҳаммаёқ. Сен айтаётган қайрағочлар ҳали нам эди, яхши қуримаганди, — деди, кейин ўчоқдаги тутундан ҳам бурун кампири ва қизининг тутуни чиқаётгани ёдига тушиб қолиб: — Ҳа, тинчликми? Она-бола икковинг жиғибийрон бўп турибсан? — деб сўради.

Сора кампир тепадаги мўри тутун тортмаяпти деб ўйлаб деразанинг иккинчи табақасини ҳам очиб юборди. Сўнг эса, «нега хунобимиз ошаётганини айтаями?» дегандай Дилбар томон кўз қирини ташлаганди, ундан бурун Дилбарнинг ўзи арзу дод қилиб қолди:

— Кўрмайсизми, дада, қозон кичиклик қияпти. Ёр қизишига-ку яхши, аммо бу ёқдаги иш орқага судралади. Бўғирсоқни пишириб олай десак варақи қоп кетади, варақини қовуриб олай десак бу ёқда қуштили билан чакчак турибди денг...

Аппон чол кулимсиди:

— Шу холосми? Қозон топиб берсам бўлдимми?

Сора кампир қизига, қизи Сора кампирга нигоҳ қадади.

Аппон чол она-боланинг кўз уриштиришидан таажжубланиб:

— Нега бир-бирингга қарайсан? — деб сўради.

Дилбар тутундан ачишган кўзларини ишқалади. Қўлидаги капгир билан ўт олган ўчоққа ишора қилди:

— Бу ўчоғингларга манови декчага ўхшаган қозондан бошқаси сифмайди, дада.

— Ўчоқ ҳам бўлади, қизим, — уни тинчлантирди Аппон чол. — Бирда Раҳмонбердиникида темир ўчоқ кўрувдим, қозони билан. Сизларнинг пишириқларингга жуда мос ўчоқ-да! Шуни опкеб берайми? — деб кампиридан сўради у.

— Қани эди, — деди Сора кампир.

— Менам борайми, дада?..

— Сен нима қиласан?

— Кўтаришиб юбораман.

Аппон чол рози бўлмади.

— Раҳмонбердининг олтита ўғли бор. Шулардан битта-яримтасига айтаман, кўмаклашади, — деб, тағин ташқарига йўналди.

Қўшни кўчанинг адоғидаги ёнғоқли ҳовли Раҳмонбердига қарашли эди. Унинг касб-кори шофёрлик бўлиб, «Тез ёрдам» машинасини ҳайдаса-да, аксарият вақти юртнинг тўйу маъракасида ош дамлаш билан ўтар, шу важдан ҳам одамлар унинг шофёрлигидан кўра ошпазлигини қадрлар, давраларда у ҳақда гап айлангудай бўлса, албатта, исмининг ёнига ошпазлигини ҳам қўшиб кетишар, боз устига, Раҳмонберди рулда ўтирганда кўплар унга эътибор бермас, эътибор бермас эмас, рулда ўтирган Раҳмонберди ошпаз экани уларга эриш туюлар, ундан кейин, унинг келба тига машина рули ярашмас ҳам эди. Унга дошқозоннинг тепасида капгирини ўйнатиб лаганга ош тортиш ярашар ва у қозон қошида рулда ўтиргандан кўра ўзини эркин ҳис этар, одамлар ҳам ошини еб бўлиб, бири узоқдан, бири яқиндан унинг ҳақиға дуо-санолар айтиб кетишар, бу мақтовлар, турган гапки, Раҳмонберди ошпазни янада семиртириб юборарди.

Хуллас калом, Аппон чол ана шу Раҳмонбердиникига йўл олди.

Ошпазникидан берида каттагина майдон бор эди. Майдон этагида тўрт-беш туп қари ёнғоқ бир-бирига соя ташлаб ётарди. Ёнғоқлар остида беш-ўн чоғли одам давра қуриб олиб хўроз уриштираётганди. Давранинг ён томонида, ёнғоқлар панасида ўсмай қолиб кетган жийда танасига боғланган эшакарава рўпарасида Тил-

ла ҳам турганди. Аппон чол Бағиш Тиллани эшагига қоровул қилиб қўйганини сезди.

У ҳам ўша ёққа юрди.

Хўроз уриштираётганлардан бири Раҳмонбердининг тўнғич ўғли Мавлон, иккинчиси эса Бўривой бўлиб чиқди. Аппон чол Бўривойни кўрдию тепа сочи тикка бўлиб кетди. Бу ерга келганига пушаймон еди. Шунинг баробарида кўнглини асоссиз ҳадик ҳам чулғаб олди: Салтанат икковининг суҳбатини эшитганимни сезган бўлса-чи?!

Бўривой ёш жиҳатдан Мавлондан анча катта эса-да, ташқи кўринишдан бу фарқ у қадар сезилмас, башарти унинг ўзи «эликка кирдим» деб оёқ тираб олса ҳам кўплар учун бу иддаога ўхшаб кўринган бўлар, иддаога ўхшаб кўринмаган тақдирда ҳам сўзига ишонмаслари ёинки бунга шубҳа остида қарашлари турган гап эди. У адил қомат, юзга чўзиқ, қуюқ жингала соч, қийғир бурун, чоғир кўз, баайни Чифатой лўлиларига ўхшаб қорамағиздан келган бир кимса эди.

Давра миёнасида уришаётган ҳар икки бабақ хўроз ҳам жўжа эди-ю, аммо Мавлонники бир оз новчароқ, тетикроқ эди, шу боис Бўривойнинг хўрозидан каттароқ кўринар, уришаётганида ҳам бу устунлик сезилиш берарди. Охири шу билан тутадики, Мавлоннинг хўрози Бўривойникининг чап кўзини чўқиб олиб, у чунон қичқириб даврани тарк этди-да, эшакарава турган ерга қочиб борди.

Аппон чолга тўғрима-тўғри турган Бағиш Бўривойни изза қилди:

— Кўряпсанме ошно, хўрозенг манобе зўрдан қочиб, менинг харем билан беллошгане шайлонопте!..

Лўлининг пичингидан ҳамма кулиб юборди.

Бўривойни зимдан кузатаётган Аппон чол унинг хўрози энгилганидан севиниб турганди, йўқ. Бағишнинг мана бу мазахидан ундан ҳам қувонди. «Жуда болади-да Бағиш! Жуда кўнглимдаги иш бўлди-да!» деб ичида сўзланди.

Бўривойга Бағишнинг қочирими ёмон таъсир этди. У ғалабага эришгани сабаб даврада мардона айланиб юрган хўрозга ҳасад кўзи билан боқди. Сўнг эса югуриб келиб Аппон чол билан сўрашишга тушган Тиллага қараб:

— Хўв, Тилла, бор, айши қанжиқни тутиб келгин! — деб буйруқ берди.

Даврадагилар яна кулиб юборишди. Улар Бўривойнинг Тиллага зуғум ўтказиб иш буюришидан ё бўлмаса, Тилланинг ҳам устидан эмас, балки хўрози қочганини ўзига қаттиқ олган Бўривойнинг устидан кулиб юборишганди.

Қўлидаги қамчи дастаси билан чаккасини қашиётган Бағиш орага тушди:

— Тезроқ бор, Тилло! Тағен менинг эшагемне майеп қип қўймасен Бўрининг хўрозе! — дея хахолаб кулди у, жез узук тақиб олган қўли билан чўзиқ, ичига кирган иягига довура етгани қуюқ шопмўйловини бураб қўйди.

Бўривой унга «сен лўлига бировнинг устидан кулишни ким қўйипти» қабилада олайиб қараса-да, бир оғиз сўз демади. Унинг қочирмаларига тишини тишига қўйиб чидади.

Аппон чол Бўривойнинг Бағиш олдида тили қисиклик жойи бор эканини сезди. «Йўқса, бу падар лаънати ўзини бунчалик оёқости қилдириб ўтирмасди», деди.

Тилла дам Аппон чолга, дам Бағишга, дам Бўривойга анқовсираб боқди. Иш буюрган одамнинг важоҳатидан чўчидими, қўлидаги халтани ерга қўйди-да, эшак-арава орқасида «қуқ-қуқ»лаб юрган хўрозни тутиб келиш учун йўналди.

Бўривойнинг бир бечорага қилган муомаласи Аппон чолни ёмон ғазаблантирди. Тилига аччиқ-тиззиқ гап келди-ю, бироқ яна Салтанат иккисининг хуфия учрашувини бекитиқча кузатганини хотирлаб қолиб, ўз қилмишидан уялгани боис, шахтидан қайтди — тилини тийишликка мажбурилик ҳис этди.

Бўривой анча ёшга бориб қолган одамнинг ёнида сўкиниб юборганидан тариқча андишага бормади.

— Барибир, укаси-да, шунинг учун қочди, — деди Мавлонга қараб, аламли, зўрма-зўраки кулди. У бу гапи билан бир томондан ўзига таскин берса, иккинчи томондан, ёнимдагилар ҳам хўрозимнинг енгиллиши сабабини билиб қўйсинлар, деган бўлганди.

— Кўрдингезме, ака? — дея Аппон чолга мурожаат қилди Бағиш. — Кўрдингезме Бўрине! Буям Абдаз аҳо-

нинг бир турее! У кише ҳам носфуруш куёвине туллагене кўйе-еб, макиён кўйде-ем, деганедай, Бўриям хўроzene «укасе» деб баҳона қилоптее!..

Бўривой лўлининг оғзидан Абдулазиз ва носфурушнинг исмларини эшитиши ҳамоно юраги така-пука, кўзлари ола-кула бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бу ҳолни нафаси ичига тушиб, довираэзганидан ҳам билиш мумкин эди.

Унинг бу ҳолатини бошқалар сезмади, аммо Аппон чол сезди. «Бағиш нишонга аниқ урди», деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию *У Абдаз ва Анорматни номини тилга олганида Бўри тўнғизнинг ўтакаси ёридию!* «Бағиш Салтанат билан дон олишиб юрганумни сезган бўлса-я», деб ўйлади-ёв, деб сўзланди. Бўривойга янада нафрат билан тикилди.

Қўлида қора бабақ хўроз ушлаб турган кўккўз йигит, Аппон чол уни танимади, Бўривойдан сўради:

— Нима, булар бир товукнинг тухумидан чиққанми?..

Бўривой Тилла тутиб келтирган хўрозни қўлига олди. Нариги хўроз чўқиб олган сўл кўзига икки-уч бор тупурди-да:

— Ҳа, Мавлонникидан ўн беш-йигирма кунлик кичик меники. Уни Мавлондан иккита каптарга алмаштириб олиб эдим. Чинни билан қопқонга, — деди.

— Ақамнинг чинни ва қопқонлари бир ҳафта ўтмасдан ўзларига қочиб кетди, аммо қайтариб бериш эсларига келмади, — дея ундан гиналанди Мавлон.

— Айтдем-ку, Бўри Абдаз акого ўхшайде-ее, деб. Унинг ўттизта ёғ шиша опчиқе-еб берганене сизга айтопдем-а, Аппон ако? — дея бедана уриштириш воқеасига шама қилди Бағиш, сўнг эса, хўрозининг тўшини силаётган кўккўз йигитга юзланди: — Сенам хўрозенгне қўясанме, ука?..

Кўккўз йигит Бағишнинг сўзлаш тарзидан жилмайиб:

— Мавлонники нафасини ростлаб олсин, кейин бир гап бўлар, — деди.

Бағишга йигитнинг мужмал жавоби ёқмади. «Куттишга тоқатим йўқ» дегандай қўл силтаб, Аппон чол билан хайр-хўшлашиб, эшакараваси томон юрди.

Бўривой бир томондан Бағишнинг бу ердан «даф бўлганига» севинса, иккинчи томондан каптарларни Мавлонга қайтариб бермаганига, қайтариб бериш эсига келмаганига севинди. Ҳовури босилди. Хўрозининг энди чиқиб келаётган пихини ушлаб кўраётган Тиллага муғамбирона тиржайиб:

— Нимасини ушлаб кўряпсан? — деди, бу гапи билан бир тарафдан Мавлонни чалғитмоқчи бўлса, иккинчи тарафдан ўзининг сўз ўйини атрофдагиларга қандай таъсир этганини кузатди, ҳеч ким унинг қочиримига эътиборини қаратмагач эса: — Айшини бизникига ташлаб келсанг-чи? Мен бир жойга бормоқчи эдим. Бор, анави халтангни опкегин, ичига солиб берман — кўтаришга осон бўлади, — деди.

Тилла кўйлаги этагини шимининг ичига тикди. Ялпоқ бурнини қашиди. Ёнидагиларга кўз қири билан қараб олди-да, эркалик, ялинчоқлик билан шарт кўйди:

— Айши хўрозизни ташлаб келсам тўриқ отизга бир марта минаманми?

Тилладай бир девонанинг шарт кўйишини Бўривой кутмаганди, йўқ, унинг талабини эшитиб бошида ажабланди, сўнгра энсаси қотганини очиқ-ойдин намоёйиш этди:

— Қачондан бери сен отга минадиган бўп қолдинг? А, менга айт-чи?!

Тилла унинг бу кесатиғини ҳам тўғри қабул қилди:

— Айши елкамда Арслонни икки-уч марта тепаликка кўтариб чиқдим-ку, Ибройим отанинг орқасидаги тепаликка, шундан бери, — дея гўдақлардек илжайди у, кейин Аппон чолнинг тунов кунги даккиси ёдига тушди чоғи, ер остидан унга ўғринча қараб олди. — Арслон менга тўриққа минишни ўргатди. Мен уни айши елкамда кўтариб чиқдим, — деб елкасига уриб кўрсатди. — Отга миниш яхши экан, ака-аа! Маз-за экан!..

Аппон чол Бўривой Тиллани ҳадеб гадабга олаверишида Салтанатнинг у ҳақда айтган номатлуб сўзлари таъсири ҳам бор эканини туйди. Туйдию: «Бу ярамаслар Тиллага зиён-заҳмат етказмасалар гўрга эди», деб хулосаланди.

— Отга миниш яхши эканми, Тилла? — деб уни мазах қилди Бўривой. Аппон чолнинг ўзи томон ғилай-

ланиб қараётганини кўргач эса, дарров жиддий тусга кирди-да:— Бўпти, минасан! Арслоннинг ўргатгани нима бўларди? Мен ўзим сенга отда юришни ўргатаман! — дея ваъдани қуюқ қилди.

Орага Мавлон аралашиб:

— Акам сенга отда юришни ўргатадилар-да, Тиллавой, — деди, унинг бу сўзлари замирида «Бўривой ака қишда қорни бировга раво кўрмайди-ку, сенга отда юришни ўргатармиди?!» деган маъно бор эди.

Атрофдагилар Мавлоннинг кесатиғидан ҳам, Тилланинг соддалигидан ҳам кулиб юборишди. Фақат Аппон чолгина кулмади. Зеро шу дамда унинг бутун фикри-ўйини қабристон воқеаси банд этган, шу боисдан ҳам Мавлоннинг гапини англолмай қолганди.

Тилла Мавлоннинг кесатиғини ҳам тўғри қабул қилди. Хурсанд бўлганидан ҳовлиқиб бориб халтасини ердан кўтарди-да, Бўривойнинг ёнига келди.

Бўривой халтанинг ичига хўрозни жойлаб туриб:

— Бизникига оборгин-а? Арслонними ё бўлмас кеннойингними қўлига бергин-а?! — деди.

— Хўп, ака. Айши хўрозни Арслонга обориб бераман, — деди Тилла, халтани икки қўллаб кўтариб олиб Аппон чолга яқинлашди. Овозини хийла пасайтириб: — Ота, тўриқда Иқболхоннинг олдига бораман! Сени олисга опқочиб кетаман, Иқболхон, дейман! — деб огоҳлантирган бўлди, сўнг тез-тез одим ташлаб даврдан узоклашди.

Бўривой Тилланинг Аппон чолга нимадир деб шивирлаб кетганидан шубҳалангани боис:

— Бизникига обориб бергин-а! — дея яна бир бор эслатди.

Анча олислаб қолган Тилла бунга жавобан:

— Тўриққа миндирасиз-а? Алдамайсиз-а?! — деб қўйди.

Бўривой Аппон чолга қараб совуқ илжайди-да:

— Қандай замон бўлди? Шу девонаям порасиз бир иш қилмайди-я! — дея нолиди.

Аппон чол унинг сўзларидан ич-ичидан тутаяди-ю, аммо ўзини босиб қолди. «Қандай замон бўлди» эмиш-а? Замоннинг шундай бўлишига ўзларинг сабабчисанлар-ку! Тагин уялмай-нетмай «Қандай замон бўлди?! дейди-я!» деб мулоҳаза юритди, мулоҳазаси ортидан

Сен қаердан билардинг Тилланинг гарди нимага эканини?! Сен қаердан билардинг унинг юрагига нималар кечаётганини?! Сенинг ё сени унга олқишлаб қўйган сатанг ўйнашингнинг юраги ана шу галдирниқичалик бўлса жон дердиларинг-а? Афсус, у сенларга ўхшамаганидай, сенларам унингдек бўлолмайсанлар! — деб сўзланди-да, даврани тарк этиб, Раҳмонбердиникига қараб жўнади.

У ошпазникига кириб борганида ҳам, иккита ўғлига қозон-ўчоқни кўтартириб уйига қайтиб келганида ҳам Бўривойнинг Тиллага ўтказган зуғими хаёлини банд этаверди. Шунга сари, унинг оғзига уриб ташламаганига, уриб ташлашнинг уддасидан чиқолмаганига ўзидан ўпқаланаверди. У тўрқовоқлардаги беданаларнинг донини, сувини алмаштиришга киришгандагина юқоридаги гапларни унутган, у энди бир товуқ тухумидан чиққан жўжа хўрозларнинг жангини кўз олдига келтириб, ўзи ҳам бедана уриштирганда ана шунга ўхшаш бир-бирига яқин паррандаларни чўқиштирган бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаганидан қаттиқ ранжий бошлаганди. У мазкур мулоҳаза биргина ҳозир эмас, ҳали, хўрозлар қондош эканини эшитганида ҳам кўнглидан кечганини хотирлади, хотирладию: «Тўрқовоқлардан чиқариб юбораман! Беданаларнинг ҳаммасини чиқариб юбораман! Қаёққа учиб кетишса кетаверишин!» деб хулосаланди, кейин нега бурун шундай қилмаганини, бояги хўрозлар жанги таассуротидан сўнггина бундай тўхтамга келганини ўйлади. «Бировнинг камчилигини кўришга устаси фарангсан, Аппон, аммо-лекин ўзингнинг айбинг шунча маҳалдан бери кўринмай келувди», дея ўзини тергади, барча тўрқовоқларни супага жамлади, ичидаги беданаларни бирин-сирин чиқариб юбораверди. Улардан бири кўча тарафга, иккинчиси ҳовлининг орқасидаги жарликка, учинчиси девордармиён қўшниникига учиб кетди. Охирги иккитаси, бири сариқ бедана эди, олисга учмай, уй рўпарасидаги сўрига бориб қўнди. Аппон чол ердан кесак олиб, ўша ёққа отди.

— Ҳушт, ҳушт, ҳушт-е, баччағар! — дея чапак чалиб қувган бўлди, шунда ҳам учавермагач, яна бир марта кесак отди. Беданаларнинг бири жарлик тарафга кўтарилди, сариқ бедана эса отасининг уйи олдида-

ги гулзорга учиб тушиб, райҳонлар орасида ғойиб бўлди. «Кеч киришига ҳали вақтли-ку! Учиб кетар энди!..» деди Аппон чол, шунда ҳам кўнгли ўрнига тушмади — хавотирланишда давом этаверди: «Мушук-пушук тутиб еса-чи? Унда нима бўлади?» У шу хаёл билан гулзорга яқинлашди-да, райҳонлар орасини титди.

Янги ўчоққа нариги ўчоқдан хокандозда чўғ олиб келаётган Дилбар отасининг қилаётган ишидан тааж-жубланиб сўради:

— Ҳа, тинчликми дада? Нега беданаларни чиқариб юбордингиз?..

— Даданг шунақа бўп қолганлар, боя айтувдим-ку сенга, — дея чолининг устидан боз шикоятланди Сора кампир.

Аппон чолга кампирининг орага суқилиши ёқмади. Шунинг учун ҳам унинг ҳасратига эътибор бермаган қилиб кўрсатди ўзини.

— Бу жониворлар ҳам эркинликка чиқсин-да! Етар шунча тўрқовоқда яшаганлари! — деди у қизига, сариқ беданани қидиришда давом этди. — Учиб кетаверишсин, истаган тарафларига учиб кетаверишсин!..

— Қизиқ экансиз, дада?! Булар тўрқовоқда туриб сайрайди-да, ахир!..

— Шунча сайрагани етади, қизим! Буларам сал бўлса-да, яйрасин!.. — сўзида қатъий турди Аппон чол, шу маҳал ёнидаги жўяқдан сариқ бедана «пир» этиб тепага кўтарилди-да, пахса девор оша кўчага учиб чиқиб кетди. Аппон чолнинг кўнгли ўрнига тушди.

— Мени айтди дерсиз, дада, бу беданаларингизни битта-яримта тутиб олади.

— Зора сен айтгандай бўлмаса, — дея умид қилди Аппон чол, у ўзининг тутган йўлидан мамнун эди. — Эркинликка нима етсин, қизим!..

Дилбар отасининг гапига ҳайрон бўлди. Ундан норозиланиб бош тебратди-да, яна ўз ишига уннай кетди.

Аппон чол беданалардан бўшаган тўрқовоқларни супадан олди-да, сўрининг бағазига қатор қилиб илди, ариқда қўлини ювди, аср намозини ўқиш учун уйга йўналди...

Эртасига эрталаб куёви Файбулла ошнасининг «Жи-гули»сида келди-да, бирпас ўтирган бўлиб, Дилбарни олиб кетди.

Чол-кампир яна ёлғиз қолишди...

Аппон чол аср намозини ўқиб бўлгач, Раҳмонбердининг қозон-ўчоғини олиб чиқиб беришда ёрдамлашсин учун қўшни болалардан битта-яримтасини чақириб келгани ташқарига йўналди. Бахтта қарши, кўчада қўшни болалардан биронтаси ҳам кўринмади. У «энди нима қилдим?» қабилида дўпписини қўлига олиб бош қашиб турганди, Толкўчадан шу ёққа келаётган Абдулазизга кўзи тушдию юраги галати уриб кетди. Гарангсиради, нима қилаётганини ўзи ҳам идрок этмай, эшикни тарақлатиб ёпиб, ҳовлига қайтиб кирди.

Сора кампир қизи кейинги сафар келганида саваб беришга ваъда қилган эски пахталарни офтобрўя айвон саҳнига олиб чиқиб, устига тўртта савағич қўйиб, бир қулоқли тўгарак ойнагини кўзига тақишга чоғланаётганди, чолининг ёв қувлагандай қайтиб кирганини кўриб таажжубланди.

Аппон чол кампирининг қараши маъносини сезгани учун ҳам ўнғайсизланди, унга нима дейишини билмагани боис, шоша-пиша тутал сўзланиб:

— Кўчада бола-бақра кўринмайди, Сора. Ҳалироқми, эрта-пертами опчиқиб берилар, — деди, хаёлидан эса: «Абдаз шу ёққа келаётган бўлса-чи? Меникига кириб кеп қолса-чи?!» деган хавотирли ўй ўтди, ўтдию *Ишни хом қилман-га!* Эшикни *тамбалаб келмайманми-я!* — деб сўзланди, аммо унда кампири у кимдандир қочиб кирганини пайқаб қолишини ўйлаб, бу ишни қилмаганига бир ҳисобда севинди, ортига бир қараб қўйди-да, энди уйга кириб кетишликни мўжжалаб турганди ҳамки, кўча эшик гирчиллаб очилиб, остонада Абдулазиз кўринди.

У ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч нарса билмагандай йўсинда:

— Аппон-ей, ҳов Аппон! — дея шанғиллаб уни чақирди-да, ҳовлига тушиб келаверди.

Аппон чол Абдулазизни қувиб чиқармоқчи бўлди-ю, аммо ёдига отаси, отасининг арвоғи билан бўлиб ўтган мусоҳаба тушаверди: *Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанг!..*

«Бу бадбахтнинг нимасига Карам кўрсатиш керак, нимасига?!» У мазкур мулоҳазага бориши ҳамоно яна арвоҳнинг гапи дилидан ўтди: *Унда сен билан Абгазнинг орасида фарқ қолмайди, болам!.. У ана шу фарқнинг қолиши учун ҳам Абдулазизни қувиб чиқармасликка аҳд қилди, у ана шу фарқнинг бўлиши учун ҳам уни ҳовлидаги супага эмас, ичкари уйга бошлади.*

— Манави супа тузукмасми, Аппон. Шу ер баҳавороқ экан, — деди Абдулазиз, у Аппон чол қовоқтумшуғини осилтириб олганини, ўзининг қадамранжида қилгани ошнасига ёқмаганини сезса-да, сезмаганликка йўйди.

— Йўқ, Абдаз, сени ҳовлига ўтқизиш уят бўлади. Сен унақа-бунақа меҳмонмассан, — деди Аппон чол, бу кесатиғи орқали Абдулазизнинг кейинги маҳалларда «юрт ўртасида обрў қозонишга интилиши»га ишора қилганди.

Абдулазиз пихини ёрган одам эди, у Аппон чолнинг ушбу қочиримига ҳам эътибор бермаган бўлди. Ўз таклифида собит туриб, эътироз билдиришнинг ҳам мавриди эмаслигини пайқаб, унга эргашди.

Сора кампир хонтахта атрофига беқасам кўрпачаларидан тўшади, пар болишлардан олиб чиқиб қўйди, шунинг бараварида Абдулазизнинг, кампири ва болачақаларининг ҳол-аҳволини сўради.

Аппон чол кампирининг Абдулазиз билан қуюқ сўрашишига ўзини эътибор бермаган қилиб кўрсатса-да, ҳақиқатда ич-ичидан аччиқланаётганди.

Сора кампир дастурхон ёзди, патнис тузаб чиқди, қизи иккови пиширган бўғирсоқ, қуштили, варақи, юпқа, чакчаклардан ликопчаларга солиб олиб кирди, фамил чой дамлаб келиб, аввал Абдулазизга, сўнг Аппон чолга қуйиб узатди. Чоли Абдулазизнинг ташрифидан мамнун эмаслигини туйиб: «Нега ошнасини хушламай қаршилади экан? Нима бало, ораларидан гап қочганми?», дея мулоҳазаланди, мулоҳазаландию уларни холи қолдириб чиқиб кетди.

Орага жимлик чўқди. Анчагача на Аппон чолдан, на Абдулазиздан садо бўлди: ҳар икковлари мум тишлаб ўтиравердилар.

Ниҳоят Аппон чол сўз бошлади:

— Хўш, Абдаз, ишларинг қалай?

Абдулазизнинг иягига қадар торайиб кетган бу-жур, серсоқол юзида ясама табассум ўйнади. У Алпон чолнинг сўроғидаги кинояни эътиборга олмади, эътиборга олмади эмас, балодай эътиборга олдику-я, аммо ўзини эътиборга олмаган қилиб кўрсатди:

— Ёмонмас. Ўзинг қалайсан, Алпон? Ўзинг ҳечам кўриниш бермайсан? Тунов кунги учрашувимиз демаса, сўнгги марта кўришганимиз ҳарбий комиссарликда эди шекилли? Ордено муносабати билан борганимизда эди шекилли?..

Абдулазиз ҳарбий комиссариатдаги воқеани эслатиб Алпон чолнинг тилини қисиб кўймоқчи эди. Зеро у телевизордаги чиқишини қоралагудай бўлса: «Орден олганимни кўролмаганинг учун шу гапни қиялсан!» дейиши мумкин эди-да!..

Буни Алпон чол сезди. У ҳам жўрттага ўша воқеага ишора қилиб:

— Ҳа, ўшанда эди. Сенинг тунов кунги меҳмонинг мени бошқа куни чақирамиз деб қайтариб юборган куни эди, — деди.

— Шунинг учунам ўтган куни Қаҳрамоновга ўша воқеани эслатдим-да, — деб тугал сўзланди Абдулазиз, сал ўзини қўлга олди, юзи хиёл ёришди. Аввалги кундагига ўхшаб Алпон чолга яхши кўриниб олмоққа тутинди: — Ўша орденини бермаса ҳам сенинг урушда қандай жанг қип келганингни биламан-ку! Ҳа, дарвоқе, бирда телевизорга чақиринганди. Қуршовда қолиб кетганларимизни, «Туя» тепалигини олишдаги қийинчиликларимизни гапириб бердим. Сениям тоза мақтадим...

Алпон чолнинг қони қайнаб кетди. Қони қайнаб кетганини унинг авзойи янаям тундлашиб, бет мускуллари, юпқа ва қалин оралиғидаги қовжироқ лаблари пир-пир учганидан, чой ушлаб турган сертомир кўли ғайришуурий тарзда тебраниб кетганидан ҳам билиш қийин эмасди. У ҳозир: «Сен, ахир, ёлгон сўзладинг-ку, ярамас! Одамларни ўзингнинг лўттибозликларингга инонтирмоқчи бўлдинг-ку! Нега бу ишни қилдинг?! Нега бизларни юрт олдида уялтирддинг?!» дейдиган бўлса, Абдулазиз ҳеч бир андиша қилмай, «Майор Қаҳрамонов сени қайтариб юборгани, менга эса

биринчи даражали Ватан уруши орденини бергани учун шундай деяпсан!» деб туриб олиши муқаррар эканини туйди, шунинг учун ҳам юқоридаги гапни айтолмади, аламини ичига ютди-да, қисқагина қилиб: «Ҳа, кўрдим», дейиш билан чекланди.

— Шу кунда дегин, бир мухбир йигит қаттиқ ёпишиб олди. Газетага сизлар ҳақингизда катта мақола ёзаман, дейди, — у Аппон чолни ўзининг сўзларига қизиқтирмоқчи бўлди. — Тагин дегин, суратларингниям босиб чиқарамиз, дейди...

— Хўп, мана шу гапни менга айтиш учун бу ерга келдингми? — қизишди Аппон чол, унга очикдан-очик хўмрайиб боқди.

Абдулазиз бошида эсанкиради, йўқ, яна тезда ўзини қўлга олди. Пиёласидаги чойдан бир-икки хўплади, жойига янаям ўрнашиб ўтириб олди.

— Дарвоқе, бир янгилик бор, — деди у, Аппон чолнинг диққатини ўзига жалб этмоққа ошиқиб. — Шокирникига борувдим, у Молдахматни кўрганини айтди, биз билан бирга жанг қилган Молдахмат-чи? У ҳаёт экан! Мен уни аллақачон ўлганга чиқариб юборувдим...

«Шунинг учун у кўрсатган жасоратни ўзингники қилиб олган экансан-да!»

— У қаердалигини айтдими Шокир? — сўради Аппон чол, бу хабарни Абдулазиз қувонч билан дараклаётганидан изтиробга тушди. «Ё тавба! Ё алҳазар!.. Шокирнинг аҳволини кўриб-билиб, Молдахматнинг қамалганини ундан эшитиб, буни гўё хушхабардек менга етказяпти-я! Уларга ҳамдардлик билдириб сўзлаш ўрнига, бу янгилик билан менинг кўнглимни кўтармоқчи, мени чалғитмоқчи бўляпти-я!..»

— Ҳа, айтди. У қамалиб қопти, — деди Абдулазиз, бу гапни гапираётганида на юзида, на сўзлаш тарзида Молдахматга нисбатан ачиниш ҳисси сезилмади. Унинг ана шу ҳолати Аппон чолни баттар ғазаблантирди.

— Нима учун қамалганини Шокирдан сўрадингми?

— Колхознинг қўйларини сувда оқизиб юборипти экан.

— Шунақа эканми?

— Ҳа, шунақа деди Шокир.

— Колхознинг қўйларини Молдахмат эмас, сел келиб оқизиб кетган, сел!..

Абдулазиз унга «нега менга ўшқирасан?» дегандай нигоҳ қадади.

Аппон чол унинг қараши мазмунини туйгани учун овозини бир баҳя пасайтирди.

— Шокирнинг оиласида ҳам бахтсиз ҳодиса юз берганини эшитгандирсан?

— Ҳа, эшитдим. Ўғли машинасида одам босиб оптимиш.

— Шунини билиб туриб: «Мухбирга уруш ҳақида сўзлаб берайлик, газетага суратга тушайлик», дедингми?!

— Йўқ, уни қистовга олганим йўқ. Индамай қайтиб келавердим, — ўзини айбсиз қилиб кўрсатишга уринди Абдулазиз, Аппон чолга «сенам уникага борибмидинг?» қабилида синовчан тикилди, ликопчадаги қуштилидан олиб пиёласига ботирди.

— Шокирни қистовга олмаган бўлсанг, мени қистовга оларкансан-да, а Абдаз? — деб истехзоли кулди Аппон чол.

— Шунинг учун олдинга келдим, — мулоҳаза қилиб ўтирмай жавоб қайтарди Абдулазиз. — Тунов кунини эди шекилли, мен йўғимда тагин уйга кеп кетипти. Мухбир халқи жуда хира бўларкан, дегин, ҳеч тинч қўйма-япти. Сен газетасига бориб овора бўлмайсан, унинг ўзини шу ерга опкеламан. Фақат у-буни айтиб берайлик, иннайкейин, бирга суратга тушайлик...

Аппон чол аччиқ киноя билан:

— Иккаламиз машҳур бўларканмиз-да, а Абдаз?! — деди.

— Ҳа-да! — унинг қочиримини тўғри қабул қилгани важи севинди Абдулазиз.

Аппон чол жиддий тортди. Қўлидаги пиёлани тақ этказиб дастурхонга қўйди. Чуқур хўрсинди. Абдулазизнинг чоғир кўзларига, катта қирғий бурнига, бурун катакларидан ўсиб чиққан мош-гуруч тукларига узоқ тикилиб турди. Йўқ, у Абдулазизнинг на чоғир кўзларини, на қирғий бурнини ва на бурун катакларидан ўсиб чиққан мош-гуруч тукларини кўрди, у фақат нигоҳини шу нуқтага қаратганди холос, кўзига эса

оч-ҳаворанг ҳалқачалардан бўлак ҳеч вақо кўринмасди.

Аппон чол юмшоқ, унга ачингандай оҳангда сўради:

— Сенга бу нарсаларнинг нима кераги бор, Абдаз?

— Қайси нарсаларнинг? Нимани назарда тутясан?! — ўсмоқчилади Абдулазиз.

— Ўзингни гўлликка солма. Ҳаммасини яхши билиб турибсан.

— Нимани?

— Қариган чофингда нима кераги бор шу ишларнинг? — Аппон чол «ёлғон-яшиқ ишларнинг» демоқчи бўлди-ю, айтолмади, андишага борди, сўнгра ўзининг андишага борганига фижини келди.

Абдулазиз ўзини ночор аҳволга тушганга солиб зорланди:

— Ҳеч бўлмаса қариганимда одамларга ўхшаб яшай, Аппон.

— Бурун одамларга ўхшаб яшамовмидинг?..

— Мен жила қурса қариганимда оғзим ошга етсин, қарилик гаштини сураин деяпман! — изоҳ берди Абдулазиз. — Шунинг учун одамларга ўхшаб яшай деяпман!..

— Ойнаи жаҳонга чиқсанг, газетада мақталсанг қарилик гаштини сурган бўлсанми? А?..

— Э, сен содда экансан, Аппон! — унинг устидан кулди Абдулазиз. — Кўкрагингни орденга тўлдириб телевизорга чиқсанг, суратинг газетада босилса, эл-юрт ўртасида тилинг узун бўлади, ҳукуматдан бир нима ундириш осонлашади. Шуниям билмайсанми? Шуниям айтишим шартми сенга?..

— Сен нима ундирдинг? — ўзини қизиққанга солди Аппон чол. — А, нима ундирдинг ҳукуматдан?!

— Военкомат қоғоз қибарувди, ижроқўм навбатсиз «Жигули» берди — Азизга обертдим! Мановиниям ундирдим, — дея кўйлагининг киссасига қўл суқди Абдулазиз, шалдироқ хитой қоғозга ўралган қизил ҳужжатни чиқарди. — Горсобездеаги бошлиқ телевизорга чиққанганимни кўрган экан дегин, ҳурматимни ўрнига қўйди. Сиздақалар санокли қолди ота, сиздақаларнинг қадрига етишимиз керак, сиздақалар бўлмаганда мана бундай курсиларда талтайиб ўтиришимиз қаёқда

эди, деб, оғзимдан чиқмасидан тўғрилаб берди, энг катта бошлигининг ўзи тўғрилаб берди. Аптобусда, троллейбусда, анови оти қурғур... трамвайда бепул юра-вераман. Тагин бошқаларни текширишга ҳам ваколат берилган. Масалан, сен, Аппон, аптобусга чиқдинг-а? Мисол учун-да!.. Мен «ҳой, Аппон, паттанг борми? Қани, кўриб қўяй-чи паттангни?» деб сўрашга ҳақлиман, негаки мана бу бор — қизил кинишка... ана шунақа ошна. Тошқанднинг энг катта дўкони бор-ку, ГУМ, шу ерга биркитиб қўйилганман, истаган кийим-кечагимни олиб кийишга ҳаққим бор. Газетага чиқиб олай, ҳали ижроқўмнинг раисига кираман. Уй беришини талаб қилиб кираман. Хабаринг бор, иккита ўғлим бир жойда яшайди, улардан бирини чиқариб юбормоқчиман. Сен эса «қарилик гаштини сурган бўласанми?» дейсан...

Аппон чол Абдулазизга нафрат билан қараб турарди. У ортиқ чидолмади — портлади.

— Ана шу майда ҳою ҳаваслар учун телевизорга чиқволиб юртга ёлгон сўзлаган экансан-да! А, шундайми, шулар учунми?..

Абдулазиз ҳам бўш келмади, ўзини тутатқандай қилиб кўрсатди:

— Оғзингга қараб гапир! Юртга нима деб ёлгон сўзлабман?!

— Астаффирулло! Мусулмонсан-а, Абдаз?!

— Мусулмонлигимни пеш қилма, Аппон! Ўзингчи?..

— Худога минг қатла шукр, мусулмонман!..

— Менам шундай

— Сен шундай бўлганингда, бунчалар паст кетиб, ёлгон гапирмасдинг!.. Ўшанда ўрис комбат сени, Шокирни, Сакенни «Туя» тепалигига кетаверишдаги майдон миналаштирилган-миналаштирилмаганини аниқлаш учун текширувга юборганида, сен тумов бўл қолганингни баҳона қилиб олувдинг, ўрнингга Молдахмат жўновди. У ердан қайтишда Молдахмат икки еридан ўқ еганди, бу менинг хотирамда жуда яхши қолган. Қўлинггайм ўзинг нон қўйиб туриб отгандинг. Сен ўртани обораётганга нима дединг? Уялмай-нетмай: «Душман ўқи бармоғимни учириб ўтди», дединг-а?!.. Бу майли, бу ўзингнинг виждонингга ҳавола, лекин,

Сакен билан Молдахматни Минск яқинида, қанақасига сен санчагга опичиб обординг? У ерга, ахир, бошқа одамлар опичиб оборишмаганмиди?! — у «мен ва Шокир опичиб оборгандик-ку?!» дейишликни ўзига эп билмагани важи юқоридаги жумла билан қаноатланганди. — Иннайкейин, ўшанда сенам яралангандинг-ку?! Сениям Шокир санчагга элтиб қўйиб эди шекилли? Ё нотўғрими гапим?..

— Э-э, шунга шунчами? — ясама табассум билан жавоб қилди Абдулазиз. — Мен бирор каттароқ гуноҳ иш қип қўйипманми депман!..

Аппон чол янаям дарғазаб бўлди:

— Нима, бу катта гуноҳмасми?!

— Телевизорга биринчи марта чиқишим бўлса, гапдан адашиб кетгандирман-да энди! Қаричилик!.. Шунгаям ота гўри қозихонами?..

— Ўзингнинг зарарингга адашмайсан-а!..

— Гапим сал қизиқроқ чиқсин девдим.

— Гапим сал қизиқроқ чиқсин деб, мана шу оппоқ соқолинг билан ўша кунларимизни оёғости қиласанми? Тагин «мусулмонман» дейсан-а оғзингни тўддириб!..

— ...

— Порси ўғри деганни эшитгандирсан?..

— Қайси Порси ўғрини? — эслолмай сўради Абдулазиз, шу билан бирга: «Аппон Қобилжондан ололмаган ўчини мендан оляпти. Буни ўтган куни унинг олдига ўзини йўқотиб қўйганидаёқ сезувдим», деб мулоҳазаланди, мулоҳазаландию *Ана шу гапни албатта бетига айтаман, мавриди етиши билан айтмай қўймайман*, деб кўнглига тугди.

— Порси ўғрини-да! Эсингда бўлса, болалигимизда отини гижинглатиб келарди-ку Чуқурсойга, бир тўда йигитлари билан?..

— Хўш?..

— Қумлоқда бир чегачи бор. Толиб ака деган. Дарвоқе, сенам танийсан уни, чойнакларингни чегалатишга оборган экансан, ўзи айтиб қолди. У бир пайтлар ана шу Порси аканинг йигитларидан бўлган. Шу одам улар занжирлилик бир заргарникига ўғриликка тушишганини айтиб берди. Порси ўғри ярим кечада заргарнинг омборига Шайхонтахур жарлиги тарафдан ўйиб

кирибди. У билан уч-тўртта йигит ҳам бор экан, қолганлари ташқарида пойлоқчилик қилишибди. Омборда олтита хум турганмиш. Улардан бирида ёғ, иккинчисида дон, учинчисида ун, тўртинчисида мош, бешинчисида яна бир нима бор экан. Ниҳоят, сўнгги олтинчисини очибди. Шакар деб ўйлаб ялаб кўрса, ҳалиги шакар эмас, туз бўлиб чиқибди...

— Туз?!

— Ҳа, ўзимизнинг ош тузи бўлиб чиқибди!

— Э, чакки бўпти-ку!..

— У нима қипти дегин?

— Нима қипти?

— Бу хонадоннинг тузини яладим, демакки меҳмони бўлдим деб, ҳеч нарсага тегмай, шерикларининг қўлини ҳам ҳеч нарсага урдирмай, қандай кириб келган бўлса, шундай чиқиб кетибди. Ҳаттоки ўйган ерини ўзидай қилиб суваб ҳам қўйибди.

— Э-бе, жуда ғалати иш қипти-ку Порси ўғри деганинг! — кинояомуз илжайди Абдулазиз, бош чайкаш орқали ундан норозиланганини ифшо этди.

Аппон чол Абдулазизга Порси ўғрининг тутган йўли ёқмаганини сизди. Унга ачиниб, айна пайтда хуноби ошиб қаради. Индамай чой ҳўплади...

Бир маҳал Сора кампир чинни лаганда буғи чиқиб турган палов кўтариб кирди. Ликопчада устига райҳон тўғралган аччиқ-чўчук ҳам олиб келди. У эҳтиётланиб, уларнинг суҳбатини бўлиб қўйишдан чўчигандай қимтини кириб, худди шу тарзи оҳиста чиқиб кетди.

Ошдан сўнг Абдулазиз қорни тўйганининг шаҳодати сифатида дон тиқилган товукдай бўйнини чўзиб кекирди. Аппон чолдан сўради:

— Беданаларинг кўринмайди, Аппон? Сайраб тургувчи эди?..

Аппон чол ўйланиб ўтирмай:

— Қўйиб юбордим. Ҳаммасини учуриб юбордим, — деди.

Абдулазизнинг сичқон бетини эслатуви учбурчакка монанд юзига қизиллик югурди. У ярим муғамбирона жилмайиб деди:

— Э-э, унда сеники экан-да! Азизнинг ўғли, неварам, кеча битта бедана тутиб кепти. Қаердан олдинг

десам, Толкўчадан тутволдим, деган гапни қилди. Сарик бедана эди...

— Сарик бедана бўлса, ўша сенинг макиёнингдан енгилган беданам экан-да, — дея пичингнамо сўз қотди Аппон чол.

Абдулазиз унинг киноясига эътибор бермаган бўлди.

— Ўзимам шундай деб ўйловдим. Опкеб берайми?

— Йўқ, сенга мендан эсдалик, — тагдор қилиб кулди Аппон чол. — Мени эслаб юрарсан...

— Раҳмат, — унинг мурувватидан севиниб кетди Абдулазиз.

— Ҳа, айтмоқчи, сен Тиллага анави шайтоннинг ичимлигидан берма. — Аппон чолнинг юзи боз тундлашиб, Абдулазизга еб қўйгудек ўкрайди. — Ўша куни шуни айтаман деб уйингга борувдим. Йўқса қадамимни босмасдимку-я.. Ўғлинг анави майор билан келдию гапим оғзимда қолиб кетди... Иннайкейин, болага оғир ишларни ҳам буюрма. Яримталиги етади ўзига.

— Қайси Тиллани айтяпсан?

— Анорматнинг жиянини.

— Тилла девонаними?

— Ҳа, ўшани.

Абдулазиз ғайришуурий равишда кулиб юборди. Кулгиси Аппон чолга ёқмаганини сезса-да, ундан тўхтамади, баттар авжига минди. Кўзлари ёшлангандан-ёшланди. Чўнтагини ковлаб дастрўмолини олди.

— У нима қипти дегин? — дея кўзёшларини рўмолчасининг бир учига артди. Аппон чолнинг «Тилла нима қипти?» дегандай нигоҳ қадаб турганини кўргач, сўзида давом этди: — Бўривой бор-ку, керосин сотадиган Бўривой, мозорнинг кўчасида яшайдиган? Шунинг отини ўғирлабди-я!..

Унинг сўзлари Аппон чолни ижирғантирди.

— Бундай бўлиши мумкинмас! Тилланинг қўлидан ўғрилиқ қилиш келмайди! Уни мен жуда яхши биламан!..

— Нега ишонмайсан? Кеча кечқурун шундай иш қипти! Ўзим гувоҳи бўлдим-а!..

— Кўп алжима, Абдаз! Тилланинг қўлидан ўғрилиқ қилиш келмайди, деяпман-ку сенга!..

Абдулазиз Аппон чолга «нега гапимга ишонмайсан?» қабилида боқди, боқдию боз қиқирлаб кулишга тушди.

— Меникига кепти ана шу отда! Эшитяпсанми, менинг неварамни, Азизнинг қизини опқочмоқчи бўлиб кептимиш! Девонанинг ишига қара! Отда Иқболни опқочмоқчи бўп кептимиш-а? Шу иссиқ кунда эгнига нима кийиб олибди дегин? Эгнига сариқ почапўстин, бошига ғалати сувсар теллак кийиб олибди! У нарсаларниям битта-яримтаникидан ўмариб чиққанми, худо билади?!

— Ҳеч қаердан ўмарган эмас! Пўстин ва теллакни унга мен тортиқ қилганман! — Абдулазизнинг ҳадеганда Тиллани айбситаверишидан ғазабга минди Алпон чол. — Иннакейин, Бўрингнинг ўзи кеча уни отга миндиришга ваъда берганди, хўроз уриштираётганида. Тилла бекордан-бекорга бировнинг отига тегмайди.

— Бўривойнинг ваъда берган-бермаганидан хабарим йўқ-ку, лекин пўстин ва теллакни чиндан унга тортиқ қилдингми? — деб сўзларига ишонқирамай сўради Абдулазиз.

— Ҳа, мен совға қилдим. Дадам раҳматлиники эди, — деди Алпон чол.

— Э-ҳа, шундан экан-да Бўривой тортиб олмоқчи бўлганида унга жон-жаҳди билан ёпишиб қўлини тишлагани.

Алпон чолнинг юраги ғалати увушиб кетди.

— Нима, Бўри пўстинни тортиб олмоқчи бўлдингми? — деб сўради у, хаёлидан эса: «Бўри бу ишни жўрттага қилган! Ҳа, ҳа, Тилла боёқишни ёмон отлига чиқариш учун «отимни ўғирлади» деб гап тарқатган! Бунақалар ўзларининг палид мақсадлари йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан ҳам қайтмайдилар! Ҳаммасига Бўрини Тиллага олқишлаган бузуқ синглинг сабабчи! Ҳа, ҳа, ҳаммасини ўша фосиқ Салтанат бошлаган!», деган ўй ўтди, ўтдию *Айтмовмигим, булар Тиллани бир балога гирифтор қилмасалар гўрга эди, демовмигим*, деб сўзланди. Бўривойнинг ҳасадгўйлигини ошкор этувчи совуқ, мутакаббир башарасию «фақат ўзим бўлай» қабилидаги гап-сўзлари, Салтанатнинг беҳаёларча боқувчи катта-катта, кўкчил кўзларию ўзини бозорга солиб ясан-тусан қилиб юришлари бир онда кўзи олдидан ўтди. Уларни, улардан бир туки ўзга бўлмаган ёнидаги Абдулазизни лаънатлагандан-лаънатлади.

— Пўстин билан телпакниям худди отга ўхшаб битта-яримтаникидан ўғирлаб чиққан деб ўйлади Бўривой, ундаям айб йўқ!..

— Тилла мен берганимни айтмадими? — деди Аппон чол, хаёлидан эса: «Бўри шу баҳонада Тилладан почапўстинни ҳам тортиб олмоқчи бўлган», деган ўй ўтди, ўтдию Унинг кўзи очлигини, ҳеч бир андишасиз бировнинг нарчасини ўзлаштириб олиш оғати бор эканини кеча ўзим эшитдим-ку!.. У пўстинниям ўзиники қилиб олмоқчи бўлган-га!.. деб сўзланди.

— Айтмади. Аммо-лекин девона бўлсаям пишиқ экан. Бўривойга бермади уларни.

— Ҳозир у қаерда?

Абдулазиз унинг сўроғидан кулимсиди.

— Қизиқ экансан-ку! Туппа-тузук одамларнинг уйига келиб қизини ўғирламоқчи бўлса, бировнинг фалон пуллик отини боғлоғлик турган еридан ечиб олиб чиқиб кетса... нима, шаҳар бедарвоза эканми?..

— Унинг кўлидан қиз ўғирлаш келмасини мендан яхши биласан-ку ахир!..

— Девонага ишониб бўладими? Ўзи шундоқ ҳам Иқболхон кўчага чиқишга чўчийдиган, Тиллага дуч келишдан кўрқадиган бўп қолувди!..

Аппон чолнинг кўнглини нохуш туйғу чулғаб олиб, безовталангандан-безовталанди. Дўқ ургандай йўсинда сўради:

— Тилла қаерда деяпман?!

— Бўривой билан Азиз мелиса чақирришди. Тоғаси Анорматниям топиб келишди. У Тиллани эплотмаслигини айтиб: «Нима қилсангиз қилинглар, мениям жонимга тегди!» деди. Ҳа, айтмоқчи, Салтанатнинг гапига қараганда, Тилла Анорматнинг ҳам киссасига бирикки марта тушган экан. У бечора буни яшириб келибди, бировга чурқ этиб оғиз очмабди шунчадан бери...

Аппон чолнинг фифони фалакка кўтарилди.

— Ҳаммасига сенинг Салтанатнинг сабабчи! Ҳаммасини ўша сатанг синглинг бошлаган!..

— Оғзингга қараб гапир! Нега синглимни бу ишга тикасан? Нима, синглим арпангни хом ўрганми?!

Аппон чол Салтанатнинг Анорматга хиёнатини, Бўривой билан хуфия дон олишиб юришларини ошкор этмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо бети чидамади, боз

устига жанжаллари янаям чуқурлашиб, авж олиб кетиши мумкинлигини ўйлаб қолди, шайтонга ҳай бе-ришликни афзал билди.

— Ҳозир у қани? Тилла қаерда деяпман?!

— Уни опкетишди, — деди Абдулазиз, Алпон чолнинг ўзи томон титраб-қақшаб қараётганига кўзи туш-гач эса: — Қамоққамас, жиннихонага опкетишди! Сой-нинг орқасидаги жиннихонага опкетишди! — дея изоҳ бериб уни тинчлантирди.

— Аблаҳсанлар! Аблаҳнинг ишини қипсанлар!..

Унинг ҳақорати Абдулазизнинг иззат-нафсини кўзгамай қолмади: ранги дам гезарди, дам қизарди.

— Нима, нима?! Оғзинга қараб гапир!.. Бир девонани деб неча йиллик ошнангни ҳақорат қиласанми?!

— Сен менга ошна эмассан! Менга сендақа ошна керакмас!.. Сен... Сен...

Абдулазиз қараса Алпон чолнинг важоҳати борган сари ёмон тарафга ўзгармоқда эди, бу, айниқса, унинг бет мускуллари пир-пир учиб, иягининг титрашида яққол кўзга ташланиб турарди. Унинг вужудини қўрқув қамради. Ҳозир Алпон мени уриб юборади ё бўлмаса ёнидаги пиёлами, чойнакни отиб қолади, деган хаёлга боргани боис, нолигандай овозда деди:

— Неварамни... Иқболхонни бир бало қип қўйса майлими? А, майли экан-да?

— Тур бу ердан, қорангни кўрмай! — уни ҳайдаш-га тушди Алпон чол. — Қани, бўл!

— Тўхта, тўхта! — деди Абдулазиз. — Қўрқма, қўрқма, кетаман!.. Бир девонани деб... Йўқ, сен девонани деб эмас, бу ерда бошқа гап бор! Ҳа, ҳа! Сен, биламан, ўша кундан бошлаб... ўша — мен орден олиб, сен қуруқ қайтган кундан бошлаб ўзгариб қолдинг! Ўшандан буёқ мени кўргани кўзинг, отгани ўқинг йўқ! Ўшандан буёқ сенга ёқмай қолдим! Телевизорга чиқи-шим ёқмайди, газетага ёзишмоқчи бўлишгани ёқмай-ди... яна, яна... — дедию бўлак гап оғзига келмади, ўрнидан кўзгалди, — қўрқма, кетаман, уйингда қол-майман, ҳа, ҳа, бир минута қолмайман! — У шундай деса-да, чиқиб кетолмади. Алпон чолнинг уйдан қуви-ши унга ёмон алам қилди. Яна нимадир деб уни «ча-қиб» олмоқчи бўларди-ю, аммо ғуборини аритадиган сўз тополмай қийналарди. У шу кўйи хийла серрайиб

турди. Бошини ҳам қилиб олган Аппон чолнинг «ўтир» деб қолишини кутгандай жойидан жилмади.

— Мени биласан-а? Мени ҳатто уруш йилларида ҳам орден қизиқтирмаганини яхши биласан-а?! Ўшандаям бу нарсалардан узоқда юрганман! Мени бошқа нарсалар қизиқтирган!..

— Беришганда-ку қизиқардинг-а? Сен эмас, катталар узоқлаштирган!.. — заҳарханда билан ҳужумга ўтди Абдулазиз, у шу йўл орқали Аппон чолдан аламини олмоқчи бўлганди.

— Чиқиб кет деяпман! — қўлига чойнак ушлаб янди Аппон чол. — Жўна бу ердан, юзсиз!..

Абдулазиз ўзича бир нималар деб валдираб уйдан чиқди.

Аппон чол жойидан жилмади. Бошини ердан кўтармасдан ўтираверди. Чойнак ушлаган қўли эса титрашда давом этар, шунинг баробарида бутун аъзойи бадани қизирди. У кампирининг қай маҳал кириб келганинию қай маҳал дастурхонни йиғиштириб чиқиб кетганини ҳам сезмади. У анчагача Абдулазиз билан ораларида бўлиб ўтган можарони таҳлил қилиб ўтираверди.

Бир маҳал ўрнидан қўзғалди. Айвонга чиқди. Ҳовлига тушди. Бўривойникига боришни, ундан эса носфурушникига ўтишни — учовларини аччиқ-тизиқ гаплар айтиб адабларини бериб келишликни, шунинг баробарида хумордан ҳам тарқашликни кўнглига олди-ю, аммо энди бефойда эканини, уларга дўқ-пўписа қилган билан Тилла қайтиб келмасини тушуниб етиб, шахтидан қайтди. Шалвираб супага келиб ўтирди...

У шу куни алла-палагача ухлай олмади. Анча ётди, кўзини юмиб кўрди, у ёнига ағдарилди, бу ёнига ағдарилди, бўлмади, охири ўрнида ўтириб олди, хаёлидан Абдулазизнинг тухмат гапи кетмади. «Барибир ўйлаганим бўлди: «Сен менинг орден олганимни кўролма-япсан!» деб айтди-я калтафаҳм!» дея мулоҳаза юритди, мулоҳазаси кетидан *Қаёқданам у ювуқсизни ҳовлига киритдим-а!* — деб сўзланди, сўзланиб бўлмасидан кўкрагига игна санчилгандай бўлди. У қўли билан ўша ерини пайпаслади. «Юракка ўхшайди! Ҳа, ҳа, албатта юрак-да!» деди, ўша гавғони фаромуш қилишга чоғланди, аммо ухдалаёлмади, Абдулазизнинг совуқ, сурбашараси, куракда турмайдиган иддаосию номақбул

сўзлари ҳадеганда кўз олдидан ўтишини қўймасди. У нима қилишини билмади. Шу маҳал қўшни хонада кампири эснаб, ҳомуза тортди. Унинг ҳам уйқуси қочгани аниқ эди. Аппон чол деразага қаради: ҳовлини ой нури ёритиб турарди; ой нурига фарқ бўлган ҳовлига термилган кўйи хаёл суриб қолди. Баногоҳ сураётган хаёли бояги можарога тааллуқли эмасини, хаёли ой нури ҳовлига ўзгача бир файз киритиб, уни сеҳрли, сеҳрли эмас, сирли қилиб юборгани ҳақида эканини ҳис этди. Шу дам негадир ҳовлига чиққиси келиб кетди. Ўша сирлиликда ўзи ҳам бўлишни, ўша сирлиликка ўзи ҳам сингиб кетишни истаб қолди. Вужудда ғалати, ёқимли истак хуруж бошлаганига ажабсинса-да, ўрнидан қўзғалди, қозикда илиғлиқ турган яланг қават тўнини олиб елкасига ташлади, битта-битта қадам қўйиб кичик уйга чиқди. Кампирнинг юзини ой нури ёритиб турганини кўрди. Ой нурида кампирининг ажин босган юзи ойдек бўлиб кўринди. Ой нурида кампири мозийда қолган, ўша чимилдиққа кирган кундаги ойдинга ўхшаб кетганди...

— Сора, Сора, — деди у энгашиб. — Сора, ухляпсанми?..

Сора кампир дарров жавоб қилмади, салдан кейин кўзини очмай туриб:

— Ҳа, нимайди, — деди.

Аппон чол сўл кифтидан тушиб кетган тўнини кўтариб қўйди. У яна сурилиб тушиб кетгач эса, эгнига кийиб олди, тагин кампири томон энгашди-да:

— Сора, сени шу пайтда жуда яхши кўриб кетяпман, — деб шивирлади, айна лаҳзада кайфияти кўтарилганини ҳис этди, кўкрагидаги ҳалиги санчиқ ҳам қайгадир йўқолганди.

Сора кампир кўзини очди. Сийрак қошлари пастбаланд чимирилиб, қаншарида тугунча ҳосил бўлгани элас-элас кўринди.

— Ғалати, ёшингизга ярашмайдиган гапларни қиласиз-да! — деди у чолидан норозиланган бўлиб. — Анави куни «Аппон ака» дегин деб ансамни қотирувдингиз, энди бўлса...

Кампирининг таънаси таъсир этиб, Аппон чолнинг руҳи тушиб кетди. У яна аввалги кайфиятига қайтди.

— Сора, Сора, — деб кампирининг тирсагидан туртди. — Сора, кўзингни юмма!..

— Ҳа, нима дейсиз? — ўлганининг кунидан кўзини очди Сора кампир.

— Улар Тиллани жиннихонага бердириб юборишибди. Эшитяпсанми, Сора?..

— Улар деганингиз ким?

— Абдаз, ўгли Азиз, Бўривой... Анорматам уларнинг ёни бўпти. Биламан, бари Салтанатнинг иши. Анорматни у қайраган. Нос олгани борганимда, Тилла шаънига бўлмаган бўҳтонлар тақаб, эрига уни ёмонлаётгани қулоғимга чалинувди. Ахир ниятларига етишибди, ҳаромилар...

— Шунинг учун уйдан қувиб чиқардингизми ошнангизни?

— У менга ошна эмас. Уни ошнангиз дема.

— Улғаям кунларда бировнинг дилини оғритдингиз!..

— Улар Тиллага жабр қилишибди. Уям инсон-ку?! Уям... униям бировга кўнгил қўйишга ҳаққи бор-ку, Сора!..

Сора кампир жавоб қайтармади. Сора кампирнинг кўзи яна уйқуга кетганди...

Аппон чол айвонга чиқди, оёғига калишини кийиб пахта тушди. «Тиллага жабр бўпти» деган ўй хаёлидан кетмади. «Эртага, йўқ, эрта қолдимиз, алақачон бугун бўлди-ку, бугун кундузи бораманда, уни қандай қилиб бўлмасин у ердан опчиқаман. Уларга айтаман: бунинг қўлидан от ўғирлаш келмайди, бу Абдазнинг неварасини яхши кўриб қолгани учун шу ишни қилган, имоним комилки уни ўғирлаш етти ухлаб тушига кирмаган, дейман. Тиллани қандай қилиб бўлмасин у ердан опчиқаман», деб муҳокама юритди, муҳокамаси поёнига етмаган ҳам эдики, ҳовли устидан сузиб ўтган баркашдай ойга кўзи тушди. Ой эмас, ой эмас, булутлар сузиб ўтди, ой ҳалиям жойида, юлдузлар ўртасида ярақлаб турибди, деди, кейин хаёлига: «Тиллани қутқаролмасам-а?! Тилла жиннихонада қоп кетса-я?!» деган хавотирли ўй келди. Бу хавотирли ўй ортидан ундан ҳам ваҳимали фикр миясини чулғаб олди: «Шундай ойдин кечада ўлиш ҳеч ақлга сиймас экан-да!» Ушбу фикрини хаёлидан чиқариб юборишга қанчалар

уринмасин, ухдалаёлмади. Иттифоқо енгил шабада туриб, димоғига райҳон исини олиб келиб урди. Райҳон иси уни маст қилаёзди, райҳон иси димоғига ўрнашиб қолганини туйдию ўлим ҳақидаги фикрини ёдидан чиқарди. Ана шу ис уни отасининг уйи томон етаклади. Дераза олдидан ўтиб, зинага оёқ қўйган ҳам эдики, боши чайқалиб кетгандай бўлди. У аҳамият бермай, иккинчи поғонасига чиқиб, эшик қабзасига қўл узатдию бармоқлари етиб бормади, боши пастга, оёғи тепага кўтарилаётганини, сўнг эса «гурс» этиб ерга қулаганини, райҳонлар шитирлаб кетганини сезди. Ғойибдан: «Ёмон тушмадингми, Алпон?» деган овозни эшитгандай бўлди. Кўзи очиқ ётганини ва бу овозни илгариди ҳам қаердадир эшитганини, бу овоз онасиники эканини, бобосининг ҳовузи бўйидаги, кўм-кўк суви жимирлаб турган ҳовузи бўйидаги сада тагида бешик тебратиб ўтирган онасиники эканини, теварак-атроф ҳам кўм-кўк, баҳор либосига ўралганини ўйлади, яна отасининг овози қулоғига чалингандай эди: «Кўзи очиқ ётибди, демак ёмон тушмабди!» «Ҳа, ҳа, ёмон тушмадим — кўзим очиқ!» деди у, ўрнидан кўзғалишга уринди, бўлмади, фақат райҳонлар орасида ётганини, ҳаммаёқни райҳон иси тутиб кетганини ҳис этди. Шу дамда тим қора осмонда сузиб юрган тўлинойни кўрди. Ҳаммаёқ оқариб кетди. Оппоқлик, оппоқликлар орасида қизил, сариқ, кўнғирранг капалаклар учиб юрарди. Кейин ҳад-ҳудудсиз дала, дала шамолида ноз қилиб тебранаётган майсалар кўз ўнгида тажассумланди. Майсалар бағрида бирда тушига кирган қанотли бедав ўтлаб юрар, унинг устида юзи Тилланикига ўхшаб кетадиган яланғоч болакай кулимсираб ўтирарди. Кейин ҳаммаёқ қизарди... Кўз олдида қизил жилдли Қуръон намоён бўлди. Отаси, онаси намоён бўлишди. Қизиллик кўзидан чиқиб кетди, қизиллик ой атрофигача етиб борди, энди осмон ҳам қизил эди, осмон ҳам...

Алпон чолни эртаси куни асрда ерга қўйишди...

Унинг башорати нечоғлик тўғри чиққанидан ҳайратга тушган Далавой гўрков ёнига келиб кўришган Абдулазизга юзланиб:

— Алпон ака раҳматли беш-олти кун бурун олдимга келувди. Ўлишини сезган экан, гўр қаздириб

кетувди, — деди, пича тек турди, сўнгра ҳеч қандай бўлак хаёлга бормай дараклади: — Ушанда сизниям эсловди Абдаз ака. Бедана уриштирганларингни айтиб берувди...

Гўрковнинг гапи Абдулазизнинг жон-понини чиқариб юборди. Ранги дам гезарди, дам қизарди. Чоғир кўзи косасидан чиқиб кетгудай олайиб, бужур юзи тагин ҳам хунуклашди.

— Нима, Аппон аканинг ўлимида сизнинг айбингиз бор демоқчимисан бу сўзларинг билан? А, шу гапга опкеляпсанми? — дея дўқ урди у, товукникидай ингичка бўйнидаги томирлари ўқлогидек бўртди.

Гўрков Абдулазиз гапни бу томонга буриб юборишини кутмаганди, хийла довдираб қолди, хижолатланган бир тарзда лаб тишлади, ўзини оқлашга тутинди:

— Сиз мени тўғри тушунмадийиз, Абдаз ака! Мен ундай демоқчимасдим!..

Далавой гўрков ундай демоқчимиди, йўқми, аммо Абдулазиз уни шундай тушунди: ҳовури пасаймади, билъакс тутаққандан-тутақиб, пойинтар-сойинтар сўзланиб, унга захрини сочди:

— Оғзингга қараб гапиргин, Далавой! Аппон билан минг йиллик ошнаимиз!.. Буни халқ жуда яхши билади! Эшитяпсанми, буни одамлар жуда яхши билишади! Аппон билан урушда бирга қон кечиб келганимизни сен билмасанг, бошқалар жуда яхши билишади!..

Далавой гўрков у билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп билмади. Бемаврид гапи учун узр сўраган бўлдида, кетмонини елкасига ташлаб уйи томон ўтиб кетди.

Абдулазиз унинг орқасидан вайсаб-вайсаб қолаверди.

Ҳафта ўтар-ўтмас гўрковни идорага чақиртиришди. Бу дунёни тарк этган, бундан ўн-ўн беш кун аввал эса ҳали ёруғ оламда яшаб юрган Аппон чолга ўлимидан бурун гўр қазиб қўйгани учун унга ҳайфсан эълон қилинди...

ХОНЧОРБОҚҚА ТУН ЧҮККАНДА

*Хотирот — гарахтзор ўрмоним
менинг,
Шивирлайдир унда зангор
япроқлар...
Неки кечмиш, ўрмонимда
қолмишдир!
Қайсин ҚУЛИЕВ*

«Ҳаҳ, отинг ўчсин-а! Аданг элик сўмга олғанди-ку ахир бу қуш ўлгурни! Нима бало қилиб чиқариб юбординг. Ҳаҳ, қўлинг синсин, эшигини очмай...»

«...»

«Ҳу, келин, шанғиллаганингиз етти маҳаллага эшитияпти! Сал эви билан-да! Билиб туриб қилмагандир бола. Қамалиб ётишнинг азобини тортмагансиз-да...»

«Сиз нега аралашасиз? Сизга ким қўйипти?!»

«Ҳали шундай бўлдимиз?»

«Хушласангиз шу, бўлмаса...»

«...»

«Қийин бўлгандан Ортиқбойга қийин бўлди. Ўрганиб қолганди менга, бола боёқишга жавр бўлди...»

У чўнкайиб олиб, харсангтошдай кўмир бўлагини пишиқ фиштга қўйди, дастешанинг орти билан урди. Кўмир иккига ажраб, парчалари атрофга сочилди. Яна икки-уч марта туширди, майдаланган кўмир бўлақларини қоғоз қутига жойлаб, устига тугантириқ уйдиди, тиззасини чангаллаганча ўрнидан қўзғалди, бели зирқиради, серажин юзи тиришди. Билақлари билан белини уқалаб, қаддини ростлади. Оғриқ анча қўйиб юборди. Тиришиқ юзи силлиқлашди.

¹ Р. Парфи таржимаси.

«Мундай юмушларни ўйнаб-кулиб бажарардинг-а, кучдан ҳам қолибсан-да, Наби Тароқ, кучдан... Эсиз-эсиз...»

У инқиллаб қутини кўтарди-да, чойхонага ўтадиган эшикни тепди. Кесақисига омонатгина ўрнашиб турган эшик дардчил ғирчиллади. У ҳаллослаган кўйи катта руҳ самовар турган бурчакка етиб борди, қутини ерга қўйиб, орқасига қайтди. Кўмирхонадан иккита пишган ғишт олиб чиқиб, қутининг тагига жойлади. Кейин лаби учган сопол косада қўл ювди.

Наби Тароқ олтмишдан ошиб қолган. Бир маҳаллар худди отаси — Қобил Тароқчидек йўғондан келган, баланд бўйли, кенг пешонали, қирра бурун, жингала сочли хушсурат йигит эди. Вақт кутмас экан — анча қариб, чўкиб қолди. Сочлари қачон оқарганини, қачон сийраклашиб кетганини эслолмайди ҳам. (Жим билади, Баҳром сартарошдан суриштириш керакми-кан?) У ҳамма вақт сочини қиртишлаб олдириб юради. Узоқ йилнинг эрта кўкламидан бери ўнг оёғи оқсайдиган бўлиб қолди. Уруш йилларида тўпигини учириб ўтган ўқнинг асоратими, у мурожаат қилган врачларнинг белгилаши бўйича ўша ерига туз йиғилганиданми, ишқилиб оқсайдиган бўлди-қўйди. Фақат, феъли ўша-ўша. Ана шу ўзгармас феъли туфайли ҳам бири икки бўлмади.

(Қайдам, сут билан кирган — жон билан чиқадими?.. Беш қўл баравар эмас-ку! Бир онадан ҳар хил одам туғилади...)

«Кейин ҳам қийин бўлади. Ҳамма нарсага куюнувчан, ҳамма нарсага таъсирчан бола. Унга жудаям оғир бўлади...»

У — ингичка, учи қайрилган мис сим билан самовар тагини кавлади — бир сиқим кул тушди. Ўтхонага тутантириқ ташлаб, олов ёқди. Ўт тезда олиб, аччиқ тутун буруқсади. Наби Тароқнинг кўзлари ачишиб, ёшланди. У кўзёшларини қўйлагининг енгига артди, оташкурақда уч-тўрт бўлак кўмир ташлади, ундан сўнг чириб одоқ бўлган, оғзи қийшайиб кетган самовар карнайини кийгизди. «Назирниқига бориш керак эди, — ўйлади ўзича, — самоваркарнай ясаб беришга ваъда берганди».

«Опоқдажон, жон опоқдага, кетманг».

«Йўқ, болам, ортиқ қололмайман...»
«Хў, шумтака, қани ичкарига кир-чи?!
Кимга айтяпман, деворгами?..»

«...»

«Бор, Ортиқбой, бора қол».

«Бўйинг лаҳадда чиригур, кимга айтяпсан гемай-ди-я!»

«Бургага аччиқ қилиб, кўрпани кўйдиришинг нима-си? Хотин кишисан-да, йўқса-ку...»

«...»

«Елкаминг чуқури кўрсин уйингни! Тилла берсан-гам қайтмасман...»

Шу маҳал кўча эшик ғийқиллаб очилиб, ҳувиллаб ётган чойхонага болалиқдаги ошнаси Расул кириб келди. У Наби Тароқдан нарида — Қичқириқ бўйидаги кўчада яшайди. (Илгарилари ҳозирда Наби Тароқ яшаётган ҳовли ҳам ана шу Расулнинг бобоси — Ҳосил баззознинг ерлари эди. Инқилобдан кейин баззоз ерларини Шўрога топширди. Қобил Тароқчи Қоратошдан Хончорбоққа келиб уй-жой курди, бола-чақали бўлди. Минг афсуски, узоқ яшамади — умри қисқа экан, қирчиллама ёшида кетди...)

Расул ошнаси шофёр эди: қайсидир идораними, босмаҳонаними каттасини олиб юрарди. Бензиндан заҳарланиб, боши айланадиган бўлиб қолди. Шу-шу рулга қайта ўтирмади. Ҳозир Қорасаройдаги болалар боғчасида қоровуллик қилади. (У чап ёни билан турган кўринадди — авзойи бузук.)

Улар қўл бериб сўрашишди. Наби Тароқ устун ёнидаги чорпояга яғири чиқиб кетган кўрпачалардан бирини тўшади. Расул омонатгина чўқди, фотиҳа ўқиди.

— Омонмисан?! — деди у бурушиқ юзида ясама табассум ўйнаб. — Ҳеч кўриная демайсан?..

— Ўзинг саломатмисан? — Наби Тароқ ошнасининг киртайиб қолган кўзларига, бир-бирига қўшилиб кетган мош-гуруч бароқ қошлари-ю, томирлари бўртиб чиққан, халтадек шаллайган кекирдагига обдан тикилди. «Бир пайтлар чорпаҳилгина йигит эдинг. Ҳа, сен ҳам қариб қопсан, оғайни», деди ичида. Кейин гапида давом этди: — Одам ўзидан ортмай қолар экан...

— Шунақа экан... — Расул тасдиқ маъносида бош ирғади. — Менам исмендан қайтаётгандим, қарасам сенга ўхшатдим. «Наби нима қиялпти экан самоварда каллаи саҳарлаб», дедим. Кириб келяпман.

Расул маҳалла-кўйга у қадар аралашмайди — одам-овироқ. Чойхонага эса онда-сонда кириб қолади. Шунда ҳам аввал бир мўралаб олади, ичкарида Шокир баз-зоз йўқлигига имони комил бўлган тақдирдагина остона ҳаглаб ўтиб, ярим соатлар атрофида ўтирар-ўтирмас чой ҳақини тўлаб, узр-маъзурни айтиб чиқиб кетади.

(Хончорбоғликларнинг қизиқ бир одати бор: ота чойхонада ўтирганда, ўғил остона ҳатлаб кирмайди. Кириб қолган тақдирда ҳам чўчиган товуқ мисоли бўйини қисиб пастроқдаги чорпоёга қўнади-ю, индамай ўтиради. Юртнинг ўртасида, ота улфатлари билан гурунглашиб ўтирганида, ўғил овозини дўрилла-тиб бошқаларга сўз бермаслиги халқда андиша ҳисобланади. Ҳамма дўриллаш уйда бўлади. Чойхонада овозга эрк бериш кетмайди. Расул ерли аҳолининг қон-қонига сингиб кетган ана шу азалий удум юз-хотири учунми ё отаси билан ўрталарида бирор гап ўтганми, ҳар қалай, чойхонада унда-мунда кўринарди-да!)

«Уйдан қувилдим, куним самоварчиликка қолди, дейми?..»

«Хушласангиз шу, бўлмаса...»

«... бўлмаса тўрт томонинг қибла!» Шундай димоқчи бўлди-я! Бўлдиси нимаси? Шундай деди, Наби Тароқ, шундай деди. Сен ҳавас қилган Шорасул карвоннинг қизи шу гапни келтирди... *«Келин қилсам, сизнинг қизингизни келин қипман-га, Карвон ака. Муборак менга келин эмас — сингил бўлиб қолади, ўз туғишган синглимдай...»* Тўрт томоним қибла, тўрт томоним...»

— Ҳа, энди... хабаринг бор, қарилик нафақасига чиққанамгаям ҳа-ҳу дегунча бир йилча бўп қопти. «Самоварчилик қилмайсизми?» деганди ўзимизнинг Эгамберди комиссия. «Қилсам қилавераман. Она томонидан бобомиз Сирож махсум ҳам ана шу касбни қилган, бунинг ҳеч бир айби йўқ», дедим-да, мана кўриб турибсан...

(У дийдиёни хушламасди: дийдиё — хотинларга яра-

шади. Бу масалада отдан тушса ҳам эгардан тушмай, ўзгага сир бой бермасди. Лом-мим демасдан дардини ичига ютиб кетар эди.)

«Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзал эканини билардинг-а, Наби Тароқ, билардинг. Шуни била туриб ўз ошнангни лақиллатдинг, суф сенга-е!.. Нима дейман? Қандай айтаман?..»

— Чой қўйиб юрасанми?! Яхшиси менга исменчик бўлақол. Бир сутка турасан-да, икки кун ялло қилиб юраверасан. Жавобгарлиги йўқ: борасан, ёнбошлаб олиб уйқуни урасан, тонг отади, дўппингни бошингга қўндириб қайтиб келаверасан. Етмиш сўми ким чўнтагингга солиб қўяди, қани, айтгин-чи менга, ким?..

«Ёнбошлаб олиб эмиш... дўппини қўндириб кийиб эмиш... Ёнбошлаб олиб топилган пул менга ҳаром, ошна, ҳаром...»

Наби Тароқнинг серсоқол юзида истехзоли кулги пайдо бўлди, мошкичири иягини силади-да:

— Биродар, — деди, — ишлаганимда хў-ўп ишладим, елкамнинг ийиғи чиқиб кетди. Давлат билади — қарилик нафақасига чиқарди. Эгамберди ялингани учун йўқ деёлмадим, кўнглим бўлмади...

— Овқатинг бепул бўларди. Биров оворай сарсон бўлмасди, кетингдан сенга овқат ташиб. Болаларнинг манний бўтқасидан, анув қорабуғдой шовласидан қолдириб кетади, ошпазлари. Қоринни сила-аб қайтиб келаверардинг.

«Ҳали болаларнинг насибасига шерик бўп юрибман, қорин учун яшаяпман, дегин...»

— Қоринни силаб дегин...

Дарахтлардаги сариқ барглар алақачон тўкилган, ер юзи ўзининг қишки сариқ либосига ўралганди. Наби билан Расул Кўктеракка етиб келганларида қош қорая бошлаган маҳал эди. Уларнинг юзлари кўкариб кетган, бошларидаги эски қулоқчинларидан изғирин кийиб, қулоқларини тарашадек қотирган, совқотиш натижасида ҳар иккисининг қўл-оёқ панжаларига сўзак кирганди. Остонада мўйсафидларга хос жилмайиб турган Сирож махсумнинг қаршисида иккови ҳам дирдир титрар эди.

— Ҳа, баччағарлар-а, келардинлар-да! — деди Набининг «Олма бува»си чойхона эшигидан уларни ичкари киритар экан. — Тирикчилик мана шунақа бўлади, мана шунақа... Эшак омонми, ишқилиб?..

— Хўв, ана эшагиз, — бобосига норозиланиб боқди Наби, кейин кафтларини ҳовуч қилиб офзига яқинлаштирди, куҳлади. — Бало ҳам урмади...

— Нега қовофингдан қор ёғади?

— Дабдаламиз чиқиб кетди-ку, сиз эшакни сўрайсиз.

— Бу жониворнинг меҳнати ҳалол-да, шунинг учун суриштираман, — Сирож махсум Набига қараб кулиб қўйди. — Оббо Муқбил тошотар-а! Шунгайм димофироғми?

(Сирож махсумни неваралари ҳам, хончорбоғлик болалар ҳам «Олма бува» деб чақиришади. Бунинг боиси бор: махсум қачон қараса болаларга олма улашиб юради. Ундан кейин, икки юзи ҳам олма мисол кип-қизил.)

Мана икки йилдирки, у темир йўл станцияси рўпарасидаги самоварда чой қўяди. Қишнинг чийиллаган чилласи кирган кун сингиси қазо қилган, набираси келишини эрталабдан бери кутиб ўтирган эди. Набига чойхонани ишониб топшириб, шаҳар тушиши керак эди — Қорабининг йигирмасига бош-қош бўлгани. Аксига олиб болалар ҳам намозшомда кириб келишди.

Болалар чўян печка қаршисига чўкка тушиб, совқотган кафтларини бир-бирига ишқаганча иссиққа тутишди.

— Хуфтонимни ўқиб олай, — деди Сирож махсум нуроний чехрасида табассумга мойил ўзгариш пайдо бўлиб, — кейин олмақоқидан чой дамлаб бераман...

Наби ошнасига қараб қўйди-да:

— Олмақоқидан чой ичмаймиз, — деди, сирини кўчган, пачоқ тоғорага уйиб ташланган тезакдан бир-иккитасини олиб печка ўтхонасига қалади. — Бизга памилидан дамланг!..

Сирож махсум лип-лип қилиб хира ёниб турган лампанинг пилигини кўтармоқчи бўлган эди, у ўчиб қолди. Махсум пиликнинг сўхта бўлган учини кесиб тузатди, бурчақдаги чорпоя тагидан шиша идишда лам-

па мой олиб келиб, чироқни тўлдирди, гутуртни қаерга қўйганини эслолмаганидан, чақмоқтошдан ўт чиқариб, пиликши учкун олдирди. Чойхона ёришиб кетди.

— Памил ҳайф сенларга, тушундингларми?! — деди у қўлларини сочиққа артар экан. Кейин чойхонанинг қоқ ўртасидаги йўғон устунда осиглиқ турган жойнамосини олди. — Памил чойга арзигулик иш қилмадиларинг. Хатчага: «Эртароқ келсин, ўғлинг», дегандим. Сен хуфтонда кириб келдинг. Эшикка термилавериб кўзларим тўрт бўлиб кетди. «Памилидан дамланг!» деб дўқ уришингни-чи...

Махсум жойнамосини қиблага қаратиб ёзди, букланиб қолган учини тўғрилади, сўнг чўкка тушди.

— Эшагиз имилаб юрса биздами айб? — Наби бурнини тортди. — Хихлайвериб жоним ҳиқилдоғимга келди-ку! Ана, Расулдан сўранг!..

Чол уларга норози боқди, чурқ этмади. Бир нималар дея пичирлади.

Болалар унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтиришди. Бирор маҳалдан сўнг у ўнг томонига қараб, деворда осиглиқ турган Сталиннинг суратига тикилган кўйи овозини чиқариб «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деди. Кейин чап кифтига қараб «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деди. Намоз ўқишига анқайиб ўтирган болаларга кўзи тушиб кулиб қўйди, кафтларини ярим ҳовуч қилиб «... раббана атина фитдунё хасана ва бил охирати хасанатан ва қина азобан нар...», дея юзига фотиҳа тортди-да, жойнамосни йиғиштириб, ихраб ўрнидан турди, букчайган қаддини ростлади.

Наби билан Расул бараварига унга салом беришди. Махсум мамнун ҳолда «ваалайкум ассалом», деди набирасига қараб:

— «Эшагингиз имилади» дегин, — деди, кейин Расулга кўз қисди: — Кўрдингми оғайнингни, айбни тилсиз бир жониворга юклаяпти. Оббо Муқбил тошотар-э! Хатча муни гапга туққан... Сен кимни ўғлисан?..

Сирож махсумнинг гапи Расулга таъсир қилди, озгин, чиройли юзида кулги ўйнади:

— Шокир акани, — деди, — катталариман...

— Ҳали шундайми?! — дея махсум тумшугига жез қопланган, қорни чегаланган чойнакни олди, қуруқ чой солиб, шақирлаб қайнаётган самовар жўмрагини буради. — Шокирнинг ўғлиман дегин. Ҳимм... Ҳосил буванг саломатми? Яхши юриптими?..

— Ҳм... — Расул ерга қаради. — Бувам ҳозир юролмай қолганла... ётиб қолганлар.

— Ҳа, энди, умр шу-да, болам, — Сирож махсум пешонасни тириштирди, уҳ тортди. — Кексайгандан кейин одам бир қўғирчоқ мисол бўлиб қоларкан. Ҳали у ери одош бўлади, ҳали бу ери...

У асл рангини йўқотган патнисга қанд-курс, тур-шак, пашмак, ҳолва, писта-бодом тўкиб, доғ бўлиб кетган шолчага қўйди. Токчадаги қутидан оқ лас қийиққа ўралган кичиккина отнонни олиб, аранг ушатди.

Наби билан Расул чордана қуриб ўтириб, бодом чақишга тушиб кетишди. Махсум киссасидан иккита қурт чиқариб, бирини неварасига, иккинчисини Расулга берди.

— Олма бува, — деди Наби, Расулга қараб олди: — Намоз ўқиганда нега икки тарафга қараб салом бердиз?

Махсум неварасидан бундай саволни кутмаганди, наридаги болишни бери суриб ёнбошлади, суқ билан тамадди қилаётган болаларни томоша қилди. Завқи келиб:

— Одамзоднинг икки елкасида иккита фаришта ўлтиради. Ўнг кифтидагиси унинг савобини, чапдагиси эса гуноҳини ёзади. Тушундингми? — деди. Ёрилиб, қашлоғичга ўхшаб қолган қўлида чой қайтарди, бирпас тиниттирди: — Мабодо бандаси яратган эгамнинг кўнглига зид иш қилиб қўйса, ана шу фаришталар унга ўн икки соат муҳлат берарканлар. Бандаси шундан сўнг ҳам тавбасига таянмас экан, нариги дунёда жавоб беради. Қабрга қўйганлар етти қадам нари кетишлари билан Мункар-Накир сўроққа бошлайдилар.

— Нима деб? — деди Наби махсумнинг ваъзини бўлиб.

«Раббинг ким? Расулинг ким? Дининг-чи?», дея суриштирадилар. Раббим — Оллоҳ, Пайғамбарим — Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи васаллам, ди-

ним — Ислом, дейиш керак. Уқдингларми? Шунинг учун ҳалол бўлинглар. Ҳалолликда ҳосият кўп... Сен фақат чўпчак айтишни биласан, Жўрахонни бошини қотириб. Мунақаларниям ўрганиб қўйинглар.

Сирож махсум эшакка ем бергани чиқиб кетди, анчадан кейин қайтди. У шу кеча алла-паллагача ҳазрати Али ва пайғамбарнинг ширин-шакар набиралари имоми Ҳасан ва имоми Ҳусайнлар ҳақида ваъзхонлик қилди. Болалар қаршиларида оддий чойхоначини эмас, катта бир билимдонни кўриб туришгандай, махсумнинг ваъзини диққат билан тинглашди.

Тонг қоронғиси эди, тимқора осмонда сийрак юлдузлар оралаб тўлиной сузиб юрарди. Қуруқ совуқ киши суюқларини сирқиратарди. Сирож махсум барвақт уйғониб таҳорат олди, бомдоқ намозини ўқиди. Бошига куя еган эски қоракўл телпагини, эгнига сарғиш мовут сирилган почапўстинини кийди-да, жун хуржунни тўлдирди. Қора эшагига аравани қўшиб, жун хуржунни аравага ташлади, ҳайё-ҳув дея шаҳарга қараб жўнади. Уни останада дийдираб турган Наби кузатиб қолди.

Болалар икки кун самоварчилик қилишди. Шу кунлари чойхонада келди-кетди кўп бўлди, уларнинг қўли-қўлига тегмади. Кечга томон одам тарқади, станция ҳам ҳувиллаб қолди. Эшикни занжирлаб, энди ётишга тараддуланиб туришганди, аввал дераза, кейин эса эшикни кимдир тақиллатди. Иккисининг эсхонаси чиқиб кетди.

— Ким, у? — деди Наби кўрқа-писа. — Тақиллатган ким?..

— Болалар, очинглар? — деган аёл кишининг афтодаҳол ёлвориши кулоққа чалинди. — Поезддан қолиб кетдик...

Ранги бўздай оқарган Наби Расулга қаради — ўрнидан кўзгалди.

— Оча кўрма! — Расул ёстиқни кучоклаб олган, ияклари қалт-қалт титрарди. — Ажина-пажина бўлсачи?!

— Қанақасига ажина бўлсин?! — Наби куйинган қиёфада гапирарди. — «Поезддан қолиб кетдик», депти-ку ахир, бир бечорадир...

— Бисмиллоҳ де, қочиб кетади агар ажина бўлса. Бувимла: «Ажина эркак бўлиб ҳам, хотин бўлиб ҳам кўринаверади, баъзида алвастигаям айланиб қолади», дердилар.

— Қариялар тўқийверади, — Наби тоқчадаги ўнинчи чироқнинг пилигини хиёл кўтарди, эшик томон юрди. — Мана ҳозир биламиз ким эканини...

Остонада бола кўтарган ёшгина жувон турарди. Рангидан қон қочган, қалтирарди. Бошида титилиб кетган жун рўмол, эғнида увадаси чиққан қирқ ямоқ пахталик қавима камзул, қўлидаги чақалоқ ҳам чурук қора чопонга йўрғакланган эди. Қўллари совуқдан кўкарган ва шишган, худди Расул айтган алвасти қиёфада, аммо чехрасида чиройли бир маъсумлик бор эди.

— Қўрқманглар... — унинг овози қайғули эшитилди. — Бир кеча тунасақ майлими?

Наби Расулга боқди. У эса «йўқ» дегандек имо-ишора қилди. Набининг аёлга раҳми келди, қўрқув аралаш ачиниш билан:

— Майли, — деди, — қолаверинглар...

Расул ошнасига хўмрайиб қўяр экан:

— Фақат бир кечагами? — дея олди ноилож қиёфада. — А?

Аёл қўлидаги боласига маъюс тикилди-да:

— Эрта билан кетамиз, албатта, кетаман, — деди.

Расулнинг кўнгли жойига тушди. Хунук жилмайди.

Аёл самовар ёнида турган қанд-қурс, пашмакни кўрди-ю, томоғи қилт этди. Наби унинг очиққанини пайқаб, бир зумда чой дамлади, патнисни унинг ёнига олиб келиб қўйди. Сал хижолат чеккандай бўлиб:

— Нонимиз йўқ эди, эртага бувамла шаҳардан опкелалла, — деди.

— Ҳечқиси йўқ. Раҳмат, — деди аёл, чақалоғини наमत тўшалган супага ётқизиб қўйди. — Нечанчи синфда ўқийсизлар?

— Еттинчида, — деди Расул аёлнинг ажина эмаслигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг. — Наби иккаламиз бир синфда ўқиймиза.

Бир маҳал чақалоқ бигиллаб қолди. Онаси уни тинчитган бўлди, у йиғидан тўхтамасди. Шунда аёл алла айта бошлади:

*Қўли арслон билаклим,
Ботир қоллон юраклим,
Яхши-ёмон кунимда
Менга жуда кераклим.
Алла, болам, алла-яй,
Жоним болам, алла-яй.*

Болалар унинг мунгли алласини чурқ этмай тинг-лашар, ўнинчи чирокнинг хиёл хира нурида аёлнинг шишиб кетган кафтларига, юзига, қулоқларига қизил-лик югургани шундоққина кўриниб турар эди.

У кўзларини юмиб олди. Анчагача юмуқ турди унинг қоп-қора шахло кўзлари. Кейин очди: кўзёшлари ёноқ-ларига оқиб тушди. Чақалоғига узоқ термилди, юзла-ридаги қизиллик йўқолиб, ўрнини фақатгина бахтсиз ёки бўлмаса бошига оғир мусибат тушган одамларда учрайдиган қўрқинчли изтироб эгаллади. Алласини да-вом эттирди:

*Дунё тўла дон эди,
Оч-наҳорим, болам, алла.
Дарё тўла сув эди,
Ташнаи зорим, болам, алла.
Алла болам алла-ё,
Жоним болам, алла-ё...*

Алла — чақалоқни элитди, у тинчиди. Онаси уни секингина жойига ётқизди, бошидаги рўмолини ечиб, устига ёпди. Кейин болаларга қараб:

— Печкага яқин ерда ётсамиз майлими? — деди.—
Ўғлим ҳам куни билан совқотган...

— Майли, — дея юзини яширди Наби. Бурнининг учи ачишди. Енги билан кўзларини артган бўлди-да, ўрнидан туриб тахмондан иккита эски кўрпача олди, аёлга узатди.

Болалар алламаҳалгача ухлашмади. Печка ёнида ғужанак бўлиб уйқуга кетган аёлга тикилган кўйи узоқ ўтиришди. Устига ямоқ-ясқоқ кўрпачалардан бирини ташлаб олган аёл аҳён-аҳён инграб қўяр, уйқу ара-лаш алланималар дея алаҳларди.

Расулнинг кўнглини шубҳа босди:

— Ўғри бўлса-я!.. — дея оёқ учида унинг тепасига борди. Аёлнинг ҳақиқатан ҳам уйқуга кетганига ишон-чи комил бўлди шекилли, яна шу тарзда жойига ке-

либ ётди: — Билиб бўлмади, — деди ўзича ваҳимага бориб, — ёлгондан қилаётган бўлиши ҳам мумкин...

— Ҳамма нарсага гумонсирайвераркан-да, — деди Наби пичирлаб, энсаси қотди. — Кўрмайсанми бечорани... қанақасига ўғри бўлсин?!

Расул индамади, кўрпага бурканиб олди. Наби унга орқа ўгириб ёнбошлади — усти очилиб қолди. Кўрпанинг бу учидан тортди. Расул унга томон сурилиб, нималардир дея тўнғиллади.

... Наби бола йиғисидан чўчиб уйғонди. Бундай қараса — аёл йўқ! Чақалоқ онасининг йўқлигини сезгандай бифилларди. «Расулнинг гапи тўғри чиқса-я!» Наби калласига келган фикрдан даҳшатга тушди. Чопа ташқарига отилди: чойхонанинг атрофини айланди, станция томонга югурди, аёлни тополмай орқасига қайтди. Кўзлари ёшланди. Нима қиларини билмай, доддираб қолди. Кўрпага ўралганча ғафлат уйқусида ётган Расулни туртди. Расул уйқу аралаш бошини кўтарди-да:

— Нега туртасан? — деди, эринчоқлик билан яна бошини ёстиққа қўйди. — Яна бирпас ётай.

Наби йиғламоқдан бери бўлиб:

— Анув хотин кетиб қопти, — деди.

— Кетса кетар, — Расул ҳузур қилиб керишди. Туйқусдан чақалоқнинг йиғиси қулоғига чалинди-ю, сапчиб ўрнидан туриб кетди: — Боласини ташлаб-а?!

— Шунақага ўхшайди... — Наби чақалоқни кўтарди, у йиғидан тўхтади. Наби юзини очиб: — Ву-йй оппоқлигини, кўзлари мунчоқдай-а! — деди ҳайратини яширолмай.

Чақалоқ онасиникига ўхшаб чиройли кўзларини жавдиради, юзини бужмайтириб рингшиди.

— Мунчоқдай эмиш-а?! — Расул азбаройи тутатқанидан кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. — Киритмайлик дедим-а! Бувангдан ўламиз энди!..

— Кеп қолар, — Наби чақалоқнинг бурнига шаҳодат бармоғини тегизди. — А, пучуқ? Ойимла келалла, Расул ака, сизга оғирим тушмасин, кетамиза, дегин бу аканга.

(Йўқ, боланинг онаси қайтмади, қайтиши лозим эди — қайтмади. Шу кетганча қорасини кўрсатмади.)

Эшак аравада Сирож махсум келиб қолди. Хуржунни кўтариб ичкарига кирди, ранглари бўздай оқарган болалар хуноблари ошиб туришарди. Бўлган воқеани гоҳ Наби, гоҳ Расул ҳаприқиб сўзлашди. Махсум ҳайрат бармоғини тишламади, ташвиш гирдобига тушмади, фақатгина бир нуқтага тикилган ўйчан кўзларига чуқур ғам чўқди холос.

— Барибир ташлаб кетибди-да, — деди у набира-сининг қўлидаги чақалоққа ачингандай қиёфада. — Тунов куниям келганди. «Очман, боқолмаяпман, ўлиб қолади», деганди, ташлаб кетганди. Яна кўзи қиймай олиб кетганди. Барибир ташлаб кетибди-да! Э-э, у боёқишнинг тақдири курсин. Ҳеч бандаи мўминни унинг кўйига солмасин...

Наби ҳайрон бўлиб суриштирди:

— Нима қилган, бува?

Махсум хомуш тортиб:

— Йўқчиликдан, — деди, пича тек турди, қўшиб қўйди: — Уйи ёнган, ундан кейин эри... катта бўлганларингда тушуниб оларсизлар. Қани болани менга берчи, ҳув нариги кўчадаги ювғучининг хотинига эмиздириб келай...

У чақалоқни кўтариб чиқиб кетди. Анчадан кейин келди.

— Қани, энди аравага ўтиринглар, — деди махсум, — болани Хончорбоққа оборасизлар. Ўшатта битта-яримта асраб олар.

Болалар йўлга тушишди.

— Қани, хих! — деди Наби эшак сағрисиغا қамчи уриб. — Хих жонивор!

(Эшак боёқиш — тилсиз ҳайвон, хўжаси нима буюрса кўнаверади. Ҳозиргина шаҳардан келганди, лўкиллаб, мана яна беозоргина бўлиб, бошини хам қилган кўйи лойи кўпчиб ётган йўлдан туёқлари зирқираганча ортига қайтди.)

Расул болани кўтариб ўтирар, нимадандир ташвишланар эди.

— На қовоғингни осилтириб олдинг? — кулимсиради Наби. — Сал очилиброқ ўтир.

— Биласанми, Наби, — тусмолланиб гап бошлади Расул, — болани... мен уйга оборолмайман.

— Сенга, уйингга оборасан, дедимми?

— Биласанми, нима десам экан, — деди у юзи ёришиб. — Ўзимиз олтигамиз, қорнимиз овқатга тўймайди, бунинг устига бегона чақалоқ бўлса, ойимдан гап эшитаман...

Бирдан Расулнинг йиғлоқи қарашни ҳам, қирра бурнию чиройли қўйқўзлари ҳам Набига хунук кўриниб кетди. Жон-жаҳди билан эшак сағрисига қамчи босди.

«Ўша Расуллингча қопсан, ошна, бир тукинг ўзгас...»

Самовар шақиллаб қайнаб, қопқоғидаги кичкина тешиқдан буғ кўтарилди. Наби Тароқ эски сочиқ билан карнайини кўтариб олиб, ўрнига яримта ғишт бос тирди, жўмракни бураб, алмисоқдан қолган хитойи чойнакни қайноқ сувда чайди-да:

— Қора дамлайми, кўкми? — деди, энсаси қотганидан тишида данак чақаётгандек бир кўзини қисиб, пешонасни тириштирди.

— Памил дамла, — Расулнинг бурни жийирилди, — кўкни саратоннинг сариқ кунуда ичади, ўзи шундоқ ҳам совуғим ошиб ётибди.

Наби Тароқ фамил чойни аччиқ қилиб дамлади, самовар ёнидаги токчадан патнис олиб, оқ қанд, парварда, қора майиз ва иккита седанали нон солди, шолчанинг устига қўйди.

Расул нонни ушатди, чойни қайтарди, кифтини келтириб пиёлага қўйди-да, манзират қилган бўлиб Наби Тароққа узатди. У эса «ичмайман» деди. Расул қоролу кўпам қистамади, патнисдан қанд олиб чойга ботирди, кейин мириқиб сўрди-да:

— Э, биродар, — деди ҳамсухбатига зорланиб. — Бу, Анваринг, жа қийнаб юборди-да! Ҳозир ўшанинг ташвиши билан келяпман. Нима қилсам бўларкин, ҳайронман?!

У эски чуст дўпписини қўлига олиб бош қашиди, чўнтакка қўл суқиб, кир, ғижимланган дастрўмолини чиқариб бурнини артди. Қайта киссасига солди.

— Тинчликми? — сўради Наби Тароқ. — Нима бўлди?

Расулнинг авзойи ўзгарди — қоши учиб, тундлашди:

— Бу тўнғизга ақл кирмади! — деди қўлини беҳол силтаб. — Бир йилча бўлди ишдан бўшаб олганига. Каттаси билан чиқишмаган эмиш. Неча марта: «Ўв, бола, ақлингни йиғиб иш тут, ҳозир эшакниям тоға дейдиган маҳал», дедим. Тўғрими?..

Наби Тароқ чурқ этмади, кинояли жилмайди.

— ... Ҳозир ана шундай маҳал, дедим, — дея гапида давом этди Расул. — Катталарингга ширин гапиргину ишингни дўндириб юр, дедим. Ўзим биламан-ку бу катталарни, шўпирлик қилганман-ку!.. Бу қурумсоқлар мулозаматни яхши кўрадиган халқ бўлади. Йўқ, у кишининг ғурурлари йўл қўймасмиш! Ҳе, ғурурингдан... «Ёз, аризангни!» деса, ёзиб келаверибди. Вой хом сут эмган банда, вой каллаварам-эй! Шу кунда тузукроқ жойдан иш топиш осонми?! «Оёғига йиқилмайсанми?! — дедим. — Акажон, кечиринг, болалик қипман!» демайсанми десам: «Тиз чўкиб яшолмайман», дейди-я!..

«Ҳайтовур, Анвар сенга тортмабди, буваси Шокир акага тортибди. Сенинг феълинг Раҳимникига ўхшайди. Вали пўконникига ўхшайди. Мижозларинг бир экан..»

— ...

— Эшитяпсанми Наби? Мана энди уйга биқиниб олиб, эртаю кеч китоб ўқийди, алланималарни ёзади. «Ҳей, менга қара, ҳаётга бир марта келади-ку одамзод. Сал инсонларга ўхшаб яшасанг-чи, беш кунлик умрни, нима қиласан ёш жонингга жавр қилиб. Яхши еб, яхши кийиб, яхши юриб қолсанг-чи, ошналарингга қўшилиб улфатчилик қил, нима азоб сочингни тўкиб», дейман. Йўқ, ўз билганидан қолмайди... Муниг ақли бўлса, ана ўша катталарни «ака-ука» деб иш ўрганмайдами. Аввал бирорта юқорироқ курсига ўтириб ол, кейин ёзаверасан ёзгинг келса», десам: «Мендан юқори курсига ўтирадиган чиқмайди», дейди башарамга бақрайиб. «Муаллимлик қиламан, болаларга илм ўргатаман», дейди. Жа, ҳозирги болалар у кишининг ўргатган илмларига зор-да! «Хончорбоғнинг туб халқи ҳақида китоб ёзаман», дейди. Хончорбоғликлар орзумандами ёлгон-яшиқ олди-қочдиларингга...

Наби Тароқ эркин тин олди, юзи ёришиб, ажинлари силлиқлашди.

«Кў-ўп савобли ишни кўнглига тутиб қўйибди-да Анвар, барака топсин. Илмли одам ҳеч қаерда ишсиз қолмайди...»

— Муаллимлик кў-ўп яхши касб, барака топсин, тўғри ўйлабди. Сен болани қийнайверма. Ўзининг шунча қийналгани етади...

— Қизиқ экансан-ку! — дея чордана қуриб олди Расул. — Болалиги қоптими? Эрта-индин йигирма еттига киради. У тенгилар уйли-жойли бўлди, ана Азим-жоннинг ўғли, шу қатори йигит хорижга бориб «Волга» миниб қайтди. Ўғлининг хатна тўйида етти пудга яқин гуруч дамлатиб, юртта ош тортди. Бу киши китоб ёзаман деб сочни тўкиб юрибди.

— Соч тўкилиши китоб ёзишга қарарканми? Менинг ҳам сочим тўкилиб бўлди, ўзингникиям қолмаган. Китоб ёзибмизми? Бировга сочни қуюқ беради, бировга сийрақроқ, бошқа бировга умуман бермайди. Ана, Бурхон кал, нима китоб ёзибди? Сен Анварнинг юзига солаверма сочини...

Наби Тароқ Расулнинг уст-бошига, хомсемиз вужудига тикилди, қош-кўзлари пирпиради. Барибир унга ҳаваси келди, юрагининг бир четида ҳасад ҳисси ҳам уйғонди.

«Аблаҳ бўлса ҳам, нокас бўлса ҳам — барибир сендан толели! У — серфарзанд; уч ўғил, икки қизли. Бир-биридан киришимли куёвлари, бир-биридан ширин-шакар неваралари, Анвардек салоҳиятли ва ориятли ўғли бор! Сенинг-чи, сенинг киминг бор? Бори ҳам йўқдай! Яккаю ёлғиз уканг эса ана ундай! Бир умр тажанглигингча ўтиб келяпсан, одамларнинг дилини кўп оғритдинг. Кунингга ўшалар ярайди-ку! Эл бўла қолсанг-чи уларга! Қайсарликни ташласанг бўлмайдими?! Олтмишдан ошиб, бир оёғинг ерда бўлса, бири гўрда-ю, димоқ-финоқни сенга ким қўйибди?! Вақт-бемаҳал бандаликни бажо келтирсанг, тобутингни елкалайдиган, белини борлайдиган ўғлинг бўлмаса, «Вой оте-ем!» дея кўча бошига довури чиқиб, дод-фарёд кўтаргувчи қизинг бўлмаса. (Борига ҳам етти ёт бегонасан.) Ана шулар елкалайди, шулар дод-фарёд солиб, кўчани бошига кўтаради! Тешикқопқага (маконингга!) қўйиб келишаётганда, Мирзоҳид оқсоқол (агар у ўша маҳалда ҳаёт бўлса, илойим дунё тургунча

турсин-ку!) ё шу қатори юрт оғаси тобуткашлардан: «Мулла Наби қандай одам эди?» дея суриштирганда, Вали пўконга ўхшаганлар: «Ярамас одам эди, кўпларнинг дилини сиёҳ қилган Қобил Тароқчининг тўнғичи», дея лаънат-маломат тошларини ёғдирмасинлар тафин...»

«Хў, Мирвали, аковси, самоварга болиш кучоқлаб олиб, Шокир ака, Мирзоҳид оқсоқолга ўхшаш отангиз тенги қарияларга гап бермай ўтирасиз, ундан кўра боланинг ҳолидан хабар олсангиз асакангиз кетадими?...»

«Жиноят қилган — у, азобини ҳам тортаверсин! У ёқ-бу ёққа югургани вақтим ҳам, қаппайган ҳамёним ҳам йўқ...»

«Ота деган номингиз бор-а?! Ундай деманг. Ҳамён торлик қилаётган бўлса, мана мен берай. Қанча керак?...»

«Мулла Набининг гапида жон бор, Мирвали. Эсанг қотмасин. Наҳотки энди ўз пушти камарингдан бўлган фарзандни кўриб келгани вақт тополмасанг?!»

«Сувонқул жуда тўғри айтди: ўз пушти камарингиздан бўлган-а! Уят-э!..»

«Азимжонам қаёқдаги гапларни топиб юради-га! Ундан биров сўраган эдими...»

«Бола боёқишга жони ачигандан айтган-га, йўқса-ку унга нима эди.»

«Ундай ўғилнинг боридан йўғи, мулла Шокир ака, оқ қилдим!..»

«Суф сенга-е!»

«Нима-нима?!»

«Нима-нима?!»

«Оқ қилдим?!»

«Кўтар тўрва-халтангни! Иккинчи мартаба самоварга қорангни кўрмай-а!»

«...»

«Ўша падар лаънатига нега ҳам кўл кўтара қолдим? Бормаса бориқсиз ўтмайдими?! Бировнинг ҳаётига негаям аралашдим? Йўқ, нималар деяпман?! Нега биров экан? Нега аралашмас эканман? Бир инсон азобланиб, кўзлари тўрт бўлиб ётсин-да, битта-яримта яқинларимдан келиб қолармикан, деган илинжда, мен эса лоқайд бўлайми?! «Қани юр, сен баҳона менам

Жалолни кўриб келай. Ҳозир гина-гидирнинг вақти эмас», деб, у падаркусурни йўлга солишим керак эди. Ахир у ернинг азобини ўзим ҳам кўрганман-ку...»

— ... Шарманда қилди, боя айтганинг Бурхон калнинг оддида шармандамни чиқарди...

— Бундай тушунтириброқ айт, нега шарманда қилди?

— Мунинг ақли йўқ экан, эшитяпсанми Наби? Мунда ақл бўлганда, гулдай хотинини қўйиб юбормасди! Келинимнинг қарғишига қолди бу бола. Шунинг учун косаси ҳечам оқармаяпти. «Севмайман!» эмиш, «Яшолмайман», эмиш. Таг-тугли одамларнинг қизи эди. Бурхон ўртада туриб, жиянини олиб берганди. Келиним Бурхоннинг жияни эди... Қайнотанг борми, деса, бордай эди. Ҳе, одамнинг нодони, одамнинг гўли гумроҳи, «соғе-еб» юрмайсанми қайнотангни-я!..

«Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак экансан-ку, ошна!»

Наби Тароқ оғир хўрсиниб қўйди-да:

— Севмаса қийин, — деди. — Муни бошидан ўтган билади. — У қулг этиб югинди, қовжироқ лаби-ю, томирлари бўртиб чиққан қадоқ қўллари билинар-билинамас титради, нурсиз кўзларини бир нуқтага қаратганча ўйчан вазиятда давом этди: — Кўнгилсизлик ёмон дард...

«Сен ҳам мен қатори саодатсиз экансан, Санобар...»

«Нега ундай дейсиз?»

«...»

«Наби ака, сизга... сизга хушxabар айтайми?...»

«...»

«Биз... биз уч киши бўламиз!»

«Йўғ-э! Нима деяпсан? Санобар, жоним, Жўрахон!..»

«Ҳали ҳам унутмабсиз-да, ўшанингизни...»

«Унутолмайман, Санобар, унутолсам қани эди, минг афсус унутолмаяпман-да! Мана бу ер ўртанмоқда!»

«Тушларингизда ҳам ўшанинг номини айтиб доглаб чиқасиз. Кимлар биландир муштлашасизми-ей!..»

«Қандай қилай хотин, айт, қандай қилай?»

«Эрининг қўйнида ётгандир, оҳ-воҳ қилиб...»

«Тилимни қичитма, Санобар, тилимни қичитма!»

«Ойимникига кетаман. Елкамнинг чуқури кўрсин бу зиндонхонани...»

«Бола нима бўлади, хотин, бола?!»

«Бола бўлмайди! Болани олдириб ташлайман!»

«Нима дегинг?!»

«Отасиз етимнинг кимга кераги бор, айтинг кимга?»

«Қаҳринг қаттиқ, Санобар, қаҳринг!»

«Менгаям қийин-да, Наби ака, менга осон тутманг. Ахир аёлман-ку! Мен ҳам... мениям эркалашларини, мениям севишларини истайман. Кесак эмасман-ку! Инсонман-ку!..»

«Сенга жудаям оғир, Санобар, сенга осон тутаётганим йўқ. Сен боёқшига мендан ҳам қийин.»

«...»

«Йиғлама, Санобар, йиғлама, жоним...»

«Мен худого нима ёзибман?..»

«Ҳа, иккимизни саодатсиз қил яратибди, қўлимиздан нимаям келарди. Тақдир қурсин, Санобар, шўрпешона...»

«Ундай деманг, ахир, боламиз бўлади-ку! Нега шўрпешона эканмиз? Шунисига ҳам шукр қилинг, шукр!..»

«Шунисига ҳам шукр, болам бўлади, болалигим кетди, шунисига ҳам шукр. Болалигим йўқолди, болалигимни ўғирлатдим! Болалигим чўпчакка айланди, чўпчакка! Шунисига ҳам минг қатла шукр! Ингг!!!»

«Наби ака! Набака! Сизга нима бўлди? Жо-он Набака, айта қолинг, сизга нима бўлди?! Ойи, ойижон! Набакам... Наби ака, кўрқитманг?.. Ойижон!..»

«Қўй, Санобар, ойимни безовта қилма, кўй! Ҳозир ўтиб кетади, мана ҳозир... ихҳ юрак кўрғур... ухҳ!..»

— Мен севибманми? «Шуни оласан, гап тамом!» дейишган. «Чекимга тушгани шу экан-да», дея уйланаверибман. Собиранинг юзини чимиддиққа кирганда кўрибман-а! «Севмайман!» деганим йўқ. «Хотин зоти шундай бўлар экан-да», деб ўтиб келяпман. У киши севмас эмишлар!..

«Сен кесак, севгини тушунармидинг. Унинг қувончини, унинг азобини, унинг армонини сенга уқтириб бўларканми?! Фикри-зикринг фариштадек поқдил фарзандингни қаро лойга белаш бўлса...»

— ...



Наби субҳи содиқ маҳали қорашақшақнинг мунгли хонишидан уйғониб кетди. Кўйлакчан ҳовлига чиқди, энгил шабадада эти жунжиди, қўлларини чалиштириб қўлтиғига суқди.

Девордармиён кўшни — Камол аканинг боғида сайраётган қорашақшаққа мусича ва чумчуқлар шерик бўлишарди. Дадасининг катта бабақ хўрози молхона тагига уюб қўйилган гўнгни титиш билан овора. (Худди ана шу бабақ — Ражаб қиморбознинг бутун Хончорбоққа донг таратган хўрозининг кўзини бир чўқишда ўйиб олган.) Каптархона рўпарасидаги тандирга каллаи саҳарлаб ўт ёқилган. Тунов кунги дадасининг: «Ойиси, бир ялпиз сомса қилсанг-чи!» дегани ёдига тушиб, томоғи қулт этди. Молхона эшиги қия очиқ — чўнқайиб олиб сигир соғаётган онаси одатий қўшиғини хиргойи қилмоқда эди:

*Саралаб единг ўтингни, хўш-хўш,
Ийиб бергин сутингни, хўш-хўш,
Олмазор булоқ сутинг бор, хўш-хўш.
Оқар булоқ сутинг бор, хўш-хўш,
Турақолгин, жонивор,
Ия қолгин, жонивор...*

Қўшиқ хуркович говмишни ийдирди шекилли, у бошини ҳам қилган кўйи тек турарди.

Наби қайтиб ичкарига кирди. Шу пайт бешиқда ётган укаси биғиллаб қолди. Онаси чақалоқнинг йиғисини эшитди чоғи, «Наби-ю, ҳу Наби!» дея уни чақирди. «Тебратьяпман!» деб жавоб қайтарди у, бамайлихотир бешиқ тепасига келди. Бирпас бешиқ тебратади, чақалоқ тинчигач, эҳтиёткорлик билан говрапўшини кўтарди — Раҳим яна пишиллаб уйқуга кетганди. Наби наридан-бери кийиниб, оёқ учида ташқарига чиқди. Сигир соғиш билан андармон онасига билдирмасдан қор-ёмғирдан нурайвериб, туянинг ўркачидек баланд-паст бўлиб қолган пахса девордан ошиб тушди, ортидан бир сиқим тупроқ шитирлаб ерга сочилди. Кимё кинначининг (чилдирма билан фол очиб, хилчин билан саваб, янги сопол косага тилсим ёзиб, тандирга қўйиб ошиқ-маъшуқларни бир-бирига иссиқ-совуқ қилувчи катта фолбин ҳам) ҳовлисига оқиб кирадиган ариққа энгашиб бет-қўлини ювди, яккам-дук-

кам ўсган ёвшан, қоқиўт, ялпиз ҳиди димоғини қитиқ-лади: мириқиб нафас олди. Кейин эса билқ-билқ тупроқли йўлдан тош излаб топиб, қўшнисининг боғи оша кўча тарафга эгилиб тушган ўрик шохига қарата отди, дувиллаб думбул довучча ер билан битта бўлди. Бир маҳал ҳовлидан Камол аканинг теварак-атрофни ларзага солгудек ғазабнок дағдағаси эшитилди: «Ҳўв, ким бўлсанг ҳам онангни Учқўрғондан кўрсатаман! Ҳўв, эшитяпсанми? Хом ўрикка ҳам кесак отадими? Пишса, ахир, шу сенларники-ку!»

Наби биларди: ҳақиқатда ҳам Камол аканинг жаҳли тез. Онасини Учқўрғонда кўрмасидан жинкўча бўйлаб югуриб кетди. Оёқлари остида чанг кўтарилди.

Тонг ёришиб улгурган, хом чиққан тарвуз палласига ўхшаш нурсиз ой йўқолиб улгурмаган, битта-яримта митти юдуз хира милтирар, қуёш эса элас-элас кўринаётган тоғлар ортидан бош кўтара бошлаганди.

Муюлишга етганида, гувала девор орқасидан офилхонанинг тезак аралаш нам шиптир ҳиди димоғига гуп этиб урди. У юзини тириштириб, тескари ўтирилиб олди. Рўпара хонадондаги шохлари каллакланган марвартак тутга кимдир узун, учи айри ёғоч билан тўрқовоқ илди. Ичидаги бедана тезотар экан чоғи, типирчилай-типирчилай сайроққа тушиб кетди.

Наби Қичқирӣқ йўлига чиқиб олди. Шаршара бўйига тезроқ етиб бориш учун Турдиқул кўкчининг полизидан кесиб ўтиш керак, акс ҳолда кечикиши мумкин: Жўрахонни кўролмаё қолади. У бир сакраб полизга тушди, жўякма-жўяк ҳатлаб бораётганди, туйқусдан кўкчининг олакўз кўппаги қайдандир пайдо бўлди-ю, вовуллаганча кетидан қувлади. Наби юрагини ҳовучлаб жонҳолатда тиканли симлар тепасидан сакраб улгурди. Сакради-ю, уюб ташланган турли пўчоқлар устига тушиб, пастликка қараб сирпаниб кетди. Кейин умбалоқ ошиб йиқилди, жон аччиғида сапчиб ўрнидан турди-да, орқага қаради: хайрият, кўппак қолиб кетганди. «Ҳе, онангни!..» дея сим ортида туриб ириллаётган оғса муштини кўрсатди, ўнг тиззасини чангаллаб, оқсоқлана-оқсоқлана дўлана панасидаги дўнгалакка етиб борди. Шудринг қўнган сабззорга ўзини ташлади, чуқур хўрсинди, юраги темирчининг босқонидек гурсиллади. Наби теварак-атрофга аланг-

лади: ҳаммаёқ кўм-кўк, ҳаммаёқ жимжит; фақатгина қушларнинг чуғур-чуғуридан ташқари. Жўрахони тушиб келадиган тепаликка узоқ термилди — қиз кўринмасди, ундан эса чархпалакнинг чириллаб айланишига, кўвачаларидан тўкилаётган зилол сув зарраларига, сўнгра Қичқириқ эркалаб аллалаётган, толкучук жевакларини тақиб олган мажнунтолларга узоқ тикиларкан: «Нега ҳаямлади экан? Ё келиб кетдимикан? Йўғ-э, ҳали барвақт-ку!» деган турли ўй-мулоҳазага борди. Қиз эса кўринмасди...

У тиззасида жизиллаган оғриқ турганини туйиб, шимининг почасини кўтарди: ўша ери қизғиш-кўкимтир бўлиб шилинибди. Бармоқларининг орасига шиллик нарса ёпишгандай эди — қаради: кафтига мошдай шиша парчаси кирибди, олиб ташлади, қон тўхтамади. У кафтини тили билан ялаб, ёқимсиз, тахир қонни сўрди, сўнгра туфлаб ташлади. Жўрахон тушиб келадиган томонга ингизор боқди, у ҳамон кўринмасди...

Наби кўм-кўк осмонга қараб ётиб олди. Мовий осмон тўнкариб қўйилган дошқозон мисоли. Ер билан битта тўкилган сутга ўхшаш тарқоқ булутлар қувлашмачоқ ўйнайди. Наби бундан беш-олти йил муқаддам Жўрахон билан ўтказган болалик палласини хотирлади...

Чиллаки чиллакини кўриб чумак ураётган кезлар эди...

Аҳмад сурнайчининг боғидаги қари чинорнинг йўғон шохига арқон ҳайинчак осиб қўйилган, бола қизни роса учирарди. Бошидаги башорат дўпписи тушиб кетаёзган Жўрахон тоза завқ-шавқ билан куларди-да:

— Яна тепароққа, яна!.. — дея мамнун қиёфада болага буйруқ берарди.

У — қизнинг олдида ўзининг кучлилигини намоиш қилар ва айна пайтда унинг қулаб тушишидан чўчиб, юрак ҳовучлаб турарди. Қиз боши айлангунга қадар тўйиб учарди-да, кейин болага қараб зорланарди:

— Энди-чи, Наби, «Муқбил тошотар»ни айтиб бер...

— Неча марталаб айтиб берганман-ку, — дер эди Наби ва ишқомнинг нариги чеккасида ўралашиб юр-

ган Сирож бобосини кузатарди. Ток новдаларини ба-
газларга боғлаётган махсум ўзи билан ўзи овора —
набираларига эътибор бермасди. Наби қизни хафа
қилиб қўйишдан чўчирди-да, яна ўша — дадасининг
Эски Жўвадаги тароқчилик устахонасида Жулқунбой
амакисидан (дадасининг айтишича, Жулқунбой амаки
ўзбекнинг катта ёзувчиси эмиш!) эшитган чўпчакни
истаб-истамай бошларди:

— Бухоро пошшосининг Меҳринигор деган қизи
бор экан...

— Ундай эмас... — дея қовоқ солиб оларди қиз. —
Бир бор экан, бир йўқ экан, оч экан, тўқ экан... Ана
шундай бошла, Наби?!

Бола қизнинг узун киприklarига, силкиниш орқа-
сидан қирмизи юзини тўзғиган қуюқ қора сочларига
тикилганча кулимсираб, у айтгандай қилиб бошларди:

— Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан.
Бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақим-
чи-ю, чумчуқ чақимчи экан, роз карнайчи экан, ўрдак
эса Аҳмад поччамдек сурнайчи экан...

Қиз қиқирлаб кулди, унга Наби кўшилишди. Сўнгра
давом этди:

— Тошбақа тарозидор экан, қурбақа ундан қарз-
дор экан. Қадим ўтган замонда Бухоро пошшосининг
Меҳринигор деган қизи бўлган экан. Қиз ҳуснда тен-
ги йўқ чиройли экан. Эшитяпсанми?..

Жўрахон бошини қимирлатиб «ҳим» деган ишора-
ни қилди-да, Набининг оғзига қараб турди.

— ... Кунлардан бир кун у ўз йигитлариминан овга
чиқибди. Йигитлари ўқ отишга, каманд ташлашга шу-
нақанги устаси фаранг эканларки, мабодо бирортаси
камандни ҳалқа-ҳалқа қилиб юлдузни мўлжаллаб таш-
ласа, шу юлдузни илтинтирар экан...

— Миррих юлдузини, а, Наби? — деди бесабрлик
билан Жўрахон. — Миррихини айтмадинг-ку! Ўзи қан-
дай бўлади Миррих юлдузи?..

— Оддий юлдуз-да, қандай бўларди. Хўп, шундай
қилиб, Меҳринигор йигитлариминан ов қила-қила бир
тоққа етибди. Тоғ шундай баланд эканки, чўққилари
осмонга тегай-тегай деб турармиш. Тоғнинг бир то-
мони тўқайзор экан. Шу пайт уларга чиройли бир
кийик учраб қопти. Малика Меҳринигор йигитларига

қараб: «Кийикни ўртага олинлар, уни тириклигича тутишимиз керак, кимки ўтказиб юборса бутун умри зиндонда чирийди», депти. Кийик эпчиллик билан маликанинг рўпарасидан ўтиб кетибди. Меҳринигор йигитларининг олдида изза бўлишдан қўрқиб, унинг ортидан ўқ узибди. Ўқ кийик шоҳларининг устидан ўтиб кетибди. Шу тоғ этагидаги ўтлоқда бир чўпон йигит қамиш сивизғасида қандайдир мунгли бир кўйни чалиб ўтирган экан, кийик унинг ёнгинасидан ўтиб қопти. Чўпон катта харсангни кийикка отиб, уни қулатибди...

— Бечора кийик... — Жўраҳоннинг кўзларига ёш қуйилиб келди. — Ёмон чўпон экан, а, Наби?..

— Жиннивой-эй! Чўпчак-ку ахир, шунақа йиғла-санг давомини айтиб бермайман.

— Хўп, — деди Жўраҳон ёшланган кўзларини қўйлагининг енги билан артар экан. — Энди йиғла-майман.

— Шунаққилиб, малика кийикнинг ортидан қувлаётганида рўпарасидан баҳайбат йўлбарс чиқиб қопти. У Меҳринигорга етишига икки қадам қолганда, шу яқин атрофда турган чўпон йигит тош отиб йўлбарснинг миясини қатигини чиқариб юборибди...

Жўраҳон болаларча қийқириб қулди. Наби ҳам унга кўшилишди.

— Малика Меҳринигор чўпонга узук совға қилиб, саройга қайтгандан сўнг, иккинчи маротаба овга чиқмасликка қасам ичади...

— Наби, Наби!.. — дея ҳовлиқди Жўраҳон. — Қасам ичса ўлиб қолмайдимми?

— Эсинг жойидами? Заҳар ичса ўлади, қасам ичса ўлмайди. Камол амаки бор-ку, бизанинг ён қўшни, ойимларнинг айтишларича ўшанинг сингиси заҳар ичиб ўлган экан... Бечора чўпон шу кундан бошлаб қаттиқ бетоб бўлиб қопти. У тоғликларнинг энг паҳлавон ўғли экан, исми Муқбил тошотар экан. Муқбилнинг тўсатдан дардга чалиниб қолганига ҳамма ҳайрон қопти. Тоғликларнинг қўйу эчкиларига йиртқич ҳайвонлар ҳужум қила бошлашибди.

Муқбилнинг қари онаси бор экан. У ўғлининг касалига қуйиб йиғлайверипти-йиғлайверипти. Қўни-

қўшнилари нинг ичида бир донишман д мўсафид бор экан. Чол Муқбилдан сўрабди:

— Ўғлим сенинг касалинг ишқ касали, депти. Тўғри-сини айт: кимни севиб қолдинг, — депти.

Муқбил тошотар бўлса:

— Э, ота, нимасини сўрайсиз, менинг дардим тузалмайдиган кўринади-ёв, — депти.

Шунда мўсафид:

— Сенга осмондаги юдуз бўлса ҳам олиб берамиз, — депти.

Тошотар бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берибди.

Чол тоғликларни бир ерга йиғиб:

— Бизнинг Муқбил пошшо қизига кўнгил қўйибди, — депти, — қандай маслаҳат берасизлар?!

Тоғликлар тоза ўйлашибди:

— Пошшо қизини Муқбилга бермайди, — дейишипти. Кейин кимдир: — Шундай бўлса ҳам киши юбориб кўрайлик, берса бергани, йўқса пошшога қарши уруш бошлаймиз, — депти.

Донишман д чол бир неча киши билан Бухоройи шарифга йўл олади. Пошшо совчиларга қараб:

— Нега келдиларинг? — депти.

— Пошшоҳи олам, — депти донишман д чол, — бир қошиқ қонимиздан кечсангиз айтамыз арзи ҳолимизни...

— Кечдим, — депти бароқ қошли, шопмўйловли, хўппасемиз пошшо, — эшитаман арзи ҳолингни.

— Қизингизнинг қўлини сўраб келдик, — дейишипти совчилар бараварига, — паҳлавон Муқбили-мизга.

Пошшонинг аччиғи чиқиб кетибди-да, уларни зиндонга ташлабди...

— Ух, ярамас, — деди Жўраҳон қўлини мушт қилиб. — Сўз берганди-ку, ахир, қамайман деб, а, Наби?..

— Ҳа. Буёғини эшит энди. Ҳамюртларининг зиндонга қамалганидан хабар топган Муқбил тошотар пошшога қарши жангга кирибди. Бухоро пошшоси тоғ йигитининг ботирлигига қойиб қопти, бир хизматкоридан унга хат бериб юборибди:

«Э, кўркмас йигит, қизимни сенга беришга розиман, аммо иккита шартим бор: бири шуки, қўлингда тўрттадан саккизта йўлбарсни етаклаб келасан. Ик-

кинчиси, Ҳотамнинг бошини ва саман отини менга келтирасан. Шартларни дўндирсанг, қизим сеники, тахтга ҳам ўтқазаман».

Муқбил пошшонинг шартига кўнибди ва эртаси куниеъ саккизта йўлбарсни етаклаб саройга борибди.

— Вуй саккизтасини-я! — дея ҳайрат бармоғини тишлади Жўрахон.

«Муқбил шартни бажариб, йўлбарсларни етаклаб келяпти», деб ҳамманинг юраги така-пука бўпти. Одамлар уни кўриши билан қоч-қочга тушишибди. Ясавуллар пошшога етказибдилар. Пошшонинг капалаги учиб: «Мен уни ўлиб кетар деган эдим, аттанг, тирик қопти», дея паҳлавоннинг истиқболига пешвоз чиқибди.

Муқбил тошотар пошшонинг иккинчи шартини бажаришга киришибди. У тўрт ой деганда Ҳотамтой яшайдиган шаҳарга етиб кепти. «Шу кеча бирор жойда тунай», деб ўйлаб бораётган экан, бизнинг Қичқирққа ўхшаш катта бир анҳорнинг бўйида бир киши қўтир эчкисини чўмилтираётганмиш.

Муқбил ундан:

— Ҳотам шаҳардами ё бирор ёққа кетганми? — дея суриштирибди.

— Ҳотам шаҳарда, — депти ҳалиги одам. — Бугун бизникуда меҳмон бўлинг. Ҳотамтой олдига эрта минан обораман, — депти у.

Муқбил рози бўпти.

— Ҳотамда нима ишингиз бор эди? — сўрабди ўша киши.

— Сиз уни танийсизми? — депти Муқбил.

— У шаҳарнинг каттаси бўлади. Камбағалпарвар катталардан, — депти уй соҳиби. — Унда қандай ишингиз бор эди? — дея қайта суриштирибди. Шунда Муқбил тошотар:

— Мен жуда ҳайрон қолдим. Юртимиз пошшосининг амри билан Ҳотамнинг бошини олиб кетгани келгандим. Гапингизга қараганда, Ҳотам жуда паҳлавон ва ҳалол йигит кўринади. Мен энди у билан қандай олишар эканман? — депти.

Уй эгаси Муқбилдан:

— Ҳотам сизга қандай ёмонликни раво кўрган-ди? — деб сўрабди.

— Ҳотам-ку менга ёмонликни раво кўрган эмас,— депти у, сўнгра Ҳотамни нима учун ўлдиргани келганини айтиб берибди.

— Сиз шу кеча яхшилаб дам олинг, — депти уй соҳиби, — эртаминан сизни унинг ҳузурига обораман.

Муқбил уй эгасига миннатдорчилик билдириб, уй-қута кетибди. Тонг отибди. Эрталабки нонуштадан сўн Муқбил:

— Қани, Ҳотамтойнинг уйини кўрсатиб қўйинг, — депти.

— Ҳотам дегани мен бўламан, — жавоб қилибди уй эгаси. — Пошшо айтган отни бисотимда бошқа нарса бўлмаганидан, кеча сўйиб, сизга овқат қилдим. Сиз ошиқ йигит экансиз, сиз учун битта бош эмас, мингтаси ҳам қурбон бўлсин, — деб Муқбилнинг қаршисига тиз чўкиб бошини тутибди.

Муқбил Ҳотамнинг мардлигини кўриб йиғлаб юборибди. Кейин мундай депти:

— Йўқ, сизнинг бошингизни кесадиган аҳмоқ йўқ! Пошшо қизини бермаса бермасин. Сиздай олижаноб кишини қандай қилиб ўлдираман, — депти Муқбил.

Ҳотамнинг бир ўғли бор экан.

— Меҳмон тўғри айтдилар, — депти у, — барибир сиз бошингизни берсангиз ҳам: «Бу бош Ҳотамники эмас», дейди пошшо, — депти. Кейин Муқбилга қараб: — Отам сиз билан бирга борсинлар, агар отамнинг боши билан сиздай муҳтож одамнинг ҳожати чиқадиган бўлса мен мингдан-минг розиман, — депти.

Ўғлининг гапини Ҳотам маъқуллабди.

— Мен, бирорга муҳтож одам, ҳатто бошимни сўраб келганда ҳам аямайман, деб аҳд қилгандим. Энди муродимга етдим, — депти.

Ноиложликдан Муқбил Ҳотам билан йўлга тушибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, бир ой деганда Бухоройи шарифга етиб келишибди.

— Ҳотамнинг боши билан саман йўрғаси қани? — депти пошшо.

— Ҳотам сахий йигит экан, ҳалол йигит экан, билмасдан мен унинг уйида меҳмон бўлиб қопман. Бисотидаги биттаю битта отини сўйиб мени сийлади. Мен бундай мард кишининг бошини эмас, ўзини олиб келдим, — депти Муқбил.

— Ҳотам қани? — қичқирибди жиғибийрон бўлиб пошшо. — Сенга айтяпман?!

Ҳотам ўрнидан туриб, пошшога таъзим қилибди. Пошшонинг ранги ўчиб, баданида титроқ турибди, кейин Ҳотам унга қараб:

— Сиз йўқлаган Ҳотамтой мен бўламан, — депти.

Пошшо Муқбилга қараб:

— Мен сенга «Ҳотамнинг бошини олиб кел», дегандим, сен эса тиригича олиб келибсан, — деган экан, Ҳотамтой:

— Ўз юртимда бошимни бу йигитга тортиқ қилган эдим, унамади. Ноилож ўзим бирга келдим. Мана, марҳамат, пошшоҳи олам, бошимни кестилинг, шу бечорани муродига етказинг, — депти.

Пошшо жаллод чақириб, Ҳотамтойни ўлимга буюрибди. Жаллод Ҳотамни олиб кетаётганда Муқбил тошотар чидолмай бир мушт уриб унинг юзини тескари қилиб қўйибди, кейин пошшога ғазаб билан:

— Сен қандай номардсан! Шундоқ бегуноҳ, мард, олижаноб йигитни ўлдирадиган бўлсанг қизингни бермай қўя қол! Агар ўйлаганинг одам ўлдириш бўлса унинг ўрнига, мана, мени ўлдира қол, — депти. Пошшо тутақиб кетиб:

— Ўлдирсам сендан қўрқаманми?! — дея жаллодни чақирибди. Муқбилниям ўлимга буюрибди.

Шу маҳал ичкаридан малика Меҳринигор югуриб чиқибди, ўзини Муқбилга отибди. Пошшо ғазаб билан:

— Қизимни ҳам ўлдилинг! — депти. Шунда Ҳотам:

— Андишани билмас экансиз, тақсир, — дея унинг тахтига чиқиб борибди. Пошшо қилич ўқталган экан, Ҳотам чаққонлик билан унинг қилич ушлаган қўлини қайирибди ва юзига тарсаки урибди. Пошшо тарсакининг зарбидан йиқилиб тушибди. Ҳотамтой Муқбилга қараб:

— Тахтга чиқиб ўтиринг, йигит, — депти. Сарой одамлари ҳам пошшодан безор бўлган эканлар, ҳам-малари Муқбилга итоат қилишибди.

Ҳотамнинг ўзи бош бўлиб, Меҳринигорни тўй-томошалар билан Муқбилга олиб берибди. Бухоро пошшосини тавбасига таянмагунча зиндонга солишибди. Эл-улус тинч, фаровон ҳаёт кечира бошлабди. Шун-

доқ қилиб, Муқбил тошотар билан Меҳринигор ма-
лика иккиси мурод-мақсадарига етишибди...

Шу маҳал ишком ичидан Сирож махсумнинг қулоқ-
ни қоматга келтириб юбораёзган йўғон овози эшитил-
ди:

— Ҳой, Муқбил тошотар! Ҳадеб аравани қуруқ
опқочмай бир уйингга жўнавор-чи! Қани, кимга
айтяпман?! Хатча сендақасидан еттитасини туғиб ўтир-
гандир ҳойнаҳой!.. Сенам оппоқ қизим, ойингнинг
бирор юмушига кўмаклаш, бора қолинглар. Сенга
айтяпман, ҳов тароқчининг ўғли...

... Қурбон ҳайити қовун уруғи хумга тушган палла-
га тўғри келганди. Наби онаси билан Сирож махсум-
ни кўргани Хатира холасиникига борди. Махсум ма-
ҳалладаги фотиҳахонликка чиқиб кетган экан, уларни
Хатира холаси қарши олди.

— Жўра-ю, ҳу Жўраҳон! — деди у Набининг кенг
пешонасидан ўпар экан. — Куёвим кепти, бу ёққа ке!..

Наби холасининг гапидан қизариб, ер чизди.

Ичкари уйдан бошига башорат дўппи, эғнига бел-
нимча кийиб олган Жўраҳон чопиб чиқди-да, Хадича
холасининг қучоғига отилди. Хадича холасининг эғни-
даги янги гулдор крепдешин кўйлагига ҳавас билан
узоқ тикилди. Наби қизга яқин борди-да:

— Сенга ёқяптими? — деди мулойимлик билан.

— Жудаям!.. — қиз ҳайратини яширолмади. —
Хатча холамла бирам чиройли бўп кетиптилаки...

Бир куни пайт пойлаб, у қўлига қайчи олди-да,
кийим жавонини очди. Осифлик турган онасининг ўша
чиройли кўйлагининг белидан пастини қирқиб, ҳап-
риққан кўйи ташқарига отилди. Қилган ишидан кўнгли
тўлиб, Жўраҳоннинг олдига учди.

Эртасига онаси билиб қолиб, қўлига илинган чўлтоқ
супурги билан уни тириқтира кетди. Ўғлини ҳовли-
нинг у бошидан бу бошига қувар экан, кўзёши тўқди,
дийдиё аралаш қарғанди:

— Ҳаҳ, адабингни бермасамми, Хатча отимни бош-
қа қўяман! Адаг қилиб берган ҳайитли кийимим эди-
я!

— Мен эмас, ойижон, мен эмас!

— Яна алдайди-я! Сен бўлмай ким? Хатира холанг
барини айтиб берди. Жўраҳонга обориб берибсан...



У қоққан қозикдай серрайиб қолди. Онаси хипчин билан орқасига урар, лекин у оғриқни сезмасди. Онаси илгарилари дўппослаганида дув-дув оқадиган кўзёшидан асар ҳам йўқ эди.

Унинг юраги тўхтаб қолгандай бўлди гўё. Елкасида обкаш кўтариб олган Жўраҳон баҳор оралаб одимларди. Бошида ироқи дўппи, эгнида белнимча, майда қилиб ўрилиб, учига пахта пилик тақилган тимқора қирқ кокил сочлари тақимиғача тушади.

Қиз бир текис гувиллаётган шаршара биқинидаги зина пиллапоялари билан Қичқириқ лабига тушиб борди. У қушдек енгил учиб тушди анҳор бўйига, кўйлагининг этагини ҳилпиратиб, кимнингдир юраккинасини увуштириб...

«Бамисоли ўн тўрт кунлик ойсан-а!»

«Бошинггаги ироқингдан-э!»

«Эгнинггаги белнимчангдан-э!»

«Қирқ кокилингдан-э!»

«Жўраҳон-э!..»

«Меҳринигорим-э!..»

Қиз чўкка тушди-да, аввал челақнинг у ер-бу ерини ювган бўлди, кейин анҳорга ботириб ичини чайди, сув тўлдириб обкашнинг ёнига қўйди. Иккинчи челақни ҳам худди шундай чайди, сув тўлдириб, униям нари сурди. Ҳовучларини жуфтлаб сувга ботирди, юзини ювди.

«Ўсма қўйган кўринади, — деган ўйга борди Наби. — Шунинг учун ҳам кечиккан...»

Жўраҳон баҳор билан чақчақлашди, Жўраҳон анҳор билан чақчақлашди: ҳовуч-ҳовуч сувни унинг ўртасига сепди. Чархпалақнинг чириллаб айланишини маҳлиё бўлиб, узоқ томоша қилди...

Наби ҳар тонг ана шу манзарани кузатишга ошиқади. Кузатади-ю, юраккинаси темирчининг босқонидек гурсиллаганича қизнинг ортидан қараб қолаверади. Унинг олдида боролмайди, обкашини кўтариб, тепаликка олиб чиқиб беролмайди. Жўраҳон, кулоқ сол менга, сенда кўнглим бор, деёлмайди. Аслида-ку, обкашни Хиротга бўлса ҳам элтиб беришни, ишқ бобидаги кўнглида йиғилиб ётган дарду аламларини тўкиб сочишни истайди. (Ёлғиз истак билан иш битмас экан!) Ана шу дўлана панасида, хаёлан обкашни кўтариб,

хаёлан кўнглида йиғилиб ётган дарду аламларини изҳор этиб қолаверади. (Чапак чали-иб!) Сўнгра бир «оҳ» тортадию уйига қайтади. Ношудлигидан ўпкалани-иб!..

Ваҳоланки, ўша ёз палласида (чиллаки чиллакини кўриб чумак ураётган кезларда!) эртаю кеч қизни ҳайинчақда учирарди. «Муқбил тошотар»ни қайта-қайта айтиб бериб чарчамасди. У маҳаллар ўтиб кетди. (Қичқирикнинг сувидай!) У ўн еттига тўлди. Жўрахон ўн олтига қараб кетди. Аҳмад сурнайчиникига ондасонда борадиган, борганида қиз уни кўра ерга қараб секингина қочиб қоладиган одат чиқарди. Аслида, Наби, Хатира холасиникига қизни деб, борарди. У эса тутқич бермайди. Наби қаттиқ ранжиди: бормай қўйди. Энди Жўрахонни эрта тонгда, дўлана панасида — дўнгалакка ётиб кутиб оладиган ва кузатиб қўядиган одат чиқарди.

... Жўрахон сув тўла пақирларни обкашга идди-да, тепаликка қаради; шу томонга сигир ҳайдаб Шерали келарди. У бамайлихотир кавшанганча лапанглаб одимлаётган қари говмишни себарга билан қопланган пастликка қўйиб юбориб, ўзи Жўрахон турган ерга тушиб борди. Қизнинг қатъий эътирозига қулоқ солмай, қўярда-қўймай елкасидаги обкашни эпчиллик билан олиб, бедана юриш қилиб тепага қараб чиқиб кетди.

Наби безрайиб қолди. «Уҳ, аблаҳ, — деди ўзига-ўзи, — тунов куниям атайин шу маҳалда етаклаб келганди, очофат сигирини. Бугунам жўрттага келган. Ҳап сени писмиқними...»

Жўрахон хижолатдан бош кўтаролмай Шералининг қўлидан обкашни олди-ю, елкасига қўяр-қўймас алпанг-талпанг қадам босиб юриб кетди, челақлардаги сув чайқала-чайқала тупроққа тўкилиб борди. Қиз эътибор бермай кўчасига бурилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Шерали у кетган томондан кўз узмади — термилган кўйи чуқур ўйга толди.

Жирибийрони чиққан Наби пастликка сакраб, оқсоқданганча сигир ўтлаб юрган себаргагача етиб борди, ундан эса Шерали турган тепаликка кўтарилди.

— Ҳа, Шер, нима қип юрибсан сўфи азон айтмасидан? — деди у ўзидан бир қарич балаң рақибига ўқрайиб. — Шўтта ўралашиб қолдинг жа?..

— Хўжайинмисан?! — деди камширдаҳан, зоғчакўз Шерали лабларини чўччайтириб. — Ўзлари нима қип юрибдилар, бизнинг тарафларда?..

— Хў, мен сендан сўраяпман! — дўқ урди Наби қўлини мушт қилиб. — Нега Жўрахоннинг кетидан судралиб юрибсан, Халокунинг итидай?!

Шерали қўлларини чалиштириб қўлтиғига суққан-ча:

— Ўзлари-чи? — деди кинояли тарзда хунук жилмайиб. — Мени билмайди дейсанми?!

— Нимани?!

— Жўрахонни-да!

Наби нима деярини билмай қолди, калавланди.

— Жўрахон... Жўрахон холамнинг қизи... тушундингми? Жўрахонни яхши кўраман, болагимдан бери.

— Менам яхши кўрсам-чи, — Шерали қўлини белига қўйди, оёғининг тиззасини ўйнатди. — Бунга нима дейсан?

Наби ундан бу гапни кутмаганди, юрагининг атрофини нотинч бир туйғу чулғаб олди. Гайришуурий титраб, оёқ-қўли бўшашди.

— Мен... сени ўлдираман! — деди ҳолсизланиб. — Йўқ, тўғриси айт?..

Шерали себарга устига узала тушиб олиб, бир нуқтага тикилганча бепарво кавш қайтараётган сигирига қаради, кейин эса қошлари чимирилиб, ўртасида тугунча ҳосил бўлган, кўзлари ғазаб ўтида ёнаётган Набига зорланди:

— Индалосини айтяпман. Жўрахонда менинг ҳам кўнглим бор... — У хотиржам, маълум маънода парвойифалак бўлишга тиришди. — Нима қилсанг қил!..

Шундан кейин Шерали иякларини силаб, Набини зимдан кузатди.

Наби унинг шум ниятини пайқаб, қаттиқ кўзларига тик боқди. Юраги дукиллаб, нафаси ичига тикилгандай бўлди. Пича орқага тисланди-да:

— Шер! — деди ҳам ғазаб, ҳам қўрқув аралаш яна такрорлаб. — Тўғриси айт деяпман?! Нега Жўрахоннинг атрофида гирдиқапалак бўласан?!

— Жўрахон меники бўлади, — деди у қатъий оҳангда.

— Сенга Аҳмад сурнайчи бермайди, — деди Наби.

— Нега экан?

— Сен... Сен қиморвознинг ўғлисан!

Дафъатан, Набининг гардани аралаш жағига мушт тушди-ю, гарансираганча ортига чекинди, қулоғининг тагида «қиморвознинг ўғлисан» деган товуш шанғиллади. Назарида бу товуш бутун теварак-атрофда жанранглаётгандай бўлди. Наби ўзини йўқотиб қўйди. Устига-устак, ёпирилиб келаётган рақибига чап беришнинг иложи йўқдай, нима қилаётганини ўзи ҳам идрок этолмай унга ташланди. Туйқусдан Шерали унинг лат еган тиззасига тепиб қолди-ю, кўзларидан олов чиқиб кетаёзди. «Уҳ» деди-ю, жон-жахди билан Шералининг қорнига муштлади. Шерали пинагини бузмади. Набининг кўйлагидан чангаллаганча оёғи билан чалиб йиқитди. Наби тагида қолди. У бақувват, узун кўллари билан Набининг билақларини қаттиқ сиқди, ёқимсиз тиржайиб:

— Ким қиморвознинг ўғли? — деди, сарғайиб кетган мертик тишларини гижирлатди. — Сендан сўраяман, ким қиморвозининг ўғли?!

Наби унинг бесўнақай гавдасини итариб юборишга, ўрнидан туриб олишга уринди, бироқ уддасидан чиқолмади. Шералининг башарасига тупурди, у эса юзини Набининг кўйлагига артди. Наби яна бир бор тупук сачратди-да:

— Жўрахонга қўлингнинг учини ҳам тегизолмайсан! — дея хириллади, икки кўли билан Шералининг томоғидан бўғиб олди-ю, лат емаган оёғида қовуғига тепди.

Шерали букчайиб қолди. Набини бўралаб сўқди. Наби тура солиб унинг устига ўзини отди, гоҳ биқинига, гоҳ юзига мушт туширди. Фойибдан пайдо бўлган куч туфайли рақибини ҳузур қилиб урар, у эса чурқ этмас, фақатгина оғир нафас оларди холос.

Ва, ниҳоят Наби ўрнидан кўзғалиб, бир-икки қадам нари юрди, хас-хашак ёпишган кир билаги билан пешонасини артган бўлди-да, Шералига қараб:

— Тагин пойлаб юрасанми? — деди ижирғаниб. — Сенга айтяпман?!

Шерали кафтларини бир-бирига устма-уст қўйиб, қорнидан пастини чангалади, анчагача ихраб турди.

Қон аралаш тупроқ ёпишган дўрдоқ лабларини пан-
жасига артар экан:

— Уни менам яхши кўраман, — деди Набига тик
боқиб. — Нима қилсанг қилавер!..

Наби Шералининг шу дамдаги аҳволини кўриб ачи-
ниб кетганди, мана бу жавобини эшитди-ю, аввал
хўрлиги келди, сўнгра эса қони қайнаб:

— Ҳе, онангни!.. — деди-да, уни тепиб юборди.
Баногоҳ ногирон оёғини ерга қўяр-қўймас чўкка ту-
шиб қолди, қўллари билан тиззасини чангалади. Инг-
ради. Шерали Набидан худди шуни кутаётганди, «Ҳали
онадан сўкадиган сенмисан!» — дедию унга ташланди,
чалқанчасига йиқитиб олиб, дуч келган жойига ура-
верди. «Тамом! — дея ўйлади Наби. — Энди соғ
қўймайди!» Ҳақиқатан ҳам Шерали алаmidан тарқа-
гунча дўппослади, аямади. У қутурган итдай ваҳший
қиёфада эди.

— Ўҳ-ҳҳ! — Наби кўзларини тирсаги билан яши-
рар экан, йиғлоқи овозда ингради. — Сенинг фирром-
лигингни билгандим!.. Йиқилганни тепиш экан-да, а,
қанжиқ?!

У бор кучини жамлаб, Шералининг оёқларига
ёпишди. Шерали унинг қўлларига тирмашиб қолган
чап оёғини чиқариб олишга уринди, бўлмади, Наби-
нинг қуюқ жингала сочларидан чангалаб, юқорига
тортди. Наби чинқириб юборди, кўзларидан ёш тир-
қиради, жон аччиғида силкиниб, рақибининг чангак
қўлларидан чиқди-да, унинг оёғини қайилтириб йи-
қитди, нафрати жунбишга келганча Шералининг кир-
дан қатирмаланиб ялтираган товонидан тишлади. Ше-
рали ҳам айюҳаннос кўтарди, беихтиёр унинг оғзига
тепиб юборди. Наби харсанг ёнига учиб тушди, бир
сония боши айланди, кўзларининг атрофи қоронғила-
шиб, жимир-жимир ҳалқачалар пайдо бўлди. У ўзини
ўнглаб олди, эмаклаган кўйи Шерали томон судрал-
ди...

Шерали Набининг таъқибидан талвасага тушди, тал-
мовсираганча нима қилаётганини ўзи ҳам билмай ор-
тига тисарилди, ерда ётган катта кесакни қўлига олиб,
кўрқув аралаш ўшқирди:

— Яқинлашма! Пачағингни чиқариб ташлайман,
яқинлашма деяпман!..

Кесакни Наби томон ирғитиб, ўзи тепаликка қочди.

— Хў, тўхта! — эмаклаганча бўқирди Наби. — Ўв, Шер! Ўғил боламисан?..

Шерали тўхтади. Аянчли кўринишдаги Набига қараб кулди-да:

— Барибир овора бўласан! Қара, аҳволингни!.. — деди.

Наби чидаб бўлмас даражада толиққанини шу алпозда туйди. Негадир хўнграб-хўнграб йиғлагиси келди. Рўпарасида ётган кесакни олиб, Шералининг ўзига қарата отди. У чап берди — кесак ғув этиб шундоққина ёнгинасидан ўтиб кетди. Наби жизилаб оғриётган кўлига қаради — тирноқлари орасидан қон сизиб чиққан эди. Ўрнидан туришга ҳаракат қилди: бор кучини чап оёғига йиғиб, ўнг оёғини аябгина босди. У чўлоқланиб икки-уч қадам юрди. Шералига ўтирилиб:

— Мендан соғ қолмайсан! — дея муштини ўқталди.— Қани яна шу ерда қорангни кўрай-чи!..

Шерали ҳам анойилардан эмасди:

— Бўпти кўрамиз, қўлингдан нима иш келаркин!— деди у ҳам тап тортмай.

Наби миқ этмади. Ўнқир-чўнқир йўлдан оқсоқланиб юриб кетди. Ярим йўлга етгач, ортига ўтирилди. Шерали уни кузатиб турарди...

У чирик гавдаси ўрадай ўпирилган ёнғоқ дарахти тагидан оқиб ўтадиган ариқ бўйида тўхтади. Чўнқайиб юзини ювди. Муздек сувдан бадани роҳатланди, кейин ҳовучига сув тўлдириб хўплади, оғзини чайди, сувни тупроққа тупурди. Чуқур ариққа боши билан энгашиб ювиңди, ўзини онадан қайта туғилгандек ҳис этди. Майсалар устига ўтириб, оёқларини сувга тикди. Тезоқар сув оёқларини қитиқлаганча судради: ҳузур қилди. Енғил шабада эсиб, хўл юзини силаб-сийпаб ўтди. Наби энтикиб кетди, ҳорғинлик билан «ух» тортди. Ногаҳон, ариқ лабидаги момақаймоққа кўзи тушди. Момақаймоқдан қуёш бўса олаётганди, у эса чимилдиқдаги ёш келин мисоли нозланиб, гоҳ ўннга, гоҳ сўлга тебранарди. Наби шу ерга чўзилиб, такрорланмас бу гўзал манзарани узоқ томоша қилди. У шу дафъа ҳамма нарсени унутган, бутун вужуди қуёшга бўса бераётган момақаймоқда эди. «Сен жудаям бахт-

лисан, — деди шивирлаган кўйи момақаймоқнинг ингичка танасидан авайлаб ушлар экан, — сендан қуёш ўпич оляпти. Сенга ҳавасим келади, момақаймоқ, жудаям ҳавасим келади...»

Шу маҳал ҳозирдан қиш ташвиши билан яшаб, писта пўчоғини уяси томон судраб кетаётган чумолини кўриб қолди-ю, фикри-ўйи бўлинди, ётган еридан сапчиб туриб, уйига қараб йўл олди. У ўзини ниҳоятда ёлғиз ва жуда ҳам ожиз сезди. Хўрлиги келди — йиғлаёлмади.

Тор кўчага бурилди, кўча эшик рўпарасидаги олчага боғланган Сирож махсумнинг қора эшагига кўзи тушди. Олча танасига боши билан ишқаланаётган эшак Набини кўриши ҳамоно ҳанграб юборди. «Таниди, — ўйлади Наби, — танимаса ҳанграмасди, таниди жонивор». У эшакнинг ёнига келиб, пешонасидан силади, эркалаган бўлди, кейин ичкарига кириб кетди.

Махсум сўри тагидаги супада болиш қучоқлаб ўтирар, руҳи сўлғин, кўзлари ич-ичига кириб кетган ва алақандай ташвиш аломати сезилиб турарди.

— Ассалому алайкум, бува... — деди Наби чехраси хийла ёришиб. Оқсоқланиб супа томон юрди. — Кўктераклар жойидами?..

Сирож махсум сир бой бермай:

— Жойида, — деди, набирасининг шилинган юзига, оқсоқланаётганига қараб суриштирди: — Бирорта-симинан муштлашдингми?..

Наби бобосининг сезгирлигидан довдиради.

— Йўқ, — деди кўзининг тагидаги кўкимтир-сарғиш бўлиб шишган ерини бармоқлари билан авайлаб силар экан. — Йиқилиб тушдим, Турдиқул отанинг кўппаги қувлади...

Махсум набирасининг ёлғон сўзланаётганини сезса ҳам сезмаганликка йўйиб:

— Йиқилиш мундай бўлмайди-ёв, — деди, кейин носқовоғини тишига уриб, тубида қотиб қолган нос зарраларини юмшатган бўлди. — Кимдир бошлаб туширган кўринади, а, нима деддинг?..

Наби чурқ этмади, ерга қаради.

— Муртинг сабза уриб қолган бўлса ҳам болалигинг қолмабди-да, чироғим, — қулимсиради Сирож махсум. — Майли, майли, ишқилиб сен ҳам бўш кел-

мадингми? Ё аммамнинг бузоғидай калтак еб келавердингми?..

Ва, ниҳоят Наби ёрилди:

— Шералиминан муштлашдик. Анув, Эрмат тақачининг ўғли-чи, Хатира холамнинг қўшниси...

— Отангининг молини талашдингларми?! Иккаланг бир ернинг одами бўлатуриб!..

— Жўрахонни талашдик! — деди Наби жиғибийрони чиқиб. — Неварангизни талашдик!..

Сирож махсум беихтиёр кулиб юборди.

— Нега куласиз? — хафаланди Наби. — Холамнинг қизида кўнглим бор!..

Махсум маъюс тортди, юзидаги ажинлари чуқурлашди, манглайи тиришди. Оғир уф тортди-да:

— Э, болам, — деди носқовоғини чўнтагига солиб қўйиб, — шу йилимиз бошланишидан хосиятсиз келди ўзи. Қиш чилласи чиқмасидан, биргина Хончорбоғнинг ўзида қанча одамни опкетди ўлим қурмагур. Шу кунларда Кўктерақда ҳам миш-миш тарқаган: Жаҳон уруши хавфи бормиш. Кеча самоварга беш-олти-та ҳарбийлар кирганди. «Шу гап тўғрими, яхшилар?» десам миқ этишмайди. «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди», десам: «Бобой, фашизм бутун Увропога канадек ёпишяпти. Гитлер деган бир кўнғиз мўйлов кимса уларни олқишляяпти», деган гапни айтишди. Ишқилиб, юрт тинч бўлсин, уруш бўлмасин-да, уруш!..

— Уруш!!!

— Мана шунақа гаплар, оғайни, мана шунақа... — Расул оғзини катта очиб ҳомуза тортди.

«Оғайни дема мени, сенга энди оғайни эмасман...»

— ...

Шу пайт, кутилмаганда чойхонага Бурхон кал кириб келиб, суҳбатнинг белига тепди. Наби Тароқ билан қўшқўлаб сўрашди, мўлтайганча қўлини чўзиб кўришишга чоғланган Расулга қиё ҳам боқмай, юқоридаги чорпоёга ўтиб кетди. Кўрпачага тиззалаб ўтириб, Расулга ола қараш қилди. Расул изза тортди, ўйламай-нетмай қўл чўзганига минг бор пушаймон еб, олов мисол қизарган юзини кафти билан сидириб қўйди. Ўнғайсизланиб теварак-атрофига аланглади. Дастур-

хонга фотиҳа ўқиш ҳам эсига келмай, ўрнидан кўзгалди-да, кетишга тараддудланди.

Наби Тароқ унга ортиқча манзират қилмай осто-нага довур кузатиб чиқди.

— Бояги гапим гап, — деди у қатъий қилиб. — Сен Анварни кўпам қийнайверма. Ҳали у сени шундай уялтирсинки... Тузукми?..

Расул, ўғлим Анвар ҳақида гап борганини Бурхон кал сезиб қолди, деган ўйга бориб, ҳадиксираб ичка-рига кўз югуртди, сўнг, худди ортидан биров қувлаётгандай энтак-тентак юриб чойхонадан узоқлашди.

Наби Тароқ анчагача останада туриб қолди...

«Опоқдажон, жон опоқдага, кетманг...»

«Йўқ, болам, ортиқ қололмайман...»

«Хў, шумтака, қани ичкарига кир-чи?! Кимга айт-ялман, деворгами?»

«Бор, Ортиқбой, бора қол, болам».

«Ўша қафасни негаям оча қолдим? Ҳаммаси мени деб бўлди. Мени деб опоқдадамла кетиб қолдила... Барибир, сиз яхшисиз, опоқдада. Адамламинан ойимла сиз ҳақида қанча ёмон гапиришмасин, барибир сиз-ни яхши кўраман...»

Бола яна бошини кўрпадан чиқарди. Дадаси билан онаси ҳамон унинг опоқдадасини «чайнашаётган» эди.

«Опоқдада, роса қулоғиз қизиётгандир-а? Ҳа, адам-ламинан ойимла гапиришяпти...»

— ... Келиб-келиб Вали акани урадимиз? Худонинг ўзи уриб қўйгани каммиди?

(Вали пўкон бир пайтлар ошпазлик қиларди. Кейин дамқисма касалига йўлиқиб қолди. Ҳозир қиздирилган ёғнинг ҳиди келса, нариги кўчадан ўтади).

— Чолгаям ҳайронман, қариб қуюлмади. Неча марта: «Хў, ака, кимсан Раҳимбойнинг акаси деган номингиз бор, худога шукр, Хончорборда ўзимга яраша обрў топганман; ўша мулла Шокир, Сувонқул акаларингиз ҳам, манави Камол баққолингиз ҳам кўлини кўксига қўйиб саломлашади мен билан, шунга қараб қадам босинг-да!» дедим. Йўқ, бояги-бояги — хўжанинг таёғи.

Бола шифтдаги фанерга чизилган турли нақшларга тикилиб ётди. Шаҳодат бармоғи билан ҳар бирининг устидан юргизиб чиққан бўлди гўё.

«Адамлаям қизиқла. Опоқдадамла мункиллаб қол-
ганмидилаки, «чол» дейдила. Ана, Сувонқул бувани,
Камол бувани, Собирнинг додасини чол деса арзийди.
Опоқдадамла ҳали чол эмасла...»

— Мукаррамнинг эри ўша жанжал устида экан.
Азим ака бор-ку, аптекада ишлайдиган, иш юзасидан
қамоқхона касалхонасига бориб қопти. Вали аканинг
Жалоли ўша ерда ётган экан, бир оёғини кесиб таш-
лашибди, аҳволи чатоқ эмиш. Азим аптечи шуни Вали
акага айтган экан, у: «Зарил кептими менга, жиноят-
ни қилдими, азобини ҳам тортаверсин. Мени у ёқ-бу
ёққа югуришга вақтим ҳам, қаппайган ҳамёним ҳам
йўқ», дебди. Ўртага муллакам аралашибди: «Хў, Мир-
вали, акаси, самоварда болиш қучоқлаб ётиб олиб,
Шокир ака, Мирзоҳид оқсоқолга ўхшаш отангиз қато-
ри мўсафидларга сўз бермайсиз; ундан кўра ўғил-
нинг ҳолидан хабар олсангиз асакангиз кетадими, ҳар-
қолда ота деган номингиз бор. Ҳамён торлик қилса,
мана мен берай», дебди. Икки-учта мўсафидлар ҳам
муллакамнинг гапини маъқуллашибди. «Менинг ундай
ўғлим йўқ, оқ қилганман», деганмиш Вали ака...

— Хўш, кейин нима бўпти? — тоқатсизланган
қиёфада суриштирди эри. — Чол нима дебди?..

«Оқ қилдим» дегани нима ўзи? Вали пўкон Жалол
акамни нега ундай дейди? Ё Сайдазни ўғил қилиб
олгани учунми?»

Бола ёстиққа тирсагини тираб олиб, дадаси билан
онасининг опоқдадаси ҳақидаги суҳбатини диққат би-
лан эшитар, ўзича хулоса чиқариб ётарди.

— «Берди»сини айтгунча уриб ўлдирманг, бир бо-
шидан гапиряпман-ку энди. «Менинг ундай ўғлим йўқ,
оқ қилганман», дебди Вали ака. Кейин акайизники
ҳам тутиб кетибди: «Хотинингни йили ўтмасдан бош-
қасига уйландинг, кетма-кет буй етиб турган ўғиллар-
ни уйлантириш ўрнига ўзинг бошингни иккита қилиб
олдинг. Фақат туғдиришни билар экансан-да, тарбия-
си билан ишинг йўқ экан-да», дебди. Буям етмаган-
дай, Вали ака шўрликнинг қулоқ-чаккасига тортиб юбо-
рибди. Шахмат ўйнаб ўтирган Мукаррамнинг эри ҳам,
анув Осим сариқ, Мираҳмад деган ошналарингиз бор-
ку, ўшалар ҳам анграйиб қолишибди. Ўлганнинг усти-
га тепгандай: «Кўтар тўрва-халтангни!» деб, Вали ака

шўрликни чойхонадан қувиб чиқарибди. Пўкон: «Мелисага арз қиламан. Ямин участкавойга!» деганича чиқиб кетибди...

Бола мийғида кулди. Чойхонадан қувилган Вали пўконни Ҳотамтойнинг тарсакисидан сўнг тахтдан қулаб тушган Бухоро подшосига ўхшатди. Опоқдадасини ўша чўпчакдаги Муқбил тошотарга қиёслади. Юзидаги табассум йўқолиб, ўйлаб қолди.

«Вали амаки ёмон одам. Ростдан ҳам мелисага айтса-я!.. Опоқдадамни қамаб қўйишса-я!..»

— Оқ қилмоқ туғул кўк қилиб юбормайдими! Нега бировнинг турмушига бурун суқади! Рости билан Ямин акага чақса-я!..

— Гўрни айтадими! Вали ака бир оми одам бўлса, шунинг мелисага чақишига ҳеч ақлим етмайди.

«Қани, айтсин-чи, Сайдази соғ қолармикан?! Ўзи шундоқ ҳам жигимга тегиб юрибди...»

— Вали пўкон-ку айтмаслиги мумкин, лекин олқишлагувчилар йўқ дейсанми? Тагимга сув қуймоқни кўнглига туғиб юрганлар кам дейсанми? Бор, хотин, бор! Биттаси — ана ўша Мукаррамингнинг эри — жисмоний тарбия ўқитувчиси. Комил билан бир синфни тугатганмиз. Аълочи эди, шу билан бирга ўжар ҳам эди. Мана, омади ҳечам келмайди. Биттаси ўзини осди. Қодир тўптарошнинг ўғли. Уям келажаги бор ўқувчилардан эди. Муаллимимиз оғзидан қўймасди: «Мана шу катта арбоб бўлади-ёв...» Арбоб бўлиш қаёқда, ҳамма арбоб бўлаверса, подани ким боқади? Адойи тамом бўлди! Шу қурумсоқни деб бир кунмас-бир кун панд емасам гўрга эди-да...

Болага бирдан дадасининг узун бурни-ю, хуснбузардан чўтир бўлиб қолган ялпоқ юзи хунук кўриниб кетди. Унга болаларча нафрат билан боқди.

«Фақат ўзини ўйлайди. Опоқдадамлани ўйламайди. Унга ўзи бўлса бас! Ахир, опоқдадамла бегона эмаслаку, менинг опоқдадамла-ку? Улар ҳечам мақтанмайдила. Бутун бошли Вали пўконни нокаут қилибдилаю...»

— ... Ўзи-ку бир марта худди ана шу пўконнинг адаси билан Шерали прокурор туфайли совуғини еб келди-я! Тинч юрса бўлмасмикин, ҳайронман!..

— Овсиним шунинг учун ташлаб кетган-да! Ит феъли билан кимга ҳам ёқарди? Муллакам ўлганда тинчийди. Тирик экан — галвасиз яшолмайди.

«Боплабдила опоқдадам. Сайдазни ўғлим деб юрибди пўкон, Жалол акамни қаматиб юбориб. Қанақасига ўғли! Сайдаз ойисиминан келган-ку! Сайдаз — ўғри! Опоқдадам олиб берган кюшкамни ўғирлаган... Опоқдадамни чойхонадан чақириб келиш керак. Қачонгача бировларга чой дамлаб юрадила. Ана, Вали пўкон дамласин, бошқаларнинг боласини «ўғлим» дейишни биллади. Опоқдадамсиз ҳовлимиз ҳувиллаб қолди...»

— Кеннойимни чолнинг ўзи хушламаган. Унинг кўнгли Хатира холамнинг қизида эди. Шунинг учун қўйиб юборган...

— Кўнгил деб бир умр хотинсиз ўтар эканми одам ҳам? Бошқа бирор айблари йўқмиди?..

— Эсинг жойидами? Бир қизи билан қўйиб юборган-ку! Ҳозир уям бола-чақали бўлиб кетгандир.

— Вақтида боплаб жўнаворган экан овсиним боёқиш. Муллакам билан бир умр азобда ўтарди ҳаёти...

Бола устига тўшалган шойи кўрпани нари суриб, ўрнидан қўзғалди. Тўтарак стол атрофида нонушта қилиб ўтирган дадаси билан онасига қаради. Улар болага эътибор беришмади: икковини шу лаҳзада мутлақо бошқа нарса ташвишлантирар эди. Бола ота-онасининг бу қадар эътиборсизлигидан тажанг бўлди.

«Барибир опоқдадам бўлолмайсизлар! Опоқдадам мени «Ортиқбой болам» дейдила, қурт берадила, сарабодрок оберадила. Қобил бувамминан Хатча бувимла ҳақида гапириб берадила. Ҳеч кимни қораламайдила...»

— Ада, — деди у тоқати тоқ бўлиб, — опоқдадамни чақириб келайлик. Жуда соғиндим уларни... опоқдадам яхшила...

Қапайиб чиққан қорни стол зиҳига тегай деб турган, пишиллаб нафас олаётган дадаси чуқур хўрсинди, чаккасини қашиганча хотинига мўлтайди. Бола ҳам онасига ўтинч билан боқди, опоқдадасининг гапини эслади: «Адангга ҳайронман: намунча чўқиниб кетмаса хотинга. Йигитмисан — йигитдай керилиб юрда!»

— Опоқдадангнинг ўзи димоқ қилиб кетиб қолди. Ҳайдаганимиз йўқ. У кишига бурнидан баланд гапириб бўлмайди. Дарров қошиб ташлайдилар.

— Опоқдадамда айб йўқ. Айб менда. Канарейкани чиқариб юборган мен-ку! Сиз эса... опоқдадамни уришдингиз...

— Кўп алжирайверма! Қилғиликни қилиб қўйиб... Ҳе, қўшмозор бўл ўша...

— Ҳой ойиси, хўвв... — деди дадаси пастки лабини тишлаб. — Яхши эмас.

Бола йиғлаб юборди. Дадасининг тиззасига суянди-да:

— Опоқдадамнинг биздан бошқа ҳеч кимлари йўқ, — деди онасидан юзини яшириб. — «Ортиқбой болам, сенминан адангдан бўлак яқиним қолмади», дердила. Жо-он ада, опоқдадамни чақириб келайлик. Ана, Вали пўконнинг ўзи чойхоначилик қилсин!..

— Кап-катта кишини «пўкон» дейишни сенга ким қўйибди, мишиқи!..

— Боланинг гапида жон бор-ов, Мубор. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Кимсан, Раҳимбойнинг акаси чойхонада ётиб юрибди, деган иснодга қолмайлик юрт ўртасида. Менга қолса, бир ҳисобда ўша ерда юравергани ҳам маъқул, лекин нима қиласан, сассиқ деб бурунни кесиб ташлаб бўлмайди-ку! Ундан кейин, яна битта-яримта галвани бошлаб юрмасин. Бугун Вали акага озор берган бўлса, эртага бошқа бировга қўл кўтаради! Ҳали қайтишга рози бўладими-йўқми. Уям ўзига етганча ўжар. Гап уқтириш амримаҳол.

— Мен гап уқтираман! — дея ўйноқлади бола. — Опоқдадамни мен кўндираман! Опоқдадамни қайтарамиз! Ур-рэ!..

Онасининг капалаги учиб кетди. Боллага бобиллаб берди:

— Вой, мадоннамни синдирасан! Ҳе, ўйноқламай ўл! Сал қолди-ку сервантдан тушиб кетишига!..

Ота-бола гузарга чиқишди. Муюлишга етганда чойхона кўринди. Улар Исмоил охуннинг эшиги рўпарасидаги қари баҳайбат ёнғоқ дарахти тагига келиб тўхташди.

Дадаси боллага қараб:

— Чойхонага киргин-да, опоқдадангга, сизни адамла чақиряптила, дегин. Хўпми? Бор, ўғлим, — деди.

— Сиз-чи, сиз кирмайсизми, ада? — деди бола қулоғининг ёнидаги нўхатдай ортиғини силаб. — Бир ўзим кираманми?..

У дадасининг катта, япасқи бурнига маънос тикилди.

— Менга мумкин эмас... Тушундингми? Йўқ, тушунмадинг-ов. Майли, кейин тушуниб оларсан. Қани, бор, чақириб кел.

Бола кўрқиб кетди: дадаси тўсатдан орқасига қайтиб кетиб қолса-я! Опоқдадаси чойхонада қолиб кетаверади. У илдам юрди. Чойхона эшигига етганда ортига бир қараб олиб, иштонини кўтарганча ичкарига кирди.

— ... Хўш, мулла Ашир, мана сиз мадраса кўргансиз, а?..

— Бале, оқсоқол, алҳамдулиллоҳ мадраса кўрганмиз, — деди қўлидаги бедананиннг тўшини силаб туриб дол жуссали қария. Кейин, серажин, буришиқ юзида истехзоли кулги ўйнади: — Манов тулакка, эшитопсизми оқсоқол, охун «жўжомни қўяман», дейди-я, баччатаалоқ.

(Ўттизинчи йилларнинг бошида Хончорбоққа бир неча тожик оиласи кўчиб келган. Ашир гулчи ўшалардан эди.)

— Ҳа, энди, мулла Ашир, Исмоилни қўйинг. Унинг аравани қуруқ олқочишини Хончорбоғнинг етти яшаридан етмиш яшаригача билади. — Мирзоҳид оқсоқол чордана қуриб ўтирган кўйи дўлана тасбеҳининг доналарини бармоқлари орасидан битта-битта ўтказарди. У нариги чорпояда берилиб шахмат суришаётганларга бир қараб олди-да, овозини хиёл баландатди: — Мана, мулла Ашир, ҳаммамиз мусулмон фарзандимиз, Худога минг қатла шукр. Мусулмон фарзандининг Олло таоло олдида беш фарзи бор. Муни ҳам биласиз-а, мулла?..

— Бале, оқсоқол, биломиз албатта, — деди кафтига тарик тўкиб, беданага чўқиттираётган гулчи. — Манов энағарни қаранг, оқсоқол, тумшуғининг тагидаги доинини емайди-я! Ҳа, дон кўр қилсин сан энағарни!..

— Отангизга раҳмат. Хў-ўш... Ие, анув болакай кимга келди? Хў-вв болам, кимни ўғлисан? Кимни олдига келдинг?..

Чойхонанинг ёқимсиз, дим ҳавосидан сепкилли, думалоқ юзини бужмайтирганча бола у ёқ-бу ёққа аланглади. Мирзоҳид оқсоқол билан Ашир гулчи ўтирган чорпоя томон юрди-да, оқсоқолга қараб сўзланди:

— Опоқдаданинг олдиларига келувдим...

— Ҳа, боласи тушмагур-э, — кулимсиради Мирзоҳид оқсоқол, оёғининг чигилини ёзди, кейин тиззалаб ўтириб олди-да: — Опоқдадангнинг кимлигини биз қайдан биламиз? Бўтга қанча опоқдадалар ўтирибдию, — деди.

— Бу бача мулла Набига тегишли-ёв... — деди Ашир гулчи ва қўлидаги беданани носранг халтачага солди. Бедана халтада типирчилади, чол эътибор бермай қўйнига сукди. — Раҳимнинг бачаси шекилли... Адангнинг оти Раҳимми?..

— Ҳмм, — деди бола мўйсафидлардан пастроқдаги чорпояда ёнбошлаганча пинакка кетган Бурхон калга анқаяр экан. «Пашша қўнса сирпаниб кетади-я! — ўйлади ўзича. — Сип-силлиқ... Шаршара бўйидаги ях-малагимизга ўхшайди». Кулиб юборишдан ўзини базўр тийиб: — Опоқдадам қанила? — деди.

— Опоқдаданг ҳозир кеп қолади, — жавоб қайтарди чўнтак титиб носқовоқ қидираётган Ашир гулчи. — Опоқдаданг Назирникига кетган. Назир, самоваркарнай ясоб бераман дегон экан, ўшани опкеломан, деб кетувди. Ўтир, бачам, ўтир, ҳозир келоди опоқдаданг...

Ашир гулчи бир чимдим носни кафтига тўқди, бурнига яқинлаштириб искади, қаноат ҳосил қилди чамаси, тилининг тагига ташлади.

Бола унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмай, диққат билан кузатиб турар эди.

«Бу чол қизиқ-ку: бедана боқар экан, носвой чекар экан, бошқача гапирар экан. «Бача» дегани нима ўзи?..»

У теварак-атрофига кўз югуртирди: мўйсафидлар ўтирган кир кўрпачалар, матоси ситилиб пахтаси кўри-ниб қолган болишлар, нариги бурчақда шахматга бе-рилиб кетган дадаси тенги икки киши; Бурхон кал

пинакка кетган каравот тагида ёф шишалари, пачоқ челақ, тўнкариб қўйилган катта қозон; қозоннинг рўпарасидан пилдираб сичқон ўтди. Бола зўрға илғаб қолди. Сичқон баҳайбат руҳ самовар ёнидаги ковакка кириб кўздан ғойиб бўлди.

«Опоқдадам шунақа жойда ётиб юрган эканлар-да! Йўқ, опоқдадамни опкетамиз. Бундай ерда Вали пўкон яшасин...»

— Ҳа-а, айтгандай, пўкон кирмай қўйдими сомоврга? — Мирзоҳид оқсоқол кулимсиради, бошидаги шойи салласини тўғрилади — пешонасидаги ёнғоқдек ғурраси кўриниб қолди. — Хў-ўб кўнглимдаги иш бўпти-да! Боплаб таъзирини берибди мулла Наби! Бу пўкон даюснинг отаси ҳам кўп ярамас одам ўтган, ивғогар ўтган. Мана шу боланинг бувасиминан мушук-сичқон эди. Мирқобил раҳматли Хончорбоғнинг олди қизига уйланганди: Сирож махсумнинг Хатчасини олганди-да! Уям раҳматли бўлиб кетди... Хўш, сиз, мулла Ашир, Сирож махсумни танимасангиз керагов, а?..

— Нега танимас эканман? — ажабланди гулчи, — Таниганда қандо! Аҳмаднинг қайнотоси-да, а, шундойми? Жуда ху-уб биламанда Махсум акони...

— Балли, мулла, балли. Ҳув, Кайковузнинг бўйидаги мактаб бор-ку, ана ўша мактабнинг ўрни илгарилари Сирож махсумнинг боғи эди. Катта олмазори бор эди унинг. Хончорбоғнинг катта-кичиги «Олма бува», деб чақирар эди Махсум ака раҳматлини. Ўзиям супрадаги унга қарамай тандирга ўт қалайдиган хилидан эди. Мирқобилнинг Хадичаси унинг биринчи хотинидан, ҳа, шундай, мулла Ашир, шундай... Сурнайчига узатган Хатираси эса иккинчисидан — Сувонкулнинг аммасидан... Сирож акага хотин чидамади: Ойтўраминан шу ўн йиллар атрофида яшади-ёв, янглишмасам. Турдикул кўкчининг синглисиминанам шунча турмуш қурди-ёв. Охирги маҳалларда Аҳмадникига кўчиб келганди, боғини сотиб юбориб. Бу орада Кўктерақда самовар қўйиб келди, уч-тўрт йил, урушдан бурун. Сирасини айтганда, бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдир одамохун эди... Ўзимизнинг Эгамберди комиссия бор-ку, шуниям ўша киши топиб келган, чақалоқлигида. Бир аёл ташлаб кетган экан; боқолмайман, ўлиб

қолади, деб. Кейинчалик ўғлини ахтариб Хончорбоққа ҳам келганди, ярим-ёрти савдойи ҳолда... Эгамни Шоюсуф муаллим ўз тарбиясига олди: у бепарзанд эди-да, хотини туғмаганди. Йўқ, шуни асраб олдию киз кўрди. Уни қаранг, мулла Ашир, парвардигори оламининг улуғ қудратини кўринг. «Сен — сағирнинг бошини силадинг», деб, Шоюсуфга фарзанд берди-я! Во-оо қудратингдан! Энди кўриб турибсиз, Эгам комиссиянинг ошиғи олчи — егани олдида, емагани ортида. Уйнинг тўри, тўйу маъраканинг тўри шуники. Абсатторга ўхшаш нечта шотири соясига кўрпача солиб юради... Нима дейсиз?! Замон шуники — қандини урсин!.. Хў-ўш, ўзи нима ҳақида гапираётгандим, хаёлдан ҳам кўтарилиб кетди. Ҳа, ҳа, бўлди. Фанининг ифвосини қилаётгандим. У ярамаснинг ўзи ифвогар ўтган-да, Худо ҳам кечирар унинг ифвосини қилсам... Шу денг, мулла, уям Хатчага кўз олайтириб юрар экан-да, баччағар! Бир куни ўзи ёрилиб қолди: маст эди, Сувонқулни чимилдиққа кузатиб қайтаётган эдик. Биласиз, мулла, мастлик — ростлик! «Кўрасан, Зоҳид, аламимни оламан бу тароқчидан», деб қолди. Худо бир, мулла Ашир, шундай деди у хумпар. «Хў, менга қара, югурганники эмас, буюрганники, деган мақол бор, нима қиласан бировнинг асалдай турмушига чанг солиб!» дедим. Ўша ерда сан-манга бориб қолдик, анчагача бир-биримизга димоқ ҳам қилиб юрдик. Йў-ўқ, падарингга қусур аламини ололмади. Жойинг жаннатдан бўлгур Мирқобил урушдан қайтмади, гўрингдан тутун чиққур Фани даюс эса урушга бормади. Муғамбирлигини қаранг, атайин томдан йиқилиб, оёғини ногирон қилди-я!.. Э, илоннинг ёғини ялаган эди бу пўконнинг падари... Аламини олди мулла Ашир, аламини Набидан олди. Юқори жойларга аноним ёзди. Ҳукуматга қарши ҳар хил миш-мишлар тарқатиб юрибди, деган маънодаги юмалоқ хатлар ёғдирди. Наби шўрлик қуруқ туҳматга қолиб, жабрини тортди... У тутуриқсизни ўша маҳалларда комиссиялик муҳрига эга бўлиб олган Шерали прокурор олқишлаган деган гаплар юради юртнинг ўртасида. Бу гапнинг қанчалик тўғри эканини билмайман-у, бир пайтлар худди мана шу сомоворда Сирож махсум раҳматли мана бу гапни айтгани ҳали-ҳали ёдимда. Эрмат тақачингиз бор-ку,

Шералининг отаси, шу Ражаб қиморвозлар даврасига кўшилиб қолганди. Қимор ўйнардди. У падарлаънати Аҳмадни катта пулга туширибди. Сурнайчи бундай пулни топиб беролмаслигини айтганда, тақачи синиқ-мертик тишларини кўрсатган кўйи иржайибди-да: «Бир шартим бор, шунга кўнсанг қарзингдан кечаман», депти. Имонсиз сурнайчи ҳам: «Айт шартингни!» депти. Шунда тақачи: «Қизингни Шерали яхши кўради, ўғлимни куёв қиласан», деб туриб олибди-я уялмай-нетмай. Аҳмад қизининг раъйига қарамасдан ўша ерни ўзида оқ фотиҳа бериб юборибди. Сирож аканинг айтишича, Хатирасининг ўша қизида Набининг ҳам кўнгли бўлган экан. Бунинг устига-устак, қиз ҳам Набининг урушдан қайтишига кўз тикиб ўтирган экан. Шу гапни, худди мана шу ерда ўтириб, Махсум ака раҳматлининг ўз оғзиларидан эшитувдим, худди мана шу ерда. Ажабмаски, ўша сабабдан ҳам прокурор Фанини олқишлаган бўлиши мумкин... Охири нима бўлди? Мана, охирида ўзи ҳам кўр бўлиб, хору зорликда ўлди. Шерали прокурор эса Хончорбоғдан бош олиб чиқиб кетди. Яратганнинг ҳам қаҳри келади, мулла, бандасининг бундай ишларига. Мирвалининг феъли отасиникига ўхшайди. Кўзи оч, кўзи! Ўзганинг қувончига шерик бўлолмайди! Хў-ўп кўнглимдаги ишни қилибди-да, мулла Наби...

«Собирнинг Маккага борган буvasи яхши чолга ўхшайди. Уям Вали пўконни ёқтирмас экан. Ана, опоқ-дадамни мақтади-ку! «Боплаб таъзирини берибди мулла Наби», деди-ю! Пешонасида катта ғурраси бўлса ҳам зўр чол экан...»

— Фани ота қаматганини Наби аканинг ўзи биладими?— дея мўйсафидларнинг суҳбатига аралашди шахмат ўйнаб ўтирганлардан бўйчан, олагўшт, сийрак мўй, оқ тан, истараси иссиғи. — Хончорбоғда ҳам хў-ўп аломат одамлар ўтган-да, а?..

Мирзоҳид оқсоқол уларнинг суҳбатига зийраклик билан қулоқ солаётган болага қараб кўйди-да:

— Қайдам... — деди, чаккасини қашиди. — Билса керак. Билмаслиги ҳам мумкин. Наби дили пок одам. Кек сақламайди...

— Эситгон-ов... — гапга суқилди Ашир гулчи. — Тесик қулоқ барини эситоди...

«Уҳ, иблис! Опоқдадамни қаматган шу пўконнинг адаси экан-да! Уҳ, аблаҳ! Яхши бўпти калтак егани... Шошмай турсин, Сайдазини ҳам бир дўппослайман-ку...»

— Шу гап аниқми? — деди қисқа мўйловининг икки учини ингичка бураб, бурун катакларига етказаркан, қирқлар атрофидаги ориққина киши. — Шундай экан, тегишли жойга чиқмадингларми?! Бир камбағални бекордан-бекорга қаматтириб юборавердингларми?!.

— Э-э, Мираҳмад, акаси, отангиздан сўранг-чи, ўша маҳалларнинг қандай эканини айтиб беради... — Мирзоҳид оқсоқол шундай дея пешонасидаги ғуррасини аябгина силади. Мираҳмаднинг гапидан пича чўчинқиради ҳам. Негаки унинг овозини радиода эшитиб турарди. У ҳам Шокир базознинг невараси қатори ёзиб-чизиб юради: — Хў-ўш, келинлар, алмисоқи бу гапларни кўяйлик... Мулла Ашир, мусулмон фарзандининг олдида турган беш фарзи ҳақида гаплашаётгандик шекилли, а?..

— Сундай оқшокол, сундай...

— Хўш, шундай қилиб денг, биринчиси — Худони бир билмоқлик; иккинчиси — беш маҳал намозни қанда қилмаслик; учинчиси — рамазони мукаррамада рўза тутиб, бевафо дунёнинг турлуғ ғам-ташвишларидан ўзни қутултирмоқлик; тўртинчиси — зулҳижжай мўътабарда Маккаи Мадинага равон айлаб, Каъбай муқаддасни тавоф этиб, ҳаж қилмоқлик. Албатта қувват етса, чўнтак торлик қилмаса... Хўш дегандай, ва ниҳоят сўнгиси, ортиқча молинг бўлса, маблағинг бўлса — закот бермолиғ...

«Ҳамма нарсани билади-я Собирнинг буваси! «Бувам Маккага борганларида Замзам қудуғидан сув ичганла, обизамзамдан ҳўплаганла», деб мақтанганича бор экан Собир қуруқ. Барибир унинг Замзам қудуғидан сув ичган бувасидан мени опоқдадам яхшила...»

— Анув қорасаройлик ошнангиз бор эди-ку, Сулаймон ота, ўшайм бандаликни бажо белтирибди-да, а, Мирзоҳид ака? — деди ўйчан ҳолда шахмат тахта-сидан бош кўтармай оқ-сарик, истараси иссиқ киши. — Битта шаҳобиддин, сизга, азизим Мираҳмад-бой...

— Энди ука, бу бевафо дунёга ким устун бўлган...— дея, пинакка кетиб, хуррак ота бошлаган Бурхон калга ўгирилди оқсоқол. Бошини лиқиллатиб кулиб қўйди, Ашир гулчини туртди: — Калгаям ҳайронсан, бу дейман, сомоворга хуррак тортгани чиқадами?! Қани болам, манов пиёлага ҳув анави пақирдан сув тўлатиб келгин-чи, Бурхон амакингни бир чўчитайлик, иккинчи марта сомоворда хурилламайдиган бўлади. Қани, ма...

Бола иккиланиб турди. Хижолатомуз жилмайиб, гоҳ пинакка кетган Бурхон калга, гоҳ шахмат суришаётганларга мўлтираб боқди. Истараси иссиқ киши қизиқ бир томошани кўриш иштиёқида илжайган қиёфада «борақол» ишорасини қилди. Бола оқсоқолнинг қўлидаги пиёлани олди-да, худди ортидан ёв қувлаётгандай, бедана юриш қилиб челак томон кетди. Пиёлага сувни тўлатиб, секин-секин қадам қўйиб оқсоқолнинг ёнига келди, унга тутқазиб, ўзи кўча эшик томон юрди, қўрқув аралаш калга тикилди. Бурхон кал ҳамон хуррак тортар, катта пучуқ бурнининг катаклари гоҳ керилар, гоҳ эса тораярди.

— Қўйинг, окшокол, тагин ўтакаши ёрилиб кетмошин калнинг, — деди Ашир гулчи, лабини чўччайтириб оғзидаги носни шолча тагига тупурди. — Бурхоннинг феъли-хўйини ху-уб билосиз-ку!..

Мирзоҳид оқсоқол чўққисоқолини шавқ билан силади, гулчига қулоқ солмай:

— Зарари йўқ, Бурхон ўзимизнинг ука. Ҳазилини тушунадиган йигит, — деди.

У шундай деди-ю, пиёладаги сувни ҳовучига тўлдириб, калга қарата сепди. Ўзини тутолмай хиринглади.

Кал сесканиб тушиб, ўрнидан сапчиб туриб кетди. Ҳамма бараварига хахолаб кулди, айниқса Мирзоҳид оқсоқол мириқди-ей!.. Бурхон кал юзини авра чопонининг бари билан артар экан, теварак-атрофдагиларга еб қўйгудек боқди, тап-тақир боши ҳам юзи аралаш қизил тусга кирди.

— Оқсоқол! — деди у зардали овозда, — Ҳожи бува! Бу, Маккада, шайхларингиз айтмагандир-а, уйқув элитган бир бечорани чўчитгин, деб? Кап-катта одамсиз, юртнинг оқсоқолисиз... Анув бола бўлса майли эди, сизки шундай қилгандан кейин... бошқалардан

ўпкalamасам бўлар экан-да, а? Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши!..

«Собирнинг бувасига сув келтириб бермасам бўлар экан. Бурхон амаки астойдил хафа бўлди. Собирнинг буваси бутун чойхона ўртасида у кишининг шармандасини чиқарди...»

Мирзоҳид оқсоқол ҳамон ҳиқиллаб кулишини қўймасди. Бошқалар калнинг вазоҳатидан қўрқиб, дарров билмаган киши бўлиб олишди, қилғиликни қилиб қўйган оқсоқолгина тап тортмади.

— Ҳа, Бурхон укам-а! — деди у ёшланган кўзларини рўмолчаси билан артатуриб. — Ҳазил-ку, акаси, ҳазил!.. Қарасам, жа парвойи фалаксан, ҳеч тап тортмай хуррак отяпсан. Кел, дедим ўзимга ўзим, кел, бир Бурхонни боплай, дедим. Ўзимнинг укам-ку, дедим. Ҳи, хи, хи...

— Ҳе, ҳазилингиздан ўргилдим! — Бурхон кал пича ҳовуридан тушди. — Ҳе, ҳазилингиз бор бўлсин...

— Энди, Бурхон укам, сенга бир юмуш бор, — Мирзоҳид оқсоқол калнинг ҳадеб чайналавераётганидан гапни бошқа ёққа бурди. — Гап мундай ука: биздайин бир ҳожатманднинг ҳожатини чиқариб, дуойи хайримизни олсанг, бу дунё ҳам, у дунё ҳам кам бўлмайсан. Хўпми? Хўш, шу, бир яхши отамерос кетмоним бўлгувчи эди, шуни кимдир олиб, қайтиб бермади-да, баччавар... Бозор тушишга вақт қаёқда дейсан, устига-устак оёқ ҳам ярамай қолган, узоққа юришга. Сен, ука, молни яхши танлайсан, шу нархи арзон, ўзи пишиғидан топиб кеберсанг. Сих ҳам куй-маса, кабоб ҳам... Ҳовлида чопиқ қиладиган юмушлар бор, невараларга айтсам: бири дарсим кўп, дейди, бошқаси ишим кўп, дейди. Ўзим унналмасам бўлмайдиган кўринади. Бир дуойимни олардинг-да, Бурхон акаси...

— Сизга, оқсоқол, игна ҳам опкелмайман, — Бурхон кал астойдил аразлаган эди. — Кўнгилни совутиб юбордингиз. Дуойи хайрингиз ўзингизга буюрсин...

«Опоқдадамла: «Ойингминан адангнинг қилаётган ишлари кўнгилни совутиб юборди, Ортиқбой болам, сени деб чидаб келяпман-да, йўқса алақачон жўнаворардим», дердила. «Кўнгилни совутиб юбориш қандай бўларкин?» деб ўйлардим. Кўнгилни совутиш мун-

дай бўлар экан-да! Собирнинг буваси Бурхон амаки-нинг кўнглини совутмаганида, у кетмон опкеб берарди. Мана энди игна ҳам обкемайди Собирнинг додасига...»

— Хў, сен қизиқ экансан-ку, ука! — Мирзоҳид оқсоқолнинг узун мош-гуруч қошлари чимирилди. — Шунга ҳам димоғми? Қўй-э! Ароп дастурхончига ўхшашма! Йигит кишига ярашмас экан!.. — У Бурхон калга тескари ўтирилиб, шахмат суришаётганлар томон қаради, хўв боя чала қолиб кетган гапини давом этди: — Энди, Осимжон бўтам, бу дунёга ким ҳам устун бўлган, қани айтгин-чи мента? Шоҳ ҳам кетади, гадо ҳам — куни, вақти-соати етганда. Бандаси ожиз бу масалада... Тунов куни кўмиб келдик, у боёқишни ҳам. Шундоққина отасининг ёнгинасидан жой олди...

Бола оқсоқолнинг гапига анграйиб кулоқ солар, лекин ҳеч бирига тушунмас эди. Ким ҳақида гапиряпти? Кимнинг ўлими ҳақида? У фақатгина ўзи яшаб турган Хончорбоғни билади. Опоқдадаси кўпинча унга ана шу ер одамлари, уларнинг ўтмиши ҳақида сўзлаб берар, «Болам, сен ўзинг яшаётган Хончорбоғни севсанг, аждодларимизга ризқ-рўз ҳадя этган Қичқириқни севсанг — бутун Оламини, бутун Одамларни севган бўласан, ҳалол Одам бўлиб етишасан», дерди. Бола опоқдадасининг тиззасига ўтириб олиб, унинг ўнгитларини маза қилиб тингларди. Опоқдадасининг узун почапўстини бор. Почапўстинни опоқдадасига катта буваси — Сирож махсум тортиқ қилган экан. Ана шу почапўстиндан ёқимли ҳид таралиб туради. Бола дунёда иккита ҳидни яхши кўради: бири — машина тутунининг ҳиди, иккинчиси — почапўстиннинг ҳиди! Лекин, опоқдадаси: «Машина тутуни заҳарли бўлади, одамнинг ўпкасига зарар қилади», деганидан бери у кўчадан ўтган машинанинг тутунини ҳидламай кўйди. Бола кўпинча почапўстиннинг ҳидидан маст бўлиб, опоқдадасининг тиззасида ухлаб қоларди. Эрталаб уйғонганда эса ўз ўрнида ётган бўларди. Дадасидан: «Ўрнимга қандай қилиб келиб қолдим?» деб сўраса, «Опоқдаданг кўтариб олиб келиб ётқиздилар», дерди. Ана шу пайтларда у опоқдадасини аввалгидан минг чандон яхши кўриб кетар эди. Юрагининг туб-тубла-

рида опокдадасига нисбатан улкан меҳр жўш урарди...

— Ўша кишининг катта ўфиллари учувчи эди шекилли... — деди шоҳининг олдини сипоҳ билан берки-тар экан, Мираҳмад. — А? Шундайми, Мирзоҳид ака?.. Бир гал у ҳақида радиоочерк ёзгандим...

Мирзоҳид оқсоқол Мираҳмаднинг гапини эшитмаганга йўйди. Унинг бояги: «Бир камбағални бекордан-бекорга қаматтириб юборавердингларми?!» деган гапи оқсоқолга тегиб кетганди, у қовоқ-тумшурғини осилтирганча:

— Миросим, акаси ўргилгур... — деди, Осим сариқ бошини кўтарди, чуқур ўйга чўмганча оқсоқолга қаради: — Се-ен ютгин-а! Тагин Мираҳмаднинг тилла тишларини қоқиб ўтирма...

— Йўғ-е! Нималар деяпсиз?! Ёзувчиларга тегиб бўларканми? Шартта ёзадию номингни булғайди кўяди!.. — деди Осим сариқ ҳамсоясига ёқимсиз илжайиб қараркан. — Тўғрим, ошна?..

— ...

— Миросимнинг ҳув анув кунги қилган ишини айтмадимми сизга, мулла Ашир? Шу денг, Тўхтанинг муштдай ўғлини уриб юборса-я! Ҳў, мусулмон, нима кераги бор, дейман, қани энди кўнса! Сабабини суриш-тирсам: бу киши ютуқни бой берган эканлар. Алам қилганидан бола шўрликнинг оғзи-бурнини қаро қонга белабдилар. Ҳа-а, Осим сариғ-а!..

«Номард экан, бу киши! Ўзидан кичикни ҳам урар эканми? Зўр бўлсанг опокдадамга ўхшаб Вали пўкондай каттакон кишиларни ур! Келиб-келиб кучингни ўзингдан кичикларга кўрсатасанми?! Фирт номард экансан...»

— Тўғри-да, ким кўйибди ёш болага чойхонага чиқиб олиб шахмат ўйнашни. Ўз тенгқурларингминан ўйнаб юравер. Бир марта ютиб қолувди, вайсайверди-вайсайверди: «Сипоҳминан олға», дейди. «Асплар хужумга!» дейди. «Алехин камбинацияси — Капа-бланка ҳимояси», дейдими-ей! Ишқилиб, қулоқни қоқиб кўлимга берди-да!.. Бир марта огоҳлангирдим: «Акаси, тек ўтириб ўйнасанг ўйна, йўқса туёингни шиқиллатиб қол», дедим, яхши гапирдим. Қани энди кўнса!.. «Америкалик шахматчи Фишер рақибига ана

шу усулда — рухий хужум қилади», дейди тап тортмай. Иккинчи марта мот қилганида меники тутиб кетди. «Шу мишиқига ютқазаманми?» деб бир алам қилди-я... Кейин, ҳе Фишер бўлган сендан ўргилдим, дея беихтиёр уриб юборибман...

«Ўйинни қотириб қўйгандан кейин чиранади-да! Ўзиз ҳам қотириб қўйингидиз... Менам ўша болага ўхшаб мақтанган бўлардим, ўзимдан кап-катта кишини ютганимдан кейин...»

— Ана, опокдадонг! — деди кўча тарафга қараб эснаб турган Ашир гулчи. — Хув ана сомоворкарнай опкелопти. Кўрдингми?

Эшик очилиб, Наби Тароқ кирди.

— Опокдада!

— Ортиқбой болам! — Наби Тароқ қўлидаги самоваркарнайни ерга ташлади. Болани кўтариб олиб, бағрига босди. — Тинчликми? Бир ўзинг келдингми?

— Ҳаяллаб қолдинг, мулла Наби? — ўсмоқчилаб суриштирди Мирзоҳид оқсоқол ва яна уйқу элитаётган калга кўзи тушди. «Ўҳ-ҳў», дея томоқ қириб йўталди. Кал парво қилмади — яна хуррак отишга тушди.

— Назир ҳаммомга кетган экан, — Наби Тароқ майин жилмайди. — Ўғлидан: «Аданг қани?» деб сўрасам, «Финский ҳаммомга кетти», дейди. «Нега?» десам, «Озгани», дейди-я шумтака. Назирга ўхшаган шартаки экан. Шуминан гурунглашиб турувдим, йўқ, бир маҳал ҳаллослаганча тунукачининг ўзи кеп қолди.

— Назир ўлганда озади. Бу нафсиминан икки дунёда ҳам озмайди, — деди Мирзоҳид оқсоқол ишонч билан. — Нима дедингиз мулла Ашир?..

— Ху-уб гоп бўлди...

— Опокдада! — бола Наби Тароқнинг қулоғига кафтини ҳовуч қилиб шивирлади: — Адамламинан келгандим. Муюлишда турибдила. Кўрмадизми кўчада?

— Йўқ, болам, мен нариги кўчадан келяпман. Тешикқопқоқ ёнидаги кўчадан. Адангни учратмадим.

— Опокдада, биза сизни опкетгани келдик.

— Нима деяпсан? Ким айтди?

— Юринг кўчага, кейин биласиз...

— Тинчликми? — суриштирди Мирзоҳид оқсоқол. Наби Тароқдаги ўзгаришни сезиб. — Ё уйингда бирор кори ҳол юз берибдими?

— Тинчлик, — деди у сир бой бермасдан. — Мен ҳозир келаман.

У болани етаклаб ташқарига чиқди. Исмоил охуннинг эшиги рўпарасидаги ариққа етганда ёқимсиз балчиқ ҳиди димоққа гуп этиб урди. Наби Тароқ болани кўтариб ўтказиб қўйди-да, муюлиш томон юрди.

У ерда икковининг келишини кутавериш тоқати тоқ бўлган укаси турар эди.

— Ассалому алайкум, — деди укаси Раҳим истаристамас, кейин нафаси бўғзига тиқилгудай аҳволда давом этди: — Ухлаб қолмадингларми мабодо?..

— Ваалайкум... — деди Наби Тароқ гина-кудурат аралаш алик олиб. — Мен Назирникига кетгандим, самоваркарнай опкелгани, Ортиқбой болам анча кутиб қолибди.

Ва, шундан сўнг ўртага хижолатли жимлик чўқди. Бола гоҳ дадасига, гоҳ опоқдадасига олазарак кўз югуртирди-да, жимликни бўлиб:

— Ада, айтинг опоқдадамлага, юринг, уйга кетдик, денг, — деди ялинганнамо оҳангда.

Дадаси болага ўқрайди: чимирилган қошларининг ўртасида тугунча ҳосил бўлди. Сўнгра Наби Тароққа қараб:

— Нима кераги бор эди шунақа қилишнинг? — деди. — Худонинг ўзи уриб қўйгани етмасмиди?

Наби Тароқ укаси нима ҳақида гапираётганини даб-дурустан англаб етолмай елка қисди:

— Нимани айтяпсан?

— Вали акани-да!..

— Э-э, гўрсўхтаними?

— Милиса-пилисага сотса нима бўлади?

«Ўзидан чўцияпти. Обрўсидан».

«Адамлаям аломатла-да! Ҳозир опоқдадамни хафа қилиб қўядилар-да, кейин улар уйимизга бормайдилар...»

— Сен кўрқма. Қамаса мени қамайди. Агар шу пўконни деб қамаладиган бўлсам...

«Қани қаматгириб кўрсин-чи, Сайдази соғ қолармикин! Қани опоқдадамларга бир нима бўлсин-чи!..»

— Шундай дейсиз-у, менга ҳам... ахир, ўзимга яраша обрўйим бор... одамлар ўртасида.

«Айтмадимми, бу обрўси учун келган. Насиҳат қилгани келган. Ўз акасига ақл ўргатгани келган...»

— Гап бу ёқда дегин?! Обрўйингга путур етмайди, ука, обрўйингдан чўчима. У падарлаънатига бу ҳам кам. Бутун бошли ўғли ўлим тўшагида ётса-ю, у эса...

Наби Тароқ укасига, ўлим талвасасида ётган қутурган ҳайвонга қарагандек боқди. Кўзлари пирпиради.

«Адамлаям ўша пўконнинг ёнини олишларини-чи. Опоқдадамла тўғри қилганла. Жалол акамни кўриб келса бўлмайдимми... оғир ётган эканла...»

— Опоқдада, юринглар, кетайлик!

«Бола боёқиш соғинибди».

— Уйга қайтмайсизми? Қачонгача чойхоначилик қилмоқчисиз?! Кейин, келинингиз ҳам...

«Менинг ундай келиним йўқ!»

— Ўғрилик — гуноҳ, бировнинг ҳақини емоқлик — гуноҳ. Чойхоначилик қилиш гуноҳ эмас.

«Сайдаз совуқ опоқдадам олиб берган клюшкани ўғирлаб кўйиб гуноҳ иш қилган экан-да. Ана, опоқдадамла айтяптила-ку: «Ўғрилик — гуноҳ», деб...»

— Сизга гап уқтириб бўлмайди. Дарров қолиб оласиз.

— Хотинингни гапини қилма. Омади гапни айтяпман. Келганинг учун мингдан-минг раҳмат. Сизлар тинч яшасанглар, бас. Мен шу самоварда тирикчилигимни ўтказиб юравераман. — Наби Тароқ боланинг қуюқ қора сочидан силади. — Соғинганимда шу Ортиқбойимни кўриб турсам бўлади...

— Бутун-чи, опоқдада, тушимда кўрдим сизни. Иккаламиз кўй етаклаб келаётган эканмиз.

— Ҳали ҳам эсингдан чиқмабди-да, кўй олиб бераман, боқасан, деганим. Оббо сен-э!..

— Чойхоначилиқни йиғиштириб уйга қайтинг!

«Буйруқ беряптими?!»

Наби Тароққа укаси Раҳимнинг буйруғи оғир ботди. Оғзига аччиқ гап келди-ю, ўзини тийди. Муштдай боланинг олдида ака-уканинг сан-манга бориши яхши эмас.

У Ортиқнинг юзида маҳзунлик кўрди. Унинг кўйлагининг тугмасини қадаб кўйди.

«Қайтсам, фақат шуни деб қайтаман. Елкамнинг чуқури кўрсин уйингни, деб кетган эдим-у, на илож, норастанинг кўнгли чўқади. Ўзи шундоқ ҳам ичиккан кўринади-ёв. Шу боёқишнинг кўнгли чўкмасин деб қайтаман! Ортиқбойга қийин бўлади — ўрганиб қолган менга. Ота-онамнинг арвоҳи ҳурмати ҳақи шуни деб қайтаман...»

Наби Тароқ чойхоначилиқни Шариф мўйловга топширди...

Қош қорайган маҳали қарғашойи қийиқчага тугилган бўхчасини қўлтиғига суққанча уйга кириб келди. Ҳайҳотдай ҳовлининг адоғидаги Қобил Тароқчининг замонидан қолган пастаккина ҳужрада чироқ ёнди. Боланинг дили ҳам ёришди. Наби Тароқ аразлаб кетгандан сўнг, у бу файзсиз кўриниб кетган ҳужрага фақатгина бир марта мўралаганди холос. Шу дамда бир маҳаллар керакли рўзгор анжоми ҳисобланган катта хум (ҳозирда эса бу хонадан соҳиблари учун мутлақо кераксиз бўлиб қолганидан ҳужрадан жой олган) ҳам, ҳошиялари занглаб, асл рангини йўқотган сандиқ ҳам, унинг устида турган эски «Урал» радио-приёмниги-ю, Хадича кампирдан қолган ягона бисот — «Зингер» тикув машинаси ҳам, ҳамма-ҳамма нарса боланинг назарида нурга йўғрилиб кетгандай эди гўё. Болакай кўп ери тешилиб, тағидаги бўйраси кўриниб қолган эски кигизга ўтириб олди-да, Наби Тароқнинг амиркон маҳсисини ечишга ёрдамлашди: аввал учидан, кейин товонидан тортди. Маҳси сирғалиб чиқди. Ўнг пойини тортишда бир оз қийналди; Наби Тароқнинг шу оёғи хиёл оқсар эди, маҳси суғрилаётганда юзи бужмайиб кетди. Бола авайлаб, шошмасдан тортди — маҳси чиқди. Наби Тароқ уни тиззасига ўтқазди, бола ўзига таниш бўлган ҳиддан маст эди.

— Опоқдада, — деди у Наби Тароқнинг серсоқол юзига бош қўйиб. — Макка қатта?..

— Макка? Нима қиласан Маккани?

— Собир ҳадеб: «Бувам Маккага бориб Замзам қудуғидан сув ичганла, обизамзамдан ҳўплаганла», деб мақтанаверади-ку!..

— Э-э, — деди Наби Тароқ садаф муштугига па-
пирос жойлар экан, — тўғри, Мирзоҳид оқсоқол ҳажга
бориб келган, «Ҳожи бува» номи бор. Макка узоқда,
болам.

— Сиз ҳам борасиз-а, опоқдада?

Наби Тароқ унинг гапига кулиб қўйди.

«Менинг Маккам Тешиққопқоқ, болам. Ана ўша
ерга бораман...»

— Йўқ,

— Нега?

— Сўрама. Опоқдадангнинг гуноҳлари кўп.

«Вали пўконни уриш гуноҳ ҳисобланмайди. У —
Жалол акамни кўришга бормагани учун ургансиз-ку!
Тўғри қилгансиз...»

— Опоқдада, нега Вали пўконни урдиз?

«Тешиқ қулоқ эшитади, деганларича бор экан-да!
Бутун Хончорбоққа ёйилган кўринади, пўконнинг тар-
саки егани...»

— У ёмон одам. Отасига тортган. Қаҳри қаттиқ...

«Собирнинг буваси тўғри айтган экан-да: «Кўп яра-
мас одам ўтган Ғани», деб. Ана, опоқдадамла ҳам «қаҳри
қаттиқ» деяптила-ку...»

— Опоқдада, — деди бола ҳаприқиб ва айни пайт-
да болаларча истиҳола қилиб. — Сизни... сиззи қамат-
ган шу... Вали пўконни адасими?..

«Ҳали бундайларнинг кўпини кўрасан, ўғлим, кўпи-
ни! Бундайлар ўлмайди, бундайлардан ўлим ҳам ҳазар
қилади, ҳазар!..»

«Кўр бўпти-ку, ойи! Шунинг ўзи унинг жазоси эмас-
ми? Иккинчиси Хончорбоғдан бош олиб чиқиб кетиб-
ди!..»

«Жазоси, ўғлим, жазоси! У яшшамагурларга бу ҳам
кам!..»

«Ойи, бундайлар у ерга ҳам учраб турарди. Фронт-
га ҳам кўп эди бундайлар...»

«Ростданми, болам?»

«Ҳа, ойи, қамоқдаям учраб турарди...»

«Ҳе, номи қурсин ўғлим. Кўрганинг шу бўлсин, душ-
ман ҳам кўрмасин-а!

«Пешонага бор экан, ойи...»

«Ўғлим, дунё шундай қурилган экан-га: бир яхши-
га — бир ёмон...»

«Отам бўлганида бу кўргиликлар бўлмасмиди?! Пешонамнинг шўрлиги — отамнинг йўқлигимикан?!»

«Отанг ҳалол яшаб ўтди. Сен ўша отанинг фарзандисан. Сенга отангнинг ҳаёти ибрат бўлсин, болам. Худо хоҳласа, бу кунларинг унут бўп кетади. Яхши кунларинг олдинда, ўғлим!»

«Ойи, менинг яхши кунларим кетди. Яхши кунларимни Шерали ўғирлади, яхши кунларимни Фани ака ўғирлади. Яхши кунларим қолмади, ойи...»

«Болам, сенинг бир Давлатинг бор, муҳими шуни ўғирлатма, шуни асра! Отанг раҳматли ана шу Давлатини асраб кетди. Оналик насиҳатим шу — Имонни ўғирлатма, Имонни! Сен ҳам, жигаринг Раҳим ҳам ортимда қоласизлар. Мен нариги дунёда тинч яшашим керак, сен каттасан, уканга йўл-йўриқ кўрсат, Имон билан яшанглар. Оналик насиҳатим шу, болам...»

«Энди ҳушёр бўламан. Кўп нарсамни ўғирлатдим, ойи, кўп нарсамдан айрилдим, энди ҳушёр яшайман. У ердан бошқа Наби бўп келганман...»

«У қулоғингминан ҳам, бу қулоғингминан ҳам эшитиб ол, болам. Менинг фарзандим бўлсанг, сенга ёмонлик қилганларга яхшиликминан жавоб бер — шунда ютасан!»

«Ойи ундай қилолмасам керак».

«Йўқ, ўғлим, шундай қил».

«...»

«Болам, мен сендан розиман, сен ҳам мендан рози бўл...»

— Қаердан олдинг бу гапни? — деди Наби Тароқ паришонхотир қиёфада. — Ким айтди?

«Собирнинг буваси айтди», деявераймикин? Опоқдадамла Собирнинг бувасидан хафа бўлмасмикинла? Хафа бўлмайдила. Собирнинг буваси опоқдадам ҳақида ёмон гап айтмади-ку! Қайтага уларни мақтади...»

— Собирнинг буваси айтди... У яна айтдики, «Ғани кўп ярамас одам ўтган», деди. Сизни мақтади. «Кўнглимдаги ишни қипти-да, мулла Наби, Вали пўконни уриб», деди.

Наби Тароқ мийиғида кулди.

«Оқсоқолнинг хўп аломат феъли бор-да! Муштдай боланинг олдида шундай гапни гапирадими, ахир?...»

— Энди Ортиқбой, шу кўргилик пешонада бор

экан-да! Бунда Мирвалининг отаси айбдор эмас! Ўша маҳалларда замон нотинчроқ эди...

«Нега энди қийшиқни оқлаяпсан? Айбни замонга юклаб. Замонни нотинч қилганлар худди ана шу Фани ака, Шерали тоифасидагилар эмасмиди?..»

«Опоқдадамла адамминан ойимдан ҳам яхши одамлар-да! Адамламинан ойимла Вали пўконни урганлари учун опоқдадамни ёмонлашган эди, опоқдадам эса Фани ота уларни қаматган бўлса ҳам уни қораламадила. «Замон нотинчроқ эди», дедила...»

«Тўғри қилдим. Шундай қилмасам болада одамларга нисбатан муҳаббатдан кўра нафрат туйғусини кучайтирган бўламан. У ҳаётга энди келяпти, одамларни севсин; шунда ҳаёти мазмунли ўтади. Ҳалитдан уларга нафрат кўзи билан қарайдиган бўлса, ана шу Фани ака, Мирвали, ошнам Расулга ўхшаб ҳиссиз бўп қолади... Нафрат ҳам керак-ку! Ҳаётда учраб турувчи ноҳақгарчиликларга нафрат билан қараган яхши эмасми? Нафрат бўлмаса муҳаббат ҳам бўлмайди-ку!.. Йўқ, нималар деяпсан?! Майли, у одамларга меҳр билан қарасин, нафрат билан эмас! Одамларда ҳам меҳрни кўрсин, оқибатни...»

— Опоқдада, — деди бола деворда осифлиқ турган Хадича кампир билан Қобил Тароқчининг ёшлиқда тушган суратига тикилган кўйи, — қамоқда ёмон одамлар ётадими?

Наби Тароқнинг манглайдаги тарам-тарам ажинлар чуқурлашиб, чаккасини майда тер босди. Елкасидан тушиб кетган почалўстинини қайтадан кўтариб қўйди-да:

— Ёмонлар ҳам кўп... — деди. — Лекин, Ортиқбой, у ерда ҳам яхшилар топилади. Одамлар, қамалган, деса, ёмонотликқа чиқариб қўйишади. Бу ёғини сўрасанг, қамалмаганларнинг орасидаям ёмонлари се-роб. Катта бўлсанг кўп нарсани тушуниб оласан. Дунёнинг қизиқ-қизиқ ишлари бор, ўғлим...

— Опоқдада, — бола Наби Тароқнинг мунгли кўзларига боқди, — «Муқбил тошотар»дан бошқа чўпчакни ҳам биласизми?

— Яна бир чўпчагим бўлгувчи эди, «Жўрахон» деган. Уни Шерали прокурор ўғирлаган, Ортиқбой, ўша қурумсоқ ўғирлаган...

— Чўпчакниям ўғирлайдими?

— Чўпчак ўғрилари ҳам бор экан-да, болам, бор экан. Шерали ана ўшанақалардан. У Жўрахонимни Хончорбоғдан Юнусободга опкетиб қолган...

— Энди билмайсизми у чўпчакни?

«Жўрахон менинг баҳорим эди:

хазон бўлган баҳорим;

хароб бўлган баҳорим;

ҳаром бўлган баҳорим;

сароб бўлган баҳорим...»

— Йўқ, болам, у чўпчакни айтиб бўлмайди. У чўпчакнинг адоғи йўқ. Уни айтиш учун битта опоқдаданнинг умри камлик қилади, бу мушкул иш, сен ўйлагандан мушкул...

Тонгга яқин ёмғир майдалаб, эринчаклик билан ёға бошлаганди. Наби нима қиларини билмай, паришонхотир ҳолда уйда анчагача ивирсиб юрди. Кейин байрамлик кийимларини кийди-да, истаб-истамай ташқарига чиқди. Майдалаб ёғаётган ёмғир хийла тезлашган, у теварак-атрофни эмас, балки Наби кўнглининг нотавон, бўм-бўш кўчаларини савалаётгандек бўларди гўё...

У келишилган жойга етиб борганида, бригаданинг барча йигитлари йиғилиб бўлган, фақатгина унинг келишини сабрсизлик билан кутиб туришган эди.

— Бўйдоқ йигит ҳам уйқичи бўладими? — дея гап қотди бригадири Туроб ака. У ҳазилни, ҳазилкашликни ўрнига қўядиганлардан эди: — Сал эртароқ турмайсанми?!

Наби бир оғиз сўз демади, хомушланиб тураверди.

Туроб аканинг ёнига Набининг қурилишдаги яқин ошнаси, сувоқчи Мансур қўшилишди:

— Ҳозир тўйиб-тўйиб ухлаб олаверсин! Уйланганидан кейин уйку қаёқда дейсиз!..

Даврада кулги кўтарилди.

Наби тушкун бир кайфиятда эканлиги туфайли ҳам уларнинг ҳазиломуз калака қилишларидан жиғибийрон бўлди. Мансурга эса, ҳаммадан кутсам ҳам сендан кутмовдим, қабилада ўқрайди. Мансур оғайнисининг

қараши маъносини сезиб, дарров кўзини ундан олиб қочди.

Туроб ака етакчилигида ҳаммалари Май байрами намойиши ўтадиган майдонга қараб йўл олишди...

Намойиш кун қиёмдан оққанда тугади. Кўплар турли важлар билан тарқаб кетишди. Туроб ака ҳам: «Йигитлар, сизлар билан жон-жон деб улфатчилик қилган бўлардим-у, уйга куёвлар келиши керак эди-да», дея узр-маъзурини айтиб жўнаб қолди. Наби, Мансур, яна уч-тўрт ёшларгина қолишди, холос. Ҳаммалари Ишчилар шаҳарчасига келишди. Мансурнинг таклифига биноан, байрам шарофатига «қиттак-қиттак» олиш мақсадида йўл ёқасидаги озиқ-овқат дўконига кириб икки шиша «оқ»идан харид қилишди. Шу дамда ичига чироқ ёқса ёримайдиган Наби ҳам қандайдир баҳонани рўкач қилиб жўнавормоқчи эди-ю, Мансур «эрталабки гапим тегиб кетибди-да», деган хаёлга боради, дея мулоҳаза қилиб, ошнасига қараб сўзланди:

— Тахтапулга бора қолайлик. Боғнинг ичида ҳеч ким халал бермайдиган хилват бир ошхона бор...

Мансур муғамбирона кулимсираб:

— Сенинг маҳаллангга яқин-да Тахтапул, у ердан жуфтакни ростлаб қолишинг осонлашади, а? — деди.

Наби унинг ўринсиз тахминидан ижирғанди, ўзларинг биласизлар, дегандек елка қисди.

— Бўпти, кетдик ўша ерга, — деди Мансур, яна майдалаб ёға бошлаган ёмғирни ўзича гудраниб сўкиб, қора соябонини боши тепасига тутди. — Наби мақтаган ошхонаниям бир кўрайлик-а, нима дединглар?..

Бошқалар ҳам рози бўлишиб, Набига эргашишди...

Улар ошхонага киришди-да, хўрандалардан холироқ бир ерни танлашди. Иккита столни бирлаштириб жой ҳозирлашди, биринчи-иккинчи таомлар келтириб қўйишди. «Яримта»нинг косагулиги Мансурга топширилди. У бирин-сирин ёнидагиларга узатаверди. Навбат Набига етганда, у ҳеч қачон арақ «зоти»ни оғзига олмаганини дастак қилиб кўрсатди. (Ҳақиқатан Наби бунгача бирор марта ҳам ичкилик ичмаган эди.) Мансур уни қанчалик зўрламасин ичиролмади. Йигитларнинг баданига арақ киргандан сўнг пича сергап бўла бошлашди. Фақатгина Наби, иягини тирсагига

тираган кўйи деразадан боққа тикилиб, шивалаб ёғаётган ёмғирни назар-писанд қилмай ўйин майдончасида арғимчоқ учишаётган йигит ва қизни кузатиб ўтирар, хаёли эса ўша — бир умр қайтмас болалиги томон етакларди. У ҳам жажжигина Жўрахонини арғимчоқда ана шундай учирарди. Қиз эса мириқиб учиб олгач, Набини ҳол-жонига қўймай қистовга оларди: энди «Муқбил тошотар»ни айтиб берасан!..

Наби чуқур хўрсинди, юраги сиқилгандан сиқилиб, уф тортди. Бу маҳалда Мансур пиёлани даврада иккинчи бор айлантираётган эди. Наби шу сафар унинг қўлини қайтаришдан андиша қилди. «Шунча одамга изза бўлгандан кўра, бир марта ичсам осмон узилиб ерга тушмас ҳарҳолда», деган ўйга бориб, пиёлани қўлига олди. Кўзини чирт юмиб туриб арақни оғзига отиб юборди, ёқимсиз таъмига ўхчиб юбораёзди. Ёнидагилар унинг «жасорати»ни қарсак чалиб қарши олишди.

— Ҳақиқат бор экан-ку! — дея ҳазил аралаш мазах қилди Мансур. — Бор экансан-ку, ошна...

Бошида Набига, арақ ичишнинг ҳеч ҳам ҳавас қиларли ери йўқдай туюлди, бора-бора ичини одамга хуш ёқадиган иссиқ бир нарса қиздираётганини ҳис этди. Боши хиёл айлангандек бўлди. Ўша пайтларда, Жўрахонни арғимчоқда учиравериш толиққанида ҳам, боши худди мана шундай айланарди... У шу пайтгача хаёллар гирдобига ғарқ бўлиб, ошналарининг суҳбатига қўшилмай ўтирган эди, йўқ, борган сари сўзамоллашаётганини ўзи ҳам билмай қолди. Мансур «бизга етишиб ол», дея унга яна бир марта қуйди. Наби ҳеч бир қаршиликсиз пиёлага қўл чўзди. Ён-верига қараб «хуҳ-хуҳ»лаб қўйиб, арақни симириди. Гарангсираганча шоша-пиша дастурхондаги газакбоп таомларга қўл урди. Кейин эса авжига минган суҳбатнинг давомига қулоқ солди. Суҳбат мавзуи севги масаласига бориб тақалганда, у ўзининг дилида фасодлаётган дарду аламларини ҳамкасбларига тўкиб-сочгиси келди. Вужудининг тубсиз ерларидан қайсар бир нидо отилиб чиқди:

— Мен ҳам севганман! Мен ҳам бу дарди бедавога мубтало бўлганларданман!.. — деди у столга гурсиллатиб мушт туширганини ўзи ҳам сезмай. Муштининг

залваридан дастурхондаги чинни идишлар шарақлаб кетди: — Мени ҳам севарди... Ҳалиям севаман...

Мана шу индамас, ичимдагини топ дейдиган Набидан бундай гап чиқишини кутмаган ҳамкасблари ҳайкал мисол серрайганча қотиб қолишди...

— Дилингда шунча дардинг бор экан, тилингда чиқармайсан-а, писмиқ, — дея ўпка-гина қилди Мансур. — Оббо сен-э!..

Наби эса сархушланиб давом этди:

— Энди ўғирлашди... Уни мендан ўғирлашди. Эрмат тақачининг ўғли ўғирлади. — У гўё бу ердагилар Эрмат тақачини танийдигандек сўзларди. — Энди мени хароб қилишди...

Мансур унинг шу лаҳзадаги аҳволи-руҳиясини тушуниб, суҳбат мавзуини бошқа тарафга буриб юборди.

Наби пешонасини кафтига тираб, анчагача чайқалиб ўтирди. Сўнгра Мансурга маъносиз тикилиб туриб: «Қуймайсанми?!» дея дўқ урди. Офайнисининг: «Бўлди, сенга етади, бошқа ичма», дейишига ҳам қарамай, унинг қўлидан пиёлани юлиб олди-ю, арақни лўқ этиб ютиб юборди. Ичкилик аллақачон ўз кучини кўрсатган, унинг аъзойи бадани лов-лов ёнар, бу эса унга маълум маънода хуш ёқарди. Арақ унда гоҳ ўжар, гоҳ эса йиғлоқи бир кайфият уйғотган эди...

... У даврани қачон тарк этганини, қандай қилиб шаршара тепасига келиб қолганини эслолмади ҳам. Фақат Мансурнинг бир гапи хотирига элас-элас ўрнашиб қолганди: «Ўзинг кетоласанми ё бирортамиз олиб бориб қўяйликми?» Демак, қайсарлик қилиб, ўзим кетавераман, деган-ов. Йўқса, Мансур бу аҳволда уни ёлғиз юбормасди. Ҳа, ҳа, шундай деган... У гувиллаб оқаётган шаршарага термилди, узоқ термилди. Кутилмаганда кўз ўнгида Жўрахон пайдо бўлди: бошидаги ироқи дўпписи, эгнидаги белнимчаси билан... Жўрахон елкасига обкаш илганча анҳор лабига тушиб борди. Унинг орқасидан бесўнақай гавдасини лапанглатиб (қари говмишдайин!) Шерали ҳовлиқиб тушди. Наби бехосдан қичқириб юборди. Теварак-атрофига аланглади: ҳеч зоғ кўринмасди. Қичқириқ ёқасидаги Жўрахон ҳам ғойиб бўлибди. Ёмғир майдалаб уриб турар, шаршара гувиллар, унинг юраги эса темирчининг бос-

қонидек гурсилларди. «Шу ердан ўзимни ташласам нима бўлади?» деган совуқ ўй миясида чарх урди. Кейин бирдан Сирож махсумнинг Кўктерақдаги чойхонасига чақалогини ташлаб кетган маъюс ва маъсум қиёфадаги аёл эсига тушди. Аёл ўша воқеадан бир йил ўтар-ўтмас ярим-ёрти савдойи ҳолда ўғлини ахтариб Хончорбоққа келган, боланинг соғ-саломатлигини кўргач эса, соч юлиб, ўзини-ўзи лаънатлаб учтўрт кун шу ерларда сандирақлаган ва охир-оқибатда унинг ўлиги худди мана шу Қичқириқнинг сувидан топилган эди... Йўқ, бундай шармандаларча ўлиш... йўқ, кетмайди. Онаси нима бўлади? Укаси-чи?! Отасининг арвоҳи чирқиллаганча лаънат-маломат тошларини ёғдирмайдими унга? Бундай шармандаларча ўлгандан кўра, менга ўхшаб фашистнинг дайди ўқидан ўлиб қўя қолмайсанми, ўғлим, демайдими? Дейди! Ана шундай дейди!.. Ошхонада қолиб кетган ошналарига кулги бўлмайдими? Устига-устак, душанба куни муддатидан илгари туталланган қурилиш объектини фойдаланишга топширишлари керак-ку ахир!.. Йўқ, у яшаши керак, яшаши шарт! Шералилар давру даврон суриб юрсин-да, у шундай бемаъни тарзда ўлиб кетаверадими?! Жўрахон айтмайдими: «Ҳолингиз шумиди, Наби ака?» деб. Йўқ, унинг ҳали ёруғ дунёда қиладиган анча-мунча ишлари бор!.. У дунёга ўлиш учун эмас, яшаш учун келган! Яшаганда ҳам ҳалол яшаш, бир умр Жўрахонга бўлган муҳаббати билан яшаш учун келган...

Наби шу алпозда мияси тиниқ ишлаётганини ҳис этди. Оёғи мадорсизланиб қалтираётганини ҳисобламаса, ақли-ҳуши жойида эди. «Мен маст эмасман, — деди, ўзига-ўзи далда берди. — Ҳа, маст эмасман!» Бутун борлигини: «Ҳозир Шералиникига бораман-да, унинг бетига айтаман: сен гирромсан, сен Жўрахонни сотиб олдинг, дейман!» деган ўй чулғаб олди. У ўзига тинчлик бермаётган ана шу ўжар истакни амалга ошириш мақсадида Эрмат тақачининг кўчасига бурилди...

... Бир маҳал ичкарисидан илгакланган эшик қия очилиб, остонада елкасига тўн ташлаган уккикўз, кампирдаҳан Шералининг сур башараси кўринди.

— Нима қип юрибсан, бемаҳалда? — деди у Наби-га еб қўйгудек ўқрайиб. — Нега келдинг?!

— Сен фирромлик қилдинг, — деди Наби сархуш овозда. Рўпарасида турган Шерали хув ҳали кўзига кўрингандайин у қадар бесўнақай эмаслигига иқроп бўлди: — Шуни бетингга айтгани келдим...

— Нимаси фирромлик экан, — деди Шерали шошиб қолиб. Унинг ўзини тутишида қандайдир кўрқув аломати бор эди. — Ҳеч қандай фирромлик қилганим йўқ-да!..

Наби хиёл чайқалиб унга яқин юрди, йиғламоқдан бери бўлиб дилидагини тилига кўчирди:

— Жўрахонни сотиб олдинг! Отанг сотиб олиб берди, худди буюм каби, Аҳмад сурнайчидан...

Шерали ундан анқиётган кўланса арақ ҳидини туйди чоғи, бурнини жийириб, ўзини четга олди-да:

— Жўрахоннинг ўзи розилик берган, — деди зарда билан. — Ҳеч ким уни мажбур қилгани йўқ.

— Сенлар у шўрликни бахтсиз қилдиларинг!.. — Наби кўчани бошига кўтариб сўзлар эди. — Сенлар у шўрликни нобуд қилдиларинг...

— У энди менинг хотиним, — деди Шерали.

— Сен пасткашсан... Йўқ, ундан ҳам баттарсанлар! Сен, отанг, Аҳмад сурнайчи... Сенлар Жўрахонимни бадном қилдиларинг, мени эса бир умрга ҳароб... Аблаҳсан!..

— У юрагининг тагида менинг фарзандимни сақлаб юрибди... — Шерали бу гапни жуда хотиржам, маълум маънода ғурур билан айтди. — Жўрахон яқин ойларда туғилажак боламнинг онаси бўлади.

Бу янгилик Набининг қалбига игнадек санчилди. У титраб-қақшаб кўксига муштлар экан:

— У менинг мана бу еримдан мангута жой олган! Сенлар уни бу еримдан тортиб ололмайсанлар! Эшитяпсанми, манави еримдан тортиб ололмайсанлар! Сендан нафратланаман! Сен бир умр менинг таъқибимдан қочиб қутулолмайсан, эшитяпсанми, бир умр! Осмонга қочсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулоғингдан тортиб чиқараман! — дея дўқ-пўписа қилди.

— Сен мастсан! Қани, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи, қорангни кўрмай! Яна шу аҳволда кўзимга кўринадиган бўлсанг, қаматтириб юбораман...

— Мени-я! Сен-а! Ҳаҳ, ҳа-ҳа-ҳа... Катта гапиргандан кўра катта тишла, ҳўв ярамас...

— Кўп алжирама! Сен билан пачакилашиб ўтиргани вақтим йўқ, қани, уйингга жўна-чи!..

— Сен аблаҳсан! Сен менинг Жўрахонимни тортиб олдинг! Сен кўр бўласан!..

— Йиғлама, йиғлама!..

— Йиғлайман! Мен йиғламай ким йиғлайди!.. Аммо сен... сурнайчи... уни хароб қилдиларинг...

Шерали эшикни тарақлатиб ёпиб кириб кетди. Наби хўнг-хўнг йиғлаганча эшик тагида анчагача туриб қолди. Ўзига-ўзи сўзланди: «Барибир дилимдаги бор гапни тўкиб-сочдим-ку: сен фирромсан, сен Жўрахонни сотиб олдинг, дедим-ку; ўзининг башарасига айтдим-ку!..»

Кейин у гандираклаган кўйи ҳалқоб сувни шалоплатиб тақачиникидан узоқлашди, аллақачон қоронғилик чўккан кўчалар қаърига кириб ғойиб бўлди...

«Шерали прокурор ҳам Сайдазга ўхшаган экан-да, агар опоқдадамнинг «Жўрахон» деган чўпчакларини ўғирлаб кетган бўлса. Ўша чўпчакларини ўғирламаганида, мен опоқдадамдан мириқиб эшитган бўлардим. Опоқдадам «Муқбил тошотар»ни айтиб беришга устала. Улар «Жўрахон»ниям яхшилаб айтиб берган бўлардила...»

— Қўй обераман, боқасан, дегандиз. Кўкламга чиқиб туриб берадиганидан обераман, дегандиз...

Наби Тароқ синиқ кулиб:

— Обераман. Эр кишининг сўзи бир бўлади. Чоршанбада Шўро бозорига борамиз. Хўмми? — деди.

— Хўп, — қувониб кетган бола дарров бармоқлари билан ўзича ҳисоблаб чиқди. — Икки кундан кейин, е а? Учинчи куни борамиз...

Қобил Тароқчининг тўнғич фарзанди — Наби Тароқ ҳаётнинг минг бир чиғириғидан ўтган одам. Қобил Тароқчи Набидан кейин ўн олти йил деганда яна ўғил кўрди. Шунгача хотинининг бўйида бўлмади. Урушдан бир йил бурун унинг кўзи ёриди — ўғил туғди. Уруш бошланди-ю, аввал Қобил Тароқчи, ортидан, бир йил ўтар-ўтмас ўғли Наби фронтга жўнади. Хадича келин бешиқдаги чақалоғи билан қолаверди. Нима ҳам қилоларди: эл бошига тушган ташвиш.

Қобил Тароқчи шу кетганча қайтмади. Қирқ учинчи йилнинг кеч кузида ундан қорахат келди: Сталинград учун бўлган ҳаёт-мамонт жангларида қаҳрамонларча ҳалок бўлибди!..

Хадича беванинг сочи тез оқарди, юзига тез ажин тушди, бели тез букчайди. Бахтига Набиси урушдан омон-эсон қайтди, онаизор боёқиш шунга ҳам минг қатла шукур қилди. Отадан жудо бўлган, кейин эса севгилиси — Жўраҳоннинг висолига етолмаган Наби аламини меҳнатдан олди.

(Аҳмад сурнайчи қизини марҳум божасининг ўғлига узатмади. Жўраҳонни Эрмат тақачининг ўртанчаси — Шералига унаштирди! Шерали прокурорликка ўқирди, қайдам, сурнайчи шунисига учдими, ишқилиб, шу йигитни куёв қилди-да!..)

Набига ёмон ботди. Холасининг оиласи билан борди-келдини йўқ қилди. Хадича бевага ҳам алам қилди: «Отаси йўқ, деб бермади қорнинг ёрилгур сурнайчи», дея Сирож махсумга гина-кудур қилди. Гина-кудур билан ҳовуридан тушмади, синглиси иккови юз кўришмас бўлиб кетди...)

Наби тунукасозлик, сўнг эса қурувчилик қилди. Охири Жомийдаги кўмир омборига юк ташувчи бўлиб кирди. Бу орада онасининг қистови билан уйланди, бир қизчали бўлди. Исмини «Жўраҳон» деб қўйди Хадича бувиси. Аслида, бошқа исм қўймоқчи эди-ю, ўғлининг раъйига қаради. Неварасидан «буви» деган сўзни эшитолмади — келини кетиб қолди. Ўғли билан чиқиша олмабди. Бир марта қайтариб келди қайнонаси. Йўқ, бир ой ўтар-ўтмас яна жўнаб қолди, қизлик уйига. Шу-шу икки ёшнинг ўртасига совуқчилик тушди. Набига қийин бўлди. Қизчасига ўрганиб қолганди, унга жуда ҳам қийин бўлди. Орадан кўп ўтмай, қош қорайган маҳали, кесақисига омонатгина ўрнашиб турган эшик тақиллади. Наби чиқиб очди: остонада ҳарбий кийимдаги икки киши турар эди. «Хизмат?» сўради Наби. «Қобилов Наби сиз бўласизми?» «Ҳа менман!» «Кийининг!» Кийинди. «Қани, кетдик!» Кетди...

Хадича бевага бу ҳам бормиди?!

У ёққа югурди — бўлмади, бу ёққа югурди — бўлмади. Яхши ҳам бахтига Шоюсуф муаллим бор экан, йўл-йўриқ кўрсатди: Масковгача хат ёздиртир-

ди; Усмон Юсуповнинг қабулига ўглининг орденларини, марҳум эрининг Сталинградда қайсидир генераллар билан тушган суратларини кўтариб олиб чиқди. Ҳақиқат бор экан, қарор топди. Наби уч йил деганда оқланиб чиқди. Бу орада Хадича беванинг ўзи адои тамом бўлди. Наби қамоқдан қайтганда, у ёстиққа қадалиб қолган эди. Тепасида ўн бешларни қоралаган, бўйи чўзилиб, овози дўриллаб қолган, юзларига гуручдай-гуручдай ҳуснбузар тошган укаси Раҳим кўзёши тўкиб ўтирар эди. Хадича бева узоққа бормади, бир йилдан сўнг айнаи ёз палласида бандаликни бажо келтирди...

Наби Тароқ дунёга меҳнат учун яратилган экан, аламини меҳнатдан олди. Ўзи ўқий олмади — укасини ўқитди; ўзи кийина олмади — укасини кийинтирди. Қулай-қулай деб турган эски уйни бузиб, ўрнига уч хонали иморат солди. Олдига айвон қурди. Уй биттач, ҳовли адоғидаги отасидан қолган пастаккина ҳужрага кўчиб ўтди. Ота ўрнида оталик қилиб янги уйни укасига берди, бир бошини икки қилиб қўйди. Эҳ-ҳе, у кўрган кунларни душман ҳам кўрмасин-а!..

Укаси Раҳим яхшиликларини унутиб юборди. Амал кетидан қувди. Жиловни хотинига тутқазиб қўйди. Бир кун амалдан учиб тушиши мумкинлигини ўйламайди. Янада каттароқ курсига кўтарилсам, дейди. Наби Тароқ ақалли бир марта ҳам юзига солмади. «Хўв, менга қара, сенинг мундай керилиб юришинг ким туфайли?» демади. Демайди ҳам. Қилган бўлса, жигари учун қилибди-да! Юзига солиш пасткашларнинг иши...

— Амаки, — деди Наби Тароқнинг почапўстинига ўралиб олган бола, — отизни оти нима?

Қирқларни қоралаб қолган, дуккипешона, картош-кабурун аравакаш ўзини кулгидан тиёлмай Наби Тароққа қаради, юзидаги ўн тийинлик тангадай учта чандиғи тиришди, ўша ерини қўлидаги қамчининг дастаси билан қашиди-да:

— Оддий чўбир от-да, бошқа оти йўқ, — деди ва чўбирнинг сағрисига қамчи урди. Қамчи зарбидан от кишнаб юборди, сувлиғини чайнаган кўйи парқини сочиб, думини гажак қилиб сағрисига ташлаганча кийикдай учди. Аравадаги қўйлар ҳам кетма-кет маърашди. Бола ўзида йўқ хурсанд эди. У биринчи марта

отни яқиндан кўриши, биринчи марта от-аравада юриши. У Наби Тароқнинг тирсагига бош қўйди, эркаланди. Ёнларидан ғир этиб у томонга, ғир этиб бу томонга ўтаётган машиналарга анқайди.

— Амаки, — деди у кўрсаткич бармоғини иягига олиб бориб, — манави еризга нима қилган?..

— Неварангиз неча ёшда? — суриштирди аравакаш.

«Невара! Неварам бўлиши мумкин эди, ука, афсуски... Санобар Жўрахонни узатганмикан? Узатган бўлса керак! Жўрахон аллақачон икки-уч фарзанднинг онаси бўлиб кетгандир ҳам... Санобар... Санобар ҳам ўзгариб кетгандир: сочлари қиров босиб, юзларига ажин тушган, Санобар буви бўлиб юргандир, ҳойнаҳой...»

— Ортиқбой еттига тўлди, — деди Наби Тароқ аравакашнинг суриштириши сабабини тушуниб етолмай. — Мактабга чиқиши керак эди, олишмади. Икки ой етмайди, дейишди. Олишса бўлар эди — зехни дуруст бола...

«Сайдаз хумпарни олишди. Бешта ёнғоққа тўрттасини қўшса қанча бўлишини билмайдиган қовоққалла Сайдаз катта палка кўтариб юрибди. Мириқи-иб. Майли, кейинги йили менам кўтариб қоларман, ўшандоғини...»

— Бу еримга... — чандиғига ишора қилди аравакаш, — сендайлигимда кўтир чиққан эди. Ўрни мана шунақа бўп қолди. Билдингми?..

«Санобар ўзи қандай эди? Жўрахон шаҳлоқўз, хипчабел, қирқ кокил қилиб ўрилган қуюқ қора сочлари нақ тақимигача тушгувчи эди. Узун-узун киприклари пирпираганда юрагинг темирчининг босқонидек гурсиллаб кетганини ўзинг ҳам сезмай қолардинг... Санобарминан қарийб икки йилга яқин турмуш қургансанку, наҳотам эслай олмасанг? Йўқ, эслайман: оқ-сарикдан келган, қалин қошлари бир-бирига туташиб кетган, сийрак киприкли, дуркунгина эди. У мени севарди! Йўғ-э! Севги қаёқда, у сенга кўникиб қолганди, ҳа, шундай эди. Аёл зоти кўникаверар экан, шундоқ Жўрахонинг ҳам кўникиб кетдию Шералига! Аммо эркак одам...»

— Ҳимм, — деди бола отга андармон бўлиб. — Амаки, отизни «оқ от» деса ҳам бўлаверади. Қаранг, ҳаммаёғи оппоқ.

«Атрофимда Ортиқбойга ўхшаган бир этак неваларим чуғурлашиб юришармиди, чумчуққа ўхшаб...»

— Майли, сен айтганча бўла қолсин. Ҳа, чуқ жонивор, чуқ...

«Ие! Сизмидингиз?.. Мен бўлсам...»

«Менман, Санобар, мен ўзим...»

«Қамоқда деб эшитувдим...»

«Чикдим, Санобар, оқландим».

«Оқландим?!»

«Ҳа, айбим йўқ экан — оқлашди».

«Ойим... ойингиз эсон-омонмилар, яхшимилар?»

«Ойим ўтган йили қазо қилдилар, Санобар, оламдан кўз юмдилар».

«Вой шўр-им! Ростданми?»

«Рост Санобар, рост...»

«...»

«Қизимни кўргани келдим, Жўрахонимни».

«Қизимни?! Жўрахонимни?!»

«Ҳа, қизимни...»

«Агаси уни ҳайвонот боғига опкетдилар».

«Агаси? Унинг агаси менман!..»

«Сиз... сиз оталик қилолмадингиз. «Отаман» дейишга нолойиқсиз!»

«Сен ҳақсан, Санобар, сенинг гапинг тўғри».

«Унда қайси юз билан келдингиз. Уялмадингизми?»

«Қаҳринг қаттиқ, Санобар, қаҳринг...»

«Сизникичалик эмасдир».

«Пешонам шўр экан, хотин...»

«Менинг эрим бор!»

«Ҳа, дарвоқе...»

«Кетинг дарров... ҳозир кеп қолишади. Тинч турмушимизни бузманг».

«Қизимни кўргани келганман, Санобар, ўз пушти камаримдан бўлган зурёдимни... Бегонани эмас...»

«Энди қиз керак бўп қолти-да! Энди, а?»

«...»

«Ўша манжалақининг ишқига ёниб ётганингизда на хотин, на фарзанд кўзизга кўринувди. Аёқда ўтириб келиб, ҳеч кимга керак бўлмай қолганингизда қиз керак бўп қолти-да!»

«Уни манжалақи дема, Санобар, уни манжалақи дема! У ҳалиям мана бу еримда! Эшитяпсанми, мана бу еримда!..»

«Наби ака, қўйинг, шакардай турмушимизни бузманг. Ундан кейин, у киши Жўрахонни худди ўз фарзандларидек кўрадилар. Усиз туролмайдилар. Кейин, Жўрахон ҳам «ага, ага» деб ўлиб бўлади у кишининг устига. Қўйинг, шу норастанинг қувончини ўғирламанг. У билмагани маъқул. Кетинг...»

«Қайдам, балки сен ҳақдирсан, балки гапинг тўғридир... Болаларнинг қувончини ўғирлаш аблахнинг иши...»

«Хўп бўлмаса, мен кирай, овқатга унналаётган эдим. Иккинчи келиб овора бўлманг. Манави нарсаларингизни ҳам опкетинг».

«Қизимга опкеганман, Санобар...»

«Қўйинг, яхшимас».

«...»

«Ҳа, кечириб бўлмас хато қилгансан, тароқчининг ўғли, бир умрга кечириб бўлмас... Сен ҳали бу дунёдагина эмас, у дунёда ҳам жавоб берасан бу қилмишинг учун...»

«Қандай қилай, Санобарни яхши кўрмасдим. Юрак курғурдан кеткизолмасдим Жўрахонни, қандай қилай. Турмушимиз мазмунсиз эди...»

«Ақалли қизчанг учун чидашинг керак эди, изга тушиб кетармиди турмушларинг... Сув ҳам бир лойқамай тинмайди-ку...»

«Санобарни ҳам, ўзимни ҳам алдаб яшолмасдим. Бу, тузатиб бўлмас гуноҳим учун ҳар қачон ҳам жавоб беришга тайёрман...»

«Эҳ, тароқчининг ўғли, ҳечам тушуниб бўлмайди-да сени, тажанглигингча ўтдинг-а, бир умр...»

«Беайб парвардигор. Бандасининг ҳаёти ҳамиша маъзур ва хатолидир...»

Бола энтикиб кетди. Шу дақиқаларда дунёда ундан бахтли одам йўқ эди. У анчадан бери ўз хаёлларига фарқ бўлиб келаётган Наби Тароқнинг тирсагига янада маҳкамроқ ёпишди-да:

— Опоқдада, от мошинадан зўр-а? А, опоқдада? — деди.

— Канешна от яхши-да, — дея гапни илиб кетди аравақаш, — от — жонли зот. Машиналар тунукадан ясалади. Темир-терсак...

— Илгарилари ҳамма отда, эшакаравада юргувчи эди. Ҳозир Тошкентда отда юрсанг иштирап оладиган

бўп кетган. Отларнинг ўзиям йўқолиб кетяпти. Мана бунақа амакиларингда қолди холос...

— Амаки, анув куни цирқдаям сизникидака отларни кўрсатди. Телвизирда. «Ҳайвонот оламида» ҳам кўп кўрсатди шунақа отларни...

Наби Тароқ болани секингина туртиб қўйди.

«Ҳа, боласи тушмагур, обдан тушунтирмагунча қўймайди...»

Аравакаш бошини қимирлатиб, боланинг гапини тасдиқлаган бўлди. Қорайиб кетган, қавариқ қўли билан елкасини қашиди. Орқасига ўтирилиб, Наби Тароқ сотиб олган қўйнинг бошини силаб туриб:

— Қанча бўлди? Ўзимизнинг жайдари қўйлардан экан. Яхши. Бўғоз кўринади-ёв, — деди.

— Ортиқбой, туғиб берадиганидан оберинг, деган эди. Йўқ, фаришта омин деган эканми, бўғози учради. Кўкламга чиқиб туғади, шекилли. Даллол ҳаққиминан икки юз сўм бўлди.

«Кўкламга чиқиб туғиб берса зўр бўлади. Мен ҳам Собирга ўхшаб Қичқириқ бўйида боқиб юраман, кўзичоғимни...»

— Арзонга обсиз. Ҳозир гўшт йўқ, мол қиммат. Яхши обсиз.

Бола аравакашнинг мақтовидан суюнди.

«Маладес киши экан. Опоқдадамлагаям ёқди шекилли — берилиб гаплашяптила...»

— Бу йил қиш юмшоқ ўтади-ёв... — деди аравакаш ўйга чўмган қўйи. — Дарахт учларида барг қолган. Эскиларнинг гапи бор-ку...

— Давлатнинг пахтаси ҳам юздан ошиб кетди. Дехқоннинг юзи ёруғ бўлди.

— Нимасини айтасиз!..

— Уҳ, ўтган йили қийналди-я! Ноябрьдан бошлаб қор уриб берди, то янги йилгача тинмади...

«Ўтган йил шу маҳалда маза қилиб чана учиб юргандик, ҳўв шаршаранинг ёнидаги пастликда. Яхлаб ётган Қичқириқнинг устида роса хоккей ўйнагандик. Бу йил ҳали бир мартаям қор ёғмади...»

— Якшанба куни Отчопарга боринглар. Катта байрам — Ҳосил байрами. Пойга бўлади. Мен ҳам қатнашаман.

— Бу-йй, ростданми? Шу отда қатнашасизми?

— Йўқ. Биқини сағрисиминан барабар бедав тулпорим бор, — деди аравакаш аввал болага, кейин эса Наби Тароққа кўз қирини ташлаб. — Ҳозир совутяпман...

— Отниям совутадами, амаки?

— Сизни ҳам қийнаб юборди, а, амакиси, савол беравериб? — Наби Тароқ болага «уят бўлади» дегандай боқди.

— Зарари йўқ. Бола-да, менда ҳам бу қоракўзлардан бештаси бор, — деди аравакаш ғурур билан.

«Пири бадавлат экансиз, ука. Мени эса тобутимни кўтарадиганим, белини боғлайдиганим йўқ. Ҳаммасига ўзим айбдорман ука, ўзим. Азобини ҳам ўзим тортяпман...»

— Отни пойгага қўйишдан илгари уни парвариш қилиш зарур. От нозик жонивор, йўқса пойгага чидалмайди. Аввал намоқобга ювилади, кейин понсори зиғир мойини чучитиб, ишқор аралаштирилади-да, уминан ҳам ювилади. От семириб кетган бўлса, гўшти қайтади. Ана ундан сўнг юган солиб совутилади. Кўча айлангирилади, йўрғалатилади, чоптирилади. Бўлмаса от пойгага ярамайди. Билдингми?..

— Ҳимм, — деди бола. — Опоқдада, борамиз-а? А, опоқдада?

— Борамиз, ўғлим, борамиз.

Ана шундан кейин ўртага жимлик чўқди. Аравакаш ҳам, Наби Тароқ ҳам ўз хаёлларига ғарқ эди. Бола эса теварак-атрофни кузатиб борар, баъзан-баъзан аравакашнинг ўрнига отга «ҳа, чув» деб қўяр эди.

— Биззики, ака, Қорасаройдан... — дабдурустан сўзланди аравакаш. — Содир аравакаш деганни эшитганингиз борми?

Наби Тароқ ўйлаб кетди: қорасаройлик Содик кўнчини, Зухриддинни, Тоҳирни, Восил аравакашни танирди, аммо Содир аравакашни — йўқ, танимас экан...

— Йўғ-а, — деди у мош-гуруч иягини қашиб. — Анув, керосин сотиб юрарди илгарилари, Восил аравакаш, ўшани яхши билардим, лекин отангизни эшитмаган эканман...

— Ҳа-аа, ўша Восил акага орқа қўшнимиз-да, танир экансиз-ку у кишини. Демак, адамла раҳматлини ҳам кўрган бўлишингиз керагов...

— Тоғ-тоғминан учрашмайди, одам-одамминан учрашади, дейишади-ю, қайдам, адангизминанам кўриш-гандирмиз, у ер-бу ерда...

— Яхшиям у кишидан мана шу касбни ўрганиб олган эканмиз, — аравакаш овозини бир парда кўтарди, — бўлмаса билмадим нима бўларди... Калада илм дегандан асар ҳам йўқ эди. Ошналарим мактабга китоб кўтариб борса, мен ёстиқ кўтариб борардим. Ҳамма тиришиб-тирмашиб ёзиб-чизиб ўтирса, камина ухлаб ўтирардилар... Шунинг учун ҳам болаларимни қўйиб тураман: «Дарсда ухламаларинг, илм ўрган, — дейман, — отанг ухлаб-ухлаб олтинчи синф билимиминан қолгани сенларга ибрат бўлсин», дейман. Йўқ, хайрият, менга тортмади бирортасиям. Айниқса, каттамнинг калласи профессорларники, кўтариб юрадиган папкасини айтмайсизми, худди ўшаларники...

«Бу йил мактабга олишганда мен ҳам маза қилиб китоб ўқишни ўрганган бўлардим. Олишмади-да! Мен аравакаш амакига ўхшаб ухлаб ўтирмасдим, кечкурунлари ухлаганим етарди, мен опоқдадамга ўхшаб чўпчак айтишни ўрганиб олган бўлардим. Қизиқ, аравакаш амаки чўпчак айтишни билармикан?..»

— Амаки, — деди бола аввал Наби Тароққа хавотирланиб қараб оларкан, — сиз ҳам чўпчак айтишни биласизми? Опоқдадамла «Муқбил тошотар» деган чўпчакни биладилар. «Жўрахон» деган чўпчакларини Шерали деган прокурор опқочиб кетибди. Юнусобода, а, опоқдада?

— Жўрахон, деганига бир нарса эсимга тушиб кетди. Айтмоқчи, анави йигит нега ўзини осибди? Шўпир йигит бор эди-ку?!.

«Аравакаш амаки чўпчак айтишни ҳам билмас экан, гапни дарров бошқа ёққа буриб юборди. Дарсда ухлаб ўтиришнинг оқибати шу-да! Лоақал, опоқдадамга ўхшаб биттагина чўпчакни билиб олса бўлмасмиди...»

— Қодир тўптарошнинг ўғлини айтяпсизми? Акбарними?

— Ҳа, ўша!..

— Э, ука, дунёнинг ишлари қизиқ-да... — Наби Тароқ тагига солинган қора чопонни олдироғига сурди, икки қават буклади, сўнг эса белини кафти билан уқалаганча давом этди: — Бод ўлгур кўп ярамас дард-

да! Дарров кеп қолади-я!.. Акбар ҳалол йигит эди. Халқнинг тўйида ҳам, азасида ҳам қўлидан келганча хизматини аямасди, қора ишдан бўйин товлаш нималигини билмасди. Ҳайронман, нима жин урди уни! Қўй оғзидан чўп олмаган йигит эди. Шу десангиз, кейинги маҳалларда хомуш кўрардим. Одамови бўлиб қолганди.

«Нозимнинг адаси қизиқ экан-ку! Одам ўзиниям ўзи осадими? Мана энди Нозимни ойиси кўчага чиқармай қўйди. Бизаминан хоккей ўйнолмайди Нозим. Мен уни чақириб келаман. Опоқдадамла оберган қўйни кўр, дейман. Иккаламиз боқамиз, дейман. Қорнида боласи бор, иккита туғса биттасини сенга бераман, дейман...»

Шу маҳал аравадаги қўйлар хуруж қилди. Орқароқдаги чиноқ қулоқли қора қўчқор уларнинг қўйига суйкалди. Қўй ночор аҳволда маъради.

— Тек тур, ярамас! — деди аравакаш ва чиноқ қўчқорнинг гарданига қамчи босди. — Бўғоз қўйга ҳам суйкаласанми?! Маҳалладагиларнинг қўйлари. Ҳозир сизларни ташлайман-у, Қумлоқ орқали Қорасаройга ўтаман... Ҳа, шундай денг... Кимнидир яхши кўриб қолганмиш, бола-чақасини ташлаб ўшанга уйланмоқчи бўлганмиш, кейин уни бир магазинчи йигитминан дон олишаётганда қўлга туширганмиш-ей!.. Аёл сал аннақаро экан...

«Ҳозир эшакни тоға дейдиган маҳал. Шундай эмасми Наби? Катталарингга ширин гапиргину ишингни дўндириб юр, дедим...»

«Ҳа, шундай эканми, Расул...»

«Муаллимлик қиламан, болаларга илм ўргатаман, гейди...»

«Ортиқбой болам кейинги йили мактабга чиқса, Анвар акасининг қўлига топшираман. Ўзига ўхшаган ҳалол йигит қилиб тарбияласин...»

«Хончорбоғлиқлар ҳақида китоб ёзармишлар...»

«Ёзади, Расул, ёзади. Ёзганда ҳам лоямут китоб ёзади. Акбарга ўхшаганлар ҳаётини ёзади. Ўғлинингнинг иқтидорига ишонаман. Унга ҳавасим келади...»

«Севмайман, эмиш, яшолмайман, эмиш...»

«Ишқи йўқ — эшак, гарди йўқ — кесак экансан-ку!»

«Муҳаббатсиз яшолмайман, Наби амаки, яшолмайман. Мен ҳам сизга ўхшаб кўнгилсиз бўлдим, кўнгилсиз...»

«Вақтида олдини олибсан, Анвар болам, вақтида. Бола-чақали бўлганингга қийин бўларди, жавр бўларди...»

«Кимнидир яхши кўриб қолганмиш, бола-чақасини ташлаб ўшанга уйланмоқчи бўлганмиш... Аёл сал аннақаро экан... сал аннақаро...»

«Юрак қурғурдан урса ёмон бўлади, ука, ёмон бўлади. Муни фақат бошидан ўтган билади. Табиб, табиб эмас, бошидан ўтган табиб...»

↳ — ...

Турдикул кўкчи маконига келди. Тешиққопқоқ шундоққина биқинида эмасми, жанозаси ҳам шу ерда ўқилди. Марҳумни мачитга судраб оворай сарсон қилинмади...

Дафн маросими тушдан сўнг тутаб, тобуткашлар, хончорбоғликлар, марҳумнинг узоқ-яқиндан келган қавму қариндошлари, ёру дўстлари Мозоркўчани тўлдириб, тартибсиз тарзда тарқала бошлашди. Мардум сукут сақлаб, бошини ҳам қилиб олган кўйи тупроғи кўпчиб ётган йўлни чангитиб борар эди.

Ҳошиясига араб алифбосида «Моғолкўча масжиди жоме» деб ёзиб қўйилган тобутни белига қарғашойи қийиқча боғлаб олган икки ўспирин (ҳойнаҳой марҳум Турдикул кўкчининг набиралари шекилли) тобутхона томон лопиллатиб чоптириб кетишди. Қадди дол мўйсафидлар тобутга ола қарашди; ёш-яланг эса бепарво...

Наби чий алақдан тикилган кўйлагининг кўкрак тугмаларидан иккитасини ечди — енгил шабада кўксини қитиқлаб ўтди. Олдинроқда кетаётган Сирож махсумга кўзи тушди. Тўғрироғи, махсумни боя кўрганди, жаноза намози ўқиладиганда, лекин кўрмаган киши бўлиб олганди. Сирож махсумнинг ўнг томонида марҳумнинг тўнвич ўғли Сувонкул ака, чап томонида эса Ғани ака оқсоқланиб кетарди. Сувонкул ака беқасам тўнининг устидан боғланган қизил шойи белбоғига қўлларининг бошмалдоқларини санчиб олган, қийиқ кўзлари қизаринқираб, қовоқлари одатдагидан кўпчиб-

роқ турар эди. У ҳам, кичиккина дўпписи қоплай олмаган тепакал боши ҳозиргина мойланган сариқ этикнинг тумшуғидай ялтираётган Фани ака ҳам Сирож махсумнинг мўмин-мусулмон бандаси сабр-бардошли бўлиши ҳақидаги таважжуҳ билан қилаётган панд-насихатларини тасдиқлаб боришар эди. Фани ака Сирож махсум оша берида қимтиниб келаётган тавоно келбатли Набига ўғринча қараб кўярди. Махсум набирасини кўрмас, марҳум қайноғасининг ўғлига тўзим тилаб келаверарди.

Наби лабига қатор қилиб олча дарахти ўтқазилган ариқдан ҳатлади-да, йўлгага ўтиб олди: Сирож махсум кўрмасин учун.

(Махсум қатта кўрмайди? Махсум ернинг тагида илон қимирласа кўрар! Кўрмайди-я, кўрмайди!..)

Наби томи босиб тушай деб қолган кичиккина бақ-қолчилик дўкони рўпарасига етганда, орқасидан махсумнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Ҳў, Мирқобилнинг каттаси! Ҳў, тароқчининг ўғли!..

Набининг юраги «шиғ» этди. Бир-икки қадам юриб тўхтади. Ранги кув ўчди. Тек тураверди.

— Ҳа-а, — махсум қийғир бурнини жийирди, — нега миқ этмайсан? Ё Сирож махсум арпангни хом ўрдими?...

Махсумнинг кесатиғи Фани акага мойдек ёқди шекилли, ҳиқиллаб кулди. У гап нимада эканини ё билди, ё билса ҳам билмаганга йўйиб:

— Кўрмагандир-да, Махсум ака, — деди. Бошидаги ийиғи чиққан дўпписини бостириброқ қўйди, тепасига қаради. Қари тол баргларидан шира ёғилар эди. У сал нари юрди-да: — Бери келинлар, шира тушяпти толдан, — деди, кейин чала қолган гапани давом эттирди: — Шунгайм ота гўри қозихонами, Махсум ака?..

— Кўрди, мулла Фани, кўрди!.. — деди махсум набирасига норозиланиб боқар экан. — Кўргани учун айтяпман-да! Кўрмаса айтармидим? Ҳув боя, қабристонга кириб бораётганимизда, атайин мунга бақрайиб турдим, қани нима қилар экан, деб. Мени кўрди-ю, тескари қараб олди-я!..

«Чолга тегиб кетибди, — ўйлади Наби, — йўқса бунчалик хуноби ошмасди. Қаттиқ тегибди».

— Энди, Махсум ака, ёш-да, — дея Набининг ёнини олган бўлди Фани ака устомонлик билан. — Ёшлиқда ҳаммамиз шундай бўлганмиз.

«Фани ака илоннинг ёғини ялаган одам, — ичида сўзланди Наби. — Унинг учун сиз ҳам куймаса, кабоб ҳам».

— Ёш дейсизми? Ёшлиги қоптими? Ёшлиги Жўра-хонга чўпчак айтиб юрган кезлари ўтиб кетган. Гермонминан урушиб келган бўлса, кўксини қатор орденга тўлдириб келган бўлса, қанақасига ёш бўлсин тагин?!

Махсум бир ўқ билан икки қуённи урди. Буни ўзи сездими, йўқми, аммо Фани ака сезди. У Сирож махсум билан Набининг қаршисида жилпанглаб қолди. Қўлидаги ёғоч ҳассаси оз бўлмаса тушиб кетаёзди.

Набига ҳам бобосининг ҳозирги гапи игнадай санчилди. У Жўрагонни эслатиб, ҳали битиб улгурмаган ярасига туз сепгандай бўлди.

— Ҳа, кўргандим, — деди Наби қўрслик қилиб. — Энди сизникига... сиз билан...

Сирож махсум ўзини тутиб туролмади: кулиб юборди. Кўксига тушган қуюқ оппоқ соқолини силар экан:

— Ҳа, тароқчининг ўғли-я! Отангга тортибсан-да, а? У раҳматлиям бир нарсадан тегиб кетса дарров тумшайиб оларди, аразчи эди, — деди.

Қобил Тароқчи ҳақида эшитиши ҳамоно Фани аканинг безрайган башараси бужмайди, томирлари бўртиб турган қўллари титради. Юзида киши уқиб олиши қийин бўлган аламли ва айни пайтда вазабли ифода намён бўлди.

(У Набига ҳам, Сирож махсумга ҳам еб қўйгудек хўмрайиб қаради. Махсум ҳам, Наби ҳам унинг қарашини сезишмади.)

— Нима қипти отамга тортсам?! — деди Наби йиғламоқдан бери бўлиб. — Отамга тортсам ёмонми?..

— Ёмон деяпманми? — бемаврид гап қилиб қўйганини туйди Махсум. — Қани энди ҳамма ҳам Мирқобил раҳматлидек покдил бўлса... Дарров қизишиб кетишингни айтяпман-да, қурумсоқ...

— Мен омади гапни айтдим. Елкамнинг чуқури кўрсин ўша пасткаш сурнайчингизникини...

— Бўлар иш бўлди энди. Бургага аччиқ қилишингни кимга кераги бор? Ҳаммаси ўлимнинг олдида уч-

пул экан. Мана, қара, юриб турган Турдиқул ака ҳам кеча бор эди, бугун эса йўқ. Эрта-индин мен ҳам кетарман, бу беш кунлик дунёга ҳаммамиз меҳмон-миз. Ношукурчиликнинг нима кераги бор? Тўғрими, мулла Фани?..

Хаёли паришон Фани ака тасдиқ маъносида бош қимирлатди, аммо жавоб қайтармади. Бир нуқтага тикилган қўйи тураверди. (Унинг шу аллозда нималар ҳақида ўйлаётгани ёлғиз ўзигагина аён эди.)

— Битта шу сурнайчига сўзингизни ўтказолмасангиз... қандай қилиб «Сирож махсумман» деб юргангизга ҳайронман...

Махсумнинг киртайиб қолган кўзлари пирпиради, қоши учди, саксовулдай буришиқ юзидаги ажинлари куюқлашди. Гоҳ Набига, гоҳ Фанига айб иш қилиб қўйган гўдақдек аянчли тикилди-да:

— Э-э, болам, гўрсан-да... — деди, бир оз ҳовуридан тушди. — Сурнайчининг феълени билмайсан. Билганингда бундай демасдинг.

— Наҳотки энди Сирож махсум Аҳмад сурнайчига гапини ўтказолмаса. Қизингизни бериб қўйибсиз-ку, ахир ўша...

— Ҳа, болаи гумроҳ-а, — дея Сирож махсум бошини чайқади, уф тортди. — Аҳмаднинг холанг боёқишга ўтказаётган зуғумларини сен қаёқдан билардинг. Ота бўлгин, кейин тушуниб оларсан.

— Куёвингизга: «Бу қизингда Набининг кўнгли бор», демадингизми? Ахир, билар эдингиз-ку, Жўрахонни деб бир маҳаллар Шералиминан муштлашганимни! Келиб-келиб ўшанга сотадими?! Поччамга топиб берардим бой берган пулини, бир умр ҳаммолчилик қилиб бўлса ҳам топиб берардим қарзини! Бирорта таг-тугли хончорбоғлик йўқ эканми, ўша Шералидан бошқа?..

Дафъатан Фани аканинг рангсиз юзига қон югургандай бўлди. Дилига қандайдир шумликни туғиб қўйди. Пойинтар-сойинтар сўзланиб, махсумга узрмаъзурини айтди-да, оқсоқланганча гузардаги чойхона томон кетди.

— Хафа бўлма, — деди Сирож махсум чайқалиб кетаётган Фанидан кўз узмай. Туйқусдан унинг пайта-васига қурт тушиб, йўрғалаб қолганига таажжублан-



ди: — Сенга мана мундоғини топиб қўйганман... — у бошмадоғини бигиз қилди: — Шорашид карвоннинг ой деса ойдаи, кун деса кундай қизи бор экан. Тунов куни сомон олгани бориб кўриб қолсам дегин. Карвонга: «Бўйи етган қизинг бор экан, узатасанми?» деса, тузукроқ жойи чиқса узатмай бошимга ёстиқ қилармидим, деган гапни айтди. Ана ўшани обераман! Жўраҳондан ҳеч бир кам ери йўқ! Хўпми?..

— Карвонингизнинг қизини нима қиламан?! — ўпкаси тўлди Набининг. — Манави ерда бошқаси бўлса!.. — У мушти билан кўкрагига ниқтади: — Жўраҳонда эди кўнглим, Жўраҳонда!..

— Ҳей, сан қизиқ экансан-ку, а? — деди қизиқ-қонлик билан Сирож махсум, сўнг эса киссасини кавлаб носқовоғини қидирди. — Менга қолса шундай бўлсин депманми? Ҳе, ўша Шералини ҳам...

Наби чурқ этмай, бобосидан аразлаганча кетиб қолди. Махсум унинг ортидан хафаланиб қолар экан:

— Ўлганимда ҳам бормайсан-а? Тобутимни кўтаргани ҳам бормайсан-а? — деди қони қайнаб. Кейин эса бир қапа носни овзига отиб юборди.

Наби Сирож махсумни сўнгги бор кўргани шу бўлди. Ўша воқеадан кейин икки-уч ой ўтди. Жума куни Наби ишдан ҳориб қайтди. Уйга келса онаси йўқ, Укасидан суриштирди.

— Олма бувам оғирлашиб қоптилар, — деди Раҳим лабини чўччайтириб кўзёши қилар экан. — Хатира холамникига чақириб кетишди.

Наби индамади. У ҳали ҳам ўша аразида эди. (Аразламасин ҳамми? Бутун бошли бобо бўлатуриб, бир сурнайчига сўзини ўтказолмаса!)

Саҳармардон Хатира холасиникидан мудҳиш хабар келди: Сирож махсум бадаликни бажо келтирибди. Наби қарғашойи қийиқчасига тўнини туғиб, бошига дадасидан қолган чуст дўппини илиб, укаси Раҳимни етаклаб, тонг қоронғисига Қичқириқ бўйидан Аҳмад сурнайчиникига қараб йўл олди.

«Елкамнинг чуқури кўрсин ўша пасткаш сурнайчингизникини», деган эди мана энди раҳматли бўлиб кетган Сирож махсумга. Бормай ҳам бўладими? Унақабунақа бобо эдими Сирож махсум! Йўқ, у борди! Йиғлаб-йиғлаб кетди сурнайчиникига...

Наби уч кун у ерда қолиб кетди. Ҳассакашлик қилиб белини боғлаб турди, бобосининг таъзиясига келган фотиҳахонларнинг билдирган ҳамдардликларини қабул қилиб турди.

Уҳ, шу кунлари бирам қийналди-ей! Сурнайчи билан гапиришмайди. Шералини кўрсаю тепа сочи тик-калашади. Айниқса, учинчи куннинг ўтиши қийин бўлди.

Пешин маҳали кўни-қўшниникидан сопол косада қатиғи билан бир челак мошхўрда чиқди. (Ўзбекларнинг урфи бор: ўлик чиққан хонадонда уч кунгача қозон осилмайди.) Наби кўпчилик ҳассакашлар қатори токсўрининг тагидаги шосупада ана шу савобли таомни тамадди қилиб ўтирган эди, хотин-халажлар йиғи қилишаётган уйдан бўш косаларни кўтариб чиққан Жўраҳонга кўзи тушди. Жўраҳон ерга қараганча бедана юриш билан ўчоқбошига кириб ғойиб бўлди. Набининг юраги тўхтаб қолгандай эди гўё. Пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. (Бир коса мошхўрда ичиб чиқмаган тер, Жўраҳонни кўриши ҳамано чиқса-я!)

У бир сония ўчоқбоши томон анграйиб қолди. Унинг қарашини атрофдагилар сезишмади-ю, Шерали сезди. Косасидаги мошхўрдасини ёғоч қошиқда бир-икки шопириб совутган бўлди-да, ҳаприқиб хўриллатди, косасини кўтарганча пиддираб хотинининг ортидан йўрғалади. Наби сезди: Шерали Жўраҳонни ундан қизғанапти...

Хийла вақтдан кейин Шерали хўмрайган кўйи қайтиб чиқди. (Худди бошқалар еб, у қуруқ қолгандай!) Жўраҳон эса қорасини кўрсатмади.

«Қандай қилайин, Жўраҳон, — деди ўзига ўзи Наби, — бошимни қайси тошга урайин? Энди сен меники эмассан, сен уникасан. Биляпман, дилингни оғри-тиб чиқди бу ярамас, лекин кўлимдан нима ҳам келарди?! Мен ожизман, жудаям ожизман...»

Жўраҳонни сўнги бор кўргани шу бўлди. Сирож махсумнинг на йигирмасида, на йилида кўринди Жўраҳон. Кейинчалик, қамалиб чиққандан кейин, орқаворотдан эшитди: Шерали Юнусободга жой қилиб кетганмиш. Наби билдики, Шерали ҳали ҳам хотинини ундан рашк қилади...

(Шу-шу Жўраҳонини қайта учратмади. Фақатгина тушларида учратди, тушларида! Тушини Қичқириққа айтадиган одат чиқарди. Қичқириққа!..)

Кўприкка етганда от-арава дўнгликка дуч келди, чап томонга қиялашди. Аравакаш беихтиёр Наби Тароқ билан бола ўтирган тарафга ёнбошлади-да:

— Чув-ҳа, жонивор, чуҳ... — деди, отга қамчи босди. Чўбир яна текис йўлга чиқиб олди. Туёқларидаги тақаларининг тарақ-туруқи бир меъёрда эшитилди: — Энди, ака, мана ўзингиз бир ўйланг-да! У жалаб ҳозир қайсидир бир пулдор бойваччанинг қўйнида ётгандир... кайфу сафо қилиб. Ўлгандан туппа-тузук йигит ўлиб кетди-я!.. Ҳе, онасини... ўшанақа манжалақини...

— ...

«Ўша манжалақининг ишқига ёниб ётганингизда на хотин, на фарзанд кўзизга кўринувди. Аёқда ўтириб келиб, ҳеч кимга керак бўлмай қолганингизда қиз керак бўп қопти-га, а?..»

«Уни манжалақи дема, Санобар, уни манжалақи дема! У ҳали ҳам мана бу еримда! Эшитяпсанми, мана бу еримда!..»

«Аравакаш амакининг жаҳли тез экан — дарров қизишиб кетяпти. Аравакаш амаки сўжагон экан...»

— Бола-чақасига жабр бўлди-да... Ҳозир чапга буриламиз, кейин эса ўнгга. Ҳа, мана шу ёққа.

Арава бола яшайдиган кўчага бурилди. Ортиқ ёнғоқ қақиб ўтирган Сайдазни кўрди. Сайдаз унга қараб анграйиб қолди. Бола керилиб ўтириб олди, Сайдазга муштини ўқталди. Арава эшиклари тагига етиб келди. Аравакаш аввал болани тушириб қўйди, кейин қўйни туширишга ёрдамлашди. Чиноқ кўчқор маъраганча қолаверди. Наби Тароқ аравакашга пул узатди.

— Қани, уйга кирамиз, — дея манзират қилди Наби Тароқ, — чой қуйиб бераман.

— Йўқ, раҳмат, бошқа сафар,— деди аравакаш, болага кўзини қисиб қўйди-да, аравага сакраб чиқиб олди.— Хайр пучуқ. Отчопарга оборинг-а, неварани...

— Майли.

Арава юриб кетди. Туёқларнинг тарақ-туруқи узоқлашди, узоқлашаверди. Муюлишга етгунга қадар Наби Тароқ қўлини кўксига қўйиб турди. Бола ҳам ўша томондан кўз узмади. Бегона жойга келганидан ҳуркиётган қўйни арқонидан тортиб, ичкарига олиб киришди...

Шанба куни, кун қиёмдан оққанда Наби Тароқ бир тоғора сомонга кепак сепиб, қўйга терт қораётган эди, кимдир уни чақириб қолди. У тоғорадаги тертнинг салкам ярмини охурга тўқди, қўлини ёғлоғида ювган бўлди-да, ташқарига чиқди. Остонада Шариф мўйловнинг ўн икки-ўн уч ёшлар атрофидаги ёқимтой ўғли турарди.

— Ҳа, ўғлим, — деди у яғир, ёрилган қўлларида қаламтарош ва айрили тол ёғочини ушлаб турган болага қараб. — Тинчликми?..

— Тинчлик амаки, — деди бола тиззасига ёғочни қўйиб бамайлихотир пўстини шилар экан. — Сиззи олдизга келувдим.

— Нима қиялсан? — суриштирди Наби Тароқ ўзини базўр кулгидан тийиб. — Бирор нима ясапсанми?..

— Рагатка ясапман, — деди бола кўзларини жавдиратиб. — Молхонамизда каламушлар кўпайиб кетган... чойхонада сичқонлар ғиж-ғиж экан. Ўшаларни пойлайман.

— Тағин каламуш пойлайман деб, битта-яримтанинг кўзини чиқариб ўтирма, ўғлим.

— Чиқармайман, — кулимсиради бола ва муддаога кўча қолди. — Олдизга Эгамберди амаки юбордилар. Ҳув ҳали маҳаллага чиқар эмишсиз. Соат саккиз-тўққизларга. Шунини айтиб қўй дедилар. Хўмми амаки?..

Наби Тароқ боланинг юзидан силаб қўйиб:

— Хўп дедилар амаким де. Майлими? — деди.

— Майли, — дея тортинди бола ва чопганча жўнаб қолди.

«Пўкон бир нарсани бошлаган кўринади-ёв... — ўйлади ўзича Наби Тароқ. — Бўлмаса Эгамбердининг меңда қандай иши бўлиши мумкин?»

Наби Тароқ бобоси Сирож махсумдан мерос қолган почапўстинини кийиб ташқарига чиққанда, аллақачон қоронғи тушиб, изғирин турганди. Хончорбоф тепасида сийрак юдузлар оралаб тўлиной хира нур сочганча сузиб юрар эди. Йўлнинг икки чеккасидаги фақатгина тепа шохларида сўнгги япроқлари ночор шитирлаб турган яланғоч дарахтлар яланғоч аёлдек ожиз титрайди.

У Исмоил охуннинг эшигига етганда чойхонага қаради. Ичкарида одатдагидай ёнбошлаган кўйи пинакка кетган Бурхон кални кўрди. Ундан сал нарида — самовар ёнида Шариф мўйлов ўралашиб юрибди. Тўрдаги чорпояда эса боягина уни чақириб келган бола хонтахтага мук тушиб дарсини тайёрламоқда эди. Бошқа ҳеч ким кўринмайди.

Наби Тароқ ариқдан ҳатлаб, катта йўлга ўтиб олди. Йўғон устундаги чироқ нурида сартарошхонанинг (Баҳром сартарошниги!) ўнг биқинига жойлашган телефон будкаси рўпарасида Осим сариқ бир аёл билан ўспиринга тавалло қилиб турарди. Наби Тароқ аёлни таниди: Пирал гишчининг келини — Тўхтанинг хотини. Хотин бўлганда ҳам қандоки! Ўқиган хотин, депутат хотин!..

(Ва, шундай қилиб, Осим сариқ Хончорбоғнинг ана шу ўқимишли келинига қўрқув аралаш қилаётган таваллосининг устидан чиқиб қолди-да, Наби Тароқ!)

— Жо-он, опа, жо-он ука, ўша тилхатни қайтариб олинглар! Даъвомиз йўқ, денглар!..

— Уялмайсизми оповси... — деди аёл қўлини паншахалаб. — Шу муштак болага кучингизни кўрсатасизми? Қаранг, иккита тишини тушириб юборипсиз-а! Шуюм одамнинг ишими?..

Осим сариқ аввалига индамади — ердан бошини кўтаролмади. Кейин эса талвасага тушиб, талмовсираганча тусмолланди:

— Шундай... бўп қолди-да. Жаҳл устида уриб юборибман... Иккитасини туширган бўлсам, ўрнига ўнта кўйиб бераман. Фақат, даъвомиз йўқ, денглар, жон опа, шундай денглар!..

— Мен билмайман, орган ҳал қилсин! Жазойингизни олинг! — деди аёл қатъий туриб.

Туйқусдан Осим сариқ йиғига тушиб кетса бўладими:

— Жо-он опа, учта болам ҳурмати кечиринг! Менга ачинмасангиз ҳам ўшаларга ачининг, жо-он опа, ўшаларга раҳмингиз келсин...

«Ҳезалак экансан-ку, туппа-тузук одам десам!..»

Наби Тароқ ижирғанди, индамай ўтиб кетолмади:

— Ҳув, Осим! — деди энсаси қотиб. — Хотин

кишининг олдида бу нимаси эди?! Ҳе, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши! Эркак бўлатуриб...

Осим сариқ юзини яширди, Наби Тароққа тескари ўгирилиб олди.

Аёл эса ҳовуридан тушмай:

— Муллака, сиз аралашманг, — деди. — Қилғиликни қилдими — қонун олдида жавоб берсин-да!..

«Қонун олдида... Қонун олдида... Жўраҳон ўшанда Аҳмад почтамга айтиши мумкин эди-ку: «Ота, менинг кўнглим холамнинг ўғлида — Наби акада», деб. Йўқ, у айтолмасди, у отага тик қаролмасди. Отага тик қаролмаслик Хончорбоғ қизларининг қон-қонига сингиб кетганди. Ахир қандай қилиб: «Ота, менинг кўнглим Наби акада — Хадича холамнинг ўғлида», десин боёқиш. Сен ҳам манави хотинчалишга ўхшаб дийдиё қилолмасдинг: «Жўраҳон, мен сени севаман! Сенсиз яшаш менга азоб!» дейолмасдинг. Ундан кейин, сен, муҳаббатни бу тарзда изҳор этолмасдинг ҳам. У сенинг юрак-юраккинангнинг тўридан мангута жой олган табаррук гуйғунг экани туфайли, ҳатто қаттиқроқ акса ургани чўчиб турардинг: унга озор етказиб қўядигандай гўё. Иккинчидан, сен ўша кезлари гурур учун курашардинг. «Бировга ялинсам онамнинг фарзанди эмасман», қабилада иш юритардинг. Лекин, Наби Тароқ, муҳаббат учун ялиниш ҳам керак экан, ҳа, шундай экан. Муҳаббатни деб ялинсанг гуноҳ эмас экан, гуноҳ эмас... Ана, Шералилар жувонмарг қилди баҳорингни, Аҳмад сурнайчидан қиморга ютиб олиб... У манави пасткаш қатори ялиниб-ёлборди, кўзёши тўқди, аммо сендан тортиб олди — ниятига етди: «Жўраҳон меники бўлади, мана кўрасан!» Сен эса ҳали-ҳамон ўғирланган муҳаббатинг билан яшаяпсан. Бахтни ўғирлатмаслик учун бетга чарм қоplash ҳам керакка ўхшайди — бетсиз бўлиш... «Болам, сенга бир Давлат бор, ана ўшани ўғирлатма, ўшани эҳтиёт қил. Имонни авайла, Имонни!» «Ойи, Имонни ўғирлатмайман...» Қонун олдида... қонун олдида... Эркак одам бўйнини эгиб, йиғи қилиб турса энди, хўп замон бўлди-да!.. Йўқ, айб замонда эмас, айб — Имонсизларда! Имонини шайтонга олдириб қўйганларда! Ҳа, ана ўшаларда!..»

Наби Тароқ кўзларида ёш ҳалқаланган ўспиринга қаради. Бола онасига аламли тикилди. (Гўё онаси но-

ҳақлик қилаётгандек!) Наби Тароқ туйди: болада ҳеч бир гуноҳ йўқ.

— Энди гап мундай, келин... — деди у Осим сариққа нафрат аралаш кўз қирини ташлаб. — Шуни қаматиб нима обрў топасиз? — У шаҳодат бармоғини Осим сариққа бигиз қилиб қўшиб қўйди. — Кошки бу шунга арзиса. У ергаям эркак одам тушади...

(Қизиги шундаки, унинг оғзидан чиққан гапга на Осим сариқ, на Пирал гишчининг келини лом-мим дея олди. Осим сариқ мум тишлаган кўйи турарди; гишчининг келини Наби Тароққа ҳайратомуз тикилди; ўспирин эса ўзини тутиб туролмади — кулиб юборди.)

«Қизик, шу гап сенинг оғзингдан чиқдимми?! Нега бундай деяпсан? Ҳақиқатан ҳам Осим кўрқоқ! У аблаҳ эмас — аблаҳдан ҳам баттари!.. Бундайлар қамоқда ҳам бор эди. Бундайларнинг касрига қанчадан-қанча яхши одамлар жувонмарг бўлиб кетишган. Бундайлар фронтда ҳам учраб турарди. Бундайларнинг қанчаси ўз юртини сотиб, кўнғиз мўйловнинг тарафига қочиб ўтганди... Лекин, одамни ажаблантирадигани бу ҳам эмас, одамни ажаблантирадигани ана шу тоифадагиларнинг ҳақиқий башараларини яшириб юришлари. Нега ундай қилишаркин? Нега мана шу Осимга, Вали пўконга, ўз жигарим Раҳимга, ҳалол фарзанди Анварни қаро лойга чаплаб юрган ошнам Расулга ўхшаганлар ниқобсиз яшай олмас эканлар? Нега?! Ёки ҳозир ниқобминан яшайдиган маҳалми? Барибир ошкора бўлади-ку! Бу дунёда бўлмаса, нариги дунёда жавобини берадилар-ку! Ё булар ўлимдан кўрқмайдими? Ё булар ўлмайдими? Ўлади! Ўлмаганда Ғани ака ўлмасди! Ўлади! У дунёда ҳам шуларминан яшайманми? Ахир, буларминан яшаш азоб-ку...»

Наби Тароқнинг шу лаҳзадаги гапи гишчининг келинини ўйлатиб қўйди. У бир оз юмшаб:

— Биз кечсак ҳам давлат кечмайди-да! Майли энди, бир ернинг одами эканмиз, кўз-кўзга тушадику-я, лекин нарёдагилар нима дейишаркин? — деди.

— Мелисадагиларни айтяпсизми? — сўради Осим сариқ, аёлнинг юмшаганини кўриб қандайдир илинж билан.

— Ҳа, ўшаларни.

— Сиз рози бўлсангиз бўлгани, — ҳовлиқди Осим сариқ, — у ёғини Ямин ака иккимиз келишиб қўйганмиз. Мелисадагилар: «Ўша аёлни кўндирсанглар бўлгани», дейишган...

Аёлнинг авзойи ўзгарди:

— Кўрдингизми, муллака? — деди у Наби Тароққа юзланиб. — Кўрдингизми, булар қандай одам?! Қонунни ҳам пораминан сотиб олишади. Майли, ўртангизга тушган мана шу амакининг ҳурмати, учта норасидангизнинг ҳурмати учун эртага бориб, даъвойимиз йўқ, дейман. Лекин, сиз, ука, виждонсиз экансиз... Майли муллака, ҳалиги гапингиз учун шундай қилдим. Бўлмаса-ку...

Она-бола кетишди. Наби Тароқ уларнинг ортидан узоқ қараб қолди. Дилида кўтаринкилик кайфиятини туйди.

У Эгамберди комиссиянинг хонасида чироқ ёниб турганини кўриб, ўша томон юрди. Осим сариқ қоққан қозикдай анграиб туриб қолди...

— Биласизми, Набака... — тутилиңқираброқ сўзланди Эгамберди комиссия. — Анчадан бери сиздан бир нарсани сўрайман дейман-у, журъат қилолмай гарангман...

— Нимани? — Наби Тароқ Эгамберди комиссиянинг қош-кўзларига, юз тузилишига боқар экан, хаёлига: «Худди онасининг ўзи-я! — деган ўй келди. — Уям Эгамбердига ўхшаган кулча юзли, қирра бурун, чиройли аёл эди боёқиш...»

— Ҳозир сиздан сўрамоқчи бўлган нарсани раҳматли адамлардан ҳам, ойимлардан ҳам сўролмагандим, сўролмасдимам... — Эгамберди комиссия ўрнидан қўзғалди, дераза ёнига борди. Бир сония қоронғи чўккан кўчага қараб турди-да, деди: — Қандай қилиб сўраб бўлади, ўзингиз айтинг Набака, қандай қилиб, а?..

Наби Тароқ тушунди: Эгамберди ўз онаси ҳақида суриштироқчи.

— Тўғри айтасан, иним, бу мушкул иш.

— Ўзи у қандай эди?

— Ойингми? Ойинг яхши аёл эди...

— Яхши бўлганда шу ишни қилардимми?

— У жуда ҳам оч эди. Жулдур кийимда кириб келганди, сени кўтариб...

— Бошқалар юпун эмасмиди. Фақат у оч эдими?!

— У жудаям чиройли аёл эди. Кўзида ёшминан кириб келганди.

— Ўз бурчини удалолмаган. Оналик қилолмаган.

— Ундай дема, иним, ундай дема.

— Унинг ёнини олманг.

— Ўшанда ўн тўрт яшар бола эдим. Остонада бола кўтарган аёл мўлтириб турарди. Рангида қон қолмаган — қалтирарди. Бошида титилиб кетган жун рўмол, эгнида уладаси чиққан қирқямоқ пахталик қавима камзул, қўлидаги чақалоқ ҳам чурук қора чопонга йўргакланган; худди алвасти қиёфада эди, аммо чехрасида чиройли бир маъсумлик бор эди...

У сенинг ОНАНГ эди...

— Она қиёфасидаги алвасти...

— Алвасти қиёфасидаги ОНА эди — у... Бир маҳал сен биғиллаб қолдинг. Назаримда сен эмас... у йиғларди, эшитяпсанми, ОНА йиғларди. Туйқусдан у алла айта бошлади. Унинг алласи мунгли эди, алласи ҳали-ҳали ёдимда:

*«Дунё тўла дон эди,
Оч-наҳорим, болам, алла,
Дарё тўла сув эди,
Ташнаи зорим, болам, алла,
Алла болам алла-ё,
Жоним болам, алла-ё...»*

— Чўпчак айтиш сизминан менинг ёшимизга тўғри келмас экан, Набака.

— Чўпчак бўлса қани эди! Афсус, бу чўпчак эмасда, иним, чўпчак эмас. Бу — ҳақиқат! Чўпчак бўлганда сенга айтмасдим. Барибир чўпчакка ишонмайсан. Чўпчакка фақат Ортиқбойга ўхшаган болалар инонади, болалар! Улар чўпчак тинглашни ёқтиришади, катталар эса... катталарни бошқа нарсалар қизиқтиради, чўпчак қизиқтирмайди уларни... Қани энди улар ҳам болалар қатори чўпчакка ишонишса...

— У мени ташлаб қочган. Тўғрими?

— Йўқ. Сени асраб қолган.

— Сиз шундай ўйлайсиз. Бошқалар-чи, бошқалар!..

— Сени илмли одам дегандим. Янглишган кўринаман.

— Қизишиб кетдим, Набака.

— Мана ҳозир «у мени ташлаб қочган», дединг. Лекин билсанг агар, онанг сени ахтариб Хончорбоққа келганди, ярим-ёрти савдойи ҳолда. У ўша кўйга ҳам сени деб тушганди-да, ахир... Онанг қилиб кўйган гуноҳи учун ўзини кечиролмади. Ҳа, шунинг учун ҳам ўзини нобуд қилди...

— У воқеадан хабарим бор, — деди Эгамберди комиссия чуқур хўрсиниб. Пешонаси тиришгандан тиришди. Бир нуқтага тикилганча узоқ тек қолди, кейин гап мавзуини бошқа тарафга бурди: — Ҳа, айтгандай, кеча уйимга Вали пўкон кеп қолди. Бир самовар одамнинг ўртасида Наби Тароқ мушт кўтарди менга, дейди. Шу тўғрими?

— Ҳа, шундай бўлди.

— Ўзидан ўзи урмагандир, ахир, дедим.

— ...

— Урса урипти-да! Сенинг отанг, ошнам Мирвали, бу одамнинг келажагини йўққа чиқарган. Бир марта мушт еган бўлсанг епсан-да, дедим.

— Чакки қипсан, Эгамберди иним, чакки қипсан юзига солиб. Ундан кейин, мен ўтмишимдан ҳам, келажагимдан ҳам ташвишланмайман. Ўзгача яшолмасдим ҳам.

— Сизнинг ҳам қизиқ одатингиз бор-да, Набака.

— Қандай экан?

— Хўп, уриш керак, унга бу ҳам камлик қилади-ку аслида. Лекин, ҳеч ким йўқ жойда уриш керак-да! Халқнинг ўртасида урасизми? Ташқарига опчиқмай-сизми ярамасни!..

— Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, деган мақол бор. Муштим ҳалол эди, иним, юртнинг ўртасида урдим у тўнғизни...

— Шу ишингиз тўғрима-да, ака. Иккитаси гувоҳ бўлса — тамом! Ана, ҳозир Пирал гишчининг келини келувди. Осимни қаматаман, деб. Ўғлини уриб, тишини тушириб юборганмиш. У аёл ҳам қонун-қондани билар экан денг, эксперт қоғозини опкепти. Осим шу қилмиши учун жиноят кодексининг қайси моддасинан қамалиб кетишигача айтяпти-я! Шунинг учун бунақа ишлар...

- Бошқа гапинг йўқми менда?..
- Йўқ. Шу масалада чақиртиргандим. Бошқа гаплар йўқ.
- Унда мен турай. Вақт ҳам алламаҳал бўлди-ёв.
- Ўтирибсиз-да, қаерга шошяпсиз?
- Узр. Ҳали бориб қўйга қарашим керак. Эртага Ортиқбой боламни Отчопарга оборишга сўз берганман. Эртароқ ётмасам бўлмайди.
- Кўнглингизга олмайсиз-да, Набака, ҳалиги гапларни. Майлими?..
- Хўп.

Наби Тароқ шу куни алла-паллагача ухлай олмади. Ҳали у ёнига ағдарилади, ҳали бу ёнига. Ниҳоят, ярим кечадан ўтганда у уйкуга кетди.

Шу кеча туш кўрди. Тушида Сирож махсумнинг боғидаги қари чинорга осилган беланчақда ухлаб ётганмиш. Тепасида Ҳадича бева алла айтиб ўтирганмиш. Унинг ёнида Жўраҳон кўзёши тўкармиш-да: «Нега ухлатиб қўясиз, — дермиш холасига аразлаган қиёфада, — у менга чўпчак айтиб бериши керак эди, «Жўраҳон» деган чўпчагини!» Сирож махсум ишкомзордан туриб бўкирармиш: «Ҳўв, Қобил Тароқчининг каттаси, ҳўв Муқбил тошотар! Қани, ухлаб кўр-чи, худди Вали пўконга айтаман, қаматтириб юборади...» Ҳадича бева отасининг оёғига тиз чўкиб нола қилармиш: «Шерали қаматгани етмайдими, энди Вали пўконга толширмоқчимисиз неварангизни, уят эмасми, ада?!» Шунда у ўрнидан тура солиб қочиб қопти. «Қаерга болам, қаерга!» йирлаган кўйи ортидан югурармиш онаси. «Отамнинг олдига — фронтга!» дермиш-да, кўм-кўк қирга қочиб кетармиш. Шу маҳал рўпарасидан Анвар чиқиб қолибди. «Ҳа, Анвар болам, — дермиш у, — сен ҳам Расулнинг дастидан қочиб кетяпсанми? Тўғри қиласан! Расул Имонини сотиб юборибди — амалдорларга, Раҳимга ўхшаган кимсаларга! Сен болалар ёнига қоч! Ана ўша ерда яша!» «Мен Хончорбоғни ташлаб кета олмайман, — дермиш Анвар йиғламоқдан бери бўлиб, китоб ёзишим керак. Хончорбоғликлар ҳақида, ота-боболар ҳақида китоб ёзишим керак!» Шунда у қистайверармиш: «Хончорбоғни хароб қилишди, бахил кимсалар расво қилишди. Мен фронтга қочиб

кетяпман, отамнинг олдига, қани юр, етиб олишмасин, тезроқ бўла қол!..»

(Ана шундай алғов-далғов тушларни кўрди шу кеча Наби Тароқ, ана шундай алғов-далғов тушларни...)

Улар Отчопардан кеч қайтишди. Хончорбоққа етиб келишганда қуёш кўринмай қолган, осмонни гилватаранг булутлар чодирини тўсиб олган, қор совуғи турган эди. Шунга қарамай бола ўзида йўқ хурсанд эди. Бугун улар кўрган томошани Сайдаз ҳам, Собир ҳам, ҳатто Нозим ҳам кўрган эмас. Вой-бу, пойгани айтмайсизми?! Шунча отларни! Карнай-сурнай... новараларнинг овози қулоқни қоматга келтириб юборди. Бола бундай томошани умрида кўрмагани — опоқдадаси туфайли кўриб қолди.

— Қўй ҳам оч қолгандир, а? — деди Наби Тароқ ўнг оёғини аябгина босиб. — Қани, юра қол тезроқ.

— Ойимларга айтиб кетгандик-ку, қараб қўйгандирла.

«Қарайди-я, қарайди...»

— Ойингнинг қарашига ҳеч ақлим етмайди. Қўйни кўриб шумшайиб олгани, ўша қарайдими?..

«Қарайдилар, опоқдада, қарайдилар. Ойимла яхши хотин бўп қолганла...»

— Булмаса, адамла қараб қўйгандирла, — деди бола ва Наби Тароқнинг кўлидан маҳкам ушлаганча асфальт йўлда сакраб борди.

— Адамлаям, ойимлаям яхши бўп қолишган.

Бу сафар Наби Тароқ миқ этмади.

Улар қадрдон кўчаларига бурилишди. Рўпарадан Вали пўкон чиқиб қолди. Чамаси Вали пўкон уларнинг уйи томонидан келаётган эди. У ҳаллослаганича қоғозга ўроғлиқ ниманидир олиб кетаётганди. Пўкон Наби Тароққа совуқ илжайди. Бармоғига жез узук тақилган кўлини ҳомиладор аёлларникидай дўппайган қорнига қўйиб, тавозе билан салом берди-да, елкасини қисган кўйи қадамини тезлатиб йўлгага ўтди.

Наби Тароқ унинг саломига алик олмади. Тескари қаради.

Бола ҳам пўконга салом бермади — аламини олди.

«Бопладила опоқдадам, шунақа бўлади Вали пўкон, шунақа бўлади...»

«Шу муштак бола ҳам билади-я, сенинг қандайлигингни, устомон. Ҳе падарингга қусур ота бўлмай...»

Пўкон хафаланмади чоғи, яна ёқимсиз илжайди-ю, орқасига бир қараб уйига кириб кетди.

Улар эшикка етганида, димоқни қитиқловчи кабоб иси келди. Бола тили билан устки лабини ялади ва Наби Тароққа деди:

— Опоқдада, ковоб қилишяпти.

— Ҳа, — деди ўйчан ҳолда Наби Тароқ, — ковоб бўляпти.

Йўлакка кирганларида ичкаридан уч-тўрт кишининг хахолагани эшитилди.

«Меҳмонлар келибди-да!»

«Адамлани ўртоқлари келганга ўхшайди. Мириқиб кулишяпти...»

Бола офилхона томон югурди. Кетидан Наби Тароқ етиб борди. Қўй йўқ! Тахтадан ясалган эшиги ланг очиқ. Ўчоқбоши қаршисида қўрадаги оловни хокан-дозга солаётган келини уларга қўрқув аралаш гуноҳ-корона жилмайиб турар эди.

— Қўй қани? — қичқирди бола. — Сизга айтяпман?!

Онаси боши билан олма дарахтининг тагини кўрсатди.

Наби Тароқ ҳам, бола ҳам ўша ёққа югуришди. Қай кўз билан кўришсинки, тупроққа беланган ҳолда қўйнинг танасиз калласи ётарди. Рўпарада тўртта оёғи, сирланган тоғорада ичак-човоқлари, сўрининг ёнидаги ахлат қутида эса пўстакка нимадир ўраб ташланганди.

— Ким сўйди?! — Наби Тароқнинг бутун ғазаби кўзларига қуйилиб келди. — Сендан сўраяпман!..

— Вали ака. Булар айтувдилар..

Келин қўл-оёқлари билинар-билинемас титраётган, юзидан қон қочган қайноғасининг важоҳатидан чўчиди, унинг нигоҳига дош беролмай ўчоқбошига кириб бойиб бўлди.

— Қассоблар! — бола шундай деди-ю, Наби Тароқнинг орқасига яширинди. Ҳўнграб юборди.

Наби Тароқ унинг пахмоқ сочларидан силаркан, ҳамон кўзлари очиқ қолган қўй калласига ва унинг ёнидаги чуқурча қилиб ўйилган ерда қуюлиб ётган

қонга узоқ тикилиб турди. Кейин шашт билан ғала-
ғовур эшитилиб турган уй томон юрди.

Ичкаридан башанг кийинган, пакана бўйли, бақба-
қаси осилган хомсемиз киши чиқди. Ортидан унга
нисбатан озгинроқ, тепакал, эғнидаги кийими ўзига
ярашмай тушган оқсоқ кимса ва укаси Раҳим судра-
либ чиқишди.

Укасининг кўзи унга тушди. Юзида ясама табассум
ўйнади:

— Э-э, мана бу киши бизнинг ҳам отамиз, ҳам
акамиз бўладилар, — деди у виқор билан Наби Та-
роққа пешвоз чиқиб. — Каминани ўқитиб, одам қил-
ган мана шу киши бўлади...

✓ «Сен ҳам одаммисан, имонсиз! Уялмай-нетмай
одамман дейсан-а! Одам бўлмай одо бўл!..»

— Ассалому алайкум...

«Ҳе, турқларинга...»

— ...

— Қалайсиз бойваччака? Бола-чақалар омонми?

— ...

«Бойваччака эмиш?! Ҳозир лунжингга тушираман,
кўрасан ўшанда ким бойваччака эканини...»

— Э, яшанг! Зап укангиз бор-да! Хў-ўп одамохун
бола!..

«Берган худога ёқибди-да! Падарингга минг лаънат
сенларнинг!»

— Аммо-лекигин анув қўшнинг ҳам маладес йигит
экан-да, — деди бақбақаси осилган семиз кимса, дон
тиқилган товукдай бўйнини чўзиб кекирди. — Бутун
бошли кўйни бир зумда гатоп қилди-я! Во отангга
раҳмат...

— Жуда эпчил йигит экан, — пакананинг гапини
маъқуллади шериги, — шартга бўғзига урди-қўй-
ди-я!..

Наби Тароқнинг тишлари ғижирлади.

«Қани энди замон кўтарса! Сенларни ҳам, сенлар-
га қўшиб ўша аблаҳ пўқонни ҳам пешоналарингдан
отар эдим! Ё парвардигори олам, ёмонларнинг ҳам
жазосини берсанг-чи! Ё парвардигори олам, шуларга
ҳам кўрсатсанг-чи!..»

Тепакал пакана ҳамроҳининг тирсагидан ушлаган-
ча оғзини кериб очиб тишини кавлади. Иккиси нари

кетишди, атрофни кузатган бўлишди. Ака-ука ёлғиз қолишди.

— Энди, шунақа бўл қолди... — дея чайналди оғзидан кабоб аралаш арақ ҳиди анқиб турган Раҳим. — Тўсатдан кеп қолишди, озиб-ёзиб!.. Уятли одамлар... Ҳув, анув, оқ сочлиси каттаконимиз бўладилар.

Наби Тароқ беихтиёр укасининг ёқасидан чангаллаб ўзига тортди. Унинг томирлари бўртиб турган қўллари асабий тигради. Нафрати жунбишга келиб:

— Ахир қўй бўғоз эди-ку! — деди. — Тушуняпсанми? Қорнида боласи бор эди!..

— Нима қиляпсиз? Эсингиз жойидами? Битта қўй учун-а? Қорнида боласи бўлса нима қипти? Одам ўлиб кетяпти-ку! Меҳмонлар кўрса нима дейди?!

Наби Тароқ унингғи жижимланган ёқасидан қўйиб юборар экан:

— Замон кўтармайди-да! Йўқса-ку, сени ҳам, ўша катталарингни ҳам ўзим билардим-у нима қилишни,— деди.

— Жинни бўп қопсиз! Кап-катта одам!..

— Йўқ, сен инсон эмассан, — Наби Тароқ бош чайқади, — сен ҳайвонсан!

У бошқа бир оғиз сўз демади. Ўзи яшайдиган ҳужрага кириб, кўчини йиғиштирди-да, ташқарига чиқиб кетди. (Унинг кўчи ҳам бир қийиқча чиқди — кўп эмас.)

Бола унинг ортидан югурди. Йиғлаганча югурди. Опоқдада, кетманг, дея югурди.

Наби Тароқ муюлишга етар-етмас тўхтади. Унга эргашаётган болани бағрига босди.

Бола опоқдасининг кўзларида ёш кўрди. Опоқдасини биринчи марта бундай ожиз аҳволда кўриши эди.

Наби Тароқ кўзёшларини яширмади, яширолмасди.

— Болам, — деди у, — мен ортиқ бу хонадонда яшолмайман.

— Мениям олиб кетинг, жо-он опоқдада, мени ҳам...

— Сенинг ота-онанг бор. Қолишинг керак. Бир кун тушуниб етасан. Сени кўргани келиб тураман. Хўмми?

Бола индамади.

«Опоқдадам кўчиб кетяптила. Мени ташлаб кетяптила!..»

Наби Тароқ шу дақиқаларда анча қартайиб қолгандай эди. У букчайган кўйи гандираклаб юриб кетди. Ортига ўтирилмади.

Бола асфальт йўлга ўтириб олди. Тиззасига қўллари чалиштирганча лабларига оқиб тушаётган шўртанг кўзёшларини кафтига ишқади.

«Опоқдада, барибир мен ҳам қочиб кетаман, мана кўрасиз, бу уйда яшамайман... Бир кунмас бир кун қочиб кетаман!..»

* * *

«...Йўқ, ойи, дийдиё қилгани келганим йўқ тепангизга. Биласиз ойи, дийдиёни хуш кўрмайман. Бугун туш кўрибман. Тушимда беланчақда аллалаётган эмишсиз. Таажжуб, ойи, олтмиш йил яшаб бундай ғалати тушни биринчи марта кўришим...»

Йўқ, ойи, дийдиё қилгани келганим йўқ тепангизга. Биласиз, ойи, дийдиёни хуш кўрмайман...

Билло, ойи, шу бугун дийдиё қилгани келдим тепангизга. Дарду аламларни тўкиб-сочгани келдим. Эркак бошим билан йиғлаб келдим...

Тўғри, ойи, отам шаҳид кетганларини эшитганимда, сизнинг тобутингизни шу ерга кўтариб келаётганимизда фарзанд бўлиб хўнграғандим, етим қолиб бўзлагандим...

Тўғри, ойи, Жўрахондан айрилганимда, Шерали уни чимидиққа кўтариб кириб кетганини эшитганимда ошиқ бўлиб йиғлагандим. Лайлисидан жудо бўлган Мажнун каби...

Тўғри, ойи, Санобар билан юдузларимиз тўғри келмаганида, қизчам Жўрахонни кўтариб онасиникига жўнаб қолганида ҳам йиғлаганман. Фарзандидан айрилган ота бўлиб...

Тўғри, ойи, яна кўп маротаба йиғлаганман: уруш бошланганда, уруш тугаганда ҳам кўзларимдан тиркираб ёш оққан эди. Қавму қариндошларим, ёру биродарларим бандаликни бажо келтирганларида ҳам кўп уввос тортганман...

Бугун, ойи, қадрим учун йиғладим. Эркак бўлатуриб биринчи марта йиғладим. Менга жуда қийин бўляпти, жуда ҳам...

Киндик қоним тўкилган Хончорбоғ торлик қилиб қоляпти. Илгариги хончорбоғликлар қолмаяпти, ойи, ё менга шундай туоляптимикан?..

Ойи, шу дамда бир қориндан талашиб тушган иним билан сан-манга бориб келяпман. Сиз хафа бўлманг-у, ойи, Раҳимингиз Имонини шайтонга олдириб қўйган. Эсингиздами, сенда бир Давлат бор, дегандингиз, Имонли бўл, дегандингиз. Тўғри, ойи, Имонимни йўқотмайин деп кўпларга қаттиқ гапирдим, ҳатто баъзиларнинг дилини оғритдим ҳам... лекин, ойи, менам инсонман-ку! Менга қаттиқ гапиришмадими, менинг дилимни оғритишмадими? Оғритишди, ойи, оғритганда қандо!..

Ғуноҳим бўлса Оллоҳ таоло олдида ҳар қачон ҳам жавоб беришга тайёрман. Оллоҳ таоло тавбасига таянган бандасининг ғуноҳидан ҳар қачон ҳам кечаверар экан, шундай эмасми, ойи? Унинг карами кенг...

Ойи, сиз ва отам олдида яна бир ғуноҳим борким, бунинг учун тепангизга келиб узр айтяпман. Ана шу ғуноҳидан ўтинг. Мен укамга оталик қилолмадим, оналик қилолмадим. Отанинг ўрни бўлакча экан. Ака ҳеч қачон она ўрнида ўтмас экан. Раҳимни инсофга келтиролмадим. Қўлимдан келмади бу юмуш...

Қайдам, ойи, яқин орада мен ҳам маконимизга кўчиб ўтаманми? Менга, ойи, ёруғ дунё торлик қияпти, жудаям торлик қияпти...»

Қовжирок ўт-ўлан қоплаган пастаккина гўрнинг тупроғи нам тортиб, ундан рутубат ҳиди анқиб турар, ва айни паллада Тешиққопқоқ тепасида қор учқунлай бошлаган эди. Наби Тароқ онасининг пойи томон сурилиб, қиблага қараб Қуръон тиловат қилди-да, кейин эринчақлик билан ўрнидан қўзғалди.

У мудҳиш қоронғилик қаърида ҳайҳотдек бўлиб турган қабристон дарвозасига етганда, учқунлаётган қор лайлак қорга айланиб, бўралаб ёға бошлаган эди.

Хончорбоққа тун чўккан маҳали ҳам кўнгли, ҳам қақди нотавон Наби Тароқ Қичқирикнинг йўлига чиқиб олиб, тўғри гузар томон кетди...

БИР ҶАРНИНГ ҚИЛМИШИ

«Ҳа, Сувонқул ака, Турдиқул ота раҳматлининг замонидан қолган тўнғакка ўтириб олиб хаёл сураяп-сиз? Тинчликми, ака?..»

«Сўрама, мулла Мирхон, сўрама! Ёлғизлик ёмон экан — сўққалик қурсин...»

«Бошингизни иккита қилиб қўяйликми, ака? Хончорбоғда сиз болаидан йўқ эмас. Ана, Ароп дастурхончи. Белида қуввати бори топилса, текканим бўлсин, деганмиш. Келинингиз бешик тўйига чиқиб шу гапни топиб келди».

«Сенга шунақа бемаза гап бўлса-а? Ҳеч қуюлмадинг-қуюлмадинг-да!»

«Итингиз қопмайдими, ака? Оёқдан олиб ўтирма-син тағин. Жа ётиши бежо-ку!»

«Пешонангни тириштирмай келавер. Қопмайди. Тилини осилтириб ҳаллослаши иссиқдан. Чўчима».

«Итни қопмас деб бўлмас, дейишади».

«Ит қутурса эгасини қопади, деган гапларниям эшитганинг бордир-а, ука?»

«Эшитишга эшитганманку-я, лекин...»

«Келавер, Оқтош эсли ит».

«Ҳақиқатанам эсли итга ўхшайди, а, Оқтош? Шундайми? А?..»

«Ҳа, ана шундай. Баҳузур ёйилиб ўтиравер. Қўрқма... Кампиргинам бу ёруғ дунёдан кўз юмганидан бери ёлғиз эрмагим шу бўп қолди. Шундан ўзгага керагим қолмади».

«Қийин, ака, сизга жудаям қийин... Бу ҳў ўша итингизнинг боласи шекилли?»

«Тўғри топдинг. Қоплоннинг боласи. Падар лаънати кучуктугарлар опкетиб қолган ўша боёқишнинг боласи...»

«Ўзи ўша итингиз ҳам эсли эди. Ўшанинг боласи бўлгандан кейин...»

«Итдан ҳаддан ташқари қўрқар экансан-а, мулла Мирхон? Юракни қачон олдириб улгура қолдинг?»

«...»

«Айтгандай, сен ука, одамларга кўп хайрли ишлар қилиб юрасан — ҳожатбарорсан. Шу, десанг, ярим машина қум зарур эди. Кузга бориб, рамазони мукаррама ўтгач, юртга ош бериб, қолиб кетган пайғамбар ёшимни ўтказиб юбориш ниятидаман. Дўстим бор, душманим бор, жа уятдаман. Хабаринг бор-ку: бошимга оғир мусибат тушди-ю, эл-улус ўртасидаги қарзим манави бўйнимда қолиб кетди. Ҳа, маконинг нурга тўлсин-а Ойбиби, жойинг жаннатдан бўлсин... Шунга уй-жойни сал эпакайга келтириб олсам дегандим. Қўшнилардан бирига маслаҳат солувдим: қумсувоқдан яхшиси йўқ, устидан оқлаб юборсангиз олам гулистон, деган гапни айтди. Ўйлаб қарасам, гапида жон бор. Маъқул тушди. Неча кундан бери Олмазорнинг йўлига чиқиб олиб, кўзларим тўрт бўлиб пойлайман. Қани энди қум ортган машина учраса, де... Охир-оқибат юрак қурмағур дош бермади; тарвузим қўлтиғимдан тушиб қайтдим. Шу ярим машина қум ўлгурни сен ўзинг топиб кеберсанг. Бир ҳаққингга дуо қилар эдим-да...»

«Хўп, ака, сиз учун Хиротдан бўлсаям топиб келаман ўша ярим машина қумни. Шу юмушни гарданимга Камол ака юклаганда, тошингизни теринг, дердим. Сиз учун экан, йўқ ердан ҳам топиб келаман».

«Камолминан ораларингда бирор гап ўтдими дейман-ов, а?»

«Ҳали қулофингизга чалинмадими? Ёмон дилимни оғритди у киши. Дўконга гўшт келган экан, бир сафар ўзим учун олдим. Кейин яна навбатга турдим: Мозоркўчадаги кўнгли яримта Муаззам кампирни ҳам хурсанд қилмоқчи эдим-да! Шу акам туртиб-суртиб навбатдан чиқариб юборсалар денг. Ҳой инсон, ўзимга эмас, фалончига, деганимга ҳам қулоқ солмади-я...»

«Ҳар тўқисда бир айб-да, ука, кел, қўй, хафа бўлма...»

«Баттол экан-э, Камолингиз!..»

«Оқтошга қара, Оқтошга! Ҳасратингга анграйиб қулоқ соляпти! Бало бу, бало...»

«Эсли ит-да! Хавотир олманг ака, сизга топиб кебераман. Сиз унга ўхшаб такаббур эмассиз, сиз камсуқумсиз...»

«...»

Мирхон яккаю ёлғиз опоқойиси ёруғ дунёдан кўз юмгани ҳақидаги қайғули хабарни эшитиши ҳамано пайтавасига қурт тушиб, типирчилаб қолди. Сўрининг тагидаги шосупада чиллақдай оёқларини кериб ўтирган кўйи тол чивиғи билан жун саваётиб, гув этиб ҳали юзига, ҳали бўйнига, ҳали билакларига ёпишаётган хира пашшаларни болохонадор қилиб қарғай-қарғай қўриётган рамақижон хотинини қистовга олди: «Чу-молига ҳам озор етказмаган шундоқ опогойим ўли-иб турсин-да, сен тепса-тебранмаснинг ялпайи-иб ўтиришингни қара-ю!..»

Эр-хотин бир зумда отланишиб, Олмазорнинг йўлига чиқишди. Аллақанча вақтгача биронта такси қорасини кўрсатмади. Мирхоннинг хуноби ошиб, фиғони фалакка етиб турган эди, қўққисдан Жомий кўчадан қум ортиб олган самосвал чиқиб келди. Унинг нурсиз кўзлари қувончдан ёришиб кетди: Сувонқул кўкчи бўйнига юклаган юмуш эсига тушди. Шоша-пиша рўпарасидан ўтиб кетаётган самосвалга қўл кўтарди. «Ҳой-ҳўй, алё, ал-лё... ҳой, тўхта, тўхта», деганча унинг ортидан югурди. Ҳовлиқиб бармоқларини оғзига олиб борди-да, чунон ҳам хуштак чалдики, чинқириғига ўзининг қулоғи шанғиллади. Хайрият, самосвал жўнаб қолмади, пича нарида ғийқиллаб таққа тўхтади.

Мирхон гирдиғум сумбатини бесўнақай лапангла-тиб унга етиб борди, ҳаллослаб кабинетнинг шофёр қаршисидаги эшиги қабзасини кучи борича тортди. Рулда кемшик оғзининг бир четида папирос турган ўттизлар атрофидаги чўзиқ юз, қийиқ кўз, олдига туртиб чиққан иягининг ўртасида чуқурчаси бўлган куюқ мўйловли, қорамағиз йигит ўтирар эди. У қовжироқ лабларини ялаб, ҳансираганча оғир нафас олаётган Мирхонга юраги ачиди шекилли, папиросини қўлига олиб туриб:

— Чопмасангиз ҳам бўларди, ака, эшитувдим чалган хуштайизни, — деди. — У ерда ман этилган, шунинг учун тўхтамадим. — Шофёр Мирхонга ярим табассум билан қаради-да: — Аммо-лекигин хуштак чалишни қийиб юборар экансиз-э, қойилман! Бу, дейман, ака, ёшлигингизда каптарвоз ўтганмисиз, а? Каптар боққанмисиз? — деди.

— Ҳе, қўявер, — Мирхон лоқайдланиб қўл силтади. — Кўп нарса боққанман... — У шундай деди-ю,

сидирға тринка шимининг киссасига қўл суқиб даст-
рўмолини чиқарди, юзи аралаш гарданини артди, қулт
этиб ютинди: — Шу... ука, бир одамга... гапнинг пўскал-
ласини айтайми? Ҳеч кими йўқ бир мўйсафидга шу
қумингдан мана мундай зарур эди, — деди кўрсаткич
бармоғи билан томоғини «тилиб» кўрсатиб. — Эшит-
япсанми, ука, мана мундай...

Шофёр йигит унинг болаларга хос куйинчақлик
билан тушунтиришидан беихтиёр кулиб юборди.
Бўйнига ташлаб қўйган эшиқ оқ лас қийиқни қўлига
олиб, икки учини бирлаштирди, терлаб кетганидан ел-
касига чиппа ёпишган калта англи кўйлагининг ёқаси-
ни хиёл юқори кўтарди, сўнг қийиқ билан юзи, бўйни
ва жундор кўкраги теварагини елпир экан:

— Бўлмайти, ака, — деди, қорайиб кетган бармоқ-
лари орасида қисилмақ турган папиросини оғзига олиб
бориб узоқ ичига тортди. Бирор сониядан сўнг кериф-
лик бурун катакларидан тутун буруқсаб чиқди: — Бу
қумни ўзим аранг илтмос қилиб олдим. Мана қоғози.
Ўзимизникида ҳам қурилиш бор эди. Аранг кўндир-
дим...

Аччиқ тамаки дудидан Мирхон қаттиқ йўталди. У
рапидадек кенг кафтларини елпигич қилиб, оғзи-бур-
ни яқинида тебрлатди-да, деди:

— Неча кунлаб мана шу йўлда сарғайибди, кекса
одам. Ўзим учун бўлганда бунчалик ялиниб ўтирмас-
дим. Ке, ука, бир ҳожатманд мўйсафиднинг ҳожати-
ни чиқаргин.

Шофёр хийла ўйга толди, қўлидаги чекиб бўлинган
папирос қолдиғини кабина ойнасидан ташқарига улоқ-
тирди, кетидан «чирт» этиб ўша ёққа тупурди ва қўл
силтаган кўйи:

— Бўпти, ўтиринг! Шу бугун ҳожатбарорлик қил-
сам қила қолай, қани, чиқинг машинага! — деди.

Кабинадан анқийётган папирос тутуни аралаш қўлан-
са тер ҳидига Мирхоннинг юзи бужмаяётган эди, йўқ,
шофёрнинг мана бу гапидан кейин унинг ялпоқ юзи
ёришди.

— Мана бу ўғил боланинг гапи бўлди, — деди у
овозини бир парда кўтариб. Пича индамай турди, сўнг
қўшиб қўйди: — Фақат гап мундай-да: биттаю битта
опоғойим бор эди, оламдан кўз юмибди боёқиш... —
Унинг ҳозиргина ёришган юзи қайғули тус олди: —

Кеннойинг иккимиз ўша ерга кетаётувдик... Ҳўв, ана, тоқати тоқ бўлиб турибди. Эртароқ бормасак уят-а! Ўзбекчиликни тушунасан-ку!.. Ҳали Бешқайроғочга етиб боргунимизчям аллавақт ўтади. Сенга ука, йўлни тушунтириб қўяман. Келишдикми?..

— Энди кўчама-кўча сарсон бўлиб санқишим қолувди, — дея норозиланди шофёр. — Шу дардингизни бояроқ айтмайсизми!..

— Ҳовлиқма, ука, сарсон бўлмайсан, — Мирхон шофёрни тинчлантирди. — Ҳозир шундай тушунтириб қўяйки, ҳеч бир қийинчиликсиз Сувонқул кўкчининг қўрғонидан чиқиб қолганингни ўзингга пайқамангин.

— ...

— Ҳув анави муюлишни кўряпсанми?! — Мирхон чорраҳадан сал нарида кўриниб турган кўчага ишора қилди. — Ана ўша ердан ичкарига кириб борсанг, катта бир кўприк келади: бизнинг Қичқириқ устига ўрнатилган. Кўприқдан ўтиб, мошинангни чапга бурсанг, икки қаватли уйга кўзинг тушади. Уйнинг ёнидан яна чапга бурасан — рўпарангда ишқомли чойхона кўринади. Йўқ, йўқ, чойхонага етмай туриб, ўнгдаги кўчага кирар экансан. Ҳа, тўғри, ўннга кирасан: болалар копток тепадиган майдонга чиқасан. Майдоннинг орқасидаги кўчаминан яна Қичқириқнинг йўлига тушиб оласан. Шундоққина кўриниб қолади: гувиллаб турган шаршарадан юз-юз элик метрлар беридаги гувала деворминан ўралган кўримсизгина қўрғон ўша чолники... Эшиги ёнида алмисоқдан қолган иккитачта филдай-филдай келадиган тўнғак ётибди. Тушунтиролдимми?..

— Мошинада кирса бўладиган кўчаларми, ишқилиб?! — Шофёрнинг суриштириш тарзида киноя аралаш қўрслик сезилиб турар эди. — Тагин мошинаминан кириб қолиб...

— Чўчима, сеникидақа самосвалдан яна бири бемалол сиғадиган кўчалар.

— Ҳай, майли, кўрармиз. Айтгандай, жилла қурса чойхонадагилар кўрсатиб юборишар, а? У кишини тапишадимми ўзи?..

— Хончорбоғнинг етти яшаридан етмиш яшарига-ча танийди Сувонқул акани. У ёғидан хавотирланма. Самоварга бориб олсанг, вассалом... Ўзим жон-жон

деб бошлаб оборардим-у, шароитни айтиб турибман. Фақат алдамагин-а?! Жуда керак шу қум. Ҳаққингга дуо қилади. Ғоятда дуогўй қария. Илтимос-а, уялтирмайсан-а?!.

— Эзма-чурук экансиз-э! — дея шофёр ижирғанди. — Хотирийиз жам бўлсин, ака, топиб бораман, ағдариб кетаман ўша ғоятда дуогўй қариянгизникига. Шундай эзмаланиб тураверсангиз ҳали жанозаданам қолиб кетасиз. Битгаю битга опоғойим эди, деяпсиз боядан бери.

— Ҳа, битгаю битга эди раҳматли, — деди Мирхон кабина эшигини ёпар экан. У яна шофёрга илтижо билан қаради. Шофёр, ҳаммаси тўғри бўлади, дегандай бошини лиқиллатди, машинасининг моторини ўт олдириб, нарироқдаги йўл айрилишидан орқага бурди-да, Мирхон кўрсатган томонга шиддат билан ҳайдади.

Мирхон то самосвал чорраҳадан ўтиб, ўзи кўрсатган кўчага бурилиб кетгунга қадар ундан кўзини узмади. Бурилгандан сўнггина кўнгли жойига тушиб, кутавериб сарғайиб кетган хотинининг ёнига борди. Хиёл ўтмай уларнинг қаршисига хира ёниб турган кўк чироғини липиллатиб такси келиб тўхтади. Эр-хотин шоша-пиша таксига ўтиришди-ю, Бешқайрағочга йўл олишди...

Улар уйга қайтишганда, кун қиёмдан оғиб шомга томон оҳиста судралаёзган маҳал эди. Хончорбоғ тепасида дилхуш шабада туриб, баҳор қуёшининг илиқ-иссиқ тафтини хийла кесар, йўлнинг икки четидаги, хонадонлардаги дов-дарахтлар шохларини бир текис силкитиб, суйиб-эркалар эди.

Кўча оғзига етишганда, Мирхон қўлтиғига суқиб олган беқасам тўнини хотинига тутқизди.

— Сен боравер. — Унинг ранг-рўйи анча синиқиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетганди: — Мен Сувонкул кўкчиникидан хабар олай-чи, нима гап экан.

(Хотини — Холпошшаниннг эсига ўтган кузақдаги воқеа тушиб кетди. Ана ўша воқеадан кейин мабодо эри бир ерга йўрғалашни мўлжаллаб қолгудек бўлса, унинг юраги безиллаб туради.

Мозоркўчадаги энг чекка ҳовлида яшайдиган Муаззам кампир Асқар судга (у ўша кезлари маҳалла

комитетининг раиси эди!) арзу дод қилиб чиқди: болам, бу пиёнисталар на эрта демай, на кеч демай, бошқа ер қуриб қолгандай, менинг остонам тагига ўтириб олиб, отинг ўчкур анови номи нимаям эди-я, ҳа, анови шайтоннинг ичимлиги бор-ку, ўшани симиргани-симирган. Тек ўтириб жиғидонига урса гўрга эди-я, бу йигит ўлгурларнинг оғзидан боди кириб, шоди чиққанига чидаб туролмайди одамзод. Тўнғиз қўпгурларнинг харом оғзидан менинг халожойим озода-я! Бири бирини ҳақоратлаган, ҳалиги болохонадор сўзлар минан, бири бирини туртган; ҳеч тинчлик йўқ суллоҳларнинг дастидан. Устига устак, ҳар куни бир пақир-бир пақир шиша синиқларини супуриб оламан. Бунақамас-да болам; рўбарўйимда кимлар ўтмаган табаррук макон — Тешиққопқоқ турсин-да, бу ювуқсизлар шундай муқаддас даргоҳ теваарагида мана бундайин номаъқулчиликларни қилиб ўтиришса! Уят эмасми?! Буларнинг танобини тортиб қўйсанг ҳақинг кетмайди-ку, болам... «Асқад суд» деган хоҳ кексани, хоҳ ёшни бўлсин ҳайиқтирувчи номинг бўлса, қўлингда бутун бошли Хончорбоғнинг муҳри турса, шу пиёнисталарга сўзингни ўтказолмасанг энди... Ахир мен ҳам шу юртнинг улусиман, бегона эмасман. Гўргинанг нурга тўлгур чолим ҳаёт бўлганида бунчалар хўрланмасдим, ҳеч кимим йўқлиги туфайли ҳам оёқости бўлиб ётибман: биров гапимни ярим чақага олмайди...

Муаззам кампир ана шу мазмундаги арзу дод билан маҳаллага чиққан паллада, раиснинг хонасидаги бир бурчақда Мирхон ҳам қимтиниб ўтирган эди. (Раис котиби унга шу маҳаллада истиқомат қилишини тасдиқловчи маълумот қозонини ёзиб бераётган эди.)

Мирхон, кампирнинг дарду ҳасратидан сўнг Асқар суднинг бароқ қошлари чимирилганининг, энсаси қотганидан тишида данак чақаётгандек бир кўзини қисиб, пешонасини тириштирганча унга тузукроқ муомалада бўлмаганининг ва Муаззам кампир шўрлик маҳаллага чиқиб арзу дод қилганига минг бор пушаймон еб, кўлни ювиб кўлтиққа урганча букчайган кўйи судралиб чиқиб кетганининг гувоҳи бўлди.

У Асқар суднинг адолатсизлигига бефарқ қарай олмади. Бир куни, худди ўша пиёнисталар бўзчининг моқисидай қатнаб, ичкилик сотиб оладиган дўконга кириб, бир қути бўш шиша идиш харид қилди. Қўли-

даги қарсилдоқ билан пештахтага қўнган пашшаларни тирқиратиб ҳайдаётган сотувчи қовоғидан қор ёғилиб турган Мирхоннинг бу телба-тескари хатти-ҳаракати-га ҳайрон қолиб, ёқа ушлади. Мирхон унинг ҳайрат бармоғини тишлашига ҳеч бир эътибор бермай, тўғри Асқар суд яшайдиган кўчага бурилди. Суднинг янги суртилган бўёқлари ялтираб турган қўш тавақали тахта дарвозаси қаршисига келганда, қутини ерга қўйди, ичидаги шиша идишларни ошиқмасдан битта-битта олиб, унинг остонасига ирғита бошлади. Дарвоза таги бирпасда чил-чил синган шиша парчаларига тўлди-қўйди. Бир маҳал ичкаридан Асқар суднинг касбини эгаллаган ўттиз уч-ўттиз тўрт ёшлар чамасидаги ялғарс гавдали, сочининг тепа қисми тўкилиб тутаган, афт-ангорининг ўзиёқ ҳаддан ташқари кибру ҳаволи ва айни пайтда шафқатсиз бир феълли-хўйли одам эканидан далолат бериб турувчи тўнғич ўғли ҳовлиқиб югуриб чиқди. У Мирхоннинг бу ишини безориликка йўйиб, хунук бир қиёфага кирган кўйи куч билан унинг қўлларини орқасига қайирди-да, кучаниб-тиришиб қаршилиқ кўрсатишига парво ҳам қилмай, ичкарига олиб кириб, ҳовлидаги танаси қулочига сифмайдиган қари балхитутга боғлаб қўйди. Телефон орқали ўзи терговчи бўлиб ишлайдиган шу туман милиция бўлимига хабарлади. Хиёл ўтмай, дарвоза ёнига пешонасидаги сиренасини «чинқиртириб» милиция машинаси келиб, таққа тормоз берди. Форма кийган икки ёшгина йигит Мирхонни кўчага судраб чиқиб, унинг тиришиб-тортишиб юлқинишига писанд қилмай босиб олиб кетишди.

Уни олиб кетишган куннинг эртасига саҳармардон, Холпошша қўшнисиникидан янги соғилган сигир сутини келтириб, ширчой пиширди. (Эри эрталабки нонуштага ширчой ичишни хуш кўрар эди.) Сал совуши билан уни икки литрли шиша идишга жойлади-да, ичкари уйга кириб отланиб чиқди, кейин саккиз яшар кенжа ўғлини етаклаб, Мирхоннинг ҳолидан хабар олгани жўнади.

Улар борганда, чап кўзининг пасти сарғиш-кўким-тир бўлиб шишган Мирхон эғнига қанор қоқдайин ҳалпилаб тушган фаррошлар қора халатини кийиб, чўлтоқ қоровул супурги билан милиция идорасининг атрофини чангитиб-тўзитиб супуриб юрган эди. У ма-

шина йўлидан етаклашиб келаётган она-болани таниди-ю, қўлидаги супургисини дуч келган тарафга улоқтириб, уларнинг истиқболига пешвоз чиқди. Суюкли ўғилчасини даст қўтариб, бағрига босди. Елкасига бош қўйиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган хотинининг ёнига қўшилиб, у ҳам кўзёши тўкиб олди.

«Мана бу еризга нима қилди, ада? — болаларча куюнчаклик билан суриштирди ўғли. — Мана бу кўзизни тагига?..»

«Бу еримга, ўғлим, милиса амакиларингдан бирининг тирсаги тегиб кетди, — деди Мирхон ўша ерини эҳтиёткорлик билан силаб-сийпаб. — Ёмон теги».

«Тирсак тегиши мундай бўлмайди-ёв, — дея ишонқирамай сўзланди Холпошша. — Бу еризга уришганга ўхшайди. Ҳа, қўлларинг акашак бўлгурлар урганга ўхшайди!..»

«Мошинасига чиқазишаётганда: «Ҳой, мусулмонлар, қайси қилган гуноҳим учун опкетяпсизлар, шаҳар бедарвоза эканми», дедим-да, уларнинг қўлидан юлқиниб чиқишга тиришдим. Ана шунда бирининг тирсаги теги. Ўзиям кўзларимдан олов чиқиб кетаёзди...»

Шу кунни Асқар суд Хончорбоғнинг икки-уч баобрў мўйсафиди билан Мирхонни кафилликка олгани келди. Мирхон хонанинг тўридаги суянчиқли курсида талтайиб ўтириб, серсоқол иягини қашиганча унинг шишинқираган юзига мамнун қиёфада тикилиб турган хўпла семиз, қирғизқовоқ милиция майорига тилхат узатди: иккинчи маротаба бундайин кўрнамаклик қайтарилмайди, деган мазмунда. Қирғизқовоқ майор Мирхоннинг тавба-тазарруларига инонди чоғи, уни хончорбоғлик вакиллар ихтиёрига топширди. Мирхонни худо бир асради — жинойий жавобгарликдан қутулиб қолди.

У Асқар суднинг сутранг «Волга»сига ўтира туриб, дилида фасодлаёзган армонини тўкиб-солди: ака, ўғлингиз мени манавиларнинг қўлига топширди; бунга хафа эмасман. Бу ярамаслар ақалли ёшимни ҳурмат қилишмади; бунгаям хафа эмасман. Аммо-лекин сизнинг ҳув ўшанда бир фақир кампирга нисбатан қилган адолатсизлигингиздан ҳали-ҳануз ўзимга келолмайман. То Муаззам кампирнинг кўнглини овлаб, пиёнисталарни унинг остонасидан ҳайдатиб юбормас экансиз, барибир сизни тинч қўймайман!..

Холлошшанинг эсига ана ўша воқеа тушиши ҳамона эрининг бир ерни мўлжаллаб туришидан безиллайди. Бордими, албатта бир балони бошлаб қайтади).

— Хабар олишингиз шартми? — дея норозиланди у. — Ағдариб кетгандир ўша ордонани!..

— Сувонқул ака ҳаққингга дуо қиламан, деган эди.

— Нокас бўлманг. «Дуойи хайрингизни олгани келдим», деб борасизми?— гижинган кўйи юзини буриштирди Холлошша.— Қандай бетингиз чидайди? А?..

— Ҳўв, сен менга ундай қарама! Хўмми?! — Мирхон кўзларини лўқ қилиб турган хотинига дўқ урди. Унинг эрга қараши тажанглигини оширди: — Ҳали сенинг арпангни хом ўрганимча йўқ. Уқдингми?! Ундан кейин, менинг ишларимга қачондан буён бурун суқадиган одат чиқардинг? А?..

Холлошша унинг тезлигини жуда яхши билар эди. Била туриб ноўрин гап қилиб қўйганини туйди. Энди гишт қолипдан кўчган эди; лабни тишлашдан ўзга чора йўқ. Мабодо Муаззам кампир воқеасини эслатгудай бўлса, эри шамол теккан олов мисоли ловуллаб кетиши мумкинлигини кўз олдига келтирди-ю, гапни чуваттандан кўра тек туришни афзал билди.

— Тилингга хасмол чиққанми?! — деди Мирхон хотинининг гуноҳкорлардек писиб, кўзларини яширишга уринишидан янада диққинафас бўлиб. — Сендан сўраяпман!..

— ...

Шу маҳал уларнинг ёнгинасидан Шариф мўйлов ўтиб қолди. У уч-тўрт ўспиринга Хончорбоғнинг беш пудди дошқозонини маҳалла омбори томон аравада итартириб олиб кетаётган эди. Ўспиринлар унга нималардир дея гувранишди, у мошкичири шопмўйловини шавқ билан бурай туриб:

— Келинни хафа қилма, Мирхонбой! Уят бўлади-я!— деди.

— Мошхўрдага қатиқ керак эмас, Шариф ака, — Мирхон унга, йўлингдан қолмасанг-чи, нега бировнинг ишига бурун суқасан, дегандай қаради. — Туншундингизми? Хотин меники! Урамни, сўкамани, ё бўлмаса бошини силаб суяманми, бу менинг ишим... Хўмми ака?

Ўспиринлар унинг жавобидан шарақлаб кулиб юборишди. Шариф мўйлов қовоқ-тумшувини осилтириб, болаларга қўл силтади-да:

— Қани, кетдик. Ҳозир Мирхонга гап уқтириб барака топмайсан. Ҳовридан тушсин, кейин гаплашиб қўярмиз, — деди.

У Шариф мўйловнинг аразига эътибор бермади, шаҳодат бармоғини тишлаганча бирор оғиз сўз айтишга ботинолмайд турган Холпошшага боз зўғимини ўтказди:

— Сендан бир нарсани сўраганда жавоб бергин, хўмми?!

— Хўп деяпману... — Холпошша йиғламсиради.

— Қани хўп деганинг! — Мирхон дағдаға аралаш қўлини паншаха қилди. — Қани?!

Унинг вазоҳатидан хотинининг капалаги учиб кетди. Ҳозир эрим уриб юборади, деган хаёлга борди, янада кичрайиб, йиғламсираб тураверди.

— Феълимни била туриб жиғимга тегишингни-чи, а? Ё талофингни қўлингга тутқизиб, отангникига жўна-тиб юборганимда ақл кирадимми сен хумпарга?..

— ...

— Ўшанда ақл киради-ёв!

Хотини чурқ этмади. Бошини ҳам қилганча ҳайкал мисол қотиб қолганди.

— Индамай туриб энгиб кетасан, сен писмиқ, — деди Мирхон пича ҳовуридан тушиб. — Бўлар иш бўлди. Қани бор энди, тузукроқ овқатинг ҳаракатини қил. Ҳозир кетингдан етиб бораман. Бор уйга...

(«Негаям ақл ўргата қолдим-а, бу итфеълга! — Холпошшанинг афсус-надомат аралаш янада хўрлиги келди. Бесаранжомланиб, бедана юриш билан эридан узоқлашди, кейин хаёлидан кечган гапни овоз чиқариб айтиб юбормадиммикан, деган ўйга бориб, ҳадиксираганча ортига ўтирилди: — Зўғимини фақат менга ўтказди. Кўча-кўйдагиларга кулги бўламан-ку, деб ўйламайди ҳам. Ҳе, феълинг қурсин сенинг! Тўрт норастанинг уволидан ҳам қўрқмай, талофингни қўлингга тутқизиб юбораман, дейди-я...»)

Мирхон энтак-тентак юриб кетаётган хотинининг чуваккина жуссасига бир сония қараб қолди, унга ачинди. «Сал ошириб юбордим-ов, — деган ўйга борди. — Тағинам шу боёқиш чидайди инжиқликларимга, бошқаси бўлса чидолмасди. Пўлатдан экан-э, ўзиям! Талофингни қўлингга тутқизиб юбораман эмиш-а!.. Қизингга совчилар келавериб, эшигинг турумнини бузиб

туришсин-да, сен фаросатсиз ўйламай-нетмай хотиннинг қўлига талоғини тутқизиб юборавергин-а?! Ҳе, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши! Эрта-индин куёвли бўлай деяпсан-а!..»

У хотинини ўринсиз койиганидан турли мулоҳазага бориб, ўзини-ўзи нодонликда айблаб келар экан, Ҳамид ёзувчининг уйи қаршисидан чиқиб қолганини сезмади. Сувонқул кўкчини ахтариб чойхонага кириб ўтмоқчи эди, тўғридаги Мевазор кўчадан шу томон ҳасса таяниб келаётган Камол акага кўзи тушди-ю, киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай гарангсиради. Камол ака Мирхонни кўриб қадамини секинлатди. Мирхон яқинлашаверсин, дедими, дастаси фил суягидан ясалган ирғай ҳассасини қўлтиғига қисиб олиб, атайин чўнтак кавлашга тушди. Носқовоғини чиқариб, ялқовланган кўйи рапидадек кенг кафтига бир чимдим тўқди, унга ер остидан муғамбирона кўз қирини ташлади-да, мийиғида кулди, сўнг эса носни капалаб оғзига отиб юборди. Мирхон унинг муддаосини пайқади:

«Ўлай агар жўртгага қияпти шу ишни; менинг асабимга тегиш учун қияпти. Самоварга киради, деб ўйлади шекилли. Шу алпозда у ерга кирсам тамом — бошлайди қитмирликни, унга бас келиб барака топмайман. Кел, аввал, Сувонқул аканикига бориб кўрайчи, зора уйда бўлса...»

Камол ака Мирхонга қараб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, у шартта ўнгдаги кўчага бурилиб ғойиб бўлди. Камол аканинг гапи оғзида қолиб кетди.

«Ҳойнаҳой, ҳа, Мирхон, писиб турибсан — мушукдан ҳайиққан сичқонга ўхшаб; келавер, еб қўймайман, ўтган ишга салавот, демоққа чоғланди-ёв... Чоғландию чоғланганча қолаверди. Хў-ўп вақтида жўнавордим...»

У Сувонқул кўкчининг қўрғонига етиб келди. Келди-ю, юраги шигиллаб кетди: шофёр йигит ағдариб кетиши лозим бўлган бир машина қумдан ном-нишон йўқ. Устига-устак, кўкчининг кесакисига омонатгина ўрнашиб турган нотавон эшиги зулфинига занг босган кичик бир осма қулф солинган эди. У минг турли хаёлга борди:

«Ташиб олган бўлса-чи! Йўғ-э! Бир мошина қумни-я! Таший олмайди; девдай одам ҳам бундай фур-

сатда ташиши амримаҳол... Чолда нима куч бор? Ташиб олган тақдирда ҳам ақалли чиқит-пиқити қолар эди-ку...»

Бебурд шофёр уни лақиллатиб кетганига имони комил бўлса ҳам қандайдир илинж тўнгатка чиқиб, Сувонқул чолнинг ҳовлисига мўралашга мажбур этди. Ҳувиллаб ётган кўримсизгина ҳовлини обдан кўздан кечирди: ҳеч бир ерда қум уюми кўринмайди. Одам ютаман, дейдиган ҳовли жимжит. Жимжитликни бир бурчидаги тупроғи нураб ётган супа тепасидаги сўрига осилган, ипак тўрлари ранг-баранг нозиклар, пистонлар билан безатилган иккита тўрқовоқдаги тезотар беданаларнинг бири олиб, бири қўйиб «тарақлатиб уриб туриши» бузар эди. Супадан хийла беридаги олма дарахти тагига узала тушганча пинакка кетган Сувонқул чолнинг суюкли ити — Оқтош ҳар замон-бир замонда кўзларини очиб, қулоқларига, бурун каткаларига суқулиб кириб чақиб олаётган хира пашшаларни бошини силкитиб тирқиратар, сув идиши рўпарасидаги ғажиб ташланган катта суюкни бир-биридан қизганиб талашаётган қовоқ ариларни лоқайд кузатар, кейин яна эринчаклик билан кўзларини юмиб олар эди...

Мирхон нима қиларини билмай, тўнгатка ўтириб қолди. Анчагача ўтирди. Пешонаси тиришиб, икки чаккасида қаттиқ оғриқ турди. Тиззасига шаппатилаб уриб, ўрnidан кўзгалди. Қичқариқ ёқалаб қайтаётган эди, кўчасидаги баланд труба сўрига қўшнаревон қўйиб, ток новдаларини бағазларга боғлаётган Қосим қотмага кўзи тушди.

— Ҳорманг энди, ака! — деди у бир текис таралган ток новдаларига ҳавас билан тикила туриб. Хаёлидан: «Қосим қотма кў-ўп режали одам-да», деган фикр ўтди.

— Бор бўл! — Қосим қотма кўлидаги токқайчини жомакор халатининг киссасига солди-да, пиллапояларига оёқ қўйган сари лопиллаб кетаётган омонат нарвондан эпчилик билан пастга тушди: — Нима қил адашиб юрипсан, биззи тарафларда?..

Иккови қўл беришиб сўрашишди, бир-бирларининг ҳол-аҳволларини суриштиришди.

— Сувонқул аканикидан келяпман, — деди Мирхон тушкун бир кайфиятда. — Қум керак, деган эди

хув бирда, ярим мошина... Эрталаб жанозага шошиб кетаётган эдим, опогойим вафот этиб қолсалар денг...

— Худо раҳмат қилсин. Нега ундай бўлиб қолди? — Қосим қотма ҳамдардлик билдирган қиёфада юзига фотиҳа тортди. — Жуда чакки бўпти-ку, а? Чатоқ бўпти-ку!..

— Шунақа бўп қолди. У кишини ҳам бериб қўйдик...— Мирхон хомушланиб бурун тортди, пича тек тургач, деди:— Шу кишининг жанозасига кетаётган эдик, келинингиз иккимиз, қум ортиб олган самосвал учраб қолди. Кўкчиникини тушунтириб юбордим: қозоқнинг тўққиз пулидек. Хўп, олиб бораман, сиз кўнгилни хотиржам қилиб кетаверинг, деганди ярамас, сўзининг устидан чиқмабди. Сувонқул аканикига борсам, на қум бор, на чолнинг ўзи... Ўшанга алам қилиб келаётган эди...

— Тўхта, тўхта-чи... — дея Қосим қотма ариқ четидаги майсалар устига чордана қуриб ўтирди, кўрсаткич бармоғини дўрдоқ лабига олиб бориб, гапни узоқдан бошлади: — Манави тоққайчимни ҳу бирда Зикир сўраб опкетганди... — У аzza-баzza чўнтагидан тоққайчисини чиқариб, Мирхонга тутқазди. Сўнг эса унинг кўлидан қайтариб олди: — Отам раҳматлидан эсдалик. Ўзиям хў-ўп ўткир қайчида!.. Зикир сўрашга сўради-ю, қайтариб бериш эсига келмади — шайтонлик қилиб ўзида опқолмоқчи бўлди-ёв. Шуни опкегани бордим. Остонасига бир мошина қум ағдартираётганди лекин...

— Қайси Зикир? — ҳовлиқиб суриштирди Мирхон. — Холмирза отанинг ўғлими?..

— Ҳа, ўша, — деди Қосим қотма ва сўради: — Шўпир қорамғиздан келган йигит эмасмиди мабодо? Мўйловли?..

— Худди ўзи-да!.. — Мирхон ҳаяжон аралаш асабийлашди. — Обба падар лаънати-ей! Ваъда берганди-я: албатта олиб бориб бераман, деб. Обба даюс-э!..

Қосим қотма синиқ кулди:

— Шўпир халқида лабз бўларканми?! — деди, кейин батартиб бажарган ишидан қаноат ҳосил қилди шекилли, сўрига мамнун тикилди: — Зикир кўпроқ тўлагандир-да, ақчадан, остонасига ағдариб кетаверган. Чолникига обориб овораи сарсон бўласанми, дегандир-да!..

Унинг сўнги гапидан Мирхон тутаб кетди:

— Мендан кўради у қурумсоқ! Менинг совунимга кир ювмабди ҳали у! — деди-ю, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, ҳовлиққанича Зикирникига жўнади.

— Мулла Мирхон! — деди Қосим қотма қувлик билан унинг ортидан ёқимсиз илжайиб қолар экан. — Мени айтди, деб ўтирма тагин. Бир ернинг одами-миз-а, кўз-кўзга тушганда уялиб ўтирмай!..

Анча олислаб кетган Мирхон ортига ўтирилди-да, баланд овозда деди:

— У ёғидан ташвиш тортманг, ака, у ёғини ўзим биламан!..

У Зикирникига етиб келганда, ҳақиқатан ҳам бир машина қум шу ерга ағдарилганининг гувоҳи бўлди-ю, фигони фалакка кўтарилди. Қумнинг устида чуғурчиқдек чуғурлашиб бир тўда болалар ўйнаб ўтиришар эди.

— Ҳув, болалар! — деди Мирхон уларга юзланиб. — Битта-яримтанг менга Зикир амақингни чақириб берсанг-чи?!

Ўйинқароқ болаларнинг энг кичкинтойи ўрнидан кўзгалди, қум ёпишган қўлларини калта иштониға артиб, унга яқин борди. Олти-етти ёшлар атрофидаги оқ-сарикдан келган, сўпоқ бош, дўнгпешона, қийғир бурун, кўк кўзлари сал қисикроқ бўлган бу мишиқи болақайнинг юз бичими Акбарни эслатар эди. «Ёпирай, қуйиб қўйгандай Акбарнинг ёшлиғи-я! — дея ҳайратланди Мирхон. — У раҳматли ҳам болалигида шу мишиқига ўхшаб шўх-шатир эди... Эҳ, отагинанг чирқиллатиб кетди-да, сен бечораларни! Ҳа, бола увол кетди-я!..»

— Сен Акбарнинг ўғлисан-а? — сўради у болага юраги ачишиб боқиб. — Қодир аканинг неварасисан-а?..

— Ҳи-ҳимм, — дея бола бир кўзини қисиб олган кўйи унга анқовсиради. — Зикир ама-акимни чаққирмайми?..

— Чақир, — деди Мирхон, — бора қол, ўғлим.

Бола пилдираб Зикирникига кириб кетди.

Мирхон унинг ортидан қараб қоларкан: «Сен боёқиш бу дунёға шикастминан келганлардан экансан-да», дея сўзланди.

Бир маҳал бола чопқиллаб қайтиб чиқди. Муҳим бир топшириқни қойилмақом дўндириб қўйган одам-дек, ҳовлиққанча дудуқланди:

— Ҳо-ҳозир чи-чиқармиш-мишлар, амақи...

— Барака топ, ўғлим, — деди Мирхон унинг елкасига қоқиб. — Балли...

Бола унинг мақтовидан талтайди, эрка қадам ташлаб ўртоқларининг даврасига қўшилди.

Кўп ўтмай остонада Зикир кўринди. У ясама таважжух билан Мирхонга пешвоз чиқди. Калтабақай қўллари олдига чўзиб, қўшқўлаб сўрашишга чоғланди.

Мирхон унинг муғамбирона манзиратига заррача аҳамият бермади, аксинча ижирғанди:

— Мен сизминан кўришмайман, — деди, қошлари асабий учди, юзидаги тундлик аломати янада қуюқлашди: — Нега бировнинг қумини эшигингиз тагига тўктириб оласиз?!

Зикирнинг олакўзи янада олайди, ранги-қути ўчиб, муаллақ қолган қўллари туширди, нима деярини билмай чайнади:

— Шофёр менга таниш чиқиб қолди... Сувонқул аканики... кўкчини қулфлоғлиқ экан. Кутгани вақтим зиқ, девди, менгаям какраз қум зарур эди, юр, меникига ағдариб кета қол, хизмат ҳақингни бераман дедим. Кўндирдим. Тўкиб кетди. Бу ерда ҳеч бир айбситадиган иш бўлгани йўқ. Нақд пулини тўлаб қўйиб ағдартирдим...

— Нега энди бировникига келган нарсани ўзингизникига тўктириб оласиз? Нега?!

— Ҳўй, мусулмон, ҳўкизнинг қулоғига танбур черт-япманми? Ҳозир айтиб турибман-а: шўпир таниш чиқиб қолди деб, устига-устак Сувонқул акангизнинг эшигида мана бундай занг босган қулф осилиб ётган экан. Анча кутибди ҳам, келавермабди, энди мошинасини ўт олдираётган экан, барибир жўнаворардиям, мен уни тўктириб ола қолувдим... Шунга ҳам ота гўри қозихонами?.. Шўпирни хурсанд қилиб юбордим... йигирма сўм тутқаздим қўлига. Тушунарлими? Иккита ўнталикни!..

— Сиз агар яхши одам бўлганингизда, ўша танишингизга: «Майли, акаси, шу ерга ағдариб кетавер. Мана бу хизмат ҳақинг, мен Сувонқул ака келса ундан оларман», дер эдингиз-да, ўзингиз бош-қош бўлиб кузатиб турардингиз. Ана у одамгарчиликка тўғри келадиган иш бўлур эди, — деди Мирхон астойдил куюниб гапириб.

— Ҳув, сен менга қўлам ақл ўргатаверма, хўмми?!—
Зикир шаллақиланди. — Сендақа ақлликларнинг кўпи-
ни кўрганман!..

— Ўргатаман! — деди Мирхон тап тортмай. — Ўзин-
гизда тамиз бўлмагандан кейин ўргатаман-да!.. — У
шундай деди-ю, шимининг киссасидан чарм ҳамёнини
чиқарди, ичидан иккита ўнталикни суғуриб, Зикирга
узатди: — Манг ўша йигирма сўмингизни! Ҳозироқ
замбилғалтак топиб келаман-да, ташиб кетаман қум-
ни...

Зикир пулга ола қараб, унинг қўлини силтаб таш-
лади. Ортига тисарила туриб:

— Пулинг кер-ракмас менга, — деди, унга еб қўйгу-
дек ўқрайди. — Қани, қумга тегиб кўр-чи, мен сени
нима қилар эканман! Қани, бир сиқимини опкетгин-
чи...

— Ҳаммасини ташиб кетаман, — деди Мирхон ко-
мил ишонч билан. — Бир сиқими қолса агар, Мирхон
отимни бошқа қўяман!..

Зикир қараса ҳеч бўлмайдиган: Мирхон сўзида
қатъий туриб олди, орқага чекинишни хаёлига кел-
тирмайди; энди ялинишга ўтди:

— Акаси, — деди у анча мулойимлашиб, — кел,
қўй, менинг асабимни бузма. Ўзи шундоқ ҳам уйдаги
асаббузарлар етиб ортади. Кел, ярмини ола қол...

Мирхон унинг ҳиммат камарини боғлаганини ино-
батга олмай, деди:

— Йўқ, ҳаммасини ташиб кетаман, вассалом...
Ҳозир бориб Исмоилниқидан замбилғалтагини опе-
лай...

Зикир ғазабдан қалтиради. Мирхоннинг ўжарли-
гига парво қилмаган киши бўлди. Йўқ, уддасидан чи-
қолмади; гарангсираганча титроқ овозда:

— Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбормайсанми?!—
дея қўл силтади, кетидан қўшиб қўйди:— Қани, шу
ерга қайтиб кел-чи, худди уриб оёғингни синдирарман!

Мирхон унинг дўқ-пўписасига аҳамият бермай,
тўғри ошнаси Исмоил охунникига жўнади. Охуннинг
ҳовлиси гузардаги чойхона қаршисидан бўлгани учун,
униқидан қайтишда Сувонқул кўкчини излаб у ерга
кириб ўтишни ҳам кўнглига тугди. Зикир унинг орти-
дан лаънат-маломат тошларини ёғдирганча сўкиниб
қолаверди.

У Исмоил охунни муъолишда учратиб қолди. Охун ҳовлисининг орқасидан оқиб ўтадиган ариқ лабида чўнқайиб олиб, қўлидаги туллак беданага сув ичираётган экан. Унинг офтобда қуриган туршақдек тиришиқ юзидаги ажинлари янада қуюқлашган, ўзича нималардир дея гувраниб ўтирар эди.

Мирхон унинг авзойи бузуқлигини сезди. Сезди-ю сезмаганликка йўйиб:

— Э, жуда соз бўлди-да ўзингни учратиб қолганим, — деди, гапни кўп ҳам чуватмай тезда мақсадга кўчди: — Ҳу, бирда, сенга замбилғалтак топиб кеберувдим. Эсингдами? Шу керак бўлиб қолди, ошна. Ушанингни бериб тур...

Охун миқ этмади, мийиғида кулди.

— Нега энсанг қотяпти? — деди Мирхон аччиғла-ниб. — Ё бергинг йўқми?..

Охун унинг жиззакилигидан яна кулимсиради. Қўлидаги туллакнинг тўшини силай-силаё тиззасига ташлаб қўйган жигарранг халтачага солди, туси ўзгарди: киртайган кўзларида мунгли ифода намоён бўлди.

— Уйдан қувишди, — деди у ҳасрат-надомат билан. — Кайфим тарақлиғича уйга кеп жанжал кўтарганмишман... Кеча...

— Ҳа, энди, бир марта жанжал кўтарсанг кўтарибсан-да, шунгаёта ота гўри қозихонами?! — деди Мирхон унинг гапини эшитмай. — Йигитчиликда бўлади бундай ишлар...

— Вей, биров гапираётганда охиригача эшитади одам деган, кейин гап қўшади! Ҳали тугатмасимдан оғзимга урасан... — Исмоил охун зарда аралаш жеркиб берди. — Ўша маҳал Иродахонга совчилар келган экан, катта қизимга, тушунарлими?! У галварсларнинг топган пайтини қара!.. Менинг уйга кириб бориш аҳволимни кўришибди-ю, хайр-маъзурни ҳам насиё қилиб жўнаворишибди. Хотин етти қўшни эшитгудай айюҳаннос солиб, можаро кўтарди. Эгам комиссияга чақиб, шармандаёи-шармисорингни чиқараман, деб қўрқитади ярамас...

— Тўғри қилади, — деди Мирхон. — Бу арақ жониворни хурмачага сиққунча ичади-да, шу, худо берди-ку деб, ётиб қолгунча отиш шартми?! Ундан кейин, ёшингам ҳам бир жойга бориб қолаётган бўлса, ҳадеганда уйга ўша аҳволда қийшайиб келишингни қўйма-санг... яхши эмас-да, оғайни...

— Ақл ўргатмаган бир сен қолувдинг, — дея ўпкагина қилди охун, — одам деб, сенга дардимни айтсам...

— Ке, қўй, бўлар иш бўпти. Тур ўрнингдан, замбилғалтакни опчиқ. Зиқир ака муттаҳам экан: Сувонқул аканикига келган бир самосвал қумни остонасига ағдартириб опти. Шуни кўкчиниқига ташиш керак. Тез бўл, вақт кетмасин.

Исмоил охун унга, ана холос, дегандай боқди, ўрнингдан кўзғалди. Увушиб қолган оёғининг чигалини ёзган киши бўлиб, бир-икки марта ўтириб-турди, бедана-халтани қўйнига тикди. Халтадаги бедана қўйнида типирчилади, охун парво қилмай:

— Боядан бери қулоғингга танбур чертяпманми?! Эшиқни ичкарисидан занжирлаб олишган, эшитяпсанми, ичкарисидан!.. Мени уйга — ўз уйимга, мана шу қадоқ босиб кетган қўлларимминан қуриб қўйган ўз уйимга киритишмаяпти-я! — деди ранжиган қиёфада.

Охуннинг йиғламоқдан бери бўлиб куйиб-ёниб сўзлашига Мирхоннинг раҳми келди.

— Бўлмаса бундай қилайлик, — деди чаккасини қашигадан-қашиб. — Мен эшигинг тагига бориб, сени чақирган киши бўлай. Мабодо эшиқни очишса, баҳонада сенам кириб оласан, менинг ҳам ишим битади. Нима дединг?..

Охун бир сония ўйга толди, сўнгра қўл силтаб туриб:

— Бўлганича бўлди-да, юр! — деди, шахт билан унинг олдига тушди.

Мирхон охуннинг эшиги яқинига бориб, тирқишидан ҳовлига мўралади: ҳеч зоғ кўринмади. Юз-кўзларидан безовталанаётгани шундоққина билиниб турган Исмоилга қараб олди, кейин эса қўлларини карнай қилиб оғзига яқинлаштириб:

— Исмоил! Ҳў, Исмоил! — дея овозининг борича бўкириб, ёнидаги охунни чақирган киши бўлди.

Ичкаридан аёл кишининг қаҳрли чийилдоқ товуши эшитилди:

— Исмоил ўлган!!!

Охуннинг жиғибийрони чиқиб:

— Обба хунаса-ей! Нафасинг ўзингга урсин-а!.. — деди.

Мирхон хахолаб кулиб юборишдан ўзини базўр тийиб, Исмоилнинг хотинини чақирди:

— Келин, хў келин! Бу менман, Мирхон акангизман!..

Бир оздан сўнг эшикнинг ичкари томонидаги ил-гаги кўтарилиб, ғийқиллаб очилди-да, остонада паст бўйли, рангпар, сочларига андак қиров оралаган, қуюқ пайваста қошлари паст-баланд чимирилган охуннинг хотини кўринди. У сохта такалуф билан Мирхонга истаб-истамай салом берди, ўзини панага олган бўлиб, деворга суянган кўйи қимтиниб турган эрига кўзи тушди-ю, бодомқовоғи уйилиб, ғиғони фалакка чиқаёзди.

— Шу киши сизни бошлаб келдими? — сўради Мирхондан. Эрига жирканиб тикилди: — Одамда тариқча ор-номус бўлмагандан кейин қийин экан-да, а?..

— Оғзингга қараб гапир! — ўдағайлади охун ҳам паст келмай. — Мирхонга замбилғалтак керак экан, ўшанга кепти. Мен бошлаб келганим йўқ!..

— Кимни гелаяпсизлар?! — охуннинг хотини уларга ишончсизлик билан боқди. — Мени билмайди дейсизларми?..

— Исмоил тўғрисини айтди, келин, — Мирхон унга ётиғи билан тушунтиришга уринди. — Замбилғалтак зарур эди. Бўлса, белкурак ҳам...

Охуннинг хотини бемаврид кўрслигидан истиҳоло қилдими, Мирхондан кўзини олиб қочди.

— Майли, — деди эрига ер остидан хўмрайиб кўйиб. — Ўша нарсаларни топиб берсинлар-да, ундак кейин... Менга... болаларимга пияниста ота керак эмас..

— Шу сафар кечира қолинг, келин, — Мирхон охунга қаради, — Исмоилнинг ўзиям тавбасига таянди-ёв, а?..

Охун бир оғиз сўз демай, Мирхон билан хотинининг ўртасидан лип этиб ҳовлига ўтиб кетди. Хотинининг таъби тирриқ бўлиб, унинг ортидан норозиланиб бош лиқиллатди, шу кишига гап таъсир этармиди қабилида қўл силтади-ю, ёнида турган Мирхонни ҳам унутиб, бедана юриш қилиб уйга кириб кетди.

Ҳовли адоғидаги олди очиқ бостирма тагида хийла вақт уймаланиб қолган Исмоил охун шалоқ забилғалтакни, сопи ўзидан бўлган, занг босган белкуракни топиб чиқиб, Мирхонга тутқазди. Сўнг эса хотини кириб ғойиб бўлган уй деразасига олазарак боқақ экан:

— Бизнинг жонон жаҳддан тушдилар-ов, — деди юзида болаларча табассум ўйнаб. — Чурқ этмай кириб кетганидан сезувдим...

— Бола-чақани ҳам ўйлаш керак-да, — деди Мирхон замбилғалтакнинг у ер-бу ерини кўздан кечириб. Фидирагининг ўқини ушлаб кўрди: — Ҳадеб ичиб келаверганминан шох чиқмайди!..

Эшик кесақисига суяниб турган охунга унинг шамаси қаттиқ таъсир қилди чоғи, бўйнини қисганча ер чизди. Асфальт йўлга ўтиб олиб, замбилғалтакни шалдиратиб кетаётган ошнасининг орқасидан хаёллар гирдобига фарқ бўлиб қолаверди...

Мирхон Сувонқул кўкчини чойхонадан топмади, эринмасдан яна чолнинг уйига борди. Хайрият, уни уйдан топди. Сувонқул кўкчи Қурбақаободдаги яккаю ёлғиз қизидан хабар олгани кетган экан. (Қизи Сувонқул кўкчидан эмас, Сувонқул кўкчи қизидан хабар олгани!)

— Ака, энди унақа эмас-да, — деди у тўрқовоқлардаги беданаларнинг донини алмаштираётган кўкчига гинали оҳангда. — Шу бугунчали уйда ўтирсангиз бўлмасмиди?! Бир мошина қум юборгандим, эшигингиз қулфлоғлиқ экан. Холмирза ошнаизни Зиқири остонасига ағдартириб опти, муттаҳам... Бориб жанжал кўтардим: замбилғалтак топиб кеб, ҳаммасини ташиб кетаман, дедим. Бир сиқим қолдирсам агар Мирхон отимни бошқа қўяман, дедим. Сўкинганча қолаверди... Ана, Исмоилникидан замбилғалтагини опкелдим, ҳозир сизникига таший бошлайман...

Сувонқул кўкчининг кўнглини чуқур ҳадик чулғаб олди. Бужур юзида ўтинч аломати сезилди.

— Барака топкур, шу ишни қилма, — деди у кўкимтир томирлари бўртиб чиққан, сал титроқи қўлини Мирхоннинг кифтига ташлаб зорланар экан. — Бир ернинг одамимиз, ҳаммамиз, шу ишингни қилма, акаси...

— Тамизи йўқ эдими, — Мирхон ўжарона оёқ тираб олди. — Ахир сизникига юборганимни айтган экан-ку, шўпир. Билиб туриб шу ишни қиладими? Остонангизга тўктириб, пулини бериб юборса, у ер-бу ери камайиб қолмасди-ку! Келганингизда қайтарардингиз-ку ўша йигирма сўмини! Еб кетмасдингиз-ку, тўғрими?! Бу акам ўзларини ўйлаганлар; ҳеч ким билмайди — ёпиқли қозон ёпиқлигича қолаверади, деган

хаёлга борганлар!.. Йў-ўқ, янглишади, бир сиқимини қолдирсам, унинг остонасида, одаммасман!..

У гап тамом, вассалом, дегандай ўрнидан сапчиб туриб, ташқарига одимлади.

— Холмирзанинг юзига қандай қарайман? — дея мўлтайганча унинг кетидан судралди кўкчи. — Ахир, қиёматли ошнамиз-а, отасиминан...

— Ўғлининг қилмиши учун сиздан уялсин Холмирза ака! — Мирхон замбилғалтакнинг гилдирагини яна бир бор текшириб кўрди, кейин сўзида давом этди: — Андишанинг оти қўрқоқ, шуни биласизку-а, Сувонқул ака?!

У кўча бошига довур ялиниб-ёлвориб чиққан кўкчига қулоқ солмади, ўз билганидан қолмай, замбилғалтакни суриб кетди. Сувонқул чол хафаланиб жойида қотди.

Чамаси бир соатлар бурунги даҳанаки жанг қолва экан, жанжалнинг каттаси Мирхон замбилғалтакка қум солаётганида бошланди.

— Тегма деяпман!.. Хў, тўнғиз, сенга айтяпман! — Зикир ини бузилган қушдай саросимага учраб, Мирхоннинг қўлидан белкуракни юлқиб олди-да, жон-жаҳди билан кўчанинг ўртасига қараб улоқтирди: — Қани, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи, қорангни кўрмай!..

— Кетиб бўпман! — Мирхон шундай деди-ю, унга ўчакишиб, бориб белкуракни кўтариб келди, яна замбилғалтакка қум тўлатишга киришди: — Сен... сиз фирром экансиз. Бу қумни Сувонқул аканикига юборгандим. Сиз фирромлик қилиб ўз остонангизга тўктириб қўйибсиз. Ҳаммасини ташиб битирмагунимча, бу ердан бир қадам ҳам жилмайман...

— Зокир, қани бор, Эгам комиссияни топиб кел! — Зикир боятдан бери отасининг бу жанжалидан андишага бориб турган ўғлига дўқ урди: — Кимга айтяпман, деворгами?! Куппа-кундуз куни отангни хонавайрон қилиб кетсин-да, сен қоққан қозикдай анграйиб туравергин-а?!

— Ада, ада... уят эмасми? — Зокирнинг овози титраб чиқди. — Улай агар ада, сиз, ҳозир, ноҳақсиз! Ахир, қумни, бу киши, Сувонқул отаникига юборган экан-ку, ўзига эмас экан-ку! Мана шу арзимас матоҳ-

ни деб шуңча шовқин-сурон кўтариш шартмиди?! Ташиб кетса, ташиб кетавермайдими, қизиқ экансиз-ку ада?!.

Ўғлининг гапидан Зикирнинг жони ҳалқумига тикилди. Титраб-қақшаб айюҳаннос солди:

— Сен, ҳали, менинг пушти камаримдан бўла туриб, шунинг ёнимисан-а?! Отангнинг тарафини олиб, уни ури-иб-ури-иб кетказиб юбориш ўрнига, ёнига кўшилиб менинг уйимни куйдирмоқчимисан, а?..

Зокир тишларини бир-бирига босиб, қаттиқ оғриққа дучор бўлган кишидек фикинди, қисик лабларидан пушаймонликни ифодаловчи инграш эшитилди.

— Ҳеч ким сизнинг уйингизни куйдирмоқчи эмас, — деди у асабий тарзда уф тортиб.

— Йўқ, куйдирмоқчисанлар! — Зикир ҳе йўқ, бе йўқ, кўққисдан бутун гавдаси билан ўзини қумнинг устига ташлаб қолса бўладими: — Аввал мени ўлдиранлар, кейин қумни олиб кетасан... — У ётган жойидан гоҳ донг қотиб қолган Мирхонга, гоҳ номусдан ерга кириб кетгудек аҳволда турган ўғлига ўшқирарди: — Тушундингларми?! Аввал ўлигимни оласанлар, ундан кейин қумни!..

— Туринг, ада, — деди Зокир ўнғайсизланганидан кизариб. — Одамни иснодга кўйдингиз!..

— Аввал ўлигимни... — деди яна Зикир палағда овозда пўнғиллаб. — Кейин қумни...

— Атрофга қаранг: ҳамманинг кўзи сизда! — Зокир бир тўда бўлиб йиғилиб олиб, текин томоша кўраётган болаларга юзланди: — Хўв, зумрашалар, қани бир жўнаворинглар-чи! Нима, бу ерда маймун ўйнатаяптими сенларга, а? Маймун ўйнатаяптими?!

Болалар бир-бирларига нималардир деб шивирлашишиб, пича нари юришди-ю, қумнинг устида узала туриб ётган Зикирдан кўз узмай, кулиб тураверишди.

Анчагача жим қолган Мирхон алоҳал тилга кирди:

— Туринг, ака, — дея Зикирга яқинлашди, жирканиб тирсагидан тортди: — Бу номерингиз ўтмайди. Сизни ҳеч ҳам шундай одам деб ўйламовдим-а!..

— Қўлингни торт, ювуқсиз! — Зикир унинг қўлини силаб ташлади. — Кўзга — кўканақ, оёққа тиканаклигинг қолмади! Ўшанда Асқар суднинг ўғли қаматтириб юбормаганига минг бор ачинаман, сен хулқи совуқни...

Зокир отасига гапириб барака топмаслигини англади шекилли, шахт билан уйга кириб кетди. Бирор фурсат ўтгач, у онасини бошлаб қайтиб чиқди.

Қовоқ-тумшуғи уйилган қирқ беш-элликлар атрофидаги оқ-сарикдан келган, димоғдор аёл қумда чўзилиб ётган эрини кўриши ҳамано сийрак ажинли юзини тириштириб ижирғанди. Теварак-атрофдагиларга ўғринча кўз югуртирди, сўнг эса ёш гўдаклардек унга мўлтираб турган эрига бир қош чимирган эди, Зикир ўрнидан дик этиб туриб кетди. Хотинидан кўзларини яширишга тиришиб гоҳ Мирхонга, гоҳ уни чақириб чиққан ўғли Зокирга аламли ўқрайди.

— Қани, уйга кириб-чи... — деди хотини кўрсаткич бармоғини эшикка тўғрилаб. — Шу ёш болаларга кулги бўлишдан уялмадийизми? Қоқиб олинг ҳаммаёғийизни! Нима бу жиннилик?!

— Барибир қумга тегмайди, — деди Зикир хотинидан чўчинқираб. Кейин Мирхонга бақрайди: — Эшитдингми, қумга қўлингни урмайсан!..

Аёл бир кўзини хиёл юмиб, чап кўкрагига кафтини қўйди-да:

— Пулини берсин-да, опкетаверсин! Менинг жанжал-суронга тобим йўқ! Қани, оповси, буни акайиз қанчага тўктириб олганларини биласизми?.. — деди.

— Ой-йи! — Зокир онасининг дарров нархдан келаётганига хуноби ошди. — Ойи!..

— Сен тек тур! Бор, адангни ичкарига олиб кир! — У шундай деди-ю, яна кўкрагини чангаллади: — Бир кунмас-бир кун мени инпарк қилиб ўлдирасанлар-да, кейин қутиласанлар. Мана, яна, юракда санчиқ турди-қўйди... Қани, кириб деяпман! Хўв, Зокир¹, сизга айт-япман!..

Зикир хотинининг: «Юрагимда санчиқ турди-қўйди», деганини эшитди-ю, ранги-қути ўчиб, типирчилаб қолди. Мирхонга ўзича нималардир деб пўнғиллади, итоаткорлик билан бўйнини қисиб, уйи томон истамайгина судралди. Унга Зокир эргашди.

Аёл кўкрагидан қўлини туширди. Сал чехраси ёришиб, Мирхон узатган иккита ўнталикни қўлига олди.

— Ўзи йигирма сўмга ағдартган эканларми? Акайиздан сўрамидийиз? — деди. Йўлақда кетаётган эри-

¹ Эрини тўнғич фарзандининг исми билан чақирапти.

ни чақирди: — Хўв, Зокир, бир минутга қараб кетинг! Бу ёққа қараворинг!..

Эри унинг чийилдоқ овозини эшитса ҳам эшитмаганга йўйди чоғи, қайтиб қорасини кўрсатмади.

Мирхон Зиқир қайтиб чиқмаганига хурсанд бўлди. Эркин тин олди-да:

— У кишининг ўзлари айтдилар: йигирма сўмга тўктирганман деб, — деди.

— Ундай бўлса гўрга-я, — деди аёл эридан аниғини суриштириб олмаганидан ҳали ҳам ўпкаланиб. У яна қумнинг атрофида тўплана бошлаган болаларни энсаси қотиб ҳайдади: — Қани, жўналаринг бу ердан! Ҳаммаёққа сочиб ташлабсанлар! Жа, ҳаммангни ойинг менинг эшигим тагида туққан бўлса ҳам...

Мирхон унга бир нима демоққа чоғланди-ю, гапириб обрў топмаслигини сезиб, индамай қўя қолди.

— Шу бугуноқ ташиб кетинг-а, оповси,— аёл ёшига ярашмаган тарзда айёрона ёлворди,— тағин акайиз...

Унинг гапи оғзида қолди. Мирхон юлиб олди:

— Шу бугуноқ ташиб битираман! Қандай бўлмасин ташиб кетаман!..

— Ҳа, шундай қилинг, — деди аёл ва қари говмишдайин лапанглаб уйи томон одимлади. Йўлақдан унинг ўғли Зокирга бобиллагани эшитилди: «Сен кўчага чиқишни хаёлингга келтирма! Хўмми? Раз ҳожатбарор эканми, охиригача қилсин тантилигини!» «Ахир, ойи, тушунсангиз-чи, — деди Зокир ўтиниб. — Бир кишига бу юмуш оғир, бир ўзи ташолмайди шунча қумни. Бирпас қарашиб юборсам, у ер-бу ерим камайиб қолмайди-ку!» «Кўп бошимни қотирма! — деди онаси терс товушда. — Мабодо остона ҳатлаб чиқар экансан, отангнинг оёғига болта урган бўласан! Уқ-дингми?!» «Шу ишинглар яхши бўлмади ойи, чакки бўлди. Қолаверса, Сувонқул ота Холмирза бобомнинг қиёматли ошнаси эди, шу ишинглар яхшимас...»

«Ориятли йигит экан, — дея сўзланди Мирхон енг шимариб ишга киришаркан. — Ичларингда шу бола диёнатини йўқотмаган экан... Қўявер, ука, менинг сендан гинам йўқ, қўявер! Бир машина тутул, беш машинаси ағдарилган тақдирда ҳам ташир эдим... Ташийман, ярим кечага қолсам ҳам, тонгга довур бўлса ҳам ташийман. Ҳолдан тойиб эмаклаб қолсам ҳам, ётиб бўлса ҳам ташиб битираман...».

УБАЙ МУАЛЛИМ

*...гунёда бор экан баланг гарахтлар,
Юртимиз боғлари бўлмайди вайрон.*

Шавкат РАҲМОН

— ... Шу, денг, Икром ака, узумнинг тоифиси қиёмат бўлар экан-да, а? — деди Убай муаллим эски авра чопонини икки буклаб, шийпоннинг тўрига тўшаб, устига чордана қуриб ўтириб олган миқтидан келган, бужур юзли мактаб боғбонига қараб. Кейин, чегаланган еридан чойи сирқиб турган кўк чойнакка қўл узатиб, ўзининг ва боғбоннинг пиёласига ярим қилиб қуйди-да, сўзида давом этди: — Ўтган кузақда қаттиқ совуқ туриб, қўққисдан қор ташлаб қолган эди-ку, эсизда бўлса, узум сўрида қолиб кетганди, узиб ололмагандим. Қўни-қўшниларнинг ҳасайнисию ҳусайниси борми, бувакисими — ҳамма-ҳаммасини совуқ уриб кетди. Бу жониворни болохонага опчиқиб оingan эдим, йўқ, яна аслига қайтди-я! Қишиминан жони кириб еб чиқишди болалар.

— Тоифининг пўсти қалин бўлади-да, ука, ҳамма хосият пўстида, — деди боғбон узун, мош-гуруч шоп-мўйловини шавқ билан силар экан. — Боласи қурма-гурлар қўйишмайди, бўлмаса-ку манави ҳусайни ҳар йили хў-ўп ҳосил қилади-я... — У Убай муаллим узатган пиёлани олатуриб, шаҳодат бармоғи билан шийпон рўпарасидаги ишкомга ишора қилди: — Шуни қаламчадан кўпайтиргандим Мирзоҳид оқсоқолнинг боғидан қирқиб келиб... Ҳали таъм кирмай туриб узишади. Ҳой, мусулмонлар, ахир шу сенларники, мен гўримга орқалаб опкетмайман, жилла сабр қилсаларинг маза киради, ана ундан сўнг ўзим узиб бераман, еяверасанлар тўйгунингча, деганингга ҳам қарашмайди. Энди нима дейсиз, муаллим, қаттиқроқ гапирай десанг, бировнинг боласи, гапирмай десанг, мунинг уволи бор акаси ўргилгур, уволига қолмоқ кўп ёмон нарса...

— Тўғри айтасиз, — Убай муаллим ўйчан тарзда гарданини қашиди. — Ҳозирги болаларга гап уқтириш амримаҳол...

— Биттаси ўзимизнинг Нормат шайтон бор-ку, ўшанинг ўғли, — боғбон ғайриихтиёрий равишда кулиб

юборди. — Худоё товба, қуйиб қўйгандай отасининг ўзи-я! Ё қудратингдан! Бу ёқдан «хўп, Икром ота», дейди-да, кўзимни шамғалат қилиб, нариги ёқдан икки-учта катта вошини жувонмарг қилиб кетади. Бир-икки марта Норматнинг ўзига ҳам дийдиё қилувдим, бўлмади. Афти башарамга бақрайиб қараб туриб, ҳиринглашини қўймайди. Ҳали келиб-келиб дардимни сан гаварсга айтаяпманми, ўзинг ким-у, ўғлинг ким бўларди, деб қўлимни ювиб, қўлтиққа тикқанча жўнавордим...

Шу маҳал шийпонга ҳовлиқиб котиба қиз Насиба келиб қолиб, авжига минган мусоҳабанинг белига тепди.

— Сизни Фозил Собирович йўқлаяптилар, — деди у Убай муаллимга таманноли қараш қилиб. Оғзи тўла тилла тишлари ялтираб кетди. — Фақат тезроқ борар-мушсиз...

Убай муаллимга унинг карашмали қараши ёқмади: отаси қатори одамлар олдида намунча ўзини бозорга солади?!

Котиба қандай ҳовлиқиб келган бўлса, шундай ҳовлиққанча таннозона қадам ташлаб қайтиб кетди.

— Шу боёқишнинг ҳам бахти очила қолмаяпти, — деди боғбон котибанинг ортидан қараб қолган Убай муаллимнинг хаёлидан кечаётган фикр-ўйини англаган бўлиб. — Ўзини минг турли оҳангга солсаям бўлмаяпти-ёв! Бундайлар кўча-кўй учун яхши-да, а, муаллим? Уйга бўлмайди. Нима дедингиз?..

Убай муаллимга боғбоннинг шу гапи ёқмади — аччиғи келди. Икром ака қариб ҳам қуюлмабди, деган мулоҳазага борди. Индамади.

Боғбон ҳам гапи муаллимга маъқул тушмаганини ҳис этди, суҳбат мавзуини бошқа тарафга бурди:

— Катта гапнинг белига тепди-ку, а, муаллим? — У шундай деб ёнидаги ликопчадан бир дона қанд олиб, чойга ботирди, кейин оғзига солиб тамшанди. Қаноат ҳосил қилди чамаси, елкасига ташлаб қўйган лас қийиқ билан мамнун қиёфада пешона терларини артиб деди: — Бу йил ёз иссиқ келади-ёв... Дарров қайтасизми? Янги чой дамлаб қўяйми?..

— Қайдам... — Убай муаллим паришонхотир елка қисди. Дафъатан у боғбондан анқиётган ачимсиқ тер ҳидини туйди. Тер ҳиди димоғига хуш ёқди. Ҳид отасини эслатди: у раҳматлик ҳам ҳаётининг сўнгги ку-

нигача қўлидан кетмонини туширмаган, қадди меҳнатдан букилганди. Ундан ҳам димоқни қитиқловчи ана шундай тер ҳиди анқиб турарди... Убай муаллим чуқур хўрсиниқ аралаш уф тортди-да: — Эрталаб сўрашганимизда индамовди-ю, нима иши бор экан, хайронман, — деди ўрнидан қўзғала туриб.

У директор кабинетининг чарм эшигини истаб-истамай очди. Хонанинг тўридаги креслода талтайиб ўтирган Фозил Собирович (яқин-яқинларда оддийгина Фозилжон эди, амал курсисига ўтирди-ю, Фозил Собировичга айланди-қолди) алаким билан телефонда қуюқ суҳбатлашаётган эди. У остонада қимтиниб турган чуваккина Убай муаллимга кўзи тушди-ю, қош-кўзи билан имо-ишора қилиб, ўтиришга жой кўрсатди.

Убай муаллим мактаб ҳовлисига қараган итальянча дераза яқинидаги суянчиқли курсига омонатгина чўқди. Директорнинг ўтиришига қизиқсиниб қаради. Фозил Собирович унинг қарашидан ўнғайсизланди; ўтириш вазиятини ўзгартирди: икки тирсагини ёзув столига тираган кўйи сиполик билан вазмин овозда гапира бошлади.

Убай муаллим унинг стол устига кўпчиб чиқаёзган қаппайган қорнига тикилганча ўйга толди.

«Қизиқ, яқин-яқинларда хипчагина йигит эди. Мана энди бақбақаси осилиб тушибди. Қорнини айтмайсизми, жонивор нақ Назир тунукачиникидан қолишмай қопти...»

(Хончорбоғда Назир тунукачи деган одам бор. Тунукасосликни бир чеккага йиғиштириб қўйганига анча бўлган. Тўғрироғи, ҳозирги мешдай қорни билан бу ишга ярамай қолган. У — Убай муаллимнинг яқин ошнаси ва биқин кўшниси. Мўйсафидларнинг айтишича, Назир қорнига қанор қоп боғлаб юрар эмиш. Аслида ундай эмас, аслида мўйсафидларнинг бу гапи ҳазил. Аслида мўйсафидлар бу гапни Назир тунукачига дуч келмаган, илло, у ҳақдаги эрмак учун айтилган турли миш-мишларга бажонидил қулоқ бериб ўтирган мардум учун тўқиганлар. Аслида хончорбоғлик мўйсафидларнинг кўплари ҳазил-ҳузунли, ҳазил-вонликни ўрнига қўядиган одамлар.)

«Мансаб ҳам қоринни шишириб юборар экан-да, а? Ундай десанг, аввалгиси «луф» деса учиб кетадиганидан эди-ку...»

— Так, так, майли, — деди Фозил Собирович телефон трубкасини жойига қўйиб. Сипо юзидаги табасум йўқолиб, жиддий қиёфага кирди. Убай муаллимга бошдан-оёқ разм солди. Убай муаллим унинг қарашидан ўнрайсизланди. Ўтирган жойида қамирлаб, оёқларини чалиштириб олди. Директорнинг туси яна ўзгарди — япалоқ юзида сохта табасум ўйнади. Йўгон бўйнидаги қора бўйинбоғининг тулунини тўғриладида: — Сиззи бир масалада чақиртирган эдим, Убай ака, — деди.

«Ясама кулгини ҳам ўрганиб ошти. Аввалги соддалиги қолмабди...»

Туйқусдан Фозил Собирович гавдасига ярашмаган тарзда сапчиб ўрнидан турди, (ёшлигидаги жўшқин ғайратини эслаган бўлса ажаб эмас!) шахт билан эшик томон юрди. Қабулхонада машинка шиқиллатиб ўтирган котибага қараб:

— Мабодо чой қўймаганмидийиз? — деди овози сезилар-сезилмас титраб. Зотан у «чай қўйиб юборинг», демоқчи эди-ю, айтолмади. Аниқроғи, шундай буйруқ беришнинг урдасидан чиқолмади. Ялинганнамо оҳангда чайналди: — Қўйган бўлсангиз... Насибахон...

«Мулозаматни ҳам ўрнига қўёлмаяпти. Хатти-ҳаракатлариям пойинтар-сойинтар...»

— Яқингинада чой ичган эдим, — Убай муаллим унинг жилпанглаб қолганига ижирғанди, — Икром ота билан боғда ўтиргандик. Хожати йўқ.

— Насибахон, қўя қолинг, — деди Фозил Собирович ноқулай вазиятдан қутулгани учун енгил хўрсиниб. — Керак эмас экан.

У қўлларини бир-бирига чалиштириб хонада у ёқдан-бу ёққа юрди, кейин ўз ўрнига бориб ўтирди. Бир сония тек турди: қачонлардир ўзига ҳам математикадан сабоқ берган, сочларига оқ оралаб, чаккаларини ажин бостан элик беш ёшлар атрофидаги Убай муаллимга хижолатомуз ер остидан боқди.

Убай муаллим унинг шу дамдаги аҳволи руҳиясини ўзича чамалади:

«Нимадир демоқчи. Нимадир сўрамоқчи, лекин ботинолмаяпти. Ё менга шундай туюлаяптимикиан? Йўқ, ҳақиқатанам шундайга ўхшайди. Кўзлари айтиб турибди!.. Қай тарзда суриштиришга ақли етмаяпти-ёв...»

— Йиллик чиқармадингизми? — деб қолди дабдурустдан Фозил Собирович худди унинг дилидагини уққандек. — Ўнинчи «б»га...

«Ўлай агар шу лаҳзада «йиллик чиқармабсиз» демоқчи бўлди. Ҳа, шундай демоқчи эдию айтолмади...»

— Бугун-эрта чиқараман. — Убай муаллим директорнинг ўнинчи «б» билан қизиқиб қолганига ажабланди. — Мустақил иш ёздирган эдим. Шунинг натижасини кўриб чиқай аввал...

— Хўп, гап мундай, — деди Фозил Собирович қўлида ўйнаб турган қора қаламини ёзув столига улоқтириб. Асабийлашаётгани шундоққина юз-кўзларидан сезилиб турар эди. У ўзини қўлга олишга тиришди: улоқтириб юборган қаламни қайта олди-да, соат чўнтагига тикди, сўзида давом этди: — Нодировга «беш» чиқариб бериш керак!.. Қолган барча фанлардан баҳоси «аъло» экан...

— Медаль олиши керак, демоқчисиз? — Убай муаллим таажжубланганидан лаблари пир-пир учди. — Ҳали олдинда имтиҳонлар турибди-ку! Бунинг устига...

— Имтиҳонлари ҳам тўғри бўлади, — деди Фозил Собирович япалоқ юзи қизаринқираб.

Ўз навбатида Убай муаллим бу гапни эшитиб хижолат тортди.

— Фозилжон, тушунинг, Ботир ахир «беш»га билмайди, — деди у мулойимлик билан. — Қўёлмайман. Ундан кейин, чорак баҳолари ҳам бунга йўл бермайди. Болалар олдида юзим шувут бўлишини истамайман.

— Нега қўёлмайсиз?! — деди директор авзойи бузилиб. Энди у ўзини бирмунча эркин ҳис этар эди: — Болаларнинг олдида юзим шувут бўлади, дейсиз. Топган баҳонангизни қарангу!.. Мактабдан битта медалист чиқса ёмонми? Ахир коллективнинг обрўси эмасми? Қолаверса, ўзингизнинг ҳам...

— Фозилжон, Ботир «беш»га билмайди, деяпман-ку ахир, нега тушунмайсиз? — деди яна илтижо билан Убай муаллим. — Умуман олганда эса, бу йилги ўнinchиларнинг орасида математикадан «мана, мен «аъло»га биламан» дейдиганининг ўзи йўқ.

— Энди, Убай ака, кўпни кўрган одамсиз, — дея итоаткорона чайналди директор. — Ахир, биринчи йил муаллимлик қилаётганингиз йўқ-ку!..

Унинг гапига Убай муаллим ич-ичидан тутақиб кетди.
«Илгарилари ҳам шундай ишлар бўлган эди-ю, де-
моқчимиз?!»

— Мен бу ишни қилмайман, — деди у сўзида қатъ-
ий туриб олиб. — Йигирма йил муаллимлик қилиб,
бирор марта виждонимга хилоф иш қилган эмасман.

— Шу болани медалга илингирмасак бўлмайди! Оли-
ши керак!.. — Фозил Собирович «гап тамом — васса-
лом» дегандек ўрнидан турди, қизишган кўйи хона-
нинг у бошидан-бу бошига юрди: — Нега тушунишни
хоҳлашмайди-я, бу одамлар!..

Дафъатан, Фозил Собировичнинг ялоқ юзи ҳам,
катта қирра бурни-ю, дўрдоқ лаблари ҳам — бутун
ташқи қиёфаси Убай муаллимга хунук кўриниб кетди.
Нафрати жунбишга келиб, ижирғанди.

«Шу тўнкани бир вақтлар ўзинг ўқитгансан-а! Ана
шу тўнка яхши ўқувчи эди; яхши ўқитувчи бўлди.
Мана энди, амал курсисига миниб олиб, ўзгариб қоп-
ти... Бировларнинг нофарасига ўйнайдиган бўп қопти.
Наҳот бу ўша, сен яхши билган, келажагини олдиндан
башорат қилган Фозилжон бўлса...»

— Сен қачондан буён бундай бўлиб қолдинг? —
Убай муаллим беихтиёр директорни сенсираб юбор-
ди. — Олдинлари бундай эмасдинг-ку! Нима жин урди
сени?..

(Улар илгарилари ака-укадай эди. Фозилжон ўрта
мактабни тугатганда педагогика институтига етаклаб
олиб бориб, сен мана шу ерга кириб ўқишинг керак,
деган ҳам, ундаги математикага бўлган қобилиятни сез-
ган ҳам худди мана шу Убай муаллим эди. У кириш
имтиҳонларидан қийналмай ўтди; институтни имтиёз-
ли диплом билан тугатди, домлаларининг шу ерда
қолинг, илмий иш қилинг, деган таклифларига кўнмай,
қадрдон мактабига келди. Убай муаллимнинг ёнида у
ҳам математикадан дарс бера бошлади. Фозилжон мак-
табга директор бўлди-ю, устоз-шогирд ўрталарида кат-
та бўшлиқ юзага келди. Бу, айниқса, янги бошлиқнинг
юриш-туришида, муомаласида кўзга яққол ташланиб
қолди. Шу-шу Убай муаллим уни ҳурмат юзасидан
сизлайдиган бўлди. Мана ҳозир азбаройи тутақиб кет-
ганидан Фозил Собировични сенсираб юборди. Сен-
сиради-ю, яна аввалги шогирдига яқинлашгандай —
ўрталаридаги катта ҳавол йўқолгандай бўлди-қолди.)

— ...

— Ахир, ука, ўзинг мана шунақа нопокликларга тиш-тирноғинг билан қарши турардинг-ку! Эсингдами, анави ўлиб кетган Турғун Соли қизига шу йўл билан медаль олиб бермоқчи бўлганида, қизингиз «аъло»га билмайди, қўймайман, деб туриб олгандинг. Кейин у биров орқали тўғрилаб келганда, қайсидир газетага мақола ёзгандинг. «Ёзувчининг қизи медаль олиши шартми?» деган эди шекилли, сарлавҳаси. Дурустгина мақола эди. Наҳотки ана ўшалар хотирингдан кўтарилган бўлса... — Убай муаллим Фозил Собировичга маъюс ва айни пайтда беозор боқди: — Йўқ, қайтариб айтаман, бу иш қўлимдан келмайди.

— Шундай қилмаса бўлмайди, — деди Фозил Собирович дераза қаршисига келиб. Дарпардани суриб, унинг ярим табақасини очди. Хонага майин, ёқимли баҳор шабадаси урди. У чуқур хўрсиниқ аралаш энтиқди. Юраги ҳапиниб, кўкраги юқорига кўтарилиб тушди. Нурсиз чеҳраси хиёл ёришгандай бўлди. Убай муаллимнинг ёнига келиб ўтирди-да, деди: — Шундай қилмаса бўлмас экан, Убай ака, бўлмас экан...

— Ботир оддий тенгламани ечишда қийналади-ю... Тағинам синфдошларининг ўртасида изза бўлмасин деб, унга бир баҳо ошириб қўйиб юраман. Қолаверса, шу синфда Ботирдан билими ўткир ўқувчилар бор. Ана ўшалар нима дейди?..

— Ўша «билими ўткир»ларингизнинг бошқа фанлардан баҳоси чатоқ-да, — деди директор киссасидан папирос чиқарар экан. — Чекасизми?..

— Йўқ, ташлаганман.

— Ҳа, дарвоқе, ташлагансиз-а? — Фозил Собирович ҳам негадир чекмади, қайтиб чўнтагига солиб қўйди. — Адаси айтяпти. Шарқ факультетига киргизаман, таржимон бўлади, деяпти. Математикаси бор жойга кирмас экан-ку, сиздан нима кетди? Карнайчидан бир пуф дегандай...

— Карнайчидан бир «пуф» дегин... — Убай муаллим «уят-а!» дегандай норози бош қимирлатди. — Ҳаммадан кутсам ҳам сендан кутмагандим.

У «гапим тугади» дегандай икки тиззасига шаппатилаб урди-да, ўрнидан туриб, эшик томон юрди.

Фозил Собировичнинг дағал муомаласи уни тўхтатди:

— Мен сизга, гап тамом деганим йўқ-ку!..

Убай муаллим орқасига ўтирилди, лекин турган еридан бир қадам ҳам олдинга жилмади, у шу дамда бутун гавдаси билан ағдарилиб тушадиган аҳволда эди. Кўз олди қоронғилашиб, ҳеч нарсани илғамай қолди, фақат жимир-жимир ҳалқачалар пайдо бўлди, холос.

— Яна қандай гапинг бор? — сўради у ўзини ўнглаб олгандан сўнг. — А?..

— Журнални бузиб ўтирмайлик-а?! — деди Фозил Собирович мутакаббирона тарзда.

— Журналдаги баҳони ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мабодо хлор теккизадиган бўлсаларинг...

Уларнинг гапи шу билан тугади. Убай муаллим кабинет эшигини тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Қабулхонада ўтирган котиба унинг ортидан кўзлари сузилганча анграйиб қараб қолди.

Убай муаллим йўлакка чиқиши ҳамоно танаффусга қўнғироқ чалиниб, рўпарадаги синфдан «гур» этиб бир тўда ўқувчи отилиб чиқди-ю, рангидан қон қочган математика муаллимига кўзлари тушиши билан серрайганча турган ерларида қотиб қолишди. У ўқувчиларга эътибор бермади, (тўғрироғи, уларни кўрмади!) мактаб ҳовлиси томон бурилди.

Икром ота гулзордаги атиргуллар тагини юмшатиб бўлиб, устига гўнг сочаётган эди, хаёл гирдобига фарқ бўлганча шийпон томон ўтиб кетаётган Убай муаллимга кўзи тушди.

— Муаллим, мен бу ёқдаман, — деди пешона терини бармоқлари билан сидира туриб. — Ҳа, тинчликми? Ҳаяллаб қолдингиз...

Боғбон чий алак яктагининг енги билан юзидаги терни артди, оғир меҳнат чарчатди чамаси, ерда ётган кетмонни тургазиб, дастасининг учига кафтларини устма-уст қўйиб, энгагини тиради.

Убай муаллим икки чеккаси кўкат девор билан қопланган йўлка бўйлаб юриб, гулзор яқинига келиб тўхтади. Гулзорнинг бир бурчагига уюб қўйилган гўнгга кўзи тушди. Гўнг атрофида май қўнғизлари гўнғиллаб учиб юрарди. У қўнғизларга бир сония қараб қолди. Фозил Собировични ана шуларга ўхшатди.

«Қайсидир имонсизга яхши кўриниш учун шу ишни қилаяпти-ёв...»

— Тинчликми? — дея қайта суриштирди боғ-
бон. — Нега чақирибди?

— Ҳа, шундай, бир маслаҳатли иш бор экан, — деди Убай муаллим гапни чуватмай. Лекин, феъл-ат-вори ўзгаргани шундоққина билиниб турар эди: — Икром ака, майли, бўлмаса, бешинчи синфда дарсим бор эди. Сизга худо қувват берсин. — У боғбонга узрини айтиб, мактабнинг қуйи синф ўқувчилари таҳсил кўрадиган эски биносига қараб кетди.

Икром ота бош ирғаб, «майли» деган ишорани қилди, Убай муаллимнинг ортидан қараб қолар экан: «Бу, Фозилжонга ҳам ҳайронсан, — деди ўзига-ўзи. — Каттаконлик курсисига ўтирди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Ҳали у муаллимнинг дилини хуфтон қилади, ҳали бунисининг. Илгариги Фозилжонлиги қолмади мунинг. Туппа-тузук ўтирувди, гурунги бериб...»

Убай муаллим дарсини тугатиб, уйига қайтаётган эди, Мирхон уни чақириб қолди:

— Ҳов, муаллим ака, — деди у кўча эшиги рўпара-сидаги суви лойқаланиб оқаётган ариқ устига қурилган офтобрўя чорпоёга ёнбошлаб олганча. — Бир пиёла чойимизга марҳамат...

— Э, саломатмисан, ука, — Убай муаллим истаб-истамай ўша ёққа юрди. — Ҳа, тинчликми, жа узала тушиб обсан?..

Мирхон Убай муаллимнинг ҳурмати юзасидан ўрнидан туришга уринди, бўлмади, юмалоқ, гирдиғум гавдасини чокидан йиртилиб, пахтаси кўриниб қолган эски кўрпачага ташлади, бет суяклари туртиб чиққан юзи тиришди.

— Кечирасиз энди ака, — деди у ҳасрат қилиб. — Туриб кўришолмадим. Бел ярамас хуруж қилса денг...

— Бод бормиди? — деди Убай муаллим ҳамдаралик билдирган бўлиб. — Шу, Наманган тарафларда бу ярамасни балчиқ билан даволайдиган санаторий бор, деб эшитганман. Ўша ерга бориб даволансанг бўлмасмикан?!

— Беш-олти йил бурун қаттиқ хуруж қилганда Зарафшонга бориб, сувга тушиб келувдим. Дашту биёбоннинг қоқ ўртасида бир ҳовуз бор экан денг, суви ана шу дардисарга даво экан. Нуроталик бир ошнам

оборганди. Шу-шу йўқ бўлиб кетганди... тунов куни денг, жаҳл устида бир мошина қумни бир ўзим ташиб қўйибман. Сувонқул кўкчиникига... Устига-устак, чолниқидан қайтишда, икки-уч калла ташлаб чиққандим, Қичқириққа, мен нодон... Мана яна азобини тортиб ётибман...

«Мен сизга, бўшсиз, деганим йўқ-ку!»

«Ҳа, бу болани мансаб бузган, мансаб! Юқори курсига ўтириб олиб, ўзини хон ҳис қилса керак-да, а? Ахир, бутун бўлмаса, эртага ана шу курсидан қулаб тушиши ҳам мумкин-ку! Кимга вафо қилган бундай омонат курси, кимга...»

— ...

— ...Зикир ака фирромлик қилса денг. Хўв, бирда, Сувонқул ака, бир мошина қум керак, мабодо учраб қолса тўғри меникига бошлаб кел, ҳаққинга дуо қиламан, деган эди...

«Шундай қилмаса бўлмайди...»

«Йўқ, у бунчалик паст кетмасди. Кимдир уни қийин-қистовга олган кўринади. Кимдир ўз ноғорасига ўйнатмоқчи...»

— ...

— ...хўп аломат опоғойим бор эди, муаллим ака, хўп аломат эдилар. Келинингиз Холпошшани ҳам ўша киши топган ахтариб-ахтариб. Қайнотам: «Келиб-келиб гулдай қизимни шу ўқимаган омига бераманми?!» деганда, «Ўқимаган бўлса ҳам уққанлардан мулла Мирхон!» деб, ишни пишириб келган ҳам ўша боёқши эди. Ўзлари ҳам бир гапириб, ўн куладиган хилдан эдилар. Мана энди раҳматлик бўп кетдилар, жойинг жаннатдан бўлгур... — Мирхон алмисоқдан қолган хитойи чойнакка дамланган фамил чойни обдан қайтарди, эринмасдан тинитди, калтабақай қўлида Убай муаллимга узатиб, гапида давом этди: — Раҳматлини сўнгги сафарга кузатгани кетаётгандим, Олмазорнинг йўлида қум ортиб олган бир самосвал учраб қолса денг... Азза-базза ҳуштак чалиб, қўл кўтардим. Тўхтади. Шўпир йигитга аҳволни тушунтирдим, ҳеч бўлмаса ярмини тўкиб кет, дедим. Ҳеч кими йўқ бир мўйсафидга, ҳаққинга дуо қилади, дедим. Кўндирдим. Сувонқул кўкчининг қўрғонини яхшилаб тушунтириб қўйдим...

«Майли, ўша «беш»ни қўйиб ҳам бердим, Ботир

медаль ҳам олди, дейлик. Кейин нима бўлади? Кейин?! Хўп, институтга кириб олар, барибир шу медални олмаса ҳам отаси бир бало қилиб илтириб қўяди-ку, боланинг келажаги нима бўлади? Наҳотки, Фозилжон тушунини истамаса, Ботирни ҳозирданок тириклигини нобуд қилишаётганини... У ўзи устида ишламай қўяди-ку! Ўзининг қандай одам бўлиб вояга етаётгани ҳақида бош қотирмайдиган, ота-онасига орқа қилиб юрувчи дўппикайтақи кимсага айланади. Бориб-бориб тирговучсиз яшолмай қолади, кимларгадир муте бўлади. Аста-секин у ҳам эгри йўллар орқали амал курсисига чиқиб олиб, бошқа бир ҳаётга эндигина қадам қўйган ёш-ялангни бузади. Ҳаёт шу эканда, дея уни ҳам мутеликка ўргатади... Яна битта Фозил Собирович дунёга келади. Кимларнингдир ноғорасига ўйнайдиган Фозил Собирович... Йўқ, йўқ, энг даҳшати ана шу!.. Йўқ, бўлмайди! Қўймайман! Қанча таъна-танбеҳ қилсанг ҳам чидайман, лекин қўймайман! Ундан кейин, синфдаги ўқувчиларнинг ўртасида қандай қилиб бош кўтариб юраман. Улар Ботирнинг билимини мендан яхшироқ билишади-ку...»

— ... энди муни қаранг, муаллим ака. Пешиндан кейин Сувонқул кўкчининг дуойи хайрини олгани бордим уникага. Ҳаммаёқ жимжит. Чолнинг ўзи ҳам йўқ. Ҳайрон бўлиб, бошимни қашиганча Қичқириқ ёқалаб қайтаётиб, ток тараётган Қосим қотмани учратиб қолдим. Ўша айтди: Зикир ака остонасига қум ағдартириб олганини. Бу акам шўпир йигитни авраб, уч-тўрт сўм ортиқ чой-чақа бериб, ўз эшиклари тагига тўктириб оптилар. Меники тутиб кетдию... — Мирхон берилиб сўзлар, аҳён-аҳён, қўлида турган чой эсига тушиб қолгандагина ҳўплаб қўяр эди. — Ҳаллослаб бориб Исмоил охунниқидан замбилгалтак топиб келдим. Бир маҳаллар ўзим опкеб бергандим унга, ўша замбилгалтакни. Ҳўв, Қибрай томонлардаги хозмагдан топиб кеберувдим шекилли. Қумни Сувонқул чолниқига таший бошладим. Бу қурумсоқ Зикир акани қаранг: ўламан саттор қумга тегмайсан, деб бир мошина қум устига узала тушиб олса денг! Яхшиям бахтимга анови ўғли бор экан. Хотинини уч талоқ қўйгани-чи, олими бор-ку...

— Зокирми? — деди Убай муаллим, пастки лабини тишлади.

— Ҳа, ўша. Аммо-лекин шу ўғли ориятли йигит экан. Бўлмаса билмадим, нима билан тугар эди жан-жалимиз. Шу бола менинг ёнимни олди...

«Ўшанда шу Зикирнинг ўғли олиши керак бўлган медални қанча тўс-тўполон билан Турғун Соли қизига олиб берганди. Мана Зокирга юқтирган экан — ҳаётда ўз йўлини топиб кетди. Хўш, Турғун Солининг ўша қизи нима каромат кўрсатяпти? Одамлар учун қандай наф келтиряпти? Ҳеч қандай!.. Ўқувчини тақдирлаш керак, тақдирланмасин демайман. Лекин, қобилияти, билими даражасига қараб тақдирлаш керак-да! Отасининг амалига ёхуд унинг жамиятдаги мавқеига ҳурмат юзасидан эмас... Ҳуда-беҳуда мажлисбозликка берилиб: «Ёш авлоднинг келажаги учун, камолотини деб, биз педагоглар ундай қилишимиз керак, бундай қилсак тўғри бўлади», деган қуруқ ваъдалар билан бир-биримизни лақиллатишни биламиз. Амадда эса тамоман аксини қиламиз. Мана бундай инсофсизликларга йўл қўйиб, ўша — гўё келажаги учун ғамхўрлик қилаётган «ёш авлод»нинг оёғига ҳозирданоқ болта уриб қўйганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз... Устига-устак, ўзимизни бегуноҳ фаришталардан санаб юрамиз. «Фалончиев ундай одам бўлиб кетибди, Пистончиев бундай ишга қўтарилибди. Шуларни мен ўқитганман, шулар менинг таълимимни олган», дея кўкрак кериб керилишни биламиз...»

— ...

— Ўлай агар муаллим ака, бирорта гапим қулоғингизга киргани йўқ! — деди Мирхон хаёллар оғушида сузиб юрган Убай муаллимга қараб муғамбирона кўз қирини ташлар экан. — Тўғрими? Тўғри, денг?! Боятдан бери кузатиб турибман: ҳа, ҳа, деб бош лиқиллатиб ўтирибсиз-у, хаёлингиз етти қават осмонда. Ё гапим нотўғрими?..

— Ундай дема, ука, ундай эмас, — дея уялинқираб чайналди Убай муаллим. — Гапларингни англаб ўтирибман. Зикирнинг одамгарчиликка зид келадиган иши ҳақида сўзлаяпсан. Қулоқ солиб ўтирибман...

— Биз ўқимаганлардан қандай маъниги гап ҳам чиқар эдики, сиз қулоқ бериб эшитсангиз... — Мирхон астойдил гина-кудурат қилди. — Гапларимиз ҳам ўзимизга яраша маза-матрасиз-да, а?..

Убай муаллим туйди: Мирхон чиндан ҳам хафа

бўлди чоғи. Унинг кўнглини кўтарган бўлиб, сербар елкасига қўл қўйди-да, деди:

— Каттамиз билан пича тортишиб қолувдим, бир масалада. Шунга таъбим сал...

— Шу бола айниди-ю, — деди Мирхон Убай муаллимнинг гапини охиригача эшитмай туриб. — Камсукумгина йигит эди. Қайсидир куни шундоққина рўпарасидан ўтиб кетяпман-у, ўзини кўрмаганга олиб, сўрашгиси келмади... Нима, мен унинг арпасини хом ўрибманми, билмадим. Буям майли, сизнинг қўлингизда ўқийдиган қизим бор, Лолахон, шу бир гап топиб келди. Ростми-ёлғонми: «Директоримиз қорасаройлик бир болага медаль олиб бермоқчи. Аслида у бола медаль олишга арзимади, отаси пулдор бўлгани учун ҳам директор шундай қиляпти», дейди. Сенинг баҳоларинг қалай, қизим, дедим. «Беш»га биласанми? Агар билсанг, сенга ҳам ўшанақа олтин медаль олиб бермасам Мирхон отимни бошқа қўяман, дедим. Тўғри қипманми, муаллим ака?.. Ҳа, айтмоқчи, бизнинг Лолахонни илми дурустми ўзи?..

— Дуруст, дуруст, — Убай муаллим Мирхоннинг соддалигидан беихтиёр кулиб юборди. Пиёладаги чойни хўплаб: — Ҳаракати тузук Лоланинг, — деди.

Мирхон Убай муаллимнинг мақтовидан сулолди. Талтайган қиёфада:

— Отасининг қизи-да! — деди, ёнбошлаганча кўкрагини ғоз кермоқчи эди — бўлмади. Бел оғриғиси йўл бермаганидан юзи тиришди, калтабақай кафти билан белини силади: — Болалигимда, ака, менинг ҳам зеҳним дуруст эди. Бир томондан уруш бошланиб қолиб денг, иккинчи тарафдан очарчилик авжига чиқиб, тўртинчи синф калламминан қолиб кетдим. Бу ўртада отамиз раҳматлидан қорахат келди, болалигим тугамасиданоқ беш фарзандминан бева қолган онамнинг ёнига кириб, тирикчилик йўлига ўтиб олдим. Укаларимни ўқитдим-у, ўзим ўқолмадим. Бўлмаса-ку, ўша маҳаллардаги калламминан бир ердан чиқар эдим-а, эсиз...

У афсус-надомат билан хўрсинди. Тиззасига муштлаб уриб қўйиб, бошидаги ийиғи чиққан чуст дўпписини қўлига олди, асабий тарзда кўрпачага улоқтирди.

Убай муаллим бир сония унинг сочлари қиртишла-ниб, дўпписи ўрни тушиб қолган юмалоқ бошига қара-

ди. Мозийда қолиб кетган ўша қирғин-барот урушнинг қанча хончорбоғлик хонадонлар қатори Мирхонлар оиласига кўрсатган машъум жароҳати ҳали ҳам унинг дилида фасод бойлаб ётганини чуқур ҳис этди.

— Хўп, бўлмаса, — деди у ўрнидан туришга тарадудланиб. — Чой учун катта раҳмат ука.

— Айтгандай, бу, ўғилчанинг тўйини бошлаб қўйибсиз, деб қулоғимга чалингандай бўлди, — деди Мирхон дабдурустан, — муборак бўлсин муаллим ака, муборак бўлсин.

— Қуллуқ, қуллуқ, — деди Убай муаллим унинг қутловига шошиб қолиб тезгина жавоб қайтариб. Ийманди, ранги-рўйи гоҳ бўзарди, гоҳ қизарди: — Шунинг бошини иккита қилиб қўяй, дедим. Кейинги ойнинг ўрталарига мўлжаллаб турибмиз...

— Худо хоҳласа, қамишдан бел боғлаб хизмат қиламиз, ака, қамишдан бел боғлаб... — Мирхон қўлини кўксига қўйганча тавозеланди. — Ҳа, сизникида хизмат қилмасак, кимникида қиламиз?!..

— Раҳмат, ука, раҳмат, — Убай муаллимнинг овози билинар-билинемас титраб кетди. Ўрнидан турди. Ва, айна паллада дили хуфтонлашди. Мирхон ғайришурый равишда унинг қалбида бўртган умр ярасига туз сепиб қўйган эди. У — бу ишни атайлаб қилмаганини Убай муаллим сезди, сезса ҳам барибир нотавон кўнгил кўчасининг бир чеккаси хижил бўлиб қолаверди...

Саломат иккиси бир-бирларига кўнгил қўйганларида у институтни эндигина тугатиб, мактабда дарс бера бошлаган, қиз эса ана шу мактаб кутубхоначиси эди.

«Саломат, уйингга одам юбораман, — деган эди ўшанда қизнинг хиёл титраётган илиқ кафтини ўз кафтлари орасига ола туриб. — Сен қарши эмасмисан?»

Ёноқлари лола янглиғ қизарган Саломат бошини кўтаролмай ер чизган эди.

«Сукут — аломати ризо, — дея ўйлаган эди ўшанда ошиқ йигит. — Қиз бола қандай қилиб розиман дейди».

Бутун Хончорбоққа донғи таралган тўй қилишган эди.

«Бир этак болаларимиз бўлади, — деганди севги-

лисига, чимилдиққа кириб олишгач. — Мен — ота, сен эса она бўласан».

«Тўнғичимиз ўғил бўлса эди, — дея тиланганди қаллигини бағрига босиб, юпқа, иссиқ лабларидан асал мисол бўса олар экан. — Тезроқ ёнимга кирар эди».

«Тўнғичимиз қиз бўлса эди, — дея истак билдирган эди куёвининг бағрида ёниб-ёлбориб келинпошша. — Қўлимдан супургимни олар эди».

«Мен сени катта қизимизнинг исмини айтиб чақираман».

«Мен сизни тўнғич ўғлимизнинг исмини айтиб чақираман».

Ва, лекин, шум қисмат авжи кўклам палласида умид ила бир ёстиққа бош қўйган бу икки ошиқ-маъшуққа на ўғил ато қилди, на қиз...

Эр ҳаёт қурганларига саккизинчи йил кетганда, етимхонадан жингалак сочли, қийғоч кўзли бир болани кўтариб келди.

Хотин ҳаёт қурганларига ўнинчи йил ўтганда, етимхонадан сутга чайилгандай оппоқ, қуралай кўзли қизалоқни кўтариб келди.

Шундан сўнг уларнинг турмушлари изга тушиб кетди...

Убай муаллим таъби хира бўлиб уйига етиб келганда, қош қорая бошлаганди.

Ўчоқбошида кечки овқатга уннаётган хотини унинг авзойи бузуқлигини кўриб, ранги-қути ўчганча:

— Тинчликми, адаси? — деди. — Ё бирор ерингиз...

— Ўзим, шундай... — Убай муаллим гапни қисқа қилди. Бироқ, хотинидан ниманидир яшираётганини кўзларидан уқиб олиш қийин эмасди: — Болалар кўринишмайди?...

— Ёдгорингиз заводдан ҳали келгани йўқ, — деди хотини қозон-сочик билан капгирни артатуриб. — Анзират кутубхонага кетувди... Ҳа, айтмоқчи, бир йигит келганди боя, сиздан кейин, йўғон бўйли. Машинасида манави нарсаларни ташлаб кетди. Юринг айвонга, кўрсатаман.

— Қанақа йигит, қанақа нарсалар?! — Убай муаллим таажжубланиб хотинининг ортидан эргашди. — Бундай тушунтириброқ гапирсанг-чи?!

— Ботир деган боланинг отасиман, акам билади-

лар, деди. Тўй бўп қопти, деб эшитибдим, мана шу менинг тўёнам, акамга айтиб қўйинг, деди. Исмини Мансур дедими-ей... Нима қилишимни билмай, қаловланиб қолганимдан, айвонга қўя қолинг, депман менгина ўлгур, — дея ўзини койий-койий зинадан кўтарилди хотини. — Сиз тўёна қилган бўлсангиз, у қайтаргандир-да, деб ўйлабман...

Хотини қилғиликни қилиб қўйиб, ўзини хокисор тутаётган ёш гўдак мисол гуноҳкорона термилди. Эски «Зингер» тикув машинаси ёнида турган иккита қоғоз қутини кўрсатди.

Убай муаллим хотинининг олдида ғалати аҳволда қолди. Нима дейишини ҳам билмай, гарансираган кўйи қутиларнинг бирини очиб, ичига қўл суққан эди, бир шиша арман коньяги чиқди. Зардаси қайнаб, хотинига еб қўйгудек боқди.

— Биласанми, бу нима?! — деди хириллоқ овозда, томирлари бўртиб турган қўли асабий титраб кетди, шишани шоша-пиша жойига солиб қўйди. — Бу — пора! Эшитяпсанми, пора!..

— Вой, ман ўлай! — деди хотини талвасада кўкрагига уриб. — Адаси, бундоқ аниқроқ гапиринг, қанақа пора?..

— Ҳозир ҳаммасини тушуниб оласан... — Убай муаллим чаккасини қашиганча фикри-ўйини бир ерга жамлашга тиришди. — Эсингдами, ўтган ойда директоримизникига меҳмонга борган эдик. Фозилжоннинг туғилган кунига. Ўшанда дастурхонида минг хил ичимлик: коньяқдан тортиб, ҳалиги номи қурғур нимаям эди, роммиди-ей, ўшанақасигача териб ташлаганди, эътибор берибмидинг? Ҳаммаси равшан!.. Фозилжоннинг ўлиб-тирилиб: «Шундай қилмаса бўлмайди», деганига энди ақлим етди. Еган оғиз уялар, деганларича бор экан...

— Ўлай агар ҳеч балога тушунмадим! — деди хотини пешонасини тириштириб, елка қисди. — Бунга меҳмондорчиликнинг нима алоқаси бор?..

— Жуда ғалчасан-да, а? — Убай муаллим жиғибийрон бўлди. Пича вақтдан кейин ҳовуридан тушди: бу бечорада нима гуноҳ? Хотинига ётиғи билан тушунтирди: — Ҳали директор чақиртирган эди. Нима гап экан, десам, мана шу қутиларни ташлаб кетган кишининг ўғлига «беш» қўйиб берасиз, деди. Медалга

илинтириш керак эмиш. Мен, бу болага «аъло» баҳо қўёлмайман, у «беш»га билмайди, умуман менинг фанидан бу йилги ўнинчиларнинг орасида бирорта бола «аъло»га илинмайди, дедим. У эса сўзида туриб олди: қўйиб берасиз — вассалом! Ўзинг ўйла, хотин, қандай қилиб Ботирга «беш» қўйиб бераман. Ахир у «тўрт»га ҳам билмайди-ку» Ўртоқларининг даврасида изза бўлмасин деб кўпинча уни сийлаб юраман. Бунақада боланинг келажаги нима бўлади? Ҳозирдан унинг лаёқатига қараб эмас, отасининг ҳаром-ҳариш йўллар билан топган давлатининг кучига қараб медаль олиб берилса, ундан сўнг институтга жойлаб қўйилса, кейин эса...

— Ҳимм... — хотини лабини бурди. — Гап бу ёқда денг!..

— Ана шунақа. Сенинг эрингни сотиб олишмоқчи бўлишди. Йигирма йилдан бери педагогик қилиб, бирорта ўқувчининг нинасига ҳам ола қарамаган Убай муаллимни икки яшиқ арман коньягига сотиб олишмоқчи бўлишди-я! Қандай сурбетлик! Қандай пасткашлик... Эшитяпсанми, Саломат, икки яшиқ арман коньягига-я?!

Убай муаллимнинг зўрма-зўраки кулгисига хотини қўшилишини ҳам, қўшилмаслигини ҳам билмай, гангиб қолди. Эри кулгидан тўхтади, авзойи ўзгарди. Юзидаги қуюқ ажинлари янада чуқурлашди, афт-ангори тундлашиб:

— Замбилғалтак бор эди, қани ўша? — деди ҳовлининг у ер-бу ерига кўз қирини ташлаб. — Кўринмайди...

— Назир аканинг ўғли опчиқиб кетувди, — деди хотини у қараган томонларга аланглаб. — Опкеб берайми?..

— Опкел, — деди Убай муаллим терсайиб. — Йўқ, тўхта, ўзим чиқаман.

У Назир тунукачиникидан замбилғалтакни олиб чиқди. Устига қоғоз қутиларни жойлади, Қорасаройга қараб жўнади.

Кунгурадор фишгли деворга ёпишиб тушган қўш табақали, ранги ўчинқираган темир дарвозанинг бир табақаси ланг очиқ, Шакароб қилиб сув сепилган йўлакда мошранг «Жигули» турарди.

Убай муаллим қўнғироқ тугмачасига журъатсизгина қўл чўзди-ю, лекин зарб билан босди. Қўнғироқ музыкали экан — узлуксиз тарзда ёқимли жиринглади. Ичкаридан аёл кишининг «ҳозир» деган зарда аралаш афтода овози эшитилди. Бир маҳал йўлақда ориққина, касалмандроқ аёл кўринди. Эти устихонига ёпишганидан эгнидаги қимматбаҳо шойидан тикилган уй халати ҳам ярашмай турибди. Кўринишининг ўзиёқ бу аёлнинг феъли ниҳоятда заҳарлигидан далолат бериб турарди. У Убай муаллимни таниди-ю, қаримсиқ юзида ясама табассум ўйнади:

— Вой, сизмидийиз, ассаломалайкум, — деди у гоҳ Убай муаллимга, гоҳ забилғалтақдаги қутиларга олазарак қараб қўяр экан. — Ичкарига киринг, остонада туриш нимаси эди.

— Эрингиз уйдаими? — деди тўнани тескари кийиб олган Убай муаллим унинг сохта такалуфига аҳамият бермай. — Бор бўлса, бу ёққа чақиринг!..

Аёл гап нимада эканини пайқади, яна бир бор забилғалтақка кўз югуртирди, сўнг ичкарига кириб кетди.

Кўп ўтмай йўлақда эгнига йўл-йўл пижама кийган, йўғондан келган, ботиқ пешона, ияги олдинга туртиб чиққан, қирқ бешлар атрофидаги оқ-сарик киши кўринди. Тандирдан янги узилган кулчадай қизариб турган юзидан унинг тўнғиздай тўқлиги — ҳеч нарсадан муҳтож жойи йўқ экани шундоққина сезилиб турар эди. У чап қўлини белига тираганча, шошмасдан, машинасининг ёнидан ўтатуриб унинг олди ғилдирагини тепиб кўрди, кейин остонада турган Убай муаллимга ер остидан такаббуруна боқди-да:

— Ие, келинг, ака, — деди сир бой бермасликка ҳаракат қилиб. Муаллим билан қўшқўллаб сўрашди: — Қани, юринг, ичкарига, марҳамат...

— Қанча ялинсам ҳам кирмадилар, — дея ёлғон гапирди унинг кетидан судралиб чиққан хотини. — Эрийизни чақиринг, дедилар.

Убай муаллим унинг гапидан ғижинди.

— Бу нима қилганингиз!? — деди ранги бўзариб. Қулоқлари қизигандан қизиди, ўзини базўр тутиб турди. — Нега манавиларни ташлаб кетдингиз? Нима учун?

Мансур нима деярини билмай палағда овозда ду-
дуқланди:

— Энди... шундай, ўғ-ғилни уйлантираётган экансиз... — дея хотинига илтижо билан қараб қўйди, сўзида давом этди: — Кичик бўлса ҳам биз-знинг тўёнамизда, а?

Хотини ҳам унинг гапини тасдиқлаган бўлиб, бош ирғади.

— Ҳўв, менга қаранг, — деди Убай муаллим овозини бир парда кўтариб. — Менга сизнинг тўёнангиз керак эмас. Тушундингизми?..

— Ботиримизни шунча йилдан бери ўқитяпсиз... — дея эрининг ёнига қўшилди хотини, — шунинг учун... миннатдорчилигимиз белгиси сифатида...

— Ҳа, мана шуни айтмоқчи эдим, — Мансур енгил хўрсинди. — Роҳила тўғри айтди.

— Келин, ўғлингизни ўқитганим учун ҳукумат менга маош тўлайди. Эшитдингизми? Икки юз сўмга яқин ойлик оламан. Шу пул бизга мана бундоқ етиб ортади. — Убай муаллим қорамалдоғи билан томоғини «кесиби» кўрсатди. — Ҳаром нарсани ҳазм қилолмайман...

Унинг сўнги гапидан аёлнинг ранги ўзгарди. Титраб-қақшаб:

— Нега ҳаром бўлар экан? Нега?! — дея жириллаб кетди. Бирор нима десангиз-чи, дегандай эрига зорланди: — Ҳаппа-ҳалол пулимизга олган эдик!..

— Ҳў, автомат, бирпас тек тур! — Мансур хотинини жеркиб ташлади. Убай муаллимга ҳасрат қилди: — Гап мундай-да, ака! Тўртта қизимизнинг орасида шу ёлғиз ўғлимиз... Сўраб-суриштирсак боланинг ўқишлари дуруст экан. Барибир уни технический ВУЗга киритмаймиз. Биттагина «беш»ни қўйиб берсангиз, аса-кангиз кетмайди-ку, тўғрими?..

— Ҳалиги бор-у, таржимонлик, ўшанга киради, — дея эрининг елкаси оша муаллимга қараб унинг гапини тўлдирди хотини.

— Ботирга ачинаман, — Убай муаллим эр-хотининг устидан истеҳзоли кулди. — Сизлар уни ҳозирдан нобуд қиляпсизлар...

— Ҳў, овзингизга қараб гапиринг, — деди аёл қошлари чимирилганча бобиллаб бериб. — Гапларийиз ҳам ўзингизга ўхшаб...

У давомини айтишга ботинолмади.

— Қўймайсизми? — Мансурнинг совуқ кўзлари ола-кула бўлди. — Қўймайсиз-а?

— Йўқ, — деди Убай муаллим, — ўғлиларинг менинг фанимдан «аъло»га билмайди.

Мансур қизишиб кетди: гавдасига ярашмаган тарзда энгашиб, замбилғалтақдаги қоғоз қутилардан бирини даст кўтарди-да, катта-катта қадам ташлаб йўлакка қўйиб чиқди, худди хумга тушган аридай ўзича нималардир деб гувранди, Убай муаллимга пичинг қилди. Иккинчи қутини ҳам ўша ерга олиб бориб қўйди, қафтларини бир-бирига уриб:

— Акам, сиз қўймасангиз ҳам тўррилаб берадиганлар топилади, — деди. — Биттагина ўғлимга медаль олиб беролмасам, нима қилиб яшаб юрибман бу дунёда!..

— Фозилжонни назарда тутаётган бўлсангиз, боя унга омади гапни айтганман, — деди Убай муаллим ҳам жазаваси тутиб.

— Ҳе, ўша маҳсимча бошлигингиздан ўргилдим, — деди Мансур қўлини паншаха қилиб. — Қўл остидагиларига сўзини ўтказолмаса, нима қип ўтирибди у курсида, ҳайронман.

— Уни ҳам сенга ўхшаганлар буза бошлабди, — Убай муаллим жаҳл устида уни сенсираб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. — У ҳалол йигит эди.

— Кўрдик-ку қанақа фаришта эканини, — дея илмоқли гап қилди Мансур. Хотинига қараб кинояли илжайди. — Эшитяпсанми, ҳалол йигит эмишлар.

— Сенга ўхшаганлар ўргатиб қўйди, — дея қайтарди Убай муаллим. — Ундан кейин, ўтирган курсиси ҳам бузди.

— Ҳўв, ака, — деди Мансур кибру ҳаво билан, — ҳозирги пайтда ҳалол одам қоптими?

— Ундай эмас эди...

— Сиз қаердан биласиз.

— Уни ўқитганман. У қобилиятли эди.

— Қобилиятлиларнинг ҳаммаси тўғри, деб ўйлайсизми?!

— Сенчалик эмасдир.

— Адаси, қўйинг, шу кишиминан ади-бади айтишиб ўтирасизми! — хотини унинг тирсагидан тортди. — Қошки бу одам боланинг қадрига етса... Худо ҳам анойи эмас...

Аёлнинг бу гапини эшитиб Убай муаллимнинг кенг манглайдан муздек тер чиқиб кетди. Юраги темирчининг босқонидек гурсиллаб, оёқ-қўлларидан дармон қочди. «Шайтонга ҳай бер, Убай, шайтонга», дея лаблари пичирлади. Ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Манглай терини билаги билан арта туриб:

— Туғдиришни ит ҳам билади. Мен... мен иккита инсонни тарбиялаб қўйибман, эшитяпсанларми, иккита фарзандим бор! — деди қалтироқ товушда.

Убай муаллим бошқа бир оғиз ҳам гапирмади, ҳайкалдек жойларида қотиб қолган эр-хотиннинг жирканч башарасига сўнгги бор аламдан қон тўлган кўзларини қадади, кейин тескари ўгирилиб, замбилғалтакни сурганча уйига жўнади.

Эр-хотин унинг ортидан қовоқ-тумшукларини осилтириб қолишди. Мансур Убай муаллим эшитсин деб аччиқ-тизиқ гап қилди:

— Кўп куйинма, хотин, барибир қўйиб беришга мажбур қиладиган одамлар бор. Ўша «ҳалол директор»ини РайОНО мудирини яхшилаб бураса, манависи мулла минган эшақдек итоатли бўлади қўяди. Мана мени айтди дерсан...

«Сенлар инсон эмассанлар, — деган уйга борди йўлда Убай муаллим. — Ҳайвондан ҳам баттарсанлар. РайОНО мудирини бўлмоқ тугул ундан каттаси келса ҳам қўймайман...»

У Тешиққопқоқга етиб келди. Гузардаги чойхонанинг мўъжазгина ҳовлисида жилдираб оқаётган водопровод сувига кўзи тушди-ю, томоғи ниҳоятда қақраб кетганини сизди. Қулт этиб тупук ютди-да, замбилғалтакни қўйиб, ўзи ўша ёққа юрди. Чойхонанинг ичидан унга таниш шанғи овоз эшитилди: «... менга қара, акаси, мен фашистминан ёқалашиб, қор-ёмғир кечиб юргананда сенлар онангнинг қорнида ҳам йўқ эдиларинг, дедим. Ўзларинг ҳар йили истаган курортларингга бориб, кўнгилларингга ёққан ишни қилиб келсаларинг майли-а, дедим. Сиз буларни билмайсиз, Содик ака, бу ярамаслар у ерларга бориб, саломатлигини тиклайди, деб ўйлайсизми? Қаёқда, бегона аёлларминан дон олишгани боради бу маразлар. Наби Тароқ бор-ку, менинг қўшним, шуни Раҳим деган амали катта иниси бор. Бир куни хотини маҳаллага дийдиё қилиб чиқди денг. Бир аёл уйимга бостириб келиб, тинчим-

ни бузаяпти. Эримминан дам олган экан қайсидир шаҳарда, бўйимда бўлиб қолган ундан, дея тухмат тошини ёғдираяпти, нима қилишимни билмай қолдим, дейдию дув-дув кўзёши тўкади боёқиш. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, ака, гапи ростдирки, тўполон қилиб келган. Мана, сизникига ё бўлмаса меникига келиб тинчимизни бузмаяпти-ку ҳеч ким. Тўғрими?.. Шундай қилиб денг, ҳалиги гапни айтаман-да, уруш ветерани Камол озиб-ёзиб бир марта йўлланма сўраб чиқсин-да, олдиларингга, шуни ҳам тўғрилаб бермаларинг. Биздақалар санокли қолди, бошларингга кўтариб юришларинг керак биздақаларни; биздақалар бўлмаганда, манавиндақа курсиларда талтайи-иб ўтиришларинг қаёқда эди, дедим. Қўяманми, Содиқ ака?! Қани тўғрилаб бермагин-чи, Масковгача ёзаман, дедим. Йўқ, қўрқди: ўзидан қўрқди, ўтирган курсисидан қўрқди баччағар... Мана йўлланмаси, бошпуртимни ичига солиб қўйган эканман. Худо хоҳласа, индинга саҳарминан Сочи қайдасан, дея учиб кетаман самалўтда. Ўладиган дунёда, Содиқ ака, Камол ҳам ақалли бир марта Сочи деган жойга бориб дам олишга ҳаққи йўқми, нима дедингиз?..»

«Камол ака бир самовар одамни ўзига қаратиб ўтирибди-ку! Бунақа теша тегмаган гапларни қаердан топади экан? Ичида Юсуфжон қизик, Райкинларга ўхшаган қизик бир санъаткор ўлиб ётибди-да! Ҳали Сочига бориб келгандан кейин ҳам олам-олам гапларни топиб келиб, мўйсафидларнинг қулоғини қоқиб, қўлига беради-ёв...»

Убай муаллим Хончорбоққа бурилган эди, кутилмаганда рўпарасидан Ботир чиқиб қолди. У ҳансираб келаётган эди.

— Убай ака, Убай ака! — деди у қўрқув аралаш ҳаяжонланиб. — Мен, мен сизникига борувдим... сизникидан кевотувдим...

— Ҳовлиқма, Ботир, ҳовлиқмай гапир. — Убай муаллим болани тинчлантирган бўлди. — Қани, бир бошидан гапир-чи?!

Ботир саросимага тушиб, пойинтар-сойинтар сўзланди:

— Адамла, муаллимингникига бориб, бир нарса ташлаб келдим, энди ишинг тўғри бўлади, «беш» қўйиб беради, дедила... Менга, менга «беш»нинг кераги йўқ.

Билимимга яраша қўйиб бераверинг. Олтин медалининг ҳам кераги йўқ. Барибир улар қисташаётган институтларига кирмайман. Армияга кетаман. Улар мени жинни қилиб қўйишади...

— Шу гапинг ростми, Ботир? Чиндан ҳам медаль керак эмасми?! — Убай муаллимнинг чеҳраси ёришди. — Рост-а?..

— Ҳай агар, керак эмас, — деди бола чин кўнгилдан кафтини кўкрагига қўйиб. — Математикадан яхши билмайман-ку! Ўртоқларимнинг олдидан қандай қип бош кўтариб юраман, қандай қип...

Убай муаллим болада заррача гуноҳ йўқлигига ишонди. У бошини ердан кўтаролмай қолган, аҳён-аҳён бурнини тортиб қўяётган Ботирнинг кўзларига ёш қуйилиб келганини сизди. Унинг қуюқ, қора сочларидан силаб-сийпаб туриб:

— Шунини тушунган бўлсанг, яхши, — деди, кўнгли юмшади. — Сен уларга ўхшамасан, раҳмат ўғлим. Энди уйингга бор, бора қол...

Ботир кетишини ҳам, кетмаслигини ҳам билмай, гарангсиди. Маънос нигоҳда муаллимига қаради. Кейин бошини қуйи солиб, шимининг киссасига икки қўлини суқиб, аста-секин юриб кетди. Пича нарига бориб, ортига ўтирилди.

— Бора қол, кеч бўлиб қолди, — деди Убай муаллим. — Ота-онанг хавотир олишади.

Унинг гапи болага далда бўлди чоғи, у югургилаб кетди.

Убай муаллим Ботир кўздан ғойиб бўлгунга қадар ўша ёққа қараб турди. Ҳалидан бери ичига чиरोқ ёқса ёришмаётган эди, йўқ, шу лаҳзада юрагидаги хижиллик йўқолиб, кўнгли равшанлашгандек бўлди. Енгилгина хўрсиниб, Хончорбоққа йўл олди.

У болалар тўп тепадиган кенг майдоннинг ўртасида қўнқайиб турган харсангга келиб ўтирганда, ой тиккага чиқиб, сон-саноксиз юлдузлар тиниқ осмонни кўз-кўз қилаётган палла эди. Теварак-атрофдаги уйларнинг тунука томлари суддек ойдинда худди лаб бўёғи суртиб олган қизларнинг қирмизи дудоқлари янглиғ йилтирарди. У — ёлғиз, ўзи билан ўзи суҳбат қурган қўйи хийла вақтгача ўтириб қолди. Қўққисдан Мирхоннинг Сувонқул чолниқига қай йўсинда қум ташигани ёдига тушди. Унинг ўжар табиати Убай муаллим-

нинг кулгисини қўзғатди. Кулги ўзидан-ўзи қуйилиб келаверди. У хахолаб кулди, кейин эса бегубор қаҳқаҳага айланди. Шу кулгининг зўрлигидан охир-оқибат биқинини чангаллаб қолди. Кулги ҳамон қуйилиб-қуйилиб келаверарди...

ЧОЛНИНГ БЕОЗОР ИТИ

— ...Биламан, Оқтош, сен шунча йиллардан бери азият чекиб келяпсан. Буни тилинг билан айтолмасанг ҳам кўзларингдан уқиш мумкин. — Анҳор лабида букчайган кўйи чўнқайиб ўтирган Сувонкул чол қармоққа чувалчанг жойлар экан, ёнидаги дўнгликда узола тушиб ётган, боши арслонникига ўхшаган каттакон, қулоқлари диккайган ити билан суҳбатлашар эди. Чолнинг шу итидан бўлак яқини йўқ. Тўғри, қизи ва беш ёшли набираси Отабек ҳам бор. Аммо «тўнғиз қўпгур» куёви уларни чолнинг бағрига йилда бир марта юборса юборади, бўлмаса йўқ. Гўё, чол Отабекнинг тарбиясини бузар эмиш. Аслида ундай эмас. Аслида куёви Саттор ўзидан пастдагиларга оёқ учида қарайди. Айниқса, қайнатаси Сувонкулга ўхшаш ёшини яшаб, ошини ошаганларни оёқ учида кўрсатади. Чол Қичқириқдан пича беридаги отаси Турдикул кўкчидан мерос қолган кўримсизгина қўрғонда яшайди. Хончорбоғликларнинг деярли барчаси тураржойларини янгилаб олган, фақатгина унинг кулбаси анҳор бўйида ўғри ургандай қўққайиб турарди. У чувалчангга туфлаб, қармоқни сувнинг ўртасига — оқимга қарши ирғитди, калава боғланган ингичка, лекин бақувват тол ёғочнинг орқа учини зах ерга санчиб қўйди-да, чала қолган гапини давом эттирди: — Ўшанда кучуктутарлардан онанг Қоплонни тортиб ололмасдим. У қурумсоқларга ҳам юқоридан буйруқ бўлгандир-да, кейинги пайтларда бизнинг тарафларга серқатнов бўлиб қолишганди... Уларга бир нарса деб бўладими? Йўқ, бўлмайди! Бироқ сени омон асраб қолиш қўлимдан келди-ку, ахир... Қоплонимнинг талвасага тушгани ҳалигача кўз олдидан кетмайди. Қафасда туриб юлқинар, юқори лабини кўтариб ирилларди, уни бундай ночор аҳволда биринчи бор кўришим эди. Назаримда Қоплон қутурганди, эшитяпсанми, Оқтош, қутурганди. У ўша ал-

позда ўзини эмас... Оқтош, сени ўйларди. Онанг олдинги оёқлариминан қафасга тирмашди. Қани энди темир панжарани синдиролса-ю, сенга етишса. У менга қараб: «Сувонқул, сенга шунча йил ҳалол хизмат қилдим, оқибат шу аҳволга тушдим. Мени қутқариб қололмадинг, лекин боламни эҳтиёт қил. Уни сенга, сени худога топширдим», дегандек увлади. Бало экансан Оқтош, ингиллашингни қара ўшанда. Ҳеч эслайсанми? «Во ажабо, — дея ҳайратдан ёқа ушлагандим. — Шу бир парча гўшт дунёда энг азиз кимсасидан жудо бўлаётганига ақли етса-я!..»

Шу маҳал калавадаги пўкак сувга кириб кетди. Оқтош буни дарров пайқади. Сапчиб ўрнидан қўзғалиб, сувга қараб вовулади. Чол уни тинчлантирди:

— Алдаяпти, Оқтош, алдаяпти. Қара, пўкак яна эски ҳолига қайтди. Думиминан урди шекилли... балиқлар ҳам анойилардан эмас. Кимнинг бировга ем бўлгиси келади. — Чол увушиб қолган оёғининг чигилини ёзган бўлди, итига яқин бориб, унинг бошини силади: — Ҳа, кимнинг бировга ем бўлгиси келарди...

Итта эгасининг эркалаб-суйиши хуш ёқди, Сувонқул чолга суйкала-суйкала этигини ялади.

Пўкак яна бир-икки марта сув тубига ғойиб бўлдида, кейин сув бетига қалқиганча қолди. Оқтош кўзини анҳордан узмасди. Чол гоҳ итига, гоҳ пўкакка тикилганча жим турди. Уни қаттиқ йўтал тутди.

— Кхм... кхм... еб кетганга ўхшайди-ёв, — у рапидадек кенг кафти билан оғзини беркитиб, чуқур нафас олди. Қармоқни чаққонлик билан сувдан тортди: — Ана, айтмовмидим, сенга еб кетган деб.

Тўсатдан Оқтош юқорига — Қичқириқнинг йўлига қараб узоқ вовулади. Сувонқул чол ўша ёққа термилди. Ниҳоятда эҳтиётланиб, шу томон тушиб келётган ошнаси Холмирзани таниди-ю, юраги шиғиллаб, ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Мулла Холмирза-ку! — деди саросимага тушиб. — Нима қилар экан бу ёққа тушиб. Оёғи ногирон бўлса...

Оғайниси қияликдан шошмасдан пастга тушиб олдида, ҳассасига таянганча анҳор ёқалаб Сувонқул чол қармоқ ташлаб қўйган ерга келди.

Ҳозиргина вовилаб, бегона одам келаётганидан эгасини оғоҳлантирган Оқтош рўпарасидаги қарияни та-

ниди, пахмоқ думини ликилатиб, унинг атрофида гир-
дикапалак бўлди.

— Бу дунёда бормисан, ошна!.. — Холмирза гина-
кудурат қилиб сўрашди. — Сени Хончорбоғдан бош
олиб кетган деб ўйлабман...

— Юрибман, юрибман, — Сувонқул чолнинг ово-
зи титраб чиқди. — Қаерга ҳам борардим.

— Кейинги маҳалларда мендан ўзингни олиб қоча-
диган одат чиқарганинг учун айтаман-да! — Холмирза
оёғига суйкалаётган итни ҳайдади. — Ҳеч хиралигинг
қолмади-қолмади-да, Оқтош...

Сувонқул чол ошнасига жавоб қайтаролмади, бе-
сўнақай қийшайган икки ёни пачоқ челақнинг орқа-
сида турган кичкина шиша идишдан чувалчанг олиб,
қармоқнинг учига яхшилаб илди-да, яна уни анҳор
ўртасига ирғитди, ёғочнинг орқа учини бояги ерга санч-
ди. Такаббуруна кулимсираётган Холмирзага тик қа-
рашга ботинолмай, бир текис оқаётган анҳорга ти-
килган кўйи индамай тураверди.

— Ўша нобакорнинг «хунари» учун аслида мен сен-
дан уялиб юришим керак эди, — деб Холмирза чўнтак
соатини чиқариб, унга қараб қўйди: — Бунинг акси
бўляпти...

— Мирхон қайсарга қанча ялиндим, — ўнғайсиз-
ланиб гап бошлади Сувонқул чол. Ҳамон бошини ҳам
қилганча кўзини сувдан узмасди: — Шу ишни қилма,
жо-он ука, деб қанча ёлвордим. Йўқ, айтганида туриб
олди... Мулла Холмирзанинг юзига қандай қарайман,
дедим. Қани энди кўнса...

— Жуда тўғри қипти, — Холмирза битта-яримта
оқ оралаган чўққи соқолини ушлаб илжайди. — Боп-
лаб таъзирини берибди!..

Сувонқул чол ялг этиб унга қаради-ю:

— Йўғ-э! — деди таажжубланиб. — Чакки қилди...

— Мирхоннинг ўзи менга ёрилиб қолди. Шундай
иш қипти Зикир акам, мен ҳаммасини Сувонқул ака-
никига ташиб кетдим, деди. Боплабсан, балли, дедим.
Ўзи шу гапни неварам Зокир ҳам айтувди... Энди,
ошна, Зикирнинг шу иши учун кечирасан. У қимапти,
мен қипман.

— Нималар деяпсан? Сенда ҳеч гуноҳ йўқ! Нега
унақа дейсан?

— Бўлмаса, мен борай, — Холмирза шошилиқчи-

раб яна соатига қаради. — Зокирингни уйлантириш ҳаракатидаман. Юнусободлик бир қизга кўнгли тушган экан. Отаси икковимизга ўхшаган қариб мияси суюлиб қолган мўсафид экан де, шу, хотин қўйганга берадиган қизим йўқ, деб оёқ тираб турганмиш... Ўзим бориб муддаосини билмоқчиман...

— Берса шундоқ йигитга беради-да! Нима, хотин қўйган бўлса, бола-чақасиминан қўйибдимми?!

— Шуни айт-а, Сувонқул, — дея ошнасининг гапини маъқуллади Холмирза, сўнг эса қайта узр-маъзур сўради: — Бир-биримиздан гина-гудуримиз йўғ-а?! Бориб тургин мундоқ, юз сўмлик пулдайин йўқ бўлиб кетмай.

— ...

— Хўп, майли, — Холмирза оқсоқланганча тепага кўтарилди.

Сувонқул чолнинг унга ҳаваси келди. Холмирза ошнаси серфарзанд: тўрт ўғил, икки қизи, ўттизга яқин неваралари бор. Ана шуларнинг ғам-ташвишини ўйлаб ҳечам зерикмайди.

У яна қармоқни сувдан тортди. Яна чувалчангни балиқ еб кетган эди. Чол ачинганнамо итига боқди-да:

— Кўрдингми, тагин еб кетибди, — дея зорланди. Шиша идишни қўлига олди, ичида чувалчанг қолмаганди: — Мана чуволчанг ҳам одош бўпти, — деди, уни йўтал тутди: — Кхм... их... их... юр энди, уйга қайтамыз. Бугун балиқ шўрва насиб этмади. Лекин, эртага, албатта ниятимизга етамыз, эшитдингми, Оқтош, албатта кўп балиқ тутамиз... кхм... их...

(Балиқ ови сўнгги пайтларда Сувонқул чол учун сеvimли машғулотга айланиб қолди. Қичқириқ шундоққина биқинида эмасми, баъзан сахармардон Оқтош иккиси анҳор бўйига тушиб, кунни кеч қилиб чиқишар эди. Чол бедана овлашга ҳам ишқибоз эди. Ҳар баҳор ити билан Қозоғистон атрофига бориб келарди. У кўм-кўк безазорда Оқтош билан ёлғиз кезишни ёқтирарди. Фақат иккиси. Ана шу кезлари худди гўдақлардек ҳис этарди ўзини. Қийқириб юбораёзарди. Унинг ов милтиғи бор. Милтиқ билан ёввойи ўрдаклар учраб қолсагина отади. Беданани эса тўр ташлаб ушлайди. Қоронғи тушиб, ой тиккага келганда ови юришади. Чунки бедана туңда ҳеч вақони кўрмайди.

Бедазордан кўтарилади-ю, тап этиб қулайди... Оқтошнинг яйрашини айтмайсизми? Кўм-кўк бедазорда югуриб елади. Ҳеч чарчамайди. Чолга эркаланиб, бутун борлиққа ўзини кўз-кўз қилади. Нима, арзимабдими? У ҳам чиройли, ҳам қўрқмас итлардан. Сувонқул чол ҳар гапида: «Онанг Қоплонга тортдинг, у ҳам довжорак, эсли итлардан эди», дерди.)

— ... Дунёнинг ишлари шунақа экан, биродар... — Сувонқул чол балиқ тутаман деб, бу ерга олиб тушган эски челақдаги сувни ўт-ўланлар орасига ағдарди, кейин қўшиб қўйди: — Наҳотки сен, Оқтош, менга осон деб ўйлайсан. Бобо бўлиб неварамни бағримга босолмасам, ўз қизимнинг дийдорига зор бўлсам... шуям ҳаёт бўлди-ю!.. Ҳаммасига Саттор найнов сабабчи. Куёвдан менга булормади. Нимасига кеккаяди, ҳайронман... Мана шу мулла Холмирзанинг куёвлари ҳам катта-катта курсиларда ўтиришади, аммо димоқфироқ деган нарсани билишмайди. Бирам камсукум, ширинсўз, илмли йигитларки икковиям, гаплашган саринг гаплашгинг келаверади... Худо кўрсатмасин, Сатторнинг илми ўшаларникидай бўлганда борми? Уриб бошимни ёришдан ҳам тоймасди!.. Қандин-қаёққа фарзандларимни кўрай деб борсам-у, у бўлса энсаси қотиб, ошнасиникига чиқиб кетса-я! Дардимни ичимга ютиб қайтдим. Нимаям қилолардим, ёқа бўғишайми шу тўнғизфеълминан? Бўлмайди!.. Тирноғим ўша хонадонда, кўзёши оқизиб келса нима бўлади? Ана, хончорбоғлик нечта сулув-сулув қизларимиз қайтиб келган турмушлари бузилиб... Кел, энди, қўяйлик шу гапларни. Лекин, иккимиз умрбод биргамиз, Оқтош. Сен онанг Қоплон каби вафодорсан, чиройлисан...

Улар уйга қайтишди.

Сувонқул чолнинг чап оёғи оқсоқланар, шунинг учун оғир қадам ташларди. Манглайдаги ажинлари чуқурлашган, икки чаккасини майда тер босган, чуваккина гавдаси яна ҳам чўкканди. Оқтош чол билан изма-из борар, бошини қуйи солиб, оғзини кериб очиб олган, тили осилиб, аҳён-аҳён оппоқ сўлак оқиб тушарди. Эгаси тўхтаб, дам олгандагина у ҳам тек турар, одати бўйича чолнинг этигини ялаб, бошини унсиз қимирлатар эди.

— Бу дейман, Оқтош, оёқ ҳам адо бўлди-ёв йўтални йўтал десам... — Сувонқул чол қўлидаги челақ

билан қармоқни ерга қўйди, энгашиб оёқларининг тиз-засини силади, оғриқ сал қўйиб юборди чамаси, тиришиқ юзи силлиқлашди. Итига деди: — Қани, юр, кетдик...

Улар уйга кириб боришганда, кун қиёмдан оққан эди. Ҳувиллаб ётган ҳовли Сувоңқул чолнинг кўзига шундай бефайз кўриндики, тарки дунё қилиб, ити билан одамзод қадами етмаган дала-даштларга чиқиб кетгиси келди. Қаерга ҳам борарди киндик қони тўкилган Хончорбоғни ташлаб, бурунги йили вафот этиб, Тешиққоққоққа кўмилган беозоргина кампирини ёлғизлатиб қаерга ҳам сифар эди. Ҳозирги аҳволи-руҳиясидаги тушқунлик вақтинча бўлса ажаб эмас.

Сувоңқул чол ҳовли адоғидаги бостирмадан узун айрили ёғоч топиб келиб, сўрида осилиб турган тўрқовоқлардан бирини пастга олди, кейин иккинчисини ҳам туширди. Тўрқовоқлардаги беданалар типирчилай-типирчилай «вавав, вавав, питпилиқ, питпилиқ»-лаб бирин-кетин сайроққа киришди. Чол «ҳа, жониворлар-а, сувсабсанлар-да», дея тўрқовоқларни супага олиб борди. Бўм-бўш сувдонларга сув тўлдирди, дон идишларга бир қисм-бир қисмдан тариқ тўқди, яна тўрқовоқларни жойига илди.

Оқтош бу маҳалда айвонга ёйиб қўйилган қотган нонни чўқиладиган чумчуқларни тирқиратиш билан овора эди. Сувоңқул чол унинг хатти-ҳаракатларига кулимсиради, супага ўтириб, этигини еча бошлади. Шу пайт унинг эшиги тагида қандайдир машина «ғийқ» этиб тормоз берди. Ит кўчага қараб бор овозда во-виллади.

Ташқаридан:

— Отабек, айтгин-айтгин буванг уйда бўлсинлар-да, — деган аёл кишининг шанғи овози эшитилди.

— Ие, болам! Отабек! Нечук худо ёрлақади?! — Сувоңқул чол бўсағада жилмайиб турган қизи билан набирасини кўрди-ю, шошиб қолганидан қўлидаги пайтавани қаерга қўйишини билмай, калавланди, уларнинг истиқболига ошиқди: — Бормисизлар, сизларни ҳам кўрадиган кун бор экан-ку!.. — У бемажол қўллари билан набирасини даст кўтарди. Елкаси аралаш қоқиб, унинг ҳол-аҳволини суриштираётган қизи Назиранинг икки юзидан қўлпиллатиб ўпди.

— Соғлиқларингиз яхшими, ада? — сўради Назира, ўлда-жўлда супурилган кўримсиз ҳовлига ачинарли қиёфада анграйди.

Чол қизининг теварак-атрофга синчковлик билан разм солаётганини сезиб:

— Кўриб турибсан-ку болам, туриш-турмушимни, — деди. Уларни супага ўтказиб, ўзи ичкарига кириб, патнис тузаб чиқди-да, сўзида давом этди: — Тупроқдан ташқарида яшаб турибман, ишқилиб...

— Унақа деманг, ада, — Назира отасининг гапидан ранжиди. — Ҳали кўп йил яшайсиз.

— Шартим кетиб партим қолди...

Отабек бобосининг тиззасига тузукроқ жойлашиб, елкасига бош қўйди. Бостирмадан сал беридаги қум уюмига ётиб олиб, худди эсноқ босгандай, оғзини катта очиб ҳомуза тортаётган Оқтошни кўрсатиб:

— Бува, хув ўшандаги кучугизми? Вуй катта бўп кетганини!.. Оти нима эди? — деди. Онасига чўчинқираб қараб олди: — А, бува?..

— Оқтош, болам, оти Оқтош. У икковимизники: сеникиям, меникиям. — Сувонқул чол набирасининг юзидан силаб, суйиб-эркалади, сўнгра сал суви қочган ёпган нонни ушатиб: — Қани, дастурхонга қаранглар-чи, — дея манзират қилди.

Итга кўзи тушган Назиранинг бурни жийирилди.

— Э, қуриб кетсин илойим, — деди энсаси қотганидан қошлари чимирилиб, — ҳали ҳам борми, яшшамагур?!

Қизининг қарганиши чолга қаттиқ тегди. Бошини сарак-сарак қилиб, лабини дўрдайтирди, ундан норозиланган бўлиб:

— Ундай дема, Назира, ундай дема, — деди, — биттаю битта ёлғизим, эрмагим шу бўп қолди. Оқтошдан бўлак ҳеч кимга керак бўлмай қолдим.

— Бува, — Отабек ҳовлиқди, — Оқтош тишламай-дими?

— Тишламайди, болам, тишламайди. Оқтош эсли ит.

— Адамла айтгандила-ку, кучук қопади, деб...

Сувонқул чол мийиғида кулди-да:

— Аданг айтаверади, — деди, қизига қараб олди. — Адангнинг ўзи қопагон. Оқтош эсли ит. Ма, бери кел, Оқтош, ма...

Эгасининг овозини эшитиши ҳамоно Оқтош эрин-

чаклик билан ўрнидан қўзғалди, пахмоқ думини ликиллатган кўйи салмоқланиб супа томон келди. Сувонкул чолнинг қаршисида тўхтади.

Қизи Назиранинг капалаги учиб кетди.

— Қўйсангиз-чи, ада! — дея талвасада ўрнидан сапчиб туриб, ўғлини отасининг тиззасидан олди, итдан узоқроққа — ўзининг рўпарасига ўтқизди: — Болага суйкалиб, кийимларини мохов қилади. Ундан кейин... бит-мити бўлса...

— Бит! — таажжуб аралаш ўшқирди чол. — Ўзингда бит бор! Оқтош озода ит!..

Назира отасининг астойдил аччиқланганлигини кўриб, лабини тишлади. Ер остидан унга ўгринча қараб олди-да:

— Боланинг ўтакасини ёрмасин, девдим, — дея ўзини оқлади. — У ер-бу ерини тишлаб олмаса, деб чўчувдим...

Сувонкул чол хиёл ҳовуридан тушиб:

— Болам, бояги гапингни бир гапирдинг, иккинчи тилинга олма, — деди босиқ овозда. — Оқтошнинг ақли ҳар балага етади, хафа бўлади... Қўрқма, ўғлингга тегмайди. Мана кўрасан, ҳали иккови шундай апоқ-чапоқ бўлиб кетишсинки, ҳайрат бармоғингни тишлаб қолгин.

— ...

Отабек секин-аста ўрнидан туриб, яна бобосининг тиззасига чиқиб олди, қўрқа-писа қўлини Оқтош томон чўзиб, унинг катта бошини силади. Итга бу хуш ёқди чоғи, кўзларини юмиб, думини ликиллатганча тураверди.

— Бува, Оқтош менминан апоқ-чапоқ бўп кетади, а? — тўтиқушдай Сувонкул чолнинг гапини қайтарди бола. — А, бува?!

— Ҳа-да, болам, албатта.

— Ана, ойивой, ана. Оқтош менминан апоқ-чапоқ бўп кетади.

— Обба мақтанчов-э! — дея зўрма-зўраки кулим-сиради онаси, ҳали ҳам хавотирланаётганини шундоққина юз-кўзидан сезиш қийин эмасди. — Кўрдингизми, буваси? Неварангиз шунақа мақтанчоқ бўп кетган. Отабек шунақа...

— Ҳа, майли, омон бўлсин ишқилиб, — Сувонкул чол дўпписини қўлига олиб, бош қашиди, кейин ажаб-

ланиб суриштирди.— Айтмоқчи, эринг тинчми? Нечук сизларни бу ерга юборди? Ё яратганнинг ўзи юрагига раҳм-шафқат солдимикин-а?! Отабекни ҳар куни эслардим, соғинардим... Онанг боёқиш неварасини кўролмай кетди. Армонминан кетди. Биттагина неваранинг тирноғига зор бўлган Отинхон бибим, илойим маконинг нурга тўлсин...

— ...

— Сен онангга тортмадинг,— Сувонқул чол қизига ҳазин бир қиёфада боқди.— У одамга меҳрибон эди. Мени еру кўкка ишонмасди. Сен эса... эҳ, дунёнинг ишлари қурсин. Наҳотки умр шундайин ўтиб кетаверади. Ўйлаган нарсангга эришолмайсан...

Назира отасининг мана шундай гина-кудурат қилиб, эзмаланишига кўникиб кетганидами, унинг дард-ҳасратига унча эътибор бермай!

— Биласиз-ку, ахир, ада, бола-чақадан ортиб... қўлимдан нима ҳам келарди,— дея омади гапни айтиб қўя қолди.

— Ҳамма гап шунда-да,— дея Сувонқул чол қизини юпатди! — Нимаям қилолардинг, сенга ҳам осон эмас... Куёвдан менга буюрмади, ҳа, буюрмади: ўзимга ўхшаган жайдариси учрамади. Куёвим бор, дейишга ийманаман...

Назира отасининг сўнгги гапидан хафа бўлди: гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб деди:

— Бу гапларнинг ҳеч кераги йўқ-да, ада!.. У кишиям минг турли хаёлминан юради. Иши масъулиятли, юзлаб одамга муомала қилиш осонми?..

Ўз навбатида Сувонқул чол ҳам тутаб кетди!

— Бошқалар ишламаяптими? Бошқаларнинг ташвиши кам дейсанми?! Неварамни деб борсам-у, уёқ энсалари қотганидан тўнни елкаларига ташлаб, ошналариникига йўрғалаб қолсалар. Нима, менинг оёғим кўчада қолувдими?! Нафсониятим йўқми?!

(Ота-бола ўртасида ана шу мазмундаги аччиқ-тизиқ гаплар кетаётганда, Отабек билан Оқтош аллақачон бир-бирларига элакишиб қолишган эди. Отабек унинг бошини силаса, ит олдинги оёқларини букиб, думини ўйнатар, болага гўё «иккимиз бундан буён қадрдонлармиз», дегандек анграярди.)

Алоҳал Назира беҳол қўл силтади-да:

— Қўйинг энди ада, мен уришгани келдимми сиз-

никига? Ўша «ёмон» куёвингиз юборди, — деди эри-ни оқлаб. Отасининг жим қолганидан фойдаланиб, қўшиб қўйди: — Москвага чақиртиришибди буларни: катталарнинг мажлисига. Баҳонада меням ўйнатиб келмоқчилар. Отабекни ойиларига ташлаб кетмоқчи бўлган эдик, аксига улар бетоб бўлиб қолсалар денг. Шунга: «Адангнинг олдида турсин уч-тўрт кун», дедилар.

Сувонқул чол қизига, гап бу ёқда экан-да, деган-дек нигоҳ қадади. Унинг серажин, нуроний юзида истеҳзоли кулги ўйнади:

— Ҳа, шундай дегин, — деди ўйчан, паришон вазиятда. — Майли, бораверинглар. Айланиб келинлар. Москвани томоша қилинлар. Отабек менминан қолади. Унга Хончорборни кўрсатаман. Қичқириқда чўмилтираман. Аждодлари яшаб ўтган табаррук заминни билсин-да!..

Назира ҳадиксираган овозда:

— Фақат эҳтиёт бўлинг-да, ада. Чўмилтираман деб тағин шамоллатиб қўйманг, — деди. — Кейин адасидан...

— Адасидан балога қолманг, демоқчисан-да, а?.. Хавотирланмай кетаверинглар! — Сувонқул чол қизини тинчантирди, набираси билан ўйнашаётган Оқтошга бир сония ханг-манг термиди. Унинг юраги ҳапиниб, сўлгин юзларидаги ажинлар пича силлиқлашди, киртайган кўзлари севинчдан намланди. Набираси бағрига қайтишини, унинг дийдорига тўйиб олишини чол сезиб юрарди. У Отабекни Оқтош билан тил топишини ҳам биларди: — Ҳа, хотиринглар жам бўлсин...

— Майли, мен турай, — Назира ташвишланиб соатига қаради. — Майда-чуйдаларни жойлаштириш керак. Фотиҳа беринг, ада?

Ҳозиргина келган қизининг тўсатдан кетиш тарадудига тушиб қолганлигидан Сувонқул чол гарангсиради. Хитойи чойнакка қўл узатиб, янги чой дамламоққа чоғланган эди, қизи тўхтатди:

— Чойни бўлса ичдик, ада, кераги йўқ!..

— Бирпас ўтира тур, — деди Сувонқул чол ўтинч билан, — сени кўрсам Отинхон бибимни кўргандай бўламан, болам...

Назира кечга қолишини баҳона қилиб бетоқат бўлди. Қайта соатига кўз югуртирди-да:

— Отабекни ташлайману орқамга қайтаман, деган-
дим куёвингизга, — дея дудмол жавоб қайтарди. —
Ҳали хуноб бўлиб кутаётгандирлар.

Сувонқул чол ортиқ такалуф бефойда эканини
тушунди. Фотиҳа ўқиш учун қўлларини жуфтлаб:

— Хўп, энди, нима ҳам қилардик, — деди. — Бо-
ланнинг роҳатини кўринглар, сафаринг бехатар ўтсин,
тупроқ олсанг олтин бўлсин, олтин бошинг омон
бўлсин... Омин, оллоҳу акбар...

Назира ўрнидан қўзғалар экан, қумда ўйнаб ўтир-
ган ўғлини чақирди. Отабек истаб-истамай онасининг
яқинига келди.

— Бувангнинг гапларига киргин, хўпми, — уқтир-
ди у, боланинг қум ёпишган кўйлак-иштонини қоқ-
ди. — Мана бунақа нарсаларни ўйнамагин. Ҳамма-
ёфингни қара. Мабодо тўполон қилсанг, келганимда
худди кўрасан...

— Хўп, ойи, — деб жавоб қайтарди Отабек, онаси-
нинг юзаки пўлисасига парво қилмай яна қум уюми
томон югурди. Ортидан Оқтош эргашди.

Чол қизини кузатиб қайтди. Бу маҳалда набираси
думалатаётган едим коптокни ит гоҳ қумнинг устидан,
гоҳ неча йилдан бери сув оқмайдиган ариқдан олиб
чиқиб берар, унинг бу дастёрлиги кичкинтой Ота-
бекни қувонтираётганини кўриб, эркаланиб вовул-
ларди.

Отабек чопқилаб бобосига яқинлашди, унга се-
винчли хабар етказмоққа ошиқди:

— Бува! Бува! Қаранг! Оқтошга қаранг!.. Менми-
нан ўйнаяпти! Кучугизга қаранг!..

— Сен унга ёқиб қолдинг, — Сувонқул чол наби-
расини бағрига босди. — Оқтош болаларни яхши кўра-
ди. Унинг Қоплон деган онаси бўларди; уям кў-ўп
эсли ит эди.

— Ўлганми, бува?

— Ҳа, болам... — чол оғир хўрсинди. — Кучук
тутадиганлар опкетиб қолишган. Раҳматли Отинхон
бибим ҳаёт эди ўша кезлари...

— Отинхон биби ким? — ажабсиниб суриштирди
Отабек. — А, бува?

Сувонқул чол дармонсизланиб супага келиб ўтир-
ди.

— Бувинг, болам, бувинг, — деди тиззасини чан-

галаб. Бири олиб, бири қўйиб сайраётган беданаларини лоқайд кузатди. — Сенинг дунёга келганингни кўролмай кетди боёқиш...

Оқтош чол билан набираси ўртасидаги мусохаба мавзуини уққандек, тумшуғини осмонга чўзиб, узоқ ув тортди, қулоқларини бўйнига қадар пасайтириб, уларнинг рўпарасига чўнқайди.

— Хафа бўлма, Оқтош, хафа бўлма, — дея Сувонқул чол итининг кўнглини кўтарди.

Набираси қизиқсиниб сўради:

— Нега хафа бўляпти, бува?

— Дарди бор, болам, дарди, — жавоб қайтарди чол. — Мен бувингни қандай соғинсам, у ҳам онасини шундай қўмсайди.

— Қоплон катта кучукмиди?

— Жуда катта эди, Хончорбоғда унинг олдига тушадигани йўқ эди. Ҳатто Мирзоҳид оқсоқолнинг боғини кўриқлайдиган хирсдай кўппак ҳам Қоплон кўринди дегунча думини оёқлари орасига суқиб, писиб қоларди.

— Кучук тутадиганлар ким, бува?..

Сувонқул чол мош-гуруч соқоли майса бўлиб қолган чўзинчоқ иягини қашиди, набирасига дарров жавоб қайтаролмади. Хийла тек тургач, деди:

— Яхши одамлар эмас. Онани боладан, болани онадан жудо қилади, падар лаънатилар. Бориб-бориб кўп нарсанинг фарқига етиб оласан, Отабек. Дунёнинг хўўп аломат ишлари бор-да. Ҳаммасига чидар, ҳаммасига кўникаверар экан одам боласи... Кел, шу гапларни бир чеккага қўяйлик. Эртага, худо хоҳдаса, балиқ тутгани Қичқириққа тушамиз. Овимиз ўнгидан келса, балиқ шўрва қилиб бераман. Бир отамлашайлик... Бутун Оқтош икковимизнинг омадимиз чопмади, бирорта ҳам балиқ ушлолмадик. Мана энди бағрим тўлди, сен келдинг, албатта кўп балиқ тутамиз.

— Қичқириқ?! — таажжубдан кўзларини жавдиратди Отабек. — Сувнинг ҳам номи бўладими, бува?..

Сувонқул чол набирасининг ҳар нарсага қизиқувчанлигидан — зехнли, зийракли эканидан мамнун эди. Шунинг учун ҳам Отабек берган ҳар бир саволни диққат билан тинглар ва уни жавобсиз қолдирмасликка тиришарди.

— Қичқириқ — ҳар бир хончорбоғликнинг мўътабар анҳори. Аждодларимизга ризқ-рўз улашган, ювиб-тараган, кийинтирган ҳам шу Қичқириқ бўлади. Одамларимиз дилларидаги бор дард-ҳасратларини шунга тўкиб сочганлар. Қичқириқ уларнинг ана шу тилакларини рўёбга чиқарган: қурғоқчиликда экин-тикинларни оби ҳаётга қондирган, сел келганида эса уни ўз қаърига олиб, эл-улусни сув балосидан халос этган. Унинг марҳамати улуг, болам. У нотинч оқишни хуш кўради, шунинг учун бўлса керак, Қичқириқ дейишди муқаддас анҳоримизни. Тушундингми, Отабек?

Бола «ҳа, тушундим» дегандек, бош лиқиллатди, бобосини яна саволга тутди:

— Оқтош ҳам бизминан боради, а?

— Албатта боради. Ҳали бедана овига ҳам чиқамиз. Ёввойи ўрдак отамиз.

— Ёввойи ўрдакни нимада отамиз?

— Милтиқ бор менда, ўшанда.

— Ростакан милтиқми?! — дея ҳайратдан ёқа ушлади Отабек. — Уни кўрсатинг-а, менга?! Жо-он бува, кўрсата қолинг...

— Кўрсатаман. Фақат ҳозир эмас, — чол шундай деди-да, бостирмадан беридаги, пастаккина гувалак деворлари нураб ётган омонат ўчоқбошига қараб юрди. Отабек бобосидан ранжигандек, қовоқ-тумшугини уйиб олиб, унга эргашди. Сувонқул чол ҳалиги гапига қўшиб қўйди: — Ул-бул еб олайлик. Ойинг ҳам ўтирмади, оч кетди. Сенинг ҳам қорнинг очдир. Оқтош иккимиз ҳам эрталабдан бери туз тотганимиз йўқ...

Қуёш уфққа яшириниб, кеч кирди. Этни жунжиктирувчи салқин тушди. Қичқириқ томондаги адил теераклар шохларининг бир текис шовуллаши кишига алланечук ҳузур бағишларди. Сувонқул чол набира-сини ёнига олиб ётибди. У болаларга хос бўлган ҳиддан маст эди. Бола ҳам ой нурида ғира-шира кўриниб турган девордаги бобосининг ов милтиғига ўйчанлик билан тикила туриб, дабдурустан суриштириб қолди:

— Бува, сиз чўпчак айтишни биласизми?

Сувонқул чол мийиғида кулди, тақир бошини қашир экан:

— Билмайман-да, болам, чўпчак айтишни, — деб жавоб қайтарди.

— Ҳечам-а? — ишонқирамади Отабек.

— Ҳечам. Хоҳласанг Қоплон ҳақида гапириб берман.

— Майли.

Чол шипга тикилган кўйи хийла вақт жим турди, сўнг гап бошлади:

— Қоплон Отинхон бувинга жуда ўрганганди: кетидан қолмасди. Ўша кезлари касалхонада тунқотарлик қилардим. Биласанми нима дегани бу? Қоровулчиликни айтаман-да!.. Эртага кўрсатаман ўша касалхонани, Қичқириқ бўйидан шундоққина кўриниб туради... Кечқурунлари овқатни бувинг элтиб берарди. Бир куни де, тоби қочиб қопти, шунга қарамай овқат пишириб, бўз халтага жойлабди. Бир маҳал дегин, Қоплон оғзида тишлаб опкелди-я!.. Халтанинг тутқичини авайлаб тишлаганини айтмайсанми, бирор ерида тишининг ўрни йўғ-а... Оҳ, унинг садоқатлилигини билсанг эди, болам...

Отабек ухлаб қолди.

Сувонқул чол унинг пешонасидан ўпиб қўйди, устидаги кўрпани тўғрилаб, кўкрагига довур тортди, бола уйғониб кетмасин деб, аста-секин ўрнидан туриб, оёқ учида айвонга чиқди. Ҳовлининг у чеккасидан — бу чеккасига зир югуриб, безовталанаётган итини чақирди. Ит айвон қаршисига келди.

— Оқтош, энди ухлагин, хўпми? Отабек ҳам ухлади. Яхшилаб мизғиб олайлик, эртага қиладиган ишларимиз анчагина, — деди Сувонқул чол, кейин ётгани кириб кетди.

Хончорбоққа зулмат тун чўккан, тўлин ойни бир тўда қора булутлар чодирини тўсиб қўйган. Қичқириқ ўжириб — нотинч, қўрқинчли оқарди. Тешикқопқоқ атрофларидан бирин-сирин эшитилаётган саёқ итларнинг ёқимсиз акиллаши қулоқни қоматга келтириб юбораёзарди. Чигирткалар ҳам оромини йўқотган. Оқтош мудҳиш бир ҳодисанинг дарагини туйгандек, гоҳ айвонга, гоҳ эса кафтдеккина супага чиқиб рингшири эди. Ит ланг очиқ айвон эшигидан ичкарига мўралади: Сувонқул чол хириллаб хуррак ота бошлаганди. У аҳён-аҳён ўз хуррагидан ўзи чўчиб уйғониб кетар, у ёқ-бу ёққа аланглаб набирасининг устига кўрпа тортар, яна чалқанчасига ётиб оларди. Оқтош пастга тушди. Ҳовлининг ўртасида бесўнақай қўққайган бир туп олма тагига бориб чўнқайди. Ташқаридан эшитилаётган

қўйларнинг маъраши-ю, итларнинг хуришига қулоқ тутди. Эшакнинг нола аралаш ҳанграшидан талвасага тушиб, у ҳам ҳуркак товушда ув тортди.

Сувонқул чол уйғониб кетди. Қора чопонини елкасига ташлаб, ҳовлига тушди. Рўпарасига чопқиллаб келган итига зорланган оҳангда сўзланди:

— Нима бўлди сенга, Оқтош? Нега ув тортасан?!

Ит чопонининг барида тишлаб, ҳадеганда паства тортаверди: нимадандир ташвишланган қиёфада. Сувонқул чол итининг бу қилиғидан ижирғаниб, уни жеркиб берди:

— Бўлди-да, суйилиш! Ухлатгани қўясанми-йўқми? Бор жойингга, жим ёт! — деди-ю, жаҳл қилиб уйга кириб ғойиб бўлди.

Оқтош ҳамон талвасада. Шу аллозда кўз олдига онаси Қоплон келди: унинг қафасга тирмашиб юлқиниши, даҳшатли ириллаши... Қизиқ, авваллари онасини кўз олдига келтиролмасди, тўғрироғи, эслолмасди. Ҳозир эса уни яқиндан кўраётгандай, назарида ўзини ҳам Қоплон қатори қафасга қамаб, бўғизлашаётгандай эди. Онаси яқинлашди, яқинлашаверди... Оқтош сапчиб турди. Ўрнидан кўзгалмаса бўлар экан, онасини йўқотиб қўйди. Эринчаклик билан яна жойига чўзилди: кўзларини юмди. Қоплон унинг тепасида пайдо бўлиб, бутун танасини ялади, юзларига суртди. Онасининг ҳиди унга бирам ёқдики, қани энди бир умр шундай бўлса. Туйқусдан, кимлардир Қоплонга чанг солиб, эшиги ланг очиқ темир қафасга ирғитишди, ортидан Оқтошни ҳам... Оқтош бетоқат фингшиб, ўрнидан кўзгалди: жимжитлик. Энди кўзини юмса ҳам онасини кўролмади, ҳеч ҳам эслолмади. Устига устак, унинг ўзини алақандай махлуқлар дўппослашар, худди Оқтошнинг куни битгандай... Дунё остин-устун бўлмоқда эди хаёлида...

Тонг ёриша бошлади.

Сувонқул чол қаттиқ йиғи овозидан чўчиб уйғонди.

Ит набирасининг майка-иштони аралаш тишлаб кўтариб олган. Отабек бўлса айюҳаннос соларди.

Сувонқул чолнинг юраги шифилаб, кўз ўнги хиралашди. Талмовсираган кўйи:

— Оқтош! Тегма болага! Сенга айтяпман, Оқтош!.. — дея олди холос.

Ит ташқарига отилди.

Чол унинг кетидан судралди. Ярим йўлдан қайтиб, деворда осияғлиқ турган милтиққа ёпишди. Жонсаракка учраб, нима қилаётганини ўзи ҳам идрок этолмай, уни ўқлаб айвонга чопди. «Наҳотки Оқтош қутурган бўлса?! Бундай бўлиши мумкин эмас! Йўқ, ростдан ҳам қутурган!..» деган ўй миясида чарх урди.

Ит бола билан кўча эшик томон йўналди. Отабек кўрқувдан серрайганча қотиб қолганди.

Сувонқул чол ғазабдан қалтираб, итига ўшқирди:

— Оқтош! Болани ерга қўй дейман!.. Отиб ташлайман сен кўпакни! Ерга қўй!.. Саттордан, Назирадан... Қутурдингми? Сен... Оқтош!..

У милтиқни итга тўғрилади. Ит болани ерга ташлаб, чол томон югурди. Чол ғайририхтиёрий тарзда тепкини босиб юборди. Оқтош унинг оёқлари тагига қулади. Бошидан тизиллаб қон оқди. У типирчилаганча бир Сувонқул чолга, бир Отабекка алланечук олазарак қарарди.

Шу маҳал қасир-қусур қилиб, чолнинг кўрими-сизгина ҳовлиси ларзага келди. Уйи бешиктерватардек гоҳ бир тарафга, гоҳ эса иккинчи тарафга чайқалди. Ташқаридан одамларнинг дод-фарёди эшитилди. Отабек нима бўлаётганига ақли етмай, биғиллар эди.

— Ер қимирляпти! Ер!.. Лоҳавла валақуввата... Субҳонолло, субҳон... Оқтош!.. — Сувонқул чол афсус-надомат билан бошини чангаллади, ўлим талвасида ётган итининг ёнига мук тушди: — Сезибмидинг, Оқтош?! Оқтошгинам, кечир мен нодон чолни, кечир... — У типирчилай-типирчилай қимир этмай қолган итининг очиқ кўзларини юмиб қўйди.

Шу куни Қичқирик бўйидаги дўнглиқда кичиккина қабр пайдо бўлди. Унинг тепасида бели букчайиб, анча қартайган Сувонқул чол ва набираси маъюс туришарди...

КАРОМАТ

Путурдан кетган кўча эшик озор чекаётгандай ҳазин ғийқиллаб, даставвал эскирган болалар араваси, ортидан эса кулча юзида алам ва айни пайтда ғазаб хисси акс этган қиз кўринди. Ҳовлидан эркак киши-

нинг нималардир деб пўнғиллаган овози қулоққа чала ярим эшитилди.

Қиз аравани кўпдан бери суви оқмайдиган, фақатгина кўни-кўшниларнинг ювунди, мағзаваларини шимиб ётган — ёқимсиз балчиқ ҳиди анқиб турувчи ариқдан не машаққатда ўтказиб, катта йўлга чиқди-да, унинг олд тарафига ўтиб, бозорча томон ҳайдади.

У эндигина ўн бешдан ўн олтига ҳатлаган, бўйчан, қорамағизга мойил ёқимтой чеҳраси маъюс, қадди-бастига қолипдай ёпишиб тушган, оҳори тўкилган кўйлагидан кўкраклари билинар-билинемас туртиб чиққан, оёғидаги ёзги пойабзалининг пошнаси едирилиб, тагчарми билан бараварлашиб кетган эди. Қиз ана шу кўйи уйдан чамаси икки-уч бекат олисда бўлган (қайдам, у ердагиларнинг яшаш-турмуши ҳам ўзгачадир!) — Қичқириқнинг у бетидаги бозорчага йўл солди.

Аравада седанали нон. Иссиққина, юмшоққина, (У бозорчада нонини шундай деб мақтайди.)

Ўзи эса кўпинча хомуш...

У бутун биринчи маротаба дадасига тик боқди, тик сўзланди: «Қачонгача ичасиз, қачонгача ойим шўрликка азоб бераверасиз!» Дадаси ичарди. Баъзан ётиб қолгунча ичар — турмушларида ҳаловат йўқ эди. Қиз уяла бошлаганди, айниқса, орқа кўчада яшайдиган, кўпинча ўзининг арава судраб кетишига юраги ачишгандай нигоҳ қадайдиган, улардан уч-тўрт йил аввал мактабни тугатган Шариф исмли йигитдан уяла бошлаганди. Уни кўрганида кулча юзлари олов янглиғ ловлов ёниб, ўзини ожиз, ҳимоясиз туяр — оёқлари чалишиб, пойабзалини арава филдираклари босиб оларди...

Ҳозир ҳам ана шу ҳодиса рўй берди.

Кўприкка етай деганда муъолишдаги кўчадан «дипломат» папка кўтарган Шариф чиқиб келди. Қизнинг юраги темирчининг босқонидек гурсиллаб, ўзини йўқотаёзди. Унинг аҳволи-руҳиясини сезибми, Шариф тезгина ёнидан ўтиб кетди, чамаси элик қадамча наридан ортига ўғринча қараб олди, сўнг бедана юриш қилиб кўздан ғойиб бўлди.

...қиз бутун туш кўрганди.

Сен мени учар гиламга олқочиб кетаётганмишсан — худди чўпчаклардаги каби. Қаергалиги номаълум. Лекин, сени, ҳеч ким ранжитмайдиган, ҳеч ким

ирақ ичмайдиган, ҳеч ким сахарлаб туриб арава етакламайдиган, биров-бировни хўрламайдиган, биров-бировни мазах қилмайдиган — фаришталар юртига опкетяпман, гермишсан. Эгнимда оқ ҳарир кўйлак — келинчақлардай ясанганмишман. Сен эса шахзодалар кийимида эмишсан. Жудаям суюнармишман, шу билан бирга ойим ва сингилларим учун қайғурармишман. Кейинчалик албатта, уларниям опкетамиз, дея менга далда берармишсан. «Нонни ким сотади? Нонни?!» — пастдан туриб бўқирармиш адам. Иккимиз эса унинг дўқ-пўписасига парво қилмабмиз. Ойим ҳадеганда кулаверармишлар. Пахмоқ қизнинг бахтини берсин, деганлари шу бўлса керак-га, қизим боёқиш ўз тенгини топди, уни шахзода ўғирлаб кетяпти, шлойим кўшгани билан кўша қарисин. Ерга кўрмаган рўшноликни Осмонда кўрсин. Сени худога топширдим, болам, худога, гермишлар...

...Қиз кўрган тушини тандирга ўт ёқаётган онасига гапириб берди. Она-боланинг суҳбатини эшитиб қолибми, қаердандир дадаси пайдо бўлди-ю, ҳе йўқ, бе йўқ башарасини гезартириб ўшқира кетди: «Мунинг эрсираб қопти! Узатиб юбор бу манжалақингни!..» Онаси чурқ этмади, чурқ этолмасди ҳам. У эридан ниҳоятда кўрқарди. У фақат меҳнатни билар; гўё шунинг учун яратилган — Тожи буви шунинг учун туққанди уни. Қиз дадасидан нафратланди. Илгарилари, у ичиб келиб жанжал-тўполон кўтарганида, бундай мудҳиш манзара эса тез-тез такрорланиб турарди, қиз кичик сингиллари билан бир-бирларининг пинжларига суқулган кўйи тахмон ортига яшириниб олиб, кўзёш тўкишар, ҳеч бири дадасини инсофга келтиролмасди. Унинг бугунги гапи қизнинг қалбини ларзага солди...

У бир маромда оқаётган Қичқириққа тикилар экан, яна кўз олдидан онаси ўтди. Бола-чақасини деб, ўзини ўтдан-чўққа уриб юрган онасининг тандир оловидан қизарган олма янглиғ ёноқлари ва айни пайтда хафа-қол, фақатгина ўз ҳаётидан норози бўлган, бир умр рўшнолик кўрмаган аёлларда учрайдиган маҳзун чеҳраси, чиройли, ночор боқишини кўрди. Лекин, шу он, дадасининг туршақдайин тиришиқ башарасини, оғзидан ҳақоратомуз сўзлар билан бирга анқиб турувчи бадбўй арақ ҳидини эслади-ю, кўнгли беҳузур бўлди. Юраги ғашланди. Нафрати жунбишга келди. «Ойим-

нинг ҳам, сингилларимнинг ҳам аламини олмасам-ми?!» — деган ўй бутун вужудини қамраб олди. Шу пайт, ҳеч қачон жанжал-сурон, йиғи-сиғи овози эшитилмайдиган — дугоналари Нафиса, Муҳайё, Раҳималар хонадонига ҳаваси ортди. Дадалари топармон-туртармон бўлган бу қизлар ҳаминиша ўз ҳаётларидан мамнун бўлиб юришарди.

Ана ўшаларнинг турмуши турмуш-га! Ҳеч қачон бозорчага чиқишмаган, чиқишмайди ҳам. Ҳар ҳайитга келин кўрарга янги қўйлак кийиб, юз турланиб боришади.

Қиз бозорчага етиб келди. Ҳамма ўз жойида, фақат Нурилла иримчигина кўринмайди. (Демак, яқин орада ҳовлиқиб келиб қолади!)

— Ана, Онақиз ҳам келди, — деди пештахта устига чиройли қилиб териб қўйган шовул, шивит, ошқўк, кашнич каби қатор қўкатларига селгитиб сув сепаётган Камол ота. Мижози сергаплиги туфайли бозорчи аёллар унга «эзма» деб лақаб қўйишган. Қизни «Онақиз» деб чақирган ҳам шу қария бўлади. Шу-шу унинг исми Онақиз бўлиб кетди, шу-шу бозорчадагилар унинг асл номини унутиб юбордилар. Бошида қизга ўз номини айтиб чақиринишаётгани оғир ботди, йўқ, бора-бора Онақиз эканига ҳам кўникиб қолди. (Одам боласи ҳамма нарсага кўникаверар экан!)

— Ҳа, қизим, бутун хафароқ кўринасан? — деди хомуш чехрасига беозор боқиб шафтоли сотаётган Муаззам кампир. — Тинчликми? Ё уйингда бирор кори ҳол юз бердимми?..

— Ўзим, шундай... — деди қиз овози билинар-билинемас титраб. Лекин, ниманидир яшираётгани, хонадониди қандайдир кўнгилсизлик юз бергани шундоққина қуралай кўзларидаги мунгдан билиниб турарди. У кампирга яқин ерга аравасини суриб, ноннинг устига ёпилган катак дастурхонни кўтарди. Ҳаммаёқни димоқни қитиқловчи ёқимли ис тутиб кетди. Қиз чиройли, қизариб пишган бўрсилдоқ нонлардан бирини олиб дастурхон устига қўйди: — Опоқи, манавини ушатинг, — деб яна бирини Муаззам кампирга узатди.

— Йўр-э, болам, нима қиялсан?! — норози бўлди Муаззам кампир, қизнинг қўлини қайтариб, нонни жойига солиб қўйишга мажбур этди. — Ҳаммамиз уйдан нонушта қип чиққанмиз. Бундай қилма, хўмми болам? Ҳа, шундай бўлсин. Худо бозорингни берсин...

— Мулла Собир ҳунар кўрсатдимми? — суриштирди Камол ота, серажин, ялоқ юзида қизга нисбатан ачиниш ҳисси пайдо бўлди. — А, она қизим? Рашид ака раҳматлик кўргандами, ўғлининг...

У гапини тугатмаган ҳам эдики, икки гилдиракли қўл аравасини тортиб, ҳаллослаб Нурилла иримчи келиб қолди. Унинг чўзиқ, қўнғиздай нори бор юзи терга ботган, чуқур-чуқур нафас оларди.

— Э-э, мулла Нурилла, биродар, арзон-гаров бўлдимми ишқилиб? — гап қотди Камол ота иримчининг нафас ростлашига ҳам йўл қўймай, истехзоли кулди.

Иримчи унинг гапига эътибор бермай, юкини тушираверди: каноф қопдаги сабзи, пиёз, уч-тўртта тарвуз ва беш-олтита сапчани пештахтага қўйди. Бандсиз челақдаги бодрингни инқиллаб-синқиллаб кўтариб, сирини кўчиб олапес ҳолига келган тоғорага ағдарди.

— Ари уясини ҳам олишни унутманг, ари уясини! — ҳиқиллаб кулди Камол ота, кейин оғзида тиши йўқлигидан истиҳола қилдимми, чўнтагидан докафаранг рўмолчасига ўроғлиқ ясама тишини олиб, сездирмай оғзига солди-да, сўзида давом этди: — Қопга яширган жойингиздан олинг! Бордир, иккита-учтаси! А, мулла?..

Нурилла иримчи унинг қочиримини эшитса-да, эшитмаганга йўйиб, миқ этмай, ўз ишини давом эттираверди.

— Қани, она қизим, нонингдан бер-чи? — деди у нарсаларини пештахтага жойлаштириб бўлгач. Ўз ишидан қаноат ҳосил қилган қиёфада кафтларини бири-бирига ишқади: — Қорин ўлгур пиёзнинг пўсти бўлиб кетди...

Қиз юмшоққина бўрсилдоқ нонни унга узатди. Иримчи аравасидан эски газета олиб пештахтага ёзди, устига нонни синдирди, атрофидагиларга эътибор бермай, ютоққанча лунжини шишириб нон кавшай бошлади. Муаззам кампир ҳам, пича берида чой ичиб ўтирган гулчи аёллар-у, рўпарадаги кўкчилар ҳам иримчига энсалари қотиб боқишди.

— Менга қаранг, мулла Нурилла! — ижирғанди Камол ота. — Жиғилдонингизга ураётганингиз — бу нон бир танга туради-я, акаси! Пулини ойшахолангиз тўлайдимми?..

Камол ота иримчини ёқтирмас — унинг ҳар бир

ҳаракати, гап-сўзи, баднафслиги қонини қайнатар: шунинг учун ҳам ўрни келди дегунча уни аччиқ-тизиқ гаплар билан ошкора «чақиб» оларди. Иримчи ҳам бозорчада фақат шу одамдан чўчир, фақат шу билан гаплашгиси келмасди.

— Ўртага ойшаҳоламини суқиб нима қиласиз! — деди у томоғига тиқилаёзган нонини базўр ютиб. Бўш челакка ташлаб қўйган сурх халтадан лаби учган пиёласини олди-да, гулчиларнинг ёнига келди, бир ҳўплам беринглар, дея уларнинг хитойи термосидаги чойга шерик бўлди: — Бераман, Камол ака, йигирма тийинини. Қоп кетмайди менда. Молим сотилсин...

— Берасиз-а, берасиз! Йўли келса алдаб кетарсиз! Сени билмаймизми?! — Камол ота жаҳд устида иримчини сенсираб юборди. — Отанг туллак одам эди. Урушдан бурун Сувонқулни анчага туширганди. Бу бутун Хончорбоққа аён. Сувонқул мард экан — қарзини сўрамади. Ўлар чоғида берганмиш, кўкчининг айтишича. Чиниминан берганми, ё Сувонқул андишали, кўнгли бўш одам: кел, қўй, ўлиб кетган одамни элулус ўртасида ёмонотлиққа чиқармайин, деб гап таркаттанми... ҳарҳолда шундай қилган-ов...

— Отамга тил тегизманг! — титраб-қақшаб айюҳаннос кўтарди Нурилла иримчи. — Гўрида тинч ётсин! Мана пул! Мана!.. — У соат чўнтагидан иккита беш сўмлик чиқариб, бирини қизга узатди.

— Қиз олмади. Иримчининг вазоҳатидан кўрқди.

— Майда тушса берарсиз, — деди мулойим оҳангда у.

— Йўқ, дейсиз-а, мулла Нурилла! Йўқ деманг! Йўқ десангиз — йўқ бўлиб кетаверади! Бор денг, бор!..

— Қўйинглар-е! Бир ернинг одамисизлар икковларинг, уят эмасми?! — гапга аралашди Муаззам кампир. Зарғалдоқ, чиллаки луччак шафтолиларини дока билан эринмасдан битта-битталаб артиб, харидоргир қилиб тоғорага терар экан, Камол отага гиналанди: — Сен, Камол тушмагур, қариб ҳам қуюлмадинг-да, а? Ҳув, бирда, менингдек ҳожатмандга ҳожатраволик кўрсатмоқчи бўлган Мирхоннинг ҳам дилини оғритиб жўнатибсан эл-юрт ўртасида. Чор-ночор, ўзига олган гўштни меникига ташлаб кетди, шўрлик... Бир оёғинг ерда бўлса, бири гўрда-ю ҳеч зоғни тинч қўймагин! Кўкингни сотсанг-чи, ана харидор келди!

— Келинг, ўғлим, — деди Камол ота кўлида қизил тўрхалта ушлаган оқ-сарикдан келган, истараси иссиқ йигитга. — Ана, бир боғини ўн тийин қип юбордим. Олаверинг, ўзимизнинг Хончорбоғники. Шунини сотиб ҳам ёним қаппаярмиди! Қаричилиқда эрмак-да...

Йигит бир боғ шивит, икки боғ кашнич, яна шунча ошқўк сотиб олди-да, қизнинг ёнига ўтди.

— Ола қол, ўғлим, ҳозиргина опкелди, — деди Муаззам кампир йигитга юзланиб. — Она қизимнинг нони ҳам ўзига ўхшаган ширин...

Қиз Муаззам кампирнинг мактовидан уялиб, ер чизди. Ёноқларига қизиллик югурди. Йигит бўлса кампирнинг гапидан таъсирланиб:

— Қанчадан, синглим? — дея кулимсиради.

— Йигирма тийин.

— Ўн беш тийиндан бер — ўнта олай, — деди йигит.

Қиз унга ҳазин боқди, индамади. Йигит қизга синчковлик билан тикилди. Қизнинг маънос тортганлигини сездди чоғи, ўзини айбдордек ҳис этди.

— Майли, фақат эзилмаганидан бер.

Муаззам кампирга йигитнинг шу гапи оғир ботди. Бужур юзида норозилик ифодаси намоён бўлди. Чучур хўрсинди-да, деди:

— Илойим йўқчиликни кўрманглар, болам. Бизлар кўрдик, сизлар кўрманглар. Оҳ, бу ноннинг ушоғига зор бўлганимиз. Ўттиз учинчи йилмиди ўшанда, а, Камол?..

— Ўттиз учинчи эди.

— Икки синглим очликдан шишиб ўлди, — гапида давом этди Муаззам кампир. — Гузарга лампамой ахтариб чиқсам, бир арава ўликларни ортиб кетишяпти. Тешиққопқоқ тарафга. Бечораларнинг бошини осилиб ётишини айтмайсизми, ҳали-ҳали кўзим олдидан кетмайди. У кунларни биз кўрдик — сизларга кўргилик қилмасин, ўғлим...

— Ҳозир ҳам у йўқ, бу йўқ...

— Ундай дема, болам. Худога шукр, ҳамма нарса бисёр. Замонамиз тинчлик замони. Одамларнинг ўзида оқибат йўқолаяпти десанг, бўлак гап. Юлғичлар кўпайиб кетяпти, шунинг касри уряпти. Урушни кўрманглар, урушни! Кўплар ўша кунни унутиб юбо-

ришяпти!.. Биргина шу Хончорбоғдан кетган қанча азаматларимиз қайтишмади, қанчаси бедарак йўқолди!..

Йигит ўз гапига мулзам бўлиб, бозорчадан узоқлашди.

— Бувингминан Хончорбоққа олдинма-кетин келин бўп тушгандик. У раҳматлиям шу отинг ўчкур уруш туфайли рўшнолик кўрмади, — деди Муаззам кампир қизга. — Рашиджон боёқиш қандай топармон-тутармон эди-я! Оҳ, Робиянинг кўрган кунини душманамга ҳам раво кўрмасдим. Эр урушга кетган, қайнатаси Содиқ ака шол бўлиб ўлди, ўн ойлик аданг ҳали у дардга чалинади, ҳали бу... Етимлик қурсин, қизим, етимлик! Рашиджон ҳаёт бўлганида Собир бу кўйга тушмасмиди? Ўзи тиришқоқ, ҳар нарсага қизиқувчан бола эди-я! Қандай йўлиқди экан бу ичкилик ўлгурга ҳайронман!..

Қизнинг қуралай кўзларида ёш йилтилади.

— Хабарингиз бўлдим-йўқми, Муаззампа, ўтган ёзди Сочида дам опкелдим, — дея гапни узоқдан бошлади Камол ота. — Ўша ерда ўзимизнинг хончорбоғлик Илёс домла бор-ку, уйини дўконга орқа қип қурган, дўвор, олакўз пропессир-чи, танийсиз Муаззампа, шуни учратиб қолсам денг. Мен унинг димоғидан эшакқурти ёғилса кераг-ов, дегандим, йўқ, гап-сўзларини эшитиб, ўз ўйимдан изза тортдим. Отасига балли — ўзимиз қатори жайдари, одми экан. Шу домла бир мусоҳабада манови гапни айтиб қолди... — У иримчига ғилайланди-да: — Сизгаям тегишли ери бор мулла Нурилла, қулоқ солинг, — деди. — Собир беш-ўн йиллар бурун катта мактабда муаллимлик қиларди, ҳозиргидек қорамойга ботиб, заводда ишлаб юрмасди, шундан хабаринглар бордир?! Бу йигит жуда салоҳиятли, келажагиминан эди, деган мулоҳазани билдирди. Унинг иктидорига ҳасадланувчи, обрў-эътиборига раҳна солмоқни кўзлаб юргувчи бир-икки ошналари ҳам йўғ эмас экан, ҳа мулла Нурилла, йўғ эмас экан!.. Эмиш-ки, ўшалар ўқувчи болаларни ишга солиб, Собир шўринг қурғурни қайсидир самоварга ошга оборадилар. Шундан сўнг, бу талабаларининг ошини еб юради, дея унинг шаънига тухмат-мазаммат тошлари ёғдирилган мазмуңда хат битадилар-да, биров орқали энг катта бошлиқларига киритадилар. Озиб-ёзиб бир марта еган оши дастмоя бўлиб, бу бечоранинг масаласи маж-

лисга қўйилган, фирқадан ўчирилиб, ишдан ҳайдалган экан... Муни қаранг Муаззампа, шунча жабру жафо етмаганидек, бу манглайи шўрни ўша кезлари «Муштум»га уриб чиқибди. Шокир базознинг неварасига ўхшаган қайсидир бир ёзувчи... Шу маълумотни Илёс домланинг оғзидан мана шу қулоқларимминан эшитдим, Муаззампа. Ҳа, айтгандай, мулла Нурилла, ўша ошналари орасида сизнинг укангиз номиниям тилга олди: ўзимизнинг тарафлардаги Исматила отлик йигит ҳам бор эди чоғи, деди. Кейинчалик ўйлаб қарасам, инингиз бир маҳаллар Рашид аканикига бўзчининг мокисидай серқатнов, Собирминан ош-қатиқ эди чамамда. Шундай эмасми?..

Нурилла иримчининг ранги-қути ўчди.

— Ўлимдан хабарим бор, бу нарсалардан хабарим йўқ, — деди у терс жавоб қайтариб. — Менга болачақамнинг ташвишлари ҳам етиб ортади. Иннайкейин, очигини айтсам, укамнинг оиласиминан борди-келдимиз дуруст эмас...

Камол ота иримчининг устомонлик билан бўйин товлашига, баҳона излашига фижинди, унга еб қўйгудек хўмрайди.

— Ошнанг олақарға бўлса, емишинг маълум, деб шуни айтадилар-да, Муаззампа! — деди у чўнтагидан носқовоғини олиб. — Собир салоҳи йигит эди, шу салоҳилиги учун ҳам олақарғалар чўқиб ташлашган. Шундан кейин бу бола ўнганмади, ичкиликка ружу қўйди...

— Қўявер, қизим, ўша ёвузларгаям боққани бордир. Бир етимни шунчалар хўрлаган эканлар, бу дунёда бўлмаса, охирагда жавобини берадилар, — дея қизга тасалли берди Муаззам кампир. — У ерда ҳар ким қилмишига ярашасини олади.

Аммо қиз кампирнинг тасаллисини эшитмас, у бошига тушган барча ғам-аламларни фаромуш қилиб, ширин хаёлга берилганди. Хаёл уни яна эрталабга яқин кўрган тушига етаклади.

Шариф мени учар гиламда олқочиб кетаётганмиш — худди чўпчаклардагидек. Қаергалиги номалум. Лекин, сени, ҳеч ким ранжитмайдиган, ҳеч ким арақ ичмайдиган, ҳеч ким саҳарлаб туриб арава етакламайдиган, биров-бировни хўрламайдиган, биров-бировни мазах қилмайдиган — фаришталар юртига окетаялман,

гермиш. Эгнимда оқ ҳарир кўйлак — келинчакларгай ясанганмишман. У эса шаҳзодалар кийимида эмиш. Жудаям суюнармишман, шу билан бирга ойим ва сингиларим учун қайғурармишман. Кейинчалик, албатта, уларниям олкетамиз, дея менга далда берармиш. «Нонни ким сотади? Нонни?!» — пастдан туриб бўкирармиш адам... Иккимиз эса унинг дўқ-пўписасига парво қилмабмиз. Ойим нуқул кулаверармишлар. Пахмоқ қизнинг бахтини берсин, деганлари шу бўлса керак-да, қизим боёқиш ўз тенгини топди, уни шаҳзода ўғирлаб кетяпти, шойим қўшгани билан қўшақарисин. Ерга кўрмаган рўшноликни Осмонда кўрсин. Сени худога топширдим, болам, худога, гермишлар...

Бозорчадагилар ҳам ҳайрат бармоқларини тишлаб қолишарди!

Камол ота айтган бўларди: РАШИД АКА РАҲМАТЛИ КЎРГАНДА ЭДИМИ!

Муаззам олоқи айтарди: БОЛА БОЁҚИШ-А, ЎЗИ ШИРИН ҚИЗ ЭДИ-ДА!

Нурилла амаки зорланарди: ҲЎВ, ОНА ҚИЗИМ, БИР ТАНГАНИ ТАШЛАБ КЕТ, ҲЎВ, ОНА ҚИЗИМ!..

Ойигинам қайтарарди: ПАХМОҚ ҚИЗИМНИНГ БАХТИНИ БЕРДИ!

ПАХМОҚ ҚИЗ БАХТЛИ!

ПАХМОҚ ҚИЗ БАХТЛИ!

ПАХМОҚ ҚИЗ БАХТЛИ!

Пахмоқ қизнинг бахти узоққа чўзилмади. Унинг ширин хаёлини бошида сават кўтариб келган сингиси бўлди. Сингисининг кўзлари қизариб, қовоқлари шишинқираган — йиғлагани шундоққина сезилиб турарди. Қизнинг юраги «шув» этиб кетди, оёқ-қўли бўшабди.

— Мана яна ўттизта! — деди сингиси кўрслик билан. — Бўлди, бошқа опкемайман. Ойим айтдила...

Қиз саросимага тушди. Сингисини чорраҳагача кузатиб борди-да:

— Тинчликми? Нега кўзларинг қизарди? — деди хафа бўлиб.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, ўзим... — дея қисқа, дудмол жавоб қайтарди сингиси. Лекин, ниманидир яшираётганини, хонадонларида қандайдир нохуш воқеа содир бўлганини унинг хатти-ҳаракатларидан, юз-кўзларидан уқиш мумкин эди: — Бўпти, мен кетдим...

Қизнинг кўнгли ғаш тортди. Бетоқат бир қиёфада:
— Йўқ, тўхта! Тўғрисини айт, адам яна ичиб кел-
дими? — деди.

Синглиси пойабзалининг учи билан ер чизди, сўнгра опасининг хавотирли юзига ер остидан кўз югурти-
риб:

— Ойимла, опанг билмасин, девдилар. Адамла ичиб келиб яна урдилар... ойимни, — деди, гўё муҳим сир-
ни ошкора қилаётгандай у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг боқди.

— Нега?!

— Ўғил туғмадинг, дедила. Бошимга ураманми, тўртта урғочингни, дедила. Иннайкейин... иннайкейин, пул сўрадила, кейин супага ётволиб роса йиғладила. Аллакимларни сўқдила...

Қиз қоққан қозикдай анграйиб қолди. Синглисига бир оғиз сўз айтмади, ваҳоланки уни эркаламоқни, беором кўнглига тасалли берувчи умидбахш сўзларни айтмоқни дилига туғиб қўйганди. Шу дақиқада вужудини қарахт бир туйғу чулғаб олди. Нима қилишини билмади: бозорчага қайтсинми ё синглисини етаклаб уйга жўнагани маъқулмикин?..

— Майли, бўлмаса... — деди-да, синглиси бўш саватни қўлтиғига суққанча машина йўлидан чопқиллаб ўтиб кетди.

Қиз анчагача синглисининг ортидан қараб турди: кўзлари жимирлаб, майда кўкимтир ҳалқачалар кўринди, холос. Ёнига келган ўрта ёшлардаги, пакана бўйли, нимжон аёлни ҳам пайқамади.

— Қизим, — деди аёл унинг тирсагидан ушлаб. — Аравадаги нон сеникимиди?

— Қанча оласиз? — деди у аёлнинг касалманд, қаримсиқ юзига бефарқ назар солиб. Истаб-истамай бозорча томон зўр-базўр юрди.

— Йигирмата, — деди аёл бўйига ярашмай тушган катта, эски сумкасига ишора қилиб. Қизга эргашди...

Қиз унинг сумкасига йигирмата нон санаб солди. Аёл пулини тўлаб нари кетаркан, қизга қараб бошини лиқиллатиб қўйди-да: «Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, — деди ўзига-ўзи. — Хаёли бир жойда турмайди. Ҳалитдан шундай бўлса!..»

...Қиз кун ботишига яқин уйига қайтди.

Путури етган нотавон эшиқдан «ғирч» этган товуш чиқиши ҳамон унинг юраги орқасига тортиб кетди. Анчадан бери қаралмаганига бефайз бўлиб кетган кенг ҳовли одамни ютаман, дерди. Қий-чувлашиб ҳовлини бошларига кўтарадиган сингиллари ҳам кўринишмайди, фақатгина мусича-чумчуқларнинг чуғур-чуғуригина қулоқни қоматга келтиради.

Қушлар қандай бахтли-я!

Мусича бўлиб қолсам ҳам майли эди.

Чумчуққа айланиб қолсам ҳам...

Йўқ, у на мусичага, ва на чумчуққа айланоларди. У Оғам боласилигича қолагу.

Каллакланган балхитут тагидаги йўл-йўл шолча тўшалган супада маст дадаси чалқанчасига ётарди. Унинг тўзиган мошкичири сочларига, ёноқлари туртиб чиққан қонталаш, тиришиқ юзига оҳак гарди ёпишган, кўйлак-шими тупроқ, чап оёғидаги пойабзали ечилмаган, иккинчи пойи эса ариқда ётарди. У тез-тез йўта-лаверганидан ўхчий бошлади. Бир оздан сўнг хуриллаб пинакка кетди.

Қиз ғазаб ўтида ёнаётган кўзларини ундан олиб қочди.

Баттар бўл!

У фишт ётқизилган йўлка бўйлаб эшиги ланг очиқ уй томон юрди. Хона ўртасида мук тушганча сидирга кўрпага мағиз тикиш билан андармон онаси уни пайқамас, гурраси хиёл қайтган пешонасига аҳён-аҳён сўлкавой тангани босарди. Ўнг кўзининг ости ҳам шишинқираган, ўша ерида қизғиш-кўкимтир доғ пайдо бўлганди.

— Нима қилди, ойижон? — остонада серрайган кўйи туриб қолган қиз йиғламсираб онасининг бағрига ўзини отди. — Сизни урган қўллари...

— Ундай дема, болам. Уят-а! — хафа бўлди она. — Отаниям шундай дейдими?!

— Ахир, шунақаям урадимиз?! Худо намунча хўрла-маса бизларни! Нима қасди бор экан?!

— Аданга ҳам осонмас. Лоақал битталаринг ўғил бўл туғилганинга эди!.. «Мен эришолмаган орзумга ўғлим эришарди», дейди. «Ўлсам, тобутимни кўтарадиганим, белини боғлайдиганим йўқ», дейди. Унинг гапида жон бор! Пешонам қурғур шўр экан. Худо ўғилдан сиқса, менда нима гуноҳ?.. Бор, қизим, хо-

кандозда чўғ қоп кетганди тандирнинг ёнида, шуни ўчириб қўй. Бўлди, кўп ўйлама! Эртага қилган ишидан ўзи уялиб юради. Қоранг ўчкур, ёмон одамларнинг касрига қоп, шу кўйга тушиб ўтирибди, аданг шўрлик...

Онаси қизининг кўзёшларини рўмолчаси билан артиб, унинг ширмон юзидан ўпди.

Қиз дастрўмолига тутилган пулни унга берди-да:

— Мана, нонники, — деди.

— Илойим барака топинглар,— дуо қилди онаси,— яхшиям бахтимга сизлар бор экансизлар...

Қиз пойабзалини оёғига илди-да, ўчоқбошига бурилди. Хоқандоздаги лахча чўғ устида қолиб кетган оташкуракка кўзи тушди-ю, миясига шум фикр келди: «Оташкуракни босаман, оташкуракни!» У оташкуракни кўлига олиб, унинг қизиб ётган учига туплади. Тупуриги «жиз» этдию йўқолди-қолди. У ўчоқбошидан чиқиб, супага қараб одимлади.

«Ойимнинг кўкарган юзлари учун!..»

Қиз дадасига яқин ерга борди. Оёқ-қўли титради. «Мана ҳозир, мана ҳозир менам юзига босаман: ойимни ноҳақ ургани учун, ичавергани учун, одамларга кулги бўлганимиз учун босаман! «Эрсираб қолдингми?» — дегани учун ҳам. Менинг мундай отам йўқ!..» У дадасининг тепасига келди. Ўзида пайдо бўлган шафқатсизликдан ҳайрон эди. Туйқусдан дадасини йўтал тутди, кўрқинчли йўталди. Сўнг ўхчиди, бошини кўтармоқчи бўлди.

Қиз кўрққанидан кетига тисланиб, тут орқасига яширинди. Дадаси чайқала-чайқала супа четига тираниб, ариқ тарафга энгашди. Қайт қилмоқчи бўлиб кучанди, бироқ қайт қилолмади, уриниши зое кетди. Кейин қорнини чангаллаб оғир йўталди.

— Кхм, иғғғ... кхм... иблислар... — дея ҳақоратомуз сўзларни оғзига олиб сўкина бошлади. — Иғғх... кхм... Ҳаммангга ташлаб кетаман!.. Яшайверларинг, каламушдайин... кхм... иғ-қҳ... кхм... Сенлар одам эмассанлар! Се-енлар тагим-мга етдиларинг! Таг-гимга!.. Ташлаб кетаман, ҳамманг-гаа... Ўҳ-ҳўў...

У кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бўлиб кучанди. Бирдан букчайиб, ўкраб қайт қилди. Ўпкаси чириганлардай кўксовланди. Талмовсираган қиёфада тева-рак-атрофга нажот излаб аланглади-да, нажоткорини

тополмади чоғи, ёни билан шолчага чўзилди. Узоқ инг-ради.

Қизнинг юраги ачишди. Дадасининг қотиб кетган, айниқса кучанганида қорайиб кетувчи юзига, қусуқлар оқиб тушган чўзинчоқ серсоқол иягига боқди-ю, кўнгли юмшади, унга жуда ҳам раҳми келди. Камол отанинг: «Собир салоҳи йигит эди, шу салоҳилиги учун ҳам олақарғалар чўқиб ташлашган», деган гапи ёдига тушди. Ҳақиқатан ҳам дадаси чўқиб ташланган бир аҳволда ётарди. У сесканиб кетди, иргангани йўқ — сесканди! Баданида чумоли ўрмалагандай бўлди. Қўлидаги оташкуракни ариққа улоқтирди. Оташкурак тўғри бориб дадасининг қусуқлари ўртасига санчилди, қиз чопганча кўчага отилди. Қаерга ошиқаётганини ўзи ҳам билмас, фақат шу хонадондан чиқиб кетса бўлгани!..

У ҳўнг-ҳўнг йиғлаб кўприк томон югурди.

Ўзимни Қичқириққа ташлайман!

Йўқ, у ўзини Қичқириққа ташлагани йўқ!

Ташлашим мумкин эди, ташлаганим йўқ!

Кўзига онаси кўринди, сингиллари, қусиб ётган дадаси...

Яна талай нарсалар: мактабим, дугоналарим, бозорчадагилар ва У кўриниб кетди кўзимга!..

Қиз анчагача Қичқириқ ёқасида ўтирди.

Оймомо тиккага келиб, заррин нури Қичқириқда чил-чил синган паллада уйга отландим, очиқиб ва ғоят толиқиб...

Қиз эндигина ўн бешдан ўн олтига қадам қўйган, шу йил ўнинчи синфга боради.

Адамлар қўйган асли исмим КАРОМАТ эди.

Қиз бугун туш кўрганди...

У мени учар гиламда опқочиб кетаётганмиш...

Қиз хафа бўлиб ортига қайтди. Ҳаёт бу хонадон бошига машғум мусибат КАРОМАТ қилганини Каромат ҳали билмасди...

...Эртасига эрталаб Хончорбоғда мудҳиш хабар тарқалди: РАШИД АКАНИНГ ЎҒЛИ СОБИР ПАЙМОНАСИ ТЎЛИБ, БАНДАЛИКНИ БАЖО КЕЛТИРИБДИ...